МУҲАММАДЁҚУБ ОСТОНАҚУЛОВ

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ НАЗАРИЯСИ

"IQTISOD-MOLIYA"

МУҲАММАДЁҚУБ ОСТОНАҚУЛОВ

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ НАЗАРИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий ўқув юртларининг иқтисодий таълим йўналишлари талабалари учун дарслик сифатида тавсия этилган

Иккинчи нашр, ўзгартиришлар билан

Тошкент
«IQTISOD–MOLIYA»
2007

Тақризчилар: **Ибрагимов А.** - и.ф.д., профессор, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси «Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит» кафедраси мудири;
Усанов А. - и.ф.н., доцент, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси «Солиқ ва солиққа тортиш» кафедраси мудири

М. Остонақулов. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. –Т.: **«IQTISOD-MOLIYA»**, 2007, 400 бет.

Ушбу дарслик Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий таълимнинг 340000 – «Бизнес ва бошқарув» таълим соҳасидаги 5340900 – «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» бакалавриат йўналиши учун 2003 йил 8 июлда тасдиқланган «Бухгалтерия ҳисоби назарияси» фани дастурига асосан ёзилган.

Дарсликда бухгалтерия ҳисоби назариясига доир ҳамма замонавий масалалар Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни ва ҳозирги вақтда Республикада ишлаб чиқилган «Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишнинг концептуал асослари» ҳамда Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БҲМС) асосида ёритилган.

Ушбу дарслик Олий ўқув юртларида ўқиладиган «Бухгалтерия ҳисоби назарияси» фани бўйича «Бухгалтерия ҳисоби» бакалавриат талабалари учун мўлжалланган бўлиб, бундан иқтисодий олий ўқув юртлари бакалавриат ва магистратура талабалари, ўрта махсус ўқув юртлари ва коллежлар ўқувчилари, хўжалик юритувчи субъектлар ва бюджет ташкилотларининг бухгалтерлари ва иқтисодчиларининг малакасини ошириш институтлари, марказлари ва курсларининг тингловчилари ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ва бюджет ташкилотларининг бухгалтерлари ва иқтисодчилари фойдаланишлари мумкин.

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.

Ушбу китобнинг ҳеч бир қисмини муаллифнинг олдиндан берилган ёзма розилигисиз электрон, механик ёки ҳозир маълум бўлган ёки кейинчалик ихтиро қилинган бошқа воситалар, шу жумладан сканирлаш, фотокўчирма олиш ёки ёзиб олишнинг бошқа воситалари ёрдамида ёхуд ахборотни сақлаш ва излашнинг ҳар қандай тизимида тўлиқ ёки қисман таржима қилиш, қайта нашр этиш, такрорлаш ва ундан ҳар қандай шаклда фойдаланиш тақиқланади.

ISBN 978-9943-13-046-3

© М. Остонақулов, 2007.
© М. Остонақулов, 2005.
© «IQTISOD-MOLIYA», 2007.

Муқаддима

Бухгалтерия ҳисоби фанида хўжалик субъектларида хўжалик маблағлари ва унинг манбалари ҳамда хўжалик жараёнларини акс эттиришнинг методологик асослари иқтисодий қонунлар талабларига мувофиқ ёритилади. Бухгалтерия ҳисоби фани жамият ривожланишида турли маълумотларни тегишли ахборот ташувчиларда акс эттириш, уларни йиғиш ва ишлаш бўйича ҳамма формацияларда тўпланган тажрибаларни ижодий равишда умумлаштириш асосида вужудга келган.

Замонавий бухгалтерия ҳисоби назарияси унинг ривожланиш тарихи, қайси формацияда кимларнинг манфаатига хизмат қилиши, предмети ва усули, вазифалари, ташкил қилиниши ва бошқаларни ўргатади. Бухгалтерия ҳисоби назариясини ўрганиш бухгалтерия ҳисоби усулини икки ёқлама ёзиш, счётлар тизими, бухгалтерия баланси, хўжалик операцияларини узлуксиз ҳужжатлаштириш, инвентаризация қилиш, бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи, хўжалик маблағларини баҳолаш, ишлаб чиқарилган маҳсулот ва сотиб олинган моддий қийматликлар таннархини аниқлаш ҳақида тўғри тушунчага эга бўлишни, ҳисобнинг асосий вазифаларини ҳал қилишга ижодий ёндашишни таъминлайди. Бухгалтерия ҳисоби назарияси дарслигида ҳисоб ишларини олиб боришда замонавий ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиш масалаларига алоҳида аҳамият берилган. Бу умумий назарияни билиш бухгалтерия ҳисоби фанига бўлган қизиқишни уйғотади ва кишиларнинг махсус билим савияларини кенгайтиради.

Бухгалтерия ҳисоби назарияси дарслиги Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни ва ҳозирги вақтда Республикада ишлаб чиқилган «Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишнинг концептуал асослари» ҳамда бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БҲМС) асосида ёзилган.

Бухгалтерия ҳисоби назарияси бухгалтерия ҳисобининг ҳамма тармоқ курслари, яъни саноатда бухгалтерия ҳисоби, савдода бухгалтерия ҳисоби, қурилишда бухгалтерия ҳисоби, қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби, моддий таъминотда бухгалтерия ҳисоби,

давлат банкида бухгалтерия ҳисоби ва бошқалар учун умумий бўлган қоидаларни ўргатади. Бухгалтерия ҳисоби назарияси ва унинг тармоқ курслари биргаликда бухгалтерия ҳисоби фанини ташкил қилади. Бу фан хўжалик фаолиятининг таҳлили ва аудит курслари билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки бухгалтерия ҳисобининг маълумотларидан фойдаланиш усулларини хўжалик фаолиятининг таҳлили ва аудит курслари ўргатади.

Бухгалтерия ҳисоби назарияси халқ хўжалиги тармоқларидаги бухгалтерия хисоби, статистика, миллий счётлар тизими, менежмент, маркетинг, халқаро иқтисодий муносабатлар, иқтисодиёт назарияси, макроиқтисодиёт, микроиқтисодиёт, иқтисодий таҳлил, молия, солиқлар ва солиққа тортиш, корхоналар молияси, қимматли қоғозлар ва биржа иши, кичик бизнес ва тадбиркорлик, суғурта иши, инвестицияни ташкил қилиш ва молиялаштириш ҳамда пул, кредит ва банклар, ҳуқуқшунослик каби иқтисодий фанлар билан ўзаро боғлиқдир.

Бухгалтерия ҳисоби назариясига хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича илғор тажрибаларни умумлаштириш, таҳлил қилиш ва шу асосда бухгалтерия ҳисобини доимо такомиллаштириш вазифаси юклатилган.

Ушбу дарслик халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартлари ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг транснационал корпорациялар (ТНК) бўйича Маркази ва Экспертлар гуруҳи иштирокида ишлаб чиқилган «Хўжалик субъектлари молиявий хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобининг счётлар рўйхати ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» асосида тайёрланган. Юқоридаги счётлар рўйхати ва уни қўллаш бўйича йўриқномага биноан республика иқтисодиёти тармоқларидаги барча хўжалик субъектларида (банклар ва бюджет муассасалари бундан мустаснодир), уларнинг кимга бўйсунишидан, қайси мулкчиликка асосланганлигидан, ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан қатъий назар, икки ёқлама ёзиш усули билан ҳисоб олиб бораётган фаолият турларида бухгалтерия ҳисоби уюштирилади. Шунинг учун ҳам бу дарслик бухгалтерия ҳисоби бўйича мутахассис тайёрловчи ҳамма олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун умумийдир.

БИРИНЧИ БОБ

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

1. Ҳисоб ҳақида умумий тушунча

Ҳисоб маблағларни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш жараёнида моддий ишлаб чиқаришни уюштириш, бошқариш ва раҳбарлик қилиш учун зарурдир. Ҳисоб кишилик жамиятининг барча ижтимоий-иқтисодий формацияларида мавжуд бўлган. Аммо бу ҳисоб ўзининг мазмуни, аҳамияти, вазифаси, техникаси ва шакллари билан турли формацияларда турлича бўлиб, ўша формациянинг ишлаб чиқариш усули билан белгиланган. Шунинг учун ҳам ҳисоб ҳар бир формацияда шу формациянинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирган.

Жамият тараққиётининг асоси моддий неъматлар ишлаб чиқариш бўлгани учун ҳам кишиларнинг ижтимоий ҳаётида содир бўлаётган ҳодисаларни кузатиш, жамиятда бор бўлган меҳнат қуроллари ва меҳнат буюмларини, шунингдек, меҳнат жараёнларини ҳисобга олиш мақсадида ҳисобдан фойдаланилган.

Ҳисобга бўлган талаб, айниқса, товар айирбошлаш даврига келиб кучайди. Чунки бу жараённинг ўзи товар алмаштириш ва уни ҳисоб қилиш учун умумий эквивалент бўлишини талаб қиларди. Бундай алмаштиришнинг тенг баҳоланиши учун алмаштириш мақсадида ишлаб чиқарилган товарга сарфланган ижтимоий зарурий меҳнат миқдорини билиш талаб қилинган. Бундай маълумотни эса фақат ҳисобни юритиш йўли билангина олиш мумкин бўлган. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёни миқёсининг ўсиши натижасида хўжалик фаолиятига раҳбарлик қилишнинг мураккаблашиши билан моддий ишлаб чиқариш асосида пайдо бўлган ҳисобнинг роли ошиб, жамиятнинг ҳамма соҳаларидаги мулкларни ҳисобга олиш вазифалари кенгайиб борган. Ҳисоб моддий ишлаб чиқариш тараққиётининг ҳамма босқичларида фойдаланилган ва у тобора такомиллашиб борган. Ҳисоб хўжалик жараёнини ҳисобга олиш билан бирга унга

фаол таъсир қилади ва тўғри йўналишда ривожланишига имконият яратиб беради.

Шундай қилиб, жамиятда ҳисоб асосан қуйидаги функцияларни бажаради:

а) хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик фаолиятида содир бўлаётган жараёнларни кузатиб бориш;

б) кузатиш натижасида олинган маълумотларни миқдорий кўрсаткичларда ифодалаш;

в) хўжалик юритувчи субъектлар хўжалик фаолиятини кузатиш натижаларини махсус ҳужжатларда қайд қилиш;

г) махсус ҳужжатларда қайд қилинган хўжалик операцияларини умумлаштириш ва гуруҳлаш;

д) хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик жараёни ва операциялари устидан назорат олиб бориш ва унга таъсир этиш.

Юқорида санаб ўтилган ҳисоб функциялари айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг ва бутун халқ хўжалигининг иқтисодий жиҳатдан асосланган жорий ва истиқбол режаларини тузишда, уларнинг бажарилишини назорат қилишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Шундай қилиб, ҳисоб кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини миқдорий акс эттириш ва унга сифат жиҳатдан тавсифнома беришга мўлжаллангандир.

2. Ҳисобда қўлланиладиган ўлчовлар

Хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик фаолиятида оддий кузатиш ёрдамида содир бўлган хўжалик операцияларини ҳисобга олиш, хўжаликда бўлган маблағларнинг миқдорий, шунингдек, бажарилган ишларнинг ҳажмини ва хўжалик фаолиятининг бошқа кўрсаткичларини оддий кузатиш ёрдамида аниқлаш мумкин эмас. Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳамма ишларини ҳисобга олиш учун миқдорий ифодалаш ва сифат жиҳатдан тавсифнома бериш зарурдир. Шунинг учун ҳам ҳисоб ёрдамида кузатиладиган объектлар миқдор кўрсаткичлари билан ифода этилади. Ҳисобда шу мақсад учун натура, меҳнат ва пул ўлчовларидан фойдаланилади.

Натура (табиий) ўлчовлари хўжалик маблағлари ва уларнинг иш жараёнидаги ҳаракатларини натура ҳолида ифодалаш учун ҳизмат қилади. Натура ўлчовларини қўллаш ҳисобга олинаётган объектнинг хусусиятларидан, яъни унинг физик ва истеъмол хоссасидан фарқ қилади. Масалан, ҳисоб объектлари: оғирлик бирлигида

(грамм, килограмм, центнер, тонна); ҳажм бирлигида (метр, кубометр); узунлик бирлигида (сантиметр, метр); ҳисоб бирлигида (дона, бош) ва бошқаларда ўлчанади.

Натура ўлчовлари моддий қийматликларни ҳисоблаш, тортиш ва ўлчаш натижасида олинган маълумотларни ҳисобга олиш, уларнинг миқдор ва сифат ўзгаришлари устидан назорат олиб бориш учун қўлланилади. Бундай ҳисобга олишнинг афзаллиги шундаки, у аниқ маҳсулотнинг массаси ҳақида маълумот беради. Натура ўлчовлари фақатгина ҳисобга олинаётган объектнинг миқдорини акс эттирибгина қолмасдан (масалан, ишлаб чиқариладиган маҳсулот), балки унга сифатий тавсифнома (тури, нави) ҳам берадики, бу мулкнинг қўриқланиши учун катта аҳамиятга эгадир.

Натура ўлчовлари ёрдамида машина, хом ашё, материал, ёқилғи, тайёр маҳсулот ва бошқаларнинг миқдорий кўрсаткичларини (масалан, металлургия заводининг маҳсулотини - тонна, тўқимачилик фабрикасининг маҳсулотини - метр, кўмирни - тонна, суваш ишларини - квадрат метр ва ҳоказо) аниқлаш билан бирга, нарсаларнинг сифат белгиларини (баландлигини, маҳкамлигини, пишиқлигини, ҳажмини ва бошқаларни) ҳам ифодалаш мумкин. Лекин шуни ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, натура ўлчовлари ёрдамида моддий маблағларнинг мақсадга мувофиқ фойдаланилиши устидан назорат ўрнатилса-да, ундан ҳисоб-китоб қилишда фойдаланиш чегараланган, чунки табиий хусусият бўйича ҳар хил бўлган кўрсаткичларни бир жойга йиғиб акс эттириш имконияти йўқ. Масалан, ҳажм ва оғирлик, оғирлик ва майдон, дона ва узунлик ва шунга ўхшаш ҳар хил натура кўрсаткичларини, шунингдек, килограмм миқдорини кубометр миқдори билан, метр миқдорини центнер миқдори билан бирга олиб бориш умуман мумкин эмас.

Айрим ҳолларда бажарилган ишларни тўғри ҳисобга олиш учун мураккаб (комбинациялашган) натура ўлчовларидан фойдаланилади. Масалан, транспорт ишлари тонна-километр, энергия ишлаб чиқариш киловатт-соат билан ўлчанади ва ҳоказо.

Меҳнат ўлчовлари маълум маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки бошқа бирор ишни бажариш учун сарфланган иш вақтини аниқлаш учун хизмат қилади. Меҳнат ўлчовининг асосида маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган вақт бирлиги меъёри ёки бирон-бир ишни бажаришга сарфланадиган вақт меъёри ётади. Меҳнат ўлчовларига мисол сифатида киши-кунини, киши-соатини келтириш мумкин.

Меҳнат ўлчовлари натура ўлчовлари билан биргаликда меҳнат унумдорлигини, меҳнат ҳақининг кўламини, бажарилаётган иш меъёрини аниқлаш учун хизмат қилади. Шуни ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, натура ва меҳнат ўлчовларининг халқ хўжалик ҳисобида катта аҳамиятга эга эканлигига қарамасдан улар ёрдамида олинган кўрсаткичларни ҳамма вақт ҳам умумлаштириб ва солиштириб бўлавермайди. Масалан, умумлаштирувчи маълумотни олиш учун метр билан киши-соатини, дона билан метрни қўшиш мумкин эмас.

Товар-пул муносабатларининг мавжудлиги меҳнат ва натура ўлчовлари маълумотларини қиймат шаклида ўлчашни талаб қилади. Бунинг учун қиймат ёки пул ўлчови хизмат қилади.

Пул ўлчовидан хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик маблағларини ва уларнинг манбаларини, шунингдек хўжалик жараёнларини ҳисобга олиш ва улар устидан назорат ўрнатиш мақсадида умумлашган маълумот олиш учун фойдаланилади (сўм ва тийин кўрсаткичларида). Пул ўлчовининг мавжудлигини товар ишлаб чиқариш ва қиймат қонунининг ҳаракати тақозо этади.

Товар ишлаб чиқариш ва қиймат қонунининг амал қилиши билан вужудга келган пул ўлчови ҳозирги вақтда хўжалик юритувчи субъектларда хўжалик маблағлари ва жараёнларининг умумлашган кўрсаткичда акс эттиришини таъминлабгина қолмасдан, балки уларнинг шу фаолияти устидан кундалик назорат ўрнатади, моддий ресурслардан ва пул маблағларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишни таъминлашга ёрдам беради.

Пул ўлчови ёрдамида хўжалик юритувчи субъектнинг маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарфланган ҳамма харажатини ҳисоблаш, харажатларни даромад билан таққослаш ва натижани аниқлаш, маҳсулот таннархини аниқлаш, ишни рационал юритишни таъминлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш манбаларини аниқлаб топиш, ҳар хил маблағларнинг мавжудлиги ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш, ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган ҳар хил харажатларни йўқотишга эришиш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун қўшимча маблағларни ташкил қилиш мумкин.

Хўжаликда пул ўлчовисиз ҳар хил йиғма кўрсаткичларни талаб қиладиган халқ хўжалигини режалаштириш мумкин эмас. Бу хўжалик юритувчи субъектлар хўжалик ишларининг ҳар хил кўрсаткичларини ҳисоблаш учун хизмат қилибгина қолмасдан, балки улар ўртасидаги ҳисоб-китоб ва кредит операцияларини амалга оширишга ҳам шароит яратиб беради.

Шуни айтиш керакки, пул ўлчови ёрдамида ҳисобнинг муҳим асоси - хўжалик фаолияти устидан пул билан назорат ўрнатилади. Бундан ташқари пул ўлчови сифат кўрсаткичи - маҳсулот бирлигининг таннархини аниқлашга хизмат қилади.

Кўпинча пул ўлчови ҳисобда меҳнат ва натура ўлчовлари билан бирга қўлланилади. Масалан, моддий қийматликларнинг пулдаги ифодасини аниқлаш учун унинг натура ўлчовидаги миқдорига нархини кўпайтириш зарурдир. Шунингдек ишчига унинг касаллик варақасига мувофиқ нафақа ҳисоблаш учун меҳнат ўлчовидаги касал куни миқдорига ўртача кунлик иш ҳақи суммасини кўпайтириш зарур.

Шундай қилиб, ҳисобда турли мақсадларга хизмат қиладиган уч хилдаги ўлчовлар тизими амал қилади. Бу ўлчовлар айрим ҳолларда алоҳида, айрим ҳолларда эса биргаликда қўлланилиб, хўжалик фаолияти юзасидан тўла тавсифнома бериш учун хизмат қилади.

3. Ҳисоб турлари. Бухгалтерия ҳисоби

Республикамизда иқтисодиёт ягона давлат режаси асосида юритилади. Бу ўз навбатида ҳисобнинг ягона тизимини яратишни талаб қилади. Хўжалик фаолияти жуда мураккаб ва кўп қиррали бўлганлиги сабабли ҳисобнинг шундай бир тизимини яратиш талаб қилинадики, бу ягона тизим хўжалик юритувчи субъектларда ҳамда бутун халқ хўжалигида содир бўлаётган турли-туман хўжалик фаолиятлари ва операцияларини қамраб олсин ҳамда халқ хўжалигига раҳбарлик қилиш ва уни бошқариш учун зарур бўлган маълумотлар билан таъминлай олсин. Ҳисобнинг бу тизимига тезкор ҳисоб, бухгалтерия ҳисоби ва статистик ҳисобларни бир-бирига чамбарчас боғлиқ ҳолда қўллаш билан эришилади. Бу учала ҳисоб турининг йиғиндиси халқ хўжалик ҳисоби деб аталади.

Тезкор ҳисоб ишлаб чиқаришнинг айрим бўлинмаларида содир бўлаётган хўжалик жараёни ва операциялари ҳақида зарур маълумотларни тезда етказиб беришга қаратилган жорий кузатиш ва назорат қилиш усулидир. Бу ҳисоб маълумотлари хўжалик фаолияти ва операцияларини кузатиш натижасида олинади. Уларни махсус ҳужжатларда қайд қилиш шарт эмас. Улар оғзаки, телефон ёки телеграф орқали берилиши ҳам мумкин. Шундай қилиб, тезкор ҳисобда барча алоқа воситалари ишлатилади. Тезкор ҳисоб ёрдамида мол етказиб берувчиларнинг шартномаларни бажариши, ишчи ва хиз-

матчиларнинг ишга ўз вақтида келиши, молларнинг жўнатилиши, тўлов муддатлари бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши, мусобақанинг борищи ва бошқалар тўғрисида маълумотлар олинади. Бу маълумотлар хўжалик жараёни ва ишлаб чиқариш режаларининг бажарилиши устидан назорат қилишда кенг ишлатилади.

Тезкор ҳисобнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бунда хўжалик жараёни тўғрисидаги маълумотлар тезлик билан қайд қилинади ва тегишли жойга тезда етказилиб берилади. Бундай маълумотлардан эса муайян хўжалик юритувчи субъектда хўжалик жараёни, шунингдек, бутун халқ хўжалигига тезкор раҳбарлик қилиш учун фойдаланилади. Тезкор ҳисобда аниқ объектдан қатъий назар, натура, меҳнат ва пул ўлчовларидан фойдаланилади.

Бухгалтерия ҳисоби хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбаларининг ҳаракатини кўрсатади. У хўжалик жараёни операциялари устидан ёппасига ва узлуксиз кузатиш олиб бориш, кузатиш натижасида олинган маълумотларни ўлчаш ва ҳужжатларда қайд қилиш ҳамда уларни ягона бир ўлчовда, яъни пулда ифодалаб умумлаштириш тизимидан иборатдир. Бухгалтерия ҳисоби айрим хўжалик юритувчи субъектларда содир бўлаётган хўжалик жараёни ва операцияларини узлуксиз кузатиш ва кетма-кет қайд қилишни амалга ошириш, хўжалик ижтимоий фаолиятининг ҳамма томони устидан назорат олиб боришни таъминлаш усулидир.

Бухгалтерия ҳисобининг ҳар бир қайд этилган ёзуви амалга оширилган хўжалик операциясини ёппасига ҳужжатлаштиришга асосланади. Бухгалтерия ҳисоби ҳисобнинг ҳужжатли ҳисоб тури деб аталади.

Биз юқорида қайд қилганимиздек, бухгалтерия ҳисобида натура, меҳнат ва пул ўлчовларидан фойдаланилади. Ҳар қандай хўжалик операцияси албатта пулда ифодаланади. Шунинг учун ҳам бухгалтерия ҳисоби пулли ҳисоб тури деб юритилади, яъни содир бўлган хўжалик жараёни ва операцияларини умумлаштириш фақат пул ифодасида олиб борилади.

Статистик ҳисоб муайян шароитда халқ хўжалигининг бутун миқёсида ҳамда айрим соҳаларида ижтимоий ривожланиш қонуниятларини миқдорий ифодада ўрганади. Демак, статистик ҳисоб миқдорий ҳодисаларни ўрганиш ва назорат қилиш тизимидир. Унинг объекти алоҳида хўжалик субъекти, умуман халқ хўжалиги ёки унинг бирор тармоғи бўлиши мумкин.

Статистик ҳисоб тегишли усуллардан, масалан, статистик кузатиш, статистик йиғиш, статистик гуруҳлаш, ўрта миқдорни олиш ва бошқалардан фойдаланиб, жамият хўжалик фаолияти ривожланишининг асосий қонуниятларини аниқлайди. Статистик ҳисоб ишлаб чиқарувчи кучлар, ишлаб чиқариш муносабатлари ва жамият ҳаётидаги сиёсий ва маданий жараён ривожланишининг миқдорий кўрсаткичларини беради. Шунинг учун ҳам халқ хўжалик ҳисоби тизими статистик ҳисоб талабларига мос ҳолда умумий методология асосида юритилади. Статистик ҳисоб хўжалик фаолияти ҳодисаларини ўрганишда маълум даражада бухгалтерия ҳисобининг кузатиш натижаларидан фойдаланади.

Статистик ҳисоботнинг махсус шаклларида маҳсулотнинг ҳажми (миқдори) ва сифати, ишлаб чиқаришда сарфланган меҳнат ва унинг унумдорлиги, иш ҳақи, хўжалик юритувчи субъектларда ишловчи ходимларнинг сони, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархи ва бошқалар акс эттирилади. Бу маълумотлар хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик-молиявий фаолиятини иқтисодий таҳлил қилишда кенг фойдаланилади.

Статистик ҳисоб хўжалик жараёнида содир бўлган ҳодисаларнигина ўрганиб қолмасдан, балки жамиятдаги сиёсий ва маданий ҳодисаларни ҳам ўрганади. Масалан, статистик ҳисоб ёрдамида аҳолининг ҳаракати, туғилиши ва ўлими, жамиятнинг ижтимоий тузилишидаги ўзгаришлар ва ҳоказолар ҳам ўрганилади.

Статистик ҳисоб ўрганаётган объекти ва қўйилган мақсадига қараб натура, меҳнат ва пул ўлчовларидан, умумлашган кўрсаткичларни олиш учун эса тезкор ҳисоб ва бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан кенг маънода фойдаланади.

Фаннинг мақсади халқ хўжалигида бухгалтерия ҳисобининг алоҳида роли ва аҳамиятини ифодалашга мўлжалланганлиги учун унинг айрим хусусиятларини қуйидагича таърифлаймиз.

Бухгалтерия ҳисоби, биринчидан, хўжалик юритувчи субъектлари маблағларининг жойланиши ва уларнинг ташкил топиш манбаларида бўладиган ўзгаришларга олиб келувчи ҳамма хўжалик жараёни ва операцияларини ёппасига қайд қилади; иккинчидан, бу жараён ва ўзгаришлар икки ёқлама ёзиш усули билан мунтазам, узлуксиз ва ўзаро боғланган ҳолда қайд қилинади; учинчидан, ёзув фақат ҳужжатларгагина асосланади; тўртинчидан, ҳамма хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобида пул ифодасида акс эттирилади. Демак, бухгалтерия ҳисоби хўжалик юритувчи субъектларда

содир бўлаётган хўжалик жараёни ва операцияларини пул ифодасида ёппасига узлуксиз, ўзаро боғланган, ҳужжат билан асосланган ҳолда акс этишини таъминлайди.

Бухгалтерия ҳисоби ягона халқ хўжалик ҳисоби тизимининг бир тури бўлганлиги сабабли ҳисобга хос бўлган ҳамма умумий вазифалар унга ҳам тегишлидир.

Ҳисобнинг уч тури: тезкор ҳисоб, бухгалтерия ҳисоби ва статистик ҳисоб биргаликда халқ хўжалик ҳисобининг ягона тизимини ташкил қилади. Бир турдаги ҳисобнинг маълумотларини иккинчиси тўлдиради ёки умумлаштиради. Ҳозирги пайтда халқ хўжалик ҳисобини ташкил қилишда ҳисобнинг икки турини қўшиб олиб бориш ҳоллари ҳаётга кириб келмоқда. Аналитик ҳисобни соддалаштириш, замонавий компьютерларни қўллаш асосида тезкор ҳисоб билан бухгалтерия ҳисобини биргаликда олиб бориш характерлидир.

Барча ҳисоблар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда юритилади. Бу алоқани кўрсатиш учун бухгалтерия ҳисобида вақтбай ҳақ тўлаш шаклида иш ҳақи олувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг ишчи, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларига иш ҳақи ҳисоблаш жараёнини мисол сифатида олиш мумкин. Бунда иш ҳақини ҳисоблаш учун тезкор ҳисоб маълумотларига асосланилади, яъни табелдаги ишчи, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг ишга келганлиги ва кетганлиги ҳақидаги маълумотга асосан иш ҳақи ҳисобланилади.

4. Бухгалтерия ҳисобининг вазифалари ва унинг олдига қўйиладиган талаблар

Халқ хўжалик режаларининг бажарилиши устидан назорат олиб бориш бухгалтерия ҳисобининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу вазифанинг бажарилиши хўжалик юритувчи субъектларида содир бўлаётган хўжалик жараёни ва операцияларини ўз вақтида, аниқ ва ҳужжатга асосланган ҳолда бухгалтерия ҳисобида акс эттириш йўли билан таъминланади.

Бухгалтерия ҳисоби жорий ва истиқбол халқ хўжалик режаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилиши устидан назорат олиб бориш учун хўжалик юритувчи субъектлардаги мавжуд асбоб-ускуналар, уларнинг қуввати, жойланиши, қандай даражада фойдаланилаётганлиги ва ички манбалари тўғрисида маълумот бериши керак.

Хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлар таннархини пасайтириш, хўжалик юритувчи субъектларда ва уларнинг айрим бўлинмаларида ички хўжалик ҳисобини кенг қўллаш ва мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, меҳнатнинг турли шаклларини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш ҳам бухгалтерия ҳисобининг вазифасидир. Бу ишни муваффақиятли амалга ошириш хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳамма ички имкониятларини ахтариб топиш ва улардан фойдаланиш, иқтисодий тежамкорликка риоя қилиш, ишлаб чиқариш харажатларини аниқ ҳамда ўз вақтида ҳисоб қилиб бориш билан бажарилади.

Бухгалтерия ҳисобининг навбатдаги вазифаларидан яна бири меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг оқилона тизими ва шаклларини қўллаш йўли билан меҳнатнинг миқдори ва сифатига қараб тақсимлаш асосини тўғри амалга ошириш устидан назорат олиб боришдир.

Ҳисоб ишлаб чиқаришда материал, ёқилғи, энергия ва иш ҳақи харажатлари меъёрларига ва хўжалик харажатларининг сметасига қаттиқ риоя қилиниши устидан назорат қилишни таъминлайди. Шунингдек, у хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзларига, вазирликларга, жамоат ташкилотларига ва бошқаларга мунтазам равишда давлат режаларининг бажарилиши юзасидан маълумот бериш ва назорат ўрнатиш, шунинг билан бирга, уларнинг фаолиятига амалий таъсир қилишни таъминлай оладиган зарур маълумотларни етказиб беради. Бундан ташқари бухгалтерия ҳисобининг вазифасига мулкнинг бутлигини таъминлаш ва ундан тўғри фойдаланиш, шунингдек, хўжалик ҳисобини жорий қилиш ва мустаҳкамлаш, шу асосда иқтисод режимини ўрнатиш ҳам киради.

Бундай вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши ва ҳисобдан халқ хўжалигини бошқаришда кенг фойдаланиш учун ҳисоб олдига айрим талаблар қўйилган. Бу талабларга режа кўрсаткичларини ҳисоб кўрсаткичлари билан таққослаш мумкинлиги, уларнинг аниқлиги ва тўғрилиги, тўлалиги ва ўз вақтида бажарилиши, равшан ва хаммабоплиги, режалилиги ва арзонлилиги кабилар киради.

Режа кўрсаткичларини ҳисоб кўрсаткичлари билан таққослаш мумкинлиги давлат режа топшириғининг бажарилишини текширишга имконият яратади. Чунки бу маълумотлар ўзаро бир хил бўлмаса, уларни солиштириш имкони бўлмайди. Масалан, режадаги тайёр маҳсулотни сотиш кўрсаткичлари (ассортименти, нави, тури, баҳоси, миқдори, вақти ва ҳоказо) ҳисобдаги худди шу мод-

даларда бўлмаса, фарқларнинг моҳиятини ва сабабларини аниқлаш мумкин эмас.

Шунинг билан бирга режа ва ҳисоб маълумотларини таққослашнинг зарурлиги шундаки, хўжалик субъекти келгусида бажариладиган ишлар режасини тузиш учун ҳисоб кўрсаткичлари ёрдамида ўтган даврда қандай натижаларга эришилганлиги тўғрисида маълумотлар олади.

Ҳисоб маълумотларининг аниқлиги ва тўғрилиги. Бунда хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик жараёнида содир бўлган хўжалик операциялари қандай бўлса, шундай акс эттирилади. Ҳисоб маълумотларининг тўғри кўрсатилиши қонун билан муҳофаза қилинади.

Ҳисоб маълумотларининг тўлалиги ва ўз вақтида бажарилиши. Ҳисоб хўжалик жараёнининг ҳамма томонини эгалламоғи, у тўғрида тўла тавсифнома бермоғи зарур. Содир бўлган хўжалик операциялари тўғрисидаги маълумотлар қатъий ўрнатилган муддатга берилмоғи керак. Ўз вақтида ва тўла олиб борилган ҳисоб ёрдамидагина хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик фаолиятига тўғри раҳбарлик қилиш, хўжалик жараёнини мукаммал ўрганиш, содир бўлган камчиликларни ўз вақтида аниқлаш, хўжаликнинг ички резервларини ахтариб топиш имкониятларига эга бўлиш мумкин. Ана шундагина ҳисобнинг таъсирчанлик роли ошади.

Ҳисобнинг равшан ва ҳаммабоплиги. Ҳисобнинг равшан ва ҳаммабоп тарзда олиб борилиши ҳисоб маълумотларининг фақат ҳисоб ходимларигагина тушунарли бўлиб қолмай, балки бошқа кишиларга ҳам тушунарли бўлиш имконини беради. Бунинг учун эса, ҳисоб кўрсаткичлари содда ва тушунарли бўлиши, хўжалик юритувчи субъект хўжалик фаолиятининг муҳим томонларини аниқ характерлайдиган бўлмоғи зарур.

Равшан ва ҳаммабоп тарзда олиб борилган ҳисоб хўжалик юритувчи субъектни таъсис этувчи ва қатнашувчиларни ишлаб чиқаришни бошқаришга кенг жалб қилади. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда ҳисоб ишларини равшанлаштиришга қаратилган бир қанча тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу тадбирлар энг аввало ҳисоб ишларини қисқартириш, соддалаштириш, ҳужжатларнинг реквизит(кўрсаткич)ларини камайтиришга ҳамда ҳисобни халқаро стандартлар даражасига етказишга қаратилган ишлардир. Бундан ташқари ҳисобнинг равшан ва ҳаммабоп тарзда олиб борилишини таъминлаш учун ҳисоб ишлари юқори малакали, фаол ва ижодий ташаббускор ходимлар қўлига топширилиши зарур.

Ҳисобнинг режалилиги ва арзонлиги. Ҳисобни режали олиб бориш ва уни арзонга тушириш учун ҳисоб аппаратини қисқартириш, ҳисоб ишларини тўла компьютерларда бажариш, замонавий ҳисоб шаклларини ва бухгалтернинг автоматлаштирилган иш жойларини кенг қўллаш, бошланғич ҳужжатларни мукаммаллаштириш ва ҳисобни марказлашган ҳолда ташкил қилиш билан эришилади. Мана шундай тадбирлар амалга оширилгандагина ҳисоб ходимларининг сони камайтирилиши ва меҳнат унумдорлиги оширилиши мумкин.

Савол ва топшириқлар

1. Ҳисоб нима?
2. Ҳисоб турларини сананг.
3. Халқ хўжалик ҳисобининг ягона тизими нима?
4. Бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаларини изоҳланг.
5. Бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифалари нималардан иборат?
6. Бухгалтерия ҳисобининг олдига қўйилган талабларни изоҳланг.
7. Ҳисобда қўлланиладиган ўлчовларни айтиб беринг.
8. Пул ўлчовининг махсус ролини изоҳлаб беринг.

ИККИНЧИ БОБ

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА УСУЛИ

1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик маблағлари

Хўжалик юритувчи субъектларда хўжалик жараёнлари амалга оширилиши учун улар маълум турдаги маблағларга эга бўлиши керак. Бундай маблағларга иморатлар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, материаллар, пул маблағлари ва бошқалар киради. Бу маблағларнинг ҳар бири хўжалик жараёнида турли функцияларни бажариши билан бирга ҳар хил жойлашган, шунингдек, турли манбалардан ташкил топган бўлади. Шунинг учун ҳам хўжалик жараёнида айрим турдаги хўжалик маблағларининг тутган ўрнини, таркибини, хусусиятини ва функционал ролини ўрганиш улардан самарали фойдаланиш имконини беради.

Моддий неъматлар ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик маблағлари бухгалтерия ҳисобида хўжалик жараёнидаги функционал ролига ҳамда шу жараёнда қатнашиш хусусияти ва муддатига мувофиқ туркумланади. Кўпчилик иқтисодий адабиётларда хўжалик маблағлари таркиби ва жойланишига қараб туркумланади. Бизнингча, бундай туркумлаш масаланинг туб моҳиятини очиб бермайди.

Хўжалик жараёнида бажараётган функционал ролига қараб хўжалик маблағлари ишлаб чиқариш фазасидаги маблағлар, муомала фазасидаги маблағлар ва хўжалик юритувчи субъект айланишидан четлатилган маблағларга бўлинади.

1. Ишлаб чиқариш фазасидаги хўжалик маблағлари ўз навбатида меҳнат воситалари, меҳнат буюмлари ва номоддий активларга бўлинади.

Меҳнат воситалари. Меҳнат воситалари моддий воситалар йиғиндиси бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнида ўзининг натурал шаклини ўзгартирмасдан узоқ вақт хизмат қилади. Кишилар ўз фаолиятларини меҳнат воситалари ёрдамида меҳнат буюмларига ўтказишлари натижасида маҳсулот ишлаб чиқарилади ёки ишлаб чиқа-

риш жараёни учун шароит туғдирилади. Меҳнат воситалари таркибига ишлаб чиқариш қурилмалари - машиналар, асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш инвентарлари ва жиҳозлар, транспорт воситалари, хўжалик инвентарлари, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар, шунингдек ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи иморатлар, иншоотлар ва ҳоказолар киради. Меҳнат воситалари ўз қийматларининг бир қисмини (эскириш ҳисобига амортизация ажратмаси сифатида) янгидан ишлаб чиқарилаётган ижтимоий маҳсулот таннархига ўтказиб боради.

Меҳнат буюмлари. Меҳнат буюмлари моддий нарсалар йиғиндиси бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнида натурал шаклини ўзгартиргани ҳолда фақат бир жараёнда хизмат қилади. Кишиларнинг бирор мақсадга мўлжалланган фойдали фаолияти меҳнат буюмларига қаратилган бўлиб, булардан ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланилади. Меҳнат буюмлари таркибига хом ашё ва асосий материаллар (тайёр маҳсулотнинг асосини ташкил қилади), ёрдамчи материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, эҳтиёт қисмлар, ёқилғи, тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр харажатлари ва бошқалар киради. Меҳнат буюмлари ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиб меҳнат воситаларидан фарқ қилгани ҳолда бир ишлаб чиқариш циклида қатнашиб, янгидан яратилган ижтимоий маҳсулотнинг таннархига ўз қийматини тўла ўтказади.

Номоддий активлар. Одатда, хўжалик юритувчи субъектнинг активлари моддий ва номоддий шаклларга эга бўлиши мумкин. Кўриб ёки ушлаб бўлмайдиган, аммо хўжалик юритувчи субъект учун маълум қийматга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектнинг ҳуқуқлари ва имтиёзлари, узоқ муддатли характерга эга бўлган активлари - номоддий активлар деб юритилади. Номоддий активларга: патентлар, лицензиялар ва ноу-хау; савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари; ердан ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи; муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа номоддий активлар киради.

Шундай қилиб, хўжалик юритувчи субъект активлари айланма (жорий) активлар, инвестиция, мулк ва номоддий активларга бўлинади.

Айланма (жорий) активлар. Жорий активларга: хом ашё ва материаллар; сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутлаш маҳсулотлари; ёқилғи; эҳтиёт қисмлар; қурилиш материаллари; инвентар ва хўжалик жиҳозлари; Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвон-

лар; тайёр маҳсулотлар; омбордаги ва чакана савдодаги ҳамда кўргазмадаги товарлар; ижарага бериладиган буюмлар; кассадаги пул маблағлари; депозит ҳисобварағидаги пул маблағлари; чет эл валютасидаги пул маблағлари; йўлдаги (ўтказилган) пул маблағлари; қисқа муддатли инвестициялар; дебиторлик қарзлар ва бир йил ичида ёки янада қисқа муддат ичида пул маблағларига айлантириш, сотиш мумкин бўлган бошқа активлар киради.

Инвестиция. Инвестицияга: хўжалик юритувчи субъектнинг ишлатилмаётган, ушбу ҳисобот йили ичида пул маблағларига айлантириш мумкин бўлмаган активлар; тугалланмаган қурилиш; ерни ободонлаштириш учун капитал қўйилмалар; узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар; қимматли қоғозлар; шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар; ўрнатиладиган ускуналар; сотиб олинган акциялар ва облигациялар киради. Инвестициялар ўзларининг характерига қараб узоқ муддатли ёки қисқа муддатли активлар бўлиши мумкин.

Мулк. Мулкка хўжалик юритувчи субъектда ишлатилаётган ва бир йилдан ортиқ муддат ичида хўжалик юритувчи субъектда ишлатилиши мўлжалланган ушлаб кўриш мумкин бўлган узоқ муддатли активлар, яъни асосий воситалар киради.

Номоддий активлар. Номоддий активларга хўжалик юритувчи субъект учун қийматга эга бўлган, лекин кўриб ёки ушлаб бўлмайдиган узоқ муддатли қўйилмаларнинг объектлари, акциядорнинг мол-мулкидан акцияли жамиятнинг фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқлар киради. Улар физик хусусиятга эга бўлмайди ва айрим ҳолларда давлат томонидан ёки бошқа ҳуқуқий шахслар ва фуқаролар томонидан берилган имтиёз ва ҳуқуқларни кўрсатади.

2. Муомала фазасидаги хўжалик маблағлари муомала буюмлари, пул маблағлари, депозит ҳисобварағидаги пул маблағлари ва муомалага хизмат қилувчи маблағларга бўлинади.

Муомала буюмлари. Муомала буюмлари хўжалик юритувчи субъектнинг ўзида фойдаланиш учун (мол тусини олмайди) ёки сотиш учун (мол тусини олади) хизмат қилади. Бунга меҳнат маҳсулотлари киради.

Пул маблағлари. Пул маблағлари хўжалик юритувчи субъектга тегишли нақд пулларни ўз ичига олиб, бу маблағлар хўжалик юритувчи субъектнинг банкдаги талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағида ҳамда валюта ҳисобварағида сақланади. Бундан та-

шқари зарур, эҳтиёжлари учун фойдаланишга мўлжалланган пул маблағларини сақлайдиган хўжалик юритувчи субъект кассаси ҳам мавжуддир. Бу маблағлардан хўжалик жараёнидаги зарур эҳтиёжларни қоплаш учун фойдаланилади. Чет эл валюталари тегишли банкка келиб тушган кунидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси сўмга айлантирилган ҳолда ҳисобга олинади. Курс ўзгарса муайян валюта ҳисобварағидаги чет эл валюталарининг сўмга айлантирилган миқдори ҳам ўзгаради.

Ҳисоб-китобдаги маблағлар. Ҳисоб-китобдаги маблағлар - бу бир хўжалик юритувчи субъектнинг иккинчисига бўлган қарзини акс эттиради. Масалан, мол сотиб олувчининг унга жўнатилган мол учун тўланиши лозим бўлган қарзи, ҳисобдор шахснинг олган бўнак пули юзасидан қарзи ва бошқалар. Хўжалик юритувчи субъектга қарздор бўлган хўжалик юритувчи субъект ёки жисмоний шахс дебитор деб, қарзнинг ўзи эса дебиторлик қарзи деб аталади.

Муомалада қатнашувчи маблағлар. Муомалада қатнашувчи маблағларга шу фазада ишлатилаётган омбор бинолари, инвентарлар ва ҳоказолар ҳам киради.

3. Хўжалик юритувчи субъект айланишидан четлатилган маблағлар. Хўжалик юритувчи субъект айланишидан четлатилган маблағларга хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фаолиятида ҳақиқатда қатнашмаётган, лекин маълум давр ичида унинг балансида ҳисобга олиб борилаётган маблағлар киради. Бундан ташқари, уларга хўжалик юритувчи субъект хўжалик фаолиятининг салбий натижаси ҳисобланган суммалар ҳам киради. Буларнинг биринчисига фойдадан давлат бюджетига ажратмалар, тўловлар сифатида чегирилган ва маблағларнинг қайта тақсимланиши муносабати билан чегирилган маблағлар кирса, иккинчисига эса хўжалик юритувчи субъектнинг жорий даврдаги зарари киради.

Талабаларга тушунарли бўлиши учун хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик маблағлари хўжалик жараёнида бажараётган функционал ролига қараб туркумланиши қуйида келтирилади:

I. Ишлаб чиқариш фазасидаги хўжалик маблағлари

А. Меҳнат воситалари

1. Иморатлар.
2. Иншоотлар.
3. Узаткич қурилмалари.
4. Машина ва ускуналар.

5. Мебел ва офис жиҳозлари.
6. Компьютер ускуналари ва ҳисоблаш техникаси.
7. Транспорт воситалари.
8. Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар.
9. Кўп йиллик экинлар.
10. Бошқа асосий воситалар.

Б. Меҳнат буюмлари

1. Хом ашё ва материаллар.
2. Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутлаш маҳсулотлари.
3. Ёқилғи.
4. Эҳтиёт қисмлар.
5. Қурилиш материаллари.
6. Идиш ва идиш материаллари.
7. Четга қайта ишлашга берилган материаллар.
8. Инвентар ва хўжалик жиҳозлари.
9. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар.
10. Тугалланмаган ишлаб чиқариш.
11. Ўз ишлаб чиқаришининг ярим тайёр маҳсулотлари.
12. Келгуси давр харажатлари ва муддати кечиктирилган харажатлар.
13. Бошқа меҳнат буюмлари.

В. Номоддий активлар

1. Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау.
2. Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари.
3. Дастурий таъминот.
4. Ердан ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи.
5. Муаллифлик ҳуқуқи.
6. Франчайз.
7. Гудвилл.
8. Ихтиролардан фойдаланиш ҳуқуқи.
9. Ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқи.
10. Электрон ҳисоблаш машиналари учун тузилган дастурлардан фойдаланиш ҳуқуқи.
11. Маънавий мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи.
12. Таъсисчилар (қатнашувчилар) томонидан хўжалик юритувчи субъектга маълум муддатга фойдаланиш учун берилган мол-мулк.
13. Бошқа номоддий активлар.

II. Муомала фазасидаги хўжалик маблағлари

1. Омбордаги тайёр маҳсулотлар.
2. Кўргазмадаги ва комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар.
3. Омбордаги ва чакана савдодаги товарлар.
4. Кўргазмадаги ва комиссияга берилган товарлар.
5. Товар билан банд ва бўш идишлар.
6. Пул маблағлари:
   а) Кассадаги пул маблағлари;
   б) Депозит ҳисобварағидаги пул маблағлари;
   в) Чет эл валютасидаги пул маблағлари;
   г) Банкдаги махсус депозит ҳисобварақларидаги пул маблағлари;
   д) Йўлдаги пул маблағлари.
7. Ҳисоб-китоблардаги маблағлар:
   а) Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар;
   б) Олинган векселлар;
   в) Алоҳида бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счётлар;
   г) Ходимларга берилган бўнаклар;
   д) Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар;
   е) Бюджетга, давлат мақсадли фондларига ва суғурта бўйича бўнакли тўловлар;
8. Бошқа хўжалик маблағлари.

III. Хўжалик юритувчи субъект айланишидан четлатилган маблағ

1. Фойда ҳисобидан четга жалб қилинган маблағлар.
2. Четга жалб қилинган ҳар хил маблағлар.
3. Кўрилган зарарлар суммаси.

Хўжалик маблағлари хўжалик жараёнида қатнашиш муддати ва хусусиятига қараб асосий воситалар, номоддий активлар, айланма маблағлар ва айланишдан ташқаридаги маблағларга бўлинади. Хўжалик юритувчи субъект хўжалик маблағларини бундай туркумлаш хўжалик юритувчи субъектнинг қандай маблағларга эга эканлиги ва улар қаерларда жойлаштирилганлигини аниқ кўрсатиб беради.

Асосий воситалар. Асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида бир неча марта ишлатилиб, ўз шаклларини сақлаб қолган ҳолда аста-секин эскириб боради. Шунинг учун ҳам асосий воситаларнинг қиймати уларнинг эскириши давомида ишлаб чиқариш хара-

жатларига аста-секин тенг миқдорда қўшиб борилади. Асосий восита деб бир йилдан ортиқ хизмат қиладиган ва ҳар бирининг (комплектининг) қиймати Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 50 баробари ва ундан юқори миқдорида (мазкур буюм сотиб олиш вақтида) бўлган активларга айтилади.

Хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситалар ўзларининг қандай мақсадга хизмат қилишларига қараб ишлаб чиқаришга тегишли бўлган асосий воситалар ва ишлаб чиқаришга тегишли бўлмаган асосий воситаларга бўлинади.

Номоддий активлар. Номоддий активлар хўжалик юритувчи субъектнинг устав капиталига таъсисчилар (қатнашувчилар) томонидан ўзининг улуши ҳисобига қўшилган объектлар, ҳуқуқий шахслар ва фуқаролардан сотиб олинган объектлар ҳамда ҳуқуқий шахслар ва фуқаролардан текинга олинган объектлардан иборат бўлади. Таъсисчи (қатнашувчи) ўз мол-мулкини муайян акцияли жамиятга фойдаланишга бериш билан акциянинг қийматини тўласа, у ҳолда бу мол-мулк келишилган фойдаланиш муддати тугагандан кейин унинг эгаси бўлган акциядорга қайтариб берилади. Фойдаланишга берилган мол-мулк учун келишилган муддат давомида тўланиши мўлжалланган ижара ҳақи ҳажми билан акциянинг қиймати тўланган деб ҳисобланади. Таъсисчи (қатнашувчи) бошқа номоддий активлар бериш билан ҳам акциянинг қийматини тўлаши мумкин.

Айланма маблағлар. Айланма маблағлар ҳар бир ишлаб чиқариш циклида тўла истеъмол қилинади, ўзининг бошланғич табиий шаклини ўзгартиради ва шунинг учун ҳам унинг қиймати ишлаб чиқариш харажатларига тўла киради. Шу сабабга кўра ҳам кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг қиймати ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг таннархига ўзига хос бўлган тартибда қўшилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг айланма маблағлари меъёрлаштириладиган ва меъёрлаштирилмайдиган маблағларга бўлинади. Меъёрлаштириладиган айланма маблағларнинг эҳтиёт миқдори махсус меъёрлаштириш ҳисоб-китобларига асосан аниқланади ва шу белгиланган эҳтиёт миқдори чегарасида хўжалик юритувчи субъектда доимо айланма маблағларнинг бўлиши зарур. Меъёрлаштирилмайдиган айланма маблағларнинг қолдиқлари маълум меъёр билан чегараланмайди. Меъёрлаштирилмайдиган айланма маблағларга кассадаги, депозит ҳисобварағидаги, бан-

клардаги ҳар хил ҳисобварақларидаги ва бошқа пул маблағлари, харидорларга жўнатилган моллар, қарздорлардаги пул ва бошқа маблағлар киради.

Айланмадан ташқаридаги маблағлар. Айланмадан ташқаридаги маблағларга муайян хўжалик юритувчи субъект хўжалик маблағларининг айланишидан четда бўлган ҳамма маблағлар киради. Булар чегирилган маблағлар ва зарарлардир. Хўжалик юритувчи субъектнинг айланмадан ташқаридаги маблағлар таркибига фойда ва бошқа маблағлар ҳисобидаги хўжалик юритувчи субъект айланишидан четга ажратилган маблағлар, хўжалик фаолиятини юритиш натижасида хўжалик юритувчи субъектнинг кўрган зарари ва бошқалар киради.

Қуйида хўжалик юритувчи субъект хўжалик маблағларининг хўжалик жараёнида қатнашиш характери ва муддатига қараб бўлиниши келтирилган.

I. Асосий воситалар

1. Бинолар.
2. Иншоотлар.
3. Узаткич қурилмалари.
4. Машина ва ускуналар.
5. Мебель ва офис жиҳозлари.
6. Компьютер ускуналари ва ҳисоблаш техникаси.
7. Транспорт воситалари.
8. Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар.
9. Кўп йиллик экинлар.
10. Бошқа асосий воситалар.

II. Номоддий активлар

1. Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау.
2. Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари.
3. Дастурий таъминот.
4. Ердан ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи.
5. Муаллифлик ҳуқуқи.
6. Франчайз.
7. Гудвилл.
8. Ихтиролардан фойдаланиш ҳуқуқи.
9. Ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқи.
10. Электрон ҳисоблаш машиналари учун тузилган дастурлардан фойдаланиш ҳуқуқи.
11. Маънавий мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи.

12. Таъсисчилар (қатнашувчилар) томонидан хўжалик юритувчи субъектга маълум муддатга фойдаланиш учун берилган мол-мулк.
13. Бошқа номоддий активлар

III. Айланма маблағлар

1. Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар.
2. Хом ашё ва материаллар.
3. Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутлаш маҳсулотлари.
4. Ёқилғи.
5. Эҳтиёт қисмлар.
6. Қурилиш материаллари.
7. Идиш ва идиш материаллари.
8. Четга қайта ишлашга берилган материаллар.
9. Инвентар ва хўжалик жиҳозлари.
10. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар.
11. Тугалланмаган ишлаб чиқариш.
12. Ўз ишлаб чиқаришининг ярим тайёр маҳсулотлари.
13. Келгуси давр харажатлари ва муддати кечиктирилган харажатлар.
14. Бошқа меҳнат буюмлари.
15. Омбордаги тайёр маҳсулотлар.
16. Кўргазмадаги ва комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар.
17. Омбордаги ва чакана савдодаги товарлар.
18. Кўргазмадаги ва комиссияга берилган товарлар.
19. Товар билан банд ва бўш идишлар.
20. Пул маблағлари:
    а) Кассадаги пул маблағлари;
    б) Депозит ҳисобварағидаги пул маблағлари;
    в) Чет эл валютасидаги пул маблағлари;
    г) Банкдаги махсус депозит ҳисобварақларидаги пул маблағлари;
    д) Йўлдаги пул маблағлари;
    е) Бошқа пул маблағлари.
21. Қимматли қоғозлар
22. Ҳисоб-китоблардаги маблағлар:
    а) Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар;
    б) Олинган векселлар;
    в) Алоҳида бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счётлар;

г) Ходимларга берилган бўнаклар;
д) Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар;
е) Бюджетга, давлат мақсадли фондларига ва суғурта бўйича бўнакли тўловлар;
ж) Бошқа ҳисоб-китобдаги маблағлар.

23. Бошқа хўжалик маблағлари.

IV. Айланмадан ташқаридаги маблағлар

1. Фойда ҳисобидан четга жалб қилинган маблағлар.
2. Четга жалб қилинган ҳар хил маблағлар.
3. Кўрилган зарарлар суммаси.

Хўжалик юритувчи субъект хўжалик маблағларининг асосий воситалар, номоддий активлар, айланма маблағлар ва айланмадан ташқаридаги маблағларга бўлиниши муҳим аҳамиятга эга, чунки уларнинг режалаштирилиши ва ҳисоби бир-биридан фарқ қилади.

Бундан ташқари хўжалик юритувчи субъектларнинг ихтиёрида уй-жой ва маданий-маиший мақсадларга мўлжалланган бинолар, машиналар, ускуналар, инвентар, хом ашё, материал, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар, пул маблағлари ва бошқалар ҳам бўлади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳар бир хўжалик юритувчи субъектдаги хўжалик маблағларининг миқдори, таркиби, жойлаштирилиши уларнинг хўжалик фаолияти хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, режа асосида ҳисоблаб чиқилади. Шунинг учун хўжалик маблағлари ўзларининг таркибига қараб ишлаб чиқариш воситаларига ва муомала маблағларига бўлинади.

Баъзи бир бухгалтерия ҳисобининг умумий назариясига доир дарслик муаллифлари ўз китобларида хўжалик маблағларини юқоридагидек бўлиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқаришга тегишли бўлмаган маблағларини умуман ҳеч қаёққа қўшмасдан қолдирмоқдалар.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик маблағлари жойланишига қараб асосий воситалар, номоддий активлар ва айланма маблағлар ҳамда айланмадан ташқаридаги маблағларга бўлинади. Айланма маблағлар, ўз навбатида ишлаб чиқариш захиралари, ишлаб чиқариш ва муомала жараёнидаги маблағлар ва бошқа маблағлардан иборат бўлади. Умуман олганда, моддий ишлаб чиқариш билан банд бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг айланма маблағлари ишлаб чиқариш айланмадаги фондлари ва муомала фондларидан иборатдир.

2. Хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбалари

Хўжалик юритувчи субъектларда хўжалик юритиш учун керакли хўжалик маблағлари бўлиши зарур. Бу хўжалик маблағлари турли манбалардан ташкил топади. Халқ хўжалиги тармоқларида режалаштириш ва ҳисоб тажрибаларини илмий асосда умумлаштириш ҳамда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини ҳисобга олган ҳолда хўжалик юритувчи субъект хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбалари қуйидагича туркумлаштирилиши мумкин:

1. Хўжалик юритувчи субъектнинг ўз маблағларини манбалари;
2. Кредитлар ва қарзга олинган маблағларнинг манбалари;
3. Ижтимоий маҳсулотни тақсимлашга доир мажбуриятлар ёки ҳисоб-китоблар ва ҳар хил пассивлар.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ўз маблағларини манбалари

Хўжалик юритувчи субъектнинг ўз маблағларининг манбаларига устав капитали, қўшилган капитал, захира капитали, пули тўлаб қайтариб олган ўз акциялари, тақсимланмаган фойда, мақсадли тушумлар, келгусида қилинадиган харажатлар ва тўловларнинг захиралари, ҳисобот йилининг фойдасини ишлатилмаган қисми ва бошқалар киради.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ўз маблағларининг асосий манбаи устав капиталидир. Бу капиталнинг бундай деб ном олишига сабаб шуки, унинг миқдори хўжалик юритувчи субъектнинг уставида кўрсатилган бўлади. Акцияли жамиятлар, масъулияти чекланган жамиятлар ва қўшма хўжалик юритувчи субъектларнинг устав капиталининг ҳажми уларнинг уставида қанча суммага акция чиқарилиши ва сотилиши кўзда тутилганлиги билан аниқланилади.

Агар давлат хўжалик юритувчи субъекти акцияли жамиятга айлантирилаётган бўлса, у ҳолда давлат хўжалик юритувчи субъект мулкининг қийматига тенг акция чиқариб сотилади ва бу сумма акцияли жамиятнинг устав капитали ҳажми бўлиб ҳисобланади. Шуни айтиш керакки, акциянинг ўз қиймати билан уни сотиш қиймати ўртасида фарқ бўлиши мумкин. Бу фарқ суммалар эмиссия даромади сифатида алоҳида ҳисобга олинади ва у устав капиталининг ҳажмини ўзгартирмайди.

Акцияли жамият тузиш учун унинг устав капитали жамиятни таъсисчилари чиқарган акцияларнинг умумий қийматининг энг кам миқдори ҳамда чиқариладиган ҳар бир акциянинг энг кам қийма-

ти Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ёки бошқа Ҳукумат органининг тегишли қарори билан аниқлаб қўйилади.

Акцияли жамият тузиш ниятидаги ҳуқуқий шахс ва фуқаролар аввало устав капиталининг ҳажмини аниқлайди ва шу суммага тенг бўлган акцияларни чиқаради.

Акцияли жамият ўзининг уставига кўра чиқарган акцияларининг умумий суммасининг маълум фоизини (бу фоиз тегишли идоралар томонидан белгиланган тартибда ўрнатилади) имтиёзли акция сифатида чиқариб сотиши мумкин. Демак, акцияли жамият ўзининг акцияларини оддий ва имтиёзли акциялар қилиб чиқариши мумкин.

Акциялар обуна эълон қилиб сотилиши ёки муайян акцияли жамиятни таъсис этувчилар ўртасида тарқатилиши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектларда қонунчиликка ҳамда таъсис ҳужжатларига биноан захира капитали ташкил қилинади. Захира капитали хўжалик юритувчи субъект фойдаси ҳисобидан ташкил қилинади. Бундан ташқари акцияли жамият шаклида ташкил қилинган хўжалик юритувчи субъектнинг захира капиталига мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича ўзгартириш суммалари ҳамда бепул олинган мол-мулкларнинг қийматлари ҳам қўшилади. Агар акцияли жамиятнинг ҳисобот йилида олган фойдаси таъсис этувчиларга (қатнашувчиларга) даромадлар тўлаш учун етмаса ёки умуман фойда олинмаган бўлса, у холда захира капитали ҳисобидан таъсис этувчиларга (қатнашувчиларга) даромад (дивиденд) тўланади. Агар хўжалик юритувчи субъект ҳисобот йилини зарар билан тугатса, у ҳолда балансдаги қопланмаган зарар суммаси захира капитали ҳисобидан қопланади. Шунинг учун бу фондни суғурта фонди деб ҳам юритилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг қўшилган капиталига эмиссион даромад ва устав капиталини шакллантиришда курсларнинг фарқлари киради. Эмиссион даромад деганда акцияни ўз қиймати билан уни сотиш баҳоси ўртасида фарқ сумма тушунилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг белгиланган муддатда узилмаган ёки меъёрий зарур вақт ичида аниқланмаган ва тегишли кафолат билан таъминланмаган дебитор қарзлари даргумон қарзлар деб аталади. Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳуқуқий шахслар ва фуқаролар билан ҳисоб-китобларга оид қайтарилиши (узилиши) даргумон қарзларнинг суммасига тенг бўлган миқдорда ҳисобот йилининг охирида хўжалик юритувчи субъектнинг олган фойдаси

ҳисобидан тегишли захира ташкил қилинади ва уни даргумон қарзлар бўйича захиралар деб аталади. Бу захиралар ҳисобот йили охирида хўжалик юритувчи субъектнинг ҳуқуқий шахслар ва фуқаролардаги дебитор қарзлари инвентаризация қилиниши натижалари асосида яратилади. Захиранинг миқдори ҳар бир даргумон дебитор қарз юзасидан қарздор ҳуқуқий шахс ёки фуқаронинг молиявий ҳолатига (тўлов қобилиятига) қараб ҳамда дебитор қарзни тўлиқ ёки қисман узиш эҳтимолини чамалаб алоҳида-алоҳида белгиланади. Даргумон дебитор қарз бўйича захира яратилган йилдан кейинги йилнинг охиригача бу захиранинг бирон-бир қисмидан фойдаланилмаган бўлса, у ҳолда захиранинг бу фойдаланилмай қолган қисми тегишли йилнинг фойдасига қўшилади. Илгари хўжалик юритувчи субъект томонидан даргумон деб топилган ва ундириб олинмаган дебитор қарз даргумон қарзлар бўйича захиралар ҳисобидан қопланади.

Пировард молиявий натижа (фойда ёки зарар) ишлаб чиқарилган маҳсулотларни, бажариб топширилган ишларни ва кўрсатилган хизматларни ва бошқа моддий қийматликларни сотишдан ҳосил бўладиган молиявий натижадан ҳамда сотишга алоқадор бўлмаган бошқа муомалалардан олинадиган даромадлардан мазкур муомалаларга қилинган харажатлар чегириб ташлангандан кейин вужудга келади. Бунда янгидан яратилган қийматни ҳисоблаб чиқиш ва уни тақсимланиш тартибини ҳисобга олиш керак бўлади. Янгидан яратилган қиймат умумий даромаддан (асосий фаолиятнинг даромади билан молиявий фаолиятнинг даромади) материал харажатлар, амортизация (эскириш) ажратмалари ва ҳар хил харажатлар чегириб ташлангандан кейин топилади. Янгидан яратилган қийматдан ишчи ва хизматчиларга ҳисобланган меҳнат ҳақи, турли солиқлар, кредитлардан фойдаланилгани учун тўланган фоизлар, қимматли қоғозлар билан муомалалар бўйича харажатлар, қонунчиликка ва таъсис ҳужжатларига биноан қилинган бошқа харажатлар ва ажратмалар чегириб ташлангандан кейин қолган сумма янгидан яратилган қийматнинг хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қоладиган қисмини ташкил қилади. Фойдадан солиқлар суммасини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Фойда ҳисобидан хўжалик юритувчи субъектнинг тегишли фондларини ташкил қилиш ҳамда фойдани бошқа мақсадларга ишлатиш тартиби таъсис ҳужжатлари билан тартибга солинади. Хўжалик юритувчи субъектнинг

ўз ихтиёрида қолган ҳисобот йилининг фойдаси билан ўтган йилнинг тақсимланмай қолган фойдаси йиғиндиси хўжалик юритувчи субъектнинг тақсимланадиган фойда суммасини ташкил қилади. Хўжалик юритувчи субъектнинг тақсимланадиган фойдасидан дивидендлар тўланади ва акцияли жамият шаклидаги хўжалик юритувчи субъектнинг захира капиталини кўпайишига ўтказилиши мумкин, ундан кейин қолган фойда суммаси жорий йилнинг фойдасининг тақсимланмай қолган қисмини ташкил қилади.

Ишлаб чиқаришга қилинган харажатларга (ёки муомала сарфларига) маълум харажатлар ва тўловларни бир текис қўшиб боришни таъминлаш учун қилинган захиралар келгусида қилинадиган харажатлар ва тўловлар захиралари деб аталади. Бундай захиралар қуйидаги харажатлар ва тўловлар учун ташкил қилинади:

1) Ходимларнинг таътил ҳақларини келгусида тўланадиган суммаси;

2) Кўп йиллар ишлагани учун ходимларнинг ҳар йилги мукофотлар суммаси;

3) Мавсумли тармоқлардаги тайёрлов ишлари бўйича ишлаб чиқариш харажатлари суммаси;

4) Асосий воситаларни таъмирлашга доир келгусида қилинадиган харажатлар суммаси;

5) Ижара (прокат) буюмларини таъмирлашга доир келгусида қилинадиган харажатлар суммаси;

6) Вақтинча иморат ва иншоотларни қуришга доир харажатлар суммаси ва бошқалар.

Хўжалик юритувчи субъектнинг банклардан олган кредитлари ва қарзга олинган маблағларининг манбаларига банкларнинг қисқа муддатли кредитлари, банкларнинг ўрта муддатли кредитлари, банкларнинг узоқ муддатли кредитлари, қисқа муддатга қарзга олинган маблағлар, узоқ муддатга қарзга олинган маблағлар ва бошқалар киради. Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари деганда бир йилгача муддат ичида қайтариб бериш шарти билан банклардан олинган кредитлар, банкларнинг ўрта муддатли кредитлари деганда бир йилдан уч йилгача муддат ичида қайтариб бериш шарти билан банклардан олинган кредитлар ва банкларнинг узоқ муддатли кредитлари деганда эса уч йилдан ортиқ муддат ичида қайтариб бериш шарти билан банклардан олинган кредитлар тушунилади.

Мажбуриятлар турли шаклда бўлиши мумкин. Агар хўжалик юритувчи субъект қарз олиб уни қайтаришга оғзаки ваъда берган

бўлса, у ҳолда хўжалик юритувчи субъектнинг бу мажбурияти муайян хўжалик юритувчи субъект (қарз олган хўжалик юритувчи субъект) учун кредитор қарз деб, қарз берган хўжалик юритувчи субъект (кредитор) учун дебитор қарз деб аталади. Агар хўжалик юритувчи субъект қарз олиб уни қайтариш ҳақида ваъдасини ёзма ҳужжат шаклида берса, у ҳолда хўжалик юритувчи субъектнинг бу мажбурияти муайян хўжалик юритувчи субъект (қарз олган хўжалик юритувчи субъект) учун тўланадиган вексел деб, қарз берган хўжалик юритувчи субъект (кредитор) учун олинадиган вексел деб аталади. Демак, вексель муайян миқдордаги қарзни белгиланган муддатда тўлаш мажбурияти юкланган, қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга риоя қилгани ҳолда тўлдириб расмийлаштирилган қарздорлик ҳужжати бўлиб ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига кўра бир йил ичида ёки бундан ҳам қисқа муддат ичида қайтариладиган қарзлар кредитор қарзлар деб, бир йил ичида тўлаш мумкин бўлмаган тўланадиган вексел узоқ муддатли мажбурият деб ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектлар зарурат туғилганда бошқа хўжалик юритувчи субъектлар (банклардан ташқари) ва фуқаролардан ҳамда хорижий ҳуқуқий шахслар ва фуқаролардан қисқа муддатли ва узоқ муддатли қарзлар олиши мумкин. Қарзга олинган маблағлардан фойдаланганги учун муайян хўжалик юритувчи субъект қарз берган тегишли хўжалик юритувчи субъект ва фуқарога ҳамда хорижий ҳуқуқий шахс ва фуқарога маълум фоиз тўлайди, агар келишувда бундай фоиз тўлаш келишилган бўлса.

Ижтимоий маҳсулотни тақсимлашга доир мажбуриятлар (ёки ҳисоб-китоблар ва ҳар хил пассивлар)га: мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар; берилган векселлар; алоҳида бўлинмаларга, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига бўлган узоқ муддатли қарзлар; муддати кечиктирилган узоқ муддатли мажбуриятлар; олинган бўнаклар; меҳнатга ҳақ тўлашга доир қарзлар; бюджетга тўловлар бўйича қарзлар; суғурта ва давлат мақсадли фондларига тўловлар бўйича қарзлар; таъсисчиларга бўлган қарзлар; ходимлар учун олинган кредитлар ва бошқа кредиторлар билан ҳисоб-китоблар киради.

Кредитор қарзлар муайян хўжалик юритувчи субъект билан бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар натижасида вужудга келган вақтинчалик маблағлар манбаларидир. Кредитор қарзлар асосан мол етказиб берувчилардан со-

тиб олинган моддий қийматликлар ҳамда пудратчилардан қабул қилинган ишлар ва хизматлар бўйича операциялар натижасида вужудга келади.

Хўжалик юритувчи субъектлардаги ишчи ва хизматчиларга меҳнат ҳақи, асосан, ҳар ойда икки марта берилади. Биринчи марта шу ҳисобот ойининг ўртасида берилиб, ишбай усулида ҳақ олувчи ишчи ва хизматчиларга бажарилган ишининг миқдори ва сифатига қараб, вақтбай усулида ҳақ олувчи ишчи ва хизматчиларга эса оладиган ойлик иш ҳақлари ва ишлаган кунларига қараб бўнак берилади. Ойлик охирги ҳисоб-китоб эса келгуси ойнинг бошларида ўтказилади. Шунинг учун икки муддат орасидаги вақтда бу маблағлар хўжалик фаолиятида ишлатилиши мумкин. Бинобарин, хўжалик юритувчи субъект томонидан ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи тарзида тўланиши лозим бўлган қарзи хўжалик юритувчи субъект хўжалик маблағларининг вақтинча манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий маҳсулотни тақсимлашга доир мажбуриятлар ўзига хос манба бўлиб, миллий даромадни тақсимлаш пайтида вужудга келади. Бунга хўжалик юритувчи субъектнинг ишчи ва хизматчиларга ҳисобланиб вақтинча тўланмаган иш ҳақи юзасидан қарзи, ижтимоий суғурта органларига бўлган қарз, давлат бюджетига ҳисоблаб қўйилган қарз ва бошқалар киради.

Хўжалик юритувчи субъектлардаги хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбалари уларнинг қандай мулкчилик шаклларига асосланганлигига боғлиқ.

Қуйида хўжалик юритувчи субъект хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбаларини туркумлаш келтирилади:

I. Хўжалик юритувчи субъектнинг ўз маблағларини манбалари

1. Устав капитали.
2. Қўшилган капитал.
3. Захира капитали.
4. Пулини тўлаб қайтариб олинган ўз акциялари.
5. Даргумон қарзлар бўйича захиралар.
6. Тақсимланмаган фойда.
7. Мақсадли тушумлар.
8. Келгусида қилинадиган харажатлар ва тўловларнинг захиралари.
9. Ҳисобот йили фойдасининг ишлатилмаган қисми.

Бухгалтерия ҳисоби умумий назарияси дарсликларининг баъзи бир муаллифлари хўжалик юритувчи субъект хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбаларини туркумлаштирганда фойдани

алоҳида манба сифатида ажратадилар. Бу нарса мақсадга мувофиқ эмас. Чунки фойданинг ҳамма суммаси хўжалик маблағларининг манбаи бўла олмайди. Фақат унинг хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолган қисми бириктирилган манба ҳамда фойданинг охирги тақсимотига қадар қолган суммаси хўжалик юритувчи субъект маблағларининг вақтинча манбаи бўлиши мумкин.

II. Кредитлар ва қарзга олинган маблағларнинг манбалари

1. Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари.
2. Банкларнинг ўрта муддатли кредитлари.
3. Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари.
4. Қисқа муддатга қарзга олинган маблағлар.
5. Тўланадиган облигациялар.
6. Тўланадиган векселлар.
7. Узоқ муддатга қарзга олинган маблағлар.

III. Ижтимоий маҳсулотни тақсимлашга доир мажбуриятлар ёки хисоб-китоблар ва ҳар хил пассивлар

1. Кредитор қарзлар:
   а) Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар;
   б) Берилган векселлар;
   в) Алоҳида бўлинмаларга, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар;
   г) Муддати кечиктирилган мажбуриятлар;
   д) Олинган бўнаклар;
   е) Суғурта ва давлат мақсадли фондларига тўловлар бўйича қарзлар;
   и) Таъсисчиларга бўлган қарзлар;
   ж) Ходимларга меҳнат ҳақи тўлашга доир қарзлар;
   з) Турли кредиторларга бўлган қарзлар.
2. Ходимлар учун олинган кредитлар.
3. Ҳар хил пассивлар.

3. Хўжалик жараёнлари ва хўжалик юритувчи субъект маблағлари

Хўжалик юритувчи субъектлар хўжалик маблағлари белгиланган тартиб бўйича хўжалик жараёнларида қатнашади. Чунки хўжалик юритувчи субъект фаолият кўрсатиши учун ва истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини таъминлаш учун маҳсулотни доимо такрор ишлаб

чиқариб туриши зарурдир. Маҳсулотни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш эса хўжалик жараёнлари орқали ёки хўжалик маблағларининг тўхтовсиз даврий айланиши натижасида содир бўлади.

Хўжалик маблағларининг даврий айланиши ёки хўжалик жараёнлари уч босқичдан иборат бўлиб, буларга ***таъминот жараёни, ишлаб чиқариш жараёни ва сотиш жараёни*** киради. Хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик фаолиятида бу жараёнларнинг ҳар бири алоҳида рол ўйнайди ва уларнинг ҳар бирида бир неча хўжалик операциялари амалга оширилади. Бундай хўжалик операцияларининг таъсири остида, бир томондан, таъминот жараёнида қатнашаётган хўжалик маблағлари ишлаб чиқариш жараёнига ўтиб, ишлаб чиқариш жараёнидаги хўжалик маблағлари эса сотиш жараёнига ўтса, иккинчи томондан, сотиш жараёнидаги хўжалик маблағлари яна таъминот жараёнига ўтади. Натижада хўжалик маблағларининг даврий айланиши яна янгидан бошланади.

Таъминот жараёни шундан иборатки, хўжалик юритувчи субъект ишлаб чиқариш фаолиятининг нормал бориши учун мунтазам равишда хом ашё, материал, ярим тайёр маҳсулот, ёқилғи, шунингдек турли хилдаги асосий воситалар харид қилиб туриши зарур. Чунки ишлаб чиқариш жараёни давом этиши учун хўжалик юритувчи субъект асосий восита, айланма маблағ ва иш кучига эга бўлмоғи зарур. Демак, таъминот жараёни ишлаб чиқариш жараёни учун зарур воситаларни мол етказиб берувчилардан пулга сотиб олиб, хўжалик юритувчи субъектга келтириш билан чегараланади. Даврий айланишнинг бу босқичида ишлаб чиқариш жараёнини нормал олиб бориш учун шарт-шароит яратилади.

Ишлаб чиқариш жараёни моддий неъматлар яратиш билан боғлиқ бўлган энг мураккаб хўжалик операцияларини ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат буюмларини (хом ашё, материал, ёқилғи, ярим тайёр маҳсулот ва ҳоказо) ва меҳнат воситаларини (эскириши кўринишида), шунингдек иш кучини (иш ҳақи ҳисоблаш шаклида) истеъмол қилиш содир бўлади. Натижада кишилар эҳтиёжини қондиришга мўлжалланган истеъмол қийматидаги моддий неъматлар ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқариш жараёнида янги яратилган маҳсулотнинг таннархи шаклланади. Шуни ҳам айтиш керакки, янгидан яратилган маҳсулот қийматида жамият учун қўшимча меҳнат асосида вужудга келган миллий даромаднинг бир қисми мавжуд бўлиб, бу маҳсулотнинг қиймати билан таннархи ўртасидаги фарқдир. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш

жараёни тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни хўжалик юритувчи субъект омборига топшириш билан тугайди.

Сотиш жараёни хўжалик маблағлари даврий айланишининг сўнгги босқичи бўлиб, бу босқичда омбордаги тайёр маҳсулотлар хўжалик юритувчи субъектнинг махсус бўлимлари томонидан харидорларга ёки истеъмолчиларга шартномага мувофиқ етказилади. Маҳсулотларни бошқа хўжалик юритувчи субъектларга уларнинг ишлаб чиқариш истеъмоллари учун ёки тўғридан-тўғри аҳолига сотиш мумкин. Бунинг эвазига хўжалик юритувчи субъект харидордан пул олади. Аммо бу пул тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш учун сарфланган маблағ миқдоридан бирмунча ортиқ бўлади. Ортиқча чиққан бу сумма фойда бўлиб, у ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келтирилади ва сотиш жараёнида пул кўринишини олади.

Сотиш жараёни хўжалик жараёнини тугаллайди ва яна янгидан таъминот жараёни бошланади, аммо бу жараён аввалгидан кенгроқ тус олади. Чунки ишлаб чиқариш кенгайган такрор ишлаб чиқариш иқтисодий қонунига риоя қилган ҳолда ривожланади.

Шундай қилиб, хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик маблағлари даврий айланишнинг ҳамма босқичларида ҳаракат қилади. Уларнинг айримлари таъминот жараёнида бўлганида, айримлари ишлаб чиқариш жараёнида бўлади, шунингдек, бир қисми сотиш жараёнида бўлади ва натижада биридан иккинчисига ўтиб туради. Шуни ҳам айтиш керакки, хўжалик маблағларининг шакллари ва туслари ҳам ўзгариб туради. Масалан, таъминот жараёнидаги хом ашё ва материаллар ишлаб чиқариш жараёнидан кейин бошқа шакл ва тусга, яъни тайёр маҳсулотга айланади. Ўз навбатида, тайёр маҳсулот сотилгандан кейин эса пул кўринишини олади ва ҳоказо. Демак, бухгалтерия ҳисоби ҳар бир хўжалик юритувчи субъектда хўжалик жараёнида содир бўлаётган хўжалик операцияларини ва бу операциялар таъсирида хўжалик фаолиятидаги ўзгаришларни акс эттириши зарур.

4. Бухгалтерия ҳисоби предметининг умумий таърифи

Бухгалтерия ҳисоби умумий назарияси тармоқ курслари билан биргаликда «Бухгалтерия ҳисоби» фанини ташкил этганлиги сабабли доимо ўз предметига эга бўлади. Бу предметнинг мазмунини англаш учун бухгалтерия ҳисоби вазифаларини ўрганиш керак.

Барча хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби юритилади. У хўжалик юритувчи субъектлардаги хўжалик маблағларининг тузилиши, жойланиши, қайси манбалардан ташкил топганлиги ҳамда хўжалик жараёни ва операциялари таъсири остида бўлаётган ўзгаришларнинг борили устидан узлуксиз назорат олиб боради. Бухгалтерия ҳисоби бу ишни бажаришда ўзининг барча усулларидан кенг фойдаланади.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш деганда маҳсулотни, иш кучларини ва ишлаб чиқариш муносабатларини такрор ишлаб чиқариш тушунилади. Маҳсулотни такрор ишлаб чиқариш асосан таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларидан ташкил топади. Бошқача қилиб айтганда, ишлаб чиқаришни бошлашдан аввал хўжалик юритувчи субъектнинг тегишли бўлинмалари хом ашё, материал, ярим тайёр маҳсулот, ёқилғи ва бошқа моддий қийматликларнинг зарур захирасига эга бўлишлари зарур. Таъминот жараёнида хўжалик юритувчи субъектнинг мол етказиб берувчилар билан олиб борадиган ўзаро муносабатлари натижасида ҳисоб-китоб операциялари келиб чиқади. Демак, бухгалтерия ҳисобининг ишлаб чиқаришнинг бу палласидаги объектлари хўжалик юритувчи субъект томонидан сотиб олинган моддий қийматликлар, уларнинг хўжалик юритувчи субъект омборларига қабул қилиниши ва хўжалик юритувчи субъект ичидаги ҳаракати ҳамда моддий қийматликларни сотиб олишга доир мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар олиб борилдир. Демак, бу жараёндаги бухгалтерия ҳисоби объектларига моддий қийматликлар сотиб олишга доир ҳисоб-китобларда содир бўлган пул ва кредит операцияларини ҳам киритиш керак.

Ишлаб чиқариш жараёнида хом ашё, материал, ярим тайёр маҳсулотлар меҳнат воситалари ва иш кучи таъсири остида қайта ишланиб тайёр маҳсулотга айлантирилади. Бу жараёнда машиналар, асбоб-ускуналар, хом ашё ва материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар ҳамда кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг ишлаб чиқариш давридаги ҳаракати, меҳнат воситаларидан фойдаланишни қайд қилиш ва улар устидан назорат олиб бориш, сарфланган иш вақти, ишлаб чиқарувчилар, муҳандис-техник ходимлар ва хизматчилар бажарган ишларнинг миқдорини қайд қилиш ва уларга иш ҳақи ҳисоблаб чиқиш ҳамда иш ҳақини тўғри ҳисоблаш устидан назорат ўрнатиш, иш ҳақи фондини аниқлаш ва ундан фойдаланиш устидан назорат олиб бориш, ишчи ва хизматчилар иш ҳақидан ушланиб қолинадиган суммаларни аниқлаш ва уларни те-

гишли ташкилот ёки шахсларга ўтказиш, почта орқали бериб юбориш, солиқларга доир давлат солиқ назорати билан ҳисоб-китоблар, ишлаб чиқаришни бошқариш ва уюштириш билан боғлиқ бўлган харажатларни ҳисобга олиш ва уларни ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг турлари ўртасида тақсимлаш, тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ҳажмини аниқлаш ва ҳисобга олиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархини ҳисоблаб чиқиш ва бошқалар бухгалтерия ҳисобининг объектлари бўлиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот харидорларга юборилади ва буларнинг эвазига хўжалик юритувчи субъект пул олади. Бу жараён сотиш жараёни деб юритилади. Сотиш палласида бухгалтерия ҳисобининг объектларига хўжалик юритувчи субъект тайёр маҳсулотини омборда ҳисобга олиш ва улар устидан назорат олиб бориш, тайёр маҳсулотни харидорларга юбориш ва бунинг натижасида вужудга келган харидор ва буюртмачилар билан бўлган ҳисоб-китоблар, сотиш ва ортиб жўнатиш, молиявий натижаларни аниқлаш, пул маблағлари ва бошқа ҳисоб-китоблардаги маблағлар киради.

Хўжалик маблағлари даврий айланишининг асосий босқичлари кетидан тақсимот ва истеъмол ҳам келади. Бу паллаларда иш ҳақига доир тўловлар, фойдадан давлат бюджетига тўловлар ва фойданинг хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолган қисмидан фойдаланиш, махсус мақсадларга аталган фондлар ва бошқалар ҳам бухгалтерия ҳисобининг объектлари бўлиб ҳисобланади.

Истеъмол уч қисмдан, яъни ишлаб чиқаришнинг ўзидаги истеъмол, ишлаб чиқаришга тегишли бўлмаган истеъмол ва шахсий истеъмоллардан иборат.

Ишлаб чиқаришнинг ўзидаги истеъмол. Ишлаб чиқаришнинг ўзидаги истеъмол деб шу ишлаб чиқаришда хом ашё, материал, ярим тайёр маҳсулот, ёқилғи, машина, асбоб-ускуна сифатида маҳсулотнинг бир қисмини истеъмол қилишга айтилади. Ишлаб чиқаришнинг ўзидаги истеъмол хўжалик маблағлари даврий айланишининг ишлаб чиқариш жараёнида ҳисоб қилинади.

Ишлаб чиқаришга тегишли бўлмаган истеъмол. Бюджет ташкилотларига давлат бюджети ҳисобидан маълум миқдорда маблағ ажратилади. Ўз навбатида, улар бу маблағларга моддий қийматликлар сотиб олади ва ўз ходимларига иш ҳақи беради. Бюджет ташкилотларининг истеъмоли ишлаб чиқаришга тегишли бўлмаган истеъмол ҳисобланиб, бу ҳам бухгалтерия ҳисобининг объектидир. Бухгалтерия ҳисоби предметига умумий таъриф берилаётганда

бюджет ташкилотларининг хўжалик маблағлари даврий айланишнинг ҳамма босқичларини ўтамаслигини ҳам ҳисобга олмоқ зарур. Бюджет ташкилотлари ўз вазифаларини бажаришлари давомида, асосан, ҳеч қандай даромад олмайди ва давлат бюджетидан берилган маблағларни юқори ташкилот томонидан тасдиқланган харажатлар сметасига асосан харажат қилади. Уларда бухгалтерия ҳисобининг асосий объектлари давлат ҳисобидан ажратилган ана шу маблағларнинг бутлиги ва улар ҳисобидан сотиб олинган моддий қийматликларнинг ҳолати, ҳаракати ҳамда улардан тўғри фойдаланиш, турли хўжалик юритувчи субъектлар билан бўлган ҳисоб-китоб муносабатлари ҳамда смета бўйича ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш ҳисобланади.

Шахсий истеъмол. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади жамият аъзоларининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришдир. Шунинг учун ҳам маҳсулотни истеъмол қилиш турлари ичида шахсий истеъмол катта ўринни эгаллайди. Бу масала кўриб чиқилаётганда шахсий истеъмол ҳам бухгалтерия ҳисобининг объекти бўладими, деган савол туғилади. Шахсий истеъмол бухгалтерия ҳисоби томонидан бевосита қамраб олинмайди, чунки ҳар бир жамият аъзоларининг истеъмоли бухгалтерия ҳисобида бевосита акс эттирилмайди. Лекин шуни ҳам назарда тутиш керакки, савдо ва умумий овқатланиш хўжалик юритувчи субъектлар, соғлиқни сақлаш, халқ таълими муассасалари, давлат ва бошқа хўжалик субъектларининг бухгалтерия ҳисобида шахсий истеъмол ҳақидаги маълумотлар бўлади. Шунинг учун шахсий истеъмол бухгалтерия хисобида умуман акс эттирилмайди деб ҳисоблаш ҳам тўғри келмайди.

Моддий неъматлар ишлаб чиқарадиган тармоқларнинг хўжалик юритувчи субъектларда шу хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз маблағлари ва четдан вақтинча жалб қилинган маблағларнинг ҳолати ва уларнинг даврий айланишидаги ҳаракати, хўжалик маблағларининг ҳолати ва ҳаракати, хўжалик жараёнидаги ишлаб чиқариш ҳамда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар, сотиб олинган моддий қийматликлар ва ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотнинг ҳолати ва ҳаракати, хўжалик юритувчи субъектнинг ўз хўжалик фаолиятида вужудга келган ҳисоб-китоб ва кредит операциялари, ва ниҳоят хўжалик юритувчи субъект хўжалик фаолиятини молиявий натижалари бухгалтерия ҳисобининг объектлари бўлиб ҳисобланади.

Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобига ўз вазифаларини бажараётган бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг объектлари бўлиб уларга давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг ва уларнинг ташкил топиш манбаларининг ҳолати ва ҳаракати, бошқа бюджет ташкилотлари ва хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда ишчи ва хизматчилар билан бўладиган пул ва ҳисоб-китоб операциялари ҳисобланади.

Ижтимоий муносабатларни такрор ишлаб чиқариш. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга ижтимоий муносабатларни такрор ишлаб чиқариш ҳам киради.

Иш кучларини такрор ишлаб чиқариш. Иш кучларини такрор ишлаб чиқариш бухгалтерия ҳисобининг объекти бўладими? Бухгалтерия ҳисоби кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ҳамма томонини қамраб олмайди. Масалан, иш кучларини такрор ишлаб чиқариш, тўла ҳажмда кадрларнинг кўпайиши, улар малакасининг оширилиши ва кадрлардан фойдаланиш бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмайди. Бухгалтерия ҳисобида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш харажатлари, иш кучларини такрор ишлаб чиқариш бўйича иш кучларини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган ҳар хил харажатлар акс эттирилади, холос.

Шунингдек, ишлаб чиқариш муносабатларини такрор ишлаб чиқаришни ҳам бухгалтерия ҳисоби тўла қамраб олмай, балки унинг айрим қисмларинигина ҳисоб қилади. Масалан, иш ҳақи сифатида ишчи ва хизматчиларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришга бўлган муносабати ҳисоб қилинади.

Бухгалтерия ҳисобининг умумий назариясига доир дарсликларнинг баъзи муаллифлари хўжалик маблағларини бухгалтерия ҳисобининг предмети деб таърифлайдилар. Бухгалтерия ҳисоби фақат хўжалик маблағларининг ҳаракатини акс эттирибгина қолмасдан, балки уларнинг ҳолатини, хўжалик фаолияти жараёнини ва бунинг натижасида содир бўлган ҳисоб-китоб муносабатларини ҳам акс эттиради.

Бухгалтерия ҳисобида хўжалик юритувчи субъект ихтиёридаги маблағлар, хўжалик жараёни ва унинг таъсири остида хўжалик маблағларининг ҳажми, тузилиши, жойланиш ва тайинланишидаги содир бўладиган ўзгаришлар акс эттирилади ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар хўжалик фаолиятининг молиявий натижалари аниқланади.

Бухгалтерия ҳисоби воситасида хўжалик юритувчи субъектлар хўжалик фаолиятининг жараёни, маблағлари акс эттирилади ҳамда

уларнинг ташкил топиш манбалари нималардан иборат эканлиги тўғрисидаги маълумотлар олинади.

Шуниси ҳам борки, бухгалтерия ҳисобида фақат пул ўлчовларидан фойдаланиш мумкин бўлган хўжалик жараёни ва маблағларигина ўз аксини топади, холос. Пул ифодасига эга бўлмаган хўжалик юритувчи субъектларнинг айрим мулклари бухгалтерия ҳисобида ўз аксини топмайди. Агар уларнинг қиймати аниқланиб пулда ифодаланадиган бўлса, у ҳолда булар ҳам бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олина бошланади.

Демак, ***бухгалтерия ҳисоби предмети кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш шароитида хўжалик юритувчи субъектнинг пул ифодасида акс эттириладиган хўжалик маблағлари ва шу маблағлар манбалари, уларнинг хўжалик фаолияти ва молиявий натижаларидир.***

Бухгалтерия ҳисоби предметини бундай таърифлаш билан барча хўжалик юритувчи субъектлар учун умумий бўлган иқтисодиётнинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришини олиб бориш кўрсатилади. Бу бухгалтерия ҳисобининг энг муҳим хусусиятларидан биридир. Шу билан бирга таърифда бухгалтерия ҳисобини қўллаш доираси ва фақат пул ўлчовидан фойдаланиш мумкин бўладиган хўжалик маблағларигина ҳисоб қилиниши кўрсатилган.

Бухгалтерия ҳисоби предмети иқтисодиётнинг қандай доирасини акс эттиради деган масала иқтисодий адабиётларда ҳар хил ифодаланган.

Бир гуруҳ муаллифлар бухгалтерия ҳисобининг предмети айрим хўжалик доираси билан чегараланади дейишса, иккинчи гуруҳ муаллифлар унинг чегарасини иқтисодиётнинг тармоқларигача етказишади. Баъзи бир муаллифлар бухгалтерия ҳисоби предметининг акс этиш доирасини бутун иқтисодиёт миқёсигача етказиб юборишади. Бухгалтерия ҳисоби предметининг акс этиш доирасини аниқлашда бир неча ҳолатларни ҳисобга олиш зарур.

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби саноат, қишлоқ хўжалик, қурилиш ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларда, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, давлат банклари ва бошқа ташкилотларда юритилади. Ҳозирги пайтда иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва бутун иқтисодиёт бўйича бухгалтерия ҳисоботларини йиғиш ва бу маълумотларни керакли кўрсаткичларда гуруҳлаштириш натижасида ҳамма хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик маблағлари, уларнинг тузилиши, жойланиши ва тайинлани-

ши, хўжалик фаолияти ҳақидаги бухгалтерия ҳисобининг маълумотларига эга бўладилар.

Бундан ташқари бухгалтерия ҳисобининг юқорида кўриб ўтилган объектлари унинг предметининг асосий мазмунини ташкил қилади. Бухгалтерия ҳисобининг объектлари, асосан айрим хўжалик юритувчи субъект доирасидан четга чиқмайди. Шунинг учун ҳам бухгалтерия ҳисобини қўллаш доираси айрим хўжалик юритувчи субъект бўлиб, иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва бутун халқ хўжалиги миқёсида керакли бухгалтерия ҳисобининг маълумотлари юқори ташкилот томонидан қатъий белгиланган муддатларда уларга топширилиб туриладиган бухгалтерия ҳисоботларининг маълумотларини йиғиш натижасида олинади. Демак, бухгалтерия ҳисоби айрим хўжалик юритувчи субъектларда ташкил этилиб, уларнинг хўжалик маблағлари, фаолияти жараёнини узлуксиз кузатиб боради ва улар устидан назорат олиб боради. Лекин бу бухгалтерия ҳисоби предмети айрим хўжалик юритувчи субъектлар доираси билан чекланиб қолади деган гап эмас албатта, чунки уларнинг ҳар бири иқтисодиётнинг ажралмас бир қисми бўлиб ҳисобланади.

5. Бухгалтерия ҳисоби усули

Бухгалтерия ҳисоби халқ хўжалиги ҳисобининг бир қисми сифатида қатъий илмий асосга қурилгандир. Чунки ҳар қандай фаннинг методологик асоси бўлган диалектик усул бухгалтерия ҳисобининг ҳам асосидир. Бухгалтерия ҳисоби усулининг илмий мазмуни, диалектик усул кўрсатганидек, хўжалик юритувчи субъект хўжалик маблағлари ва хўжалик жараёнларининг ҳамма вақт ўзаро алоқада, тўхтовсиз ривожланишда, бирликда ва ҳаракатда эканлигига асосланади.

Бухгалтерия ҳисоби ўзининг предмети хусусиятларига мос ўрганиш усулларидан фойдаланадики, булар маълум кузатиш натижаларини пул кўрсаткичда ифодалаш, қайд қилиш ҳамда уни зарур ёзувлар ёрдамида тартибга солиш, унинг натижаларини аниқлашдан иборатдир. Бундай усулларга ***бухгалтерия ҳисоби ёзувларининг ҳужжатга асосланиши, инвентаризация қилиш, баҳолаш, калькуляция қилиш, бухгалтерия счётлари, хўжалик операцияларини шу счётларда қайд қилишни махсус икки ёқлама ёзиш тизимида юргизиш, бухгалтерия балансини ва ҳисоботини тузишлар*** киради.

Ҳужжатлаштириш. Ҳужжатлаштириш бухгалтерия ҳисоби усулининг энг муҳим элементи эканлиги 1938 йилда профессор Я. М. Гальперин томонидан исботланиб иқтисодий адабиётга киритилган (Я.М. Гальперин. Основы балансового учета, –М., 1938, 17-стр.). Ҳар бир хўжалик операцияси ҳужжат асосидагина ҳисобга олинади. Ҳеч қандай ёзув бухгалтерия ҳисобида ҳужжатсиз қайд қилинмайди. Бир ёки бир қанча хўжалик операциялари тўғрисидаги маълумотларнинг исботи сифатида маълум ҳужжат расмийлаштирилади. Ҳужжат расмийлаштирилаётганда унинг олдига қўйилган ҳамма ҳуқуқий талабларга риоя қилиш керак. Фақат шундай расмийлаштирилган ҳужжатларгина бухгалтерия ҳисобининг кўрсаткичларига умуман ва унинг айрим маълумотларига ишончли далил бўла оладиган кучга эга бўлади. Хўжалик юритувчи субъектларда содир бўлаётган ҳамма хўжалик операцияларини ёппасига ва узлуксиз кузатиш натижаларини натура ва пул кўрсаткичларида ифодалаш ва бу маълумотларни уларнинг исботи бўлган ҳужжатларда қайд қилиш усули қўлланилади.

Инвентаризация қилиш. Инвентаризация қилиш – бу санаш, тортиш, ўлчаш ва ҳоказолар йўли билан хўжалик юритувчи субъект мол-мулкини рўйхат қилиш, маълумотларни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солиштириш, топилган камомад, ортиқча нарсалар, нобудгарчилик ва ҳоказолар тарзидаги фарқларни ҳужжат билан расмийлаштириш, бу фарқларнинг сабабларини ва айбдорларини топишдан иборатдир.

Инвентаризация қилишнинг бухгалтерия ҳисоби усулининг элементи эканлиги профессор Н. А. Кипарисов томонидан исботланиб иқтисодий адабиётга киритилган (Н. А. Кипарисов. Курс теории бухгалтерского учета. –М.: Госфиниздат, 1950, 57-стр.). Инвентаризация қилиш хўжалик юритувчи субъектлар мол-мулки устидан назорат қилиб туришга ёрдам беради ва бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичларининг ҳақиқийлигини, ишончлилигини таъминлайди. Чунки моддий қийматликларнинг бузилиши, материалларни қабул қилиш ва омбордан чиқаришда йўл қўйилган хатоликлар, моддий қийматликларнинг табиий камайиши, камомадлар ва шу каби хатолар содир бўлиши билан уларни дарҳол аниқлаш ва қайд қилиш жуда қийин. Булар фақат инвентаризация қилиш йўли билангина аниқланади ва натижада бухгалтерия ҳисобининг маълумотлари ҳам ўзгартирилади.

Баҳолаш. Баҳолаш хўжалик маблағлари, уларнинг ташкил топиш манбалари ва хўжалик жараёнини пул ўлчовида ифодалаш

усулида намоён бўлади. Бу усул натура ва меҳнат ўлчовларини қўллаш, зарур маълумотларни таққослаш ва умумлаштириш, хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижаларини аниқлаш имкониятини беради. Бухгалтерия ҳисоби содир бўлаётган хўжалик операциялари тўғрисида умумлаштирилган кўрсаткичлар бериши керак. Бундай кўрсаткичлар ҳамма хўжалик операцияларини пул ифодасида баҳолаш ёрдами билан келтирилади. Моддий қийматликлар ҳисоби жорий бухгалтерия ҳисобида режа баҳосида, қатъий ҳисоб баҳосида ёки ҳақиқий таннархида олиб борилса ҳам, улар балансда ҳақиқий таннархда кўрсатилади. Баҳолаш бухгалтерия ҳисоби усулининг бир элементи эканлиги биринчи марта 1948 йилда профессор А. А. Афанасьев томонидан исботланган ва иқтисодий адабиётга киритилган (А. А. Афанасьев. Принципы построения бухгалтерского баланса. –М.: 1948, 12- стр.). Баҳолаш ёрдамида натура, меҳнат, комбинациялашган ва шартли ўлчовларда қайд қилинган хўжалик маблағлари, хўжалик жараёни ва операциялари умумлаштирувчи пул ўлчовига келтирилади.

Калькуляция қилиш. Калькуляция қилиш маҳсулот бирлиги, бажарилган иш ва хизматларнинг таннархини пул ифодасида ҳисоблаш усулида намоён бўлади. Мол етказиб берувчилардан келтирилаётган материал, хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, ёқилғи ва бошқа моддий қийматликларнинг таннархи ҳам калькуляция қилинади. Бухгалтерия ҳисобига доир адабиётларда калькуляция билан калькуляция қилишни кўпчилик муаллифлар аралаштириб юборадилар. Калькуляция - бу ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги, бажарилган иш, қилинган хизмат ва тайёрланган моддий қийматликлар бирлигининг таннархини кўрсатувчи ҳужжатдир. Калькуляция қилиш эса таннархни ҳисоблаш жараёни, уни аниқлашда қўлланиладиган усуллар ва бажариладиган ҳисоб-китоблар йиғиндисидир. Калькуляция қилиш бухгалтерия ҳисоби усулининг муҳим элементи эканлиги иқтисодий адабиётга 1948 йили профессор А. А. Афанасъев томонидан киритилган (А. А. Афанасьев. Принципы построения бухгалтерского баланса. –М.: 1948, 12- стр.).

Бухгалтерия ҳисоби объектларини иқтисодий мазмунига қараб бухгалтерия счётлари ёрдамида гуруҳлаштириш. Хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида турли-туман моддий қийматликлар, меҳнат воситалари, пул маблағлари ва бошқалар бўлади. Уларнинг ҳолати ва ҳаракати устидан кузатиш ва назорат олиб бориш бухгалтерия ҳисобининг асосий функцияларидан бири ҳисобланади. Хўжа-

лик юритувчи субъектларда моддий қийматликларнинг номенклатураси бир неча мингта бўлиши мумкин. Уларнинг ҳар қайсисининг ҳолати, келиши ва кетиши аналитик счётлар ёрдамида кузатилади ва назорат олиб борилади. Агар хўжалик юритувчи субъектда моддий қийматликлар номенклатураси кам миқдорда бўлганда эди, уларнинг ҳар бирида бўлган ўзгаришни кузатиш осон бўларди. Номенклатуралар кўп бўлганлиги сабабли уларни иқтисодий мазмуни жиҳатидан умумлаштириш зарурияти туғилади. Бухгалтерия ҳисоби объектларини уларнинг иқтисодий мазмунига қараб умумлаштириш бухгалтерия ҳисобининг счётлар тизими ёрдамида амалга оширилади. Ҳар бир ҳисобот даври мобайнида хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида турли-туман операциялар содир бўлади. Улар счётлар тизимидан фойдаланиб хўжалик операцияларининг маълум иқтисодий мазмунига қараб умумлаштирилади. Бухгалтерия ҳисоби объектларини бухгалтерия счётлари ёрдамида гуруҳлаштириш бухгалтерия ҳисоби усулининг муҳим элементи эканлиги иқтисодий адабиётга Н. А. Леонтьев, В. Е. Кедров ва С. А. Шченковлар томонидан киритилган (Н.А. Леонтьев и др. Краткий курс бухгалтерского учета. —М.: В/О «Союзоргучет», 1938, 84- стр.).

Икки ёқлама ёзиш. Хўжалик операциясини бухгалтерия ҳисобининг счётларида акс эттириш икки ёқлама ёзиш усули ёрдамида амалга оширилади. Махсус икки ёқлама ёзиш тизими бўйича қайд қилиш шундан иборатки, ҳар қандай хўжалик операциясига тегишли бир сумма бухгалтерия ҳисобида бир вақтнинг ўзида икки счётда акс эттирилади. Бу усул хўжалик операцияларининг икки тарафламалигидан келиб чиқади. Икки ёқлама ёзиш усули бухгалтерия ҳисоби усулининг муҳим элементи сифатида иқтисодий адабиётга профессор Н. А. Кипарисов томонидан киритилган (Н.А. Кипарисов. Теория бухгалтерского учета. 1938, 27-стр.).

Балансли умумлаштириш. Хўжалик субъектлари хўжалик фаолиятининг натижаларини аниқлаш пайтида унинг қандай маблағларга эга эканлиги, қаерларга жойлаштирилганлиги, улар қандай манбалардан ташкил топганлиги тўғрисидаги маълумотлар зарур бўлади. Бундай маълумотлар тегишли юқори органлар, қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган муддатларга тузиладиган бухгалтерия балансидан олинади. Балансли умумлаштириш бухгалтерия ҳисоби усулининг муҳим элементларидан бири ҳисобланади. Буни профессор Н. А. Кипарисов исботлаган (Н.А. Кипарисов. Теория бухгалтерского учета. 1938, 27-стр.).

Бу усулнинг катта аҳамиятга эга эканлигини шундан хам кўриш мумкинки, яқинга қадар кўпгина муаллифлар баланси бухгалтерия ҳисобининг элементи эмас, балки унинг усули деб таърифлар эди. Бухгалтерия ҳисобининг усулини бундай таърифлаш тўғри келмайди. Чунки балансда хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбаларининг маълум санага бўлган ҳолати ва жойлаштирилиши акс эттирилади. Бухгалтерия ҳисоби хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбаларини маълум санага кўрсатиш учунгина уюштирилмайди-ку, ахир.

Ҳисобот. Хўжалик субъектларининг хўжалик фаолияти ҳақида умумий хулоса чиқариш учун хўжалик маблағлари, уларнинг жойлаштирилиши ва ташкил топиш манбаларини кўрсатувчи маълумотларга эга бўлган бухгалтерия балансидан ташқари, хўжалик юритувчи субъектдаги айрим бўлинмалар хўжалик фаолиятининг умумий кўрсаткичлари, хўжалик фаолияти махсус томонларининг тавсифини берадиган кўрсаткичлар ҳам зарур бўлади. Бундай кўрсаткичларга бухгалтерия ҳисоби усулининг элементи бўлган бухгалтерия ҳисоботи ёрдамида эришилади. Ҳисобот бухгалтерия ҳисоби усулининг асосий элементи деб бухгалтерияга доир адабиётга А. М. Галаган томонидан киритилган (А. М. Галаган. Основы бухгалтерского учета. 1939, 47-стр.). Маълум даврга бўлган хўжалик фаолиятини акс эттирувчи умумлаштирилган хўжалик жараёни ва операцияларини уларнинг иқтисодий мазмунига қараб маълум тартибда гуруҳлаштирадиган ва ўзаро алоқадорлигини таъминлайдиган кўрсаткичларни акс эттирувчи шакллар йиғиндиси бухгалтерия ҳисоботи деб аталади.

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунига мувофиқ йиллик молиявий ҳисобот қуйидаги умумий молиявий ҳисоботлардан иборат бўлади:

1. Бухгалтерия баланси (1-сонли шакл);
2. Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сонли шакл);
3. Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот (3-сонли шакл);
4. Пул оқими тўғрисида ҳисобот (5-сонли шакл).

Йиллик бухгалтерия ҳисоботида юқорида келтирилган ягона бухгалтерия ҳисоботининг ҳамма шакллари тўлдириб топширилади. Бу ягона бухгалтерия ҳисоботи аввалги бухгалтерия ҳисоботларидан ҳисобот шаклларининг камлиги билангина эмас (20 та шаклнинг ўрнига 4 та шакл), балки янги ҳисобот шаклларида режа ёки меъёр кўрсаткичларнинг йўқлиги билан ҳам фарқ қилади.

Ҳисобот йили ичида хўжалик юритувчи субъектлар биринчи чорак, ярим йиллик ва тўққиз ойлик бухгалтерия баланси ҳамда молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботдан иборат ташқи бухгалтерия ҳисоботини тузиб, тегишли идораларга топширади. Даврий ҳисоботлар йиллик ҳисоботлардан молиявий ҳисоботлар шакллари сонини камроқ бўлиши билан ажралиб туради.

Юқорида айтиб ўтилган усуллар ёрдамида бухгалтерия ҳисобида хўжалик жараёни ва операциялари устидан ёппасига узлуксиз кузатиш олиб бориш, уларни ҳужжатларда қайд қилиш, ҳисоб маълумотлари хўжалик фаолиятининг ҳақиқий аҳволига мувофиқ келиши устидан жорий кузатиш ва назорат олиб боришга эришилади.

Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида халқ хўжалигининг айрим тармоқлари ёки халқ хўжалиги миқёсида умумлаштирилган кўрсаткичлар олишда маълумотларни жамлаш (сводка) ҳам ишлатилади, Лекин, маълумотларни жамлаш (сводка) бухгалтерия ҳисобининг усули эмас, балки статистика усулидир.

Юқорида кўрсатилганларга асосан бухгалтерия ҳисоби усулининг таърифини қуйидагича бериш мумкин. ***Бухгалтерия ҳисоби усули деб хўжалик жараёни ва операцияларини ҳужжатларда ёппасига ва узлуксиз қайд қилиб икки ёқлама ёзиш усули билан счётлар тизимида пул ифодасида акс эттириш, ҳисоб маълумотларининг тўғрилигини инвентаризация қилиш ёрдамида аниқлаш, улар асосида керакли калькуляция, баланс ва ҳисобот тузишга айтилади.***

Юқоридаги усулларни синчиклаб ўрганиш натижасида уларнинг баъзи бирлари фақат бухгалтерия ҳисобининг ўзидагина қўлланиладиган усуллар бўлса, баъзи бирлари эса бухгалтерия ҳисобида қўлланилиши билан бирга бошқа фанлар усулининг элементи ҳам эканлиги аниқланади. Бухгалтерия ҳисобининг ўз усулларига счётлар ва икки ёқлама ёзиш киради. Қолганлари умумий усуллар гуруҳига кириб, улардан бошқа фанларда, масалан, режалаштириш, тезкор ҳисоб, статистика ва бошқаларда кенг фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилигида рўйхатдан ўтказилган бухгалтерия ҳисобининг 1-сонли «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» миллий стандартига кўра Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобининг асосий принципи бўлиб: бухгалтерия ҳисобини икки ёқлама ёзиш усулида юритиш; узлуксизлик; хўжалик операциялари, активлар ва пассивларнинг пулда баҳоланиши; ишончлилик; ҳисоблаш; эҳтиёткорлик (олдиндан кўра билиш); мазмуннинг шаклдан устун-

лиги; кўрсаткичларнинг қиёсийлиги, ҳисоботнинг бетарафлиги; ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги; активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоланишлиги ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобининг икки ёқлама ёзиш усули билан юритиш принципи хўжалик юритувчи субъект ва бюджет ташкилотлари бухгалтерия операцияларини икки ёқлама ёзиш асосида рўйхатга олиб бориш кераклигини билдиради. Икки ёқлама ёзиш тизими айнан бир операциянинг суммасини бир вақтнинг ўзида бухгалтерия ҳисобининг икки счётига – бирининг дебетига ва бошқасининг кредитига акс эттирилишидан иборат бўлади.

Бухгалтерия ҳисобининг узлуксизлик принципи хўжалик юритувчи субъект ва бюджет ташкилоти доимий фаолият кўрсатадиган ва номаълум узоқ муддатгача ўз фаолиятини давом эттирадиган бўлишлигини ҳамда бухгалтерия ҳисобини юритиш муддати хўжалик юритувчи субъектнинг ва бюджет ташкилотининг фаолият кўрсатиш муддатига мос келиши кераклигини билдиради.

Хўжалик операцияларини, активларни ва пассивларни пулда баҳоланиши принципи барча хўжалик операциялари, ҳодисалар, активлар ва пассивлар ягона, бир турдаги пул баҳосида ўлчаниши кераклигини билдиради. Ўзбекистон Республикасида пул ўлчови бўлиб сўм ва унинг қисми тийин ҳисобланади. Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг қиймати, бухгалтерия ҳисобида акс эттириш мақсадида сўмларга қайта ҳисобланиши керак. Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятлар қийматини қайта ҳисоблашиш ана шу чет эл валютаси учун сўмга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курси бўйича амалга оширилади. Бухгалтерия ҳисоби мақсади учун кўрсатилган сўмлардаги қайта ҳисоблаш чет эл валютасида операция содир этилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича амалга оширилади.

Бухгалтерия ҳисобининг ишончлилик принципи ахборот, қачонки унда жиддий ёки олдиндан ўйлаб киритилган хатолар бўлмаса ҳамда фойдаланувчилар унга ишонсалар, ишончли ҳисобланишини билдиради. Хўжалик операцияларининг ёки ҳодисаларнинг ишончли бўлиши учун бошланғич ҳисоб ҳужжатлари билан тасдиқланган бўлиши керак.

Ҳисоблаш принципи активлар, пассивлар, даромадлар, харажатлар, хўжалик операциялари ва ҳодисалар содир этилган пайтда бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини билдиради. Бухгалтерия

ёзувлари ҳисобида ҳисоблаш принципидан фойдаланилган ҳолда хўжалик операциялари содир бўлган вақтда амалга оширилади.

Эҳтиёткорлик принципи ҳисоботда активлар ва даромадлар орттирилган ҳолда баҳоланишига ва мажбуриятлар ёки харажатлар пасайтирилган ҳолда баҳоланишига йўл қўйилмаслигини англатади.

Мазмуннинг шаклдан устунлиги принципи агар ахборотлар ҳисоб ҳужжатларида ва ҳисоботларда операциялар ва ҳодисаларнинг мазмунини ишончли акс эттирса, бу ахборотлар ҳисобга олинган ва ҳисоботда тақдим этилган бўлишлигини билдиради.

Кўрсаткичларнинг қиёсийлиги принципи ахборотлар нафли ва мазмунли бўлиши учун у хар хил ҳисобот даврлари учун қиёсий бўлишлигини билдиради. Ҳисобот йилида ҳисоботларни тақдим этишга бўлган ёндашувлар ўзгарганда ўтган даврга тегишли ахборотлар қиёслаш мақсадида қайта тасниф қилинган бўлиши керак. Агар амалий фикр-мулоҳазалар бўйича қайта тасниф қилиш мумкин бўлмаса, унда улар қайта тасниф қилинганида бўлиши мумкин бўлган ўзгаришларнинг сабаблари ва характери ёритилган бўлиши керак.

Ҳисоботнинг бетарафлиги принципи ҳисоботда келтирилган ахборот, унинг ишончлилигини таъминлаш учун олдиндан бичиб-тўқиб қўйишдан холи бўлиши кераклигини билдиради.

Ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги принципи муайян даврда шу давр даромадларининг олинишини шарт қилган харажатларнигина акс эттирилишини билдиради. Агар харажатлар ва даромадларнинг айрим турлари ўртасида бевосита боғлиқликни аниқлаш қийин бўлса, харажатлар бир неча ҳисобот даврлари ўртасида тақсимлашнинг бирон-бир тизими асосида тақсимланади.

Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоланишлиги принципи активлар ва мажбуриятларнинг асосий баҳоланиши уларнинг таннархи ёки сотиб олинган қиймати бўлишлигини назарда тутади.

Бу бобда бухгалтерия ҳисобининг асосий усулларига умумий тавсиф берилди. Дарсликнинг кейинги бобларида уларнинг ҳар қайсиси алоҳида-алоҳида кўриб чиқилади ва улар ҳақида батафсил маълумотлар берилади.

Савол ва топшириқлар

1. Хўжалик маблағларининг даврий айланиши нима?
2. Таъминот жараёнини таърифлаб беринг.
3. Ишлаб чиқариш жараёнини таърифлаб беринг.

4. Сотиш жараёнини таърифлаб беринг.

5. Ишлаб чиқариш ва муомала фазасидаги хўжалик маблағларига нималар киради?

6. Хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик маблағлари хўжалик жараёнидаги функционал ролига қараб қандай гуруҳларга бўлинади?

7. Меҳнат воситалари нима ва уларга нималар киради?

8. Меҳнат буюмлари нима ва уларга нималар киради?

9. Номоддий активлар нима ва уларга нималар киради?

10. Хўжалик юритувчи субъектнинг қандай маблағлари хўжалик юритувчи субъект айланишдан четлатилган маблағлар ҳисобланади?

11. Хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик маблағлари ўзларининг хўжалик жараёнида қатнашиш муддатига ва хусусиятига қараб қандай гуруҳларга бўлинади?

12. Асосий воситалар нима ва уларга нималар киради?

13. Айланма маблағлар нима ва уларга нималар киради?

14. Хўжалик маблағлари ташкил топишининг қайси манбалари хўжалик юритувчи субъектнинг ўз маблағлари манбаларига киради?

15. Хўжалик маблағлари ташкил топишининг қайси манбалари қарзга олинган маблағлар манбаларига киради?

16. Хўжалик юритувчи субъектнинг тақсимотга доир мажбуриятларининг асосий турларини айтинг.

17. Бухгалтерия ҳисоби предметининг умумий таърифини айтинг ва изоҳланг.

18. Бухгалтерия ҳисоби предметининг қамраб олиш доирасини айтинг.

19. Бухгалтерия ҳисоби усулининг умумий таърифини айтинг ва изоҳланг.

20. Бухгалтерия ҳисоби усулининг элементлари нималардан иборат?

21. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобининг асосий принциплари нималардан иборат?

УЧИНЧИ БОБ

БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ

1. Бухгалтерия баланси, унинг тузилиши ва мазмуни

Хўжалик субъектларининг хўжалик маблағлари ҳамма вақт кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида харакатда бўлади ва даврлар бўйича ҳам миқдор, ҳам қиймат жиҳатидан ўзгариб туради. Буларнинг хўжалик фаолияти устидан раҳбарлик қилиш ва бошқариш учун хўжалик юритувчи субъект қандай маблағларга эга, уларнинг таркиби ва қаерда жойлашганлиги ҳамда бу маблағлар қандай манбалардан ташкил топганлиги тўғрисида аниқ маълумотлар бўлиши зарур.

Хўжалик маблағларининг таркиби, жойланиши, ҳаракати ва уларнинг келиб чиқиш манбаларидаги ўзгаришларни бир-бирига солиштириб, маълум бир санага пул ўлчовида умумлаштириб акс эттириш бухгалтерия ҳисоби усулининг муҳим элементларидан бири - баланс ёрдамида амалга оширилади. «Баланс» иборасининг асл маъноси мувозанатликдир. Баланс ёрдамида хўжалик маблағлари, уларнинг ҳолати, мавжудлиги, жойланиши ва ташкил топиш манбалари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлинади. Баланс усулидан фақат бухгалтерия ҳисобидагина фойдаланилади деб тушуниш нотўғридир. Бу усулдан режалаштиришда, таъминотда, статистик ҳисобда ва тезкор ҳисобда ҳам кенг фойдаланилади. Шунинг учун ҳам баланс усули ёрдами билан маълумотларни умумлаштириш кўп фанларда қўлланиладиган умумий усуллар қаторига киради.

Бухгалтерия ҳисобида хўжалик маблағлари икки томонлама, яъни уларнинг таркиби ва жойланишига ҳамда келиб чиқиш манбаларига кўра акс эттирилиши ҳисобга олиниб, балансдар тузилаётганда уларда акс эттирилаётган маълумотлар тенглигига эътибор қилинади. Хўжалик юритувчи субъект хўжалик маблағларининг турлари ва жойланиши ҳамда бу маблағларнинг ташкил топиш манбалари бухгалтерия балансиниг икки томонини ташкил қилади. Бухгалтерия балансида хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил то-

пиш манбалари билан бир қаторда махсус мақсадга аталган кўрсаткичлар ҳам бўлади. Масалан, асосий воситаларнинг эскириши, четга жалб қилинган маблағлар. Улар билан мазкур курснинг келажакдаги ўрганиш давомида таништириб борилади.

Бухгалтерия балансида хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари умумлаштирилиб, одатда, куннинг охирига (банкларда) ёки ҳисобот ойидан кейинги ойнинг биринчи кунига пул ўлчовида тузилади. Хўжалик субъектларида ҳисобот ойи ичида содир бўлган хўжалик операциялари махсус ҳужжатларда қайд қилинади. Бу ҳужжатларга асосланиб бухгалтерия проводкалари тузилади ва улар бухгалтерия ҳисобининг синтетик счётларига тарқатилади. Ҳисобот даври охирида синтетик счётлар бўйича айланиш ведомости тузилади. Бунда ҳисобот даври бошидаги ҳар қайси синтетик счётнинг бошланғич қолдиғи, ҳисобот даврида содир бўлган айланиш суммаси ва ҳисобот даври охирига бўлган қолдиқ суммаси кўрсатилади. Айланиш ведомостида келтирилган ҳисобот даври охиридаги синтетик счётларда қолган қолдиқ суммаларига асосланиб бухгалтерия баланси тузилади. Шунинг учун ҳам айрим холларда синтетик счётлар бўйича тузилган айланма ведомост айланма баланс деб ҳам юритилади.

Кўпгина хўжалик юритувчи субъектларда хўжалик операцияларининг счётларда тўғри акс эттирилганлигини назорат қилиш мақсадида шахмат баланси ҳам тузилади. Унда келтирилган ҳар бир сумма икки синтетик счётнинг ўзгаришини, ўзаро алоқасини билдиради.

Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, хўжалик юритувчи субъект хўжалик маблағлари ва улар манбаларининг кундалик хўжалик фаолиятига бухгалтерия баланси ёрдамида тўла баҳо бериб бўлмайди. Дарҳақиқат, кундалик хўжалик фаолиятидаги ўзгаришларни акс эттириб туриш учун бухгалтерия ҳисобининг жорий маълумотларини ҳисобга олувчи счётлар тизими усулидан фойдаланилади. Лекин хўжалик маблағлари ва улар манбаларининг ҳаракатини, уларда содир бўлган ўзгаришларни маълум бир санага тўплаб акс эттириш талаб қилинади, чунки бундай йиғиб тасвирлаш хўжалик юритувчи субъект хўжалик маблағларининг, бир томондан, таркиби ва ҳолатидаги даврий ўзгаришни кўрсатса, иккинчи томондан, уларнинг ташкил топиш манбаларидаги ўзгаришларни акс эттиради, шу билан бирга, у хўжалик фаолиятининг ҳолатини иқтисодий таҳлил қилишда зарур хулосалар олиш учун муҳим материал ҳисобланади. Бундай тўплаш бухгалтерия ҳисоби усулининг баланс усу-

ли ёрдамида амалга оширилади. Шундай қилиб, бухгалтерия баланси хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик маблағларини, бир томондан, таркиби, ҳолати, жойланиши бўйича, иккинчи томондан, қандай манбадан пайдо бўлишига қараб маълум бир санага пул ўлчовида йиғиб акс эттириш усулидир.

Бухгалтерия ҳисоби бўйича халқаро бухгалтерия стандартларида бухгалтерия баланси **баланс ҳисоботи** деб юритилади. Баланс ҳисоботи хўжалик юритувчи субъектнинг маълум санага бўлган молиявий ҳолатини кўрсатади. Баланс ҳисоботи хўжалик юритувчи субъектнинг активлари, хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа ҳуқуқий шахслар ва фуқароларга бўлган мажбуриятлари ҳамда акцияли жамият шаклида фаолият қиладиган хўжалик юритувчи субъектнинг акцияли капиталининг тафсилоти билан берилган рўйхатини кўрсатади. Бухгалтерия балансини баланс ҳисоботи деб аталишига сабаб, бу балансда хўжалик юритувчи субъект активларининг қийматини, хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа ҳуқуқий шахслар ва фуқароларга бўлган мажбуриятларининг умумий қиймати билан хўжалик юритувчи субъектнинг капиталини умумий қийматига тенг келишлигидир. Хўжалик юритувчи субъектнинг капитали - бу хўжалик юритувчи субъектнинг ўзининг активларига эгалигидир. Хўжалик юритувчи субъектнинг мажбуриятлари эса бу муайян хўжалик юритувчи субъект активларига унинг кредиторлари томонидан эгалигидир. Баланс ҳисоботи бўйича хўжалик юритувчи субъект активининг қиймати унинг капитали қиймати билан мажбуриятларининг суммасини йиғиндисига тенг келади.

Ҳисобот бўйича қуйидаги халқаро стандартлар Халқаро бухгалтерия стандартлари қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган:

1) 1-сонли «Молиявий ҳисоботни тақдим этилиши» стандарт (1998 й., охирги тахрири 2003 й.);

2) 10-сонли «Ҳисобот санасидан кейинги ҳодисалар» стандарт (2003 й.);

3) 19-сонли «Ходимларни тақдирлаш» стандарт (1999 й.);

4) 26-сонли «Пенсия таъминоти дастурларининг (пенсия режаларининг) ҳисоби ва ҳисоботи» стандарт (1988 й., охирги тахрири 1994 й.);

5) 27-сонли «Шуъба компанияларда йиғма молиявий ҳисобот ва инвестициялар ҳисоби» стандарт (1990 й., охирги тахрири 2003 й.);

7) 29-сонли «Гиперинфляция шароитида молиявий ҳисобот» стандарт (1990 й., охирги тахрири 1994 й.).

Юқоридаги халқаро бухгалтерия стандартлари турли шароитларда қўллаш мумкин бўлган яхлит, ривожланадиган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизими бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БҲМС) Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни асосида ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган. Бу бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БҲМС) Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий жиҳатидан тартибга солиш тизими бўлиб ҳисобланади.

Уларнинг ичидан муайян мавзуга тегишли бўлганларининг баъзилари қуйида келтирилади:

1) 1-сонли «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» стандарт (1998 й.);

2) 15-сонли «Бухгалтерия баланси» стандарт (2003 й.);

3) 16-сонли «Бухгалтерия баланси тузилган санадан кейин содир бўладиган хўжалик фаолиятининг кўзда тутилмаган ҳолатлар ва ҳодисалар» стандарт (1998й.);

4) 20-сонли «Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан соддалаштирилган ҳисобни юритиш ва ҳисоботни тузиш тартиби ҳақида» стандарт (2002 й.) ва бошқа стандартлар.

Хўжалик юритувчи субъектлар (банклар ва бюджет ташкилотлари бундан мустасно) бухгалтерия балансини тайёрлаш жараёнида юқорида келтирилган стандартларнинг талабларини бажаришлари шарт.

Бухгалтерия баланси молиявий ҳисоботнинг ташкил қилувчи қисмларининг бири бўлиб ҳисобланади. Бухгалтерия баланси хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотларни йиғади ва уларни тушунтириб (очиб) беради. Бухгалтерия баланси аниқ ва унинг фойдаланувчиларига тушунарли бўлиши керак. Шунинг учун ҳам керак бўлган тақдирда бухгалтерия балансига қўшилган айрим моддаларнинг мазмунини тушунтириш учун уларни тушунтирадиган қўшимча маълумотлар қўшилиши мумкин. Бухгалтерия баланси ўтган даврнинг тегишли маълумотларини очиб бериши керак.

Бухгалтерия балансида асосий воситалар ва номоддий активлар бошланғич (қайта тиклаш) қийматида, уларнинг эскириш суммаси алоҳида ва уларнинг қолдиқ қиймати алоҳида кўрсатилади. Бухгалтерия балансида узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситалар ва чўзиб тўлаш асосида сотиб олинган асосий воситалар бўйича ало-

ҳида-алоҳида очиб берадиган тушунтириш изоҳлари бўлиши керак. Капитал қўйилмалар бухгалтерия балансида алоҳида кўрсатилади. Узоқ муддатли инвестициялар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялар ва қарзлар ҳамда бошқа инвестициялар ва қарзлар сифатида тушунтириб кўрсатилиши керак.

Бухгалтерия балансида айланма (жорий) активларнинг қуйидаги моддалари: Ишлаб чиқариш захиралари; тугалланмаган ишлаб чиқариш; тайёр маҳсулотлар; қайта сотиш учун товарлар; келгуси давр харажатлари; пул маблағлари; валюта маблағлари; кассадаги пул маблағлари; қисқа муддатли молиявий инвестициялар; пулини тўлаб қайтариб олинган ўзларининг акциялари; дебитор қарзлар алоҳида-алоҳида тушунтириб берилиши керак. Дебитор қарзлар: харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар (даргумон қарзлар учун қилинган захиралар олиб ташланади); айланма маблағлар сотиб олиш учун бўнак тўловлари; бюджет билан ҳисоб-китоблар; турли операциялар бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар; шуъба ва қарам хўжалик жамиятлари билан ҳисоб-китоблар; хўжалик ичидаги ҳисоб-китоблар; олинишга тегишли ўтказиб бериладиган векселлар; таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар; бошқа дебитор қарзлар алоҳида-алоҳида очиб кўрсатилиши керак.

Бухгалтерия балансида ўз маблағларининг манбалари: устав капитали (акциядорлик капитали); қўшилган капитал; захира капитали; тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар); мақсадли молиялаштириш ва тушумлар; келгуси давр харажатлари ва тўловларининг захиралари; келгуси давр даромадлари тўғрисидаги маълумотлар очиб кўрсатилиши керак.

Бухгалтерия балансида узоқ муддатли мажбуриятлар: узоқ муддатли қарзлар; узоқ муддатли кредитлар алоҳида-алоҳида очиб кўрсатилиши керак.

Бухгалтерия балансида мажбуриятлар: узоқ муддатли қарзлар; банкларнинг узоқ муддатли кредитлари; қисқа муддатли қарзлар; банкларнинг қисқа муддатли кредитлари; харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар; кредитор қарзлар ва ҳисобланган харажатлар алоҳида-алоҳида очиб кўрсатилади. Кредитор қарзлар ва ҳисобланган харажатлар: мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг тўлаш учун берган счётлари ва векселлари; мол-мулк ва шахсий суғурта бўйича қарз; ижтимоий суғурта буйича қарз; меҳнатга ҳақ тўлашга доир қарз; бюджетга бўлган қарз; бюджетдан ташқари фондларга бўлган қарз; шуъба ва қарам хўжалик жамиятлари би-

лан ҳисоб-китоблар; хўжалик ичидаги ҳисоб-китоблар; бошқа кредиторлик қарз бухгалтерия балансида алоҳида-алоҳида очиб кўрсатилиши керак.

Бухгалтерия баланси чизими қуйидаги шаклда тузилади:

1-жадвал

Бухгалтерия баланси

Актив			Пассив		
Тартиб рақами	Хўжалик маблағлари ва уларнинг жойланиши	Сумма	Тартиб рақами	Хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбалари	Сумма
1	2	3	4	5	6

Кўриниб турибдики, бухгалтерия баланси икки томонли кўринишга эга бўлиб, унинг чап томони актив, ўнг томони эса пассив деб номланади. Актив томонда хўжалик маблағларининг турлари, жойланиши кўрсатилса, пассив томонда эса шу маблағларнинг ташкил топиш манбалари ва қандай мақсадга ишлатилиши акс эттирилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия балансининг (1-сонли шакл) активида ҳам, пассивида ҳам, иккитадан бўлим бор.

Бухгалтерия балансининг активидаги бўлимлар қуйидагилар:

1. Узоқ муддатли активлар;
2. Айланма (жорий) активлар.

Бухгалтерия балансининг пассивидаги бўлимлар қуйидагилар:

1.Ўз маблағларининг манбалари;
2. Мажбуриятлар.

Бухгалтерия балансининг иккала томони ҳам бир қанча моддаларга бўлинади. Бу моддаларнинг ҳар қайсиси хўжалик маблағларининг ёки унинг ташкил топиш манбаларининг иқтисодий жиҳатдан бир хил бўлган, лекин ҳар хил мақсадларда фойдаланилаётган кўрсаткичларини акс эттиради. Демак, бухгалтерия балансининг моддаси деб иқтисодий жиҳатдан бир хил бўлган хўжалик маблағларининг маълум тури ёки хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбаларини балансда алоҳида-алоҳида акс эттирувчи кўрсаткичга айтилади.

Бухгалтерия балансининг актив томонидаги моддаларининг йиғинди суммаси унинг пассив томонидаги моддаларининг йиғинди суммасига тенг бўлиши шарт. Чунки баланснинг актив ва пассив томонида хўжалик маблағлари икки томонлама акс эттирилади.

Бухгалтерия балансининг актив ва пассив қисмидаги моддалари меъёрий ҳужжатларга биноан ўрнатилган гуруҳлаштириш бўйича белгиланган тартибда юритилади, бу нарса хўжалик юритувчи субъектларнинг балансини тузишда ҳамма вақт ҳисобга олинмоғи керак. Бухгалтерия баланси моддаларини гуруҳлаштириш хўжалик маблағларининг мақсадга мувофиқ фойдаланишини тўла назорат қилиш ва хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш учун имконият яратади.

Бухгалтерия балансини тузишда олдинги бобда кўрсатиб ўтилган хўжалик маблағлари ва уларнинг манбаларини гуруҳланиши асос бўлиб хизмат қилади. Шунга асосланиб қуйида хўжалик юритувчи субъектлари бухгалтерия балансининг шакли келтирилади (2-жадвал).

Бухгалтерия балансининг ҳар қайси бўлими ўзининг иқтисодий мазмуни, қандай мақсадга мўлжалланганлигига қараб, бир хил моддаларда гуруҳлаштирилган. Бўлимларнинг ичида муайян хўжалик маблағлари ёки улар манбаларининг тутган ўрнига қараб бухгалтерия балансининг моддалари ҳам маълум тартибда жойлаштирилган. Бухгалтерия баланси бўлимлари ва моддалари тўғрисида кейинроқ батафсил тасаввур берилади, лекин шу нарсани кўрсатиб ўтиш зарурки, ҳар бир модданинг номига қараб, унинг актив ёки пассивга мансублигини тушуниш лозим. Чунки бусиз хўжалик маблағлари ва уларнинг манбаларини, шунингдек, хўжалик жараёнларини жорий ҳисобга олиш асосларини ўрганиш мумкин эмас.

Бухгалтерия балансининг актив моддаларини хусусиятлари шундаки, улар хўжалик маблағларининг таркиби, ҳолати ва жойланишини кўрсатади. Пассив моддаларда эса хўжалик маблағларининг пайдо бўлиш манбалари ва уларнинг қандай мақсадга мўлжалланганлиги акс эттирилади.

Бухгалтерия балансларини ўзларининг мазмуни ва қандай мақсадга қаратилганлигига караб дастлабки ёки бошланғич бухгалтерия баланси, ҳисобот бухгалтерия баланси ва тугатиш бухгалтерия балансларига бўлинади.

Хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини бошлашда дастлабки ёки бошланғич бухгалтерия баланси тузилади. Бундай баланснинг активида хўжалик юритувчи субъектнинг ташкил қилиниши пайти-

2-жадвал

Бухгалтерия баланси

Кўрсаткичларнинг номи	Сатр коди	С у м м а	Кўрсаткичларнинг номи	Сатр коди	С у м м а
1	2	3	4	5	6
А К Т И В			**П А С С И В**		
I. Узоқ муддатли активлар			**I.Ўз маблағларининг манбалари**		
Асосий воситалар:			Устав капитали	330	30000000
Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати	010	20500000	Қўшилган капитал	340	25450000
Эскириш	011	5400000	Захира капитали	350	3000000
Қолдиқ қиймат	012	15100000	Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)	360	2500000
Номоддий активлар:			Мақсадли молиялаштириш ва тушумлар	370	1200000
Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати	020	2200300	Келгуси давр харажатлари ва тўловларининг захиралари	380	1050800
Эскириш	021	1050200	Келгуси давр даромадлари	390	------
Қолдиқ қиймат	022	1150100			
Капитал қўйилмалар	030	5650000			
Шуъба хўжалик жамиятларидаги акциялар	040	3605000			
Шуъба хўжалик жамиятларига берилган қарзлар	050	------			
Қарам хўжалик жамиятларидаги акциялар	060	------			
Қарам хўжалик жамият ларига берилган қарзлар	070	2005000			
Узоқ муддатли инвестициялар	080	12500000			
Бошқа қарзлар	090	------			
Бошқа активлар	100	2800700			
I бўлим бўйича жами		**42810800**	**I бўлим бўйича жами**	400	**63200800**

1	2	3	4	5	6
II. Айланма (жорий) активлар			**II. Мажбуриятлар**		
Ишлаб чиқариш захиралари	120	33500600	Узоқ муддатли қарзлар	410	1500000
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	130	560500	Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари	420	22000000
Тайёр махсулот	140	2900300	Қисқа муддатли қарзлар	430	15000000
Қайта сотиш учун товарлар	150	-----	Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари	440	5000000
Келгуси давр харажатлари	160	350000	Харидорлар ва буюртма чилардан олинган бўнаклар	450	188300
Пул маблағлари	170	15250000	**Кредиторлар, жами**	460	4179650
Валюта маблағлари	180	10500600	Шундан:		
Кассадаги пул маблағлари	190	250	Тўлов муддати ўтган кредитор қарзлар	461	------
Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар	200	-----	Мол етказиб берувчлар ва пудратчилар	470	300500
Сотиб олинган ўз акциялари	210	----	Бюджет бўйича қарз	480	------
Дебиторлар, жами	220	5195700	Шу жумладан:		
Шундан:			Ҳукумат қарори билан кечиктирилган	481	----
Тўлов муддати ўтган дебитор қарзлар	221	----	Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз	490	2150750
Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар	230	550300	Мол-мулк ва шахсий суғурта бўйича қарз	500	----
Бўнак тўловлар	240	2500600	Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича		
Бюджет билан ҳисоб-китоблар	250	----			
Турли операциялар бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар	260	250000			
Шуъба ва қарам					

1	2	3	4	5	6
хўжалик жамиятлари билан ҳисоб-китоблар	270	350500	қарз	510	250600
Хўжалик ичидаги ҳисоб-китоблар	280	-----	Шуъба ва қарам хўжалик жамиятлари билан ҳисоб-китоблар	520	480500
Таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар	290	-----	Хўжалик ичидаги ҳисоб-китоблар	530	100600
Бошқа дебитор қарзлар	300	1544300	Бошқа кредиторлар	540	896700
II бўлим бўйича жами	310	**68257950**	**II бўлим бўйича жами**	550	**47867950**
Баланснинг актив бўйича ҳаммаси	320	**111068750**	**Баланснинг пассиви бўйича ҳаммаси**	560	**111068750**

да мавжуд хўжалик маблағлари кўрсатилса, пассивида эса бу маблағларнинг қандай манбалардан ташкил топганлиги кўрсатилади.

Ҳисобот бухгалтерия баланси хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳар бир ҳисобот даври тугаши билан тузилади. Хўжалик юритувчи субъектлар даврий (биринчи чорак, ярим йиллик ва тўққиз ойлик) ва йиллик ҳисобот бухгалтерия балансларини тузади. Бу бухгалтерия балансларида, одатда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг биринчи кунига бўлган хўжалик маблағлари, уларнинг жойланиши ва ташкил топиш манбалари гуруҳлаштирилган ҳолда кўрсатилади.

Тугатиш бухгалтерия баланси хўжалик юритувчи субъект тугатилаётган бўлса, шу тугатилиш кунига бўлган унинг маблағларини, уларнинг жойланиши ва ташкил топиш манбаларининг ҳолатини кўрсатиш учун тузилади.

2. Хўжалик операциялари таъсири остида балансда рўй берадиган ўзгаришлар

Хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик маблағлари ва уларнинг манбалари хўжалик жараёнида доимо ҳаракатда бўлади. Содир бўлаётган жараёнларнинг ҳар бирини ўз вақтида ҳисобга олиб бориш зарурдир. Чунки ҳар бир жараёнда кўплаб хўжалик операция-

лари амалга оширилади, буларнинг таъсирида хўжалик маблағларининг таркиби, жойланиши ва уларнинг ташкил топиш манбалари ўзгариши мумкин. Бу ўзгариш оқибат натижада бухгалтерия балансининг ўзгаришига сабаб бўлади, чунки балансининг актив ва пассив томонида хўжалик маблағлари ва уларнинг пайдо бўлиш манбалари акс эттирилади.

Бухгалтерия балансининг хўжалик операциялари таъсири остида ўзгаришини яққолроқ тасаввур қилиш учун хўжалик юритувчи субъектда содир бўлган бир неча хўжалик операцияларини мисол тариқасида келтирамиз. Ойнинг бошига бухгалтерия баланси сифатида 2-жадвалда келтирилган маълумотларни асос қилиб оламиз.

Хўжалик юритувчи субъектда *ойнинг биринчи кунида* қуйидаги хўжалик операциялари содир бўлди.

Биринчи операция. Ишчи ва хизматчиларга меҳнат ҳақи тўлаш учун хўжалик юритувчи субъектнинг банкдаги талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағидан хўжалик юритувчи субъект кассасига 2150700 сўм нақд пул олинди. Бу хўжалик операцияси таъсирида бухгалтерия балансининг актив қисмидаги «Кассадаги пул маблағлари» моддасидаги пул маблағининг кўпайиши ва бухгалтерия балансининг актив қисмидаги «Пул маблағлари» моддасидаги пул маблағининг камайиши содир бўлади.

Иккинчи операция. Асосий ишлаб чиқаришга хўжалик юритувчи субъект таъминот бўлимининг омборидан 3475600 сўмлик хом ашё харажат қилинди. Бу хўжалик операцияси таъсирида бухгалтерия балансининг актив қисмидаги «Тугалланмаган ишлаб чиқариш» моддасидаги харажатлар суммаси кўпайиб, бухгалтерия балансининг актив қисмидаги «Ишлаб чиқариш захиралари» моддасидаги захиралар суммаси камаяди.

Учинчи операция. Хўжалик юритувчи субъект омборидан мол сотиб олувчи харидорларга 1756500 сўмлик тайёр маҳсулот чиқарилди. Бу хўжалик операцияси таъсирида бухгалтерия балансининг актив қисмидаги «Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисобкитоблар» моддасида кўпайиш ва бухгалтерия балансининг актив қисмидаги «Тайёр маҳсулот» моддасида камайиш содир бўлди.

Юқорида келтирилган амалга оширилган хўжалик операциялари кейин хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия баланси 3-жадвалдаги кўринишга эга бўлди. (3-жадвал кейинги бетда келтирилган).

3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хўжалик операцияларининг бундай турлари бухгалтерия балансининг фақат

3-жадвал

Бухгалтерия баланси

Хўжалик маблағлари ва уларнинг жойланиши	Ойнинг биринчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Ойнинг биринчи кунида бўлган операциялар суммаси	Ойнинг иккинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбалари	Ойнинг биринчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Ойнинг биринчи кунида бўлган операциялар суммаси	Ойнинг иккинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси
АКТИВ				**ПАССИВ**			
I. Узоқ муддатли активлар				**I. Ўз маблағларининг манбалари**			
Асосий воситалар:				Устав капитали	30000000		30000000
Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати	20500000		20500000	Қўшилган капитал	25450000		25450000
Эскириш	5400000		5400000	Захира капитали	3000000		3000000
Қолдиқ қиймат	15100000		15100000	Тақсимланмаган фойда (копланмаган зарар)	2500000		2500000
Номоддий активлар:				Мақсадли молиялаштириш ва тушумлар	1200000		1200000
Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати	2200300		2200300	Келгуси давр харажатлари ва тўловларининг захиралари	1050800		1050800
Эскириш	1050200		1050200	Келгуси давр даромадлари	--------		--------
Қолдиқ қиймат	1150100		1150100				
Капитал қўйилмалар	5650000		5650000				
Шуъба хўжалик жамиятларидаги акциялар	3605000		3605000				
Шуъба хўжалик жамиятларига берилган қарзлар	--------		--------				

Хўжалик маблағлари ва уларнинг жойланиши	Ойнинг биринчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Ойнинг биринчи кунида бўлган операциялар суммаси	Ойнинг иккинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбалар	Ойнинг биринчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Ойнинг биринчи кунида бўлган операциялар суммаси	Ойнинг иккинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси
Қарам хўжалик жамиятларидаги акциялар	--------		--------				
Қарам хўжалик жамиятларига берилган қарзлар	2005000		2005000				
Узоқ муддатли инвестициялар	12500000		12500000				
Бошқа қарзлар	--------		--------				
Бошқа активлар	2800700		2800700				
I бўлим бўйича жами	**42810800**	**0**	**42810800**	**I бўлим бўйича жами**	**63200800**	**0**	**63200800**
II. Айланма (жорий) активлар				**II. Мажбурнятлар**			
Ишлаб чиқариш захиралари	33500600	- 3475600	30025000	Узоқ муддатли қарзлар	1500000		1500000
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	560500	+ 3475600	4036100	Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари	22000000		22000000
Тайёр маҳсулот	2900300	- 1756500	1143800	Қиска муддатли қарзлар	15000000		15000000
Қайта сотиш учун товарлар	--------		--------	Банкларнинг қиска муддатли кредитлари	5000000		5000000
Келгуси давр харажатлари	350000		350000				

Хўжалик маблағлари ва уларнинг жойланиши	Ойнинг биринчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Ойнинг биринчи кунида бўлган операциялар суммаси	Ойнинг иккинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбалар	Ойнинг биринчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Ойнинг биринчи кунида бўлган операциялар суммаси	Ойнинг иккинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси
Пул маблағлари	15250000	- 2150700	13099300	**Харидорлар ва**			
Валюта маблағлари	10500600		10500600	**буюртмачилар-**			
Кассадаги пул маблағлари	250	+ 2150700	2150950	**дан олинган бўнаклар**	188300		188300
Қиска муддатли молиявий қўйилмалар	--------		--------				
Сотиб олинган ўз акциялари	-------		--------				
Дебиторлар, жами	5195700	+ 1756500	6952200	**Кредиторлар, жами**	4179650		4179650
Шундан:				Шундан:			
Тўлов муддати ўтган дебитор қарзлар	--------		--------	**Тўлов муддати ўтган кредитор** қарзлар	--------		--------
Харидорлар ва буюртмачилар билан хисоб-китоблар	550300	+ 1756500	2306800	**Мол** етказиб			
Бўнак тўловлар	2500600		2500600	**берувчилар ва** пудратчилар	300500		300500
Бюджет билан хисоб-китоблар	--------		--------	**Бюджет бўйича** қарз	--------		--------
Турли операциялар бўйича ходимлар билан хисоб-китоблар	250000		250000	Шу жумладан: **Хукумат** қарори билан кечиктирилган	--------		--------

Хўжалик маблағлари ва уларнинг жойланиши	Ойнинг биринчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Ойнинг биринчи кунида бўлган операция-лар суммаси	Ойнинг иккинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Хўжалик маблағларининг ташкия топиш манбалар	Ойнинг биринчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Ойнинг биринчи кунида бўлган операция-лар суммаси	Ойнинг иккинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси
Шуъба ва қарам хўжалик жамиятлари билан ҳисоб-китоблар	350500		350500	Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз	2150750		2150750
Хўжалик ичидаги ҳисоб-китоблар	--------		--------	Мол-мулк ва шахсий суғурта бўйича қарз	--------		--------
Таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар	--------		--------	Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарз	250600		250600
Бошқа дебитор қарзлар	1544300		1544300	Шуъба ва қарам хўжалик жамиятлари билан ҳисоб-китоблар	480500		480500
				Хўжалик ичидаги ҳисоб-китоблар	100600		100600
				Бошқа кредиторлар	896700		896700
II бўлим бўйича жами	**68257950**	**0**	**68257950**	**II бўлим бўйича жами**	**47867950**	**0**	**47867950**
Баланснинг активи бўйича ҳаммаси	**111068750**	**0**	**111068750**	**Баланснинг пассиви бўйича ҳаммаси**	111068750	**0**	**111068750**

актив томонидаги моддаларда ўзгариш содир қилди, ёки хўжалик операцияси таъсири билан баланснинг актив томонида бир модда суммаси кўпайган бўлса, иккинчи модда суммаси камайди. Бу хил хўжалик операцияларининг ҳаммасида ҳам баланс фақат актив қисмининг тегишли моддаларидаги суммаларда ўзгариш содир бўлади, лекин бухгалтерия балансининг умумий суммасига таъсир қилмайди. Шунингдек, бухгалтерия балансининг пассив қисмининг умумий суммаси ҳам ўзгармасдан қолади.

Хўжалик операцияларининг таъсирида бухгалтерия балансида содир бўладиган бундай ўзгариш *биринчи хил ўзгариш дейилади.* Бошқача қилиб айтганда, *биринчи хил ўзгариш деб,* хўжалик маблағларининг таркиби ва жойланишини акс эттирадиган, бухгалтерия балансининг актив томонидаги тегишли моддаларда ўзгаришга сабаб бўладиган, лекин бухгалтерия балансининг умумий суммасига таъсир қилмайдиган ўзгаришга айтилади.

Хўжалик юритувчи субъектда *ойнинг иккинчи кунида* қуйидаги хўжалик операциялари амалга оширилди.

Тўртинчи операция. Ходимларга ҳисобланган меҳнат ҳақидан 371700 сўм даромад солиғи ушланди. Бу хўжалик операцияси таъсирида бухгалтерия балансининг пассив қисмидаги «Бюджет бўйича қарз» моддасида кўпайиш ва бухгалтерия балансининг пассив қисмидаги «Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз» моддасида камайиш содир бўлди.

Хўжалик юритувчи субъектда *ойнинг иккинчи кунида* қуйидаги хўжалик операциялари амалга оширилди.

Тўртинчи операция. Ходимларга ҳисобланган меҳнат ҳақидан 371700 сўм даромад солиғи ушланди. Бу хўжалик операцияси таъсирида бухгалтерия балансининг пассив қисмидаги «Бюджет бўйича қарз» моддасида кўпайиш ва бухгалтерия балансининг пассив қисмидаги «Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз» моддасида камайиш содир бўлди.

Бешинчи операция. Ўз вақтида талаб қилиб олинмаган 250800 сўмлик мол етказиб берувчиларнинг кредитор қарз суммаси давлат бюджетига ўтказиб бериш учун ҳисоблаб қўйилди. Бу хўжалик операцияси таъсирида бухгалтерия балансининг пассив қисмидаги «Бюджет бўйича қарз» моддасининг суммасини кўпайиши ва бухгалтерия балансининг пассив томонидаги «Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар» моддасининг суммасини камайиши содир бўлди.

Олтинчи операция. Таътилга чиққан ишлаб чиқариш ходимига 52300 сўм таътил ҳақи келгусида қилинадиган харажатлар ва тўлов-

лар захиралари ҳисобидан ҳисобланади. Бу хўжалик операцияси таъсирида

Юқорида келтирилган амалга оширилган хўжалик операцияларидан кейин хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия баланси 4-жадвалдаги кўринишга эга бўлади.

4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, содир бўлган хўжалик операциялари хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия балансини фақат пассив қисмидагина ўзгаришга олиб келди ёки бухгалтерия балансининг пассив қисмидаги бир модда суммаси кўпайиб, иккинчи модда суммаси эса камайди. Шу турдаги хўжалик операцияларининг ҳаммасида ҳам бухгалтерия балансининг пассив қисмидаги моддаларда ўзгариш бўлади, аммо бухгалтерия балансининг умумий суммасига таъсир қилмайди. Хўжалик операциялари таъсирида бухгалтерия балансида бўладиган бундай ўзгариш *иккинчи хил ўзгариш дейилади.* Бошқача айтганда, *иккинчи хил ўзгариш деб* хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбаларини акс эттирадиган бухгалтерия балансининг пассив қисмидаги тегишли моддаларида ўзгаришга сабаб бўладиган, лекин бухгалтерия балансининг умумий суммасига таъсир қилмайдиган ўзгаришга айтилади.

Хўжалик юритувчи субъектда *ойнинг учинчи кунида* қуйидаги хўжалик операциялари амалга оширилди.

Еттинчи операция. Хўжалик юритувчи субъект таъминот бўлимининг омборига мол етказиб берувчилардан 750800 сўмлик хом ашё ва материаллар олиб келиб қабул қилинди. Бу хом ашё ва материаллар учун ҳали пул ўтказиб берилгани йўқ. Бу хўжалик операцияси таъсирида бухгалтерия балансининг актив қисмидаги «Ишлаб чиқариш захиралари» моддасининг суммасини кўпайиши ва бухгалтерия балансининг пассив қисмидаги «Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар» моддасининг суммасини кўпайиши содир бўлди.

Саккизинчи операция. Хўжалик юритувчи субъект ишлаб чиқариш ходимларига 2750600 сўм меҳнат ҳақи ҳисобланди. Бу хўжалик операцияси таъсирида бухгалтерия балансининг актив қисмидаги «Тугалланмаган ишлаб чиқариш» моддасининг суммасини кўпайиши ва бухгалтерия балансининг пассив 4-жадвал қисмидаги «Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз» моддасининг суммасини кўпайиши содир бўлди.

Тўққизинчи операция. Хўжалик юритувчи субъект банкдан 5000000 сўм миқдорида қисқа муддатли кредит олди ва бу сумма хўжалик

4-жадвал

Бухгалтерия баланси

Хўжалик маблағлари ва уларнинг жойланиши	Ойнинг иккинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Ойнинг иккинчи кунида бўлган операция-лар суммаси	Ойнинг учинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбалар	Ойнинг иккинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Ойнинг иккинчи кунида бўлган операция-лар суммаси	Ойнинг учинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси
АКТИВ				**ПАССИВ**			
I. Узоқ муддатли активлар				**I. Ўз маблағларининг манбалари**			
Асосий воситалар:				Устав капитали	30000000		30000000
Бошланғич (қайта				Қўшилган капитал	25450000		25450000
тиклаш) қиймати	20500000		20500000	Захира капитали	3000000		3000000
Эскириш	5400000		5400000	Тақсимланмаган фойда			
Қолдиқ қиймат	15100000		15100000	(қопланмаган зарар)	2500000		2500000
Номоддий активлар:				Мақсадли			
Бошланғич (қайта				молиялаштириш			
тиклаш) қиймати	2200300		2200300	ва тушумлар	1200000		1200000
Эскириш	1050200		1050200	Келгуси давр харажат-			
Қолдиқ қиймат	1150100		1150100	лари ва тўловларининг			
				захиралари	1050800	- 52300	998500
Капитал қўйилмалар	5650000		5650000	Келгуси давр даромад-			
Шуъба хўжалик				лари	--------		--------
жамиятларидаги							
акциялар	3605000		3605000				
Шуъба хўжалик							
жамиятларига берилган							
карзлар	--------		--------				

Хўжалик маблағлари ва уларнинг жойланиши	Ойнинг иккинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Ойнинг иккинчи кунида бўлган операция-лар суммаси	Ойнинг учинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбалар	Ойнинг иккинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Ойнинг иккинчи кунида бўлган операция-лар суммаси	Ойнинг учинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси
Қарам хўжалик жамиятларидаги акциялар	--------		--------				
Қарам хўжалик жамиятларига берилган қарзлар	2005000		2005000				
Узоқ муддатли инвестициялар	12500000		12500000				
Бошка қарзлар	--------		--------				
Бошқа активлар	2800700		2800700				
I бўлим бўйича жами	**42810800**	**0**	**42810800**	**I бўлим бўйича жами**	**63200800**	**- 52300**	**63148500**
II. Айланма (жорий) активлар				**II. Мажбуриятлар**			
Ишлаб чиқариш захиралари	30025000		30025000	Узоқ муддатли қарзлар	1500000		1500000
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	4036100		4036100	Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари	22000000		22000000
Тайёр маҳсулот	1143800		1143800	Қиска муддатли қарзлар	15000000		15000000
Қайта сотиш учун товарлар	--------		--------	Банкларнинг қиска муддатли кредитлари	5000000		5000000
Келгуси давр харажатлари	350000		350000				

Хўжалик маблағлари ва уларнинг жойланиши	Ойнинг иккинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Ойнинг иккинчи кунида бўлган операция-лар суммаси	Ойнинг учинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбалар	Ойнинг иккинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Ойнинг иккинчи кунида бўлган операция-лар суммаси	Ойнинг учинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси
Пул маблағлари	13099300		13099300	Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар	188300		188300
Валюта маблағлари	10500600		10500600				
Кассадаги пул маблағлари	2150950		2150950				
Қиска муддатли молиявий қўйилмалар	--------		--------				
Сотиб олинган ўз акциялари	--------		--------				
Дебиторлар, жами	6952200		6952200	**Кредиторлар, жами**	4179650	+52300	4231950
Шундан:				Шундан:			
Тўлов муддати ўтган дебитор қарзлар	--------		--------	Тўлов муддати ўтган кредитор қарзлар	--------		--------
Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар	2306800		2306800	Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар	300500	- 250800	49700
Бўнак тўловлар	2500600		2500600	Бюджет бўйича қарз	--------	+ 371700 + 250800	622500
Бюджет билан ҳисоб-китоблар	--------		--------	Шу жумладан:			
Турли операциялар бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар	250000		250000	Ҳукумат қарори билан кечиктирилган	--------		--------

Хўжалик маблағлари ва уларнинг жойланиши	Ойнинг иккинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Ойнинг иккинчи кунида бўлган операция-лар суммаси	Ойнинг учинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбалар	Ойнинг иккинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Ойнинг иккинчи кунида бўлган операция-лар суммаси	Ойнинг учинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси
Шуъба ва қарам хўжалик жамиятлари билан ҳисоб-китоблар	350500		350500	Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз	2150750	+ 52300 - 371700	1831350
Хўжалик ичидаги ҳисоб-китоблар	--------		--------	Мол-мулк ва шахсий суғурта бўйича қарз	--------		--------
Таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар	--------		--------	Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарз	250600		250600
Бошқа дебитор қарзлар	1544300		1544300	Шуъба ва қарам хўжалик жамиятлари билан ҳисоб-китоблар	480500		480500
				Хўжалик ичидаги ҳисоб-китоблар	100600		100600
				Бошқа кредиторлар	896700		896700
II бўлим бўйича жами	**68257950**	**0**	**68257950**	**II бўлим бўйича жами**	**47867950**	**+ 52300**	**47920250**
Балансниг активи бўйича ҳаммаси	**111068750**	**0**	**111068750**	**Балансниг пассиви бўйича ҳаммаси**	**111068750**	**0**	**111068750**

юритувчи субъектнинг талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағига ўказилди.

Бу хўжалик операцияси таъсирида бухгалтерия балансининг актив қисмидаги «Пул маблағлари» моддасининг суммасини кўпайиши ва бухгалтерия балансининг пассив қисмидаги «Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари» моддасининг суммасини кўпайиши содир бўлди.

Юқорида келтирилган амалга оширилган хўжалик операцияларидан кейин хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия баланси 5- жадвалдаги кўринишга эга бўлади. (5-жадвал кейинги бетда келтирилади).

5-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, амалга оширилган хўжалик операциялари хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия балансини ҳам актив қисмидаги моддаларда, ҳам пассив қисмидаги моддаларда кўпайишга олиб келди.

Масалан, хўжалик юритувчи субъект таъминот бўлимининг омборига мол етказиб берувчилардан хом ашё ва материаллар келиб тушди. Натижада хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш захиралари кўпаяди. Лекин ҳали бу хом ашё ва материалларнинг пули тўлангани йўқ. Демак, хўжалик юритувчи субъектнинг мол етказиб берувчи хўжалик субъекти олдидаги қарзи ҳам кўпайди. Дарҳақиқат, «Ишлаб чиқариш захиралари» моддаси бухгалтерия балансининг актив қисмида, «Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар» моддаси эса бухгалтерия балансининг пассив қисмидадир.

Кўриниб турибдики, бухгалтерия балансининг ҳам актив, ҳам пассив қисмида кўпайиш содир бўлди, шунингдек, бухгалтерия балансининг умумий суммаси ҳам кўпайди. Аммо актив ва пассив томонлар йиғиндисининг тенглиги ҳамма вақт бузилмайди. Хўжалик операциялари таъсирида бухгалтерия балансида бўладиган бундай ўзгариш *учинчи хил ўзгариш деб аталади.* Бошқача қилиб айтганда, *учинчи хил ўзгариш деб*, хўжалик маблағларининг таркиби ва жойланишини акс эттирадиган, бухгалтерия балансининг актив қисмидаги тегишли моддаларда ва шу маблағларнинг манбаларини акс эттирадиган бухгалтерия балансининг пассив қисмидаги тегишли моддаларда бир вақтда кўпайиш содир қиладиган, шунингдек, баланснинг умумий суммасини ҳам кўпайтирадиган ўзгаришга айтилади.

Хўжалик юритувчи субъектда *ойнинг тўртинчи кунида* қуйидаги хўжалик операциялари амалга оширилди.

5-жадвал

Бухгалтерия баланси

Хўжалик маблағлари ва уларнинг жойланиши	Ойнинг учинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Ойнинг учинчи кунида бўлган операция-лар суммаси	Ойнинг тўртинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбалар	Ойнинг учинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Ойнинг учинчи кунида бўлган операция-лар суммаси	Ойнинг тўртинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси
АКТИВ				**ПАССИВ**			
I.Узоқ муддатли активлар				**I. Ўз маблағларининг манбалари**			
Асосий воситалар:				Устав капитали	30000000		30000000
Бошланғич (қайта				Қўшилган капитал	25450000		25450000
тиклаш) қиймати	20500000		20500000	Захира капитали	3000000		3000000
Эскириш	5400000		5400000	Тақсимланмаган фойда			
Қолдиқ қиймат	15100000		15100000	(қопланмаган зарар)	2500000		2500000
Номоддий активлар:				Мақсадли			
Бошланғич (қайта				молиялаштириш			
тиклаш) қиймати	2200300		2200300	ва тушумлар	1200000		1200000
Эскириш	1050200		1050200	Келгуси давр харажат-			
Қолдиқ қиймат	1150100		1150100	лари ва тўловларининг			
				захиралари	998500		998500
Капитал қўйилмалар	5650000		5650000	Келгуси давр			
Шуъба хўжалик				даромадлари	--------		--------
жамиятларидаги							
акциялар	3605000		3605000				
Шуъба хўжалик							
жамиятларига							
берилган қарзлар	--------		--------				

Хўжалик маблағлари ва уларнинг жойланиши	Ойнинг учинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Ойнинг учинчи кунида бўлган операция-лар суммаси	Ойнинг тўртинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбалар	Ойнинг учинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Ойнинг учинчи кунида бўлган операция-лар суммаси	Ойнинг тўртинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси
Қарам хўжалик жамиятларидаги акциялар	--------		--------				
Қарам хўжалик жамиятларига берилган қарзлар	2005000		2005000				
Узоқ муддатли инвестициялар	12500000		12500000				
Бошқа қарзлар	--------		--------				
Бошқа активлар	2800700		2800700				
I бўлим бўйича жами	**42810800**	**0**	**40818800**	**I бўлим бўйича жами**	**63148500**	**0**	**63148500**
II. Айланма (жорий) активлар				**II. Мажбуриятлар**			
Ишлаб чиқариш захиралари	30025000	+ 750800	30775800	Узоқ муддатли қарзлар	1500000		1500000
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	4036100	+ 2750600	6786700	Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари	22000000		22000000
Тайёр маҳсулот	1143800		1143800	Қисқа муддатли қарзлар	15000000		15000000
Қайта сотиш учун товарлар	--------		--------	Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари	5000000	+ 5000000	10000000
Келгуси давр харажатлари	350000		350000				

Хўжалик маблағлари ва уларнинг жойланиши	Ойнинг учинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Ойнинг учинчи кунида бўлган операция-лар суммаси	Ойнинг тўртинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбалар	Ойнинг учинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Ойнинг учинчи кунида бўлган операция-лар суммаси	Ойнинг тўртинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси
Пул маблағлари	13099300	+ 5000000	18099300	Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар	188300		188300
Валюта маблағлари	10500600		10500600				
Кассадаги пул маблағлари	2150950		2150950				
Қиска муддатли молиявий қўйилмалар	--------		--------				
Сотиб олинган ўз акциялари	-------		--------				
Дебиторлар, жами	6952200		6952200	**Кредиторлар, жами**	4231950	+ 3501400	7733350
Шундан:				Шундан:			
Тўлов муддати ўтган дебитор қарзлар	--------		--------	Тўлов муддати ўтган кредитор қарзлар	--------		--------
Харидорлар ва буюртмачилар билан хисоб-китоблар	2306800		2306800	Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар	49700	+ 750800	800500
Бўнак тўловлар	2500600		2500600				
Бюджет билан хисоб-китоблар	--------		--------	**Бюджет бўйича қарз**	622500		622500
Турли операциялар бўйича ходимлар билан хисоб-китоблар	250000		250000	Шу жумладан: Хукумат қарори билан кечиктирилган	--------		--------

Хўжалик маблағлари ва уларнинг жойланиши	Ойнинг учинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Ойнинг учинчи кунида бўлган операция-лар суммаси	Ойнинг тўртинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбалар	Ойнинг учинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Ойнинг учинчи кунида бўлган операция-лар суммаси	Ойнинг тўртинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси
Шуъба ва қарам хўжалик жамиятлари билан ҳисоб-китоблар	350500		350500	Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз	1831250	+ 2750600	4581950
Хўжалик ичидаги ҳисоб-китоблар	--------		--------	Мол-мулк ва шахсий суғурта бўйича қарз	--------		--------
Таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар	--------		--------	Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарз	250600		250600
Бошқа дебитор қарзлар	1544300		1544300	Шуъба ва қарам хўжалик жамиятлари билан ҳисоб-китоблар	480500		480500
				Хўжалик ичидаги ҳисоб-китоблар	100600		100600
				Бошқа кредиторлар	896700		896700
II-бўлим бўйича жами	**68257950**	**+ 8501400**	**76759350**	**I-бўлим бўйича жами**	**47920250**	**+ 8501400**	**56421650**
Балансининг активи бўйича х а м м а с и	**111068750**	**+ 8501400**	**119570150**	**Балансининг пассиви бўйича х а м м а с и**	**111068750**	**+ 8501400**	**119570150**

Ўнинчи операция. Хўжалик юритувчи субъект ходимларига 2100700 сўмлик меҳнат ҳақи суммаси кассадан тўланди. Бу хўжалик операцияси таъсирида бухгалтерия балансининг пассив қисмидаги «Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз» моддасининг суммасини камайиши ва бухгалтерия балансининг актив қисмидаги «Кассадаги пул маблағлари» моддасининг суммасини ҳам камайиши содир бўлади.

Ўн биринчи операция. Хўжалик юритувчи субъектнинг банк муассасасидаги талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағидан 371700 сўмлик бюджетга бўлган қарзи ўтказиб берилди.

Бу хўжалик операцияси таъсирида бухгалтерия балансининг пассив қисмидаги «Бюджет бўйича қарз» моддасининг суммасини камайиши ва бухгалтерия балансининг актив қисмидаги «Пул маблағлари» моддасининг суммасини ҳам камайиши содир бўлади.

Ўн иккинчи операция. Хўжалик юритувчи субъектнинг банк муассасасидаги талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағидан мол етказиб берувчи хўжалик юритувчи субъектларга улардан олинган хом ашё ва материаллар учун 750800 сўм пул ўтказиб берилди. Бу хўжалик операцияси таъсирида бухгалтерия балансининг пассив қисмидаги «Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар» моддасининг суммасини камайиши ва бухгалтерия балансининг актив қисмидаги «Пул маблағлари» моддасининг суммасини ҳам камайиши содир бўлади.

Юқорида келтирилган амалга оширилган хўжалик операцияларидан кейин хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия баланси 6-жадвалдаги кўринишга эга бўлади. (6-жадвал кейинги бетда келтирилади).

6-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, амалга оширилган барча хўжалик операциялари хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия балансининг ҳам актив қисмидаги моддаларда, ҳам пассив қисмидаги моддаларда камайишга олиб келади. Бу ерда кўп ҳолларда учинчи хил ўзгаришлардаги хўжалик операцияларининг тескариси содир бўлади. Масалан, хўжалик юритувчи субъектнинг таъминот бўлими омборига келиб тушган хом ашё ва материаллар учун хўжалик юритувчи субъектнинг банкдаги талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағидан кредиторлик қарзи тўланди. Натижада бухгалтерия балансининг актив қисмидаги «Пул маблағлари» моддасидаги пул маблағининг қолдиғи шу суммага камайди. Шу билан бирга бухгалтерия балансининг пассив қисмидаги «Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар» моддасидаги хўжалик юритув-

6-жадвал

Бухгалтерия баланси

Хўжалик маблағлари ва уларнинг жойланиши	Ойнинг тўртинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Ойнинг тўртинчи кунида бўлган операция-лар суммаси	Ойнинг бешинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбалар	Ойнинг тўртинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Ойнинг тўртинчи кунида бўлган операция-лар суммаси	Ойнинг бешинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси
АКТИВ				**ПАССИВ**			
I. Узоқ муддатли активлар				**I. Ўз маблағларининг манбалари**			
Асосий воситалар:				Устав капитали	30000000		30000000
Бошланғич (қайта				Қўшилган капитал	25450000		25450000
тиклаш) қиймати	20500000		20500000	Захира капитали	3000000		3000000
Эскириш	5400000		5400000	Тақсимланмаган фойда			
Қолдиқ қиймат	15100000		15100000	(қопланмаган зарар)	2500000		2500000
Номоддий активлар:				Мақсадли молиялаш-			
Бошланғич (қайта				тириш ва тушумлар	1200000		1200000
тиклаш) қиймати	2200300		2200300	Келгуси давр хара-			
Эскириш	1050200		1050200	жатлари ва тўлов-			
Қолдиқ қиймат	1150100		1150100	ларининг захиралари	998500		998500
Капитал қўйилмалар	5650000		5650000	Келгуси давр			
Шуъба хўжалик				даромадлари	--------		--------
жамиятларидаги							
акциялар	3605000		3605000				
Шуъба хўжалик							
жамиятларига							
берилган қарзлар	--------		--------				

Хўжалик маблағлари ва уларнинг жойланиши	Ойнинг тўртинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Ойнинг тўртинчи кунида бўлган операция-лар суммаси	Ойнинг бешинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбалар	Ойнинг тўртинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Ойнинг тўртинчи кунида бўлган операция-лар суммаси	Ойнинг бешинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси
Қарам хўжалик жамиятларидаги акциялар	--------		--------				
Қарам хўжалик жамиятларига берилган қарзлар	2005000		2005000				
Узоқ муддатли инвестициялар	12500000		12500000				
Бошқа қарзлар	--------		--------				
Бошқа активлар	2800700		2800700				
I бўлим бўйича жами	**42810800**	**0**	**40818800**	**I бўлим бўйича жами**	**63148500**	**0**	**63148500**
II. Айланма (жорий) активлар				**II. Мажбуриятлар**			
Ишлаб чиқариш захиралари	30775800		30775800	Узоқ муддатли қарзлар	1500000		1500000
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	6786700		6786700	Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари	22000000		22000000
Тайёр маҳсулот	1143800		1143800	Қисқа муддатли қарзлар	15000000		15000000
Қайта сотиш учун товарлар	--------		--------	Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари	10000000		10000000
Келгуси давр харажатлари	350000		350000				

Хўжалик маблағлари ва уларнинг жойланиши	Ойнинг тўртинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Ойнинг тўртинчи кунида бўлган операция-лар суммаси	Ойнинг бешинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбалар	Ойнинг тўртинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Ойнинг тўртинчи кунида бўлган операция-лар суммаси	Ойнинг бешинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси
Пул маблағлари	18099300	- 371700 -750800	16976800	Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар	188300		188300
Валюта маблағлари	10500600		10500600				
Кассадаги пул маблағлари	2150950	- 2100700	50250				
Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар	--------		--------				
Сотиб олинган ўз акциялари	--------		--------				
Дебиторлар, жами	6952200		6952200	**Кредиторлар, жами**	7733350	- 3223200	4510150
Шундан:				Шундан:			
Тўлов муддати ўтган дебитор қарзлар	--------		--------	Тўлов муддати ўтган кредитор қарзлар	--------		--------
Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар	2306800		2306800	Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар	800500	- 750800	49700
Бўнак тўловлар	2500600		2500600	Бюджет бўйича қарз	622500	- 371700	250800
Бюджет билан ҳисоб-китоблар	--------		--------	Шу жумладан: Ҳукумат қарори билан кечиктирилган	--------		--------
Турли операциялар бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар	250000		250000				

Хўжалик маблағлари ва уларнинг жойланиши	Ойнинг тўртинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Ойнинг тўртинчи кунида бўлган операция-лар суммаси	Ойнинг бешинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбалар	Ойнинг тўртинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси	Ойнинг тўртинчи кунида бўлган операция-лар суммаси	Ойнинг бешинчи кунига бўлган қолдиқ суммаси
Шуъба ва қарам хўжалик жамиятлари билан хисоб-китоблар	350500		350500	Меҳнатга хақ тўлаш бўйича қарз	4581950	- 2100700	42481250
Хўжалик ичидаги хисоб-китоблар	--------		--------	Мол-мулк ва шахсий суғурта бўйича қарз	--------		--------
Таъсисчилар билан хисоб-китоблар	--------		--------	Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарз	250600		250600
Бошқа дебитор қарзлар	1544300		1544300	Шуъба ва қарам хўжалик жамиятлари билан хисоб-китоблар	480500		480500
				Хўжалик ичидаги хисоб-китоблар	100600		100600
				Бошқа кредиторлар	896700		896700
II бўлим бўйича жами	**76759350**	**- 3223200**	**73536150**	**II бўлим бўйича жами**	**56421650**	**- 3223200**	**53198450**
Баланснинг активи бўйича х а м м а с и	**119570150**	**- 3223200**	**116346950**	**Баланснинг пассиви бўйича х а м м а с и**	**119570150**	**- 3223200**	**116346950**

чи субъектнинг бошқа хўжалик юритувчи субъект олдидаги қарзи суммаси ҳам камайди. Яққол равшанки, бухгалтерия балансининг активида ҳам, пассивида ҳам бу хилдаги хўжалик операциялари таъсирида камайиш содир бўлмоқда, шунингдек тегишли суммага баланснинг умумий суммасида ҳам камайиш содир бўлмоқда. Бу ерда ҳам юқоридагилардек бухгалтерия балансини актив ва пассивларини тенглиги бузилгани йўқ. Бундай турдаги хўжалик операциялари таъсирида бухгалтерия балансида содир бўлган ўзгариш *тўртинчи хил ўзгариш* деб аталади.

Бошқача айтганда, *тўртинчи хил ўзгариш деб*, хўжалик маблағларининг таркиби ва жойланишини акс эттирадиган баланснинг актив қисмидаги тегишли моддаларда ва шу маблағларнинг манбаларини акс эттирадиган бухгалтерия балансининг пассив қисмидаги тегишли моддаларда бир вақтда камайиш содир қиладиган, шунингдек бухгалтерия балансининг умумий суммасини ҳам камайтирадиган ўзгаришга айтилади.

Бинобарин, юқорида келтирилган мисоллар ҳамда изоҳларга кўра хўжалик операциялари таъсирида биринчи ва иккинчи хил ўзгаришларда ўзгариш фақат бухгалтерия балансининг актив қисмидаги моддалар ичида ёки пассив қисмидаги моддалар ичида алоҳида бирининг кўпайиб, иккинчисининг камайишига олиб келиб, шу билан бирга бухгалтерия балансининг актив ва пассив қисмларида умумий сумма ўзгаришсиз қолади. Учинчи ва тўртинчи хил ўзгаришларда эса ўзгариш бухгалтерия балансининг актив қисмидаги тегишли моддаларни ҳам, унинг пассив қисмидаги тегишли моддаларни ҳам бир вақтда кўпайтиради (учинчи хил ўзгариш) ёки камайтиради (тўртинчи хил ўзгариш), 6-жадвал шу билан бирга бухгалтерия балансининг умумий суммасига ҳам таъсир қилади, яъни ёки кўпайтиради ёки камайтиради.

Демак, ҳар қандай хўжалик операцияси бухгалтерия балансида юқорида кўрсатилган тўрт хил ўзгаришдан бирининг бўлишига сабаб бўлади. Ҳар бир хўжалик операцияси бухгалтерия балансида иккита бир-бирига тенг ўзгариш содир қилади, бу нарса хўжалик маблағларининг айланишидаги хусусиятидан келиб чиқади. Чунки такрор ишлаб чиқариш жараёнида икки томонлама ўзгариш, яъни ёки хўжалик маблағларида, ёки унинг манбаларида, ёки бир вақтда ҳам маблағда, ҳам манбада содир бўлади. Лекин ҳар қандай хўжалик операциясидан кейин ҳам баланснинг актив ва пассив томонларининг жами суммасидаги тенглик сақланиб қолиши шартдир.

Хўжалик юритувчи субъект хўжалик маблағларини, унинг ташкил топиш манбаларини, шунингдек, жараёнларни жорий ҳисобга олиш амалиёти бир хўжалик операциясидан кейин бухгалтерия баланси тузиш имкониятини бермайди. Чунки бир кунда бир неча юзлаб хўжалик операциялари амалга оширилиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу мақсад учун бухгалтерия ҳисобининг счётлар тизими усулидан фойдаланиладики, бунинг моҳияти келгуси бобда ёритилади.

Савол ва топшириқлар

1. Бухгалтерия баланси нима?
2. Бухгалтерия балансининг активига тавсифнома беринг.
3. Бухгалтерия балансининг пассивига тавсифнома беринг.
4. Баланс моддаси нима?
5. Бухгалтерия балансидаги тўрт хил ўзгаришларни тушунтириб беринг.
6. Бухгалтерия балансидаги биринчи хил ўзгаришларни тушунтириб беринг.
7. Бухгалтерия балансидаги иккинчи хил ўзгаришларни тушунтириб беринг.
8. Бухгалтерия балансидаги учинчи хил ўзгаришларни тушунтириб беринг.
9. Бухгалтерия балансидаги тўртинчи хил ўзгаришларни тушунтириб беринг.

ТЎРТИНЧИ БОБ

БУХГАЛТЕРИЯ СЧЁТЛАРИ ВА ИККИ ЁҚЛАМА ЁЗИШ

1. Бухгалтерия счётлари тўғрисида тушунча

Хўжалик юритувчи субъектларда хўжалик жараёни таъсири остида ҳисобот даври ичида жуда кўп хўжалик ишлари содир бўлади. Бухгалтерия баланси, одатда, ҳар ойда бир марта тузилади. Уни тузиш учун хўжалик ишларини гуруҳлаштириш зарурати туғилади. Ҳисобот даврининг охирида ҳар бир гуруҳдаги қолдиқ бухгалтерия балансининг тегишли моддаларига ёзиб қўйилади. Гуруҳлаштириш хўжалик ишлари кўрсаткичларидаги маълумотларни тартибга солиш учун ҳам керак бўлади. Бундай гуруҳлаштириш бухгалтерия счётлари ёрдамида амалга оширилади, яъни бухгалтерия ҳисобида содир бўлаётган хўжалик операцияларининг маълумотларини маълум хусусиятларига кўра ва иқтисодий мазмунига қараб гуруҳлаштириш счётлар тизими ёрдамида амалга оширилади. Счётлар тизими деб бухгалтерия ҳисобида фойдаланиладиган ҳамма счётларнинг счётлар рўйхатида тизимга солинишига айтилади. Бундай иқтисодий гуруҳлаштириш учун икки ёқлама ёзиш усулидан фойдаланилади. Бухгалтерия счётларини қўллаш хўжалик маблағларининг ҳаракати ва хўжалик жараёни устидан жорий назорат олиб бориш ҳамда керак бўлиб қолган тақдирда уларнинг ёрдамида хоҳлаган санага баланс тузиш имконини яратади. Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисобининг счётлар тизими деб хўжалик маблағларининг таркиби, жойланиши ва уларнинг ташкил топиш манбалари, муайян мақсадлар учун фойдаланилишини, шунингдек хўжалик жараёнидаги ҳаракатларни жорий ҳисобга олиш ва назорат қилиш мақсадида гуруҳлаштириб боришга айтилади. Бошқача қилиб айтганда, хўжалик объектларининг хўжалик жараёнидаги ҳаракатини тартибга солиб, ҳисобга олиш ва назорат қилиш усулидир.

Бухгалтерия ҳисоби счётларида хўжалик маблағлари ва уларнинг манбалари ҳаракатларини акс эттирувчи хўжалик операция-

лари айрим кўрсаткичлари бўйича гуруҳлаштирилиб, улардаги ҳамма ўзгаришлар тўхтовсиз ва тартиб билан акс эттириб борилади.

Бухгалтерия ҳисоби счётларининг ҳар бирида ҳисобга олинаётган хўжалик маблағи ёки унинг манбаининг бошланғич ҳолати рўйхатга олинади, кейинги бўладиган жорий ўзгаришлар ўз вақтида акс эттирилиб борилади. Натижада счётлардан исталган пайтда айрим тур хўжалик маблағи ёки унинг манбаи тўғрисида гуруҳланган миқдор ва пул кўрсаткичидаги маълумотларни олиш мумкин.

Хўжалик маблағларини, уларнинг манбаларини ва хўжалик жараёнларини иқтисодий мазмунига ҳамда тузилмасига қараб алоҳида ҳисобга олиш мақсадида, уларнинг ҳар бир тури ва жараёни учун махсус счётлар мавжуд.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик маблағларини ҳисобга олувчи счётлар сифатида Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартида қуйидаги счётлар гуруҳлари кўзда тутилган:

0100 - Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар;
0300 - Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар;
0400 - Номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар;
0600 - Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар;
0700 - Ўрнатиладиган ускуналарни ҳисобга олувчи счётлар;
0800 - Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар;
0900 - Узоқ муддатли дебиторлик қарзлар ва муддати кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи счётлар;
1000 - Материалларни ҳисобга олувчи счётлар;
1100 - Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олувчи счётлар;
2100 - Ўз ишлаб чиқаришининг ярим тайёр маҳсулотларини ҳисобга олувчи счётлар;
2800 - Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи счётлар;
2900 - Товарларни ҳисобга олувчи счётлар;
3100 - Келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар;
3200 - Муддати кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи счётлар;
4000 - Олинадиган счётлар;
4100 - Алоҳида бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счётлар;
4200 - Ходимларга берилган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар;

4300 - Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар;
4400 - Бюджетга бўнакли тўловларни ҳисобга олувчи счётлар;
4500 - Давлат мақсадли фондларига ва суғурта бўйича бўнакли тўловларни ҳисобга олувчи счётлар;
4600 - Таъсисчиларнинг устав капиталига бадаллари бўйича қарзларини ҳисобга олувчи счётлар;
4700 - Бошқа операциялар бўйича ходимларнинг қарзларини ҳисобга олувчи счётлар;
4800 - Турли дебитор қарзларни ҳисобга олувчи счётлар;
5000 - Кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;
5100 - Депозит ҳисобварағидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;
5200 - Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;
5500 - Банкдаги махсус депозит ҳисобварақларидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;
5700 - Йўлдаги (ўтказилган) пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;
5800 - Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар;
5900 - Камомад ва қийматликларнинг бузилишидан кўрилган йўқотишлар ва бошқа жорий активларни ҳисобга олувчи счётлар.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбаларини ҳисобга олувчи счётлар сифатида Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартида қуйидаги счётлар гуруҳлари кўзда тутилган:

6000 - Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётларни ҳисобга олувчи счётлар;
6100 - Алоҳида бўлинмаларга, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётларни ҳисобга олувчи счётлар;
6200 - Муддати кечиктирилган мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар;
6300 - Олинган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар;
6400 - Бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар;
6500 - Суғурта ва давлат мақсадли фондларига тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар;
6600 - Таъсисчиларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар;

6700 - Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китобларни ҳисобга олувчи счётлар;
6800 - Қисқа муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи счётлар;
6900 - Турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар;
7000 - Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар;
7100 - Алоҳида бўлинмаларга, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига бўлган узоқ муддатли қарзлар;
7200 - Муддати кечиктирилган узоқ муддатли мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар;
7300 - Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар;
7800 - Узоқ муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи счётлар;
7900 - Турли кредиторларга бўлган узоқ муддатли қарзларни ҳисобга олувчи счётлар;
8300 - Устав капиталини ҳисобга олувчи счётлар;
8400 - Қўшилган капитални ҳисобга олувчи счётлар;
8500 - Захира капиталини ҳисобга олувчи счётлар;
8700 - Тақсимланмаган фойдани (қопланмаган зарарни) ҳисобга олувчи счётлар;
8800 - Мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи счётлар;
8900 - Келгусида қилинадиган харажатлар ва тўловларнинг захираларини ҳисобга олувчи счётлар.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик жараёнларини ҳисобга олувчи счётлар сифатида Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартида қуйидаги счётлар гуруҳлари кўзда тутилган:

1500 - Материалларни тайёрлаш ва сотиб олишни ҳисобга олувчи счётлар;
2000 - Асосий ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар;
2300 - Ёрдамчи ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар;
2500 - Умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётлар;
2600 - Ишлаб чиқаришдаги яроқсизликни ҳисобга олувчи счётлар;
2700 - Хизмат кўрсатувчи хўжаликларни ҳисобга олувчи счётлар;

Бухгалтерия ҳисоби счётларига хўжалик операцияларини ёзиш учун операция содир бўлганда уни амалга оширилганлигини қайд қилувчи ҳужжатлардан фойдаланилади. Ҳужжатларда акс эттирилган хўжалик операциялари тегишли объектни ҳисобга олувчи счётларга тарқатилади; бунда ҳар хил операцияларни умумлаштириб, счётда акс эттириш мақсадида улар пул кўрсаткичи билан ифодаланади.

Амалда счётлар жадвал, карточка ёки дафтар вараги шаклида бўлиб, у икки қисмга бўлинади. Унинг чап қисми *«Дебет»*, ўнг қисми эса *«Кредит»* деб аталади. Дебет деган сўз лотинча «debet» сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилига таржима қилинганда «У қарздор» деган маънони билдиради. Кредит деган сўз лотинча «kredit» сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилига таржима қилинганди «Ишонди» деган маънони англатади. Дебет ва кредит сўзлари бухгалтерия ҳисобига унинг ривожланишининг бошланғич даврларида, яъни XIII асрларда киритилган бўлиб, бу сўзларнинг мазмуни сотувчи ва банкир ўртасидаги ҳисоб-китоб ва кредит муносабатларини акс эттирар эди. Ишлаб чиқариш, фан ва техниканинг ривожланиши билан бухгалтерия ҳисоби ҳисоб-китоб ва кредит муносабатларинигина акс эттириб қолмасдан, хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик жараёни, хўжалик юритувчи субъектнинг маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбаларинииг мавжудлиги, ҳаракати ва ҳолатини ҳам қамраб олди. Шунинг учун ҳам бухгалтерия ҳисобида «Дебет» ва «Кредит» сўзлари ҳозирги даврда ўзларининг туб маъноларини йўқотган ва улардан счётларнинг қисмларини шартли равишда белгилаш воситалари сифатида фойдаланилмоқда.

Хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисоби счётларининг дебети ва кредитида акс эттиришда шунга эътибор бериш керакки, агар маълум объект ёки жараённи ҳисобга олувчи счётнинг дебетида шу объект ёки жараённинг кўпайишини акс эттирувчи барча операциялар ҳисобга олинса, унинг кредитида шу объект ёки жараённинг камайишини акс эттирувчи операциялар ҳисобга олинади ва аксинча.

Бухгалтерия ҳисоби счётларини қуйидагича тархда ифодалаш мумкин:

«Дебет» ва «Кредит» иборалари «Д-т» ва «К-т» белгилари билан ифодаланса ҳам бўлаверади.

Тарх юқорисидаги чизиқнинг устига счётнинг номи ёзилади, масалан, «Машина ва ускуналар» ёки «Устав капитали». Счётдаги ҳисобга олинаётган объект ёки жараёнда маълум даврда қандай

ўзгариш (кўпайиш ёки камайиш) содир бўлганлигини билиш ва тегишли маълумотни хоҳлаган пайтда қийинчиликсиз олиб туриш мақсадида счётнинг бир томони ундаги объект ёки жараённинг кўпайишини, иккинчи томони эса камайишини акс эттиради.

«_____»
(счётнинг номи)

Дебет Кредит

Бухгалтерия ҳисоби счётларига ҳисобот даврининг бошига маълумотлар бухгалтерия балансининг актив ва пассив қисмларининг моддаларидан олиб ёзилади. Булар счётларнинг бошланғич салъдоси (қолдиғи) дейилади. Бошланғич қолдиқ хўжалик маблағлари ва уларнинг манбалари, шунингдек жараёнларининг ҳар бир туридан бўлиши мумкин, айрим ҳолларда маълум турларининг қолдиғи бўлмаслиги ҳам мумкин, у пайтда муайян объект ёки жараённи ҳисобга олувчи счётнинг бошланғич қолдиғи йўқ бўлади, демак, ҳеч нарса ёзилмайди. Ҳисобот даври ичида счётларнинг дебет ва кредит томонларига хўжалик операциялари ёзиб борилади, агар маълум бир даврга охирги қолдиқни топиш зарурияти туғилса, уларнинг дебет ва кредит томонлари жамланади. Ҳисобот даврида содир бўлган хўжалик операцияларининг суммасини ҳисобга олган счётларнинг дебет томонидаги жами «Дебет бўйича айланма» **(Дайл)**, кредит томонидаги жами «Кредит бўйича айланма» **(Кайл)**, умуман счётлар бўйича жами эса «Айланмалар» **(Айл)** деб аталади. Мана шу дебет ва кредит бўйича айланмаларни ҳамда бошланғич қолдиқни алгебраик қўшиш натижасида топилган кўрсаткич охирги қолдиқ **(Оқ)** деб аталади.

Айрим пайтларда, охирги қолдиқ бўлмаслиги мумкин. Бу ҳол счётларнинг дебет ва кредит томонлари кўрсаткичлари бир-бирига тенг келиб қолганда содир бўлади.

Юқорида айтилганидек, бухгалтерия ҳисоби счётларига бошланғич маълумотлар бухгалтерия балансидан олинади. Бухгалтерия балансининг эса актив ва пассив қисмлари бор. Демак, бухгалтерия балансининг актив ва пассив қисмларга бўлинишига мос ҳолда бухгалтерия счётлари ҳам актив ва пассив счётларга бўлинади. Актив ва пассив счётлардан ташқари актив-пассив счётлар ҳам бор. Бундай

счётлар бир вақтнинг ўзида ҳам актив, ҳам пассив счётлар вазифасини бажаради. Актив-пассив счётларнинг маълумотлари бухгалтерия балансининг ҳам актив қисмида, ҳам пассив қисмида акс эттирилиши мумкин. Уларга тегишли бўлган ҳисобот даврининг охиридаги қолдиқ суммалар аналитик счётлардан алоҳида-алоҳида аниқланиб, счётнинг дебетли қолдиқ суммаси балансининг актив қисмида, кредитли қолдиқ суммаси эса пассив қисмида акс эттирилади.

Актив счётларда хўжалик маблағлари акс эттирилса, пассив счётларда эса уларнинг манбалари акс эттирилади. Актив ва пассив счётларда дебет ва кредитлар ҳар хил мазмунга эга бўлади. Дарҳақиқат, актив счётларнинг дебетида хўжалик маблағларининг кўпайишига олиб келувчи хўжалик операциялари қайд қилинса, кредитида эса уларнинг камайишига олиб келувчи операциялар қайд қилинади. Пассив счётларда эса актив счётлардагининг акси бўлади. Пассив счётларнинг кредитида хўжалик маблағлари ташкил топиш манбаларининг кўпайишига олиб келувчи хўжалик операциялари ўз аксини топса, дебетида уларнинг камайишига олиб келувчи операциялар акс эттирилади. Актив счётларда қолдиқ ҳар доим унинг дебетида (дебетли қолдиқ) бўлса, пассив счётларда унинг кредитида (кредитли қолдиқ) бўлади.

Хўжалик маблағлари ва жараёнларини акс эттириб, уларни маълум хусусиятларига қараб гуруҳлаштирувчи счётлар ***актив счётлар*** деб аталади. Бу счётлар активларни қайд қилиш учун мўлжалланган бўлиб, иқтисодий ресурслар қолдиғи ва кўпайиши уларнинг дебетида, камайиши эса уларнинг кредитида акс эттирилади.

Хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбаларини акс эттириб, уларни маълум иқтисодий мазмунга кўра гуруҳлаштирувчи счётлар ***пассив счётлар*** деб аталади. Бу счётлар капитал ва мажбуриятлар қайд қилиш учун мўлжалланган бўлиб, уларда капитал ва мажбуриятларнинг қолдиғи ва кўпайиши уларнинг кредитида, камайиши эса уларнинг дебетида акс эттирилади.

Хўжалик маблағларини ва уларнинг манбаларини бир вақтда маълум бир тизимга солиб акс эттирувчи счётлар ***актив-пассив счётлар*** деб аталади.

Актив счётларга нисбатан контрар бўлган ***контр-актив счётлар*** ҳамда пассив счётларга нисбатан контрар бўлган *контр-пассив счётлар* ҳам бор. Маълум актив счётда акс эттирилган активнинг молиявий ҳисоботда соф қийматини кўрсатиш учун тегишли контр-актив счётнинг охирги сальдоси унга боғлиқ бўлган актив счёт-

нинг салъдосидан айрилади. Маълум пассив счётда акс эттирилган капитал ва мажбуриятларнинг молиявий ҳисоботда соф қийматини кўрсатиш учун тегишли контр-пассив счётнинг охирги салъдоси унга боғлиқ бўлган пассив счётнинг салъдосидан айрилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режасида ***транзит счётлар*** ҳамда ***балансдан ташқаридаги счётлар*** кўзда тутилган.

Ҳисобот даври давомида даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиб борадиган, ҳисобот даври охиридаги ёпиладиган ва ҳисобот даври охирида тузиладиган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда қолдиғи кўрсатилмайдиган счётлар ***транзит счётлар*** деб юритилади.

Хўжалик юритувчи субъектга тегишли бўлмаган, лекин вақтинча унинг ихтиёрида бўлган активлар, шартли ҳуқуқлар ва мажбуриятлар қолдиғи ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган счётлар ***балансдан ташқаридаги счётлар*** деб аталади. Бу счётлар бошқа счётлар билан корреспонденцияланмайди, яъни бирёқлама ёзиш усули билан ҳисобга олиб борилади ва хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботида бу счётлар бўйича қолдиқ суммалар кўрсатилмайди.

Қуйида хўжалик маблағларини ҳисобга олувчи актив счётларнинг шартли (90-бетда) тархи берилади:

Юқоридаги шартли тасвирларда счётларга ёзиш тартиби келтирилган бўлиб, барча хўжалик операциялари иқтисодий мазмунга мувофиқ тизимга солиниб, бухгалтерия ҳисоби счётларига шу шартли тархларда ифода қилинганидек ёзиб борилади.

Тархдан кўриниб турибдики, бошланғич ва охирги қолдиқлар актив счётларнинг фақат дебет томонида бўлади, пассив счётларнинг эса фақат кредит томонида бўлади; актив-пассив счётларда эса буларга қарама-қарши ўлароқ, ҳам дебет, ҳам кредит томонларида қолдиқ қолиши мумкин. Шуни ҳам назарда тутиш керакки, айрим счётларда умуман қолдиқ қолмаслиги ҳам мумкин. Актив, пассив ва актив-пассив счётларнинг ҳаммасига суммалар бошланғич қолдиқ сифатида хўжалик юритучи субъектнинг бухгалтерия балансидан олинади.

Актив счётларнинг дебетига тегишли бошланғич қолдиқ хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия балансининг актив қисмидаги моддаларнинг маълумотларига асосан ёзилади. Пассив счётларга тегишли қолдиқ бу счётлар кредитида, кўрсатилиб, улар хўжа-

«_____»
(Хўжалик маблағларини ҳисобга олувчи счётнинг номи)

Д-т	К-т
Ҳисобот даврининг бошига қолган маблағларнинг бошланғич қолдиғи (+)	
Ҳисобот даври ичида маблағларнинг кирими (+)	Ҳисобот даври ичида маблағларнинг харажати (-)
Маблағларнинг ҳисобот даври охирида қолган қолдиғи	

Хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбаларини ҳисобга олувчи пассив счётларнинг шартли тархи қуйидагича бўлади:

«_____»
(Хўжалик маблағлари манбаларини ҳисобга олувчи счётнинг номи)

Д-т	К-т
	Ҳисобот даврининг бошига қолган маблағлар манбаининг бошланғич қолдиғи (+)
Ҳисобот даври ичида маблағлар манбаининг камайиши (-)	Ҳисобот даври ичида маблағлар манбаининг кўпайиши (+)
	Маблағлар манбаининг ҳисобот даври охирида қолган қолдиғи

лик юритувчи субъектнинг бухгалтерия балансининг пассив қисмидаги моддаларнинг маълумотларига асосан очилади. Агарда счётларда бошланғич қолдиқ бўлмаса, у ҳолда аввал уларнинг кўпайишига олиб келувчи операциялар акс эттирилиб, кейин камайишига олиб келувчи операциялар ёзилиши мумкин.

Актив счётларда бошланғич қолдиқ бўлмаса, у ҳолда энг аввал дебетда акс эттириладиган операция ёзилиши керак. Пассив счётларда эса аксинча, агарда ҳисобот даврининг бошида бу счётларда қолдиқ бўлмаса, у ҳолда энг аввал счётлардаги маълумотларнинг кўпайишига олиб келувчи хўжалик операциялари унинг кредитида акс эттирилиб, сўнгра дебетига ёзиладиган хўжалик операциялари акс эттирилади. Буни «Миллий валютадаги пул маблағлари» деб аталувчи актив счёт мисолида қуйидагича тасвирлаш мумкин. Фараз қилайлик, ойнинг бошида кассада 100 сўм пул бўлган.

Биринчи операция. Ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи тўлаш учун чек билан хўжалик юритувчи субъектнинг банк муассасасидаги талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағидан 2600500 сўм нақд пул хўжалик юритувчи субъект кассасига олинди.

Иккинчи операция. Хўжалик юритувчи субъектнинг кассасидан ходимларга 2350000 сўмлик меҳнат ҳақи берилди.

Учинчи операция. Хўжалик юритувчи субъект кассасидан 150000 сўм хизмат сафарига борувчи хўжалик юритувчи субъектда доимий ишловчи ходимларга бўнак берилди.

Тўртинчи операция. Ҳисобдор шахслар томонидан фойдаланилмаган 12500 сўм нақд пул хўжалик юритувчи субъект кассасига қайтариб топширилди.

Бешинчи операция. Хўжалик юритувчи субъектнинг банкдаги талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағига хўжалик юритувчи субъектнинг ходимлари томонидан ўз вақтида олинмаган 100500 сўм меҳнат ҳақи суммаси қайтариб топширилди.

Бу хўжалик операциялари «Миллий валютадаги пул маблағлари» счётига ёзилади, содир бўлган операцияларнинг дебет ва кредит бўйича айланма ҳисобланади ва ойнинг охирида қолган қолдиқ сумма аниқланади.

«Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти

Д-т	К-т
Бошланғич қолдиқ **100**	
1-операция 2600500 4-операция 12500	2-операция 2350000 3-операция 150000 5-операция 100500
Дебет бўйича айланма 2613000 (2600500+12500)	Кредит бўйича айланма 2600500 (2350000+150000+100500)
Охирги қолдиқ 12600 (100+2613000-2600500)	

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, актив счётлардаги бошланғич қолдиқ унинг дебетида акс эттирилиб, маблағларнинг ой ичидаги кирим қилиниши счётнинг дебет томонига ёзил-

ди, кредит томонида эса ой давомида харажат қилинган маблағлар акс эттирилди.

Энди «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар» деб аталувчи пассив счёт мисолида қандай операциялар унинг дебетида ва қайсилари кредитида акс эттирилиши ҳамда қандай қилиб ойнинг охирида қолдиқнинг аниқланиши тасвирланади. Фараз қилайлик, ойнинг бошида «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар» счётининг кредитида 50000 сўм қолдиқ бўлган.

Биринчи операция. Ходимларга меҳнат ҳақи ҳисоблаш ведомостига кўра хўжалик юритувчи субъект ходимларига 2500000 сўм меҳнат ҳақи ҳисобланди.

Иккинчи операция. Ходимларга меҳнат таътили ҳақи ҳисоблаш ведомостига кўра хўжалик юритувчи субъект ходимларига 425000 сўм таътил ҳақи ҳисобланди.

Учинчи операция. Хўжалик юритувчи субъект ходимларига ҳисобланган меҳнат ҳақи суммасидан жисмоний шахслардан олиниши керак бўлган 500000 сўм солиқ ушланди.

Тўртинчи операция. Хўжалик юритувчи субъектнинг кассасидан унинг ходимларига меҳнат ҳақи қилиб 2000000 сўм берилди.

«Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар» счёти

Д-т	К-т
	Бошланғич қолдиқ **50000**
3-операция 500000 4-операция 2000000	1-операция 2500000 2-операция 425000
Дебет бўйича айланма 2500000 (500000+2000000)	Кредит бўйича айланма 2925000 (2500000+425000)
	Охирги қолдиқ **475000** (50000+2925000-2500000)

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, пассив счётлардаги бошланғич қолдиқ унинг кредитида акс эттирилиб, уларнинг ой ичидаги кўпайиши счётнинг кредит томонига ёзилди, дебет томонида эса ой давомида уларнинг камайиши акс эттирилди.

Актив счётлар (жумладан «Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти) бўйича охирги қолдиқ («Охирги қолдиқ» ибораси «**Оқ**» белгиси билан ифодаланса ҳам бўлаверади) дебет томонидаги ойнинг бошидаги қолдиққа («Бошланғич қолдиқ» ибораси «**Бқ**» белгиси билан ифодаланса ҳам бўлаверади), шу томондаги дебет бўйича айланма («Дебет бўйича айланма» ибораси «**Дайл**» белгиси билан ифодаланса ҳам бўлаверади) суммани қўшиб кредит томондаги кредит бўйича айланма («Кредит бўйича айланма» ибораси «**Кайл**» белгиси билан ифодаланса ҳам бўлаверади) суммасини айириб ташлаш йўли билан топилди.

Бинобарин, пассив счётлардаги бошланғич қолдиқ унинг кредит томонида ёзилиб, маблағлар манбаининг ой ичидаги кўпайиши счётнинг кредит томонида акс эттирилади. Дебет томонида маблағлар манбаи суммасининг ой давомидаги камайиши кўрсатилади. Пассив счётлар (жумладан «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар» счёти) бўйича охирги қолдиқ эса кредит томонидаги ойнинг бошидаги қолдиққа шу ойнинг ичида содир бўлган кредит томондаги кредит бўйича айланма суммасини қўшиб, дебет томондаги дебет бўйича айланма суммани айириб ташлаш йўли билан аниқланади.

Бухгалтерия ҳисоби счётларининг охирги қолдиқларига асосланиб бухгалтерия баланси тузилади. Демак, счётлар тизими ёрдамида хўжалик маблағлари ва уларнинг манбалари, шунингдек, хўжалик жараёнларида маълум давр ичида содир бўлган хўжалик операциялари жорий ҳисобга олиб борилади. Бухгалтерия балансида эса шу счётлар жорий ҳисобга олган маълумотлар маълум бир санага гуруҳлаштирилиб умумлаштирилади.

Кўриниб турибдики, счётлар тизими билан бухгалтерия баланси ўртасида алоқа мавжуд. Бу алоқа шундан иборатки, маълум санага тузилган бухгалтерия баланси маълумотларига асосланиб счётлар очилади; бир вақтда бухгалтерия балансининг актив томонидаги моддалар учун актив счётлар, пассив томонидаги моддалар учун пассив счётлар очилади, шунингдек, актив-пассив томонидаги моддаларни қамраб олувчи актив-пассив счётлар ҳам очилади. Бу счётларнинг тегишли томонларига бухгалтерия баланси моддаларидан суммалар бошланғич қолдиқ сифатида ёзилади. Бошланғич қолдиқ (**Бқ**) ҳисобот даврида амалга ошириладиган хўжалик операцияларидан ажралиб туриши учун бошланғич қолдиқларнинг таги чизиб қўйилади

Ҳисобот даври (ой, чорак, йил) тугагандан кейин счётларда охирги қолдиқ (**Оқ**) топилади ва шу маълумотга асосланиб яна бухгалтерия баланси тузилади. Тушунарли бўлиши учун дарсликнинг III бобидаги бухгалтерия баланси (2-жадвал) маълумотлари асосида счётлар очиб, бошланғич қолдиқ сифатида суммалар ёзиб чиқилади. Бунда шу нарсани эътиборга олиш керакки, бухгалтерия балансининг актив томонидаги моддаларнинг суммаси актив счётларга, пассив томонидаги моддаларнинг суммаси пассив счётларга ёзилади ва натижада қуйидаги ҳолат вужудга келади:

Шуни эсда тутиш керакки, баъзи счётларнинг номлари уларнинг қолдиғини акс эттирувчи бухгалтерия баланси моддаларининг номларига тўғри келмайди. Масалан, «Асосий ишлаб чиқариш» ва «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётларининг дебет қисмидаги қолдиқ суммалари бухгалтерия балансининг «Тугалланмаган ишлаб чиқариш» моддасида кўрсатилади, чунки бу счётларнинг

7-жадвал

«Бинолар, иншоотлар ва узаткич қурилмалари» счёти

Д-т	К-т
Бқ 7000000	

«Бинолар, иншоотлар ва узаткич қурилмаларининг эскириши» счёти

Д-т	К-т
	Бқ 1380000

«Машина ва ускуналар» счёти

Д-т	К-т
Бқ 3000000	

«Машина ва ускуналарнинг эскириши» счёти

Д-т	К-т
	Бқ 1000000

«Мебел ва офис жиҳозлари» счёти

Д-т	К-т
Бқ 2000000	

«Мебел ва офис жиҳозларининг эскириши» счёти

Д-т	К-т
	Бқ 520000

«Компьютер ускуналари ва ҳисоблаш техникаси» счёти

Д-т	К-т
Бқ 3000000	

«Компьютер ускуналари ва ҳисоблаш техникасининг эскириши» счёти

Д-т	К-т
	Бқ 1000000

«Транспорт воситалари» счёти

Д-т	К-т
Бқ 5000000	

«Транспорт воситаларининг эскириши» счёти

Д-т	К-т
	Бқ 1000000

«Бошқа асосий воситалар» счёти

Д-т	К-т
Бқ 500000	

«Бошқа асосий воситаларнинг эскириши» счёти

Д-т	К-т
	Бқ 500000

«Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау» счёти

Д-т	К-т
Бқ 1500000	

Патентлар, лицензиялар ва ноу-хаунинг амортизацияси» счёти

Д-т	К-т
	Бқ 800200

«Бошқа номоддий активлар» счёти»

Д-т	К-т
Бқ 700300	

«Бошқа номоддий активларнинг амортизацияси» счёти

Д-т	К-т
	Бқ 250000

«Шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар» счёти

Д-т	К-т
Бк 3605000	

«Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар» счёти

Д-т	К-т
	Бк 300000

«Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар» счёти

Д-т	К-т
Бк 2005000	

«Суғурта бўйича тўловлар» счёти

Д-т	К-т
	Бк 100600

«Тугалланмаган қурилиш» счёти

Д-т	К-т
Бк 3500000	

«Давлат мақсадли фондларига тўловлар» счёти

Д-т	К-т
	Бк 50000

«Асосий воситаларни сотиб олиш» счёти

Д-т	К-т
Бк 2150000	

«Тўланадиган дивидендлар» счёти

Д-т	К-т
	Бк 100600

«Хом ашё ва материаллар» счёти

Д-т	К-т
Бк 15500000	

«Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар» счёти

Д-т	К-т
	Бк 2150750

«Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутлаш маҳсулотлари» счёти

Д-т	К-т
Бк 5000000	

«Депонентлаштирилган меҳнат ҳақи» счёти

Д-т	К-т
	Бк 371700

«Инвентар ва хўжалик жиҳозлари» счёти

Д-т	К-т
Бк 12000000	

«Банкнинг қисқа муддатли кредитлари» счёти

Д-т	К-т
	Бк 5000000

«Бошқа материаллар» счёти

Д-т	К-т
Бк 1000600	

«Қисқа муддатли қарзлар» счёти

Д-т	К-т
	Бк 1000000

«Асосий ишлаб чиқариш» счёти

Д-т	К-т
Бк 560500	

«Тўланадиган облигациялар» счёти

Д-т	К-т
	Бк 4000000

«Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счёти

Д-т	К-т
Бк 2400000	

«Ҳисобдор шахсларга қарзлар» счёти

Д-т	К-т
	Бк 525000

«Кўргазмадаги тайёр маҳсулотлар» счёти

Д-т	К-т
Бк 500300	

«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти

Д-т	К-т
	Бк 300500

«Олдиндан тўланган ижара» счёти

Д-т	К-т
Бк 2000000	

«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» счёти

Д-т	К-т
	Бк 188300

«Олдиндан тўланган хизматлар» счёти

Д-т	К-т
Бк 150000	

«Банкнинг узоқ муддатли кредитлари» счёти

Д-т	К-т
	Бк 22000000

«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти

Д-т	К-т
Бк 550300	

«Узоқ муддатли қарзлар» счёти

Д-т	К-т
	Бк 1500000

«Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счётлар»

Д-т	К-т
Бк 350500	

«Оддий акциялар» счёти

Д-т	К-т
	Бк 27000000

«Меҳнатга ҳақ тўлашга берилган бўнаклар» счёти

Д-т	К-т
Бк 400000	

«Имтиёзли акциялар» счёти

Д-т	К-т
	Бк 3000000

«Хизмат сафарларига берилган бўнаклар» счёти

Д-т	К-т
Бк 100600	

«Эмиссион даромад» счёти

Д-т	К-т
	Бк 25450000

«Олдиндан олинган ижара» счёти

Д-т	К-т
Бк 200000	

«Алоҳида бўлинмаларга тўланадиган счётлар» счёти

Д-т	К-т
	Бк 180500

«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга товар-моддий қийматлик учун берилган бўнаклар» счёти

Д-т	К-т
Бк 2000000	

«Мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича ўзгартиришлар» счёти

Д-т	К-т
	Бк 1000000

«Қарзга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзлари» счёти

Д-т	К-т
Бк 250000	

«Захира капитали» счёти

Д-т	К-т
	Бк 1500000

«Даъволар бўйича олинадиган счётлар»
счёти

Д-т	К-т
Бк 9300	

«Бошқа дебитор қарзлар»
счёти

Д-т	К-т
Бк 10000	

«Миллий валютадаги пул маблағлари»
счёти

Д-т	К-т
Бк 250	

«Депозит ҳисобвараги»
счёти

Д-т	К-т
Бк 15250000	

«Мамлакат ичкарисидаги валюта ҳисобвараги»
счёти

Д-т	К-т
Бк 10500600	

«Бепул олинган мол-мулк»
счёти

Д-т	К-т
	Бк 500000

«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (копланмаган зарари)»
счёти

Д-т	К-т
	Бк 1000000

«Йиғилган фойда (копланмаган зарар)»
счёти

Д-т	К-т
	Бк 1500000

«Грантлар»
счёти

Д-т	К-т
	Бк 500000

«Субсидиялар»
счёти

Д-т	К-т
	Бк 600000

«Бошқа мақсадли тушумлар» счёти

Д-т	К-т
	Бк 100000

«Бошқа узоқ муддатли инвестициялар» счёти

Д-т	К-т
Бк 2800700	

«Келгусида қилинадиган харажатлар ва тўловларнинг захиралари» счёти

Д-т	К-т
	Бк 1050800

дебет қисмида қолган сумма ишлаб чиқаришдаги тугалланмаган жараённинг қолдиғини акс эттиради. «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар» счётининг кредит қисмидаги қолдиқ суммаси бухгалтерия балансининг «Меҳнатга ҳақ тўлашга бўйича қарз» деган моддасида кўрсатилади, чунки «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар» счётининг кредит қисмидаги қолдиқ сумма хўжалик юритувчи субъект томонидан ходимларга тўланмаган меҳнат ҳақи суммасини кўрсатади.

Бухгалтерия балансининг бир моддасида бир неча счётларнинг қолдиқ суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади. Масалан, бухгалтерия балансини «Ишлаб чиқариш захиралари» деган моддасида «Хом ашё ва материаллар» счёти, «Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутлаш маҳсулотлари» счёти, «Ёқилғи» счёти, «Эҳтиёт қисмлар» «Инвентар ва хўжалик жиҳозлари» счёти ва бошқа счётларнинг қолдиқ суммаларини йиғиндиси кўрсатилади. Айрим ҳолларда битта счёт маълумотлари бухгалтерия балансида бир неча моддаларда берилиши ҳам мумкин ва ҳоказо.

2. Счётларда хўжалик операцияларини икки ёқлама ёзиш

Бухгалтерия ҳисоби счётларида хўжалик маблағлари ва уларнинг манбалари, шунингдек, хўжалик жараёнларини тўғри ҳисобга олиб боришни ўз вақтида назорат қилиб бориш учун уларнинг ўзгаришини акс эттирадиган ҳар бир хўжалик операцияси бир вақтда иккита счётнинг қарама-қарши томонига ёзилади. Бу нарса шу-

нинг учун зарурки, бухгалтерия балансининг актив томонидаги моддаларни ҳисобга олувчи актив счётларда хўжалик маблағларининг ҳолати, жойланиши олиб борилсада, уларнинг хўжалик операциялари таъсирида биридан иккинчисига ўтганлигини битта счётни дебетлаш ёки кредитлаш билан исботлаб бўлмайди. Масалан, «Хом ашё ва материаллар» счётидаги материаллардан бир қисми «Асосий ишлаб чиқариш» счётига ўтказилган бўлса, у ҳолда бир вақтда «Хом ашё ва материаллар» счётидаги материалларнинг камайганлигини ва «Асосий ишлаб чиқариш» счётида харажатларнинг кўпайганлигини акс эттириш талаб қилинади.

Дарҳақиқат, бухгалтерия балансининг пассив томонидаги моддаларни ҳисобга олувчи пассив счётларда хўжалик маблағларининг пайдо бўлиш манбаи олиб борилсада, уларнинг хўжалик операциялари таъсири остида биридан иккинчисига ўтганлигини ҳам бир вақтда иккита счётда акс эттириш талаб қилинади. Масалан, ходимларга ҳисобланган меҳнат ҳақидан даромад солиғи ушланса, у ҳолда бу хўжалик операцияси бир вақтда «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» счётида хўжалик юритувчи субъектнинг бюджетга бўлган қарзининг кўпайганлигини ва «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар» счётида ходимлар оладиган ҳақнинг камайганлигини исботловчи ёзув билан расмийлаштирилади.

Айрим ҳолларда шундай бўлиши мумкинки, бу пайтда бухгалтерия балансининг актив томонидаги моддаларни ҳисобга олувчи актив счётлар билан бухгалтерия балансининг пассив томонидаги моддаларни ҳисобга олувчи пассив счётлар хўжалик операцияси таъсирида алоқа қилиши мумкин. Бундай операциялар таъсирида бир вақтда актив ва пассив счётларда кўпайиш ёки камайиш бўлганлигини акс эттириш талаб қилинади. Масалан, хўжалик юритувчи субъектга мол етказиб берувчилардан материаллар келтирилган бўлса, бу операция хўжалик маблағларини ҳисобга олиб борувчи актив счёт «Хом ашё ва материаллар» счётининг кўпайиш томонига ва хўжалик маблағларининг манбаини ҳисобга олувчи пассив счёт «Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счётининг ҳам кўпайиш томонига ёзиш талаб қилинади. Чунки бу ёзув бир вақтда материалларнинг келиши натижасида хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш захираларининг кўпайганлигини ва материаллар қабул қилиб олинганлиги сабабли бу хўжалик юритувчи субъектнинг юқорида кўрсатилган материалларни берган мол етказиб берувчи хўжалик юритувчи субъект олдида унинг

қарздор эканлигини кўрсатиб турмоғи керак. Шунингдек, агар шу келтирилган материаллар учун хўжалик юритувчи субъект ўзининг банкдаги депозит ҳисобварағидан тегишли суммасини тўласа, у ҳолда бу хўжалик операцияси бир вақтда бухгалтерия балансининг икки томонида ҳам камайиш томонига ўзгаришга олиб келади, яъни унинг актив томонидаги «Пул маблағлари» моддасида пул маблағлари суммасининг камайишига ва пассив томонидаги «Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар» деган моддасидаги кредитор қарзлар суммасининг камайишига сабаб бўлади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳар қандай хўжалик операцияси натижасида маблағ ёки унинг манбаида бир хил суммада ўзгариш содир бўлади. Бундай хўжалик операцияларининг ҳаммаси ҳам счётларга икки ёқлама ёзиш деб номланган усул ёрдамида акс эттирилади. Демак, ҳар бир хўжалик операцияси бухгалтерия ҳисобининг иккита объектини ҳисобга олувчи ўзаро боғлиқ счётларда ёзиладики, бу нарса хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик фаолиятида маблағлар ва уларнинг манбаларининг, шунингдек, хўжалик жараёни устидан назорат ўрнатиш имконини беради. Шу билан бирга, бу ёзув хўжалик маблағларининг икки томонлама гуруҳланишига асослангандир.

Бухгалтерия ҳисобида икки ёқлама ёзишнинг моҳияти шундаки, ҳар бир хўжалик операцияси у қандай турдаги баланс ўзгаришига олиб келишидан қатъий назар, бир вақтда ва ўзаро алоқадор ҳолда бир хил суммада бир счётнинг дебет томонида ва иккинчи счётнинг кредит томонида акс эттирилади. Бинобарин, *икки ёқлама ёзиш деб* хўжалик операциялари таъсирида вужудга келадиган иқтисодий ҳодисаларни счётлар тизими воситаси билан ўзаро алоқадор ҳолда акс эттириш усулига айтилади.

Бухгалтерия ҳисобида икки ёқлама ёзиш усули хўжалик маблағларининг таркиби ва уларнинг пайдо бўлиш манбаларидаги ўзгаришга олиб келадиган хўжалик операцияларининг счётларда тўғри акс эттирилиши ҳамда ёзувларнинг тўғри амалга оширилаётганлиги устидан бир вақтда назорат қилиб бориш имконини беради. Бухгалтерия ҳисоби икки ёқлама ёзиш усулининг моҳиятини тушунтириш учун қуйидаги мисоллар келтирилади.

Биринчи операция. Ходимларга меҳнат ҳақи тўлаш ҳамда ходимларга хизмат сафарига бўнак бериш учун хўжалик юритувчи субъектнинг банкдаги талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағидан 2250750 сўм нақд пул олиниб хўжалик юритувчи субъект

кассасига кирим қилинди. Бу хўжалик операцияси натижасида хўжалик юритувчи субъект кассасида пул маблағи кўпайиб, банкдаги талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағида пул маблағларининг қолдиғи камаяди. Иккала счёт ҳам бухгалтерия балансининг актив томонида, яъни активдир. Демак, бу операция натижасида счётларнинг ўзаро қуйидаги боғланиши содир бўлади:

Дебет «Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти
Кредит «Депозит ҳисобварағи» счёти. } 2250750 сўм

Бу операция бухгалтерия ҳисоби счётларининг шартли тархида қуйидагича акс эттирилади:

«Депозит ҳисобварағи» счёти		«Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти	
Д-т	К-т	Д-т	К-т
Бқ 15250000		**Бқ 250**	
	1) 2250750	1) 2250750	
	Нақд пул банкдан олиб келиб кассага кирим қилинди		

Иккинчи операция. Банкдан хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик эҳтиёжлари учун 6500000 сўм қисқа муддатли кредит олиниб, хўжалик юритувчи субъектнинг талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағига ўтказилди. Бу хўжалик операцияси таъсирида хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағи суммаси кўпайиб, шунга боғлиқ ҳолда унинг банк олдида қарз суммаси ҳам кўпайди. Демак, бу операцияга «Депозит ҳисобварағи» счёти дебетланиб, «Банкнинг қисқа муддатли кредитлари» счёти кредитланади.

Бу операция таъсиридаги боғланиш қуйидагича акс эттирилади:

Дебет «Депозит ҳисобварағи» счёти
Кредит «Банкнинг қисқа муддатли кредитлари» счёти. } 6500000 сўм

«Банкнинг қисқа муддатли кредитлари» счёти		«Депозит ҳисобвараги» счёти	
Д-т	К-т	Д-т	К-т
	Бк 5000000		**Бк 12999250**
	2) 6500000		2) 6500000

Банкдан хўжалик юритувчи субъект қисқа муддатли кредит олди

Учинчи операция. Ходимларга хўжалик юритувчи субъект кассасидан 2100000 сўм меҳнат ҳақи берилди. Бу операция хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик юритувчи субъект кассасида пул маблағи қолдиғини камайтириб, шунга мос ҳолда хўжалик юритувчи субъектнинг ходимларга меҳнат ҳақи юзасидан қарз суммасини ҳам камайтирди. Натижада актив - «Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти кредитланиб, пассив - «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар» счёти дебетланади. Бу операция орқали счётларнииг боғланиши қуйидагича акс эттирилади:

Дебет «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар»счёти
Кредит «Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти. } 2100000 сўм

Бу операция счётларнинг шартли тархида қуйидагича акс эттирилади.

«Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти		«Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар» счёти	
Д-т	К-т	Д-т	К-т
Бк 2251000			**Бк 2150750**
	3) 2100000	3) 2100000	

Ходимларга меҳнат ҳақи тўланди

Тўртинчи операция. Мол етказиб берувчидан 3670000 сўмлик хом ашё ва материаллар (шундан прокат 10 тонна, ҳар бир тоннаси 367000 сўмдан - 3670000 сўм) акцепт қилинган ҳисоб-фактурасига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектнинг таъминот бўлими омборига қабул қилинди. Хўжалик юритувчи субъект материалларни тайёр-

лаш ва сотиб олиш ҳисобини «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» ва «Материаллар қийматидаги фарқ» деган счётларни қўлламасдан олиб боради деб қабул қиламиз. Бу хўжалик операцияси натижасида таъминот бўлими омборида материаллар қолдиғи кўпайиб, бир вақтнинг ўзида хўжалик юритувчи субъектнинг материал билан таъминловчи мол етказиб берувчи олдидаги қарз суммаси ҳам кўпаяди. Бу операция счётларда қуйидагича акс эттирилади:

Дебет «Хом ашё ва материаллар» счёти
Кредит «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти. } 3670000 сўм

Бу операция счётларнинг шартли тархида қуйидагича акс эттирилади:

«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти		«Хом ашё ва материаллар» счёти	
Д-т	К-т	Д-т	К-т
	Бқ 300500	**Бқ 15500000**	
	4) 3670000	4) 3670000	

Мол етказиб берувчилардан хом ашё ва материаллар олиб келиниб хўжалик юритувчи субъект омборига кирим килинди

Бешинчи операция. Ўз вақтида хўжалик юритувчи субъект кассасидан олинмай қолган 50750 сўмлик иш ҳақи суммаси депонентга ўтказилди. Чунки ҳисоб-китоб тўлов ведомостлари ўз вақтида бухгалтерияга топширилиши шарт. Бу хўжалик операцияси натижасида тўланмай қолган иш ҳақи суммасига хўжалик юритувчи субъектнинг ходимлар олдидаги қарзи сақланиб қолади. Лекин қарз балансининг пассив томонидаги бир моддадан иккинчисига ўтказиб қўйилади. Шунга кўра пассив счёт «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар» счётида камайиш бўлаётганлиги учун дебетланиб, бир вақтнинг ўзида пассив счёт «Депонентлаштирилган меҳнат ҳақи» счётида кўпайиш бўлаётганлиги учун кредитланади.

Бу операция счётларда қуйидагича акс эттирилади:

Дебет «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар» счёти
Кредит «Депонентлаштирилган меҳнат ҳақи» счёти. } 50750 сўм

Бу операция счётларнинг шартли тархида қуйидагича акс эттирилади:

«Депонентлаштирилган меҳнат ҳақи» счёти		«Ходимлар билан меҳнат ҳақи тўлашга доир ҳисоб-китоблар» счёти	
Д-т	К-т	Д-т	К-т
	Бқ 371700		**Бқ 50750**
	5) 50750	5) 50750	
	Ўз вақтида олинмаган меҳнат ҳақи депонент қилинди		

Олтинчи операция. Кассир ишчи ва хизматчиларга берилмаган 50750 сўмлик иш ҳақи суммасини хўжалик юритувчи субъектнинг банкдаги талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағига топширди. Бу хўжалик операцияси кассадаги нақд пул қолдиғини камайтиради ва банкдаги талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағидаги суммани кўпайтиради. Натижада баланснинг актив томонидаги актив «Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти кредитланиб, актив «Депозит ҳисобварағи» счёти дебетланади.

Бу операциянинг боғланиши қуйидагича акс эттирилади:

Дебет «Депозит ҳисобварағи» счёти
Кредит «Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти. } 50750 сўм

Бу операция счётларнинг шартли тархида қуйидагича акс эттирилади:

«Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти		«Депозит ҳисобварағи» счёти	
Д-т	К-т	Д-т	К-т
Бқ 151000		**Бқ 19499250**	
	6) 50750	6) 50750	
	Нақд пул кассир томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг банкдаги талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағига топширилди		

Еттинчи операция. Хўжалик юритувчи субъектнинг ижтимоий суғуртага доир қарзидан 100000 сўм хўжалик юритувчи субъектнинг банкдаги талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағидан ўтказиб берилди. Бу операция натижасида хўжалик юритувчи субъектнинг актив счёти бўлган «Депозит ҳисобвараги» счётида қолдиқ пул маблаги камайтирилиб, худди шу суммага ижтимоий суғурта органига хўжалик юритувчи субъектнинг қарз суммасини ҳисобга олувчи пассив счёт - «Суғурта бўйича тўловлар» счётида ҳам қарз суммасида камайиш содир бўлади.

Бу операцияда счётларнинг ўзаро боғланиши қуйидагича акс эттирилади:

Дебет «Суғурта бўйича тўловлар» счёти
Кредит «Депозит ҳисобвараги» счёти. } 100000 сўм

Бу операция счётларнинг шартли тархида қуйидагича акс эттирилади:

«Депозит ҳисобвараги» счёти		«Суғурта бўйича тўловлар» счёти	
Д-т	К-т	Д-т	К-т
Бк 19550000			**Бк 100600**
	7) 100000	7) 100000	
	Суғуртага доир қарз тўланди →		

Саккизинчи операция. Мол етказиб берувчи хўжалик юритувчи субъектдан аввал олиб келинган 3670000 сўмлик хом ашё ва материалларнинг қиймати хўжалик юритувчи субъектнинг банкдаги талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобвараги дан тўланди. Бу операция хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблаги ҳисобга олинадиган актив - «Депозит ҳисобвараги» счётида пул қолдиғининг камайишига, шу билан бирга мол етказиб берувчи хўжалик юритувчи субъектлардан бўлган хўжалик юритувчи субъектнинг қарзини ҳисобга олувчи пассив-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счётида акс эттирилиб, қарз суммасининг камайишига олиб келади.

Бу операция счётларнинг ўзаро боғланишида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти } 3670000 сўм
Кредит «Депозит ҳисобвараги» счёти.

Бу операция счётларнинг шартли тархида қуйидагича акс эттирилади:

«Депозит ҳисобвараги» счёти

Д-т	К-т
Бк 19450000	
	8) 3670000

«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти

Д-т	К-т
8) 3670000	Бк 3970500

Қарз тўланди

Тўққизинчи операция. Ишлаб чиқаришда қатнашган ишчиларга 1900500 сўм меҳнат ҳақи ҳисобланди. Ишлаб чиқариш жараёнида ишчилар махсулот ишлаб чиқарганликлари учун меҳнат ҳақи оладилар. Махсулот тайёрлаш бўйича харажатлар ортди, шу билан бирга, худди шу суммага хўжалик юритувчи субъектнинг ишчиларга меҳнат ҳақи юзасидан қарзи ҳам ошди. Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга оладиган счёт - «Асосий ишлаб чиқариш» счёти актив бўлиб, харажатларнинг кўпайиши унинг дебет томонида ёзилади, шунингдек, ишчиларга бўлган хўжалик юритувчи субъектнинг қарз суммасига «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар» номли пассив счёт кредитланиб, кўпайтирилади.

Бу операция счётларнинг ўзаро алоқаси қуйидагича бўлади:

Дебет «Асосий ишлаб чиқариш» счёти } 1900500 сўм
Кредит «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар» счёти.

Бу операция счётларнинг шартли тархида қуйидагича акс эттирилади:

«Ходимлар билан меҳнат ҳақи тўлашга доир ҳисоб-китоблар» счёти

Д-т	К-т
	Бк 0
	9) 1900500

«Асосий ишлаб чиқариш» счёти

Д-т	К-т
Бк 560500	
9) 1900500	

Асосий ишчиларга меҳнат ҳақи ҳисобланди

Ўнинчи операция. Хўжалик юритувчи субъект ходимига хизмат сафари даврида сарфлаши учун кассадан 50500 сўм нақд пул бўнак қилиб берилди. Бу операция таъсирида ходимнинг ҳисобига пул ўтказилишини, шунингдек, хўжалик юритувчи субъект кассасида нақд пул қолдиғи камайишини кўрсатиш талаб қилинади. Кассада нақд пул камайишини акс эттириш учун актив «Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти кредитланади, шунинг билан бирга ходимнинг ҳисоби актив «Хизмат сафарларига берилган бўнаклар» счётида олиб борилишини ҳисобга олиб, олинган қарз сумма учун уни дебетлаб, кўпайиши акс эттириб қўйилади.

Бу операция счётларда қуйидагича акс эттирилади:

Дебет «Хизмат сафарларига берилган бўнаклар» счёти
Кредит «Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти. } 50500 сўм

Бу операция счётларнинг шартли тархида қуйидагича акс эттирилади:

«Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти		«Хизмат сафарларига берилган бўнаклар» счёти	
Д-т	К-т	Д-т	К-т
Бк 151000		**Бк 100600**	
	10) 50500	10) 50500	

Кассадан ходимга хизмат сафари харажатлари учун бўнак берилди

Ўн биринчи операция. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун асосий ишлаб чиқаришга 6720000 сўмлик хом ашё ва материаллар (шундан прокат 8 тонна, ҳар бир тоннаси 340000 сўмдан, жами 2720000 сўм; труба 10 тонна, ҳар бир тоннаси 400000 сўмдан, жами 4000000 сўм) сарфланди. Бу операцияда маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларнинг кўпайишини, шу билан бирга, материаллар захирасининг камайганлигини акс эттириш зарурдир.

Ишлаб чиқариш жараёнида харажатларнинг кўпайишини баланснинг актив томонидаги «Асосий ишлаб чиқариш» счётининг

дебетида, материаллар захирасининг камайишини эса «Хом ашё ва материаллар» счётининг кредитида кўрсатиш лозим.

Шунга кўра счётларнинг ўзаро боғланиши қуйидагича тасвирланади:

Дебет «Асосий ишлаб чиқариш» счёти
Кредит «Хом ашё ва материаллар» счёти } 6720000 сўм

Бу операция счётларнинг шартли тархида қуйидагича акс эттирилади:

«Хом ашё ва материаллар» счёти		«Асосий ишлаб чиқариш» счёти	
Д-т	К-т	Д-т	К-т
Бк 19170000		Бк 2461000	
	11) 6720000	11) 6720000	
		Хом ашё ва материаллар харажат қилинди	

Ўн иккинчи операция. Асосий ишлаб чиқаришдан 4000000 сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилди ва омборга қабул қилинди. Бу операцияда омбордаги тайёр маҳсулот ҳажми кўпаяди ва ишлаб чиқаришдаги тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажми камаяди. Бу хўжалик операцияси натижасида «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счётидаги сумма кўпайиб «Асосий ишлаб чиқариш» счётидаги сумма камаяди. Иккала счёт ҳам баланснинг актив томонида ёки актив счётлардир. Шунинг учун ҳам «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счёти дебетланиши ва «Асосий ишлаб чиқариш» счёти кредитланиши керак.

Бу операцияда счётлар ўзаро қуйидагича боғланади:

Дебет «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счёти
Кредит «Асосий ишлаб чиқариш» счёти } 4000000 сўм

Бу операция счётларнинг шартли тархида қуйидагича акс эттирилади:

«Асосий ишлаб чиқариш» счёти		«Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счёти	
Д-т	К-т	Д-т	К-т
Бқ 9181000		**Бқ 2400300**	
	12) 4000000	12) 4000000	
	Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот омборга қабул қилинди		

Бизнинг мисолимизда хўжалик операцияларига доир счётларнинг бир-бирлари билан ўзаро алоқасини тузишда икки ёқлама ёзиш усулидан фойдаланилди. Шуни ҳам эсда тутмоқ керакки, икки ёқлама ёзиш усулига хўжалик операцияларини акс эттириш техникаси сифатида қараш ярамайди. Чунки буни хўжалик маблағларининг даврий айланиши давомида икки ёқлама ўзгаришлар содир бўладиган объектив хусусиятлар шарт қилиб қўйган.

Юқорида келтирилган счётларнинг шартли тархидаги ёзувларни умумлаштириш учун актив ва пассив синтетик счётлар очиб, уларга маълум бўлган бошланғич қолдиқ суммалари ёзилади ва келтирилган 12 та хўжалик операцияси счётларга тарқатилади. Шундан сўнг синтетик счётлардаги дебет ва кредит айланмалар ҳисобланади ва охирги қолдиқлар топилади.

Актив счётларнинг охирги қолдиғини топиш учун актив счётнинг шу ҳисобот даври бошидаги қолдиғига дебет бўйича айланма суммаси қўшилади ва кредит бўйича айланма суммаси айириб ташланади. Топилган сумма счётнинг дебетига ёзилади. Пассив счётларнинг охирги қолдиғини топиш учун пассив счётдаги шу ҳисобот даври бошидаги қолдиғига кредит бўйича айланма суммаси қўшилади ва дебет бўйича айланма суммаси айириб ташланади. Топилган сумма пассив счётнинг кредитига ёзилади. Қуйида (8-жадвал) актив ва пассив счётлардаги охирги қолдиқни топиш тархлари келтирилган. Счётлар бўйича бошланғич қолдиқ 7-жадвалдан олинаяпти. Счётлардаги бошланғич қолдиқ қисқартилган ҳолда - **Бқ** деб, охирги қолдиқ - **Оқ** деб ва дебет бўйича айланма – **Дайл** деб ёки кредит бўйича айланма - **Кайл** деб олинди.

8-жадвал

Бухгалтерия ҳисоби счётларига икки ёқлама ёзиш усули ёрдамида ёзиш тархи

Актив счётларга ёзиш тархи

«Бинолар, иншоотлар ва узаткич қурилмалари» счёти

Д-т	К-т
Бқ 7000000	
Дайл 0	Кайл 0
Ок 7000000	

«Машина ва ускуналар» счёти

Д-т	К-т
Бқ 3000000	
Дайл 0	Кайл 0
Ок 3000000	

«Мебел ва офис жиҳозлари» счёти

Д-т	К-т
Бқ 2000000	
Дайл 0	Кайл 0
Ок 2000000	

«Компьютер ускуналари ва ҳисоблаш техникаси» счёти

Д-т	К-т
Бқ 3000000	
Дайл 0	Кайл 0
Ок 3000000	

«Транспорт воситалари» счёти

Д-т	К-т
Бқ 5000000	
Дайл 0	Кайл 0
Ок 5000000	

«Бошқа асосий воситалар» счёти

Д-т	К-т
Бқ 500000	
Дайл 0	Кайл 0
Ок 500000	

«Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау» счёти

Д-т	К-т
Бк 1500000	
Дайл 0	Кайл 0
Ок 1500000	

«Бошқа номоддий активлар» счёти

Д-т	К-т
Бк 700300	
Дайл 0	Кайл 0
Ок 700300	

«Тугалланмаган қурилиш» счёти

Д-т	К-т
Бк 3500000	
Дайл 0	Кайл 0
Ок 3500000	

«Асосий воситаларни сотиб олиш» счёти

Д-т	К-т
Бк 2150000	
Дайл 0	Кайл 0
Ок 2150000	

«Шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар» счёти

Д-т	К-т
Бк 3605000	
Дайл 0	Кайл 0
Ок 3605000	

«Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар» счёти

Д-т	К-т
Бк 2005000	
Дайл 0	Кайл 0
Ок 2005000	

«Бошқа жорий инвестициялар» счёти

Д-т	К-т
Бк 1525000	
Дайл 0	Кайл 0
Ок 1525000	

«Қимматли қоғозлар» счёти

Д-т	К-т
Бқ 12500000	
Дайл 0	Кайл 0
Оқ 12500000	

«Хом ашё ва материаллар» счёти

Д-т	К-т
Бқ 15500000	
4)3670000	11) 6720000
Дайл 3670000	Кайл 6720000
Оқ 12450000	

«Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутлаш маҳсулотлари» счёти

Д-т	К-т
Бқ 5000000	
Дайл 0	Кайл 0
Оқ 5000000	

«Инвентар ва хўжалик жиҳозлар» счёти

Д-т	К-т
Бқ 12000000	
Дайл 0	Кайл 0
Оқ 12000000	

«Бошқа материаллар» счёти

Д-т	К-т
Бқ 1000600	
Дайл 0	Кайл 0
Оқ 1000600	

«Асосий ишлаб чиқариш» счёти

Д-т	К-т
Бқ 560500	
9) 1900500	
11) 6720000	12) 000000
Дайл 8620500	Кайл4000000
Оқ 5181000	

«Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счёти

Д-т	К-т
Бқ 2400000	
12) 4000000	
Дайл 4000000	Кайл 0
Оқ 6400000	

«Кўргазмадаги тайёр маҳсулотлар» счёти

Д-т	К-т
Бқ 500300	
Дайл 0	Кайл 0
Оқ 500300	

«Олдиндан олинган ижара»
счёти

Д-т	К-т
Бк 200000	
Дайл 0	Кайл 0
Ок 200000	

«Олдиндан тўланган хизматлар»
счёти

Д-т	К-т
Бк 150000	
Дайл 0	Кайл 0
Ок 150000	

«Депозит ҳисобвараги»
счёти

Д-т	К-т
Бк 15250000	
2) 6500000 6) 50750	1) 2250750 7) 100000 8) 3670000
Дайл 6550750	Кайл 6020750
Ок 15780000	

«Мамлакат ичкарисидаги валюта ҳисобвараги»
счёти

Д-т	К-т
Бк 10500600	
Дайл 0	Кайл 0
Ок 10500600	

«Миллий валютадаги пул маблағлари»
счёти

Д-т	К-т
Бк 250	
1) 2250750	3) 2100000 6) 50750 10) 50500
Дайл 2250750	Кайл 2201250
Ок 49750	

«Бошқа узоқ муддатли инвестициялар»
счёти

Д-т	К-т
Бк 2300700	
Дайл 0	Кайл 0
Ок 2800700	

«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти

Д-т	К-т
Бқ 550300	
Дайл 0	Кайл 0
Оқ 550300	

«Меҳнатга ҳақ тўлашга доир берилган бўнаклар» счёти

Д-т	К-т
Бқ 400000	
Дайл 0	Кайл 0
Оқ 400000	

«Хизмат сафарларига берилган бўнаклар» счёти

Д-т	К-т
Бқ 100600	
10) 50500	
Дайл 50500	Кайл 0
Оқ 151100	

«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга товар-моддий қийматлик учун берилган бўнаклар» счёти

Д-т	К-т
Бқ 2000000	
Дайл 0	Кайл 0
Оқ 2000000	

«Қарзга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзлари» счёти

Д-т	К-т
Бқ 250000	
Дайл 0	Кайл 0
Оқ 250000	

«Шуъба ва карам хўжалик жамиятларидан олинадиган счётлар» счёти

Д-т	К-т
Бқ 350500	
Дайл 0	Кайл 0
Оқ 350500	

«Даъволар бўйича олинадиган счётлар»
счёти

Д-т	К-т
Бк 9300	
Дайл 0	Кайл 0
Ок 9300	

«Бошка дебитор қарзлар»
счёти

Д-т	К-т
Бк 10000	
Дайл 0	Кайл 0
Ок 10000	

Пассив счётларга ёзиш тархи

«Оддий акциялар»
счёти

Д-т	К-т
	Бк 27000000
Дайл 0	Кайл 0
	Ок 27000000

«Имтиёзли акциялар»
счёти

Д-т	К-т
	Бк 3000000
Дайл 0	Кайл 0
	Ок 3000000

«Эмиссион даромад»
счёти

Д-т	К-т
	Бк 25450000
Дайл 0	Кайл 0
	Ок 25450000

«Мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича ўзгартиришлар»
счёти

Д-т	К-т
	Бк 1000000
Дайл 0	Кайл 0
	Ок 1000000

«Захира капитали»
счёти

Д-т	К-т
	Бқ 1500000
Дайл 0	Кайл 0
	Ок 1500000

«Бепул олинган мол-мулк»
счёти

Д-т	К-т
	Бқ 500000
Дайл 0	Кайл 0
	Ок 500000

«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»
счёти

Д-т	К-т
	Бқ 1000000
Дайл 0	Кайл 0
	Ок 1000000

«Йиғилган фойда (қопланмаган зарар)»
счёти

Д-т	К-т
	Бқ 1500000
Дайл 0	Кайл 0
	Ок 1500000

«Грантлар»
счёти

Д-т	К-т
	Бқ 500000
Дайл 0	Кайл 0
	Ок 500000

«Субсидиялар»
счёти

Д-т	К-т
	Бқ 600000
Дайл 0	Кайл 0
	Ок 600000

«Бошқа максадли тушумлар»
счёти

Д-т	К-т
	Бқ 100000
Дайл 0	Кайл 0
	Ок 100000

«Келгусида қилинадиган харажатлар ва тўловларнинг захиралари»
счёти

Д-т	К-т
	Бқ 1050800
Дайл 0	Кайл 0
	Ок 1050800

«Патентлар, лицензиялар ва ноу-хаунинг эскириши» счёти

Д-т	К-т
	Бк 800200
Дайл 0	Кайл 0
	Ок 800200

«Бошқа номоддий активларнинг эскириши» счёти

Д-т	К-т
	Бк 250000
Дайл 0	Кайл 0
	Ок 250200

«Банкнинг узоқ муддатли кредитлар» счёти

Д-т	К-т
	Бк 22000000
Дайл 0	Кайл 0
	Ок 22000000

«Тўланадиган облигациялар» счёти

Д-т	К-т
	Бк 4000000
Дайл 0	Кайл 0
	Ок 4000000

«Қиска муддатли қарзлар» счёти

Д-т	К-т
	Бк 11000000
Дайл 0	Кайл 0
	Ок 11000000

«Банкнинг қиска муддатли кредитлари» счёти

Д-т	К-т
	Бк 5000000
	2) 6500000
Дайл 0	Кайл 6500000
	Ок 11500000

«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» счёти

Д-т	К-т
	Бк 188300
Дайл 0	Кайл 0
	Ок 188300

Мол етказиб беруви ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти

Д-т	К-т
	Бк 300500
8) 3670000	4) 3670000
Дайл 3670000	Кайл 3670000
	Ок 300500

«Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» счёти

Д-т	К-т
	Бк 0
Дайл 0	Кайл 0
	Ок 0

«Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар» счёти

Д-т	К-т
	Бк 2150750
3) 2100000 5) 50750	9) 1900500
Дайл 2150750	Кайл 1900500
	Ок 1900500

«Депонентлаштирилган меҳнат ҳақи» счёти

Д-т	К-т
	Бк 371700
	5) 50750
Дайл 0	Кайл 50750
	Ок 422450

«Суғурта бўйича тўловлар» счёти

Д-т	К-т
	Бк 100600
7) 100000	
Дайл 100000	Кайл 0
	Ок 600

«Давлат мақсадли фондларига тўловлар»
счёти

Д-т	К-т
	Бқ 150000
Дайл 0	Кайл 0
	Ок 150000

«Алоҳида бўлинмаларга тўланаган счётлар»
счёти

Д-т	К-т
	Бқ 180500
Дайл 0	Кайл 0
	Ок 180500

«Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар»
счёти

Д-т	К-т
	Бқ 300000
Дайл 0	Кайл 0
	Ок 300000

«Тўланадиган дивидендлар»
счёти

Д-т	К-т
	Бқ 100600
Дайл 0	Кайл 0
	Ок 100600

«Ҳисобдор шахсларга қарзлар»
счёти

Д-т	К-т
	Бқ 525000
Дайл 0	Кайл 0
	Ок 525000

«Узоқ муддатли қарзлар»
счёти

Д-т	К-т
	Бқ 1500000
Дайл 0	Кайл 0
	Ок 1500000

«Бинолар, иншоотлар ва узаткич қурилмаларининг эскириши»
счёти

Д-т	К-т
	Бқ 1380000
Дайл 0	Кайл 0
	Ок 1380000

«Машина ва ускуналарнинг эскириши»
счёти

Д-т	К-т
	Бқ 1000000
Дайл 0	Кайл 0
	Ок 1000000

«Мебел ва офис жиҳозларининг эскириши»
счёти

Д-т	К-т
	Бк 520000
Дайл 0	Кайл 0
	Ок 520000

«Компьютер ускуналари ва ҳисоблаш техникасининг эскириши»
счёти

Д-т	К-т
	Бк 1000000
Дайл 0	Кайл 0
	Ок 1000000

«Транспорт воситаларининг эскириши»
счёти

Д-т	К-т
	Бк 1000000
Дайл 0	Кайл 0
	Ок 1000000

«Бошқа асосий воситаларнинг эскириши»
счёти

Д-т	К-т
	Бк 500000
Дайл 0	Кайл 0
	Ок 500000

Икки ёқлама ёзиш усулига кўра хўжалик маблағларининг таркиби ва уларнинг манбаларидаги ўзгаришларни кўрсатувчи маълум хўжалик операцияларини акс эттириш учун у ёки бу бухгалтерия счётлари ўзаро бир-бирлари билан боғланади. Ўзаро бир-бирлари билан боғланишда қатнашувчи счётлар *корреспонденцияланувчи счётлар* деб аталади. Счётлар корреспонденциясини акс эттирувчи қисқача ёзув *бухгалтерия проводкаси* деб аталади.

Бухгалтерия проводкалари оддий ва мураккаб бўлиши мумкин. Оддий бухгалтерия проводкасида икки бухгалтерия счёти қатнашиб, унинг бири дебетланса, иккинчиси кредитланади. Мураккаб бухгалтерия проводкаларида бир неча бухгалтерия счётлари қатнашиб, уларнинг бири дебетланса, қолган бир нечтаси кредитланади ёки бири кредитланса, қолган бир нечтаси дебетланиши мумкин.

Буни мисолларда кўрамиз. Масалан, хўжалик юритувчи субъектнинг банкдаги депозит ҳисобварағидан ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи тўлаш учун кассага 2000000 сўм нақд пул олинди.

Бу хўжалик операциясига қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти } 2000000 сўм
Кредит «Депозит ҳисобвараги» счёти.

Юқорида тузилган счётларнинг ўзаро бир-бирлари билан боғланиши оддий бухгалтерия проводкаси ҳисобланади, чунки бу счётлар корреспонденциясида фақат иккита бухгалтерия счёти қатнашиб, бири дебетланди, иккинчиси эса кредитланди.

Бошқа бир мисол. Наряд ва табелларга асосан ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи ҳисобланди;

а) асосий ишлаб чиқаришда ишловчи ишчиларга 1450000 сўм;
б) ёрдамчи ишлаб чиқаришда ишловчи ишчиларга 250000 сўм;
в) умумишлаб чиқариш бўлинмаларида ишловчи ходимларга 300000 сўм.

Бу хўжалик операциясига қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Асосий ишлаб чиқариш» счёти 1450000 сўм;
Дебет «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти 250000 сўм;
Дебет «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти 300000 сўм;
Кредит «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар» счёти 2000000 сўм.

Келтирилган бухгалтерия проводкаси мураккаб бўлиб, унда учта бухгалтерия счётлари дебетланиб, «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар» счёти кредитланди.

Бухгалтерия ҳисобида бир неча счётлар дебетланиб, бир неча счётлар кредитланадиган бухгалтерия проводкаси тузилмайди. Чунки бундай проводкалар бухгалтерия ишларини юритишни қийинлаштиради ва ҳисобда чалкашликлар содир бўлишига олиб келиши мумкин. Бундай бухгалтерия проводкасидан фойдаланилганда счётлар ўртасидаги ўзаро бир-бирлари билан бўлган алоқани аниқлаш қийинлашади.

Бухгалтерия ҳисоби счётларида хўжалик операцияларини акс эттиришнинг яна бир тартиби, уларни бухгалтерия счётларида акс эттирганда манфий сонлардан фойдаланишдир. *Манфий сонлар* тегишли счётларда аввал акс эттирилган хўжалик операцияларининг суммасини камайтириш учун қўлланилади. Бунинг афзалликлари шундан иборатки, шу даврга тузилган бухгалтерия проводкаларида кўрсатилган хўжалик операцияларининг суммаси, зарурат

туғилган тақдирда, аввалги тузилган счётлар корреспонденциясининг тескарисини тузмасдан тегишли счётларда акс эттирилган хўжалик операцияларининг суммаси камайтирилади, холос.

Манфий сонлар бухгалтерия ҳисоби тизимида шартли миқдорларни, яъни режа таннархини ёки нотўғри ёзувларни тузатиш учун ишлатилади. Манфий сондан фойдаланишни мисоллар билан кўрсатамиз. Масалан, ҳисобот даври давомида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот омборга қабул қилинган ҳар донаси режали таннархда 150000 сўмдан баҳоланган. Ҳисобот даврининг охирида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи ҳисобланди ва унинг ишлаб чиқариш таннархи 140000 сўм эканлиги аниқланди. Бинобарин, ҳисобот даври давомида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот омборга 10000 сўмдан қимматга қабул қилинган экан. Эндиликда буни тўғрилаш керак. Агар бунда дебет «Асосий ишлаб чиқариш» счёти ва кредит «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счёти деган бухгалтерия проводкаси тузилса, омборга қабул қилинган тайёр маҳсулот 140000 сўмдан қабул қилингандай бўлиб қолади, лекин ўзаро бир-бирлари билан боғланишда қатнашган бухгалтерия счётлари айланмасини кўрсатувчи суммалар нотўғри бўлади ва натижада бу счётларнинг маълумотлари асосида аниқланган хўжалик фаолиятининг кўрсаткичлари нотўғри маъно беради. Бу кўрсаткичларнинг нотўғрилиги хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик фаолияти ҳақида нотўғри хулосага олиб келади. Шунинг учун бундай бухгалтерия счётларининг ўзаро бир-бирлари билан боғланиши тузилмайди ва бунинг ўрнига аввалгидек бухгалтерия проводкаси тузилади ва фақат суммаси манфий сон билан кўрсатилади. Бухгалтерия ёзувларининг бундай тартиби счётларда иқтисодий жиҳатдан айланмаларнинг тўғри суммасини сақлаб қолишда катта аҳамиятга эгадир.

Қайси турдаги хўжалик операциялари бўлмасин, уларни счётлар тизимида тўғри ёзиш учун айрим масалаларга қатъий амал қилиш талаб қилинади. Жумладан, бухгалтерия балансининг актив томонида кўрсатиладиган хўжалик маблағларининг таркиби ва жойланишини, шунингдек, шу маблағларнинг келиб чиқиш манбаини ва қайси мақсадга мўлжалланганлигини, дарҳақиқат, ҳаммасининг хўжалик жараёнидаги иқтисодий моҳиятини билиш зарурдир. Ҳар қандай хўжалик операциясининг актив счётларда, пассив счётларда ва бир вақтнинг ўзида ҳам актив, ҳам пассив счёт-

ларда ўзгаришга олиб келишининг иқтисодий мазмунини тўғри тушуниб олиш зарур. Ҳисобга олиш объектларини тўғри аниқлаб олиш керак. Актив счётларнинг, пассив счётларнинг, актив-пассив счётларнинг моҳиятларини, уларнинг томонларидан қандай мақсадларда фойдаланишни билиш зарурдир. Хўжалик операциялари таъсирида ўзаро боғланаётган счётларнинг актив, пассив ва актив-пассивлигини билиб олиш зарурдир. Ниҳоят, икки ёқлама ёзиш усулининг иқтисодий зарурлигини ва моҳиятини ҳам тўла билиб олиш керакки, буларнинг ҳаммаси бухгалтерия ҳисобида қўйилиши мумкин бўлган хатоликларни олдини олади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, икки ёқлама ёзиш усули бухгалтерия ҳисобининг муҳим усули сифатида бухгалтерия баланси ва счётлар тизими билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки хўжалик операцияларини икки ёқлама ёзганда счётлар тизимидан фойдаланилади. Счётлар тизимига эса бошланғич маълумотлар бухгалтерия балансидан олинади. Демак, икки ёқлама ёзиш усули бухгалтерия балансидаги тенгликни счётлар тизими ёрдамида ҳамма вақт таъминлаб туради.

Юқорида айтиб ўтилганидек, бухгалтерия счётларининг ҳар қайсисида иқтисодий жиҳатдан бир хил бўлган маълум хўжалик операциялари акс эттирилади. Демак, хўжалик операциялари бухгалтерия счётларида систематик ёзув олиб бориш йўли билан гуруҳлаштирилади. Бухгалтерия ҳисобида систематик ёзувдан ташқари хўжалик операциялари содир бўлиши билан унинг иқтисодий мазмунидан қатъий назар махсус журналда кетма-кет қайд қилинади ва уни бухгалтерия ҳисобида *«Рўйхатга олиш журнали»* деб юритилади. Хўжалик операцияларини уларнинг иқтисодий мазмунидан қатъий назар кетма-кет қайд қилинишига *хронологик ёзув* деб аталади.

Бухгалтерия ҳисобини соддалаштириш ва бир суммани бир неча марта ёзишни камайтириш мақсадида ҳозирги вақтда хронологик ва систематик ёзувларни хўжалик юритувчи субъектларида бирга қўшиб олиб бориш кенг амалга оширилмоқда. Бундай бирга қўшиб олиб бориш бухгалтерия ҳисоби айрим шаклларида, айниқса бухгалтерия ҳисоби шахсий компьютерларда махсус дастурлар асосида олиб борилганда кенг қўлланилади. Шунинг билан бирга кўпгина хўжалик юритувчи субъектларда хронологик ёзув журналда олиб борилмайди.

3. Синтетик ва аналитик ҳисоб ҳақида тушунча

Бухгалтерия ҳисобининг счётлар тизими усули ёрдамида хўжалик юритувчи субъектлар хўжалик маблағларининг ҳолати, шу маблағларнинг пайдо бўлиш манбалари, шунингдек, хўжалик маблағларининг хўжалик жараёнидаги ҳаракатлари узлуксиз умумлаштирилиб ҳисобга олиб борилади. Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, хўжалик операциялари счётларда умумлашган ҳолда пул кўрсаткичида акс эттирилади. Масалан, «Хом ашё ва материаллар» счётида хўжалик юритувчи субъектдаги жами хом ашё ва материалларнинг ҳаракати, «Асосий ишлаб чиқариш» счётида ҳамма харажатлар ва олинган маҳсулотларнинг ҳаракати, шунингдек, «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар» счётида хўжалик юритувчи субъектдаги ҳамма ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи юзасидан қилинадиган ҳисоб-китоблар ҳаракати ва ҳоказолар умумлаштирилиб акс эттирилганлиги аниқланди. Лекин хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағларини бут ҳолида сақланишини таъминлаш ва самарали фойдаланиш устидан назорат ўрнатиш учун уларнинг ҳар бир тури тўғрисида батафсил маълумотлар ҳам бўлиши зарурдир. Чунки «Асосий ишлаб чиқариш» счётида умуман сарфланган харажатлар ва олинган маҳсулотлар ҳақидаги маълумотлар билан бирга маълум бир вақтга харажатларнинг ҳар бир тури (масалан, иш ҳақи, материал, амортизация ва ҳоказолар), шу билан бирга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳар бири бўйича (масалан, машинасозлик заводида бўлса айрим турдаги станоклар, машиналар, ускуналар ва ҳоказоларнинг) харажатлар суммаси ва турлари бўйича тафсилот билан аниқланган кўрсаткичлар ҳам бўлиши керак. «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар» счётида хўжалик юритувчи субъектнинг маълум бир даврга ишчи ва хизматчилардан бўлган умумий қарз суммаси кўриниб туриши билан бирга ҳар бир ишчи ва хизматчининг қарз суммаси юзасидан қилинадиган ҳисоб-китоблар маълумоти ҳам бўлиши керак. Шунингдек, «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар» счётининг дебет ва кредит айланмаси умумий суммаси тўғрисидаги маълумот билан бирга ҳар бир ишчи ва хизматчига қанча сумма ҳисобланган ва шундан қанчаси берилганлиги тўғрисидаги маълумот ҳам зарурдир.

Шунга ўхшаш ҳамма счётларда ҳам умумий кўрсаткичлар билан бирга тафсилоти билан аниқланган кўрсаткичлар бўлиши за-

рурдир. Шунинг учун ҳам бухгалтерия ҳисобида объектлар бўйича ва айрим турлари бўйича маълумотларни ҳисобга оладиган счётлардан фойдаланишга зарурият туғилади. Шунга мос ҳолда икки хилдаги счёт, яъни синтетик ва аналитик счётлар бухгалтерия ҳисобида қўлланилади.

Хўжалик маблағлари ва улар манбаларининг ҳаракатини ҳисобга оладиган хўжалик операциялари ҳақида умумлашган маълумотларни фақат пул кўрсаткичида ҳисобга оладиган счётлар *синтетик (биринчи тартибли) счётлар* дейилади. Хўжалик маблағлари ва улар манбаларининг ҳаракатини ҳисобга оладиган хўжалик операциялари ҳақида тўла тавсифнома берадиган ва уларни аниқлаштирадиган пул, натура ва меҳнат ўлчови кўрсаткичларида ҳисобга оладиган счётлар эса *аналитик счётлар* деб аталади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари ҳамда ҳаракати тўғрисидаги хўжалик жараёнларини умумлаштирувчи кўрсаткичларни синтетик счётлар ёрдамида ҳисобга олиб боришга *синтетик ҳисоб* деб аталади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари ҳамда хўжалик жараёнларини тафсилоти билан аниқловчи кўрсаткичларда аналитик счётлар ёрдамида акс эттириш *аналитик ҳисоб* деб юритилади.

Синтетик счётларга «Машина ва ускуналар», «Транспорт воситалари», «Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау», «Қимматли қоғозлар», «Хом ашё ва материаллар», «Инвентар ва хўжалик жиҳозлари», «Асосий ишлаб чиқариш», «Омбордаги тайёр маҳсулотлар», «Омбордаги товарлар», «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар», «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар», «Депонентлаштирилган меҳнат ҳақи», «Алоҳида бўлинмаларга узоқ муддатли қарзлар», «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар», «Банкнинг узоқ муддатли кредитлари», «Оддий акциялар», «Имтиёзли акциялар», «Эмиссион даромад», «Захира капитали», «Келгусида қилинадиган харажатлар ва тўловларнинг захиралари» ва бошқа счётлар киради.

Аналитик счётларга эса бир синтетик счёт ичидаги маълумотларни (масалан, «Хом ашё ва материаллар» счёти бўйича прокат, труба, бўёқ ва ҳоказолар) акс эттирадиган счётлар киради.

Синтетик счётларда аналитик ҳисоб маълумотлари умумлаштирилади. Шунинг учун ҳам бир синтетик счётда бир неча аналитик счётлар бўлади. Агар синтетик счётлар хўжалик юритувчи субъект-

даги асосий воситалар барча турларининг умумий суммасини, ҳамма тайёр маҳсулотларнинг умумий суммасини ва ҳоказо маълумотларни кўрсатиб турса, аналитик счётлар хўжалик юритувчи субъектдаги асосий воситалар ҳар бир турининг қолдиғини, ҳаракатини, жойланишини, тайёр маҳсулот ҳар бир турининг қолдиғини ва ҳаракатини, ишчи ва хизматчиларнинг ҳар бирига хўжалик юритувчи субъектнинг қанча қарзи борлигини, ҳисобдор шахсларнинг ҳар бирининг хўжалик юритувчи субъектдан қарзини ва бошқаларни кўрсатиб туради. Демак, аналитик счётларнинг муҳим функцияларидан бири ва уларнинг зарурлиги синтетик счётлар бўйича тафсилот билан аниқланган маълумотларни зарур пайтда тегишли ўлчов бирликларида бериб туришдир.

Хўжалик юритувчи субъектлар хўжалик-молиявий фаолиятида аналитик счётларнинг роли бениҳоят каттадир. Чунки аналитик счётлар ёрдамида хўжалик юритувчи субъект хўжалик маблағларининг таркибини аниқлаш, бутлиги таъминлаш, бор маблағлардан самарали фойдаланиш таъминлаш, шунингдек, моддий жавобгар шахсларнинг тўғри ишлашини таъминлаш сингари масалалар бажарилади. Кўп ҳолларда аналитик счёт маълумотлари ёрдамида пул кўрсаткичларидаги маълумотлар билан биргаликда натура (хом ашё ва материаллар) ва меҳнат (иш ҳақи) ўлчовларида ҳам маълумотлар олинади. Хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбалари ва ҳисоб-китоблар бўйича аналитик счётларда натура ва меҳнат ўлчовларига зарурият бўлмаганлиги сабабли фақат пул ўлчовида юритилади.

Аналитик счётларнинг миқдори жуда кўп бўлганлиги сабабли улардаги маълумотларни тааллуқли иқтисодий белгиларига мувофиқ синтетик счётларда умумлаштириш зарурдир. Бундан ташқари, синтетик счёт маълумотлари ёрдамида хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш-молия фаолиятига баҳо бериб ва унинг устидан назорат ўрнатибгина қолмасдан, балки бутун халқ хўжалиги тармоқларининг иш фаолияти устидан назорат ўрнатиш имконияти ҳам яратилади.

Шундай қилиб, юқорида қайд қилинганлар синтетик ва аналитик счётлардаги маълумотларнинг бир-бирига тўғри келишини текшириш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Синтетик ва аналитик счётлар бир-бири билан мустаҳкам алоқада бўлибгина қолмасдан, бир-бирини доимо тўлдириб боради. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳаммасининг маълумотларидан бир вақтда ўзаро боғлиқ ҳолда фойда-

ланилса, хўжалик юритувчи субъектлар мулкининг бут сақланиши таъминланади ва жорий раҳбарлик учун зарур маълумотларнинг ўз вақтида олиниши осонлашади.

4. Айланма ведомостлар ва уларнинг аҳамияти

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш-молия фаолиятига хўжалик маблағлари ва уларнинг манбалари, шунингдек, хўжалик жараёнларининг жорий ўзгаришларини кўрсатиб турадиган ҳар бир счётнинг маълумотлари тўла тавсиф бера олмайди. Бухгалтерия ҳисобининг тўғри юритилаётганлигини текшириб туриш учун маълум бир даврга умумлашган маълумотлар бўлиши шартдир. Хўжаликдаги маблағлар турлари ва уларнинг манбаларини ҳаракати тўғрисидаги бундай маълумотлар ҳар ойнинг охирида умумлашган ҳолда счётлардан олиб турилади. Лекин ҳар бир счёт фақатгина битта объектни (маблағ ёки манбани) ҳисобга олади. Объектлар тўғрисида умумий маълумотлар олиш учун ҳамма счётларнинг маълумотларини умумлаштириш керак. Шу билан бирга, ҳисобот даври (ой) ичида хўжалик операциялари акс эттирилган бухгалтерия ёзувларининг тўғри ёки нотўғрилигини ҳам текшириш зарурдир. Бундан ташқари ҳамма счётларнинг умумлашган маълумотларига ва бухгалтерия ёзувларининг тўғрилигига ишонч хосил қилинмасдан бухгалтерия баланси ҳам тузиш мумкин эмас. Шунинг учун хам бухгалтерия ҳисобининг счётларидаги ёзувларнинг маълум даврга тўғрилигини текшириб туриш ва хўжаликнинг ишлаб чиқариш-молия фаолиятига тавсиф бериб туриш учун бухгалтерия ҳисобининг жорий маълумотларини даврлар бўйича умумлаштириш талаб қилинади. Бухгалтерия ҳисобининг жорий маълумотларини умумлаштириш учун айланма ведомост хизмат қилади.

Айланма ведомостлар деб бухгалтерия ҳисоби счётлари ёрдамида жорий даврда ҳисобга олинган маълумотларни маълум бир вақтга умумлаштириб кўрсатадиган жадвалга айтилади.

Айланма ведомостлар икки хил бўлади:

а) синтетик ҳисоб счётлари бўйича айланма ведомостлар;

б) аналитик ҳисоб счётлари бўйича айланма ведомостлар.

Синтетик ҳисоб счётлари бўйича айланма ведомостлар деб хўжалик маблағлари ва уларнинг манбаларини ўзгариш аҳволини билиш, маълум санага бухгалтерия баланси тузиш учун зарур маълумотларни олишга мўлжалланган айланмалар йиғиндиси ва ҳар бир

счётлар бўйича қолдиқлар пул кўрсаткичида аниқланилган махсус жадвалга айтилади.

Аналитик ҳисоб счётлари бўйича айланма ведомостлар деб маълум бир синтетик счёт бўйича хўжалик маблағлари ва уларнинг манбаларини ўзгариш аҳволини билиш, шу маълумотларни натура ва пул кўрсаткичларида ифодалайдиган махсус жадвалга айтилади.

Бухгалтерия ҳисоби маълумотларини синтетик счётларда умумлаштириш синтетик ҳисоб счётларига айланма ведомост тузиш билан уюштирилади. Бундай айланма ведомостда ҳар бир счётнинг номи ва рақами, ҳисобот даврининг бошидаги счётлар бўйича қолдиқ, ҳисобот даври мобайнидаги дебет ва кредит бўйича айланмалар ва ҳисобот даврининг охиридаги қолдиқ келтирилади. Синтетик счётлар бўйича айланма ведомостда фақат пул кўрсаткичларгина кўрсатилади. Синтетик счётлар бўйича ведомостдан хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик фаолияти билан танишиш ва уни иқтисодий таҳлил қилиш учун фойдаланиш мумкин. Тушунарли бўлиши учун юқорида келтирилган мисоллар (8-жадвал) асосида тузилган синтетик счётлар бўйича айланма ведомост келтирилган (9-жадвал кейинги бетда келтирилган).

Синтетик счётлар бўйича айланма ведомостга ҳисобот даври бошига қолдиқ ўтган даврдаги синтетик счётлар бўйича айланма ведомостнинг охирги қолдиғидан тўғридан-тўғри кўчириб олинади. Ҳисобот даври давомида бўлган айланмалар суммаси аналитик счётлар бўйича тузилган айланма ведомостга ведомостнинг жами олиб кўчирилади. Ҳисобот ойи охирига қолган қолдиқ: актив счётлар бўйича ойнинг бошидаги қолдиққа дебет бўйича айланма суммасини қўшиб кредит бўйича айланма суммасини айириб ташлаб топилади; пассив счётлар бўйича ойнинг бошидаги қолдиққа кредит бўйича айланма суммасини қўшиб дебет бўйича айланма суммасини айириб ташлаш йўли билан топилади.

Юқорида келтирилган айланма ведомостдаги учта жуфт умумий суммаларнинг тенглигини қуйидагича тушунтириш мумкин. Биринчи тенглик (3- ва 4-устунлар) ойнинг бошидаги балансннинг актив ва пассив қисмларидаги умумий сумманинг тенглигидан ҳамда хўжалик маблағлари ва хўжалик жараёни умумий суммасининг уларнинг ташкил топиш манбаларига тенг бўлишидан келиб чиқади. Иккинчи жуфт суммаларнинг тенглиги (5- ва 6-устунлар) хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисоби счётларида икки ёқлама ёзиш усулига асосан акс эттирилиши натижасида келиб чиқади.

9-жадвал

Синтетик ҳисоб счётлари бўйича айланма ведомост

Счёт-нинг рақами	Счётнинг номи	Ҳисобот даври бошига қолдиқ		Ҳисобот даври ичидаги айланма		Ҳисобот даври охирига қолдиқ	
		Дебет	Кредит	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит
0120	Бинолар, иншоотлар ва узаткич қурилмалар	7000000				7000000	
0130	Машина ва ускуналар	3000000				3000000	
0140	Мебел ва офис жиҳозлари	2000000				2000000	
0150	Компютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси	3000000				3000000	
0160	Транспорт воситалари	5000000				5000000	
0190	Бошқа асосий воситалар	500000				500000	
0220	Бинолар, иншоотлар ва узаткич қурилмаларининг эскириши		1380000				1380000
0230	Машина ва ускуналарнинг эскириши		1000000				1000000
0240	Мебел ва офис жиҳозларининг эскириши		520000				520000
0250	Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникасининг эскириши		1000000				1000000
0260	Транспорт воситаларининг эскириши		1000000				1000000
0290	Бошқа асосий воситаларнинг эскириши		500000				500000
0410	Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау	1500000				1500000	
0490	Бошқа номоддий активлар	700300				700300	
0210	Патентлар, лицензиялар ва ноу-хаунинг амортизацияси		800200				800200
0590	Бошқа номоддий активларнинг амортизацияси		250000				250000
0610	Қимматли қоғозлар	12500000				12500000	

Счёт-нинг рақами	Счётнинг номи	Ҳисобот даври бошига қолдиқ		Ҳисобот даври ичидаги айланма		Ҳисобот даври охирига қолдиқ	
0620	Шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар	3605000				3605000	
0630	Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар	2005000				200500	
0690	Бошқа узоқ муддатли инвестициялар	2800700				2800700	
0810	Тугалланмаган қурилиш	3500000				3500000	
0820	Асосий воситаларни сотиб олиш	2150000				2150000	
1010	Хом ашё ва материаллар	15500000		3670000	6720000	12450000	
1020	Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар, бутлаш маҳсулотлари	5000000				5000000	
1080	Инвентар ва хўжалик жиҳозлари	12000000				12000000	
1090	Бошқа материаллар	1000600				1000600	
2010	Асосий ишлаб чиқариш	560500		8620500	4000000	5181000	
2810	Омбордаги тайёр маҳсулотлар	2400000		4000000		6400000	
2820	Кўргазмадаги тайёр маҳсулотлар	500300				500300	
3110	Олдиндан олинган ижара ҳақи	200000				200000	
3120	Олдиндан тўланган хизматлар	150000				150000	
4120	Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счётлар	350500				350500	
4210	Меҳнатга ҳақ тўлашга доир берилган бўнаклар	400000				400000	
4220	Хизмат сафарларига берилган бўнаклар	100600		50500		151100	
4310	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга товар-моддий қийматлик учун берилган бўнаклар	2000000				2000000	
4710	Қарзга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзлари	250000				250000	
4860	Даъволар бўйича олинадиган счётлар	9300				9300	
4890	Бошқа дебитор қарзлар	10000				10000	
5010	Миллий валютадаги пул маблағлари	250		2250750	2201250	49750	
5110	Депозит ҳисобвараги	15250000		6550750	6020750	15780000	

Счёт-нинг рақами	Счётнинг номи	Ҳисобот даври бошига қолдиқ		Ҳисобот даври ичидаги айланма		Ҳисобот даври охирига қолдиқ	
5210	Мамлакат ичкарисидаги валюта ҳисобвараклари	10500600				10500600	
5890	Бошқа жорий инвестициялар	1525000					
6110	Алоҳида бўлинмаларга тўланадиган счётлар		180500				180500
6120	Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар		300000				300000
6310	Ҳаридорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар	550300				550300	
6510	Суғурта бўйича тўловлар		100600	100000			600
6520	Давлат мақсадли фондларига тўловлар		150000				150000
6610	Тўланадиган дивидендлар		100600				100600
6710	Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар		2150750	2150750	1900500		1900500
6720	Депонентлаштирилган меҳнат ҳақи		371700		50750		422450
6810	Банкнинг қисқа муддатли кредитлари		5000000		6500000		11500000
6820	Қисқа муддатли қарзлар		11000000				11000000
6970	Ҳисобдор шахсларга қарзлар		525000				525000
7010	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар		300500	3670000	3670000		300500
7310	Ҳаридорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар		188300				188300
7810	Банкнинг узоқ муддатли кредитлари		22000000				22000000
7820	Узоқ муддатли қарзлар		1500000				1500000
7930	Тўланадиган облигациялар		4000000				4000000
8310	Оддий активлар		27000000				27000000
8320	Имтиёзли акциялар		3000000				3000000
8410	Эмиссион даромад		25450000				25450000

Счёт-нинг рақами	Счётнинг номи	Ҳисобот даври бошига қолдиқ		Ҳисобот даври ичидаги айланма		Ҳисобот даври охирига қолдиқ	
8510	Мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича ўзгартиришлар		1000000				1000000
8520	Захира капитали		1500000				1500000
8530	Бепул олинган мол-мулк		500000				500000
8710	Ҳисобот даврининг тақсимланма-ган фойдаси (қопланмаган зарари)		1000000				1000000
8720	Йиғилган фойда (қопланмаган зарар)		1500000				1500000
8810	Грантлар		500000				500000
8820	Субсидиялар		600000				600000
8890	бошқа мақсадли тушумлар		100000				100000
8910	Келгусида қилинадиган харажатлар ва тўловларнинг захиралари		1050800				1050800
	Ҳ а м м а с и	**117518950**	**117518950**	**31063250**	**31063250**	**123719450**	**123719450**

Учинчи тенглик (7- ва 8-устунлар) эса биринчи ва иккинчи тенгликларнинг натижасидан иборатдир. Шу билан бирга, бу икки соннинг тенг келиши ҳисобот даври охирида қолган хўжалик маблағлари ва хўжалик жараёни суммалари уларнинг ташкил топиш манбаларининг суммасига тенг бўлишига асослангандир.

Шундай қилиб, биринчи жуфт тенгликни бошланғич баланс актив қисми билан пассив қисмининг тенглиги шарт қилиб қўяди. Иккинчи жуфт тенглик хўжалик операцияларини бухгалтерия счётларига икки ёқлама ёзиш усули билан акс эттирилганлиги билан шартланади. Бошланғич баланс актив ва пассивининг тенглиги ҳамда ой давомидаги хўжалик операцияларининг дебет бўйича айланма суммаси билан кредит бўйича айланма суммаларининг тенглиги учинчи жуфт тенгликни тақозо қилади.

Синтетик ҳисоб счётлари бўйича айланма ведомостлардан ташқари айрим синтетик счётлар бўйича очилган ва юритилган аналитик счётлар бўйича ҳам умумлашган маълумотлар олиб турилади. Аналитик ҳисоб счётлари бўйича бундай маълумотлар синтетик счётларда ҳисобга олинган маблағ ва манбаларнинг ҳар бир тури бўйича ҳисобот даврининг маълум санасига тўғри акс эттирилганлигини аниқлаш учун зарур. Шунинг учун ҳам аналитик ҳисоб счётлари бўйича айланма ведомостлар тузилиб, синтетик ҳисоб счётлари бўйича тузилган айланма ведомости билан таққосланади.

Аналитик ҳисоб счётлари бўйича айланма ведомостнинг ҳамма устунлари аналитик счётлардаги маълумотларга асосан тўлдирилади. Бошланғич қолдиқ тўғридан-тўғри аввалги ҳисобот даврининг охирига тузилган айланма ведомостдан ёки бўлмаса аналитик счёт карточкасидан олиниши мумкин.

Ҳисобот даври мобайнидаги айланма аналитик счётларда акс эттирилган хўжалик операцияларини жамлаш йўли билан топилади. Ҳисобот даври охирида қолган қолдиқ актив счётларнинг аналитик счётларида ҳисобот даври бошидаги қолдиққа ҳисобот даври мобайнидаги дебетли айланмани қўшиб кредит бўйича айланмани айириб ташлаш йўли билан топилади; пассив счётларнинг аналитик счётларида эса ҳисобот даври бошидаги қолдиққа ҳисобот даври мобайнидаги кредит бўйича айланмани қўшиб дебет бўйича айланмани айириб ташлаш йўли билан аниқланади.

Аналитик счётларнинг айланма ведомостлари хўжалик маблағларининг айрим турларини, уларнинг ташкил топиш манбаларининг ҳаракати устидан назорат олиб бориш имконини беради ва

мулкнинг бутлигини таъминлайди. Бундан ташқари, айланма ведомостлар синтетик ва аналитик счётлардаги ёзувларнинг тўғрилигини, ўзаро бир-бирига боғланганлигини солиштириб чиқиш ҳамда аналитик ҳисобнинг маълумотларини иқтисодий таҳлил қилиш ва хўжалик юритувчи субъект хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатиш учун фойдаланиш имконини беради.

Аналитик ҳисоб счётлари бўйича айланма ведомостларнинг ўзига хос хусусияти аналитик счётлар бўйича айланма ведомостларнинг қолдиғи ва айланмалари умумий суммасининг худди шу аналитик счётларни бирлаштирган синтетик счётларнинг қолдиғи ва айланма суммасига тенг келишидир. Синтетик счётлар билан аналитик счётлар ўртасида доимо алоқа сақланиб қолади. Бу нарса ёзувларни таққослаш имкониятини беради.

Айланма ведомостлардаги (синтетик ва аналитик) қолдиқлар ва айланмалар таққосланганда суммалари бир-бирига тўғри келмаса, у ҳолда ёзувларда ёки ҳисоблаганда хатоликка йўл қўйилган бўлади. Бу хатоликлар тезда тузатилиши шарт.

Синтетик ҳисоб счётлари бўйича айланма ведомостларнинг охирги икки (7- ва 8-) устунлари маълумотларига асосланиб бухгалтерия баланси тузилади. Чунки айланма ведомостнинг бу устунларидаги маълумотлар синтетик счётлардаги ҳисобот даврининг охирида қолган қолдиқни акс эттиради.

Синтетик ҳисоб счётлари бўйича айланма ведомостлардан ташқари амалиётда синтетик счётлар бўйича шахмат айланма ведомостлардан ҳам фойдаланилади. Уларнинг моҳияти шундаки, бу ведомостлар счётлардаги қолдиқлар ва айланмалар йиғиндисини кўрсатибгина қолмасдан, уларнинг мазмунини ва счётларнинг ўзаро боғланишини ҳам акс эттиради. Аммо шахмат айланма ведомостлар амалда кам қўлланилади. Чунки хўжалик юритувчи субъектдаги ҳар бир счёт бўйича шахмат айланма ведомостлар қўлланилса, у ҳолда ишлаш жуда ноқулай ва мураккаб бўлади. Шунга қарамасдан, бухгалтерия ҳисобида шахматли ёзиш асослари кенг қўлланилмоқда. Улар кўпроқ гуруҳловчи ведомостларда фойдаланилади. Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклини юритишда ҳам бу ёзувларнинг асосини кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам шахмат айланма ведомостларнинг асосларини кенгроқ назарий ўрганиш амалиётда ундан унумлироқ фойдаланиш имкониятларини яратади.

Савол ва топшириқлар

1. Бухгалтерия ҳисоби счётлари нима ва улар қандай мақсадларга қаратилган?

2. Бухгалтерия ҳисоби счётларининг тузилмасини изоҳланг: актив ва пассив счётларда дебет билан кредитнинг аҳамиятини тушунтириб беринг.

3. «Айланма» ва «Қолдиқ» нима, улар актив ва пассив счётларда қандай қилиб аниқланади?

4. Бухгалтерия баланси билан бухгалтерия счётлари ўртасидаги алоқани тушунтиринг.

5. Икки ёқлама ёзишнинг аҳамиятини тушунтириб беринг.

6. Тўрт хилдаги хўжалик операцияларини икки ёқлама ёзиш қоидаси билан тушунтириб беринг.

7. Счётлар корреспонденцияси нима?

8. Қандай бухгалтерия проводкалари бўлади?

9. Бухгалтерия ҳисоби счётларида хўжалик операцияларини тўғри ёзиш учун нимани билмоқ керак?

10. Қандай ҳисоб синтетик ва қандай ҳисоб аналитик деб аталади? Уларнинг аҳамиятини тушунтириб беринг.

11. Синтетик ва аналитик счётларнинг тузилиш хусусиятлари ва улар қандай мақсадларга мўлжалланган?

12. Аналитик ва синтетик счётлар ўртасида қандай алоқа бор? Уларнинг тўғрилигини ва бир-бирига мос келишини қандай қилиб текшириш мумкин?

13. Айланма ведомостлар нима? Уларнинг аҳамиятини айтиб беринг.

14. Айланма ведомостларнинг қандай турлари бор?

БЕШИНЧИ БОБ

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИНИ ТУРКУМЛАРГА АЖРАТИШ ВА СЧЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Бухгалтерия ҳисоби счётларини туркумларга ажратиш тўғрисида тушунча

Хўжалик юритувчи субъектларда ўз хўжалик фаолиятини амалга ошириш давомида хўжалик маблағларини ва уларнинг ташкил топиш манбаларини, хўжалик жараёни ва содир бўлаётган турли-туман хўжалик операцияларини акс эттириш учун бухгалтерия ҳисобининг бир қанча счётларидан фойдаланилади. Бу счётларда нималар ҳисобга олиниши, улар ёрдамида қандай умумлаштирувчи маълумотлар олиш мумкинлигини билиш шу счётлардан хўжалик юритувчи субъектлар тажрибасида тўғри фойдаланиш учун шарт-шароит яратиб беради. Қўлланилаётган бухгалтерия ҳисоби счётлари хўжалик маблағлари, уларнинг ташкил топиш манбалари ва хўжалик жараёнини гуруҳлашни таъминлаши лозим ва шундай қилиб, счётларда акс эттирилган ёзувлар ёрдамида хўжалик жараёнига амалий таъсир кўрсатиш ва хўжалик жараёни устидан назорат олиб бориш учун керакли маълумотлар умумлаштирилиши керак.

Бухгалтерия ҳисобининг барча счётлари хўжалик юритувчи субъектдаги хўжалик маблағлари ёки уларнинг ташкил топиш манбалари ёки хўжалик жараёнининг ҳисобини олиб боришга мўлжалланган бўлсада, уларнинг кўпчилигини умумий хусусиятларига қараб бир хил гуруҳларга йиғиш мумкин. Бунинг натижасида хўжалик операцияларининг ҳисобини юритиш учун керакли миқдордаги бухгалтерия ҳисоби счётларини намунали счётлар рўйхатидан ажратиб олишга эришилади. Бу ажратиб олинган счётлар рўйхати хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсатига илова қилиб қўйилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсати - бу хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот, уларнинг Ўзбекистон Республикасининг «Бух-

галтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларининг қоидалари ва асосларига мос усулларнинг қўлланилишидир. Бу сиёсатда хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботни тайёрлашда ва тузишда қандай принциплар ва концепцияларга амал қилиши кўрсатилади. Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсати тегишли буйруқ ёки бошқа маъмурий ҳужжат билан расмийлаштирилади ва у қабул қилингандан кейинги йилнинг 1 январидан бошлаб қўлланилади. Янги ташкил қилинган хўжалик юритувчи субъект давлат рўйхатидан ўтгандан кейин 90 кун ичида ўзининг ҳисоб юритиш сиёсатини ишлаб чиқиши ва ўрнатилган тартибда расмийлаштириши керак бўлади.

Бухгалтерия ҳисоби счётлари ўзларининг икки хусусиятларига кўра қуйидагича туркумларга ажратилади:

1) счётларнинг тайинланиши ва тузилишига қараб;

2) счётларнинг иқтисодий мазмунига қараб.

Бухгалтерия ҳисоби счётлари ***тайинланиши ва тузилишига*** *қараб* туркумларга ажратилганда бу счётларнинг нима учун хизмат қилиши, уларнинг дебет бўйича айланмаси билан кредит бўйича айланмаси ҳамда қолдиғининг қандай мазмунга эгалиги ҳисобга олинади. Бундай туркумларга ажратиш счётлардан хўжалик операцияларини ёзиш учун тўғри фойдаланиш, керакли кўрсаткичларни олиш учун қайси счётлардан фойдаланиш зарурлигини аниқлашга ёрдам беради. Счётларнинг тайинланиши ва тузилишига қараб гуруҳлаштиришни ўрганиш бухгалтерия счётларида хўжалик операцияларини икки ёқлама ёзиш усулини ўзлаштиришга катта ёрдам беради.

Бухгалтерия счётларини ***иқтисодий мазмунига қараб*** туркумларга ажратишда бу счётларда нималар ҳисобга олиниши эътиборга олинади. Бундай гуруҳлаш хўжалик маблағларини ва уларнинг ташкил топиш манбаларини ҳамда хўжалик жараёнининг мавжудлиги, ҳолати ва ҳаракатини тасвирлаш, маълумотлар олиш учун қайси счётлардан фойдаланиш зарурлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам бухгалтерия счётларининг рўйхати счётларнинг иқтисодий мазмунига қараб туркумларга ажратишга асосан ишлаб чиқилади. *Юқорида келтирилган бухгалтерия счётларининг икки хусусиятига қараб туркумларга ажратиш бухгалтерия ҳисоби назариясига доир ёзилган кўпчилик илмий ишларда ва дарсликларда ҳам келтирилади. Шу билан бирга, баъзи бир муаллифлар бухгалтерия счётларининг иккала хусусиятларини умумлаштириб счётларнинг тайинланиши ва тузи-*

лишининг хусусиятлари ҳамда уларнинг иқтисодий мазмунига қараб гуруҳланадиган ягона умумий туркумларга ажратишни ёқлаб чиқишади. Бундай фикрлар билан келишиш жуда қийин. Счётларнинг ҳар бир хусусиятига қараб гуруҳлаш алоҳида-алоҳида аҳамиятга эга ва уларнинг вазифалари бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Счётларни икки хусусиятига қараб туркумларга ажратиш уларнинг тайинланиши, тузилиши ва иқтисодий мазмунини тўла акс эттиради. Шундай бўлса ҳам, счётларнинг тайинланиши ва тузилишига қараб ҳамда иқтисодий мазмунига қараб туркумларга ажратишларнинг ўзига хос камчиликлари ҳам бор. Бундай туркумларга ажратишнинг асосий камчиликларидан бири унинг жуда ҳам мураккаблигидир. Шунинг учун ҳам счётларни икки хусусиятига қараб туркумларга ажратиш бухгалтерия ҳисоби назарияси бўйича мутахассисларнигина баҳраманд қилади, холос. Шунинг учун ҳам тегишли мутахассисларнинг бухгалтерия ҳисоби умумий назарияси бўйича счётларни туркумларга ажратишни соддалаштиришга қаратилган илмий ишлар олиб боришини тақозо қилади.

2. Бухгалтерия ҳисоби счётларини тайинланиши ва тузилишига кўра туркумларга ажратиш

Бухгалтерия ҳисоби счётлари ўзларининг тайинланиши ва тузилишига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1) асосий счётлар;
2) тартибга солувчи счётлар;
3) тақсимловчи счётлар;
4) калъкуляция счётлари;
5) таққословчи счётлар;
6) транзит счётлар;
7) балансдан ташқаридаги счётлар.

Асосий счётлар. Хўжалик юритувчи субъектлар ўз хўжалик фаолиятини олиб бориш учун маълум миқдорда хўжалик маблағларига эга бўлиши керак. Унинг учун бухгалтерия ҳисоби хўжалик фаолияти устидан назорат қилиш мақсадида счётлар ёрдамида хўжалик юритувчи субъект қандай маблағларга эга ва улар қандай манбалардан ташкил топганлиги ҳамда ҳисоб-китоб муносабатлари ҳақидаги маълумотлар билан таъминлаши керак. Бундай вазифани ***асосий счётлар*** деб юритиладиган счётлар гуруҳи бажаради. Асосий счётлар ўз навбатида хўжалик юритувчи субъектнинг ***меҳнат воси-***

талари, айланма маблағлари ва муомала муносабатларини ҳисобга олиш счётларига бўлинади. Бу счётларнинг дебетида хўжалик маблағларининг келиши акс эттирилса, кредитида эса хўжалик маблағларининг кетиши, агар муомала муносабатлари хусусида бўлса, счётларнинг кредитида хўжалик юритувчи субъект ҳақининг камайиши, дебетида эса хўжалик юритувчи субъект ҳақининг кўпайиши акс эттирилади.

Меҳнат воситаларининг ҳисоби «Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётларда олиб борилади. ***Айланма маблағларни*** ҳисобга олиш учун «Материалларни ҳисобга олувчи счётлар», «Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи счётлар», «Товарларни ҳисобга олувчи счётлар», «Пул маблағлари, қисқа муддатли инвестициялар ва бошқа айланма (жорий) активлар» бўлимига кирувчи счётлар ва бошқа счётлар хизмат қилади.

Муомала муносабатларининг ҳисоби «Олинадиган счётлар - жорий қисм» бўлимига кирувчи счётларда ва бошқа счётларда олиб борилади.

Асосий воситалар, айланма маблағлар ва муомала муносабатларини ҳисобга олиш учун хизмат қиладиган счётлар умуман актив счётлар бўлиб, уларнинг дебетида акс эттирилган хўжалик операциялари кўпайишни кўрсатса, кредитидаги ёзувлар эса камайишни кўрсатади. Бу счётларнинг тайинланиши ва тузилишини яққолроқ кўрсатиш учун «Материалларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётларни мисол қилиб олиш мумкин. Бу счётлар хўжалик юритувчи субъектнинг хом ашё, материаллар, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутлаш маҳсулотлари, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар, қурилиш материаллари, идиш ва идиш материаллари, четга қайта ишлашга берилган материаллар, инвентар ва хўжалик жиҳозлари ва бошқа материалларни ҳисобга олиш учун хизмат қилади. Ҳисобот даври бошида мавжуд бўлган тегишли қийматликлар суммаси бу счётларнинг дебетида бошланғич қолдиқ сифатида кўрсатилади. Материал қийматликларнинг хўжалик юритувчи субъект омборига келиши тегишли счётларнинг дебетида ва уларнинг кетиши эса уларнинг кредитида акс эттирилади. «Материалларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётларда ҳисобот даври охирида қоладиган қолдиқ одатда уларнинг дебет қисмида бўлиши керак. «Материалларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётлар тўғрисида юқорида қайд қилинганлар қолган ҳамма асосий актив счётларга ҳам тегишлидир.

Асосий счётларга хўжалик юритувчи субъектлар *хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбалари, ҳолати ва ҳаракатини ҳисобга оладиган счётлар* ҳам киради. Бу счётлар асосий пассив счётлар бўлиб, улар ўз навбатида *хўжалик юритувчи субъект ўз маблағларининг манбалари ва жалб қилинган ёки қарзга олинган маблағларнинг манбаларини* ҳисобга олиш учун хизмат қиладиган счётлар гуруҳига бўлинади. Хўжалик юритувчи субъектлар ўз маблағларининг манбаларини «Капитал, тақсимланмаган фойда ва захиралар» бўлимига кирувчи «Устав капиталини ҳисобга олувчи счётлар», «Қўшилган капитални ҳисобга олувчи счётлар», «Захира капиталини ҳисобга олувчи счётлар», «Пулини тўлаб қайтариб олинган ўз акцияларини ҳисобга олувчи счётлар», «Тақсимланмаган фойдани (қопланмаган зарарни) ҳисобга олувчи счётлар», «Мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи счётлар» ва «Келгусида қилинадиган харажатлар ва тўловларнинг захираларини ҳисобга олувчи счётлар» счётлар гуруҳларида ҳисобга олиб боради.

Хўжалик юритувчи субъектларга *жалб этилган ёки қарзга олинган маблағлар манбаларини* бухгалтерия ҳисоби счётлар рўйхатининг «Жорий мажбуриятлар» бўлимига ва «Узоқ муддатли мажбуриятлар» бўлимига кирувчи счетлар гуруҳини счётларида ҳисобга олади.

Хўжалик юритувчи субъект ўз маблағларининг манбалари ва жалб қилинган ёки қарзга олинган маблағларнинг манбаларини ҳисобга олиш учун хизмат қилувчи счётлар гуруҳларининг тайинланиши ва тузилиши тушунарли бўлиши учун мисол тариқасида «Устав капиталини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётларнинг нимага хизмат қилиши ва тузилиши билан батафсил танишиб чиқамиз.

Устав капитал қонун ва таъсис ҳужжатлари асосида ташкил қилинади. Устав капиталининг ҳажми хўжалик юритувчи субъектни таъсис этиш ҳужжатларида кўрсатилган бўлади.

Масалан, акцияли жамият шаклидаги хўжалик юритувчи субъектнинг устав капитали ҳажми жамият уставида қанча суммага акция чиқарилиши ва сотилиши кўзда тутилганлиги билан аниқланади. Агар давлат хўжалик юритувчи субъекти акцияли жамиятга айлантирилаётган бўлса, у ҳолда давлат хўжалик юритувчи субъекти мулкининг қийматига тенг акция чиқариб сотилади ва бу сумма акцияли жамиятнинг устав капиталининг ҳажми бўлиб ҳисобланади. Шуни айтиш керакки, акциянинг ўз қиймати билан уни сотиш қиймати ўртасида фарқ бўлиши мумкин. Бу фарқ суммалар эмис-

сия даромади сифатида алоҳида ҳисобга олинади ва у устав капиталининг ҳажмини ўзгартирмайди.

Акцияли жамият тузиш учун унинг устав капиталининг ҳажми таъсис этувчилар чиқарган акцияларнинг умумий қиймати Ўзбекистон Республикаси қонун ва меъёрий ҳужжатларида кўрсатилган суммадан кам бўлмаслиги керак.

Акцияли жамият тузиш ниятидаги юридик шахс ва фуқаролар аввало устав капиталининг ҳажмини аниқлайди ва шу суммага тенг бўлган акцияларни чиқаради.

Акциялар икки хил чиқарилиши мумкин:

1) номли акциялар, яъни акцияни сотиб олувчининг номи ёзиб қўйиб сотиладиган акциялар;

2) кўрсатувчининг акциялари, яъни бу акцияни ким кўрсатса, шунинг акцияси бўладиган акциялар.

Жисмоний шахсларгина фақат номли акцияларни сотиб олиши мумкин холос.

Акцияли жамият ўзининг низомига кўра чиқарган акцияларининг умумий суммасини 10 фоизгача бўлган қисмини имтиёзли акция сифатида чиқариб сотиши мумкин. Демак, акцияли жамият ўзиниг акцияларини оддий ва имтиёзли акциялар қилиб чиқариши мумкин.

Акциялар обуна эълон қилиб сотилиши ёки муайян акцияли жамият таъсис этувчилари ўртасида тарқатилиши мумкин. Одатда, акциялар ҳали акцияли жамият тузилмасидан олдин сотила бошланиши сабабли янги тузилаётган акцияли жамиятнинг акцияларини акция сотиб олаётган юридик шахс ва жисмоний шахслар муайян акцияли жамиятни таъсис этувчилар билан тузилган шартномага асосан сотиб олади. Муайян акцияли жамиятнинг акцияларига обуна бўлмоқчи бўлган юридик ва жисмоний шахслар, аввало, сотиб олмоқчи бўлган акциянинг қиймати 10 фоиздан кам бўлмаган қисмини акцияли жамиятни таъсис этувчиларнинг банкдаги вақтинча очилган счётига ўтказиши керак. Шундан кейингина акцияли жамиятни таъсис этувчилар юқоридаги юридик ёки жисмоний шахсга муайян акцияли жамиятнинг акциясини сотишга розилиги тўғрисидаги *ёзма мажбурият* беришади. Бу юридик ёки жисмоний шахс акцияга обуна бўлган деб қабул қилинади.

Агар акциялар обуна орқали сотилаётган бўлса, у ҳолда акцияли жамиятни таъсис этишга бағишланган муайян жамиятни таъсис этувчиларнинг умумий йиғилишини чақириш кунигача ҳар бир

обуначи ўзи олмоқчи бўлган акциянинг қийматини 30 фоиздан кам бўлмаган қисмини тўлаши шарт. Агар акциялар акцияли жамиятни таъсис этувчилар ўртасидагина бўлса, у ҳолда акцияли жамиятни тузишга муайян жамиятни таъсис этувчиларнинг умумий йиғилишини чақириш кунигача акцияли жамиятни тузишда қатнашувчи ҳар бир юридик ёки жисмоний шахс ўзи олмоқчи бўлган акция қийматининг энг камида 50 фоизини тўлаши шарт. Шундан кейин юқоридаги юридик ва жисмоний шахсларга акцияли жамиятни таъсис этувчилар *муайян жамиятнинг акциядори деган вақтинчалик гувоҳнома* беради.

Акцияли жамият тузишга бағишланган муайян жамиятни таъсис этувчиларнинг умумий йиғилиши (конференцияси) ўтказилади. Унда муайян акцияли жамиятнинг устави қабул қилинади ҳамма акциядорларнинг акциялар қийматини тўла тўлаб тугатиш муддати аниқланади ва акцияли жамиятнинг фаолиятини белгилайдиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилади.

Акциянинг қиймати тўла тўлангандан кейингина акциядорга акциянинг ўзи берилади. Агар акцияли жамиятнинг акциядори деган вақтинчалик гувоҳномаси бор юридик ёки жисмоний шахс ушбу жамиятни таъсис этувчиларнинг умумий йиғилиши ўрнатган муддат ичида акциянинг тўла кийматини тўлаб улгурмаса, у ҳолда муайян юридик ёки жисмоний шахс ўзи сотиб олмоқчи бўлган акциянинг ўз вақтида тўламаган қисмидан 10 фоиз миқдорида қўшимча сумма тўлайди ёки акцияли жамият юқоридаги юридик ёки жисмоний шахсга сотмоқчи бўлган акцияни аввалги жамиятнинг акциядори деган вақтинчалик гувоҳномаси бор юридик ёки жисмоний шахсдан сўрамасдан бошқа юридик ёки жисмоний шахсга сотиши мумкин.

Акция сотиб олувчи юридик ёки жисмоний шахс акциянинг қийматини сўм билан, чет эл валютаси билан, ўзининг мол-мулкини жамиятга мулк қилиб бериш билан, ўзининг мол-мулкини жамиятга маълум муддатга фойдаланишга бериш билан ёки бошқа номоддий активлар бериш билан тўлаши мумкин. Акциянинг қиймати қандай шаклда тўланишидан қатъий назар акциядорнинг қўйилмаси сўмда ҳисобланади.

Акциядор ўз мол-мулкини (иморат, иншоот, асбоб-ускуна ва бошқа моддий қийматликлар ҳамда қимматли қоғозлар) жамиятга мулк қилиб бериш билан акциянинг қийматини тўласа, у ҳолда бу мол-мулк кейинчалик ҳам акциядорга қайтариб берилмайди ва улар

муайян акцияли жамиятнинг мол-мулки бўлиб ҳисобланади. Жамиятга мулк қилиб берилаётган акциядорнинг мол-мулки қиймати акцияли жамиятни таъсис этувчиларнинг қарори билан аниқланади.

Акциядор ўз мол-мулкини муайян акцияли жамиятга фойдаланишга бериш билан акциянинг қийматини тўласа, у ҳолда бу мол-мулк келишилган фойдаланиш муддати тугагандан кейин унинг эгаси бўлган акциядорга қайтариб берилади. Фойдаланишга берилган мол-мулк учун келишилган муддат давомида тўланиши мўлжалланган ижара ҳақи ҳажми билан акциянинг қиймати тўланган деб ҳисобланади. Бу сумма ҳам муайян акцияли жамиятни таъсис этувчиларнинг қарори билан аниқланади.

Акциядор номоддий активлар (патентлар, лицензиялар ва ноу-хау; Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари; дастурий таъминот; ердан ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи; муаллифлик ҳуқуқи; бошқа номоддий активлар; гудвилл (фирма баҳоси) ва бошқалар) бериш билан ҳам акциянинг қийматини тўлаши мумкин. Бу номоддий активларнинг қиймати ҳам акцияли жамиятни таъсис этувчиларнинг қарори билан аниқланади.

Акциядорлар акцияли жамиятнинг олган фойдасидан ўзининг муайян акцияли жамиятнинг устав капиталига қўшган улушига қараб дивиденд олади.

Шундай қилиб, акцияли жамиятнинг мулки қуйидагилардан иборат бўлади:

1) жамият таъсис(қатнаш)чиларининг жамиятнинг устав капиталига қўшган мол-мулклари;

2) жамиятнинг хўжалик фаолияти натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва хизматлар;

3) жамиятнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари, бажарган ишлари ва хизматларини сотишдан, шунингдек жамият хўжалик фаолиятининг бошқа турларидан олинган даромадлар;

4) қимматли қоғозлардан олинган даромадлар;

5) жамият сотиб олган мол-мулк;

6) пул маблағлари, чет эл валюталари ва бошқалар.

Акцияли жамият ўз хўжалик фаолияти давомида сотиб олган мол-мулк ва номоддий активларнинг қийматлари уларни сотиб олиш, уларни ишлатишга тайёр ҳолатига келтириш билан боғлиқ бўлган ҳамма харажатлар суммаси билан аниқланади.

Акцияли жамиятнинг устав капиталига жамият таъсис(қатнаш) чилари ўз қўйилмаларини чет эл валюталарида ҳам қўйиши мум-

кин. Бизга маълумки, акцияли жамиятнинг устав капиталига қилинган қўйилмалар сўмда акс эттирилади. Шунинг учун чет эл валютларидаги муомалалар шу ҳисоб-китоб ҳужжатларини тўлдириш кунига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган курсга мувофиқ сўмда акс эттирилади. Акцияли жамиятнинг бухгалтерия балансида валюта ҳисоб вараги, чет эл валютасидаги бошқа пул маблағлари, қимматли қоғозлар, дебитор ва кредитор қарзлар ҳисобот ойидан кейинги ойнинг биринчи кунига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган курсга мувофиқ сўмга қайта ҳисобланган ҳолда кўрсатилади. Агар ҳисобот ойи ичида курс ўзгарган бўлса, у ҳолда валюта ҳисобвараги, чет эл валютасидаги бошқа пул маблағлари, қимматли қоғозлар, дебитор ва кредитор қарзларнинг ой бошидаги қолдиғи билан уларнинг ой охиридаги баҳоланиши ўртасидаги фарқ ***курс фарқи*** деб аталади ва у акцияли жамиятнинг «Устав капиталини шакллантиришда курснинг фарқи» счётида ҳисобга олинади.

Устав капиталининг ҳажмини хўжалик юритувчи субъект (акцияли жамият, масъулияти чекланган жамият, фирма) давлат рўйхатидан ўтгандан кейин ўрнатилган тартибда кўпайтириш ёки камайтириш учун хўжалик юритувчи субъектнинг таъсис этиш ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритилиши керак.

Шундай қилиб, асосий пассив счётларнинг кредитида ҳисобот даври бошида бўлган қолдиқ кўрсатилади. Унинг кредитида капиталнинг кўпайишига олиб келувчи хўжалик операциялари акс эттирилса, дебетида эса устав капиталининг камайишига сабаб бўладиган хўжалик операциялари акс эттирилади. Ҳисобот даври охирида қолган қолдиқ асосий пассив счётларнинг фақат кредитида бўлади.

«Қисқа муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи «Банкнинг кисқа муддатли кредитлари» счётида хўжалик юритувчи субъектнинг банкдан олган қисқа муддатли кредитлари ҳисобга олинади. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан маълум мақсадлар учун вақтинча фойдаланишга банкдан қисқа муддатли кредитлар олиниши мумкин. Хўжалик юритувчи субъект томонидан банкдан олинган қисқа муддатли кредитлар юзасидан ҳисобот даврининг бошида қолган қарзлари «Банкнинг қисқа муддатли кредитлари» счётининг кредитида кўрсатилади. Банкдан қисқа муддатли кредитлар олинса, шу номдаги счётнинг кредитига ёзилади, агар банкнинг қисқа муддатли кредити қайтарилса, у ҳолда «Банкнинг қисқа муддатли кредитлари» счётининг

дебетида акс эттирилади. Ҳисобот даврининг охирида қолган қолдиқ хўжалик юритувчи субъект томонидан банкдан олинган қисқа муддатли кредитлар юзасидан бўлган қарзни кўрсатади ва «Банкнинг қисқа муддатли кредитлари» счётининг кредитида акс эттирилади. Шундай қилиб, бу счётларда тегишли қолдиқ уларнинг фақат кредит қисмида бўлади.

Тартибга солувчи счётлар. Маълумки, асосий счётларда хўжалик маблағлари, уларнинг ташкил топиш манбалари ва ҳисоб-китоб муносабатлари акс эттирилиб, улар тегишли хусусиятларига қараб гуруҳлаштирилади. Бу счётларда акс эттирилган маблағлар ва уларнинг ташкил топиш манбаларига тегишли маълумотларни баъзи бир қўшимча маълумотлар ёрдамида аниқлаш зарурияти туғилиб қолади. Масалан, асосий воситалар қабул қилингандан бошлаб то фойдаланишга яроқсиз деб топилиб, ҳисобдан чиқарилгунга қадар «Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи асосий актив счётларда бошланғич (қайта тиклаш) қийматда ҳисобга олиниб борилади. Асосий воситалар фойдаланиш жараёнида эскиради ва уларнинг бу эскирган қисми ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига амортизация ажратмаси сифатида қўшилади. Хўжалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ва уни бошқариш учун «Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётлар маълумотларини асосий воситаларнинг эскириши тўғрисидаги қўшимча маълумотлар билан тўлдириш керак бўлади. Бундай маълумотлар билан бухгалтерия ҳисоби таъминлайди.

Бу вазифани хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режасининг тартибга солувчи деб номланган бир гуруҳ счётлар ёрдамида амалга оширади.

Тартибга солувчи счётлар бошқа бухгалтерия счётларида акс эттирилган кўрсаткичларни тартибга солиш учун хизмат қилади. Бу счётлар гуруҳидан фойдаланиш ҳисобда тўла ва аниқ маълумотлар олиш заруриятидан келиб чиққан бўлиб, ҳисоб объектларини бухгалтерия счётларида икки баҳода акс эттириш имкониятини яратиб беради.

Тартибга солувчи счётлар икки гуруҳга: ***контрар счётлар ва тўлдирувчи счётлар***га бўлинади.

Контрар счётлар брутто балансда тартибга солинувчи счётларнинг қарама-қарши томонида кўрсатилади. Тартибга солувчи счётларнинг тузилиши ва вазифасига қараб контрар счётлар ҳам икки гуруҳга: ***контр-актив счётлар*** ва ***контр-пассив счётлар***га бўлинади.

Контр-актив счётлар балансининг актив қисмида алоҳида моддалар сифатида кўрсатилиб, унинг актив қисмида акс эттирилган хўжалик маблағларининг суммасини тартибга солади. *Контр-актив счётлар*га «Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига, «Номоддий активларнинг амортизациясини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига ва «Даргумон қарзлар бўйича захираларни ҳисобга олувчи қарзлар» гуруҳига кирувчи счётлар киради. Бу биринчи гуруҳга кирувчи счётлар асосий воситалар ҳамда иккинчи гуруҳга кирувчи счётлар номоддий активлар дастлабки (баланс) қийматларининг қанча қисми амортизация ажратмаси сифатида харажатларга қўшилган ёки агарда қўшилмаган бўлса ҳам, ишлаб чиқариш фаолиятининг турига ва амортизация ҳисоблаш тартибига қараб, асосий воситалар ҳамда номоддий активлар ўз қийматларининг қанчасини йўқотганлиги тўғрисидаги маълумот билан таъминлайди.

Контр-пассив счётлар балансининг пассив қисмида алоҳида моддалар сифатида кўрсатилиб, балансининг пассивида акс эттирилган маълум счётларнинг қолдиқларини тартибга солади. Контр-пассив счётларга мисол қилиб «Пулини тўлаб қайтариб олинган ўз акцияларини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётларни олиш мумкин. Бу счётлар «Устав капиталини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи «Оддий акциялар» счётига ва «Имтиёзли акциялар» счётига контр-пассив счётлар бўлиб ҳисобланади.

Контр-актив ва контр-пассив счётларнинг маълумотлари маълум асосий счётларнинг қолдиқларидан айириб ташланиши керак бўлган маълумот бўлиб, тартибга солиниши зарур бўлган асосий счётларнинг ҳақиқий қолдиғини топиш учун хизмат қилади.

Тўлдирувчи счётлар. Бу счётлар маълум хўжалик операцияларини алоҳида-алоҳида ҳисобга олиб, кейинчалик асосий счётлардаги маълумотларга қўшиш учун хизмат қилади. Тартибга солиниши керак бўлган счётлардаги маълумотлар балансининг қайси қисмида кўрсатилса, тўлдирувчи счётларнинг маълумотлари ҳам балансининг ана шу қисмида акс эттирилади. Бухгалтерия ҳисобнинг счётлар рўйхатида махсус тўлдирувчи «Материаллар қийматидаги фарқларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётлар берилган, Масалан, «Материаллар қийматидаги фарқлар» счётида моддий қийматликларнинг сотиб олиш (тайёрлаш) ҳақиқий таннархи билан ҳисобга олиш нархларидаги қиймати ўртасидаги фарқ суммалар ҳисобга олинади. Сотиб олинган моддий қийматликларнинг сотиб

олиш (тайёрлаш) ҳақиқий таннархидаги қиймати ва бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш нархларидаги қиймати ўртасидаги фарқлар «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» счётидан «Матариаллар қийматидаги фарқлар» счётига ўтказилади. Бу фарқлар дебет ёки кредитли бўлиши мумкин. Бу фарқ суммалар тегишли харажатларни ҳисобга олувчи счётларга сарфланган материалларнинг ҳисоб нархлари суммаларига мутаносиб равишда ўтказилади.

Тақсимловчи счётлар. Бу счётлар хўжалик юритувчи субъектнинг баъзи бир харажатларини ҳисобга олиш ва уларни калькуляция объектлари ёки ҳисобот даврлари ўртасида тўғри тақсимлаш мақсадида қўлланилади. Тақсимловчи счётлар ўз навбатида ***йиғиб тақсимловчи*** ва ***ҳисобот даврлари ўртасида тақсимловчи*** счётларга бўлинади.

Йиғиб тақсимловчи счётлар. Бу счётлар маълум хўжалик жараёнидаги харажатларни бир ой давомида ҳисобга олиш, харажатларни иқтисодий мазмунига қараб гуруҳлаштириш ва уларни калькуляция объектлари ўртасида олдиндан хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсатида қабул қилинган бирор базисга нисбатан мутаносиб равишда тақсимлаш учун хизмат қилади. Йиғиб тақсимловчи счётларга «Умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётлар киради. Бу актив счётларнинг дебетида акс эттирилган хўжалик операцияларининг умумий суммаси ҳар ойнинг охирида тамомила тақсимланиб юборилганлиги сабабли бу счётларда ойнинг охирида ва бошида қолдиқ бўлмайди ва шунинг учун улар бухгалтерия балансида алоҳида моддалар сифатида акс эттирилмайди. Бу счётларда гуруҳлаштирилган харажатлар билвосита харажатлар туркумига кириб, ойнинг охирида бир неча хўжалик тармоқлари ва калькуляция объектлари ўртасида тақсимланиши керак ва унда шу хил харажатларга доир ҳисобот даври бошланмасдан аввал тузилган сметанинг қандай бажарилаётгани устидан назорат олиб бориш учун зарур маълумотлар бўлади.

Йиғиб тақсимловчи счётларнинг тайинланиши ва тузилишини батафсил тушунтириш мақсадида «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счётида хўжалик операцияларини акс эттириш ва унда ҳисобга олинган харажатларни тақсимлаш тартибини мисол сифатида келтириш мумкин. Бу счёт актив счёт бўлиб, унинг дебетига умумишлаб чиқариш харажатлари, кредитига бу харажатларнинг хўжалик тармоқлари ва калькуляция объектлари ўртасидаги хўжалик юри-

тувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсатида қабул қилинган маълум базисга мутаносиб равишда тақсимланиши акс эттирилади.

«Умумишлаб чиқариш харажатлари» счётининг дебетида ой давомида акс эттирилган харажатлар ойнинг охирида тақсимланиб юборилиши сабабли бу счётда ойнинг охирида ва бошида қолдиқ қолмайди. Бинобарин, бухгалтерия балансида ҳам умумишлаб чиқариш харажатлари деган модда йўқ. Фараз қилайлик, ҳисобот ойи ичида умумишлаб чиқаришга қуйидаги харажатлар қилинган.

Биринчи операция. Хўжалик юритувчи субъект омборидан лимит картасига биноан машиналар ва ускуналарни мойлаш учун 350000 сўмлик мойлаш материаллари чиқарилди ва улар харажат қилинди. Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти
Кредит «Ёқилғи» счёти. } 350000 сўм

Иккинчи операция. Нарядга асосан ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатишда банд бўлган ишлаб чиқариш ходимларига 800000 сўм меҳнат ҳақи ҳисобланади. Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти
Кредит «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар» счёти. } 800000 сўм

Учинчи операция. Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатишда банд бўлган ишлаб чиқариш ходимларига ҳисобланган меҳнат ҳақи суммасига нисбатан 264000 сўм ягона ижтимоий тўлов бўйича пенсия фондига ажратма ҳисобланди. Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти
Кредит «Суғурта бўйича тўловлар» счёти. } 264000 сўм

Тўртинчи операция. Ҳисобот ойи давомида электр тармоқлари ташкилотининг берган ҳисоб-фактурасига кўра машина ва ускуналардан фойдаланиш жараёнида 150000 сўмлик электр энергияси истеъмол қилинди. Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти } 150000 сўм
Кредит «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти.

Бешинчи операция. Ҳисобот ойи давомида машиналар ва ускуналарни жорий тузатиш учун хўжалик юритувчи субъектнинг тузатиш цехи 250000 сўм харажат қилди. Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти } 250000 сўм
Кредит «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти.

Олтинчи операция. Машиналар ва ускуналарнинг баланс қийматига нисбатан тегишли меъёрлар асосида 300500 сўм эскириш суммаси ҳисобланиб амортизация ажратмаси тариқасида харажатларга қўшилди. Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти } 300500 сўм
Кредит «Машиналар ва ускуналарнинг эскириши» счёти.

Еттинчи операция. Махсус ҳисоб-китоблар йўли билан хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш сиёсатида қабул қилинган базисга мутаносиб равишда ойнинг охирида йиғилган умумишлаб чиқариш харажатлари қуйидаги тартибда тақсимланган:

Асосий ишлаб чиқаришга - 1844500 сўм;
Ёрдамчи ишлаб чиқаришга - 300000 сўм.

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Асосий ишлаб чиқариш» счёти	1844500 сўм;
Дебет «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти	300000 сўм;
Кредит «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти	2144500 сўм.

Бу хўжалик операцияларини бухгалтерия счётларида акс эттириш 10-жадвалда келтирилган (жадвал кейинги бетда берилган).

Ҳисобот даврлари ўртасида тақсимловчи счётлар маълум хўжалик жараёнида қилинган харажатларни ҳисобга олиш ва келгуси ойлар ёки йиллар ичида бу харажатларни тенг суммаларда тақсим-

лаш йўли билан ишлаб чиқариш харажатларига ва бошқа харажатларга қўшиш учун хизмат қилади. Ҳисобот даврлар ўртасида тақсимловчи счётларга «Келгуси давр харажатлари ва муддати кечиктирилган харажат-жорий қисм» бўлимига кирувчи «Келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётларни мисол қилиш мумкин. Бу счётларда даврий матбуот нашрлари учун йиллик обунага олдиндан тўланган сумма ҳамда кейинги даврлар учун ижара ҳақини бериш ва бошқа шу каби харажатлар ҳисобга олиб борилади.

Юқорида келтирилган харажатлар фақат келгусида тегишли харажатларга қўшилади. Келгуси давр харажатлари белгиланган муддат давомида тенг равишда ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби юритиш сиёсатида қабул қилинган бирор базисга нисбатан мутаносиб равишда тегишли харажатларга қўшилади. Фараз қилайлик, хўжалик юритувчи субъект, ўтган ҳисобот йилининг охирида янги ҳисобот йили ҳисобидан газета ва журналлар учун тегишли ташкилотга хўжалик юритувчи субъектнинг банкдаги депозит ҳисобварағидан 300000 сўм пул ўтказган. Янги ҳисобот йили давомида бу харажатлар ҳар ойда тегишли харажатларга 25000 сўмдан (300000:12 =25000) қўшиб борилади. «Келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётлар актив счёт бўлиб, уларнинг дебетида қилинган харажатлар, кредитида эса шу харажатларни тегишли харажатлар гуруҳига қўшиш даври келганда уларнинг тақсимланиш (қўшилиши) акс эттирилади. Бу счётларнинг фақат дебет қисмидагина қолдиқ бўлиши мумкин ва у келгуси даврлар давомида тегишли харажатларга қўшилиши керак бўлган харажатлар ҳисобланади.

Калькуляция счётлари. Бу счётлар ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажариб топширилган иш ва қилган хизматларнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш мақсадида ишлаб чиқаришга қилинган харажатларни умумлаштириш учун хизмат қилади. Бу счётларнинг дебетида ишлаб чиқаришга, ишларни ҳамда хизматларни бажаришга қилинган турли-туман харажатлар ёзиб борилса, уларнинг кредитида эса ишлаб чиқаришдан олинган маҳсулотлар, бажариб топширилган ишлар ва хизматларнинг ҳақиқий таннархи, ишлаб чиқаришда фойдаланилмай қолган моддий қийматликларнинг омборга қайтариб олиниши ва бошқалар акс эттирилади. Ҳисобот даврининг охирига қоладиган қолдиқ калькуляция счётларининг фақат дебетида бўлади. Бу қолдиқ бухгалтерия балансида тугаллан-

10-жадвал

«Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти

Д-т К-т

«Ёқилғи» счёти

Д-т	К-т
Бк 850000	
	1) 350000
	1) 350000

«Ходимларга меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар» счёти

Д-т	К-т
	Бк 0
	2) 800000
	2) 800000

«Суғурта бўйича тўловлар» счёти

Д-т	К-т
	Бк 0
	3) 264000
	3) 264000

«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти

Д-т	К-т
	Бк 0
	4) 150000
	4) 150000

«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти

Д-т	К-т
Бк 400000	
	5) 250000
	5) 250000

«Асосий ишлаб чиқариш» счёти

Д-т	К-т
Бк 5180500	
7) 1844500	
7) 1844500	

«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти

Д-т	К-т
Бк 500000	
7) 300000	
7) 300000	

«Машиналар ва ускуналарнинг эскириши» счёти			
Д-т	К-т		
	Бк 1070000		
	6) 300500	6) 300500	
	Дайл 2144500		Кайл 2144500
	Ок 0		

маган ишлаб чиқариш сифатида кўрсатилади. Калъкуляция счётлари «Асосий ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига ва «Ёрдамчи ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётларни ўз ичига олади.

Калъкуляция счётларининг тайинланиши ва тузилишини чуқурроқ тушунтириш учун «Асосий ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи «Асосий ишлаб чиқариш» счётида хўжалик операцияларини акс эттириш батафсил кўриб чиқилади.

Фараз қилайлик, ҳисобот ойининг бошида тугалланмаган ишлаб чиқариш суммаси 1400000 сўм бўлиб, ҳисобот ойи ичида қуйидаги хўжалик операциялари амалга оширилди.

Биринчи операция. Хўжалик юритувчи субъект омборидан асосий ишлаб чиқаришга 500000 сўмлик хом ашё ва материаллар чиқарилди ва харажат қилинди.

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилди:

Дебет «Асосий ишлаб чиқариш» счёти
Кредит «Хом ашё ва материаллар» счёти. } 500000 сўм

Иккинчи операция. Асосий ишлаб чиқаришда ишловчи ишчиларга нарядга асосан 700000 сўм меҳнат ҳақи ҳисобланди.

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилди:

Дебет «Асосий ишлаб чиқариш» счёти
Кредит «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар» счёти. } 700000 сўм

Учинчи операция. Асосий ишлаб чиқаришда ишловчи ишчиларга ҳисобланган иш ҳақи суммасига нисбатан пенсия фондига 231000 сўм ягона ижтимоий тўлов ҳисобланди.

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилди:

Дебет «Асосий ишлаб чиқариш» счёти
Кредит «Суғурта бўйича тўловлар» счёти. } 231000 сўм

Тўртинчи операция. Ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлинмаларининг асосий ишлаб чиқаришга кўрсатган 200000 сўмлик хизматлари қабул қилиб олинди ва асосий ишлаб чиқариш харажатларига қўшилди.

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилди:

Дебет «Асосий ишлаб чиқариш» счёти
Кредит «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти. } 200500 сўм

Бешинчи операция. Умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш ведомостига асосан 150000 сўмлик умумишлаб чиқариш харажатлари асосий ишлаб чиқариш харажатларига қўшилди.

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилди:

Дебет «Асосий ишлаб чиқариш» счёти
Кредит «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти. } 150000 сўм

Олтинчи операция. Асосий ишлаб чиқаришда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи 2500000 сўм, тайёр маҳсулотлар хўжалик юритувчи субъект тайёр маҳсулотлар омборига қабул қилиб олинди.

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилди:

Дебет «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счёти
Кредит «Асосий ишлаб чиқариш» счёти. } 2500000 сўм

Юқорида келтирилган мисолдан кўриниб турибдики (11-жадвал), калъкуляция счётларининг дебет қисмида ҳамма қилинган харажатлар акс эттирилиб, кредитида эса ишлаб чиқариб омборга топширилган тайёр маҳсулотлар, бажариб топширилган ишлар ва

11-жадвал

«Асосий ишлаб чиқариш» счёти

Д-т	К-т
Бк 1400000	

«Хом ашё ва материаллар» счёти

Д-т	К-т
Бк 9500000	
	1) 500000
	1) 500000

«Ходимларга меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар» счёти

Д-т	К-т
	Бк 0
	2) 700000
	2) 700000

«Суғурта бўйича тўловлар» счёти

Д-т	К-т
	Бк 0
	3) 231000
	3) 231000

«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти

Д-т	К-т
Бк 600000	
	4) 200500
	4) 200500

«Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти

Д-т	К-т
	Бк 200000
	5) 150000
	5) 150000

«Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счёти

Д-т	К-т
Бк 1000000	
6) 2500000	
6) 2500000	

Дайл 1781500	Кайл 2500000
Ок **681500**	

хизматларнинг ҳақиқий таннархи кўрсатилади. Калькуляция счётидаги ой бошида қолган қолдиқ суммасига шу счётнинг дебетидаги айланма суммасини қўшиб, кредитидаги айланма суммасини айириб ташлаш йўли билан ойнинг охирига қолган қолдиқ сумма аниқланади. Келтирилган мисолда, тугалланмаган ишлаб чиқариш 1400000 сўмга асосий ишлаб чиқариш счётининг дебетида акс эттирилган 1781500 сўмдан иборат дебет бўйича айланма суммасини қўшиб шу счётнинг кредитида акс эттирилган 2500000 сўмдан иборат кредит бўйича айланма суммасини айириб ташлаш йўли билан топилади. Бу қолдиқ инвентаризация маълумотлари билан исботланган бўлиши керак.

Таққословчи счётлар. Бу счётлар муайян жараённи характерловчи иккита ҳар хил кўрсаткичларни таққослаш учун хизмат қилади. Таққословчи счётларга «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» счёти, «Ишлаб чиқаришдаги яроқсизлик» счёти ва бошқа счётлар киради. Таққословчи счётларнинг тайинланиши ва тузилишини «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» счёти мисолида батафсил тушунтириш мумкин.

Фараз қилайлик, хўжалик юритувчи субъектда қуйидаги хўжалик операциялари амалга оширилган.

Биринчи операция. Мол етказиб берувчилардан хом ашё ва материаллар сотиб олиб келинди. Уларнинг сотиб олиш қиймати 1600000 сўм. Хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш сиёсатига кўра олиб келинган хом ашё ва материаллар ҳисобга олиш нархида 1400000 сўмни ташкил қилади.

Бу хўжалик операцияларига қуйидаги бухгалтерия проводкалари тузилади:

1) Дебет «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» счёти Кредит «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти;	1600000 сўм
2) Дебет «Хом ашё ва материаллар» счёти Кредит «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» счёти.	1400000 сўм

Кредит «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» счёти.

Иккинчи операция. Мол етказиб берувчилардан сотиб олинган хом ашё ва материалларни мол етказиб берувчининг омборидан

мазкур хўжалик юритувчи субъектнинг омборигача ташиб келтириб берган ташкилотнинг счет-фактурасига мувофиқ хом ашё ва материалларни ташиб келтириб бериш харажатлари суммаси 150000 сўмни ташкил қилади.

Дебет «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» счёти
Кредит «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти. } 150000 сўм

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Учинчи операция. Сотиб олиб келтирилган хом ашё ва материалларнинг ҳақиқий сотиб олиш суммаси ва уларни келтириш билан боғлиқ харажатлар суммаси йиғиндиси, яъни сотиб олиб келтирилган хом ашё ва материалларнинг ҳақиқий таннархи билан уларни ҳисобга олиш нархларидаги фарқ 350000 сўм «Материаллар қийматидаги фарқлар» счётига ўтказилди.

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Материаллар қийматидаги фарқлар» счёти
Кредит «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» счёти. } 350000 сўм

Транзит счётлар. Транзит счётлар ҳисобот даври давомида даромад ва харажатларни ҳисобга олиш учун ишлатиладиган вақтинчалик счётлар бўлиб ҳисобланади. Бу счётлар бўйича ҳисобот даврининг охирига қолдиқ қолмайди. Бухгалтерия ҳисоби счётлар рўйхатининг бешинчи «Молиявий натижаларни шакллантириш ва ишлатиш» номли қисмида келтирилган «Даромадлар ва харажатлар» бўлимига кирувчи счётлар транзит счётлар бўлиб ҳисобланади.

Бу бўлимда «Асосий (операцион) фаолиятдан олинадиган даромадларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига, «Сотилган маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларнинг таннархини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига, «Асосий воситалар ва бошқа активларнинг ҳисобдан чиқишини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига, «Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига, «Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига, «Молиявий фаолиятдан келадиган даромадларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига, «Молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига, «Фавқулодда фойда(зарар)ларни ҳисобга олувчи счётлар»

гуруҳига, «Солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи счётлар» ва «Якуний молиявий натижани ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётлар бор.

Бу бўлим счётлари хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисобот йилидаги фаолияти молиявий натижаларини шакллантириш ва молиявий натижалардан фойдаланишга доир маълумотлар билан таъминлайди. Молиявий натижаларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш «Маҳсулот(иш, хизмат)ларни ишлаб чиқиш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида»ги қоидаларда, Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг «Асосий хўжалик фаолиятида даромадлар» стандартида, «Молиявий натижалар ҳақида ҳисобот» стандартида ва «Товар-моддий захиралар» стандартида ўрнатилган тартиблар асосида амалга оширилади.

«Асосий (операцион) фаолиятдан олинадиган даромадларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига, «Сотилган маҳсулот(товар,иш, хизмат)ларнинг таннархини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига, «Асосий воситалар ва бошқа активларнинг ҳисобдан чиқишини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига, «Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига, «Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига, «Молиявий фаолиятдан келадиган даромадларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига, «Молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига, «Фавқулодда фойда(зарар)ларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига ва «Солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётларда йиғилган суммалар ҳисобот даври охирида «Якуний молиявий натижа» счётига ўтказилади. «Якуний молиявий натижа» счётида йиғилган ҳисобот даврининг соф даромади (зарари) эса ўз навбатида ҳисобот йилининг охирида «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счётига ўтказилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, «Даромадлар ва харажатлар» бўлимига кирувчи счётлар, одатда, ҳисобот даврининг охирида беркитилади ва уларда ҳеч қандай қолдиқ қолмайди.

Балансдан ташқаридаги счётлар. Хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида уларга тегишли бўлмаган мол-мулк бўлиши мумкин. Бундай мол-мулклар ушбу хўжалик юритувчи субъектларнинг балансида акс эттирилмайди, чунки улар қайси хўжалик юритувчи субъектнинг мулки бўлса, ўша хўжалик юритувчи субъектнинг балансида

акс эттирилган бўлади. Шунинг учун ҳам бундай мол-мулк вақтинча ўз ихтиёрида сақлаб турган хўжалик юритувчи субъект балансининг ташқарисида кўрсатилади. Шунинг учун ҳам хўжалик юритувчи субъектнинг вақтинча ихтиёрида турган мол-мулкни ҳисобга олиш учун бухгалтерия ҳисобида ***балансдан ташқаридаги счётлар*** қўлланилади. Балансдан ташқаридаги счётларда ёзувлар бир ёқлама акс эттирилади. Бу счётлар бошқа ҳеч қандай счётлар билан алоқа қилмайди. Балансдан ташқаридаги счётларнинг бир гуруҳи фақат кредитли қолдиққа эга бўлиши мумкин. Балансдан ташқаридаги счётларда қисқа муддатли ижара бўйича олинган асосий воситалар, маъсул сақлашга қабул қилинган товар-материал қийматликлар, қайта ишлашга қабул қилинган материаллар, комиссияга қабул қилинган товарлар, монтаж қилиш учун олинган ускуналар, қатъий ҳисоботда турувчи бланкалар ва бошқалар ҳисобга олинади.

3. Бухгалтерия ҳисоби счётларини иқтисодий мазмунига кўра туркумлаш

Бухгалтерия ҳисоби счётларини иқтисодий мазмунига қараб туркумларга ажратишнинг заминида бухгалтерия ҳисоби объектларининг хўжалик маблағларига, маблағларнинг манбаига ва хўжалик жараёнига бўлиниши ва бу счётларда нималар ҳисобга олиниши ётади. Агар бухгалтерия ҳисобида қўлланилаётган счётлар иқтисодий мазмунига қараб гуруҳлаштирилса, улар икки гуруҳга, яъни *хўжалик маблағлари ва хўжалик жараёнини ҳисобга олувчи счётлар ҳамда хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбаларини ҳисобга олувчи* счётларга бўлинади.

Биринчи гуруҳдаги бухгалтерия счётлари ўз навбатида икки гуруҳга бўлинади:

1) хўжалик маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

2) хўжалик жараёнини ҳисобга олувчи счётлар.

Хўжалик маблағларини ҳисобга олувчи счётлардан хўжалик маблағларининг ҳолати ва ҳаракатини акс эттириш ва улар устидан назорат олиб бориш учун фойдаланилади. Бу счётларда хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш фаолияти, ишлаб чиқаришда бўладиган истеъмол, хўжалик фаолияти натижасида олинган фойда суммасининг тақсимоти, хўжалик фаолиятидаги муомала муносабатлари ва ишлаб чиқаришга тегишли бўлмаган истеъмоллар ҳисобга олинади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш фаолияти ва унда бўладиган истеъмол жараёнида бухгалтерия ҳисобининг объектлари бўлиб асосий воситалар, ишлаб чиқариш захиралари ва ишлаб чиқариш жараёни ҳисобланади. Бу жараёнда хўжалик юритувчи субъектнинг асосий воситалари, мавжуд ишлаб чиқариш захиралари ва уларнинг ҳаракати, ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар ва ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи тўғрисидаги маълумотлар олинади. Шундай муҳим маълумотлар счётлар рўйхатининг «Асосий воситалар, номоддий ва бошқа узоқ муддатли активлар» ва «Товар-моддий захиралар» бўлимларига кирган счётлар гуруҳи ёрдамида олинади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг мавжуд пул маблағлари ва уларнинг ҳаракати, қисқа муддатли молиявий қўйилмалар, йўлдаги пуллар ва бошқалар ҳақида умумлаштирувчи маълумотлар «Пул маблағлари, қисқа муддатли инвестициялар ва бошқа айланма (жорий) активлар» бўлимига кирувчи гуруҳлар счётлар ёрдамида олинади.

Саноат хўжалик юритувчи субъектларининг асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришдан ташқари саноатга тегишли бўлмаган ишлаб чиқариш ва хўжаликлари ҳам бўлади. Бу ишлаб чиқариш ва хўжаликлар асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришлар каби ишлаб чиқариш захираларини истеъмол қилади ва асосий фондлардан фойдаланади.

Хизмат қилувчи ишлаб чиқариш ва хўжаликлар томонидан қилинадиган истеъмол ***ишлаб чиқаришга тегишли бўлмаган истеъмол*** деб юритилиб, у счётлар рўйхатидаги «Хизмат кўрсатувчи хўжаликларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётларда акс эттирилади. Худди шу счётларда уй-жой, коммунал хўжаликларни юритишга қилинган харажатлар ҳам ҳисобга олинади ва бажарилган ишларнинг таннархи аниқланади.

Хўжалик маблағлари ташкил топиш манбаларини ҳисобга олувчи счётларда хўжалик юритувчи субъект маблағларининг манбалари, хўжалик юритувчи субъект айланишга жалб қилинган маблағларнинг манбалари ва хўжалик юритувчи субъект хўжалик фаолиятининг молиявий натижалари акс эттирилади.

Хўжалик юритувчи субъект ўз маблағларининг манбалари бўлиб оддий акциялар, имтиёзли акциялар, пай ва бадаллар, эмиссион даромадлар, захира капитали, бепул олинган мол-мулк қиймати, тақсимланмаган фойда, мақсадли тушумлар, келгусида қилинадиган харажатлар ва тўловларнинг захиралари ҳисобланади. Бу маблағ манбалари ҳақидаги умумлаштирувчи маълумотлар счётлар

рўйхатининг «Капитал, тақсимланмаган фойда ва захиралар» бўлимига кирувчи счётлар гуруҳи ёрдамида олинади.

Хўжалик юритувчи субъект айланишига жалб қилинган маблағларнинг манбаларини акс эттириш учун мўлжалланган счётлар бухгалтерия счётлар рўйхатининг «Жорий мажбуриятлар» ва «Узоқ муддатли мажбуриятлар» бўлимларига киритилган. Бу счётлар ёрдамида хўжалик юритувчи субъектнинг мол етказиб берувчилар ва пудратчилардан қисқа муддатли ва узоқ муддатли қарзлари, ўзининг алоҳида бўлинмаларига, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан қисқа муддатли ва узоқ муддатли қарзлари, субъект олган бўнаклар, бюджетга тўловлар бўйича қарзлари, субъектнинг суғурта ва давлат мақсадли фондларига тўловлар бўйича қарзлари, субъектнинг ўзининг таъсисчиларига ҳамда ходимлари билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир қарзлари, банкдан олинган қисқа муддатли ва узоқ муддатли кредитлари, турли қисқа муддатли ва узоқ муддатли қарзлар ва бошқа қарзлар бўйича умумлаштирувчи маълумотлар олинади.

Юқоридагиларга кўра, бухгалтерия ҳисоби счётларини иқтисодий мазмунига қараб туркумларга ажраттанда счётларда ҳисобга олинадиган объектлар иқтисодий мазмунининг бирлиги асос қилинади деб айтиш мумкин. Шунинг учун ҳам иқтисодий мазмунига қараб бир гуруҳда келтирилган счётларнинг тайинланиши ва тузилиши ҳар хил бўлиши мумкин.

4. Бухгалтерия ҳисобининг счётлар рўйхати

Бухгалтерия ҳисобининг счётлари ёрдамида керакли барча умумлаштирувчи маълумотлар олиниши мумкин. У иқтисодий жиҳатдан маълум хусусиятларига қараб содир бўлган хўжалик операцияларини мунтазам равишда умумлаштиради, хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик фаолияти устидан кузатиш ва назорат олиб бориш учун зарур маълумотлар билан таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни асосида 21-сонли «Хўжалик юритувчи субъектлар молия хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»си номли Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти ишлаб чиқилган. Бу бухгалтерия ҳисоби миллий стандартида берилган «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси» қуйида келтирилади.

Счётлар рақами	Счётларнинг номи

I қисм
Узоқ муддатли активлар

I бўлим
Асосий воситалар, номоддий ва бошқа узоқ муддатли активлар

0100 Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар

0110 Ер
0111 Ерни ободонлаштириш
0112 Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни мақбул тарзда ўзлаштириш
0120 Бинолар, иншоотлар ва узаткич қурилмалари
0130 Машина ва ускуналар
0140 Мебел ва офис жиҳозлари
0150 Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси
0160 Транспорт воситалари
0170 Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар
0180 Кўп йиллик экинлар
0190 Бошқа асосий воситалар
0199 Консервация қилинган асосий воситалар

0200 Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар

0211 Ободонлаштирилган ерларнинг эскириши
0212 Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни мақбул тарзда ўзлаштирилган асосий воситаларнинг эскириши
0220 Бинолар, иншоотлар ва узаткич қурилмаларининг эскириши
0230 Машина ва ускуналарнинг эскириши
0240 Мебел ва офис жиҳозларининг эскириши
0250 Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникасининг эскириши
0260 Транспорт воситаларининг эскириши
0270 Ишчи ҳайвонларнинг эскириши
0280 Кўп йиллик экинларнинг эскириши
0290 Бошқа асосий воситаларнинг эскириши
0299 Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши

0300 Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар

0310 Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар

0400 Номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар

0410 Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау
0420 Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари
0430 Дастурий таъминот
0440 Ердан ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи
0450 Ташкилий харажатлар
0460 Франчайз
0470 Муаллифлик ҳуқуқи
0480 Гудвилл
0490 Бошқа номоддий активлар

0500 Номоддий активларнинг амортизациясини ҳисобга олувчи счётлар

0510 Патентлар, лицензиялар ва ноу-хаунинг амортизацияси
0520 Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналарининг амортизацияси
0530 Дастурий таъминотнинг амортизацияси
0540 Ердан ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқининг амортизацияси
0550 Ташкилий харажатларнинг амортизацияси
0560 Франчайзнинг амортизацияси
0570 Муаллифлик ҳуқуқининг амортизацияси
0590 Бошқа номоддий активларнинг амортизацияси

0600 Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар

0610 Қимматли қоғозлар
0620 Шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар
0630 Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар
0640 Чет эл капитали қатнашган хўжалик юритувчи субъектларга инвестициялар
0690 Бошқа узоқ муддатли инвестициялар

0700 Ўрнатиладиган ускуналарни ҳисобга олувчи счётлар

0710 Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ўрнатиладиган ускуналар
0720 Чет элда ишлаб чиқарилган ўрнатиладиган ускуналар

0800 Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар

0810 Тугалланмаган қурилиш
0820 Асосий воситаларни сотиб олиш
0830 Номоддий активларни сотиб олиш
0840 Асосий подани шакллантириш
0850 Ерни ободонлаштириш учун капитал қўйилмалар
0860 Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар
0890 Бошқа капитал қўйилмалар

0900 Узоқ муддатли дебитор қарзлар ва муддати кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи счётлар

0910 Олинган векселлар
0920 Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар
0930 Ходимларнинг узоқ муддатли қарзлари
0940 Бошқа узоқ муддатли дебитор қарзлар
0950 Вақтлар бўйича фарқи билан муддати кечиктирилган даромад (фойда) солиғи
0960 Дисконт(чегирма)лар бўйича муддати кечиктирилган узоқ муддатли харажатлар
0990 Бошқа муддати кечиктирилган узоқ муддатли харажатлар

II қисм
Айланма (жорий) активлар

2 бўлим
Товар-моддий захиралар

1000 Материалларни ҳисобга олувчи счётлар
1010 Хом ашё ва материаллар
1020 Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутлаш маҳсулотлари
1030 Ёқилғи
1040 Эҳтиёт қисмлар
1050 Қурилиш материаллари
1060 Идиш ва идиш материаллари
1070 Четга қайта ишлашга берилган материаллар
1080 Инвентар ва хўжалик жиҳозлари
1090 Бошқа материаллар
1100 Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олувчи счётлар
1110 Ўстиришдаги ҳайвонлар
1120 Боқувдаги ҳайвонлар
1200
1300
1400
1500 Материалларни тайёрлаш ва сотиб олишни ҳисобга олувчи счётлар
1510 Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш
1600 Материаллар қийматидаги фарқларни ҳисобга олувчи счётлар
1610 Материаллар қийматидаги фарқлар
1700
1800
1900
2000 Асосий ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар
2010 Асосий ишлаб чиқариш
2100 Ўз ишлаб чиқаришнинг ярим тайёр маҳсулотларини ҳисобга олувчи счётлар

2110 Ўз ишлаб чиқаришининг ярим тайёр маҳсулотлари

2200

2300 Ёрдамчи ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар

2310 Ёрдамчи ишлаб чиқариш

2400

2500 Умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётлар

2510 Умумишлаб чиқариш харажатлари

2600 Ишлаб чиқаришдаги яроқсизликни ҳисобга олувчи счётлар

2610 Ишлаб чиқаришдаги яроқсизлик

2700 Хизмат кўрсатувчи хўжаликларни ҳисобга олувчи счётлар

2710 Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар

2800 Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи счётлар

2810 Омбордаги тайёр маҳсулотлар

2820 Кўргазмадаги тайёр маҳсулотлар

2830 Комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар

2900 Товарларни ҳисобга олувчи счётлар

2910 Омбордаги товарлар

2920 Чакана савдодаги товарлар

2930 Кўргазмадаги товарлар

2940 Ижарага бериладиган буюмлар

2950 Товар билан банд ва бўш идишлар

2960 Комиссияга берилган товарлар

2970 Йўлдаги товарлар

2980 Савдо устамаси

2990 Бошқа товарлар

3 бўлим
Келгуси давр харажатлари ва муддати кечиктирилган харажатлар - Жорий қисм

3000

3100 Келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар

3110 Олдиндан олинган ижара

3120 Олдиндан тўланган хизматлар

3130 Бошқа олдиндан тўланган харажатлар

3200 Муддати кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи счётлар

3210 Вақтлар бўйича фарқи билан муддати кечиктирилган даромад (фойда) солиғи

3220 Дисконт(чегирма)лар бўйича муддати кечиктирилган узоқ муддатли харажатлар

3290 Бошқа муддати кечиктирилган харажатлар

3300

3400

3500
3600
3700
3800
3900

4 бўлим
Олинадиган счётлар -Жорий қисм

4000 Олинадиган счётлар

4010 Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар

4020 Олинган векселлар

4100 Алоҳида бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счётлар

4110 Алоҳида бўлинмалардан олинадиган счётлар

4120 Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счётлар

4200 Ходимларга берилган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар

4210 Меҳнатга ҳақ тўлашга доир берилган бўнаклар

4220 Хизмат сафарларига берилган бўнаклар

4230 Умумхўжалик харажатларига берилган бўнаклар

4290 Ходимларга берилган бошқа бўнаклар

4300 Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар

4310 Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга товар-моддий қийматлик учун берилган бўнаклар

4320 Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга узоқ муддатли активлар учун берилган бўнаклар

4330 Бошқа берилган бўнаклар

4400 Бюджетга бўнакли тўловларни ҳисобга олувчи счётлар

4410 Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича (турлари бўйича) бўнакли тўловлар

4500 Давлат мақсадли фондларига ва суғурта бўйича бўнакли тўловларни ҳисобга олувчи счётлар

4510 Суғурта бўйича бўнакли тўловлар

4520 Давлат мақсадли фондларига бўнакли тўловлар

4600 Таъсисчиларнинг устав капиталига бадаллари бўйича қарзларини ҳисобга олувчи счётлар

4610 Таъсисчиларнинг устав капиталига бадаллари бўйича қарзлари

4700 Бошқа операциялар бўйича ходимларнинг қарзларини ҳисобга олувчи счётлар

4710 Қарзга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзлари

4720 Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзлари

4730 Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари

4790 Ходимларнинг бошқа қарзлари

4800 Турли дебиторлик қарзларни ҳисобга олувчи счётлар

4810 Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар

4820 Қисқа муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар

4830 Олинадиган фоизлар

4840 Олинадиган дивидендлар

4850 Олинадиган роялти

4860 Даъволар бўйича олинадиган счётлар

4890 Бошқа дебитор қарзлар

4900 Даргумон қарзлар бўйича захираларни ҳисобга олувчи счётлар

4910 Даргумон қарзлар бўйича захиралар

5 бўлим

Пул маблағлари, қисқа муддатли инвестициялар ва бошқа айланма (жорий) активлар

5000 Кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар

5010 Миллий валютадаги пул маблағлари

5020 Чет эл валютасидаги пул маблағлари

5100 Депозит ҳисобварағидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар

5110 Депозит ҳисобварағи

5200 Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар

5210 Мамлакат ичкарисидаги валюта ҳисобварақлари

5220 Чет элдаги валюта ҳисобварақлари

5300

5400

5500 Банкдаги махсус депозит ҳисобвақларидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар

5510 Аккредитивлар

5520 Чек китобчалари

5530 Бошқа махсус ҳисобварақлар

5600 Пул эквивалентларини ҳисобга олувчи счётлар

5610 Пул эквивалентлари (турлари бўйича)

5700 Йўлдаги (ўтказилган) пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар

5710 Йўлдаги (ўтказилган) пул маблағлари

5800 Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар

5810 Қимматли қоғозлар

5830 Берилган қисқа муддатли қарзлар

5890 Бошқа жорий инвестициялар

5900 Камомад ва қийматликларнинг бузилишидан кўрилган йўқотишлар ва бошқа жорий активларни ҳисобга олувчи счётлар

5910 Камомад ва қийматликларнинг бузилишидан кўрилган йўқотишлар

5920 Бошқа жорий активлар

III қисм
Мажбуриятлар

6 бўлим
Жорий мажбуриятлар

6000 Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётларни ҳисобга олувчи счётлар

6010 Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар

6020 Берилган векселлар

6100 Алоҳида бўлинмаларга, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётларни ҳисобга олувчи счётлар

6110 Алоҳида бўлинмаларга тўланадиган счётлар

6120 Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар

6200 Муддати кечиктирилган мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар

6210 Дисконт (чегирма) кўринишидаги тушиш муддати узайтирилган даромадлар

6220 Мукофот кўринишидаги тушиш муддати узайтирилган даромадлар

6230 Бошқа тушиш муддати узайтирилган даромадлар

6240 Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича тўлаш муддати узайтирилган мажбуриятлар

6250 Вақтлар бўйича фарқи билан тўлаш муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи бўйича мажбуриятлар

6290 Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар

6300 Олинган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар

6310 Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар

6320 Акциялар обуналаридан олинган бўнаклар

6390 Олинган бошқа бўнаклар

6400 Бюджет тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар

6410 Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (тўлов турлари бўйича)

6500 Суғурта ва давлат мақсадли фондларига тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар

6510 Суғурта бўйича тўловлар

6520 Давлат мақсадли фондларига тўловлар

6600 Таъсисчиларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар

6610 Тўланадиган дивидендлар

6620 Чиқиб кетган таъсисчиларга уларнинг улушлари бўйича қарзлар

6700 Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китобларни ҳисобга олувчи счётлар

6710 Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар

6720 Депонентлаштирилган меҳнат ҳақи

6800 Қисқа муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи счётлар

6810 Банкнинг қисқа муддатли кредитлари
6820 Қисқа муддатли қарзлар
6830 Тўланадиган облигациялар
6840 Тўланадиган векселлар

6900 Турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар

6910 Тўланадиган қисқа муддатли ижара
6920 Ҳисобланган фоизлар
6930 Роялти бўйича қарзлар
6940 Кафолатлар бўйича қазлар
6950 Узоқ мудатли мажбуриятлар-жорий қисм
6960 Даъволар бўйича тўланадиган счётлар
6970 Ҳисобдор шахсларга қарзлар
6990 Бошқа мажбуриятлар

7 бўлим
Узоқ муддатли мажбуриятлар

7000 Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар

7010 Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар
7020 Берилган векселлар

7100 Алоҳида бўлинмаларга шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига бўлган узоқ муддатли қарзлар

7110 Алоҳида бўлинмаларга бўлган узоқ муддатли қарзлар
7120 Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига бўлган узоқ муддатли қарзлар

7200 Муддати кечиктирилган узоқ муддатли мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар

7210 Дисконт (чегирма) кўринишидаги тушиш муддати кечиктирилган узоқ муддати даромадлар
7220 Мукофот (устама) кўринишидаги тушиш муддати кечиктирилган узоқ муддатли даромадлар
7230 Бошқа тушиш кечиктирилган узоқ муддатли даромадлар
7240 Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича тўлаш муддати кечиктирилган узоқ муддатли мажбуриятлар
7250 Вақтлар бўйича фарқи билан даромад (фойда) соғлиги бўйича муддати кечиктирилган узоқ муддатли мажбуриятлар
7290 Бошқа муддати кечиктирилган узоқ муддатли мажбуриятлар

7300 Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар

7310 Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар

7400

7500

7600
7700
7800 Узоқ муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи счётлар
7810 Банкнинг узоқ муддатли кредитлари
7820 Узоқ муддатли қарзлар
7830 Тўланадиган облигациялар
7840 Тўланадиган векселлар
7900 Турли кредиторларга бўлган узоқ муддатли қарзларни ҳисобга олувчи счётлар
7910 Тўланадиган узоқ муддатли ижара
7920 Турли кредиторларга бўлган бошқа узоқ муддатли қарзлар

IV қисм
Ўз капитали

8 бўлим
Капитал тақсимланмаган фойда ва захиралар

8000
8100
8200
8300 Устав капиталини ҳисобга олувчи счётлар
8310 Оддий акциялар
8320 Имтиёзли акциялар
8330 Пай ва бадаллар
8400 Қўшилган капитални ҳисобга олувчи счётлар
8410 Эмиссион даромад
8420 Устав капиталини шакллантиришда курснинг фарқи
8500 Захира капиталини ҳисобга олувчи счётлар
8510 Мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича ўзгартиришлар
8520 Захира капитали
8530 Бепул олинган мол-мулк
8600 Пулни тўлаб қайтариб олинган ўз акцияларини ҳисобга олувчи счётлар
8610 Пулини тўлаб қайтариб олинган ўзининг оддий акциялари
8620 Пулини тўлаб қайтариб олинган ўзининг имтиёзли акциялари
8700 Тақсимланмаган фойдани (қопланган зарарни) ҳисобга олувчи счётлар
8710 Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)
8720 Йиғилган фойда (қопланмаган зарар)
8800 Мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи счётлар
8810 Грантлар
8820 Субсидиялар
8830 Аъзолик бадаллари

8840 Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари
8890 Бошқа мақсадли тушумлар

8900 Келгусида қилинадиган харажатлар ва тўловларнинг захираларни ҳисобга олувчи счётлар

8910 Келгусида қилинадиган харажатлар ва тўловларнинг захиралари

V қисм
Молиявий натижаларни шакллантириш ва ишлатиш

9 бўлим
Даромадлар ва харажатлар

9000 Асосий (операцион) фаолиятдан олинадиган даромадларни ҳисобга олувчи счётлар

9010 Тайёр маҳсулотлар сотишдан олинган даромадлар
9020 Товарларни сотишдан олинган даромадлар
9030 Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар
9040 Сотилган товарларни қайтарилиши
9050 Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар

9100 Сотилган маҳсулотларнинг (товарларнинг, ишларнинг, хизматларнинг) таннархини ҳисобга олувчи счётлар

9110 Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи
9120 Сотилган товарларнинг таннархи
9130 Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи
9140 Даврий ҳисобда товар моддий захираларни сотиб олиш (харид қилиш)
9150 Даврий ҳисобда товар моддий захиралар бўйича қилинган ўзгартиришлар

9200 Асосий воситалар ва бошқа активларнинг ҳисобдан чиқишини ҳисобга олувчи счётлар

9210 Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқиши
9220 Бошқа активларнинг ҳисобдан чиқиши

9300 Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларни ҳисобга олувчи счётлар

9310 Асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришдан олинган фойда
9320 Бошқа активларни ҳисобдан чиқаришдан олинган фойда
9330 Ундирилган пеня, жарима ва неустойкалар
9340 Ўтган йиллар фойдалари
9350 Қисқа муддатли ижарадан олинган даромадлар
9360 Кредиторлик ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар
9370 Хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг даромадлари
9380 Беғараз молиявий ёрдам
9390 Бошқа операцион даромадлар

9400 Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар
9410 Сотишга доир харажатлар
9420 Маъмурий харажатлар
9430 Бошқа операцион харажатлар
9440 Ҳисобот даврининг келгусида солиқ олинадиган базадан чиқариб ташланадиган харажатлари

9500 Молиявий фаолиятдан келадиган даромадларни ҳисобга олувчи счётлар
9510 Роялти кўринишидаги даромадлар
9520 Дивидендлар кўринишидаги даромадлар
9530 Фоизлар кўринишидаги даромадлар
9540 Валюта курсларидаги фарқдан олинган даромадлар
9550 Узоқ муддатли ижарадан олинган даромадлар
9560 Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар
9590 Молиявий фаолиятдан келган бошқа даромадлар

9600 Молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счётлар
9610 Фоизлар кўринишидаги харжатлар
9620 Валюта курсларидаги фарқдан кўриладиган зарарлар
9630 Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар
9690 Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар

9700 Фавқулодда фойда(зарар)ларни ҳисобга олувчи счётлар
9710 Фавқулодда фойдалар
9720 Фавқулодда зарарлар

9800 Солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи счётлар
9810 Даромад(фойда)лардан олинадиган солиқ бўйича харажатлар
9820 Фойдадан тўланадиган бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича харажатлар

9900 Якуний молиявий натижани ҳисобга олувчи счётлар
9910 Якуний молиявий натижа

VI қисм
Балансдан ташқаридаги счётлар

001 Қисқа муддатли ижара бўйича олинган асосий воситалар
002 Масъул сақлашга қабул қилинган товар-материал қийматликлар
003 Қайта ишлашга қабул қилинган материаллар
004 Комиссияга қабул қилинган товарлар
005 Монтаж қилиш учун олинган ускуналар
006 Қатъий ҳисоботда турувчи бланкалар
007 Зарарга ўтказилган тўлашга қобилятсиз дебитор қарзлар
008 Олинган мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш
009 Берилган мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш

010 Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича топширилган асосий воситалар
011 Ссуда шартномаси бўйича олинган мол-мулк
012 Кейинги даврнинг солиқ солинадиган базасидан чиқариладиган харажатлар
013 Вақтинча солиқ имтиёзлари (солиқ турлари бўйича)
014 Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари

Хўжалик юритувчи субъектлар молия хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси қуйидаги қисмлардан иборат:

1) Узоқ муддатли активлар;
2) Айланма (жорий) активлар;
3) Мажбуриятлар;
4) Ўз капитали;
5) Молиявий натижаларни шакллантириш ва ишлатиш;
6) Балансдан ташқаридаги счётлар.

Хўжалик юритувчи субъектлар молия хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режасининг «Узоқ муддатли активлар» қисмига кирувчи «Асосий воситалар, номоддий ва бошқа узоқ муддатли активлар» бўлимига хўжалик юритувчи субъектга тегишли асосий воситаларнинг ва номоддий активларнинг мавжудлиги, ҳаракати ва эскириши; Ўзбекистон Республикасида ва хорижда ишлаб чиқарилган ўрнатиладиган ускуналар мавжудлиги ва ҳаракати; қилинган узоқ муддатли инвестициялар мавжудлиги ва ҳаракати; капитал қўйилмаларни мавжудлиги ва харакати; узоқ муддатли дебиторлик қарзлар ва муддати кечиктирилган харажатларни мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўжалланган счётлар киритилган.

Хўжалик юритувчи субъектлар молия хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режасининг «Айланма (жорий) активлар» қисмига «Товар-моддий захиралар», «Келгуси давр харажатлари ва муддати кечиктирилган харажатлар-жорий қисм)», «Олинадиган счётлар-жорий қисм» ва «Пул маблағлари, қисқа муддатли инвестициялар ва бошқа айланма (жорий) активлар» деган бўлимлар киради. Бу қисмга кирувчи «Товар-моддий захиралар» бўлимидаги счётлар ёрдамида материаллар; ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар; тайёр маҳсулотлар ва товарлар; ўз ишлаб чиқаришининг ярим тайёр маҳсулотлар; асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш; умумишлаб чиқариш харажатлари ва ишлаб чиқаришдаги яроқсизликларнинг таркиби, ҳолати, ҳаракати, миқдори, бутлиги, сотиб олиниши, қайта

баҳоланиши тўғрисидаги умумлаштирувчи маълумотлар олинади. Бу қисмга кирувчи «Олинадиган счётлар - жорий қисм» бўлимида харидорлар ва буюртмачилар, олинган векселлар, юридик ва жисмоний шахсларга берилган бўнаклар ва дебитор қарзлар бўйича олинадиган счётлар ҳамда алоҳида балансга ажратилган бўлинмалардан, ходимлар, таъсисчилар ва турли дебитор қарзлар бўйича олинадиган счётларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган счётлар бўлади. Бу счётларда операциялар, шу жумладан, валюта операциялари ҳам Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси сўм ва тийинда ҳисобга олиб борилади. Бу счётларда чет эл валютасидаги операцияларнинг ҳисобпул ҳужжатларида тузилган санага амалдаги курс бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида қайта ҳисоблаш йўли билан ҳисобга олинади. Хўжалик юритувчи субъектлар молия хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режасининг «Айланма (жорий) активлар» қисмига кирувчи «Пул маблағлари, қисқа муддатли инвестициялар ва бошқа айланма (жорий) активлар» бўлимида хўжалик юритувчи субъектнинг кассасидаги ва депозит ҳисобварақларидаги миллий ва чет эл валюталаридаги ҳамда йўлдаги пул маблағлари; қисқа муддатли инвестициялар ва бошқа жорий активларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган счётлар бўлади.

Хўжалик юритувчи субъектлар молия хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режасининг «Мажбуриятлар» қисмига «Жорий мажбуриятлар» ва «Узоқ муддатли мажбуриятлар» деган бўлимлар киради. Бу бўлимларга кирган счётлар хўжалик юритувчи субъектнинг юридик ва жисмоний шахслардан қисқа муддатли ва узоқ муддатли мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган счётлар ҳисобланади. Қисқа муддатли (жорий) мажбуриятларга тўлаш муддати бир йилгача бўлган мажбуриятлар киради. Узоқ муддатли мажбуриятларга тўлаш муддати бир йилдан ортиқ бўлган мажбуриятлар киради. Мажбуриятлар юридик ва жисмоний шахслардан қабул қилиб олинган активлар, хизматлар ва ишларнинг таннархи ёки сотиб олиш нархи бўйича баҳоланади. Чет эл валютасидаги мажбуриятлар ушбу мажбуриятлар ҳосил бўлишига асос бўлган ҳужжатлар хўжалик юритувчи субъектга келиб тушган кунга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган курс бўйича қайта баҳолаш йўли билан Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ҳисобга олинади.

Хўжалик юритувчи субъектлар молия хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режасининг «Ўз капитали» қисми «Капитал, тақсимланмаган фойда ва захиралар» бўлимидан иборат бўлиб, унга кирувчи счётлар ёрдамида хўжалик юритувчи субъектнинг устав, қўшилган ва захира капиталлари, тақсимланмаган фойдаси, хўжалик юритувчи субъектга келган мақсадли тушумлар ҳамда келгусида қилинадиган харажатлар ва тўловларнинг захираларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги умумлаштирилган маълумотлар олинади.

Хўжалик юритувчи субъектлар молия хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режасининг «Молиявий натижаларни шакллантириш ва ишлатиш» қисми «Даромадлар ва харажатлар» бўлимидан иборат бўлиб, унга кирувчи счётлар асосий фаолиятдан олинадиган даромадлар, сотилган маҳсулот(товар, иш, хизмат)ларнинг таннархи, асосий активларни ҳисобдан чиқариш, давр харажатлари, молиявий фаолиятдан келадиган даромадлар, молиявий фаолият бўйича харажатлар, фавқулодда олинадиган фойдалар ва фойданинг ишлатилиши ҳамда якуний молиявий натижани аниқлашга доир умумлаштирилган маълумотлар олиш учун мўлжалланган.

Хўжалик юритувчи субъектлар молия хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режасининг «Балансдан ташқаридаги счётлар» қисмига хўжалик юритувчи субъектга тегишли бўлмаган, лекин вақтинча унинг ихтиёрида бўлган турли активлар, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган счётлар киритилган. Балансдан ташқаридаги счётлар бухгалтерия ҳисобининг бошқа счётлари билан корреспонденцияланмайди.

Бухгалтерия ҳисобининг счётлари хўжалик юритувчи субъект хўжалик маблағларининг мавжудлиги ва ҳаракати, уларнинг ташкил топиш манбаларининг мавжудлиги ва ўзгариши, хўжалик фаолиятининг бориши ва унинг натижалари тўғрисидаги кўрсаткичларга доир зарур маълумотларни беради. Шунинг учун ҳам ҳар бир хўжалик юритувчи субъект томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»си деган бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти асосида ўзининг **ҳисоб юритиш сиёсатини** ишлаб чиқади ва уни буйруқ билан тасдиқлайди. **Ҳисоб** ***юритиш сиёсати*** *- бу хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида юритиш ва тузиш бўйича қўлланиладиган усуллар мажмуасидир. Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсатида ўрнатилган усулларни қўллаб ўзининг хўжалик фаолияти, маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбаларини ҳисобга олиш учун зарур счётларни шундай танлаб олиш керакки, уларнинг сони энг кам бўлиб, ҳисоб ва назоратнинг ҳамма талабларига тўла жавоб берсин. Ана шу мақсадларни назарда тутган ҳолда бухгалтерия ҳисобини юритиш учун зарур бўлган счётларни ўз ичига олган счётлар рўйхати тузилади. Демак, ***хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобининг бутун тизимини қамраб олган счётлар мунтазам рўйхати бухгалтерия ҳисобининг счётлар рўйхати деб аталади.*** Бухгалтерия ҳисобининг счётлар рўйхати счётларнинг иқтисодий мазмунига қараб туркумларга ажратилишига асосланиб ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»си номли 21-сонли Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти асосида, мулк шаклидан қатъий назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар (бюджет ташкилотлари ва банклардан ташқари) бухгалтерия ҳисобини юритиши шарт.

Бухгалтерия ҳисобининг счётлар рўйхатидан ҳисоб ишларида фойдаланишни осонлаштириш мақсадида ҳар бир счёт тўрт белгили рақам (шифр) билан шартли равишда белгиланади. Бу шартли рақамлардан фойдаланиш бухгалтерия проводкаларида счётларнинг номларини ёзишда рўй бериши мумкин бўлган хатоликларга йўл қўймайди, бухгалтерия ёзувларини соддалаштиради ва бухгалтерия маълумотларини замонавий ҳисоблаш машиналарида ишлашни осонлаштиради. Масалан, наряд ва табелларга асосан қуйидаги ходимларга меҳнат ҳақи ҳисобланди:

1) Асосий ишлаб чиқариш ходимларига - 1500000 сўм;
2) Ёрдамчи ишлаб чиқариш ходимларига - 400000 сўм;
3) Умумишлаб чиқариш ходимларига - 800000 сўм.

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

а) Счётларнинг шартли рақамларидан фойдаланилганда:

Дебет 2010 - счёт - 1500000 сўм;

Дебет 2310 - счёт - 400000 сўм;
Дебет 2510 - счёт - 800000 сўм;
Кредит 6710 - счёт - 2700000 сўм.

б) Счётларнинг шартли рақамларидан фойдаланилмаганда:

Дебет «Асосий ишлаб чиқариш» счёти - 1500000 сўм;
Дебет «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти - 400000 сўм;
Дебет «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти - 800000 сўм;
Кредит «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар» счёти - 2700000 сўм.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режасига киритилган счётларни қўллаш бўйича йўриқнома билан бухгалтерия ҳисобини юритишнинг асосий методик асосларига алоқадор бўлган масалалар тартибга солинади. Бу йўриқномада счётлар режасига киритилган счётларга қисқача таъриф берилган. Уларнинг тузилиши, тайинланиши ва вазифаси, уларда умумлаштирилаётган операцияларнинг иқтисодий мазмуни, жуда кенг тарқалган операцияларни ҳисобга олиш тартиби баён этилган. Қисмлар ва бўлимлар бўйича бухгалтерия ҳисоби счётининг тафсилоти счётлар рўйхатида кўзда тутилган тартибда баён этилган. Йўриқномада ҳар бир счётга таъриф берилгандан кейин унинг бошқа счётлар билан боғланишининг намунали тархи ҳам берилган. Агар бу намунали тархда назарда тутилган хўжалик операциялари содир бўлиб қолса, у ҳолда хўжалик юритувчи субъектлар юқоридаги йўриқнома билан белгилаб қўйилган бухгалтерия ҳисобини юритишнинг методик асосларига риоя этиб уни тўлдиришлари мумкин.

Савол ва топшириқлар

1. Бухгалтерия ҳисобининг счётлари нима учун туркумларга ажратилади?
2. Счётлар қайси хусусиятларига қараб туркумларга ажратилишини айтинг.
3. Бухгалтерия ҳисобининг счётлари тайинланиши ва тузилишига қараб қандай гуруҳларга бўлинишини айтиб беринг.
4. Асосий счётларни характерлаб беринг.
5. Тартибга солувчи счётларнинг тайинланишини айтинг.
6. Йиғиб тақсимловчи счётларни характерлаб беринг.
7. Ҳисобот даврлари ўртасида тақсимловчи счётларни характерлаб беринг.

8. Калъкуляция счётлари қайсилар ва уларнинг тузилишини тушунтиринг.

9. Таққословчи счётларнинг вазифаси нима?

10. Балансдан ташқаридаги счётлар тавсифини айтинг.

11. Бухгалтерия ҳисобининг счётлари иқтисодий мазмунига қараб қандай гуруҳларга бўлинишини айтинг.

12. Хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбаларини ҳисобга олувчи счётлар қайсилар?

13. Хўжалик жараёнини ҳисобга олувчи счётларни характерлаб беринг.

14. Бухгалтерия ҳисобининг счётлар рўйхати таърифини айтинг.

15. Счётлар рўйхатининг қисмлари ва бўлимларини характерлаб беринг.

ОЛТИНЧИ БОБ

АСОСИЙ ХЎЖАЛИК ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ҲИСОБИ

1. Бухгалтерия ҳисобида баҳолаш

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳамма моддий қийматликлари баҳолаш йўли билан бир умумий кўрсаткичга келтирилади. Қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсати билан хўжалик юритувчи субъектлардаги баҳолаш тизими ўрнатилади ва шу асосда хўжалик юритувчи субъектлар ўз хўжалик маблағлари ва хўжалик жараёнини баҳолаб бухгалтерия балансида кўрсатади. **Хўжалик маблағлари ва хўжалик жараёнини баҳолаш уларни пул кўрсаткичларида ифодалаш усули бўлиб ҳисобланади.**

Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига асосан балансда асосий воситалар, номоддий активлар, материаллар, инвентар ва хўжалик жиҳозлари, тайёр маҳсулотлар, товарлар, ҳар хил дебитор ва кредиторлар билан ҳисобкитоблар ҳақиқий таннархда кўрсатилади.

Асосий воситалар бухгалтерия балансида уларни сотиб олиш, келтириш ва ўрнатиш харажатларидан ташкил топган бошланғич қийматда кўрсатилади. Асосий воситанинг **бошланғич қиймати** деганда асосий воситани барпо этиш (қуриш ва охиригача қуриб етказиш) ёки асосий воситаларни сотиб олиш бўйича ҳақиқатда қилинган харажатлар қиймати тушунилади. Асосий воситани олиб келиш ва монтаж қилиш, ўрнатиш, фойдаланишга топшириш ва уни тайинланишига кўра фойдаланиш учун активни иш ҳолатига келтириш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай бошқа харажатлар ҳамда тўланган ва қопланмайдиган солиқ(йиғим)лар хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситаларнинг бошланғич (дастлабки) қийматига киритилади (бюджет ташкилотлари бундан мустасно).

Бизга маълумки, асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида узлуксиз қатнашиб, уларнинг қийматлари ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархига амортизация ажратмаси сифатида қўшилиб

борилади. Уларнинг эскириш қиймати балансда алоҳида моддада кўрсатилади.

Асосий воситалар бухгалтерия ҳисобида дастлабки (бошланғич) қийматда ҳисобга олинади. Бошланғич қиймат объектлар учун қуйидагича белгиланади:

а) Таъсис этувчилар томонидан уларнинг қўйилмалари эвазига устав фондига қўшилган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати томонларнинг келишувига кўра белгиланади;

б) Хўжалик юритувчи субъектнинг ўзида тайёрланган, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслардан ҳақ тўлаб сотиб олинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати уларни қуришга ёки сотиб олишга қилинган ҳақиқий харажатларга (бу харажатларга уларни олиб келиш, ўрнатиш ва монтаж қилиш сарфлари ҳам киради) кўра белгиланади;

в) Бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан ёки жисмоний шахслардан текинга, шунингдек, субсидия сифатида Ҳукумат идорасидан олинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати эксперт йўли билан ёки қабул қилиб олиш ёки топшириш ҳужжатлари маълумотларига кўра белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби миллий стандартига кўра асосий воситалар - бу узоқ вақт мобайнида бир йил ва ундан ортиқ хизмат қиладиган ҳамда ҳар бирининг (комплектининг) қиймати Ўзбекистон Республикасида белгиланган (муайян моддий активни сотиб олиш вақтида) энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдоридан кам бўлмаган) хизмат қиладиган (ишлатиладиган) моддий активлардир. Асосий воситалар таркибида ер, бинолар, иншоотлар, узатувчи мосламалар, машиналар ва ускуналар, компьютер техникаси ва периферия ускуналари, транспорт воситалари, асбоблар, ишлаб чиқариш (жиҳозлари билан бирга) ва хўжалик инвентарлари, ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар, кутубхона фондлари, бошқа асосий воситалар (кўп йиллик дарахтлар ва иншоотларни қуриш билан боғлиқ бўлмаган ерларни яхшилашга оид капитал харажатлар, музей қийматликлари, ҳайвонат олами экспонатлари, саҳнага қўйиш воситалари, намунавий лойиҳалаш бўйича ҳужжатлар, техник ташувчи(-жисм)лардаги дастурлар, ўқув кинофилмлари, магнитли дискалар ва ленталар, кассеталар ва бошқалар) бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби стандартларига кўра, хизмат қилиш муддати ва қийматидан қатъий назар, қуйидаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари асосий воситалар таркибига киритилмайди:

а) махсус асбоблар ва мосламалар (айрим буюмлар туркум ва ялпи ишлаб чиқариш учун ёки якка тартибдаги буюртмаларни тайёрлаш учун мўлжалланган мақсадли асбоблар ва мосламалар);

б) махсус ва санитар кийимлар, махсус пойабзаллар;

в) ётоқ жиҳозлари;

г) канцелярия жиҳозлари (калькуляторлар, стол жиҳозлари ва бошқалар);

д) ошхона ва овқатланиш хонаси инвентарлари, шунингдек овқатланиш хонаси чойшаблари;

е) қурилиш-таъмирлаш ишлари таннархига олиб бориладиган вақтинчалик қурилма ва мосламалар (титулсиз иншоотлар) ва бошқалар.

Асосий воситаларнинг бошланғич (дастлабки) қиймати ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва техника тараққиёти ҳамда инфляция суръатлари натижасида аввалги ишлаб чиқарилган асосий воситалар учун кеттан харажатлар суммаси кейинчалик ўзгариши мумкин. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарори билан асосий воситалар ҳар йилнинг биринчи январи ҳолатига қайта баҳоланади. Асосий воситалар қайта баҳоланганда сўнг улар қайта баҳолаш қиймати бўйича ҳисобга олиб борилади. **Асосий воситанинг қайта тиклаш қиймати деганда асосий воситанинг қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолдаги қиймати тушунилади.**

Асосий воситаларнинг дастлабки ёки қайта тиклаш қийматидан уларнинг эскириш суммасини айириб ташлаш натижасида **асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати** топилади.

Бухгалтерия балансида кўрсатилган асосий воситаларнинг суммаси жорий бухгалтерия ҳисобида ҳам бошланғич қийматида, ҳам қайта тиклаш қийматида ҳисобга олинган асосий воситалар қийматидан иборат бўлиши мумкин. Агар фойдаланишдаги асосий воситалар аввалги қайта баҳолаш ўтказилишидан илгари сотиб олинган ёки қурилган бўлса, у ҳолда уларнинг бухгалтерия балансида акс эттирилган суммаси қайта тиклаш қийматида кўрсатилади. Фойдаланишдаги асосий воситалар охирги қайта баҳолаш ўтказилишидан сўнг сотиб олинган ёки қурилган бўлса, у ҳолда уларнинг бухгалтерия балансида акс эттирилган суммаси бошланғич қийматидан иборат бўлади. Демак, бухгалтерия балансида жорий бухгалтерия ҳисобида икки қийматда ҳисобга олинган асосий воситаларнинг умумий суммаси бухгалтерия балансининг шу номдаги бир моддаси бўйича акс эттирилганлиги сабабли шу моддада кўрсатилган сумма **асосий воситаларнинг баланс қиймати** деб юритилади.

Материаллар (хом ашё ва материаллар; сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутлаш маҳсулотлари; ёқилғи; эҳтиёт қисмлар; қурилиш материаллари; идиш ва идиш материаллари; четга қайта ишлашга берилган материаллар; инвентар ва хўжалик жиҳозлари; бошқа ҳар хил материаллар) жорий бухгалтерия ҳисобида уларни сотиб олиш (тайёрлаш) ҳақиқий таннархида ёки ҳисоб баҳоларида ҳисобга олинади. Материалларни сотиб олиш (тайёрлаш) баҳоси бу материаллар ва товарларни тайёрлаш ва хўжалик юритувчи субъектга олиб келиш бўйича қилинган харажатлардан иборат бўлади. Материалларни тайёрлаш ва хўжалик юритувчи субъектга олиб келиш бўйича харажатлар таркибига кирадиган харажатларнинг рўйхати тегишли меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар жорий йилнинг ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотлари шу йил давомида (йиллик ҳисобот калькуляцияси тузилгунга қадар) режалаштирилган таннархда ҳисобга олиб борилади. Йиллик ҳисобот калькуляцияси тузилгандан кейин хўжалик юритувчи субъектнинг маҳсулотларини режалаштирилган таннархи уларнинг ҳақиқий таннархигача етказилади.

Жорий бухгалтерия ҳисобида материаллар ҳисоб баҳоларида (сотиб олиш(тайёрлаш)нинг режалаштирилган таннархи, ўртача сотиб олиш баҳолари ва бошқаларда) ҳисобга олиб борилганда, уларнинг бу баҳолар бўйича қиймати билан сотиб олиш (тайёрлаш) бўйича ҳақиқий таннархи ўртасидаги фарқ «Материаллар қийматидаги фарқлар» деб аталади ва алоҳида шу номдаги счётда ҳисобга олинади.

Жорий бухгалтерия ҳисобида материаллар, қандай баҳода ҳисобга олинишидан қатъий назар, бухгалтерия балансида ҳақиқий таннархида кўрсатилади.

Хўжалик юритувчи субъектда ишлаб чиқариш циклининг узун ёки қисқалиги бухгалтерия ҳисобида ҳам ўз аксини топади. Агарда ишлаб чиқариш цикли бир ойнинг ичида тугаб кетадиган бўлса ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида ойнинг охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш бўлмаса, бухгалтерия балансида бундай модда бўлса ҳам ҳеч қандай қолдиқ кўрсатилмайди. Бундай тармоқларга мисол қилиб электр энергияси ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларни келтириш мумкин. Узлуксиз ишлаб чиқариш цикли бўлганда ой охирида ишлаб чиқариш жараёнининг турли босқичларида тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича қолдиқлар қолиши мумкин. Тугалланмаган ишлаб чиқариш бух-

галтерия балансининг активида шу номдаги моддада ҳақиқий таннархда кўрсатилади. Катта серияли ва кўплаб ишлаб чиқариш жараёнли хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия балансида тугалланмаган ишлаб чиқаришни меъёрий таннархда ҳам кўрсатиш мумкин. Бухгалтерия балансида тугалланмаган ишлаб чиқаришни қайси таннархда кўрсатилиши хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсати билан аниқланади.

Омбордаги ва харидорларга жўнатилган тайёр маҳсулотлар жорий бухгалтерия ҳисобида ҳақиқий таннархда ёки меъёрий (режалаштирилган) таннархда ҳисобга олинади. Қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар деҳқончилик, чорвачилик маҳсулотлари йил давомида режадаги таннарх, бизнес-режа асосида ҳисобга олиб борилганлиги сабабли бундай субъектларнинг йил давомида тузган бухгалтерия балансларида омбордаги ва харидорларга жўнатилган тайёр маҳсулотлар режадаги таннархда ва йилнинг охирига тузилган бухгалтерия балансида эса ҳақиқий таннархда кўрсатилади.

Агар тайёр маҳсулотлар ой давомида ишлаб чиқаришдан режалаштирилган ёки меъёрий таннархда омборга қабул қилинса ёки омбордан харидорларга жўнатилса, у ҳолда ойнинг охирида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи аниқланиб унинг режалаштирилган таннархидан фарқи ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг турлари бўйича «Ҳақиқий таннархнинг режалаштирилган ёки меъёрий таннархдан фарқи» номли алоҳида аналитик счётларда ҳисобга олинади.

Омбордаги тайёр маҳсулотлар бухгалтерия балансида шу номдаги моддада ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархида кўрсатилади. Харидорларга жўнатилган тайёр маҳсулотлар бухгалтерия балансида тўла таннархда акс эттирилади.

2. Бухгалтерия ҳисобида калькуляция қилиш

Бухгалтерия ҳисобида хўжалик маблағларини тўғри баҳолаш унинг ҳақиқий таннархини тўғри аниқлаш билан боғлиқдир. Бу нарса калькуляция қилиш асосида олиб борилади. Калькуляция қилиш бухгалтерия ҳисоби усулининг муҳим элементи бўлиб ҳисобланади. Тайёрланган моддий қийматликларнинг, ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг, бажарилган ишларнинг ва кўрсатилган хизматларнинг таннархини аниқлаш бухгалтерия ҳисобида катта аҳамиятга эга.

Бухгалтерия ҳисобига доир ёзилган кўпгина адабиётларда калькуляция билан калькуляция қилиш аралаштириб юборилади. Бизнинг фикримизча, **калькуляция** деб, маълум ишлаб чиқарилган маҳсулот, тайёрланган моддий қийматлик, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг режалаштирилган, меъёрий ёки ҳақиқий таннархини кўрсатувчи ҳужжатга айтилади. **Калькуляция қилиш** деб эса ишлаб чиқарилган маҳсулот, тайёрланган моддий қийматлик, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг режалаштирилган, меъёрий ёки ҳақиқий таннархини аниқлаш жараёнига айтилади.

Харажатлар ўзларининг иқтисодий мазмунига қараб асосий харажатлар ва устама харажатларга бўлинади.

Асосий харажатлар деб ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг асосини ташкил қилувчи ва унинг ишлаб чиқариш технологик жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган харажатларга айтилади. Бундай харажатларга маҳсулотнинг ишлаб чиқариш технологик жараёнига боғлиқ бўлган хом ашё, материал, сотиб олинган тайёр маҳсулот ва ярим тайёр маҳсулотлар, асосий ишлаб чиқаришда ишловчи ишчиларнинг иш ҳақи суммаси ва унга нисбатан ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов ва бошқа харажатлар киради.

Устама харажатлар деб ишлаб чиқаришни бошқариш ва уларга хизмат қилиш харажатларига айтилади. Бунга умумишлаб чиқариш ва умумхўжалик харажатлари киради.

Харажатлар ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархига қўшиш усулига қараб бевосита ва билвосита харажатларга бўлинади. **Бевосита харажатлар** деб ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг, бажарилган ишларнинг ва кўрсатилган хизматларнинг таннархига тўғридан-тўғри қўшиш мумкин бўлган харажатларга айтилади. **Билвосита харажатлар** деб эса ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг, бажарилган ишларнинг ва кўрсатилган хизматларнинг таннархига хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсати билан қабул қилинган бирор иқтисодий базисга нисбатан мутаносиб равишда тақсимлаш йўли билан қўшиладиган харажатларга айтилади. Шуни айтиб ўтиш керакки, устама харажатлар билан билвосита харажатлар ҳамда асосий харажатлар билан бевосита харажатларни тенглаштириб бўлмайди. Чунки баъзи бир тармоқларда устама харажатлар ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизмат таннархига бевосита қўшилиши мумкин. Масалан, электр станцияларининг ишлаб чиқарган маҳсулоти электр энергиясининг ўзигина бўлиб, улардаги бошқариш харажатлари ҳам тўғридан-тўғри

маҳсулот таннархига қўшилаверади. Шунинг учун бундай тармоқларда билвосита харажатлар умуман бўлмайди.

Мураккаб ишлаб чиқаришда асосий харажатларнинг бир қанчаси билвосита харажатлар таркибига кириши мумкин. Чунки агар бирор материалдан ёки хом ашёдан технологик ишлаб чиқариш жараёнида бир неча хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилса, у ҳолда асосий материаллар харажати ҳам бирорта базисга нисбатан мутаносиб равишда тақсимланиши керак бўлади. Шу сабабли асосий харажатлар деганда бевосита харажатлар, устама харажатлар деганда билвосита харажатларни тушуниш тўғри келмайди, албатта.

Харажатлар икки хил гуруҳлаштирилади, харажатларнинг элементларига қараб, иккинчиси эса калькуляция моддаларига қараб гуруҳлаштиришдир.

Харажатлар элементларига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1) моддий харажатлар (қайтариладиган чиқиндилар суммаси айириб ташлангандан кейин);

2) меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

3) ягона ижтимоий тўлов;

4) асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси;

5) бошқа ҳар хил харажатлар.

Бундай гуруҳлаштириш таъминот учун керакли хом ашё ва материалларнинг умумий суммасини аниқлаш, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий режасини тузиш, йиллик ҳисоботнинг турли шаклларидаги маълумотларнинг бир-бирига тўғрилигини текшириш ва мамлакатда яратилган миллий даромадни аниқлаш учун катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасида «Маҳсулот(иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги низом билан юридик шахс мақомига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини аниқлашнинг ягона услубий асослари белгиланган. Бу низом билан қайси харажатлар ишлаб чиқарилган маҳсулот(иш, хизмат)ларнинг таннархига қўшилиши ва қайси харажатлар давр харажатларига қўшилиши белгилаб берилган.

«Маҳсулот(иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантири-

риш тартиби тўғрисида»ги низомга кўра хўжалик юритувчи субъектнинг барча харажатлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1) маҳсулотларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар;

2) асосий фаолиятдан олинган фойдада ҳисобга олинадиган ва давр харажатлари;

3) молиявий фаолият бўйича харажатлар;

4) фавқулодда зарарлар.

Маҳсулотларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) таннархига қуйидаги харажатлар киради:

1) бевосита ва билвосита моддий харажатлар;

2) бевосита ва билвосита меҳнат воситалари;

3) бошқа бевосита ва билвосита харажатлар (шу жумладан ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар).

Асосий фаолиятдан олинган фойдада ҳисобга олинган ва давр харажатларига қуйидаги харажатлар киради:

1) сотиш харажатлари;

2) бошқарув харажатлари;

3) бошқа операцион харажатлар ва зарарлар.

Молиявий фаолият бўйича харажатларга қуйидагилар киради:

1) фоизлар бўйича харажатлар;

2) чет эл валюталари билан олиб борилган операциялар бўйича салбий курс тафовутлари;

3) қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш;

4) молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар.

Маҳсулот(иш, хизмат)ларнинг, бажарилган ишларнинг ва кўрсатилган хизматларнинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи моддий харажатларга қуйидагилар киради:

1) маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ёки ишларни бажаришда ёки хизматларни кўрсатишда уларнинг асосини ташкил этадиган зарур таркибий қисми ҳисобланган четдан сотиб олинган хом ашё ва материаллар сарфи;

2) маҳсулотларни ишлаб чиқиш ёки ишларни бажариш ёки хизматларни кўрсатиш жараёнида ҳамда бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжларида ишлатиладиган сотиб олинган материаллар сарфи;

3) муайян хўжалик юритувчи субъектда монтаж қилинадиган ёки қўшимча ишлаб бериладиган бутлаш маҳсулотлари ва ярим тайёр маҳсулотлар сарфи;

4) бошқа юридик ва жисмоний шахслар ҳамда ушбу хўжалик юритувчи субъектнинг ички таркибий бўлинмалари (хўжаликнинг асосий фаолияти турига кирмайдиган) томонидан бажариладиган ишлар ва хизматлар қиймати;

5) табиий хом ашёлар учун тўланган ҳақ суммаси;

6) технологик мақсадларга, энергия турли турларини ишлаб чиқиш, биноларни иситиш ҳамда ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи транспорт(хўжалик юритувчи субъектнинг транспортида)ига сарфланган четдан сотиб олинган ёқилғиларнинг барча турлари сарфи;

7) хўжалик юритувчи субъектнинг технологик, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжлари харажат қилинган сотиб олинган энергияларнинг барча турлари сарфи;

8) ишлаб чиқариш соҳасида моддий қийматликларнинг меъёр доирасида ва ундан ортиқча табиий йўқолиши, яроқсизланиши ва кам чиқиши суммаси;

9) ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа моддий харажатлар.

Маҳсулот(иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи меҳнат ҳақи харажатларига қуйидагилар киради:

1) ҳақиқатда ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган бажарилган ишлар учун ҳисобланган меҳнат ҳақи суммаси;

2) касб маҳорати ва мураббийлик учун тариф ставкаларига ва окладларига ҳисобланган устамалар суммаси;

3) иш режими ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлган компенсация тусидаги ҳисобланган тўловлар суммаси;

4) амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ ишламаган вақт учун ҳисобланган ҳақ суммаси;

5) фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги тузилган шартномалар бўйича бажарилган ишлар учун ҳисобланган ҳақ суммаси;

6) ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган бошқа меҳнатга ҳисобланган ҳақ суммаси.

Маҳсулотларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи ягона ижтимоий тўлов ва бошқа суғурта ажратмаларига қуйидагилар киради:

1) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган меъёрлар бўйича ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ҳисобланган меҳнат ҳақи суммасига нисбатан ҳисобланадиган ягона ижтимоий тўлов тусидаги мажбурий ажратмалар суммаси;

2) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари билан ўрнатилган меъёрлар бўйича ишлаб чиқариш хусусиятига

эга бўлган ҳисобланган меҳнат ҳақи суммасига нисбатан ҳисобланадиган пенсия фондига, ихтиёрий тиббий суғуртага ва ихтиёрий суғуртанинг бошқа турларига ажратмалар суммаси.

Маҳсулотларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси бўйича харажатлар таркибига ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган асосий воситалар(лизинг бўйича сотиб олинган асосий воситалар ҳам)нинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматидан чиққан ҳолда ҳисобланган амортизация суммаси киради.

Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларига кўра асосий воситаларнинг эскиришини ҳисоблаш меъёрлари қуйидагилар:

Асосий воситаларнинг *биринчи гуруҳи - йиллик эскириш меъёри 20 фоиз:*

1) енгил автомобиллар, таксилар ва йўлларда фойдаланиладиган автотрактор техникаси;

2) махсус асбоблар;

3) инвентар ва жиҳозлар;

4) компьютерлар, периферия қурилмалари ва маълумотларни қайта ишлаш ускуналари.

Асосий воситаларнинг *иккинчи гуруҳи - йиллик эскириш меъёри 15 фоиз:*

1) юк автомобиллари;

2) автобуслар;

3) махсус автомобиллар;

4) Автотиркамалар;

5) саноатнинг, металл қуйиш ишлаб чиқаришининг барча тармоқлари учун машиналар ва ускуналар;

6) темирчилик-пресслаш ускуналари;

7) қурилиш ускуналари;

8) қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналари;

9) офислар учун мебел.

Асосий воситаларнинг *учинчи гуруҳи - йиллик эскириш меъёри 8 фоиз:*

1) темир йўл, денгиз, дарё ва ҳаво транспорти воситалари;

2) куч-қувват берадиган машиналар ва ускуналар:

а) иссиқлик-техника ускуналари;

б) турбина ускуналари;

в) электр двигателлари;

г) дизел-генераторлар.

3) электр узатиш ва алоқа қурилмалари;

4) трубопроводлар.

Асосий воситаларнинг *тўртинчи гуруҳи - йиллик эскириш меъёри 5 фоиз:*

1) бинолар;

2) иншоотлар;

3) иморатлар.

Асосий воситаларнинг *бешинчи гуруҳи - йиллик эскириш меъёри 10 фоиз:*

Бошқа гуруҳларга киритилмаган, эскириш ҳисобланадиган асосий воситалар.

Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар эскириши ҳар ойда хўжалик юритувчи субъект томонидан дастлабки қиймати ва улардан фойдали фойдаланиш муддатидан (бироқ хўжалик юритувчи субъект фаолияти муддатидан ортиқ эмас) келиб чиқиб ҳисобланадиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархига тегишли суммаси. Фойдали фойдаланиш муддатини аниқлаш имкони бўлмаган номоддий активлар бўйича эскириш нормаси беш йил ҳисобига ўрнатилади, бироқ хўжалик юритувчи субъект фаолияти муддатидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Маҳсулотларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи бошқа ҳар хил харажатларига қуйидагилар киради:

1) ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш харажатлари;

2) ишлаб чиқариш ходимларини белгиланган ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган хизмат сафарларига доир ўрнатилган меъёрлар доирасида ва улардан ортиқча харажатлар;

3) ишлаб чиқариш ишчиларини ва ишлаб чиқариш активларини мажбурий суғурта қилиш харажатлари;

4) брак туфайли келиб чиқадиган йўқотишлар суммаси;

5) ишлаб чиқаришнинг ички сабабларига кўра бекор туришлар туфайли йўқотишлар суммаси;

6) кафолатли хизмат муддати белгиланган буюмларни кафолатли тузатиш ва уларга кафолатли хизмат кўрсатиш харажатлари;

7) маҳсулотларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) мажбурий сертификация қилиш харажатлари;

8) ишлаб чиқариш жароҳатлари туфайли меҳнат қобилияти йўқолиши муносабати билан тегишли ваколатли идораларнинг қарорлари асосида ва уларнинг қарорларисиз тўланадиган нафақалар суммаси;

9) умумий фойдаланиладиган йўловчилар транспорти хизмат кўрсатмайдиган йўналишларда ходимларни иш жойига олиб бориш ва иш жойидан олиб келиш билан боғлиқ харажатлар.

Давр харажатлари деганда бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ва сарфлар, яъни бошқарув харажатлари, маҳсулотни сотиш харажатлари ва умумхўжалик аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар тушунилади.

Маҳсулот таннархини тўғри калькуляция қилиш учун тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришга кетган харажат билан тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатларини тўғри ажрата билиш керак. Бу масалани тўғри ҳал қилиш маҳсулот таннархини тўғри аниқлайди ва балансда кўрсатилган тугалланмаган ишлаб чиқариш миқдорининг реаллигини таъминлайди. Агар ишлаб чиқариш жараёни мураккаб бўлса, у ҳолда тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатларининг миқдорини аниқлаш анчагина мураккаб бўлади. Тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмини тўғри аниқлаш учун ҳисобот даври охирида тугалланмаган ишлаб чиқаришни инвентаризация қилиш керак.

Хўжалик юритувчи субъектларда асосан тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ҳақиқий таннархда ҳисобланади. Лекин баъзи бир мураккаб ишлаб чиқариш тармоқларида юқори ташкилотнинг рухсати билан тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ҳажми меъёрий таннархда ҳам аниқланиши мумкин. Бу масала хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсатида ўз аксини топиши керак.

Маҳсулот таннархининг тўғри аниқланишини таъминлаш учун харажатларни даврлар бўйича тўғри чегаралаш керак. Масалан, ҳар йилнинг охирида хўжалик юритувчи субъектлар даврий матбуот нашрларига кейинги йил учун йиллик обуна бўладилар. Бу харажатларни шу йилнинг охирги ойида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархига қўшиш маҳсулот таннархини нотўғри ҳисоблашга олиб келади. Ёки хўжалик юритувчи субъект йил бошида олдиндан йиллик ижара ҳақини тўлаши мумкин. Бу йиллик ижара ҳақини ижара ҳақи тўланган ойда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархига қўшиш ҳам маҳсулот таннархини нотўғри ҳисоблашга олиб келади. Бошқа турли муддати кечиктирилган харажатларни ҳам бирданига ишлаб чиқарилган маҳсулот(иш, хизмат)ларнинг таннархига қўшиб бўлмайди. Шунинг учун бундай харажатлар бухгалтерия ҳисобининг счётлар рўйхатидаги «Келгуси давр харажатлари

ва муддати кечиктирилган харажатлар - жорий қисм» деган бўлимига кирувчи счётлар ёрдамида ҳисобга олиб борилади.

Демак, хўжалик юритувчи субъектнинг харажатлари қачон тўланишидан қатъий назар уларга тегишли бўлган даврда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг (бажарилган ишларнинг, кўрсатилган хизматларнинг) таннархига киритилади. Қандай калькуляция даврига тегишли эканлигини аниқлаб бўлмайдиган харажатлар ҳамда тармоқлардаги харажатларнинг айрим турлари ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) таннархига харажатлар сметаси асосида қўшилиши мумкин.

Ишчи ва хизматчилар қонун бўйича ҳар йили бир марта дам олиш ҳуқуқига эга. Ишчиларга бериладиган таътил пули ҳисобланиб, махсулот таннархига қўшилади. Ишчи ва хизматчиларнинг дам олишга чиқиш даври кўпроқ ёз ойларига тўғри келади. Лекин йил давомида ишлаётган ишчиларнинг сони деярли бир миқдорда бўлади, чунки дам олишга кетган ишчиларнинг ўрнида бошқа ишчилар ишлайди. Агарда таътил ҳақлари ишчиларнинг дам олишга чиққан даврига ҳисобланиб, шу даврнинг ўзида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) таннархига қўшилса, у ҳолда ёз ойларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) таннархи қиш ва куз ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) таннархига нисбатан сунъий равишда ошиб кетган бўлур эди. Бундай ўзгаришга йўл қўймаслик учун ҳар ойда ишчиларга ҳисобланган иш ҳақи суммасига нисбатан маълум фоизларда ишчиларнинг таътил ҳақига тўлаш учун захира суммаси аниқланиши ва бу сумма ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) таннархига қўшилиши мумкин. Бу фоиз ҳар ойда бирдек бўлганлиги сабабли маҳсулотлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) таннархининг сунъий равишда ўзгаришига йўл қўйилмайди. Ҳисобот йилининг охирида ишлаб чиқаришда ишловчи ишчиларнинг таътилга чиққан ва чиқмаган даврлари инвентаризация қилинади. Агар йўқлама натижасида ишчиларнинг таътилга чиқмай қолган кунлари учун тўланиши керак бўлган маблағдан унга тегишли захира суммаси кам бўлса, у ҳолда қўшимча захира ташкил қилиниб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) таннархига қўшилади. Агар дам олиш даври учун тўлашга захира қилинган сумма ишчиларнинг таътилга чиқмаган кунлари

учун тўланиши керак бўлган суммадан кўп бўлса, у ҳолда ортиқча захира қилинган суммага ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) таннархи камайтирилади.

Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган асосий воситалар фойдаланиш давомида капитал ва жорий тузатиш қилинади. Асосий воситаларни тузатиш кўпгина хўжалик юритувчи субъектларда ҳар ойда бир текисда амалга оширилмайди. Бу эса маҳсулотлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) таннархининг сунъий равишда ўзгаришига олиб келади. Шунинг учун хўжалик юритувчи субъектларда бир йил давомида бажарилиши зарур бўлган тузатиш ҳажми ва унга кетадиган харажатлар ҳажми аниқлаб олиниб, сўнгра бу аниқланган харажатлар ҳажми 12 ойга бўлиниб, ҳар ойда бир хил суммада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (бажарилаётган ишлар, кўрсатилаётган хизматлар) таннархига қўшиб борилиши мумкин. Кейинчалик бажарилган асосий воситаларни тузатиш харажатлари шу захира ҳисобидан қопланилавериши мумкин. Ҳисобот йилининг охирида ҳамма бажарилган тузатиш харажатлари қопланиб, агар захира суммаси етмай қолса, қўшимча захира ташкил қилиниши ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (бажарилаётган ишлар, кўрсатилаётган хизматлар) таннархига қўшилиши мумкин. Агар ҳамма асосий воситаларни тузатиш харажатларининг умумий суммаси йил давомида ташкил этилган захира суммасидан кам бўлса, у ҳолда бу ортиқча захира қилинган маблағ ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг (бажарилаётган ишларнинг, кўрсатилаётган хизматларнинг) таннархидан айириш йўли билан камайтирилиши мумкин.

Юқорида келтирилган захира қилиш масалалари хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсатида кўрсатилган бўлиши керак бўлади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (бажарилаётган ишлар, кўрсатилаётган хизматлар) таннархини калькуляция қилишнинг учта усули бор:

1. бўлимли усул;
2. буюртмали усул;
3. меъёрий усул.

Ишлаб чиқариш жараёни бир неча бўлимлардан иборат бўлган ва ҳар бир бўлимнинг маҳсулоти кейинги бўлимлар учун ярим тайёр маҳсулот бўлиш билан бирга, бошқа хўжалик юритувчи субъектларга сотиш учун тайинланган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқларга кирувчи хўжалик юритувчи субъектларда калькуляция

қилишда **бўлимли усул** қўлланилади. Бу усулда ҳар бир бўлимнинг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари таннархи алоҳида аниқланади. Бунга тўқимачилик комбинатларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини калькуляция қилиш мисол бўла олади.

Алоҳида характердаги ҳамда кичик серияли ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларда маҳсулотлар таннархи **буюртмали усул** бўйича калькуляция қилинади. Бундай калькуляция қилишда калькуляция объекти ишлаб чиқариш буюртмаси бўлади. Буюртмали усул билан калькуляция қилинганда муайян буюртма тугамагунга қадар ҳисобот калькуляциясини тузиб бўлмайди.

Кўплаб оммавий ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларда маҳсулот таннархи **меъёрий усул** бўйича калькуляция қилинади. Бундай усул қўлланилганда ҳар бир ишлаб чиқариладиган маҳсулот тури бўйича меъёрий калькуляция тузилади. Ҳисобот даври ичида харажатлар меъёрларининг ўзгариши алоҳида ҳисобга олиб борилади. Ишлаб чиқаришга аввалдан ишлаб чиқилган меъёрлар бўйича харажат қилинади. Бу меъёрлардан ортиқча ёки кам қилинган харажатлар махсус ҳужжатлаштирилиб, алоҳида ҳисобга олиб борилади. Ҳисобот калькуляцияси меъёрий харажатлар меъёрларининг ўзгариши натижалари ва ҳақиқий харажатларнинг меъёрий харажатлардан фарқлари меъёрларининг алгебраик йиғиндисидан иборат бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи харажатларни вужудга келиш жойлари ва бошқа аломатлар бўйича гуруҳлаштириш, калькуляция қилиш ҳисобини алоҳида счётлар тизими ёрдамида олиб бориш, бу счётлар тизимининг тузилиши ва улардан фойдаланиш қоидасини муайян хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш фаолияти ва уни бошқаришни ташкил қилиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиши мумкин. Бу масалалар хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсатида қайд қилинган бўлиши керак.

Одатда, ривожланган мамлакатларда бухгалтерия ҳисоби молиявий ва бошқарув ҳисобларидан иборат бўлади.

Молиявий ҳисоб ёрдамида хўжалик юритувчи субъектнинг маблағлари ва фаолиятининг умумлаштирувчи синтетик ҳисоби ҳамда мол етказиб берувчилар, харидорлар, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар билан ҳисоб-китобларнинг ва молиявий ҳисоб-китобларнинг аналитик ҳисоби олиб борилади. Бу ҳисоб маълумотлари асосида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолия-

тини фойдаси ва зарари аниқланади ва хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи тузилади.

Бошқарув ҳисоби ёрдамида хўжалик юритувчи субъектга раҳбарлик қилиш учун керак бўлган ҳамма маълумотлар, хўжалик юритувчи субъектнинг ва унинг айрим бўлинмаларининг даромадлари ва харажатлари ҳақидаги маълумотларни ўз вақтида олиш таъминланади. Бошқарув ҳисоби ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар ҳисобини олиб бориш ва ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш каби вазифаларни бажаради. Бу ҳисоб ёрдамида яна амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида хўжалик юритувчи субъект қанча даромад олиши мумкинлиги, бозордаги аҳволни ўрганиб чиқиб, ишлаб чиқаришга мўлжалланаётган маҳсулотларнинг янги турлари қанча фойда келтиришини ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолати келажакда қандай бўлишлигини олдиндан аниқлаб бериш каби масалалар ечилади.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб республикамизда бухгалтерия ҳисобини ривожланган мамлакатлардаги каби молиявий ва бошқарув ҳисобларига бўлиб ташкил қилиш масалаларини назарий ва амалиёт нуқтаи назаридан ишлаб чиқиш бўйича айрим ишлар қилинмоқда.

Республикамизда, кўпгина мамлакатларда қўлланилиб келинаётган **«Харажатлар - чиқариш» усулини** қўллаш натижасида молиявий ҳисоб маълумотлари асосида маҳсулотлар таннархини аниқлагунга қадар хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижасини аниқлаш имконияти яратилади. Муайян усул билан аниқланган молиявий натижа тегишли синтетик счётларнинг маълумотларига асосан аниқланган молиявий натижа билан солиштирилади. Бу билан бухгалтерия ҳисобининг назорат функцияси ошади.

Бошқарув ҳисобида қуйидаги марказлар бўйича харажатларни ҳисобга олиб боришни ташкил қилиш мумкин:

- таннарх марказлари;
- масъулият марказлари;
- фойда марказлари (ёки фаолият бўғинлари).

Таннарх марказлари бўлиб хўжалик юритувчи субъект, филиал, маҳсулот, буюртма ва бошқалар ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъект харажатлари юқоридаги марказлар бўйича гуруҳлаштирилади.

Масъулият марказлари бўлиб харажатлар қилиб маълум даромадлар оладиган хўжалик юритувчи субъектнинг бўлимлари,

цехлари, хизматлари ва бошқалари ҳисобланади. Шу бўлинмаларнинг раҳбарларини масъулияти (жавобгарлиги) бўйича харажатлар ва фаолият марказларининг натижалари аниқланади. Демак, *масъулият маркази деганда хўжалик юритувчи субъект маъмурияти томонидан ажратилган ишлаб чиқариш-хўжалик жараёнининг маълум ташкилий-технологик қисми тушунилади.* Бу ташкилий-технологик қисм хўжалик юритувчи субъект раҳбари ёки цех бошлиғи қарори билан маълум бир шахснинг масъулияти(жавобгарлиги)га берилади.

Масъулият маркази харажатлар сметаси ёки ташкилий-технологик қисмнинг даромадлари бўйича бўлиши мумкин. **Харажатлар сметасига асосланган масъулият маркази** ташкил қилинганда хўжалик юритувчи субъектда ҳар бир шундай қисм учун харажатлар сметаси ишлаб чиқилади ва у хўжалик юритувчи субъект ёки цех бошлиғи томонидан тасдиқланади. Муайян марказнинг жавобгар шахси шу тасдиқланган смета доирасидагина харажатлар қилиши керак. **Ташкилий-технологик қисмнинг даромадлари бўйича масъулият маркази** ташкил қилинганда марказга жавобгар шахснинг имконияти харажатлар сметасига асосланган масъулият марказининг жавобгар шахснинг имкониятидан катта бўлади, у қисмнинг ишлаб чиқарган маҳсулотига мустақил хўжайинлик қилади ва у қисмнинг фаолияти натижасини фойда билан якунланишини таъминлаши шарт. Бундай марказлар ташкил қилинганда бир марказ иккинчи марказга топширган маҳсулотлари, бажарган ишлари ва кўрсатган хизматлари учун иккинчи марказдан ички ҳисоб-китоб баҳосида пул олади. Ички ҳисоб-китоб баҳолари бозор баҳоси сифатида, **«Харажатлар + маълум фоиз фойда» усули**да ёки шартнома асосида хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан ўрнатилади. Агар хўжалик юритувчи субъектда ички ҳисоб-китоб баҳолари «Харажатлар + маълум фоиз фойда» усулида маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи ёки меъёрий харажати ёки ўзгарувчи харажатлари бўйича ўрнатиши мумкин. Ички ҳисоб-китоб баҳолари ўзгарувчи харажатлар бўйича ўрнатилганда ишлаб чиқарилган маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат)нинг ўзгарувчи харажатларидан ва маълум миқдордаги фойдадан иборат бўлган таннархи қабул қилинади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларга (бажарилган ишларга, кўрсатилган хизматларга) қилинган доимий харажатлар уларнинг таннархига қўшилмасдан, ўзига хос тартибда аниқланилади-

ган фойда ҳисобидан қопланади. **Бундай тартиб билан аниқланган фойда суммасини маржинал фойда деб аталади.** Маржинал фойда одатда ўрнатилиши мўлжалланган ички ҳисоб-китоб баҳосидан тўғри ўзгарувчи харажатлар айириб, аниқланган сумма ишлаб чиқарилган маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат) ҳажмига кўпайтириб топилади.

Фойда марказлари (ёки фаолият бўғинлари) мамлакатнинг ёки жаҳоннинг зоналари бўйича, аҳоли категориялари бўйича хўжалик юритувчи субъектда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни (бажарилган ишларни, кўрсатилган хизматларни) сотиш натижалари асосида вақти-вақти билан стратегик хулосалар қилиш учун керак бўлган маълумотларни умумлаштириш учун тайинланган. Бу марказлар бошқарув ҳисобида сунъий равишда ташкил қилинган тузилма бўлиб, улар бўйича аниқланган натижалар асосида вақти-вақти билан узоққа мўлжалланган хулосалар чиқариш учун ишлатилади.

Халқаро ҳисоб стандартларига биноан молиявий ҳисобда даромадлар, харажатлар, активлар ва мажбуриятлар ҳисоби умумлаштирилган суммаларда олиб борилади, бошқарув ҳисобида эса материал қийматликларнинг ҳаракати, ишлаб чиқариш харажатлари(харажатларни тегишли марказлар, харажатлар содир бўлган жойлари ва маҳсулот турлари бўйича)нинг аниқ ҳисоби амалга оширилади.

Халқаро ҳисоб стандартларига мувофиқ **молиявий ҳисоб счётлари бошқарув ҳисоби счётлари билан «Назорат счёти» деган счётлар орқали боғланади.** Шунинг учун ҳам молиявий ҳисобнинг «Назорат счёти» бўйича қолдиқ сумма бошқарув ҳисоби счётларининг қолдиқ суммалари йиғиндисига тўғри келиши керак.

Кўпгина ривожланган мамлакатларнинг халқаро ҳисоб стандарти асосида ишлаб чиқилган бошқарув ҳисобининг счётлари сифатида қуйидагилар олинган: акс эттирувчи счётлар, харажатларни ва сотишдан олинган маблағларни дастлабки гуруҳлаштириш счётлари; таҳлил (масъулият) марказлари счётлари; тайёр маҳсулотлар таннархи счётлари; сотилган тайёр маҳсулотлар таннархи счётлари; стандарт харажатлардан четга чиқишлар; бухгалтерияда аниқланган фарқлар счётлари; аналитик ҳисоб натижалари счётлари; қолдиқ счётлари; ички алоқалар счётлари. Бошқарув ҳисобининг счётлари ҳар хил мамлакатларда турлича бўлиши мумкин. Лекин муайян мамлакатда қўлланилаётган счётлар тизими халқаро ҳисоб стандартларига мувофиқлаштирилган бўлиши керак.

3. Таъминот жараёни ҳисоби

Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект ўз хўжалик фаолиятини бошлашдан аввал, унга керак бўлган моддий қийматликлар билан таъминланган бўлиши керак. Хўжалик юритувчи субъект зарур бўлган бу моддий қийматликларни, яъни ускуна, хом ашё ва материаллар, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар, инвентар ва хўжалик жиҳозларини ва бошқа моддий қийматликларни мол етказиб берувчилардан тузилган шартномага асосан сотиб олади. Шартномада муайян моддий қийматликнинг номи, сони, сифати, баҳоси, ассортименти ва қачон олиб келиниши кўрсатилган бўлади. Бундан ташқари хўжалик юритувчи субъект ўзига керакли иморат ва иншоотларни қурдириши ёки ўз кучи билан ҳам қуриши мумкин. *Бухгалтерия ҳисобининг назарияси бўйича ёзилган баъзи адабиётларда таъминот жараёнини характерланганда асосий воситаларни сотиб олиш, пудратчилар ёки хўжалик юритувчи субъектнинг ўз кучи билан қуриш масалалари назарга олинмайди. Бизнинг фикримизча, асосий воситаларни сотиб олиш, қуриш ва монтаж қилишлар ҳам материалларни тайёрлаш каби таъминот жараёнига киради. Шунинг учун ҳам таъминот жараёни ҳисоби таърифланганда асосий воситаларнинг таъминотини қўшиб изоҳлаш мақсадга мувофиқдир.*

Таъминот жараёнини ҳисобга олувчи счётлар хўжалик юритувчи субъектнинг асосий восита, хом ашё ва материаллар, ёқилғи, қурилиш материаллари ва ўрнатиладиган ускуналар, эҳтиёт қисмлар, инвентар ва хўжалик жиҳозлари ва бошқа қийматликлар билан қандай даражада таъминланганлиги, сотиб олинган, қурилган, ишлаб чиқарилган меҳнат қуроллари ва буюмларнинг ҳақиқий таннархи ҳақида тегишли маълумотлар беради ва улар устидан тўла назорат ўрнатади.

Хом ашё ва материаллар, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар, инвентар ва хўжалик жиҳозлари ва бошқа меҳнат буюмларининг ҳақиқий таннархи мол етказиб берувчиларнинг ҳисоб-фактурасида кўрсатилган қиймати, таъминот ташкилотларига тўланган устамалар, транспортга юклаш ва тушириш харажатлари, ташиб келтириш учун транспорт ташкилотларига қилинган тўловлар, меҳнат буюмларини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган сафар харажатлари, уларни ташиб келтиришдаги табиий камайиш ва бошқа харажатлардан ташкил топади. Юқорида келтирилган тархдан кўриниб турибдики, хом ашё ва материаллар, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар, инвентар ва хўжа-

лик жиҳозлари ва бошқа меҳнат буюмларининг ҳақиқий таннархи материалларни ҳисобга олувчи синтетик счётларнинг дебет қисмида акс эттирилган хўжалик операцияларининг умумий суммаси билан аниқланади.

Таъминот жараёни ҳисобининг вазифаси хўжалик юритувчи субъектда таъминот ҳажмини пул ва натура ўлчовларида аниқлаш ҳамда тайёрланган моддий қийматликларнинг таннархини аниқлашдан иборатдир. Талабаларга тушунарли бўлиши учун таъминот жараёни билан алоқадор бўлган счётларнинг қисқача тавсифини ёритиб ўтамиз.

Қуйида материалларни ҳисобга олувчи счётлар гуруҳига кирувчи синтетик счётларнинг умумий тархи келтирилади.

Тартиб рақами	Счётнинг дебет қисми	Счётнинг кредит қисми
	Ҳисобот даврининг бошига бўлган қолдиқ	
1.		Омбордан чиқарилган моддий қийматликларнинг ҳақиқий таннархи
2.	Мол етказиб берувчилардан келтирилган моддий қийматликларнинг улгуржи баҳодаги суммаси	
3.	Моддий қийматликларни мол етказиб берувчилардан келтириш билан боғлиқ бўлган транспорт-тайёрлов харажатлари	
4.	Ишлаб чиқаришдан ва цех омборхоналаридан қайтарилган моддий қийматликлар суммаси	
5.	Ҳисобот даврининг охирида қолган моддий қийматликларнинг ҳақиқий таннархи	

Асосий воситалар ҳисоби

Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар гуруҳига кирувчи счётлар хўжалик юритувчи субъектнинг мол-мулки бўлган асосий воситаларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун тайинланган. Аввал айтилганидек, *асосий воситалар - бу узоқ вақт мобайнида (бир йил ва ундан ортиқ хиз-*

мат қиладиган ва ҳар бирининг (комплектининг) қиймати Ўзбекистон Республикасида белгиланган (муайян моддий активни сотиб олиш вақтида) энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдоридан кам бўлмаган) хизмат қиладиган (ишлатиладиган) моддий активлардир. Асосий воситалар таркибида ер, ерни ободонлаштириш, бинолар, иншоотлар, узатувчи мосламалар, машиналар ва ускуналар, мебел ва офис ускуналари, компьютер ускуналари ва ҳисоблаш техникалари, транспорт воситалари, ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар, кўп йиллик дарахтлар, бошқа асосий воситалар ҳамда консервация қилинган асосий воситалардир.

Шунингдек, хизмат қилиш муддати ва қийматидан қатъий назар қуйидаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари асосий воситалар таркибига киритилмайди:

а) махсус асбоблар ва мосламалар(айрим буюмлар туркум ва ялпи ишлаб чиқариш учун ёки якка тартибдаги буюртмаларни тайёрлаш учун мўжалланган мақсадли асбоблар ва мосламалар);

б) махсус ва санитар кийимлар, махсус пойабзаллар;

в) ётоқ жиҳозлари;

г) канцелярия жиҳозлари (калькуляторлар, стол жиҳозлари ва бошқалар);

д) ошхона ва овқатланиш хонаси инвентарлари, шунингдек, овқатланиш ҳонаси чойшаблари;

е) қурилиш-таъмирлаш ишлари таннархига олиб бориладиган вақтинчалик қурилма ва мосламалар (титулсиз иншоотлар) ва бошқалар.

Асосий воситалар балансга бошланғич (дастлабки) қийматида кирим қилинади, қайта баҳолангандан сўнг улар қайта баҳолаш қиймати бўйича ҳисобга олиб борилади. ***Асосий воситанинг бошланғич қиймати*** *деганда асосий воситани барпо этиш (қуриш ва охиригача қуриб етказиш) ёки асосий воситаларни сотиб олиш бўйича ҳақиқатда қилинган харажатлар қиймати, асосий воситани олиб келиш ва монтаж қилиш, ўрнатиш, фойдаланишга топшириш ва уни тайинланишига кўра фойдаланиш учун активни иш ҳолатига келтириш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай бошқа харажатлар ҳамда тўланган ва қопланмайдиган солиқлар (йиғимлар) суммаси тушунилади.* ***Асосий воситанинг қайта тиклаш қиймати*** *деганда асосий воситанинг қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолдаги қиймати тушунилади.* Асосий воситаларнинг бошланғич (дастлабки) қиймати инфляция суръатларини ҳисобга олиб вақти-вақти билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарори билан қайта баҳоланади.

Амалдаги қонунлар асосида хўжалик юритувчи субъектга мулк шаклида берилган ер участкаларининг бошланғич қиймати унинг қиймати, ер сотиб олинаётганда қилинган қўшимча харажатлар, сотиб олишдаги солиқлар, ерни дренаж, тозалаш ва текислаш харажатлари, ерни тайёрлаш бўйича умумий харажатлар, ерни текислаш, канализация ҳамда геодезия ишларига доир харажатлар ва бошқалардан ташкил топади.

Ер майдонини такомиллаштириш, кириш йўлларини қуриш, автомобил ва бошқа транспорт воситалари парки, тўсиқлар қилиш ва бошқа харажатлар ҳам асосий воситалар таркибига ерни ободонлаштиришга тегишли харажатлар сифатида киритилади.

Ишлаб чиқариш, маъмурий, ижтимоий-маиший, уй-жой бинолари (бинолар таркибига улардан нормал фойдаланиш учун зарур бўлган барча коммуникациялар киради), стадионлар, бассейнлар, йўллар, кўприклар, ёдгорлик ҳайкаллари, парклар, хиёбонлар ва жамоат боғларининг тўсиқлари, электр узатиш тармоқлари, трансформация ва энергия ўтказиш учун ҳамда суюқ ва газсимон моддаларни трубопроводлар бўйича истеъмолчиларгача бир жойдан бошқа жойга ўтказиш учун керакли бўлган тегишли барча оралиқ мосламалари билан бирга трансмиссиялар ва трубопроводлар асосий воситаларнинг таркибига бинолар, иншоотлар ва узаткич қурилмалари сифатида киритилади.

Кучланиш машиналари ва ускуналари, иш машиналари ва ускуналари, ўлчов асбоблари, мунтазамлаштириб турувчи асбоблар ва қурилмалар, лаборатория ускуналари, медицина ускуналари, бошқа машиналар ва ускуналар асосий воситалар таркибига машиналар ва ускуналар сифатида киритилади. Бошқа машиналар ва ускуналарга: стадионлар, спорт майдонлари ва спорт бинолари жиҳозлари; ўқув юртларидаги кабинетлар ва устахоналарнинг жиҳозлари; мусиқа асбоблари, видеоаппаратуралар, видеодвойкалар, видеоплеерлар, телевизорлар, радиоаппаратуралар, уяли алоқа аппаратлари, радиотелефонлар, пейджерлар, илмий ишлар билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг махсус ускуналари, ўт ўчириш машиналари, ўт ўчирувчи автосистерналар, ўт ўчиришда ишлатиладиган механик нарвонлар, кир ювадиган ва тикув машиналари, музлатғичлар, чанг ютгичлар, кондиционерлар, микротўлқинли печкалар ва бошқалар киради.

Ишлаб чиқариш ва маъмурий тайинланишга тегишли бўлган мебел ва жиҳозлар (столлар, шкафлар,мебеллар йиғими, кресло-

лар, сейфлар ва бошқалар) ҳамда офис ускуналари асосий воситалар таркибига мебел ва офис ускуналари сифатида киритилади.

Компьютерлар, принтерлар, сканерлар, модемлар ва бошқа компьютер ускуналари ҳамда ҳисоблаш техникалари асосий воситалар таркибига компьютер ускуналари ва ҳисоблаш техникаси сифатида киритилади.

Ишчи кучи сифатида ишлатиладиган ҳайвонлар (отлар, туялар, эшаклар ва бошқа ишчи ҳайвонлар) ва маҳсулот (бола, сут, жун ва бошқалар) берадиган ҳайвонлар (сигирлар, хўкизлар, зотдор байталлар, қўйлар ва бошқалар) асосий воситалар таркибига ишчи ҳайвонлар ва маҳсулдор ҳайвонлар сифатида киритилади.

Кўкаламзорлаштириш, декоратив, мевали дарахтлар, ўтқазилган дарахт ва жонли изгородлар ва бошқалар асосий воситалар таркибига кўп йиллик дарахтлар ва экинлар сифатида киритилади.

Хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида кўп маротаба қатнашиб, ўз шаклини ўзгартирмайди. Ўзининг қийматини маҳсулот таннархига қисман-қисман амортизация ажратмалари шаклида қўшиб боради. Асосий воситаларни ҳисоб қилиш учун *«Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар»* гуруҳига кирувчи счётлардан фойдаланилади. «Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётлар актив счётлар бўлиб, асосий воситаларнинг кўпайиши уларнинг дебетида, камайиши эса уларнинг кредит қисмида акс эттирилади. Жорий бухгалтерия ҳисобида асосий воситалар фойдаланишга қабул қилингандан то фойдаланишга яроқсиз деб топилиб, ҳисобдан чиқарилганига қадар бошланғич (қайта тиклаш) қийматларда ҳисобга олиб борилади.

Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати қуйидагича аниқланади:

1) хўжалик юритувчи субъектнинг таъсисчилари томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг устав капитали ўзларининг улуши ҳисобига берилганда асосий воситаларни бошланғич қиймати томонларнинг келишувига кўра қўйилган қиймат бўйича аниқланади;

2) хўжалик юритувчи субъектни ўзида тайёрланган ҳамда бошқа ташкилотлардан ва шахслардан сотиб олинган асосий воситаларни бошланғич қиймати уларни қуриш ёки сотиб олиш бўйича ҳақиқатда қилинган харажатлар бўйича аниқланади;

3) бошқа ташкилотлардан ва шахслардан бепул ҳамда Ҳукумат органларидан субсидия сифатида олинган асосий воситаларни бош-

ланғич қиймати уларни қабул қилиш санасига бозор қиймати ёки қабул қилиш-топшириш ҳужжатларида кўрсатилган қиймат бўйича аниқланади.

Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати фақат қуйидаги ҳолларгагина ўзгартирилиши мумкин:

1) аввал қурилган асосий воситаларга қўшимча қурилиш қилинганда;

2) қўшимча ускуналар қўйилганда;

3) асосий воситалар реконструкция қилинганда;

4) асосий воситалар қисман тугатилганда;

5) асосий воситалар қайта баҳоланганда.

Қайта тиклаш қиймати - бу асосий воситаларнинг қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолдаги қийматидир. Асосий воситаларнинг бошланғич (дастлабки) қиймати инфляция суръатларини ҳамда илмий техника ривожланишини ҳисобга олиб вақти-вақти билан ҳукумат қарори билан қайта баҳоланади.

Ҳукуматнинг қарори бўйича йилнинг маълум санасидаги ҳолат бўйича асосий воситаларни қайта баҳолаш амалга оширилади. 2001 йилнинг 1 январидаги ҳолат бўйича асосий воситаларни қайта баҳолаш ўтказилган. 2003 йилдан бошлаб ҳар йили 1 январ ҳолатига хўжалик юритувчи субъектлар ва бюджет ташкилотларининг асосий воситаларини қайта баҳолаш ўтказилади. Асосий воситаларнинг қийматини қайта баҳолаш, қайта баҳолаш ўтказилаётган даврдаги баҳоларнинг даражасидан келиб чиқиб амалга оширилади. Қайта баҳолашда асосий воситаларнинг тўла қайта тиклаш қиймати аниқланади, яъни қайта баҳолаш санасида бўлган бозор баҳолари ва тарифлари бўйича худди шундай янги объектлар билан, агар уларни ташкилот тўла алмаштириши керак бўлса, ташкилот қилиши керак бўлган харажатларнинг тўла қийматидир. Бу харажатларга объектни сотиб олиш (қуриш), ташиб келтириш, ўрнатиш ва монтаж қилиш ҳамда чет элдан олинган объектлар учун божхона тўловлари ва бошқалар киради. Асосий воситаларни тўла қайта баҳолаш қиймати ташкилотнинг қарорига кўра ёки ҳар бир объектнинг қийматини тўғридан-тўғри қайта ҳисоблаш йўли билан янги йилнинг январидаги ҳолатига кўра шаклланган баҳоланиш бўйича ҳужжатлар билан тасдиқланган бозор баҳолари бўйича янги объектларни баҳолаш усулини қўллаш билан ёки ҳар бир объектни бошланғич (қайта тиклаш) қийматини индексациялаш йўли, яъни индексациялаш методи билан асосий во-

ситаларнинг қийматини, асосий воситаларнинг турлари ва уларни қуриш ёки сотиб олиш йилини ҳисобга олган ҳолда (эскириш фоизи бўйича дифференциация қилинган ҳолда), ўзгартириш индексларини қўллаш билан, асосий воситанинг қайта тиклаш қиймати аниқланади. Индексациялаш методи қўлланилганда асосий воситаларнинг қуриш ёки сотиб олиш йилига (эскириш даражасига) қараб ҳар бир гуруҳ бўйича қайта баҳолашнинг тегишли коэффициенти қўлланилади. Индексациялаш йўли билан асосий воситалар қайта баҳоланганда йилнинг 1 январидаги ҳолат бўйича бухгалтерия ҳисобида турган асосий воситаларнинг (эскириши тўла ҳисобланган объектлар ҳам) эскириш суммаси, асосий воситаларни қайта тиклаш қийматини қайта ҳисоблаганда қўлланилган, асосий воситаларнинг қийматини тегишли ўзгартириш индексларига кўпайтирилади.

Тўғридан-тўғри қайта ҳисоблаш йўли билан асосий воситалар қайта баҳоланганда бухгалтерия ҳисобида турган эскириш суммаси йилнинг 1 январидаги ҳолати бўйича қайта баҳолашдан сўнгги қайта тиклаш қийматини қайта баҳолашгача бўлган қийматига нисбатан ҳисобланган қайта ҳисоблаш коэффициенти бўйича индексацияланади.

Асосий воситаларнинг эскириш суммасининг ҳисоби бухгалтерия ҳисобининг *«Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар»* гуруҳига кирувчи контр-актив счётларда олиб борилади.

Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати - бу асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматидан йиғилган эскириш суммасини чегириш натижасида ҳосил бўлган қийматидир.

Асосий воситаларнинг тугатиш қиймати - бу асосий воситаларни хизмат қилиш (фойдаланиш) муддати охирида чиқиб кетиш бўйича кутилаётган харажатларни чегириш натижасида асосий воситаларни тугатиш чоғида юзага келадиган активларнинг тахмин қилинаётган қийматидир.

Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати қандай харажатлардан ташкил топиши ва улар билан хўжалик юритувчи субъектларни таъминлашни қуйидаги хўжалик операциялари мисолида кўриб чиқамиз.

Биринчи операция. Қабул қилиш далолатномасига кўра хўжалик юритувчи субъектнинг маъмурий биноси фойдаланишга пудратчидан қабул қилинди. Бинонинг смета қиймати 10250000 сўм. Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Бинолар, иншоотлар ва узаткич қурилмалар» счёти
Кредит «Тугатилмаган қурилиш» счёти. } 102500000 сўм

Иккинчи операция. Тузилган шартномага асосан мол етказиб берувчидан монтаж қилиниши зарур бўлган ишлаб чиқариш агрегати қабул қилинди. Унинг сотиб олиш баҳоси 5850000 сўм. Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ўрнатиладиган ускуналар» счёти
Кредит «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти. } 5850000 сўм

Учинчи операция. Транспорт ташкилоти тақдим этган счёт-фактурага кўра мол етказиб берувчидан келтирилган агрегатни транспортга юклаш, тушириш ва келтириш билан боғлиқ 150000 сўмлик харажатлари қабул қилинди.

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ўрнатиладиган ускуналар» счёти
Кредит «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти. } 150000 сўм

Тўртинчи операция. Монтаж қилиш учун омбордан ишлаб чиқариш агрегати чиқарилди (иккинчи ва учинчи операцияларга қаранг). Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Асосий воситаларни сотиб олиш» счёти
Кредит «Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ўрнатиладиган ускуналар» счёти. } 6000000 сўм

Бешинчи операция. Пудрат ташкилотининг счёт-фактурасига кўра ишлаб чиқариш агрегатини 500000 сўмлик монтаж қилиш харажатлари қабул қилинди. Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Асосий воситаларни сотиб олиш» счёти
Кредит «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти. } 500000 сўм

Олтинчи операция. Қабул қилиш далолатномасига кўра монтаж қилинган ишлаб чиқариш агрегати фойдаланишга қабул қилинди. Бу ишлаб чиқариш агрегатининг бошланғич қиймати ушбулардан ташкил топади;

а) Ишлаб чиқариш агрегатининг сотиб олиш баҳоси, яъни мол етказиб берувчининг счёт-фактурасида кўрсатилган баҳо - 5850000 сўм;

б) Ишлаб чиқариш агрегатини мол етказиб берувчидан хўжалик юритувчи субъектга қадар олиб келиш билан боғлиқ бўлган транспорт-тайёрлов харажатлари суммаси - 150000 сўм;

в) Ишлаб чиқариш агрегатини монтаж қилиш харажатлари- 500000 сўм.

Демак, фойдаланишга қабул қилинган ишлаб чиқариш агрегатининг умумий қиймати 6500000 сўмни ташкил қилади. Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Машиналар ва ускуналар» счёти
Кредит «Асосий воситаларни сотиб олиш» счёти. } 6500000 сўм

Еттинчи операция. Ҳукумат органи томонидан омбор биноси текинга муайян хўжалик юритувчи субъектга берилди. Ҳукумат органи тақдим этган ҳужжатга кўра омбор биносининг бошланғич қиймати 1200000 сўм, эскириш суммаси эса 900000 сўмдан иборат. Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

1) Омбор биносининг баланс қийматига

Дебет «Бинолар, иншоотлар ва узаткич қурилмалар» счёти
Кредит «Бепул олинган мол-мулк» счёти; } 1200000 сўм

2) Омбор биносининг эскириш суммасига

Дебет «Бепул олинган мол-мулк» счёти
Кредит «Бинолар, иншоотлар ва узаткич қурилмаларнинг эскириш» счёти. } 900000 сўм

Саккизинчи операция. Акциядор (Неъматжон Махпиралиев) ўзи сотиб олаётган акциянинг қийматини ўзининг «НЕКСИЯ» русумли енгил автомобилини бериш билан тўлади. Бу «НЕКСИЯ» русумли енгил автомобилини қийматини муайян акцияли жамиятнинг таъсис этувчиларининг қўшма қарори билан 6500000 сўм белгиланди ва қарор акцияли жамиятнинг таъсис этувчиларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланди.

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Транспорт воситалари» счёти Кредит «Таъсисчиларнинг устав капиталига бадаллар бўйича қарзлари» счёти.	6500000 сўм

Тўққизинчи операция. Чет эл фуқароси (Мирзакарим ибн Қаюм) янги идора мебеллари йиғимини хўжалик юритувчи субъектга текинга берди. Унинг шу қабул кунига бозор қиймати 7000000 сўм.

Бу операцияга қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Мебел ва офис жиҳозлари» счёти Кредит «Бепул олинган мол-мулк» счёти.	7000000 сўм

Барча асосий воситалар хўжалик юритувчи субъект буйруғи билан тайинланган лавозимли шахсларнинг масъул жавобгарлигида бўлиши керак.

Асосий воситалар ҳисоби инвентар объектлар доирасида уларни сақлаш жойлари ва жавобгар шахслари бўйича олиб борилади. Асосий воситаларни сақлаш учун жавобгар бўлган шахслар АВ-13 шаклдаги асосий воситаларнинг инвентар рўйхатини юритади. Масъул жавобгар шахслар асосий воситаларнинг сақланишини кузатиб боради ва барча ўзгаришларнинг ҳисобини юритади. Масъул жавобгар шахс алмашганда унинг жавобгарлигида бўлган асосий воситалар инвентаризацияси ўтказилади ва бу ҳақда қабул қилиб олиш-топшириш далолатномаси тузилади. Далолатнома хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари томонидан тасдиқланади.

Асосий воситалар ҳисоби тийинларсиз тўлиқ сўм ҳисобида (кутубхона фондидан ташқари) олиб борилади.

Асосий воситаларнинг бутлиги устидан назоратни таъминлаш ва ҳисобни ташкил қилиш учун ҳар бир объектга (буюмга) инвентар рақами берилади. Инвентар рақами объектга бириктирилган

тамгага белгиланади ёки объектнинг ўзига бўёқ билан ва бошқа усуллар билан белгиланади.

Асосий воситаларнинг объектига берилган инвентар рақами унинг муайян бюджет ташкилотида бўлган бутун даври давомида сақланиб қолади. Ҳисобдан чиқарилган ёки тугатилган объектларнинг инвентар рақамлари янгидан олинган бошқа асосий воситаларга берилмаслиги керак.

Юмшоқ инвентар буюмлар махсус муҳр (штамп) ёрдамида, ювганда ўчмайдиган буёқ билан маркаланади. Махсус муҳрда (штампда) хўжалик юритувчи субъектнинг номи, буюмлар фойдаланишга берилганда эса, қўшимча равишда, фойдаланишга берилган йили ва ойи ҳам бўлиши керак.

Ижарага олинганда асосий воситалар ижарачиларда балансдан ташқаридаги 001-«Қисқа муддатли ижарага бўйича олинган асосий воситалар» счётида ижарага берувчилар томонидан уларга белгиланган инвентар рақами билан ҳисобга олинади.

Асосий воситаларнинг аналитик ҳисоби АВ-6 шаклдаги ва АВ-8 шаклдаги инвентар карточкаларда юритилади. Карточкалар ҳар бир инвентар объекти (буюми) бўйича юритилади. Бир турдаги буюмлар АВ-9 шаклдаги карточкаларда ҳисобга олинади. АВ-6, АВ-8 ва АВ-9 шакллардаги инвентар карточкалар АВ-10 шаклдаги асосий воситаларнинг инвентар карточкаларини хатлашда рўйхатга олинади.

АВ-6 шаклдаги карточка биноларни, иншоотларни, узаткич қурилмаларини, машиналар ва ускуналарни, асбобларни, транспорт воситаларини ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Асосий воситалар муайян хўжалик юритувчи субъект ичида жойдан жойга кўчирилганда тегишли ёзувлар мазкур карточканинг орқа томонига қайд қилинади.

АВ-8 шаклдаги карточка ишчи ҳайвонларни, маҳсулдор ва зотдор молларни ҳисобга олиш учун ҳамда кўп йиллик дарахтларни ва ерни яхшилашга доир капитал харажатларни ҳисобга олиш учун хизмат қилади.

АВ-9 шаклдаги карточка кутубхона фондларини ва саҳнага қўйиш жиҳозларини гуруҳлаб ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Карточкадаги ёзувлар миқдор ва сумма ифодасида ёзиб борилади. Кутубхона фондлари учун битта карточка очилади. Унда ҳисоб фақат пул ифодасидаги умумий суммада юритилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий воситаларига эскириш ҳисобланиб харажатларга амортизация сифатида қўшилади.

Эскириш бинолар ва иншоотлар, узатувчи мосламалар, машиналар ва ускуналар, ишчи ҳайвонлар, транспорт воситалари, фойдаланиш ёшига (вояга) етган кўп йиллик дарахтлар бўйича аниқланади. Эскириш: архитектура ва санъатнинг ноёб ёдгорликлари бўлган бинолар ва иншоотлар; маҳсулдор моллар, қўтослар, ҳўкизлар, кийиклар, ҳайвонат оламининг экспонатлари (ҳайвонот боғи ва шунга ўхшаш муассасаларда); фойдаланиш ёшига етмаган кўп йиллик дарахтлар; кутубхона фондлари, бадиий ва музей қийматликлари бўйича аниқланмайди.

Асосий воситаларнинг амалдаги эскиришини ҳисоблаш меъёрлари юқорида келтирилган.

Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олиш учун асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар қўлланилади. Бу счётлар пассив счётлар ҳисобланади.

Асосий воситаларнинг АВ-6, АВ-8 шаклдаги инвентар карточкаларига уларнинг йиллик эскириш меъёри ва суммаси, эскириш сўнгги маротаба ҳисобланадиган йил ёзиб қўйилади. Эскириш суммаси асосий восита қийматининг 100 фоизидан ошмаслиги керак. Асосий воситанинг қийматини 100 фоиз миқдорида эскириш ҳисобланган, лекин ундан келажакда ҳали фойдаланиш мумкин бўлса ҳам унинг тўла қийматига тенг бўлган эскириш ҳисобланганлиги сабабли, ҳисобдан чиқаришга асос бўла олмайди.

Юқорида айтилганидек, ҳар бир асосий восита учун алоҳида инвентар карточка очилади. Карточкада асосий воситанинг номи, инвентар рақами, бошланғич қиймати, йиллик амортизация меъёри, техникавий кўрсаткичлари ва бошқа маълумотлар акс эттирилади. Фойдаланиш даври давомида асосий восита бир неча марта капитал таъмирланиши мумкин. Бу тўғридаги маълумотлар ҳам асосий воситанинг инвентар карточкасида акс эттирилади. *Асосий воситалар ўзларининг қийматларини ҳар ойда харажатларга амортизация ажратмаси сифатида қўшиб боради. Бу масала таъминот жараёни доирасига кирмаганлиги сабабли унга ишлаб чиқариш жараёни ҳисобида батафсил тўхтаб ўтилади.*

Асосий воситаларни балансдан чиқарилиши

Фойдаланишга яроқсиз ҳолга келган асосий воситалар амалдаги қонунда белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади.

Асосий воситалар тугатилиши, сотилиши, бепул берилиши ва бошқа сабабларга кўра балансдан чиқарилади.

Юқорида кўрсатилган сабаблар бўйича хўжалик юритувчи субъектлар асосий воситаларни балансдан чиқаришни қонун асосида мустақил равишда амалга оширади.

Асосий воситаларнинг тугатилиши сабабли улар қуйидаги ҳолатларда:

а) белгиланган хизмат қилиш муддати тугагандан сўнг (эскириш тўла ҳисобланганда);

б) физик (жисмоний) эскириши, авария, табиий офат, фойдаланишнинг нормал шартлари бузилиши натижасида фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келиши муносабати билан;

в) маънавий эскириши муносабати билан;

г) тегишли Ҳукумат органларининг қарорлари чиқарилиши муносабати билан;

д) қурилиш олиб борилиши, кенгайтирилиши, реконструкция қилиниши ва ташкилот қайта янги техника билан таъминланиши муносабати билан балансдан чиқарилиши мумкин.

Бунда асосий воситаларни қайта тиклаш имконияти бўлмаганлигида ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаганда улар тугатилади.

Маънавий эскирган асосий воситалар - тайинланишига кўра бир хил бўлган асосий воситаларнинг юқори иш унумдорлиги ва иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги юқори бўлган, қиймати ҳам бир хил ёки арзонроқ бўлган худди шундай асосий воситаларни чиқарилиши натижасида қиймати тушиб кетган асосий воситалардир.

Асосий воситалар тугатилиши сабабли уларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш учун комиссия тузилади. Комиссия таркибига хўжалик юритувчи субъектнинг тегишли мутахассислари, бухгалтерия ходимлари ва моддий жавобгар шахслар киритилган бўлиши керак. Комиссия хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг буйруғи билан тузилади ва молия-хўжалик йили давомида доимий ишлаб туради.

Комиссия асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилишини асословчи далолатнома тузади (АВ-4 шаклдаги асосий воситаларни тугатиш далолатномаси, АВ-4а шаклдаги транспорт воситаларини тугатиш далолатномаси ва бошқа ҳужжатлар билан расмийлаштирилади).

Асосий воситаларнинг тугатилиши муносабати билан уларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш учун тузиладиган комиссия:

а) тегишли техник ҳужжатлардан (паспорт, даражама-даража режалар ва бошқа ҳужжатлар) ҳамда бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланган ҳолда ҳисобдан чиқаришга тааллуқли бўлган асосий воситаларни бевосита текшириб чиқади;

б) уларни тиклашнинг иложи йўқлигини ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмаслигини белгилайди;

в) асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш сабабларини (эскириш тўла ҳисобланганлиги, ҳақиқий эскириши, реконструкция қилиниши, фойдаланишнинг нормал шароитлари бузилиши, табиий офат, авария ва бошқаларни) аниқлайди;

г) асосий воситаларнинг вақтидан аввал фойдаланишдан чиқиши содир бўлганлигида айбдор шахсларни аниқлайди, уларни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари бўйича белгиланган жавобгарликга тортиш ҳақида таклиф киритади;

д) тугатилаётган асосий воситаларнинг айрим узеллари, деталлари, материаллари, рангли ва қимматбаҳо металларидан фойдаланиш имкониятларини аниқлайди ва уларни баҳолашни амалга оширади;

е) тугатилаётган асосий воситалардан яроқли узеллар, деталлар, материаллар, рангли ва қимматбаҳо металлар олиниши устидан назоратни амалга оширади, уларнинг миқдори ва оғирлигини аниқлайди ҳамда уларнинг тегишли омборга топширилишини назорат қилиш ваколатига эга бўлади.

Хўжалик юритувчи субъектни қуриш, кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техник қайта қуроллантириш муносабати билан асосий воситалар тугатилаётганда комиссия ҳисобдан чиқаришга тақдим этилган асосий воситаларни ташкилотни қуриш, кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техник қайта қуроллантириш режасига тўғри келишини текшириши керак. Бунда комиссия асосий воситаларни тугатиш далолатномасида тасдиқланган режанинг ёки тегишли қарорнинг бандига ва санасига ҳавола қилади.

Тугатиш далолатномасида тугатилаётган асосий воситаларни тавсифловчи қуйидаги маълумотлар: асосий восита ишлаб чиқарилган ёки қурилган йил, уни ташкилотга келиб тушган санаси, фойдаланишга берилган сана, асосий воситанинг бошланғич (қайта баҳоланганлари учун қайта тиклаш) қиймати, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича фойдаланиш муддати давомида ҳисобланган эскириш суммаси, амалга оширилган капитал таъмирлашлар сони кўрсатилади. Шу билан бирга, асосий воситани ҳисобдан чиқариш

сабаблари, унинг узеллари, деталлари, материаллари, рангли ва қимматбаҳо металлар батафсил ёритилади. Транспорт воситалари тугатилганда, бундан ташқари, транспорт воситаси бажарган ишларнинг меъёрий ва ҳақиқий ҳажми кўрсатилади, қисмга ажратиш натижасида олиниши мумкин бўлган яроқли узеллар, деталлар, материаллар, рангли ва қимматбаҳо металларни техник характеристикаси (тавсифи) ва улардан кейинчалик фойдаланиш имкониятлари кўрсатилади.

Авария ёки фойдаланишнинг нормал шароитлари бузилганлиги оқибатида тугатилаётган асосий воситалар балансдан чиқарилганда тугатиш далолатномасига авария ёки фойдаланишнинг нормал шароитлари бузилганлиги ҳақидаги далолатноманинг нусхаси илова қилинади ҳамда аварияга ёки фойдаланишнинг нормал шароитлари бузилишига олиб келган сабаблар тушунтирилади ва айбдор шахсларга нисбатан кўрилган чора-тадбирлар кўрсатилади.

Табиий офатлар оқибатида тугатилаётган асосий воситалар балансдан (ҳисобдан) чиқарилганда тугатиш далолатномасига махсус Ҳукумат комиссиясининг хулосаси илова қилинади.

Асосий воситаларни тугатиш бўйича комиссия томонидан тузилган асосий воситаларни тугатиш ҳақидаги далолатномалар асосий воситалар балансида (ҳисобда) турган хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари томонидан тасдиқланади. Тугатиш ҳақидаги далолатномалар тасдиқланмагунча асосий воситаларни қисмларга ажратиш ман этилади. Қисмларга ажратилган асосий воситанинг бошқа асосий воситани таъмирлаш учун яроқли бўлган барча узеллари, деталлари, материаллари, рангли ва қимматбаҳо металлари тегишли счётларга кирим қилинади. Бу счётларда улар асосий воситаларни тугатиш бўйича комиссия белгилаган фойдаланиш мумкин бўлган баҳо бўйича ҳисобга олинади. Яроқсиз узеллар, деталлар, материаллар, рангли ва қимматбаҳо металлар иккиламчи ашёлар (темир-терсак, латта-путта ёки ўтин) сифатида кирим қилинади.

Асосий воситаларни ва бошқа активларни ҳисобдан чиқиши натижалари асосий воситаларни ва бошқа активларнинг ҳисобдан чиқишини ҳисобга олувчи счётларда аниқланади. Бу масалада талабалар батафсил тушунчага эга бўлишлари учун бир неча мисоллар келтирамиз.

Биринчи операция. Тугатиш далолатномасига кўра омбор биноси ҳисобдан чиқарилди. Унинг бошланғич қиймати 7000000 сўм, эскириш қиймати 7000000 сўмдир.

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқиши» счёти
Кредит «Бинолар, иншоотлар ва узаткич қурилмалари» счёти. } 7000000 сўм

Бир вақтнинг ўзида бинонинг эскириш суммасига иккинчи қуйидаги бухгалтерия проводкаси ҳам тузилади:

Дебет «Бинолар, иншоотлар ва узаткич қурилмаларининг эскириши» счёти
Кредит «Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқиши» счёти. } 7000000 сўм

Иккинчи операция. Омбор биносини тугатиш натижасида 300000 сўмлик ёғоч олинган. Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Қурилиш материаллари» счёти
Кредит «Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқиши» счёти. } 300000 сўм

Учинчи операция. Омбор биносини тугатишда ишлаган ишчиларга 150000 сўм иш ҳақи суммаси ва унга нисбатан 49500 сўм пенсия фондига ягона ижтимоий тўлов ҳисобланди. Бу хўжалик операцияларига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқиши» счёти 199500 сўм;
Кредит «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар» счёти 150000 сўм;
Кредит «Суғурта бўйича тўловлар» счёти 49500 сўм.

Тўртинчи операция. Хўжалик юритувчи субъектнинг «ГАЗ-3110» русумли енгил автомобили фермер Жўрабой Саримсақовга 2100000 сўмга сотилди. Автомобилнинг бошланғич қиймати 4500000 сўм, эскириш суммаси эса 3500000 сўм.

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкалари тузилади:

1) Дебет «Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқиши» счёти
Кредит «Транспорт воситалари» счёти; } 4500000 сўм

2) Дебет «Транспорт воситаларининг эскириши» счёти
Кредит «Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқиши» счёти; } 3500000 сўм

3) Дебет «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти
Кредит «Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқиши» счёти. } 2100000 сўм

Демак, «Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқиши» счётининг дебет қисмида ҳисобдан чиқарилаётган асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати, асосий воситаларни тугатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар ва бошқалар акс эттирилади. Кредит қисмида эса тугатилаётган асосий воситаларнинг эскириш қиймати, асосий воситаларни тугатиш натижасида олинган моддий қийматликларнинг суммаси, асосий воситаларни сотишдан олинган тушумлар ва бошқалар акс эттирилади.

Асосий воситаларни сотишдан ёки тугатишдан хўжалик юритувчи субъект олган даромади ёки кўрган зарарлари хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларига ўтказилади.

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

а) Асосий воситани тугатиш натижасида хўжалик юритувчи субъект олган даромад суммасига:

Дебет «Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқиши» счёти;
Кредит «Асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришдан олинган фойда» счёти.

б) Асосий воситаларни тугатиш натижасида хўжалик юритувчи субъект кўрган зарар суммасига:

Дебет «Бошқа операцион харажатлар» счёти;
Кредит «Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқиши» счёти.

Лизинг операциялари ҳисоби

Лизинг шартномаси ўз мол-мулкини вақтинчалик бошқа хўжалик юритувчи субъектга берувчи (лизингга берувчи) билан бу мол-мулкни вақтинчалик хўжалик фаолиятидан фойдаланиш учун олувчи хўжалик юритувчи субъект (лизингга олувчи) ўртасида тузилади. Шунинг натижасида содир бўлган хўжалик қарздорлик муноса-

бати лизинг бўлиб ҳисобланади. Лизинга берувчи мол-мулкни ишлаб чиқарувчидан кейинчалик лизинг бўйича лизингга олувчига бериш мақсадида сотиб олади. Баъзи вақтларда мол-мулкни ишлаб чиқарувчи бир вақтда лизинга берувчи бўлиб ўтиши ҳам мумкин. Икки хил лизинг бўлади, яъни молиявий лизинг ва жорий лизинг.

Молиявий лизинг шартномаси бўйича олинган объект шартнома муддати тугагандан сўнг, агар шартномада бошқача шарт белгиланмаган бўлса, лизингга олувчининг мулкига айланади. Молиявий лизинг бўйича олинган объект лизингга олувчининг балансида ҳисобга олиб борилади. Бу лизингга олинган объектнинг қиймати унинг лизингга берувчининг балансида кўрсатилган қиймати билан лизингга олувчи томонидан молиявий шартнома муддати ичида тўланиши керак бўлган суммалар йиғиндисидан, яъни объектни жорий баҳодаги қийматидан иборат бўлади. Молиявий лизинг бўйича узоқ муддатга ижарага олинган объект шу объектни лизинг бўйича олувчида «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счётида ҳисобга олиб борилади. Молиявий лизинг бўйича олинган объект лизинг олувчига келиб тушганда қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти;

Кредит «Тўланадиган узоқ муддатли ижара» счёти.

Молиявий шартнома шартига кўра лизинг бўйича олинган объект лизингга олувчининг мулкига ўтказилганда қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счёт;

Кредит «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти.

Жорий лизинг шартномаси бўйича объект қисқа муддатга, яъни бир йилдан кам муддатга фойдаланишга берилади ва шартнома муддати тугагандан сўнг объект лизингга олувчи томонидан лизингга берувчига қайтарилиши керак бўлади. Шунинг учун жорий лизинг бўйича лизингга берилган объект лизингга берувчининг балансида ҳисобга олиб борилади. Бу жорий лизинг бўйича олинган объект лизингга олувчи томонидан балансдан ташқаридаги «Қисқа муддатли ижара бўйича олинган асосий воситалар» счётида ҳисобга олиб борилади.

Номоддий активлар ҳисоби

«Номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига киритувчи счётлар хўжалик юритувчи субъектнинг мулки бўлган номоддий активларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун тайинланган. ***Номоддий актив*** - бу моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган, хўжалик юритувчи субъект томонидан хўжалик фаолияти ёки бошқарувда фойдаланилишини назорат қилинадиган ҳамда бир йилдан ортиқ хизмат қиладиган мулк объектидир. Бу счётларда хўжалик юритувчи субъектнинг устав фондига акциядор томонидан ўзининг қўйилмаси қилиб берилган ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг ўз фаолияти жараёнида сотиб олинган номоддий активлар (акциядор томонидан хўжалик юритувчи субъектга фойдаланиш учун берилган мол-мулк; ердан, сувдан ва табиий захиралардан фойдаланиш ҳуқуқлари; муаллифлик ҳуқуқлари; патентлар; ихтиролардан фойдаланиш ҳуқуқлари; «Ноу-хау»дан фойдаланиш ҳуқуқлари; ахборот ва электрон ҳисоблаш машиналари учун тузилган дастурлардан фойдаланиш ҳуқуқлари; маънавий мулкдан фойдаланиш ҳуқуқлари; фирма баҳоси (гудвилл); савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари ва бошқалар) ҳисобга олинади. Акцияли жамият шаклидаги хўжалик юритувчи субъектга акциядор томонидан фойдаланишга берилган иморат, иншоот ва асбоб-ускуналар бир вақтнинг ўзида балансдан ташқаридаги «Қисқа муддатли ижара бўйича олинган асосий воситалар» деган счётда ҳам ҳисобга олинади. Объектларни номоддий активлар қаторига киритиш тартиби ва уларнинг таркиби Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисобининг «Номоддий активлар» миллий стандарти ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Номоддий активлар бухгалтерия ҳисобида бошланғич қийматда ҳисобга олинади. Номоддий активларнинг бошланғич қиймати қуйидаги тартибда белгиланади:

1) хўжалик юритувчи субъектни таъсисчилари томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг устав капитали ўзларининг улуши ҳисобига берилганда номоддий активларни бошланғич қиймати томонларнинг келишувига кўра қўйилган қиймат бўйича аниқланади;

2) хўжалик юритувчи субъект бошқа ташкилотлардан ҳамда шахслардан сотиб олинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати номоддий активларни сотиб олишга ва уларни ишлашга

яроқ ҳолатига келтириш билан боғлиқ ҳақиқатда қилинган харажатлар билан аниқланади;

3) бошқа ташкилотлардан ва шахслардан бепул олинган номоддий активларни бошланғич қиймати уларни қабул қилиш санасига бозор қиймати ёки қабул қилиш-топшириш ҳужжатларида кўрсатилган қиймат бўйича аниқланади;

4. муайян хўжалик юритувчи субъектда яратилган ёки ўзининг илмий-тадқиқотлари натижасида мазкур хўжалик юритувчи субъектда олинган номоддий активларни бошланғич қиймати уларни яратиш ёки илмий-тадқиқотларни амалга ошириш учун ҳақиқатда қилинган харажатлар суммасидан келиб чиқиб аниқланади.

Номоддий активларни таъминоти билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобида қайд қилиниши ҳақида талабалар батафсил тушунчага эга бўлишлари учун бир неча мисоллар келтирамиз.

Биринчи операция. Акциядор (Сотиболди Тожибоев) ўзи сотиб олаётган акциянинг қийматини ўзининг патентини бериш билан тўлади. Бу патентнинг қийматини муайян акцияли жамиятни таъсис этувчиларнинг қўшма қарори билан 1500000 сўм белгиланди ва қарор акцияли жамиятни таъсис этувчиларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланди.

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Патентлар, лизензиялар ва ноу-хау» счёти Кредит «Таъсисчиларнинг устав капиталига бадаллар» счёти.	1500000 сўм

Иккинчи операция. Хусусий тадбиркор (Турдали Мамадалиев) ўзининг савдо маркаларини хўжалик юритувчи субъектга текинга берди. Бу савдо маркаларининг қийматини муайян акцияли жамиятни таъсис этувчиларнинг қўшма қарори билан 800000 сўм белгиланди ва қарор акцияли жамиятни таъсис этувчиларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланди.

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари» счёти Кредит «Бепул олинган мол-мулк» счёти.	800000 сўм

Учинчи операция. Тузилган шартномага асосан «Ал-Акбар» фирмасини 10000000 сўмга (фирманинг янги биносини бошланғич қиймати 5500000 сўм) сотиб олиб, акцияли жамият балансига қабул қилинди.

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкалари тузилади:

1) Фирмани сотиб олиш қийматига:
Дебет «Бошқа капитал қўйилмалар» счёти
Кредит «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти; } 10000000 сўм

2) Фирма биносининг бошланғич қийматига:
Дебет «Бинолар,иншоотлар ва узаткич қурилмалари» счёти
Кредит «Бошқа капитал қўйилмалар» счёти; } 5500000 сўм

3). Фирмани сотиб олиш қиймати билан фирманинг биноси ўртасидаги фарқ суммага (фирма баҳоси ёки гудвилл):
Дебет «Гудвилл» счёти
Кредит «Бошқа капитал қўйилмалар» счёти. } 4500000 сўм

Номоддий активлар сотилганда, текинга берилганда ва тугатилганда бундай хўжалик операцияларига қуйидаги бухгалтерия проводкалари тузилади:

а) Ҳисобдан чиқарилаётган номоддий активнинг бошланғич қийматига
Дебет «Бошқа активларнинг ҳисобдан чиқиши» счёти;
Кредит «Номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётлар.

б) Ҳисобдан чиқарилаётган номоддий объект бўйича ундан фойдаланиш давомида ҳисобланган амортизация суммасига:
Дебет «Номоддий активларнинг амортизациясини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётлар;
Кредит «Бошқа активларнинг ҳисобдан чиқиши» счёти.

в) Номоддий активни сотиш баҳосига:
Дебет «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти;
Кредит «Бошқа активларнинг ҳисобдан чиқиши» счёти.

г) Номоддий активни сотиш натижасида хўжалик юритувчи субъект олган даромад суммасига:

Дебет «Бошқа активларнинг ҳисобдан чиқиши» счёти;

Кредит «Бошқа активларни ҳисобдан чиқаришдан олинган фойда» счёти.

д) Номоддий активни сотиш ёки тугатиш натижасида хўжалик юритувчи субъект кўрган зарар суммасига:

Дебет «Бошқа операцион харажатлар» счёти;

Кредит «Бошқа активларнинг ҳисобдан чиқиши» счёти.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида кўзда тутилган меъёрлар ва усуллар бўйича ҳар ойда номоддий активларга амортизация суммаси ҳисобланиб тегишли харажатларга қўшилади. Номоддий активлар бўйича ҳисобланган амортизация суммалари ҳақидаги маълумотлар «Номоддий активларнинг амортизациясини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётларда умумлаштирилади.

Материаллар ҳисоби

«Материалларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётлар актив счётлардир. Уларнинг дебет қисмида хўжалик юритувчи субъектига материалларнинг (Хом ашё ва материаллар; Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутлаш маҳсулотлари; Ёқилғи; Эҳтиёт қисмлар; Қурилиш материаллари; Идиш ва идиш материаллари; Четга қайта ишлашга берилган материаллар; Инвентар ва хўжалик жиҳозлари; Бошқа материаллар) омборга келиб тушишини акс эттирувчи хўжалик операциялари ёзилса, уларнинг кредит қисмида эса материалларнинг омбордан кетишини ва харажат қилинишини кўрсатувчи хўжалик операциялари акс эттирилади. Ҳисобот даврининг охирида қолган материалларнинг умумий суммаси «Материалларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётларнинг дебет қисмида қолдиқ сифатида кўрсатилади. «Материалларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётлар ёрдамида моддий қийматликларни тайёрлаш ва келтириш режасининг бажарилиши, тайёрланган материалларнинг ҳақиқий таннархи, уларнинг мавжудлиги, хўжалик юритувчи субъект ичидаги ҳаракати ва харажат қилиниши тўғрисидаги маълумотлар олинади.

Хўжалик юритувчи субъектларда материалларнинг кирими ҳисобини «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» счёти билан «Материаллар қийматидаги фарқлар» счётидан фойдаланиб ёки фойдаланмасдан ташкил қилиш мумкин.

Талабаларга тушунарли бўлиши учун материалларнинг кирими юқоридаги счётлардан фойдаланиб ташкил қилинган ҳисобини материаллар кирими ҳисобининг ***биринчи варианти*** деб, юқорида-

ги счётлардан фойдаланмасдан ташкил қилинган ҳисобни материаллар кирими ҳисобининг ***иккинчи варианти*** деб атаймиз.

Материаллар кирими ҳисобининг *биринчи варианти* қўлланилганда хўжалик юритувчи субъектга мол етказиб берувчи ёки хўжалик юритувчи субъектнинг ўзининг бўлинмаларидан келиб тушган тегишли ҳужжатларига биноан қуйидаги бухгалтерия проводкалари тузилади:

Дебет «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» счёти

Кредит «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти *(Мол етказиб берувчилардан келиб тушган материаллар суммасига)* ёки

Кредит «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти *(Материалларни тайёрлаш жараёнида ёрдамчи ишлаб чиқариш томонидан амалга оширилган хизматлар суммасига)* ёки

Кредит «Алоҳида бўлинмаларга тўланадиган счётлар» счёти *(Хўжалик юритувчи субъектнинг алоҳида бўлинмаларида ишлаб чиқарилган материаллар суммасига)* ёки

Кредит «Бошқа мажбуриятлар» счёти *(Материалларни сотиб олиш бўйича турли ташкилотлар томонидан кўрсатилган хизматлар қийматига).*

Хўжалик юритувчи субъектга келиб тушган материаллар кирим қилинганда қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Материалларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётлар;

Кредит «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» счёти.

Ойнинг охирида йўлдаги ёки мол етказиб берувчиларнинг омборларидан олиб чиқиб кетиб улгурилмаган материаллар қийматига (хўжалик юритувчи субъект омборига бу материалларни кирим қилмасдан) қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Материалларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётлар;

Кредит «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» счёти.

Кейинги ойнинг бошида бу сумма сторно қилинади, яъни юқоридаги бухгалтерия проводкасини қайта тузиб бухгалтерия проводкасидаги сумма қизил сиёҳ билан ёзилади. Шундай қилиб ўтган ойнинг охирида йўлдаги ёки мол етказиб берувчиларнинг омборларидан олиб кетилмаган материаллар қиймати яна «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» счётининг дебетига тикланади.

Шуни айтиш керакки, агар материаллар «Материалларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётларда ҳисоб баҳосида ҳисобга олинса, у ҳолда ойнинг охирида «Материалларни тайёрлаш ва

сотиб олиш» счётида қолган қолдиқ (йўлдаги ёки мол етказиб берувчиларнинг омборларидан олиб кетилмаган материаллар қийматидан ташқари) «Материаллар қийматидаги фарқлар» деган счётга ўтказилади.

Ойнинг охирида йўлдаги ёки мол етказиб берувчиларнинг омборларидан олиб кетиб улгурилмаган материалларни «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» счётидан «Материалларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётларга ўтказмаслик мумкин. У ҳолда ҳисобот ойи ичида хўжалик юритувчи субъектига келиб тушган материалларнинг ҳисоб баҳосидаги қиймати билан уларни тайёрлаш ва сотиб олиш бўйича ҳақиқий таннархи ўртасидаги фарқлар «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» счётининг кредитидан «Материаллар қийматидаги фарқлар» счётининг дебетига ўтказилади. Ойнинг охиридаги «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» счёти бўйича қолдиқ йўлдаги материаллар қийматини кўрсатади.

Материаллар кирими ҳисобининг *иккинчи варианти* қўлланилганда хўжалик юритувчи субъектга мол етказиб берувчи ёки хўжалик юритувчи субъектнинг ўзининг бўлинмаларидан келиб тушган материаллар кирим қилинганда қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Материалларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётлар;
Кредит «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти *(Мол етказиб берувчилардан келиб тушган материаллар суммасига)* ёки
Кредит «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти *(Материаларни тайёрлаш жараёнида ёрдамчи ишлаб чиқариш томонидан амалга оширилган хизматлар суммасига)* ёки
Кредит «Алоҳида бўлинмаларга тўланадиган счётлар» счёти (*Хўжалик юритувчи субъектнинг алоҳида бўлинмаларида ишлаб чиқарилган материаллар суммасига)* ёки
Кредит «Бошқа мажбуриятлар» счёти *(Материалларни сотиб олиш бўйича турли ташкилотлар томонидан кўрсатилган хизматлар қийматига).*

Қийматлари тўланган, аммо ойнинг охирида йўлда ёки мол етказиб берувчиларнинг омборларида қолган материалларга ойнинг охирида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади (бу материалларни омборга кирим қилмасдан):

Дебет «Материалларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётлар;
Кредит «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти *(Мол етказиб берувчилардан келиб тушиши керак бўлган материаллар суммасига).*

Кейинги ойнинг бошида бу сумма сторно қилинади, яъни юқоридаги бухгалтерия проводкасини қайта тузиб бухгалтерия проводкасидаги сумма қизил сиёҳ билан ёзилади. Шу билан ўтган ойнинг охирида йўлдаги ёки мол етказиб берувчиларнинг омборларида қолган материаллар қиймати яна «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счётининг дебетига тикланади ва бу счёт бўйича дебитор қарз сифатида жорий ҳисобда ҳисобга олинади.

Агар акциядорлар ўзлари сотиб олаётган акцияларининг қийматини ўзининг материалларини хўжалик юритувчи субъектга бериш билан тўлаганда хўжалик юритувчи субъект омборига кирим қилинган материалларга қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади (материалларнинг қиймати жамиятнинг таъсисчиларининг қўшма қарори билан аниқланиб акцияли жамиятни таъсис этувчиларнинг умумий йиғилишида тасдиқланган деб қабул қиламиз):

Дебет «Материалларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётлар;

Кредит «Таъсисчиларнинг устав капиталига бадаллари бўйича қарзлари» счёти.

Юқорида айтилганлардан маълумки, материаллар кирими ҳисоби билан «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» ҳамда «Материаллар қийматидаги фарқлар» счётлари бевосита алоқадордир. Шунинг учун бу счётлар ҳақида қисқа маълумот бериш мақсадга мувофиқдир.

«Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» счёти

Бу счёт айланма маблағларига кирадиган моддий қийматликларни тайёрлаш ва сотиб олиш тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун тайинланган. Бу счётнинг дебетига мол етказиб берувчиларнинг ҳисоб-китоб ҳужжатларида кўрсатилган хўжалик юритувчи субъектга келиб тушган моддий қийматликларни сотиб олиш қиймати ҳамда уларни тайёрлаш ва хўжалик юритувчи субъектга олиб келиш билан боғлиқ харажатлар акс эттирилади. Бунда қуйидаги счётлар кредитланади:

«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти *(Мол етказиб берувчилардан келиб тушган материаллар суммасига)*;

«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти *(Материалларни тайёрлаш жараёнида ёрдамчи ишлаб чиқариш томонидан амалга оширилган хизматлар суммасига)*;

«Алоҳида бўлинмаларга тўланадиган счётлар» счёти *(Хўжалик юритувчи субъектнинг алоҳида бўлинмаларида ишлаб чиқарилган материаллар суммасига)*;

«Бошқа мажбуриятлар» счёти *(Материалларни сотиб олиш бўйича турли ташкилотлар томонидан кўрсатилган хизматлар қийматига).*

«Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» счётининг кредитига хўжалик юритувчи субъектга олиб келинган ва кирим қилинган моддий қийматликларнинг ҳисоб баҳосидаги қиймати акс эттирилади.

Бунда қуйидаги счётлар дебетланади:

«Материалларларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётлар;

«Ўрнатиладиган ускуналарни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётлар;

«Материаллар қийматидаги фарқлар» счёти.

Тайёрланган ва сотиб олинган моддий қийматликларнинг ҳақиқий таннархи билан уларнинг ҳисоб баҳосидаги қиймати ўртасидаги фарқ сумма *«Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» счётидан «Материаллар қийматидаги фарқлар» деган счётга* ўтказилади.

«Материаллар қийматидаги фарқлар» счёти

«Материаллар қийматидаги фарқлар» счёти тайёрланиб ва сотиб олиниб хўжалик юритувчи субъектга кирим қилинган моддий қийматликларнинг ҳақиқий сотиб олиш (тайёрлаш) таннархи билан уларнинг ҳисоб баҳосидаги қиймати ўртасидаги фарқлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун тайинланган. «Материаллар қийматидаги фарқлар» счёти «Материалларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётларда ҳамда «Ўрнатиладиган ускуналарни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётларда моддий қийматликлар ҳисоб баҳосида ҳисобга олинадиган хўжалик юритувчи субъектларда қўлланилади. Бу счётнинг дебетига ёки кредитига тайёрланган ва сотиб олинган моддий қийматликларнинг ҳақиқий таннархи билан уларнинг ҳисоб баҳосидаги қиймати ўртасидаги фарқ сумма «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» деган счётдан ўтказилади.

«Материаллар қийматидаги фарқлар» счётида йиғилган фарқ суммалар моддий қийматликлар қаерга харажат қилинса, шу харажат қилинган моддий қийматликларнинг ҳисоб баҳосидаги қийматига мутаносиб равишда тегишли счётларга ўтказилади. Агар материаллар ишлаб чиқаришда харажат қилинган бўлса, у ҳолда бу материалларга тегишли фарқ суммалар ишлаб чиқаришга қилинган харажатларни ҳисобга олувчи счётларга ўтказилади.

Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш билан боғлиқ бўлган хўжалик операцияларини синтетик ва аналитик счётларда акс эттиришни талабаларга тушунтириш мақсадида бир неча мисоллар келтирамиз. *Бу операцияларни ечишда қуйидаги шартлар хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсатида ўрнатилган деб фараз қилайлик. Материаллар жорий бухгалтерия ҳисобида ҳисоб баҳосида ҳисобга олинади. Хўжалик юритувчи субъектда материалларнинг кирими ҳисоби «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» ҳамда «Материаллар қийматидаги фарқлар» деган счётлардан фойдаланиб ташкил қилинади.*

Биринчи операция. Тузилган шартномага асосан материаллар мол етказиб берувчидан хўжалик юритувчи субъектга келтирилди. «Қабул қилиш далолатномаси» тузилиб, ҳар бир тоннасининг улгуржи баҳоси 340000 сўмдан бўлган 60 тонна 20400000 сўмлик прокат ва ҳар бир тоннасининг улгуржи баҳоси 400000 сўмдан бўлган 115 тонна 46000000 сўмлик труба омборга қабул қилинди. Хўжалик юритувчи субъектда прокатнинг 1 тоннасини ҳисоб баҳоси 300000 сўм, трубанинг 1 тоннасини ҳисоб баҳоси эса 400000 сўм. Қабул қилинган материаллар учун ҳали мол етказиб берувчига пул ўтказилгани йўқ. Бу моддий қийматликларни мол етказиб берувчилардан хўжалик юритувчи субъект жойлашган жойдаги станцияга қадар келтириш бўйича темир йўл тарифи мол етказиб берувчининг счёт-фактурасида 600000 сўм эканлиги кўрсатилган.

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкалари тузилади:

а) Дебет «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» счёти
Кредит «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти; } 67000000 сўм

б) Дебет «Хом ашё ва материаллар» счёти
Кредит «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» счёти. } 64000000 сўм

Иккинчи операция. Қабул қилинган материаллар учун хўжалик юритувчи субъектнинг банк муассасасидаги талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағидан мол етказиб берувчига 67000000 сўм пул ўтказилди.

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти
Кредит «Депозит ҳисобвараги» счёти. } 67000000 сўм

Учинчи операция. Транспорт ташкилотининг счёт-фактураси бўйича материалларни юклаш ва тушириш харажатлари суммаси (500000 сўм) учун хўжалик юритувчи субъектнинг банк муассасасидаги талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағидан транспорт ташкилотига 500000 сўм пул ўтказилди.

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкалари тузилади:

а). Дебет «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» счёти
Кредит «Бошқа мажбуриятлар» счёти; } 500000 сўм
б). Дебет «Бошқа мажбуриятлар» счёти
Кредит «Депозит ҳисобвараги» счёти. } 500000 сўм

Бу хўжалик операцияларини синтетик счётларда акс эттиришни қуйида келтирамиз:



Материалларнинг ҳар бир турига алоҳида аналитик карточка очилади. Агар материаллар хўжалик юритувчи субъект бухгалтериясида ҳам сумма, ҳам миқдори бўйича ҳисобга олиб борилса, у

ҳолда уларнинг ҳар бир тури учун қуйидаги шаклда аналитик карточка юритилади.

Ҳар бир материаллар учун ушбу жадвал кўринишидаги аналитик счёт очилиб, жадвалда материалларнинг ҳисобот даврининг бошига қолган қолдиғи ва ҳисобот даври ичидаги ҳаракати кўрсатилади.

200		Прокат	Тонна		300000 сўм		1010	
Йил		Материалнинг номи	Ўлчов бирлиги		Баҳо		Синтетик счёт рақами	
Сана	Бухгалтерия проводкасини рақами	Операциянинг мазмуни	Кирим		Чиқим		Қолдиқ	
			Миқдор	Сумма	Миқдор	Сумма	Миқдор	Сумма
15 Январ	1	Январ ойининг бошига қолдиқ	60				200	60000000
		«Ал-Қайюм» корхонаси дан	60	18000000			260	78000000
		ва ҳоказо	340	102000000	90	27000000	510	153000000
		Январ ойи бўйича жами	400	120000000	90	27000000		
		Феврал ойининг бошига қолдиқ					510	153000000

Агар материаллар ҳисоби *тезкор бухгалтерия усули* бўйича олиб борилаётган бўлса, у ҳолда омборларда улар фақат миқдори жиҳатидан ҳисобга олинади, холос. Бухгалтерияда эса ҳар бир омбор бўйича алоҳида қолдиқ ведомости очилади. Бу ведомостда ҳар бир материалнинг номи, ўлчов бирлиги ва баҳоси кўрсатилган бўлади. Ҳар ойнинг охирида омборнинг карточкалари маълумотларига асосан қолдиқ ведомостига ҳар бир материал бўйича қолдиқ миқдори ёзилади. Бу миқдор унинг ҳисоб баҳосига кўпайтирилиб сумма аниқланади.

Шуни ҳам айтиб ўтмоқ керакки, мол етказиб берувчилардан келтирилган материалларнинг миқдори мол етказиб берувчи берган счёт-фактурада кўрсатилган миқдори хўжалик юритувчи субъек-

тга ҳақиқатда олиб келтирилган миқдор билан солиштирилиб, сўнгра омборга қабул қилинади. Агар келтирилган материалларнинг ҳақиқий миқдори мол етказиб берувчининг счёт-фактурасида кўрсатилган миқдордан кам бўлса, у ҳолда «Тижорат далолатномаси» тузилиб, унда етишмаган материаллар ҳар бирининг миқдори ва суммаси акс эттирилади.

Бу суммага қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Даъволар бўйича олинадиган счётлар» счёти;

Кредит «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти.

Агар мол етказиб берувчидан келтирилган материаллар шартномада кўрсатилган шартларни қониқтирмаса ёки мол етказиб берувчи адашиб шартномада кўрсатилмаган материалларни жўнатиб юборган бўлса, у ҳолда бундай материаллар хўжалик юритувчи субъект омборига алоҳида қабул қилинади. Уларнинг суммаси бухгалтерия ҳисобининг счётлар рўйхатидаги балансдан ташқаридаги «Масъул сақлашга қабул қилинган товар-материал қийматликлар» счётида ҳисобга олинади. Балансдан ташқаридаги счётларда бир ёқлама ёзув олиб борилганлиги сабабли, масъул сақлашга қабул қилинган материалларнинг суммасига «Масъул сақлашга қабул қилинган товар-материал қийматликлар» счёти дебетланади, холос. Бу товар-материал қийматликлар мол етказиб берувчиларнинг ўзларига ёки уларнинг буйруғи билан бошқа хўжалик юритувчи субъектга жўнатиб юборилганда «Масъул сақлашга қабул қилинган товар-материал қийматликлар» счёти кредитланади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг тегишли асосий восита, хом ашё ва материаллар, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар ва бошқа моддий қийматликлар билан таъминланиши ишлаб чиқариш жараёнининг бошланиши учун асосий шарт-шароит бўлиб ҳисобланади.

4. Ишлаб чиқариш жараёни ҳисоби

Хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти унинг учун зарур бўлган материаллар, асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа моддий қийматликлар билан таъминлангандан сўнг бошланиши мумкин. Ишлаб чиқариш жараёнида юқорида санаб ўтилган меҳнат буюмларига кишилар меҳнат қуроллари билан таъсир қилиб, меҳнат буюмларининг шаклини ўзгартиришга таъсир қилган ишчиларнинг иш ҳақи ва иш ҳақига нисбатан ҳисобланган ҳар хил ажратмалар суммаси, меҳнат буюм-

ларига таъсир қилишда ишчилар томонидан фойдаланилган меҳнат қуролларининг амортизация суммаси ҳамда ишлаб чиқариш фаолиятини бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлар йиғиндисидан иборат бўлади.

Ишлаб чиқариш жараёни билан алоқадор синтетик счётлар тўғрисида қисқача тавсифнома бериб чиқиш йўли билан ишлаб чиқариш жараёни ҳисобининг вазифалари ва аҳамияти ҳақида талабаларни таништириб чиқамиз.

Асосий ишлаб чиқариш, ёрдамчи ишлаб чиқариш, умумишлаб чиқариш харажатлари, ишлаб чиқаришдаги яроқсизлик ва тайёр маҳсулотлар ҳисоби

Муайян хўжалик юритувчи субъект қандай махсулотни ишлаб чиқариш, қандай ишларни бажариш ва қандай хизматларни қилиш мақсадида тузилган бўлса, шу мақсадларни бажариш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш асосий ишлаб чиқариш бўлиб ҳисобланади ва унинг харажатлари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун счётлар рўйхатидаги *«Асосий ишлаб чиқариш» счёти* тайинланган. Бу синтетик счёт актив счёт бўлиб, унинг дебет қисмида асосий ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар суммаси, кредит қисмида эса асосий ишлаб чиқариш жараёнида тайёрланган тайёр махсулотнинг (бажарилган ишнинг, кўрсатилган хизматнинг) режали ёки меъёрий таннархи, ҳақиқий таннархи билан режали ёки меъёрий таннархи ўртасидаги фарқ суммаси, ишлаб чиқариш жараёнида бузилган махсулот ёки ярим тайёр маҳсулотларнинг меъёрий таннархи, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилмаган ва омборга қайтарилган хом ашё, асосий материал ва сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотларнинг суммаси акс эттирилади. «Асосий ишлаб чиқариш» счётида акс эттирилган маълумотлар асосида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотнинг миқдори (бажарилган ишнинг ҳажми, кўрсатилган хизматнинг ҳажми) ва унинг ҳақиқий таннархи аниқланади.

«Асосий ишлаб чиқариш» счёти калькуляция қилувчи синтетик счёт бўлиб, унинг ёрдамида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотнинг, бажарилган ишнинг ва кўрсатилган хизматнинг таннархи ҳисоблаб чиқилади. Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект қандай маҳсулот ишлаб чиқаришга, ишларни бажаришга ва хизматларни кўрсатишга қаратилган бўлса, шу ишлаб чиқариш асосий бўлиб ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъект бир неча турдаги маҳсу-

лот ишлаб чиқариши, ишларни бажариши ва хизматларни кўрсатиши мумкин. Умуман ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотнинг таннархини ҳисоблаб чиқиш билан чекланилмайди, албатта. Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотнинг, бажарилган ишнинг ва кўрсатилган хизматнинг ҳар бир турининг таннархини ҳам ҳисоблаб чиқиш зарур. Бунинг учун ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотнинг, бажарилган ишнинг ва кўрсатилган хизматнинг ҳар бир турига ёки бир хил гуруҳига алоҳида-алоҳида аналитик карточка очилади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш, ишни бажариш ва хизмат кўрсатиш учун хом ашё, материал, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар, ёрдамчи материаллар, иш ҳақи, иш ҳақига нисбатан ижтимоий суғуртага ажратма, ишлаб чиқариш ускуналарининг амортизация ажратмалари ва бошқа харажатлар қилинади.

Юқорида қайд қилинган хом ашё, асосий материаллар, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар, ёрдамчи материаллар ва бошқа моддий қийматликлар ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотнинг асосини ташкил қилади ва унинг таннархига бевосита қўшилади. Бу моддий қийматликлар ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотнинг асосини ташкил қилса ҳам уларнинг таннархига бевосита қўшилмасдан, балки билвосита бирор базисга мутаносиб равишда қўшилиши ҳам мумкин. Хом ашё ва асосий материалларнинг қийматларини ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотнинг таннархига қандай йўл билан қўшилиши ишлаб чиқариш жараёнининг технологик белгиларига қараб аниқланади ва бу масала хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсатида қайд қилинади. Тўлов вақтидан қатъи назар олдиндан тўланган ёки кейинроқ тўланадиган хўжалик юритувчи субъектнинг харажатлари қайси даврга тўғри келса, ўша даврда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар таннархига қўшилади. Қандай калькуляция даврига тегишли эканлигини аниқлаб бўлмайдиган харажатлар ҳамда мавсумий тармоқлардаги харажатларнинг айрим турлари ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар таннархига харажатлар сметаси асосида қўшилади.

Бундан ташқари моддий қийматликлар, ускуналарни сақлаш ва улардан фойдаланишга, цех ва заводни бошқариш ва хизмат қилишга ҳам харажат қилинади. Талабаларга тушунарли бўлиши учун қуйидаги хўжалик операцияларини мисол сифатида келтирамиз.

Биринчи операция. Лимит картаси ва талабномаларга асосан омбордан хом ашё ва материаллар чиқарилди ва ишлаб чиқариш-хўжа-

лик фаолиятига харажат қилинди (материаллар жорий бухгалтерия ҳисобида ҳисоб баҳосида ҳисобга олинади деб қабул қиламиз):

1. Сарфланган материалларнинг ҳисоб баҳосидаги қийматига:

а) Асосий ишлаб чиқаришга 1200000 сўм

Шу жумладан

«А» маҳсулотни ишлаб чиқаришга 800000 сўм;

«Б» маҳсулотни ишлаб чиқаришга 400000 сўм;

б) Машиналар ва ускуналарни сақлаш ва улардан фойдаланишга ҳамда умумишлаб чиқариш эҳтиёжига 500000 сўм.

Бу хўжалик операцияларига қуйидагича мураккаб бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Асосий ишлаб чиқариш» счёти 1200000 сўм;

Дебет «Умумишлаб чиқариш» счёти 500000 сўм;

Кредит «Материалларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётлар 1700000 сўм.

2. Сарфланган материаллар қийматидаги фарқлар суммасига:

а) Асосий ишлаб чиқаришга 180000 сўм

Шу жумладан

«А» маҳсулотни ишлаб чиқаришга 120000 сўм;

«Б» маҳсулотни ишалб чиқаришга 60000 сўм;

б) Машиналар ва ускуналарни сақлаш ва улардан фойдаланишга ҳамда умумишлаб чиқариш эҳтиёжига 75000 сўм.

Бу хўжалик операцияларига қуйидагича мураккаб бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Асосий ишлаб чиқариш» счёти 180000 сўм;

Дебет «Умумишлаб чиқариш» счёти 75000 сўм;

Кредит «Материаллар қийматидаги фарқлар» счёти 255000 сўм.

Юқорида келтирилган хўжалик операцияси ва унга тузилган бухгалтерия проводкаларидан кўриниб турибдики, ҳисобот ойи давомида «Асосий ишлаб чиқариш» синтетик счётининг дебет қисмига фақат шу ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотнинг, бажарилаётган ишнинг ва кўрсатилаётган хизматнинг муайян турини таннархига бевосита қўшиш мумкин бўлган хом ашё, асосий материаллар, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва комплектлаш маҳсулоти, қурилма ва деталлар, ҳар хил материалларнинг қийматларигина қўшилади. Бирор маҳсулотнинг, ишнинг ва хизматнинг таннархига бевосита қўшиб бўлмайдиган хом ашё ва материалларнинг қийматлари *«Умумишлаб чиқариш харажатлари»* деган йиғиб тақсимловчи счётнинг дебет қисмида ҳисобот ойи давомида

акс эттирилиб ойнинг охирида хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсатида қабул қилинган бирор базисга мутаносиб равишда тақсимланиб ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг, бажарилаётган ишларнинг ёки кўрсатилаётган хизматларнинг таннархига билвосита қўшилади. Бу айтилганлар харажатларнинг бошқа турларига ҳам тааллуқлидир.

Асосий воситаларнинг эскириши ҳисоби

Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий воситаларини эскириши тўғрисидаги маълумотлар «Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётларда умумлаштирилади. Юқорида эслатиб ўтилганидек, асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиб, эскиради, ўзларининг қийматларини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг, бажарилаётган ишларнинг ва кўрсатилаётган хизматларнинг таннархига қисман-қисман амортизация ажратмаси сифатида қўшиб боради. Асосий воситаларнинг эскириш суммаси асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматидан асосий воситаларнинг шу гуруҳи учун Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида белгиланган амортизация меъёри асосида аниқланади. Амортизация меъёри бир йиллик бўлганлиги сабабли ҳар ойда шу меъёр билан амортизация ажратмасининг суммаси аниқланиб, у 12 га бўлинади. Шу йўл билан ҳисобланган амортизация ажратмасининг бир ойлик суммаси асосий воситалар қайси тармоқларда фойдаланилган бўлса, шу тармоқнинг харажатларига қўшилади.

Демак, амортизация фойдали хизмат муддати мобайнида асосий воситанинг амортизацияланадиган қийматини узлуксиз тақсимлаш ва ўтказиш кўринишида эскиришни қийматли ифодасини ўзида акс эттиради. *Асосий воситанинг фойдали хизмат муддати* хўжалик юритувчи субъект томонидан асосий воситадан фойдаланиши натижасида олиниши кутилаётган маҳсулот миқдорини, бажарилиши кутилаётган ишларнинг ҳажмини ва кўрсатилиш кутилаётган хизматларнинг ҳажмини англатади.

Асосий воситаларнинг эскириш қиймати хўжалик юритувчи субъектнинг харажатларига амортизация ажратмалари кўринишида мунтазам равишда фойдали ва меъёрий хизмат муддати давомида тақсимланади. Асосий воситаларнинг амортизация суммалари амортизацияни *бир маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усули ёки амортизацияни бажарилган ишлар ҳажмига нисбатан мутаносиб равишда (ишлаб чиқариш) ҳисоблаш усули*ни қўллаган ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

Асосий воситаларнинг амортизация суммалари амортизацияни бир маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усули асосий воситаларнинг фойдали хизмат қилиш муддати давомида амортизация тенг улушларда ҳисобланади. Асосий воситаларнинг амортизация суммалари амортизацияни бажарилган ишлар ҳажмига нисбатан мутаносиб равишда (ишлаб чиқариш) ҳисоблаш усули ҳар бир аниқ йилда асосий воситани ишлаш ҳисобига асосланганлиги сабабли асосий воситани эскиришининг йиллик миқдорини ҳисоблаш учун муайян йилдаги ишлашини ва фойдали ишлашини билиш зарур бўлади. Бунда ишлаш сифатида ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигининг сони (бажарилган ишлар ҳажми, кўрсатилган хизматлар ҳажми), ишлаган соатлар сони ва ҳоказолар кўрилиши мумкин.

Асосий воситалар изчил фойдаланилганда, шунингдек илмий-техникавий жараённинг катта таъсири остида асосий воситаларнинг эскиришини ҳисоблашда тезлашган амортизациялаш йўли қўлланилиши мумкин. Бунда *иккилантирилган амортизация меъёри билан камаяётган қолдиқ (қолдиқнинг камайиш усули) усулидан ёки йиллар йиғиндиси (суммаси) усулидан (кумулятив усул)* фойдаланиб амортизация суммаси ҳисобланиши мумкин. Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, асосий воситаларга амортизация ҳисобланганда, уларнинг тугатиш қиймати ва асосий воситанинг ўрнини қоплаш суммасини ҳисоблаш керак. *Асосий воситанинг тугатиш қиймати* - бу асосий воситанинг фойдали хизмат муддати охирида, асосий воситани тугатиш пайтидаги тугатиш харажатлари чиқариб ташлангандан кейинги қийматдир.

Иккилантирилган амортизация меъёри билан камаяётган қолдиқ (қолдиқнинг камайиш усули) усули деганда асосий воситанинг фойдали хизмат муддати давомида амортизацияланадиган суммасининг камайиши тушунилади. Бу усулда асосий воситани иккиланган эскириш меъёри асосий воситани қолдиқ қийматига кўпайтирилади.

Йиллар йиғиндиси (суммаси) (кумулятив усул) усулида асосий воситанинг амортизация меъёри ҳар йили асосий воситанинг амортизация муддатининг охиригача қоладиган унинг амортизацияланадиган қийматининг улуши сифатида аниқланади. Асосий воситани амортизацияланадиган қийматининг улуши амортизация муддатини ташкил этувчи йилларнинг тартиб сони суммасига асосий воситанинг амортизация ажратмаларининг тугагунга қадар қолган тўлиқ йиллар сони билан аниқланади.

Асосий воситаларнинг ҳар хил турларига амортизация ҳисоблашнинг турли усуллари қўлланилиши мумкин, асосий воситаларнинг бир турига фақат бир усул қўлланилиши керак. Амортизация ҳисоблашнинг қайси усули ёки усуллари қўлланилиши хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсатида белгиланган бўлади ва ҳисобот йили давомида, одатда, ўзгартирилмайди. Агар асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш усулини ҳисобот йили давомида ўзгартириш зарур бўлиб қолса, у ҳолда қилинаётган ўзгаришларнинг сабаблари ва бундай ўзгаришларнинг иқтисодий самаралари изоҳланиши керак бўлади.

Асосий воситаларнинг амортизациясини ҳисоблаш қўлланиладиган амортизация ҳисоблаш усуллари вақти-вақти билан қайта кўриб чиқилиши керак. Агар асосий воситалардан фойдаланганликдан олиниши кутилаётган иқтисодий фойдада маълум ўзгаришлар рўй бераётган бўлса, унда амортизацияни ҳисоблаш усули ўзгараётган ҳолатни акс эттира оладиган даражада ўзгартирилиши керак бўлади.

Иккинчи операция. Асосий воситаларнинг эскириши унинг қиймати ва амортизация меъёрига ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсатида қабул қилинган асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш усулларига биноан ҳисобланди:

а) Асосий ишлаб чиқаришда фойдаланилган асосий воситалар бўйича 1300000 сўм

шу жумладан

«А» маҳсулотни ишлаб чиқаришда фойдаланилган асосий воситалар бўйича 800000 сўм;

«Б» маҳсулотни ишлаб чиқаришда фойдаланилган асосий воситалар бўйича 500000 сўм.

б) Ёрдамчи ишлаб чиқаришда фойдаланилган асосий воситалар бўйича 200000 сўм;

в) Умумишлаб чиқаришда фойдаланилган асосий воситалар бўйича 1000000 сўм;

г) Умумхўжаликда фойдаланилган асосий воситалар бўйича 100000 сўм.

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Асосий ишлаб чиқариш» счёти 1300000 сўм;

Дебет «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти 200000 сўм;

Дебет «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти 1000000 сўм;

Дебет «Маъмурий харажатлар» счёти 100000 сўм;
Кредит «Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи тегишли счётлар 2600000 сўм.

Амортизация ажратмаси сифатида қиймати тўла харажатларга қўшилган, яъни 100 фоиз эскириш ҳисобланиб бўлинган асосий воситалар бўйича эскириш ҳисоблаш тўхтатилади.

Номоддий активларнинг амортизацияси ҳисоби

Хўжалик юритувчи субъектнинг номоддий активлари бўйича йиғилган амортизация суммалари тўғрисидаги маълумотлар «Номоддий активларнинг амортизациясини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётларда умумлаштирилади.

Юқорида эслатиб ўтилганидек, номоддий активлар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиб, ўзларининг қийматларини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг, бажарилаётган ишларнинг ва кўрсатилаётган хизматларнинг таннархига қисман-қисман амортизация ажратмаси сифатида қўшиб боради. Номоддий активларнинг амортизация суммаси номоддий активларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматидан номоддий активларнинг шу гуруҳи учун Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида белгиланган амортизация меъёри асосида аниқланади. Амортизация меъёри бир йиллик бўлганлиги сабабли ҳар ойда шу меъёр билан амортизация ажратмасининг суммаси аниқланиб, у 12 га бўлинади. Шу йўл билан ҳисобланган амортизация ажратмасининг бир ойлик суммаси номоддий активлар қайси тармоқларда фойдаланилган бўлса, шу тармоқнинг харажатларига қўшилади.

Демак, амортизация фойдали хизмат муддати мобайнида номоддий активнинг амортизацияланадиган қийматини узлуксиз тақсимлаш ва ўтказиш кўринишида эскиришни қийматли ифодасини ўзида акс эттиради. *Номоддий активнинг фойдали хизмат муддати* хўжалик юритувчи субъект томонидан номоддий активдан фойдаланиши натижасида олиниши кутилаётган маҳсулот миқдорини, бажарилиши кутилаётган ишларнинг ҳажмини ва кўрсатилиш кутилаётган хизматларнинг ҳажмини англатади.

Номоддий активларнинг амортизация суммаси хўжалик юритувчи субъектнинг харажатларига амортизация ажратмалари кўринишида мунтазам равишда фойдали ва меъёрий хизмат муддати давомида тақсимланади. Номоддий активларнинг амортизация суммалари амортизацияни бир маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш

усули ёки амортизацияни бажарилган ишлар ҳажмига нисбатан мутаносиб равишда (ишлаб чиқариш) ҳисоблаш усулини қўллаган ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

Номоддий активларнинг амортизация суммалари амортизацияни бир маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усули номоддий активларнинг фойдали хизмат қилиш муддати давомида амортизация тенг улушларда ҳисобланади. Номоддий активларнинг амортизация суммалари амортизацияни бажарилган ишлар ҳажмига нисбатан мутаносиб равишда (ишлаб чиқариш) ҳисоблаш усули ҳар бир аниқ йилда номоддий активни ишлаш ҳисобига асосланганлиги сабабли номоддий активни амортизациясининг йиллик миқдорини ҳисоблаш учун муайян йилдаги ишлашини ва фойдали ишлашини билиш зарур бўлади. Бунда ишлаш сифатида ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигининг сони (бажарилган ишлар ҳажми, кўрсатилган хизматлар ҳажми), ишлаган соатлар сони ва ҳоказолар кўрилиши мумкин.

Номоддий активлар илмий-техникавий жараённинг катта таъсири остида номоддий активларнинг амортизациясини ҳисоблашда тезлашган амортизациялаш йўли қўлланилиши мумкин. Бунда иккилантирилган амортизация меъёри билан камаяётган қолдиқ (қолдиқнинг камайиш усули) усулидан ёки йиллар йиғиндиси (суммаси) усулидан (кумулятив усул) фойдаланиб амортизация суммаси ҳисобланиши мумкин. Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, номоддий активларга амортизация ҳисобланганда, уларнинг тугатиш қиймати ва номоддий активнинг ўрнини қоплаш суммасини ҳисоблаш керак. *Номоддий активнинг тугатиш қиймати* - бу номоддий активнинг фойдали хизмат муддати охирида, номоддий активни тугатиш пайтидаги тугатиш харажатлари чиқариб ташлангандан кейинги қийматдир. *Иккилантирилган амортизация меъёри билан камаяётган қолдиқ (қолдиқнинг камайиш усули) усули* деганда номоддий активнинг фойдали хизмат муддати давомида амортизацияланадиган суммасининг камайиши тушунилади. Бу усулда номоддий активни иккиланган эскириш меъёри номоддий активни қолдиқ қийматига кўпайтирилади. *Йиллар йиғиндиси (суммаси) (кумулятив усул) усули*да номоддий активнинг амортизация меъёри ҳар йили номоддий активнинг амортизация муддатининг охиригача қоладиган унинг амортизацияланадиган қийматининг улуши сифатида аниқланади. Номоддий активнинг амортизацияланадиган қийматининг улуши амортизация муддатини ташкил этувчи йилларнинг тартиб сони суммасига номод-

дий активнинг амортизация ажратмаларининг тугагунга қадар қолган тўлиқ йиллар сони билан аниқланади.

Номоддий активларнинг ҳар хил турларига амортизация ҳисоблашнинг турли усуллари қўлланилиши мумкин, номоддий активларнинг бир турига фақат бир усул қўлланилиши керак. Амортизация ҳисоблашнинг қайси усули ёки усуллари қўлланилиши хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсатида белгиланган бўлади ва ҳисобот йили давомида, одатда, ўзгартирилмайди. Агар номоддий активларга амортизация ҳисоблаш усулини йил ҳисобот йили давомида ўзгартириш зарур бўлиб қолса, у ҳолда қилинаётган ўзгаришларнинг сабаблари ва бундай ўзгаришларнинг иқтисодий самаралари изоҳланиши керак бўлади. Номоддий активларнинг амортизациясини ҳисоблаш қўлланиладиган амортизация ҳисоблаш усуллари вақти-вақти билан қайта кўриб чиқилиши керак. Агар асосий воситалардан фойдаланганликдан олиниши кутилаётган иқтисодий фойдада маълум ўзгаришлар рўй бераётган бўлса, унда амортизацияни ҳисоблаш усули ўзгараётган ҳолатни акс эттира оладиган даражада ўзгартирилиши керак бўлади.

Номоддий активдан фойдаланиш муддатига қараб амортизация меъёри аниқланади. Номоддий активларнинг фойдаланиш муддати муайян хўжалик юритувчи субъект фаолият кўрсатиш муддатидан кўп бўлмаслиги керак. Агар номоддий активни фойдаланиш муддатини аниқлаб бўлмаса, у ҳолда унинг фойдаланиш муддати 5 йил деб қабул қилинади.

Ўрнатилган амортизация меъёрига кўра ҳар ойда номоддий активларнинг амортизацияси ҳисобланиб харажатларга қўшилади.

Бу хўжалик операциясига қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Асосий ишлаб чиқариш» счёти ёки
Дебет «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти ёки
Дебет «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти ёки
Дебет «Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи тегишли счётлар;
Кредит «Номоддий активларнинг амортизациясини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи тегишли счётлар.

Агар номоддий актив акцияли жамият шаклидаги хўжалик юритувчи субъектнинг устав фондига акциядорнинг улуши сифатида қўшилган номоддий активнинг қийматига тенг бўлган эскириш суммаси йиғилмасдан бу номоддий актив тугатилса, у ҳолда унинг

қийматини харажатларга қўшилмаган қисми ўрнатилган тартибда ҳисобдан чиқарилади.

Келгуси давр харажатлари ҳисоби

Хўжалик юритувчи субъектнинг муайян ҳисобот даврида қилинган, лекин келгуси ҳисобот даврларига таалуқли бўлган харажатларнинг жорий қисми тўғрисидаги маълумотлар «Келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётларда умумлаштирилади.

Бу гуруҳга кирган счётларда олдиндан тўланган даврий матбуот нашрлари учун йиллик обуна суммалари, олдиндан тўланган кейинги даврлар учун ижара ҳақи суммалари ва бошқа шу каби олдиндан тўланган ва келгусида ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг, бажарилаётган ишларнинг ва кўрсатилаётган хизматларнинг таннархига қўшиладиган суммалар ҳисобга олинади. Келгуси давр харажатлари белгиланган муддат давомида хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсатида белгиланган тартибда, тенг равишда ёки ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг миқдорига, бажарилаётган ишларнинг ҳажмига ва кўрсатилаётган хизматларнинг ҳажмига мутаносиб равишда амалга оширилади.

Ижара шартномасига кўра йиллик ижара ҳақи 100 фоиз ҳисобот йилини бошида тўланадиган бўлса, у ҳолда ижара ҳақининг умумий суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Олдиндан тўланган ижара» счёти;
Кредит «Бошқа мажбуриятлар» счёти.

Ижара ҳақининг муайян ҳисобот ойига тегишли суммаси харажатларга қўшилганда қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Асосий ишлаб чиқариш» счёти ёки
Дебет «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти ёки
Дебет «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти ёки
Дебет «Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи тегишли счётлар;
Кредит «Олдиндан тўланган ижара» счёти.

Келгуси йил учун даврий матбуот нашрларига обуна қилинганида тўланган обуна суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкалари тузилади:

1) Дебет «Олдиндан тўланган хизматлар» счёти;
Кредит «Бошқа мажбуриятлар» счёти.
2) Дебет «Бошқа мажбуриятлар» счёти;
Кредит «Депозит ҳисобвараги» счёти.

Ўтган йили тўланган даврий матбуот нашрлари суммасининг муайян ҳисобот ойига тегишли суммаси харажатларга қўшилганда қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи тегишли счётлар;

Кредит «Олдиндан тўланган хизматлар» счёти.

Учинчи операция. Ижара ҳақининг муайян ҳисобот ойига тегишли суммалари харажатларга қўшиляпти:

Асосий ишлаб чиқаришга	500000 сўм:
а) «А» маҳсулотни ишлаб чиқаришга	350000 сўм;
б) «Б» маҳсулотни ишлаб чиқаришга	150000 сўм.
Ёрдамчи ишлаб чиқаришга	200000 сўм;
Умумишлаб чиқариш харажатларга	300000 сўм;
Давр харажатларига	700000 сўм.

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Асосий ишлаб чиқариш» счёти	500000 сўм;
Дебет «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти	200000 сўм;
Дебет «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти	300000 сўм;
Дебет «Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи тегишли счётлар	700000 сўм;
Кредит «Олдиндан тўланган ижара» счёти	1700000 сўм.

Келгусида қилинадиган харажатлар ва тўловлар захиралари ҳисоби

Бир маромда харажатлар ва тўловларни хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолиятини тегишли харажатларига қўшиш мақсадида белгиланган тартибда захиралaнган суммалар мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар «Келгусида қилинадиган харажатлар ва тўловларнинг захиралари» счётида умумлаштирилади. Бундай суммаларни захиралаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунчилик ва норматив ҳужжатлари ҳамда маҳсулотларни, ишларни ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби, шунингдек молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низоми асосида аниқланади ва хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсатида қайд қилинади.

Келгусида қилинадиган харажатлар ва тўловларнинг захиралари ташкил қилиш билан боғлиқ хўжалик операцияларига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Асосий ишлаб чиқариш» счёти ёки
Дебет «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти ёки
Дебет «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти ёки
Дебет «Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи тегишли счётлар;
Кредит «Келгусида қилинадиган харажатлар ва тўловларнинг захиралари» счёти.

Келгусида қилинадиган харажатлар ва тўловларнинг у ёки бу захиралари ташкил қилиш ва фойдаланиш суммаси давр мобайнида ҳамда йил охирида смета маълумотлари, ҳисоб-китоблар ва бошқа маълумотлар бўйича текширилади, лозим бўлганда тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Асосий воситалар хизмат қилиш даври давомида кўп маротаба жорий таъмирланади. Асосий воситаларнинг жорий таъмирлаш харажатлари ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг, бажарилаётган ишларнинг ва кўрсатилаётган хизматларнинг таннархига қўшилади. Асосий воситаларнинг жорий таъмирлаш харажатлари ҳисобот йили давомида ҳар ойда бир хил суммада бўлмайди. Бу эса ҳисобот йилининг ҳар хил ойларида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар, бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматлар таннархининг сунъий равишда ўзгариб туришига олиб келади. Шунинг учун кўпгина хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобот йилининг бошида шу йилда асосий воситаларни жорий таъмирлаш учун керак бўладиган маблағлар суммасини аниқлайди. Асосий воситаларнинг жорий таъмирлаш учун аниқланган суммаси ўн иккига бўлиниб, шу йўл билан аниқланган сумма ҳар ойдаги тегишли харажатларга қўшилади.

Асосий воситаларни жорий таъмирлаш харажатлари учун режалаштирилган суммасига тегишли харажатларни ҳисобга олувчи счётлар дебетланиб, «Келгусида қилинадиган харажатлар ва тўловларнинг захиралари» счёти кредитланади.

Тўртинчи операция. Ҳисобот ойи учун аввалдан тузилган режага кўра асосий воситаларни жорий таъмирлаш харажатлари учун режалаштирилган сумма ташкил қилинди:

Асосий ишлаб чиқаришга	800000 сўм:
а) «А» маҳсулотни ишлаб чиқаришга	500000 сўм;
б) «Б» маҳсулотни ишлаб чиқаришга	300000 сўм.
Ёрдамчи ишлаб чиқаришга	150000 сўм;

Умумишлаб чиқариш харажатларга	900000 сўм;
Давр харажатларига	400000 сўм.

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Асосий ишлаб чиқариш» счёти	800000 сўм;
Дебет «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти	150000 сўм;
Дебет «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти	900000 сўм;
Дебет «Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи тегишли счётлар	400000 сўм;
Кредит «Келгусида қилинадиган харажатлар ва тўловларнинг захиралари» счёти	2250000 сўм.

Ҳисобот йили ичида бажарилган асосий воситаларнинг жорий таъмирлаш ҳаражатлари ана шу ташкил қилинган захира ҳисобидан қопланилаверади. Ҳисобот йилининг охирида, агар асосий воситаларни жорий таъмирлаш харажатлари суммаси уларни қоплаш учун ташкил қилинган суммадан ортиқча бўлса, у ҳолда шу ортиқча сумма «Келгусида қилинадиган харажатлар ва тўловларнинг захиралари» счётининг дебет қисмида қолдиқ сифатида қолаверади.

Ишчи ва хизматчилар муайян хўжалик юритувчи субъектда олти ой ишлагандан сўнг меҳнат таътилига чиқиш ҳуқуқига эга бўлади. Хўжалик юритувчи субъектда ишловчи аввалги ишлаган жойидан хўжалик юритувчи субъектда ишловчилар сонининг камайиши ёки хўжалик юритувчи субъектнинг тугатилиши натижасида иш жойи ўзгарган бўлса ҳамда ушбу хўжалик юритувчи субъектда бир йилдан кўп ишлаган ишчи ва хизматчиларга олти ой ишлагандан сўнг меҳнат таътилига чиқиш талаб қилинмайди. Маълумки, таътил даври учун ишчи ва хизматчиларга уларнинг ўртача иш ҳақи суммаси тўланади. Ҳисобот йили ичида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар таннархининг сунъий равишда ўзгаришини йўқотиш мақсадида ҳар ойда ишчиларга ҳисобланган иш ҳақи суммасига нисбатан захира суммаси аниқланиб, ишлаб чиқариш харажатларига қўшилади. Шуни айтиб ўтмоқ керакки, захира суммаси фақат ишлаб чиқариш ишчиларининг таътил даври учун ташкил қилинади, холос. Хизматчи ва мухандис-техник ходимларнинг таътил даври учун захира ташкил қилинмайди. Хизматчи ва мухандис-техник ходимлар асосан вақтбай усулида ҳақ оладилар. Бундан ташқари бирор хизматчи ёки мухандис-техник ходимнинг таътилга чиқиши ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолишига олиб келмайди.

Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартиби

Таътиллар вақтига ҳақ тўлаш, ишдан бўшатиш нафақасини, ишсизлик нафақасини тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоблаб чиқариш кунидаги тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан келиб чиққан ҳолда уларни:

а) муайян ташкилотда бир йил ёки ундан кўп ишлаётган ходимларга ҳисоблаш даврида тарификация бўйича ёки лавозим маошидан ошган, яъни, ижтимоий суғурта бўйича тўлов ҳисобланган ишбай асосида ишлаб топилган қўшимча иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, иш ҳақига қўшимча ҳақлар ва бошқа тўловлар суммасини ўн иккидан бирга оширган ҳолда ҳисоблаб чиқилади;

б) муайян ташкилотда бир йилдан кам (биринчи йил) ишлаётган ходимларга ҳисоблаш даврида тарификация бўйича ёки лавозим маошидан ошган, яъни, ижтимоий суғурта бўйича тўлов ҳисобланган ишбай асосида ишлаб топилган қўшимча иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, иш ҳақига қўшимча ҳақлар ва бошқа тўловлар суммасини олти тўла ой ишлаганга олтидан бирга, етти тўла ой ишлаганга еттидан бирга ва ҳакозо оширган ҳолда ҳисоблаб чиқилади;

в) ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқитувчилари учун ҳисоблаш даврида тарификация бўйича ёки лавозим маошидан ошган, яъни, ижтимоий суғурта бўйича тўлов ҳисобланган ишбай асосида ишлаб топилган қўшимча иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, иш ҳақига қўшимча ҳақлар ва бошқа тўловлар суммасини ўндан бирга оширган ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

Йил охирида ортиқча бажарилган соатлар учун ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқитувчиларига қўшимча ҳақ ушбу соатлар бажарилаётган вақтда амалда бўлган ставкалар бўйича тўланади.

Ходимларнинг саломатлигига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши иш берувчи томонидан қопланиши учун суммалар ҳисоб-китоби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

Меҳнатга яроқсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш варақалари бўйича тўловлар (нафақалар ҳисоблаш) ҳисоб-китоби Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

Бошқа барча ҳолларда (таътиллар вақтига ҳақ тўлаш, ишдан бўшатиш нафақасини, ишсизлик нафақасини тўлаш; ходимларнинг саломатлигига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши иш берувчи томонидан қопланиши учун суммалар; меҳнатга яроқсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш варақалари бўйича тўловлардан (нафақалар ҳисоблаш) ташқари), яъни, ходимларнинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажаришлари, шунингдек, уларнинг жамият манфаатларига доир ҳаракатларни амалга оширишлари билан боғлиқ кафолатли тўловларни бериш учун ўртача ойлик иш ҳақи кейинги икки календарь ойидаги ўртача ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб белгиланади.

Ходим меҳнат таътилида бўлганда, давлат ёки жамоат вазифаларини бажариш, икки ойгача бўлган муддатда иш қидириш (меҳнат бўйича маҳаллий орган томонидан берилган маълумотномага мувофиқ уч ой), шунингдек, касаллик даврида тариф ставкалари, лавозим маошлари миқдорлари ошган ҳолларда меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шартларидаги ташкилотларнинг ишлаган кунларига тўғри келган иш кунларининг амалдаги сони учун тўловлар қайта ҳисобланади.

Ходимларнинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажаришлари, шунингдек, уларнинг жамият манфаатларига доир ҳаракатларни амалга оширишлари билан боғлиқ кафолатли тўловларни бериш тартиби

Ходимлар томонидан давлат ёки жамият манфаатларига доир бажариладиган вазифалар:

- сайлов ҳуқуқини амалга ошириш;
- депутатлик вазифаларини бажариш;
- тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси ишида иштирок этиш;
- ҳарбий бурчни бажариш;
- суриштирув органларига, терговчи, прокурор ҳузурига, судга гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, мутахассис, таржимон, холислар тариқасида (чақириқ бўйича) бориш;
- халқ маслаҳатчилари, жамоат айбловчилари ва жамоат ҳимоячилари, жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоалари вакиллари сифатида суд мажлисларида, шунингдек, қонун билан назарда тутилган бошқа ҳолларда иштирок этиш ҳисобланади.

Ходимлар томонидан давлат манфаатлари йўлида қилинадиган ҳаракатлар:

- авариялар, табиий офатларнинг оқибатларини тугатиш;
- инсон ҳаётини сақлаш;
- қуйиш учун қон топшириш ва бошқа ҳоллар ҳисобланади.

Давлат ёки жамоат вазифаларини бажариш вақтида (қонун билан белгиланган ёки тегишли органнинг чақириқ қоғозида, хабарномасида кўрсатилган вақтда) иш берувчи ходимнинг иш жойи (лавозими)ни сақлаган ҳолда уни ишдан озод қилиши шарт.

Ходимнинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажариши, шунингдек, унинг жамият манфаатларига доир қилаётган ҳаракатлари вақтида ушбу вазифаларни бажариш учун қонун билан белгиланган вақтдаги ёки тегишли орган томонидан берилган маълумотномада кўрсатиб ўтилган муддатдаги лимитга мувофиқ ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади.

Ходимларнинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажариш, шунингдек, жамият манфаатларига доир ҳаракатлар қилишлари вақтидаги уларнинг ўртача иш ҳақини сақлаб қолиш билан боғлиқ харажатлар бюджет ташкилотларида бюджетдан молиялаштириладиган маблағ ҳисобидан қопланади.

Ходимларнинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажаришлари билан боғлиқ кафолатли тўловлар ташкилотларнинг иш ҳақи фонди ҳисобидан амалга оширилади.

Бешинчи операция. Махсус ҳисоб-китобларга кўра ишлаб чиқаришда тўғридан-тўғри қатнашувчи ишчиларнинг таътил даври учун тўлаш учун захира ташкил қилиниб, харажатларга қўшилди:

1. Асосий ишлаб чиқаришда ишловчи ишчилар бўйича 400000 сўм:
шу жумладан
а) «А» маҳсулотни ишлаб чиқаришда ишловчи ишчилар бўйича 250000 сўм;
б) «Б» маҳсулотни ишлаб чиқаришда ишловчи ишчилар бўйича бўйича 150000 сўм.
2. Ёрдамчи ишлаб чиқаришда ишловчи ишчилар бўйича 200000 сўм;
3. Умумишлаб чиқариш аҳамиятидаги машиналар ва ускуналарга хизмат қилувчи ишчилар бўйича 350000 сўм.

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Асосий ишлаб чиқариш» счёти 400000 сўм;
Дебет «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти 200000 сўм;
Дебет «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти 350000 сўм;

Кредит «Келгусида қилинадиган харажатлар ва
тўловларнинг захиралари» счёти 950000 сўм.

Олтинчи операция. Ишчи ва хизматчиларга таътил ҳақи ҳисобланди:

1. Асосий ишлаб чиқаришда ишловчи ишчиларга 200000 сўм;
2. Ёрдамчи ишлаб чиқаришда ишловчи ишчиларга 100000 сўм;
3. Машиналар ва ускуналарга хизмат қилувчи ишчиларга 150000 сўм;
4. Цехларнинг хизматчи ва мухандис-техник ходимларига 175000 сўм;
5. Умум хўжалик юритувчи субъект ходимларига 25000 сўм.

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Келгусида қилинадиган харажатлар ва
тўловларнинг захиралари» счёти 450000 сўм;
Дебет «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти 175000 сўм;
Дебет «Маъмурий харажатлар» счёти 25000 сўм;
Кредит «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир
ҳисоб-китоблари» счёти 650000 сўм.

Юқорида келтирилган операциядан кўриниб турибдики, ишлаб чиқаришда тўғридан-тўғри қатнашувчи ишчиларга ҳисобланган таътил ҳақи суммасига «Келгусида қилинадиган харажатлар ва тўловларнинг захиралари» счёти дебетланади.

Ҳисобот йилининг охирида келгусида қилинадиган харажатлар ва тўловларнинг захираси суммаси инвентаризация қилинади. Агар таътил ҳақини тўлаш учун ташкил қилинган захира суммаси таътилга чиқмаган ишчиларга тўланиши учун керак бўлган суммага нисбатан кам бўлса, у ҳолда шу кам чиққан сумма миқдорида қўшимча захира ташкил қилинади. Бу қўшимча ташкил қилинган захира суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Асосий ишлаб чиқариш» счёти ёки
Дебет «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти ёки
Дебет «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти;
Кредит «Келгусида қилинадиган харажатлар ва тўловларнинг захиралари»
счёти

Агар таътил ҳақини тўлаш учун ташкил қилинган захира суммаси таътилга чиқмаган ишлаб чиқаришда тўғридан-тўғри қатнашувчи ишчиларга тўланиши учун керак бўлган суммага нисбатан ортиқ бўлса, у ҳолда бу ортиқча суммага ишлаб чиқариш харажатлари камайтирилади. Бу хўжалик операциясига юқорида келтирилган бухгалтерия проводкаси тузилиб, сумма **қизил сиёҳ** билан ёзилади.

Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар ҳисоби

«Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китобларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар» ва «Депонентлаштирилган меҳнат ҳақи» счётларида хўжалик юритувчи субъект рўйхати таркибида турувчи ва турмайдиган ходимлардан меҳнат ҳақи бўйича (иш ҳақининг барча турлари, мукофот ва бошқа тўловлар) жорий қарзлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштирилади.

«Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар» счётининг кредитида ходимларга ҳисобланган меҳнат ҳақлари, тегишли захиралар ҳисобида ходимларга таътил ҳақи, кўп йил ишлагани учун йилда бир марта ҳисобланган тақдирлаш ва бошқалар акс эттирилади. «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар» счётининг дебетида эса ходимларга ҳисобланган меҳнат ҳақидан ушланган суммалар ва тўланган меҳнат ҳақлари ҳамда ўз вақтида олинмаган меҳнат ҳақини депонентлаштирилиши қайд эттирилади.

Ходимлар таътилининг ҳисобот ойига тўғри келадиган кунларига ҳисобланган сумма ҳисобот ойи иш ҳақи фондига киритилади. Ходимлар таътил кунлари кейинги ойларга тўғри келганлари учун ҳисобланган таътил суммалари ҳисобот ойида ходимларга берилган бўнак сифатида акс эттирилади ва бу ҳисобланган таътил суммалари келгуси ойда хўжалик юритувчи субъектнинг иш ҳақи фондига киритилади.

Ҳисобланган, аммо ўрнатилган муддатда тўланмаган (олувчининг келмаганлиги сабабли) суммалар депонентлаштирилади ва бу суммалар «Берилмаган меҳнат ҳақлари реестри»да акс эттирилади. Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар» счёти;
Кредит «Депонентлаштирилган меҳнат ҳақи» счёти.

Депонентлар билан депонентлаштирилган меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар «Депонентлаштирилган меҳнат ҳақини ҳисобга олиш китоби»да олиб борилади. Бу китобга маълумотлар берилмаган меҳнат ҳақлари реестрига асосан қайд қилинади.

Депонентлаштирилган меҳнат ҳақи берилганда қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Депонентлаштирилган меҳнат ҳақи» счёти;
Кредит «Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти.

Еттинчи операция. Тегишли бошланғич ҳужжатларга асосан ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи ҳисобланиб харажатларга қўшилди:

1. Асосий ишлаб чиқариш ишловчи ишчиларга	3500000 сўм:
шу жумладан	
а) «А» маҳсулотни ишлаб чиқаришда ишловчи ишчиларга	2500000 сўм;
б) «Б» маҳсулотни ишлаб чиқаришда ишловчи ишчиларга	1000000 сўм.
2. Ёрдамчи ишлаб чиқариш ходимларига	1800000 сўм;
3. Умумишлаб чиқариш ходимларига	2000000 сўм;
4. Умумхўжалик юритувчи субъект ходимларига	500000 сўм.

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Асосий ишлаб чиқариш» счёти	3500000 сўм;
Дебет «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти	1800000 сўм;
Дебет «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти	2000000 сўм;
Дебет «Маъмурий харажатлар» счёти	500000 сўм;
Кредит «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблари» счёти	7800000 сўм.

Юқорида келтирилган хўжалик операцияларидан кўриниб турибдики, ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг, бажарилаётган ишларнинг ва кўрсатилаётган хизматларнинг таннархига бевосита қўшиш мумкин бўлган иш ҳақи суммаси «Асосий ишлаб чиқариш» счётининг дебетида акс эттирилади. Иш ҳақининг ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг, бажарилаётган ишларнинг ва кўрсатилаётган хизматларнинг таннархига бевосита қўшиш мумкин бўлмаган суммалари йиғиб тақсимловчи счётларда ой давомида ҳисобга олиб борилиб, ойнинг охирида шу йиғиб тақсимловчи счётдаги бошқа харажатлар билан биргаликда, хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсати қабул қилинган маълум базисга мутаносиб равишда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг, бажарилаётган ишларнинг ва кўрсатилаётган хизматларнинг таннархига қўшилади.

Ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи хўжалик юритувчи субъектларнинг кассасидан тўланади. Бунинг учун хўжалик юритувчи субъектнинг банкдаги талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағидан чек билан кассага нақд пул келтирилади. Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти;

Кредит «Депозит ҳисобвараги» счёти.

Бухгалтерия томонидан тузилган «Тўлов ведомости» ёки «Ҳисоб-китоб-тўлов ведомости»га асосан кассадан ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи тўланади. Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблари» счёти;

Кредит «Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти.

Агар ишчи ва хизматчилар томонидан «Тўлов ведомости» ёки «Ҳисоб-китоб-тўлов ведомости»да кўрсатилган иш ҳақи суммаси кассадан уч кун давомида олинмаса, у ҳолда бу иш ҳақи депонентга ўтказилади. Бу хўжалик операциясига қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблари» счёти;

Кредит «Депонентлаштирилган меҳнат ҳақи» счёти.

Депонентлаштирилган меҳнат ҳақи хўжалик юритувчи субъектнинг кассасидан унинг банк муассасасидаги талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварагига қайтариб топширилади. Бу хўжалик операциясига қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Депозит ҳисобвараги» счёти;

Кредит «Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти.

Бюджет билан тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби

Бюджет билан тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобини олиб бориш учун «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» счёти ва «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнакли тўловлар» счёти тайинланган.

Хўжалик юритувчи субъектнинг солиқлардан жорий мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотлар *«Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» счёти*да умумлаштирилади. Бу счётнинг кредитида бюджетга тегишли бўлган солиқлар ва йиғимлар бўйича тўловлар суммаси акс эттирилади. Бу счётнинг дебетида эса ҳақиқатда бюджетга ўтказиб берилган солиқлар ва йиғимлар суммалари ҳамда солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўлов сифатида аввал ўтказиб берилган суммалар қайд эттирилади.

Хўжалик юритувчи субъект томонидан солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўлов сифатида ўтказиб берилган суммалар тўғрисидаги маълумотлар *«Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнакли тўловлар» счёти*да умумлаштирилади. Бу счётнинг дебетида хўжа-

лик юритувчи субъект томонидан солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўлов сифатида ўтказиб берилган суммалар акс эттирилса, унинг кредитида эса бу солиқлар ва тўловлар бўйича охирги ҳисоб-китоб даврида «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» счётига ўтказилиши акс эттирилади.

Ишчи ва хизматчиларга ҳисобланган меҳнат ҳақи суммасидан ушланган даромад солиғи суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар» счёти;

Кредит «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» счёти.

Ишчи ва хизматчиларга ҳисобланган меҳнат ҳақи суммасидан ушланган даромад солиғи суммаси бюджетга хўжалик юритувчи субъектнинг банк муассасасидаги талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағидан ўтказиб берилганда қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» счёти;

Кредит «Депозит ҳисобвараги» счёти.

Хўжалик юритувчи субъект томонидан бўнак сифатида турли солиқ ва йиғимлар бюджетга хўжалик юритувчи субъектнинг банк муассасасидаги талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағидан ўтказиб берилганда қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнакли тўловлар» счёти;

Кредит «Депозит ҳисобвараги» счёти.

Хўжалик юритувчи субъект томонидан бўнак сифатида турли солиқ ва йиғимлар ўтказиб берилган сумма бюджет билан охирги ҳисоб-китобларга ўтказилганда қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» счёти;

Кредит «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнакли тўловлар» счёти.

Демак, «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» синтетик счёти пассив счёт бўлиб, унинг кредитида бюджетга ҳисобланган солиқлар ва йиғимлар суммасини кўрсатувчи хўжалик операциялари, унинг дебетида эса бюджетга ҳисобланган солиқлар ва йиғимлар суммасини солиқ органининг счётига ўтказилиши акс эттирилади. «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнакли тўловлар» синтетик счёти актив счёт бўлиб, унинг дебетида бюджетга бўнак сифатида солиқ органининг счётига ўтказиб берилган солиқлар ва йиғимлар суммаси акс эттирилса, бу счётнинг кредитида эса ҳисобланган солиқлар ва йиғимлар суммаси бўйича солиқ органи билан

охирги ҳисоб-китоблар қилинганда бюджетга бўнак сифатида ўтказиб берилган суммани «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» счётининг дебетига ўтказилиши акс эттирилади.

Суғурта ва давлат мақсадли фондлари билан ҳисоб-китоблар ҳисоби

Суғурта ва давлат мақсадли фондлари билан ҳисоб-китоблар ҳисобини олиб бориш учун «Суғурта ва давлат мақсадли фондларига тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар» ва «Давлат мақсадли фондларига ва суғурта бўйича бўнакли тўловларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳларига кирувчи счётлар тайинланган.

«Суғурта ва давлат мақсадли фондларига тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳларига кирувчи счётлар пассив счётлар бўлиб, уларда хўжалик юритувчи субъектнинг мулкини ва ходимларни суғуртаси бўйича, давлат ижтимоий суғуртаси, пенсия таъминоти ва тиббий суғуртасига доир ажратмалар бўйича, давлат мақсадли фондларига ажратмалар бўйича ҳамда учинчи шахсларнинг мулкий қизиқишига келтирилган зарар учун фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш тўғрисидаги маълумотлар умумлаштирилади. «Суғурта бўйича тўловлар» счёти хўжалик юритувчи субъектнинг мол-мулкини ва ходимларини (ходимларни ижтимоий ва тиббий суғурта бўйича ҳисоб-китоблардан ташқари) суғурта бўйича қарзлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун тайинланган. «Давлат мақсадли фондларига тўловлар» счёти давлат мақсадли фондларига ажратмалар бўйича қарзлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун тайинланган. Бу счётларнинг кредитида ҳисобланган суғурта ва давлат мақсадли фондларига қилинган ажратмалар акс эттирилса, уларнинг дебетида эса хўжалик юритувчи субъектнинг банк муассасасидаги талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағидан ўтказиб берилган суғурта ва ажратмалар суммаси ҳамда охирги ҳисоб-китоблар вақтида аввал бўнак сифатида ўтказиб берилган суғурта ва ажратмалар суммаларини қарзларни қоплашга қабул қилиниши акс эттирилади.

Суғурта бўйича тўловлар суммаси ҳисобланиб харажатларга қўшилади.

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Асосий ишлаб чиқариш» счёти ёки

Дебет «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти ёки

Дебет «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти ёки

Дебет «Маъмурий харажатлар» счёти;

Кредит «Суғурта бўйича тўловлар» счёти.

Ишчи ва хизматчиларга ҳисобланган меҳнат ҳақи суммасига нисбатан қонунчиликда белгиланган фоизда пенсия фондига ягона ижтимоий тўлов бўйича ажратма ҳисобланиб харажатларга қўшилади. Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Асосий ишлаб чиқариш» счёти ёки

Дебет «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти ёки

Дебет «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти ёки

Дебет «Маъмурий харажатлар» счёти;

Кредит «Давлат мақсадли фондларига тўловлар» счёти.

Ишчи ва хизматчиларга ҳисобланган меҳнат ҳақи суммасига нисбатан қонунчиликда белгиланган фоизда пенсия фондига ягона ижтимоий тўлов бўйича ажратма ҳисобланиб харажатларга қўшилган суммалар пенсия фондига хўжалик юритувчи субъектнинг банк муассасасидаги талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобвариғидан ўтказиб берилганда қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Давлат мақсадли фондларига тўловлар» счёти *(ёки «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» счёти);*

Кредит «Депозит ҳисобвараги» счёти.

Амалдаги қонунчиликда белгиланган фоизда хўжалик юритувчи субъектлар Республика йўл фондига ажратмалар қилади ва бу хўжалик юритувчи субъектларнинг тегишли харажатларига қўшилади.

«Давлат мақсадли фондларига ва суғурта бўйича бўнакли тўловларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳларига кирувчи счётлар актив счётлар бўлиб, уларда хўжалик юритувчи субъектнинг суғурта бўйича бўнакли тўловлар ва давлат мақсадли фондларга бўнакли тўловлар тўғрисидаги маълумотлар умумлаштирилади. «Суғурта бўйича бўнакли тўловлар» счётининг дебетида хўжалик юритувчи субъект томонидан ўзининг банк муассасасидаги талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобвариғидан ўтказиб берилган суғурта бўйича бўнакли тўловлар суммаси акс эттирилса, унинг кредитида эса суғурта бўйича тўловларга доир охириги ҳисоб-китоблар қилинганда аввал бўнак сифатида тўланган суғурта суммаси хўжалик юритувчи субъектнинг суғурта бўйича қарзларини қоплашга ўтказилиши акс эттирилади. Суғурта бўйича бўнак қилиб хўжалик юритувчи субъектнинг банк муассасасидаги талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисоб-

варағидан суғурта ташкилотларига ўтказиб берилганда қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Суғурта бўйича бўнакли тўловлар» счёти;

Кредит «Депозит ҳисобвараги» счёти.

Суғурта бўйича тўловларга доир охириги ҳисоб-китоблар қилинганда бўнак қилиб суғурта бўйича тўланган суммаси хўжалик юритувчи субъектнинг суғурта бўйича қарзларини қоплашга ўтказилганда қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Суғурта бўйича тўловлар» счёти;

Кредит «Суғурта бўйича бўнакли тўловлар» счёти.

«Давлат мақсадли фондларига бўнакли тўловлар» счётининг дебетида хўжалик юритувчи субъект томонидан ўзининг банк муассасасидаги талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобвариғидан ўтказиб берилган пенсия фондига, республика йўл фондига ва бошқа бюджетдан ташқари давлат мақсадли фондларига ажратмалар бўйича бўнакли тўловлар суммаси акс эттирилса, унинг кредитида эса ажратмалар бўйича тўловларга доир охириги ҳисоб-китоблар қилинганда аввал тегишли ажратмалар бўйича бўнак сифатида тўланган суммаси хўжалик юритувчи субъектнинг ажратмалар бўйича қарзларини қоплашга ўтказилиши акс эттирилади. Пенсия фондига ягона ижтимоий тўлов бўйича бўнак қилиб хўжалик юритувчи субъектнинг банк муассасасидаги талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағидан пенсия фондига ўтказиб берилганда қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Давлат мақсадли фондларига бўнакли тўловлар» счёти;

Кредит «Депозит ҳисобвараги» счёти.

Пенсия фондига ягона ижтимоий тўловларга доир охирги ҳисоб-китоблар қилинганда бўнак қилиб пенсия фондига тўланган ягона ижтимоий тўлов суммаси хўжалик юритувчи субъектнинг пенсия фондига ягона ижтимоий тўлов бўйича қарзларини қоплашга ўтказилганда қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Давлат мақсадли фондларига тўловлар» счёти *(ёки «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» счёти);*

Кредит «Давлат мақсадли фондларига бўнакли тўловлар» счёти.

Саккизинчи операция. Ишчи ва хизматчиларга ҳисобланган иш ҳақи суммасига нисбатан қонунчиликда белгиланган фоизда пенсия фондига ягона ижтимоий тўлов ҳисобланиб харажатларга қўшилди.

1. Асосий ишлаб чиқариш ишловчи ишчиларга ҳисобланган иш ҳақига нисбатан 1050000 сўм:

шу жумладан

а) «А» маҳсулотни ишлаб чиқаришда ишловчи ишчиларга ҳисобланган иш ҳақига нисбатан 750000 сўм;

б) «Б» маҳсулотни ишлаб чиқаришда ишловчи ишчиларга ҳисобланган иш ҳақига нисбатан 300000 сўм.

2. Ёрдамчи ишлаб чиқариш ходимларига ҳисобланган иш ҳақига нисбатан 540000 сўм;

3. Умумишлаб чиқариш ходимларига ҳисобланган иш ҳақига нисбатан 600000 сўм;

4. Умумхўжалик юритувчи субъект ходимларига ҳисобланган иш ҳақига нисбатан 150000 сўм.

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Асосий ишлаб чиқариш» счёти 1050000 сўм;

Дебет «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти 540000 сўм;

Дебет «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти 600000 сўм;

Дебет «Маъмурий харажатлар» счёти 150000 сўм;

Кредит «Давлат мақсадли фондларига тўловлар» счёти 2340000 сўм.

(ёки «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» счёти)

Ишчи ва хизматчиларга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги бўйича нафақа, ишловчи нафақахўрларга пенсия, бола туғилган бир вақтда бериладиган ва бошқа нафақалар пенсия фонди ҳисобидан ҳисобланади. Ҳисобланган пенсия ва нафақалар суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Бошқа дебиторларнинг қарзлари» счёти;

Кредит «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар» счёти.

Хўжалик юритувчи субъектнинг берган талабномасига кўра ишчи ва хизматчиларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги бўйича ҳисобланган нафақалар, ишловчи нафақахўрларга ҳисобланган пенсиялар ва ҳисобланган бошқа нафақаларни тўлаш учун бюджетдан ташқари пенсия фондидан маблағ хўжалик юритувчи субъектнинг банк муассасасидаги талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағига келиб тушганда қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Депозит ҳисобвараги» счёти;

Кредит «Бошқа дебиторларнинг қарзлари» счёти.

Хўжалик юритувчи субъектнинг банк муассасасидаги талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағига бюджетдан ташқари пенсия фондидан келиб тушган маблағ ҳисобидан ишчи ва хиз-

матчиларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги бўйича нафақалар, ишловчи нафақахўрларга пенсиялар ва ходимларга бошқа нафақалар тўланганда қуйидаги бухгалтерия проводкалари тузилади:

1) Банк муассасасидан хўжалик юритувчи субъектнинг кассасига олиб келинган нақд пул суммасига:

Дебет «Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти;

Кредит «Депозит ҳисобвараги» счёти.

2) Хўжалик юритувчи субъект кассасидан берилган нафақалар суммасига:

Дебет «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар» счёти;

Кредит «Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти.

Умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби

Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришларга хизмат қилишга доир умумишлаб чиқариш харажатлари «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счётида умумлаштирилади. Умумишлаб чиқариш харажатларига: машиналар ва ускуналарни сақлаш ва улардан фойдаланишга доир харажатлар; ишлаб чиқаришда фойдаланишга тайинланган асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизация ажратмалари; ишлаб чиқаришда фойдаланишга тайинланган асосий воситаларнинг таъмирлаш харажатлари; ишлаб чиқаришда фойдаланишга тайинланган мол-мулкни суғуртаси бўйича харажатлар; ишлаб чиқариш хоналарини иситиш, ёритиш ва сақлаш харажатлари; ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ишлаб чиқариш хоналари, машиналар ва ускуналар ва бошқа ижарага олинган воситалар учун ижара ҳақи; ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатишда банд бўлган ишлаб чиқариш ходимларига меҳнат ҳақи тўлашга доир харажатлар ва бошқа шунга ўхшаш харажатлар киради.

Юқорида кўрсатилган харажатлар «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счётининг дебетида акс эттирилади. Бу счётда ҳисобга олинган харажатлар ҳисоб объектлари ўртасида хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсатида қабул қилинган базисларга мутаносиб равишда тақсимланади. Умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш ведомостига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Асосий ишлаб чиқариш» счёти ёки

Дебет «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти;

Кредит «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти.

«Умумишлаб чиқариш харажатлари» счётининг кредитига хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсатида қабул қилин-

ган базисларга мутаносиб равишда тақсимланиши йўли билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг, бажарилаётган ишларнинг ва кўрсатилаётган хизматларнинг таннархига қўшилишини кўрсатувчи хўжалик операциялари акс эттирилади. Ҳисобот ойининг охирида «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счётида қолдиқ қолмайди.

Тўққизинчи операция. Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсатида қабул қилинган базисларга мутаносиб равишда умумишлаб чиқариш харажатлари тақсимлаш ведомостига асосан ҳисобот ойининг умумишлаб чиқариш харажатлари тақсимланди:

1. Асосий ишлаб чиқаришга	6270000 сўм;
шу жумладан	
а) «А» маҳсулотни ишлаб чиқаришга	4000000 сўм;
б) «Б» маҳсулотни ишлаб чиқаришга	2270000 сўм.
2. Ёрдамчи ишлаб чиқаришга	630000 сўм.

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Асосий ишлаб чиқариш» счёти	6270000 сўм;
Дебет «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти	630000 сўм;
Кредит «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти	6900000 сўм.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби

Асосий ишлаб чиқариш ва хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фаолиятига ёрдамчи ва унга хизмат кўрсатувчи бўлган ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисидаги маълумотлар «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётида умумлаштирилади. Бу счётнинг дебетида асосий ишлаб чиқаришга турли турдаги энергия билан хизмат кўрсатиш, транспорт хизматларини кўрсатиш, асосий воситаларни таъмирлаш, штамплар ва эҳтиёт қисмлар ва бошқалар тайёрлаш каби қилинган харажатлар акс эттирилади. «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётининг кредитида эса ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг, бажариб топширилган ишларнинг, кўрсатилган хизматларнинг ҳақиқий таннархининг суммалари қайд этилади. «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти бўйича ҳисобот ойи охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш суммаси бўлиши мумкин.

Ўнинчи операция. Ёрдамчи ишлаб чиқариш томонидан ҳисобот ойи давомида бажариб топширилган ишлар ва кўрсатган хизматларининг ҳақиқий таннархи қуйидагилар:

1. Асосий ишлаб чиқаришга бажариб топширилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг ҳақиқий таннархи	2000000 сўм;

шу жумладан

а) «А» маҳсулотни ишлаб чиқаришга 1500000 сўм;

б) «Б» маҳсулотни ишлаб чиқаришга 500000 сўм.

2. Умумишлаб чиқаришга бажариб топширилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг ҳақиқий таннархи 1000000 сўм;

3. Умумхўжалик бўйича бажариб топширилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг ҳақиқий таннархи 620000 сўм.

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Асосий ишлаб чиқариш» счёти 2050000 сўм;

Дебет «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти 1000000 сўм;

Дебет «Маъмурий харажатлар» счёти 620000 сўм;

Кредит «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти 3620000 сўм.

Ишлаб чиқаришдаги яроқсизлик ҳисоби

Ишлаб чиқаришда аниқланган яроқсизлик туфайли йўқотишлар ва кафолатли таъмирлашга қилинган харажатлар тўғрисидаги маълумотлар «Ишлаб чиқаришдаги яроқсизлик» счётида умумлаштирилади. Бу счётнинг дебетида аниқланган ички ва ташқи яроқсизлик харажатлари (тузатиб бўлмайдиган, яъни бутунлай яроқсизликлар қиймати, яроқсизликни тузатишга қилинган харажатлар ва бошқалар), шунингдек кафолатли таъмирлаш учун қилинган харажатлар акс эттирилади. «Ишлаб чиқаришдаги яроқсизлик» счётининг кредитида эса яроқсизликдан йўқотишларни камайтиришга тегишли суммалар (яроқсиз бўлган маҳсулотни фойдаланиш мумкин бўлган нарх бўйича қиймати; яроқсиз ҳолатга келтиришга айбдор бўлган шахслардан ушланиши лозим бўлган суммалар ва бошқалар), шунингдек ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилган яроқсизликдан кўрилган йўқотишлар суммаси акс эттирилади. Яроқсизликдан кўрилган йўқотишлар суммаси ишлаб чиқариш харажатларига қўшилганда қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Асосий ишлаб чиқариш» счёти ёки

Дебет «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти;

Кредит «Ишлаб чиқаришдаги яроқсизлик» счёти.

Бухгалтерия ҳисобининг счётлар рўйхатидаги ишлаб чиқариш жараёни ҳисобига тегишли синтетик счётлар тўғрисида қисқача маълумот бериш давомида келтирилган хўжалик операциялари натижасида «Асосий ишлаб чиқариш» счётида «А» маҳсулотни ва «Б» маҳсулотни ишлаб чиқариш учун қилинган харажатлар сумма-

си тўпланади. Ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёни натижасида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилади, ишлар бажариб топширилади ва кўрсатилган хизмат топширилади. Энди ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларни омборга қабул, бажариб тугатилган ишларни ва кўрсатилган хизматларни буюртмачиларга топшириш ва уларнинг ҳақиқий таннархини аниқлашни кўриб ўтиш зарур.

Тайёр маҳсулотлар ҳисоби

Хўжалик юритувчи субъект омборидаги, кўргазмадаги ва комиссияга берилган тайёр маҳсулотларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар «Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётларда умумлаштирилади. Тайёр маҳсулотлар ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархида ҳисобга олиб борилади. Қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларда деҳқончилик, чорвачилик маҳсулотлари ва хом ашёни қайта ишлашни йил давомида бизнес-режадан келиб чиққан ҳолда аниқланган режали таннархда ҳисобга олиб борилади. Қишлоқ хўжалик тайёр маҳсулотларининг ҳақиқий таннархи билан режали таннархи ўртасидаги йил охирида аниқланган фарқ, муайян тайёр маҳсулотларнинг йил охиридаги қолдиғига тегишли қисмигина шу маҳсулот счётида қайд этилади холос. Сотиш учун ҳамда қисман муайян хўжалик юритувчи субъектнинг эҳтиёжи учун ишлаб чиқилган тайёр маҳсулотлар «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счётининг дебетида ҳисобга олиб борилади. Бу счётни моддий неъматлар ишлаб чиқариш тармоқларининг хўжалик юритувчи субъектлари қўллайди. Четга бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг қиймати «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счётида акс эттирилмайди.

Буюртмачиларга жойида топширилиши керак бўлган ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилмаган маҳсулотлар тугалланмаган ишлаб чиқариш таркибида қолади ва улар «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счётида акс эттирилмайди.

Сотиш учун (шу жумладан қисман муайян хўжалик юритувчи субъектнинг ўз эҳтиёжлари учун тайинланган маҳсулотлар) тайёрланган (олинган) тайёр маҳсулотлар омборга қабул қилинганда қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счёти;
Кредит «Асосий ишлаб чиқариш» счёти ёки
Кредит «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти.

Агар тайёр маҳсулотнинг ҳаммаси хўжалик юритувчи субъектнинг ўзида ишлатиладиган бўлса, у ҳолда бу тайёр маҳсулот «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счётига кирим қилинмаслиги ва «Материалларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётларга ёки бошқа шунга ўхшаш счётларга кирим қилиниши мумкин.

Харидорларга (буюртмачиларга) жўнатилган ёки жойида берилган ва улар бўйича ҳисоб-китоб ҳужжатлари юқоридаги харидорларга (буюртмачиларга) тақдим қилинган тайёр маҳсулотлар сотилган деб қабул қилинади.

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкалари тузилади:

1) Сотилган тайёр маҳсулотларнинг сотиш баҳосидаги қийматига:

Дебет «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти;

Кредит «Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар» счёти.

2) Сотилган тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархидаги қийматига:

Дебет «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи» счёти;

Кредит «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счёти.

Сотилган тайёр маҳсулотлар учун харидорлар ва буюртмачилардан хўжалик юритувчи субъектнинг банк муассасасидаги талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағига келиб тушган суммага қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Депозит ҳисобвараги» счёти;

Кредит «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти.

«Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счётининг дебетида ишлаб чиқаришдан қабул қилинган тайёр маҳсулотларнинг режали ёки меъёрий таннархи, ойнинг охирида қабул қилинган тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи билан режали ёки меъёрий таннархи ўртасидаги фарқ суммаси акс эттирилади. Ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулотлар ҳисобот ойи ичида омборга режали ёки меъёрий таннархи билан қабул қилинади. Ҳисобот ойининг охирида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи аниқланади. Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи режали ёки меъёрий таннархдан кам бўлса, у ҳолда бу фарқ суммага қизил сиёҳ билан бухгалтерия проводкаси тузилиб, «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счётининг дебетига ва «Асосий ишлаб чиқариш» счётининг кредитига ёзилади. Агар ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи режали ёки меъёрий таннархидан юқори бўлса, у ҳолда бу фарқ суммага қўшимча бухгалтерия

проводкаси тузилиб, «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счётининг дебетига ва «Асосий ишлаб чиқариш» счётининг кредитига оддий сиёҳ билан акс эттирилади.

Ўн биринчи операция. Юк хатига асосан ҳисобот ойи ичида асосий ишлаб чиқаришда тайёрланган маҳсулот режали таннархда омборга қабул қилинди.

«А» маҳсулот - 50 дона, ҳар бир донасининг режали таннархи 230000 сўм, ҳаммаси бўлиб 11500000 сўм;

«Б» маҳсулот - 25 дона, ҳар бир донасининг режали таннархи 195000 сўм, ҳаммаси бўлиб 4875000 сўм.

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счёти
Кредит «Асосий ишлаб чиқариш» счёти. } 16375000 сўм

Ҳисобот ойининг охирида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш учун туталланмаган ишлаб чиқаришнинг суммасини топиш керак. Бунинг учун туталланмаган ишлаб чиқариш инвентаризация қилиш натижасида аниқланган туталланмаган ишлаб чиқаришни ҳақиқий таннархига ёки баъзи бир хўжалик юритувчи субъектларда меъёрий таннархига кўпайтириш билан унинг суммаси топилади. Бу сумма «Асосий ишлаб чиқариш» счётида кўрсатилган ишлаб чиқариш харажатлари умумий суммасидан айириб ташланса, ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи топилади.

Ўн иккинчи операция. Калькуляция ведомостига асосан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар ҳақиқий таннархининг режали таннархидан фарқи аниқланди:

1. «А» маҳсулот бўйича қабул қилинган тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришга қилинган ҳақиқий харажатлар суммаси унинг режали таннархи суммасидан кам бўлган. Фарқ суммаси 500000 сўмдан иборат.

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади (операция суммаси қизил сиёҳда ёзилади):

Дебет «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счёти
Кредит «Асосий ишлаб чиқариш» счёти. } [500000] сўм

Бу бухгалтерия проводкасидаги сумма қизил сиёҳ билан ёзилган бўлади.

2. «Б» маҳсулот бўйича қабул қилинган тайёр маҳсулотнинг ишлаб чиқаришга қилинган ҳақиқий харажатлар суммаси унинг режали

таннархи суммасидан кўп бўлган. Фарқ суммаси 125000 сўмдан иборат..

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счёти Кредит «Асосий ишлаб чиқариш» счёти.	125000 сўм

Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш ва тайёр маҳсулотни қабул қилиш билан ишлаб чиқариш жараёни ҳисоби тугайди.

5. Сотиш жараёни ҳисоби

Сотиш мақсадида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сотиш жараёнида харидорлар ва буюртмачиларга жўнатилади ва улардан қабул қилиб олинган бу маҳсулотлар учун улгуржи, шартнома, келишилган ёки эркин нархда пул олинади.

Ишлаб чиқариш жараёни ҳисоби ёритилганда, айтиб ўтилганидек, ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот хўжалик юритувчи субъектнинг омборида ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархида ҳисобга олинади. Тайёр маҳсулотлар харидорлар ва буюртмачиларга етказиб берилгунга қадар бир қанча харажатлар қилинади. Бу харажатлар ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажатлар бўлиб ҳисобланади. Тайёр маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархига уни харидорлар ва буюртмачиларга етказиш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатларни қўшиш йўли билан сотилган маҳсулотларнинг тўла таннархи аниқланилади.

Сотиш жараёнида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг сотиш натижалари аниқланади. Сотиш натижалари фойда ёки зарар бўлиб чиқиши мумкин. Бу тўғрида дарсликнинг аввалги бобларида ҳам гап юритилган. Шуни айтиш керакки, ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар харидорлар ва буюртмачиларга сотилади, бажарилган иш ва хизматлар ҳамда қурилиш, лойиҳа-тадқиқот, геология-қидирув ва илмий-текшириш ишлари буюртмачиларга топширилади. Шунга қарамасдан бу жараённи сотиш жараёни деб аташ мақсадга мувофиқдир.

Сотиш жараёнида тайёр маҳсулотлар харидорларга берилади ёки жўнатилади. Харидорлардан жўнатилган тайёр маҳсулотлар, бажа-

риб топширилган иш ва кўрсатилган хизматлар учун пул олинади. Ҳисобот йилининг охирида сотиш натижалари аниқланади.

Қуйида сотиш жараёни ҳисоби билан бевосита алоқадор бўлган синтетик счётларнинг қисқача тавсифномаси берилади.

Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби

Харидорлар ва буюртмачиларга берилган ёки жўнатилган маҳсулотлар (товарлар), бажариб топширилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар ҳамда уларнинг дебитор қарзлари тўғрисидаги маълумотлар «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счётида умумлаштирилади. «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти актив счёт бўлиб, уни дебетида харидорлар ва буюртмачиларга берилган ёки жўнатилган маҳсулотлар (товарлар), бажариб топширилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг сотиш қиймати акс эттирилса, унинг кредитида эса берилган ёки жўнатилган маҳсулотлар (товарлар), бажариб топширилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун харидорлар ва буюртмачилардан олинган маблағ суммаси ҳамда харидорлар ва буюртмачилар томонидан шартнома шартига кўра маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар учун тўланган бўнак суммалари акс эттирилади.

Харидорлар ва буюртмачилар томонидан шартнома шартига кўра маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар учун тўланган бўнак суммалари «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» счёти деган пассив счётда қайд қилинади. Амалдаги қонунчиликка кўра маҳсулотларни сотиб олиш, ишларни бажариб бериш ва хизматларни кўрсатиш тўғрисида тузилган шартномаларда унда кўрсатилган шартнома суммасининг энг камида 15 фоизи харидорлар ва буюртмачилар томонидан аввалдан бўнак сифатида тўланиши шарт қилиб қўйилади.

Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар ҳисоби

Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар тўғрисидаги маълумотлар «Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар» транзит счётида умумлаштирилади. Бу счётнинг кредитида сотилган тайёр маҳсулотлар учун харидорлар ва буюртмачилардан

олинган даромадлар суммаси акс эттирилса, унинг дебетида эса ҳисобот даври охирида муайян счётнинг кредитида ҳисобот даври давомидан йиғилган суммаларни хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижасига ўтказилиши акс эттирилади.

Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар ҳисоби

Ишлар бажаришдан ва хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар тўғрисидаги маълумотлар «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар» деган транзит счётда умумлаштирилади. Бу счётнинг кредитида бажариб топширилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун харидорлар ва буюртмачилардан олинган даромадлар суммаси акс эттирилса, унинг дебетида эса ҳисобот даври охирида муайян счётнинг кредитида ҳисобот даври давомидан йиғилган суммаларни хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижасига ўтказилиши акс эттирилади.

Сотилган тайёр маҳсулотлар таннархи ҳисоби

Сотилган тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи тўғрисидаги маълумотлар «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи» деган транзит счётда умумлаштирилади. Бу счётнинг дебетида сотилган тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархидаги суммаси акс эттирилса, унинг кредитида эса ҳисобот даври охирида муайян счётнинг дебетида ҳисобот даври давомидан йиғилган суммаларни хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижасига ўтказилиши акс эттирилади.

Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар таннархи ҳисоби

«Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи» счётида бажариб топширилган ишлар кўрсатилган хизматларнинг ҳақиқий таннархи тўғрисидаги маълумотлар «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи» счётида умумлаштирилади. «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи» счёти ҳам транзит счётлар қаторига киради. Бу счётнинг дебетида бажариб топширилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг ҳақиқий таннархидаги суммаси акс эттирилса, унинг кредитида эса ҳисобот даври охирида муайян счётнинг дебетида ҳисобот даври давомидан йиғилган суммаларни хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижасига ўтказилиши акс эттирилади.

Харидорлар ва буюртмачилар томонидан шартномада кўрсатилган бўнак суммаси хўжалик юритувчи субъектнинг банк муассасасидаги талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағига ўтказиб берилганда, бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Депозит ҳисобвараги» счёти;

Кредит «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» счёти.

Харидорлар ва буюртмачиларга берилган ёки жўнатилган тайёр маҳсулотларга (товарларга) қуйидаги бухгалтерия проводкалари тузилади:

1) Харидорлар ва буюртмачиларга берилган ёки жўнатилган тайёр маҳсулотлар(товарлар)нинг сотиш қийматига:

Дебет «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти;

Кредит «Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар» счёти.

2). Харидорлар ва буюртмачиларга берилган ёки жўнатилган тайёр маҳсулотлар(товарлар)нинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархидаги қийматига:

Дебет «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи» счёти;

Кредит «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счёти.

3). Юқорида кўрсатилаган тайёр маҳсулотлар (товарлар) учун харидорлар ва буюртмачилар томонидан аввал тўланган бўнак суммасига:

Дебет «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» счёти;

Кредит «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти.

Харидорлар ва буюртмачиларга бажариб топширилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар тегишли далолатнома ёки бошқа ҳужжатлар билан расмийлаштирилади. Далолатнома, шартнома ва бошқа ҳужжатларга асосан қуйидаги бухгалтерия проводкалари тузилади:

1). Харидорлар ва буюртмачиларга бажариб топширилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг шартномада келишилган (кўрсатилган) ва далолатнома билан расмийлаштирилган қийматига:

Дебет «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти;

Кредит «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар» счёти.

2). Харидорлар ва буюртмачиларга бажариб топширилган ишлар ва кўрсатилган хизматларни бажаришга қилинган ҳақиқий харажатлар суммасига:

Дебет «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи» счёти;

Кредит «Асосий ишлаб чиқариш» счёти.

3). Юқорида кўрсатилаган ишларни бажариб бериш ва хизматларни кўрсатиш учун харидорлар ва буюртмачилар томонидан аввал тўланган бўнак суммасига:

Дебет «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» счёти;

Кредит «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти.

Сотишга доир харажатлар ҳисоби

Сотишга доир харажатлар шу номдаги «Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи «Сотишга доир харажатлар» счёти номли актив транзит счётда ҳисобга олиб борилади. «Сотишга доир харажатлар» счётининг дебетида маҳсулотларни истеъмолчиларгача олиб бориш, маҳсулотларни транспорт воситаларига юклаш билан боғлиқ харажатлар, маркетинг билан шуғулланувчи бўлимлар ва ходимларнинг харажатлари ва бошқа сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар акс эттирилади. Бу счётнинг кредитида эса ҳисобот даврининг охирида сотиш билан боғлиқ харажатлар суммасини хўжалик юритувчи субъектнинг якуний молиявий натижасига ўтказилиши акс эттирилади.

Асосий воситаларни ва бошқа активларни сотиш ҳисоби

Хўжалик юритувчи субъект ўзининг асосий воситаларини ва бошқа активларини юридик ва жисмоний шахсларга сотиши мумкин. Улар сотиш билан боғлиқ маълумотлар «Асосий воситалар ва бошқа активларнинг ҳисобдан чиқишини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи «Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқиши» ва «Бошқа активларнинг ҳисобдан чиқиши» счётларда умумлаштирилади.

«Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқиши» счётининг дебетида ҳисобдан чиқарилаётган асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати ва муайян асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар суммаси акс эттирилади. Бу счётнинг кредитида эса сотилган асосий воситалар учун харидорлардан олинган маблағлар суммалари, асосий воситаларни тугатиш натижасида олинган материал қийматликларнинг фойдаланиш ва сотиш мумкин бўлган баҳодаги қиймати ҳамда ҳисобдан чиқарилаётган асосий воситалар бўйича улар ҳисобдан чиқиш вақтигача ҳисобланган эскириш суммалари акс эттирилади.

Асосий воситалар сотилганда қуйидаги бухгалтерия проводкалари тузилади:

1). Сотилган асосий воситанинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматига:

Дебет «Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқиши» счёти;

Кредит «Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи тегишли счёт.

2). Сотилган асосий восита бўйича ҳисобланган эскириш суммасига:

Дебет «Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи тегишли счёт;

Кредит «Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқиши» счёти.

3). Асосий восита сотилган суммага:

Дебет «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти;

Кредит «Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқиши» счёти.

4). Асосий воситани сотиш бўйича аниқланган натижа суммасига:

а) агар сотиш натижасида фойда олинган бўлса:

Дебет «Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқиши» счёти;

Кредит «Асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришдан олинган фойда» счёти.

б) агар сотиш натижасида зарар кўрилган бўлса:

Дебет «Бошқа операцион харажатлар» счёти;

Кредит «Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқиши» счёти.

Ҳисобдан чиқарилаётган асосий воситалардан бошқа активларнинг баланс қиймати ва муайян бошқа активларни ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар суммаси «Бошқа активларнинг ҳисобдан чиқиши» счётининг дебетида акс эттирилади. Бу счётнинг кредитида эса сотилган бошқа активлар учун харидорлардан олинган маблағлар суммалари. Номоддий активлар сотилганда «Бошқа активларнинг ҳисобдан чиқиши» счётининг кредитида ҳисобдан чиқарилаётган номоддий актив бўйича улар ҳисобдан чиқиш вақтигача ҳисобланган амортизация суммалари акс эттирилади.

Асосий воситалардан бошқа активлар сотилганда қуйидаги бухгалтерия проводкалари тузилади:

1) Сотилган номоддий активнинг баланс қийматига:

Дебет «Бошқа активларнинг ҳисобдан чиқиши» счёти;

Кредит «Номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи тегишли счёт.

2) Сотилган номоддий актив бўйича ҳисобланган амортизация суммасига:

Дебет «Номоддий активларнинг амортизациясини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи тегишли счёт;

Кредит «Бошқа активларнинг ҳисобдан чиқиши» счёти.

3) Номоддий актив сотилган суммага:

Дебет «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти;

Кредит «Бошқа активларнинг ҳисобдан чиқиши» счёти.

4) Номоддий активни сотиш бўйича аниқланган натижа суммасига:

а) агар сотиш натижасида фойда олинган бўлса:

Дебет «Бошқа активларнинг ҳисобдан чиқиши» счёти;

Кредит «Бошқа активларни ҳисобдан чиқаришда олинган фойда» счёти.

б) агар сотиш натижасида зарар кўрилган бўлса:

Дебет «Бошқа операцион харажатлар» счёти;

Кредит «Бошқа активларнинг ҳисобдан чиқиши» счёти.

Сотиш жараёнидан кейин молиявий натижаларни ҳисоблаб чиқиш жараёни бошланади.

6. Молиявий натижалар ҳисоби

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисобот давридаги молиявий натижаларини шакллантирилиши ва ишлатилиши тўғрисидаги маълумотлар «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси»нинг *«Даромадлар ва харажатлар» бўлимига кирувчи счётлар*да умумлаштирилади. Бу бўлимга қуйидаги счётлар гуруҳлари киради:

Асосий (операцион) фаолиятдан олинадиган даромадларни ҳисобга олувчи счётлар;

Сотилган маҳсулот(товар, иш, хизмат)ларнинг таннархини ҳисобга олувчи счётлар;

Асосий воситалар ва бошқа активларнинг ҳисобдан чиқишини ҳисобга олувчи счётлар;

Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларни ҳисобга олувчи счётлар;

Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар;

Молиявий фаолиятдан келадиган даромадларни ҳисобга олувчи счётлар;

Молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счётлар;

Фавқулодда фойда(зарар)ларни ҳисобга олувчи счётлар;

Солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи счётлар.

Якуний молиявий натижани ҳисобга олувчи счётлар

Молиявий натижани шакллантириш учун алоҳида даромад ҳисобини олиб борувчи счётлар ва алоҳида харажатлар ҳисобини олиб борувчи счётлар қўлланилади. Маҳсулотлар ва товарлар харидорларга сотилганда ҳамда бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар буюртмачиларга топширилганида қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва бошқа тўловлар суммаси «Олинадиган счётлар» гуруҳига кирувчи счётларнинг ёки пул маблағларини ҳисобга олув-

чи счётларнинг дебети бўйича ва «Бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётларнинг кредити бўйича қайд қилинади.

Асосий (операцион) фаолиятдан олинадиган даромадлар ҳисоби

Тайёр маҳсулотлар, товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг сотилишидан олинган даромадлар ҳамда сотилган товарларнинг қайтарилиши, сотувдан ва нархлардан чегирмалар тўғрисидаги маълумотлар *«Асосий (операцион) фаолиятдан олинадиган даромадларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётлар*да умумлаштирилади. «Асосий (операцион) фаолиятдан олинадиган даромадларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётларнинг («Сотилган товарларни қайтарилиши» счёти ва «Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар» счётидан ташқари) кредити бўйича хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фаолиятидан (тайёр маҳсулотлар, товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг сотилишидан) олинган даромадлар, яъни тайёр маҳсулотлар, товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг сотилишидан олинган соф тушум суммаси акс эттирилади. Уларнинг дебетида эса ҳисобот даврининг охирида уларнинг кредити бўйича айланма суммаларини «Якуний молиявий натижа» счётига ўтказилиши акс эттирилади.

Сотилган маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар) таннархи ҳисоби

Сотилган тайёр маҳсулотлар, товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи тўғрисидаги маълумотлар *«Сотилган маҳсулот(товар, иш, хизмат)ларнинг таннархини ҳисобга олувчи счётлар»* гуруҳига кирувчи счётларда умумлаштирилади. «Сотилган маҳсулот(товар, иш, хизмат)ларнинг таннархини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётларнинг дебети бўйича сотилган тайёр маҳсулотлар, бажариб топширилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи ҳамда сотилган товарларнинг таннархи акс эттирилади. Уларнинг кредитида эса ҳисобот даврининг охирида уларнинг дебети бўйича айланма суммаларини «Якуний молиявий натижа» счётига ўтказилиши акс эттирилади.

Асосий воситалар ва бошқа активларнинг ҳисобдан чиқиши ҳисоби

Муайян хўжалик юритувчи субъектга тегишли бўлган асосий воситаларнинг ва бошқа активларнинг ҳисобдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар *«Асосий воситалар ва бошқа активларнинг ҳисобдан чиқишини ҳисобга олувчи счётлар»* гуруҳига кирувчи счётларда умумлаштирилади. Асосий воситалар ва бошқа активларнинг ҳисобдан чиқишини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобдан чиқарилган ҳар бир асосий восита ва ҳар бир бошқа актив бўйича аналитик ҳисоб олиб борилиб, улар бўйича тугатиш натижалари аниқланади.

Агар асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш натижасида фойда олинган бўлса, у ҳолда бу олинган фойда суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқиши» счёти;

Кредит «Асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришдан олинган фойда» счёти.

Агар асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш натижасида зарар кўрилган бўлса, у ҳолда бу кўрилган зарар суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Бошқа операцион харажатлар» счёти;

Кредит «Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқиши» счёти.

Агар бошқа активларни ҳисобдан чиқариш натижасида фойда олинган бўлса, у ҳолда бу олинган фойда суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Бошқа активларнинг ҳисобдан чиқиши» счёти;

Кредит «Бошқа активларни ҳисобдан чиқаришдан олинган фойда» счёти.

Агар бошқа активларни ҳисобдан чиқариш натижасида зарар кўрилган бўлса, у ҳолда бу кўрилган зарар суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Бошқа операцион харажатлар» счёти;

Кредит «Бошқа активларнинг ҳисобдан чиқиши» счёти.

Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ҳисоби

Асосий воситалар ва бошқа активларни ҳисобдан чиқариш натижасида олинган фойда, ундирилган пеня, жарима ва неустойкалар, ўтган йиллар фойдалари, қисқа муддатли ижарадан олинган даромадлар, кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқариш натижасида олинган даромадлар, хўжалик юритувчи субъектнинг хизмат кўрсатувчи хўжаликларининг даромадлари, беғараз молиявий ёрдам ва бошқа операцион даромадлар тўғрисидаги маълумот-

лар *«Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларни ҳисобга олувчи счётлар»* гуруҳига кирувчи счётларда умумлаштирилади. Бундай маълумотлар «Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётларнинг кредитида акс эттирилган бўлади. Бу счётларнинг дебетида эса ҳисобот даврининг охирида уларнинг кредити бўйича айланма суммаларини «Якуний молиявий натижа» счётига ўтказилиши акс эттирилади.

Давр харажатлари ҳисоби

Сотиш билан бевосита боғлиқ бўлган харажатлар, маъмурий харажатлар ва бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган бошқа операцион харажатлар ҳамда келгусида солиққа тортиладиган базадан чегириладиган муайян ҳисобот даврининг харажатлари тўғрисидаги маълумотлар *«Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар»* гуруҳига кирувчи счётларда умумлаштирилади. Давр харажатлари таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот(иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»-ги Низомга асосан тартибга солинади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ харажатлар ҳисоби юқорида «Сотиш жараёни ҳисоби»ни ёритилганда айтиб ўтилган.

«Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи *«Маъмурий харажатлар»* счётининг дебетида хўжалик юритувчи субъектни бошқаришга доир харажатлар, бошқарув ходимларининг меҳнат ҳақи харажатлари, умуммаъмурий тайинланган асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари, умумхўжалик аҳамиятидаги хоналар учун ижара ҳақи ва бошқа харажатлар акс эттирилади. Унинг кредитида эса ҳисобот даврининг охирида унинг дебети бўйича айланма суммаларини «Якуний молиявий натижа» счётига ўтказилиши акс эттирилади.

«Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи *«Бошқа операцион харажатлар»* счётининг дебетида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлар, ахборот, аудиторлик ва маслаҳатчилик хизматларга тўлаш харажатлари, компенсацион ва рағбатлантириш характеридаги тўловлар, меҳнатга ҳақ ҳисоблашда ҳисобга олинмайдиган тўловлар ва харажатлар, банк ва депозитария хизматларини тўлаш, зарарлар, жарималар, пеня ва опера-

ционфаолият жараёнида пайдо бўлган ҳамда ишлаб чиқариш жараёни ва молиявий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа харажатлар акс эттирилади. Унинг кредитида эса ҳисобот даврининг охирида унинг дебети бўйича айланма суммаларини «Якуний молиявий натижа» счётига ўтказилиши акс эттирилади.

Молиявий фаолиятдан келадиган даромадлар ҳисоби

Роялти, дивидендлар ва фоизлар кўринишидаги даромадлар, валюта курсларидаги фарқдан, узоқ муддатли ижарадан ва қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар ва молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар тўғрисидаги маълумотлар *«Молиявий фаолиятдан келадиган даромадларни ҳисобга олувчи счётлар»* гуруҳига кирувчи счётларда умумлаштирилади. Бундай маълумотлар «Молиявий фаолиятдан келадиган даромадларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётларнинг кредитида акс эттирилган бўлади. Бу счётларнинг дебетида эса ҳисобот даврининг охирида уларнинг кредити бўйича айланма суммаларини «Якуний молиявий натижа» счётига ўтказилиши акс эттирилади.

Узоқ муддатли ижарага объектларини молиявий лизинг бўйича берган хўжалик юритувчи субъект ҳисоблаган ижара ҳақи суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Олинадиган фоизлар» счёти;

Кредит «Узоқ муддатли ижарадан олинган даромадлар» счёти.

Молиявий фаолият бўйича харажатлар ҳисоби

Фоизлар кўринишидаги харажатлар, валюта курсларидаги фарқдан кўриладиган, қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар тўғрисидаги маълумотлар *«Молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счётлар»* гуруҳига кирувчи счётларда умумлаштирилади. Бу маълумотлар «Молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётларнинг дебетида акс эттирилган бўлади. Бу счётларнинг кредитида эса ҳисобот даврининг охирида уларнинг дебети бўйича айланма суммаларини «Якуний молиявий натижа» счётига ўтказилиши акс эттирилади.

Узоқ муддатли ижарага объектларини молиявий лизинг бўйича олган хўжалик юритувчи субъект ҳисоблаган ижара ҳақи суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Фоиз кўринишидаги харажатлар» счёти;
Кредит «Ҳисобланган фоизлар» счёти.

Фавқулодда олинган фойдалар ва кўрилган зарарлар ҳисоби

Тасодифий, хўжалик юритувчи субъект учун типик бўлмаган, унинг одатдаги фаолиятидан кутилмаган ва бундай фаолиятга тегишли бўлмаган фойдалар ва даромадлар ҳамда тасодифий кутилмаган типик бўлмаган зарарлар тўғрисидаги маълумотлар *«Фавқулодда олинган фойда(зарар)ларни ҳисобга олувчи счётлар»* гуруҳига кирувчи счётларда умумлаштирилади.

Бу счётлар гуруҳига кирувчи *«Фавқулодда фойдалар»* счётининг кредитида тасодифий, хўжалик юритувчи субъект учун типик бўлмаган, унинг одатдаги фаолиятидан кутилмаган ва бундай фаолиятга тегишли бўлмаган фойдалар ва даромадлар акс эттирилади. Бу счётнинг дебетида эса ҳисобот даврининг охирида унинг кредити бўйича айланма суммани «Якуний молиявий натижа» счётига ўтказилиши акс эттирилади.

«Фавқулодда олинган фойда(зарар)ларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи *«Фавқулодда зарарлар»* счётининг дебетида тасодифий, хўжалик юритувчи субъект учун типик бўлмаган, унинг одатдаги фаолиятидан кутилмаган ва бундай фаолиятга тегишли бўлмаган зарарлар акс эттирилади. Бу счётнинг кредитида эса ҳисобот даврининг охирида унинг дебети бўйича айланма суммани «Якуний молиявий натижа» счётига ўтказилиши акс эттирилади.

Фойданинг ишлатилиши ҳисоби

Ҳисобот йили давомида хўжалик юритувчи субъектнинг даромад(фойда)ларидан олинадиган солиқлар, фойдадан тўланадиган бошқа солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги маълумотлар *«Солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи счётлар»* гуруҳига кирувчи счётларда умумлаштирилади.

Даромад(фойда)лар ҳисобидан ҳисобланган солиқ суммалари *«Даромад(фойда)лардан олинадиган солиқ бўйича харажатлар»* счётини дебетида акс эттирилади. Ҳисобланган даромад (фойда) солиғи суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Даромад(фойда)лардан олинадиган солиқ бўйича харажатлар» счёти;
Кредит «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» счёти.

Даромад(фойда)лар ҳисобидан ҳисобланган бошқа солиқлар (ягона солиқ, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ялпи

даромадларидан солиқ) ва йиғимлар (инфратузилма йиғими) суммалари *«Фойдадан тўланадиган бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича харажатлар»* счётини дебетида акс эттирилади. Ҳисобланган ягона солиқ, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ялпи даромадларидан солиқ ва инфратузилма йиғими суммаларига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Фойдадан тўланадиган бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича харажатлар» счёти;

Кредит «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» счёти.

Молиявий йил тугагандан сўнг йиллик молиявий ҳисоботни тузишдан аввал «Даромад(фойда)лардан олинадиган солиқ бўйича харажатлар» ва «Фойдадан тўланадиган бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича харажатлар» счётларининг дебети бўйича айланма суммалари «Якуний молиявий натижа» счётига ўтказилади.

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Якуний молиявий натижа» счёти;

Кредит «Даромад(фойда)лардан олинадиган солиқ бўйича харажатлар» счёти ёки

Кредит «Фойдадан тўланадиган бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича харажатлар» счёти.

Якуний молиявий натижа ҳисоби

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисобот давридаги якуний молиявий натижасининг шаклланиши тўғрисидаги маълумотлар *«Якуний молиявий натижа»* счётида умумлаштирилади.

«Якуний молиявий натижа» счётининг дебетида: сотилган маҳсулотларнинг, бажариб топширилган ишларнинг ва кўрсатилган хизматларнинг ҳақиқий таннархи; давр харажатлари; молиявий фаолият бўйича харажатлар; фавқулодда кўрилган зарарлар; фойда ҳисобидан ҳисобланган солиқлар ва йиғимлар суммалари акс эттирилади.

«Якуний молиявий натижа» счётининг кредитида эса: асосий (операцион) фаолиятдан олинган даромадлар; асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар; молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ва фавқулодда олинган фойдалар суммалари акс эттирилади.

Ҳар бир ҳисобот даврининг охирида «Якуний молиявий натижа» счётининг дебет ва кредит бўйича айланма суммалари аниқланиб умумий қолдиқ чиқарилади. Бу қолдиқ сумма хўжалик юритув-

чи субъект бўйича ҳисобот даврининг якуний молиявий натижасини ифодалайди. Агар якуний қолдиқ кредитли қолдиқ бўлса, у ҳолда хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолияти фойда билан якунланганлигини билдиради. Агар якуний қолдиқ дебетли қолдиқ бўлса, у ҳолда хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолияти зарар билан якунланганлигини билдиради.

Молиявий ҳисобот йили тугагандан кейин йиллик молиявий ҳисобот тузиш олдидан «Якуний молиявий натижа» счёти беркитилади.

Агар хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолияти фойда билан якунланган бўлса, у ҳолда бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Якуний молиявий натижа» счёти;

Кредит «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счёти.

Агар хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолияти зарар билан якунланган бўлса, у ҳолда бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счёти;

Кредит «Якуний молиявий натижа» счёти.

Тақсимланмаган фойда ва қопланмаган зарарлар ҳисоби

Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолияти давомида, шунингдек ҳисобот йилидаги тақсимланмаган фойдаси ёки қопланмаган зарари суммаларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар *«Тақсимланмаган фойдани (қопланмаган зарарни) ҳисобга олувчи счётлар»* гуруҳига кирувчи счётларда умумлаштирилади. Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисобот йилидаги тақсимланмаган фойдаси ёки қопланмаган зарари суммалари *«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»* счётида ҳисобга олиб борилади. Молиявий-хўжалик фаолиятининг якуни йил охирида якуний бухгалтерия проводкаси билан бу счётга ўтказилади. Агар молиявий-хўжалик фаолиятининг якуни фойда билан тугаган бўлса, бу фойда суммаси «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счётининг кредитида акс эттирилади. Агар молия-хўжалик фаолиятининг якуни зарар билан тугаган бўлса, бу зарар суммаси «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счётининг дебетида акс эттирилади.

Молиявий-хўжалик фаолиятининг якуни бўйича олинган фойда суммаси дивиденд тўлаш учун ҳамда захира капиталини шакллантириш учун ишлатилиши мумкин.

Жамият таъсисчиларга (акциядорларга) ҳисобланган дивиденд суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счёти;

Кредит «Тўланадиган дивидендлар» счёти.

Молиявий-хўжалик фаолиятининг якуни бўйича олинган фойда суммаси ҳисобидан хўжалик юритувчи субъектнинг захира капиталини шакллантиришга йўналтирилган суммага қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счёти;

Кредит «Захира капитали» счёти.

Ҳисобот йилида тақсимланмаган фойда суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счёти

Кредит «Йиғилган фойда (қопланмаган зарар)» счёти.

Ҳисобот йилида қопланмаган зарар суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Йиғилган фойда (қопланмаган зарар)» счёти;

Кредит «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счёти.

Савол ва топшириқлар

1. Бухгалтерия ҳисобида баҳолаш қандай аҳамиятга эга?

2.Хўжалик маблағлари ва хўжалик жараёни бухгалтерия балансида қандай таннархда кўрсатилади?

3.Материал қийматликлар жорий бухгалтерия ҳисобида қандай баҳоларда ҳисобга олинади?

4. Ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар қандай баҳода омборга қабул қлинади?

5. Калькуляциянинг таърифини айтинг.

6. Калькуляция қилишнинг таърифини айтинг.

7.Харажатлар ўзларининг иқтисодий мазмунига қараб қандай гуруҳларга бўлинади?

8. Бевосита ва билвосита харажатларни тавсифлаб беринг.

9. Тугалланмаган ишлаб чиқариш деганда нимани тушунасиз?

10. Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларни тушунтириб беринг.

11.Таъминот жараёни ҳисобининг муҳим синтетик счётларини тушунтириб беринг.

12.«Материалларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига кирувчи счётларни тавсифлаб беринг.

13.Ишлаб чиқариш жараёни ҳисобининг асосий синтетик счётларини изоҳлаб беринг.

14.Ишлаб чиқаришни бошқариш харажатларини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархига қўшиш тартибини айтинг.

15.Сотиш жараёни билан тўғридан-тўғри алоқадор бўлган синтетик счётларни изоҳлаб беринг.

16.Якуний молиявий натижани аниқлаш тартибини айтиб беринг.

ЕТТИНЧИ БОБ

ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ ВА ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ ҚИЛИШ

1. Бухгалтерия ҳужжатлари ҳақида тушунча

Хўжалик юритувчи субъектларда содир бўлган хўжалик операцияларини, моддий жавобгар шахслардаги моддий қийматликларни, шунингдек, бошқа шахслар ва ташкилотлар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ва назорат қилишни таъминлаш учун бухгалтерия ҳужжатларидан фойдаланилади.

Бухгалтерия ҳисобини юритишда ҳужжатлар жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки ҳар бир содир бўлган хўжалик операцияси ҳужжатлаштирилганлиги натижасидагина унинг тўхтовсиз ҳисобга олиниши таъминланади ва ишончномага эга бўлинади. Шу билан бирга бухгалтерия ҳисобининг счётларида, регистрларда ва ҳисобот иш қоғоз(бланк)ларида акс эттирилган ҳамма ёзувлар тегишли бошланғич ҳужжатлар билан асосланган бўлиши зарур. Шунинг учун ҳам ҳужжатлаштириш бухгалтерия ҳисоби усулининг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Кўпчилик иқтисодий адабиётларда ҳужжат билан ҳужжатлаштириш ўртасида маълум аниқ чегара берилмаган. *Бухгалтерия ҳисобида* ***ҳужжат*** *деб ҳуқуқий асосга эга бўлган маълум реквизитли иш қоғозига айтилади. Бухгалтерия ҳисобида* ***ҳужжатлаштириш*** *деб эса хўжалик операцияларини ҳужжат ёрдамида расмийлаштириш усулига айтилади.*

Бухгалтерия ҳисобида ҳамма хўжалик операцияларини ҳужжатлаштириш жорий бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ва бухгалтерия ҳисоботи кўрсаткичларига исботловчи куч беради, шунинг учун ҳам айрим ҳоллардаги хўжалик тортишувларини суд, ҳакамлик томонидан тўғри ҳал қилиш имконини беради.

Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлаштириш ёрдамида давлат режатопшириқларининг бажарилишини назорат қилиб, ўз вақтида зарур маълумотларни тезликда олиш имконияти яратилади.

Ҳужжатлаштириш ёрдамида хўжалик маблағларининг ҳаракатини ўз вақтида тўғри ҳисобга олиш, шунингдек, бир моддий жа-

вобгар шахсдан иккинчисига ўтказишда моддий қийматликларнинг бутлиги таъминланади. Шу билан хўжалик операцияларини ҳужжатлаштириш натижасида мулк қўриқланади.

Ҳужжатлаштирилган ҳамма маълумотлар хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳамма ишлари устидан муайян хўжалик раҳбарлари назоратини таъминлаши билан бирга давлат ва жамоат назорат вакилларига ҳам ана шу ишларнинг қонунийлигини исботлаш имконини беради.

Ҳужжатлаштириш ёрдамида ҳамма ҳисоб-китоблар амалга оширилади, хўжаликнинг ишлаб чиқариш молиявий натижалари аниқланади, ҳар бир ходимнинг меҳнат натижалари, харажат ва даромад кўрсаткичлари ва ҳоказолар топилади.

Демак, ҳужжатлаштириш хўжалик юритувчи субъектда амалга оширилган хўжалик операциялари устидан назорат ўрнатиш билан бирга иқтисодиёт тартибини таъминлайди ва оқибат натижада ҳисобни мустаҳкамлайди.

2. Бухгалтерия бошланғич ҳужжатлари ва уларни расмийлаштириш

Бошланғич ҳужжатлар хўжалик операцияларининг амалга оширилганлигини қайд қилади. Хўжалик юритувчи субъектларда бошланғич ҳужжатларни тузиш, қабул қилиш, сақлаш ва бухгалтерия ҳисобида қайд қилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисида»ги Низоми билан ўрнатилгандир. Шу қонун ва низом талаблари асосида тузилган бошланғич ҳужжатларгина бухгалтерия ҳисоби регистрларига қайд қилинади ва амалга оширилган хўжалик операциялари ҳақида маълумотлар учун асос бўлиб ҳисобланади.

Бошланғич ҳужжатлар хўжалик операцияси содир бўлган пайтда тузилиши ва уларда аниқ (ишончли) маълумотлар қайд қилиниши керак. Эскирган ва ихтиёрий тузилган шаклларнинг иш қоғозларидан фойдаланиш мумкин эмас. Тегишли техник воситалар мавжуд бўлган ҳолларда бошланғич ҳужжатларни машина ўқийдиган маълумот ташувчиларда тузишга йўл қўйилади. Ҳисоблаш техникаси воситалари ёрдамида машина ўқийдиган ташувчиларда тузилган бошланғич ҳужжатлар, тегишли мажбурий реквизитлар мавжуд бўлганда, бухгалтерия ҳисобида қўлланилади. Бухгалтерия ҳисо-

бини автоматлаштириш шароитида бошланғич ҳужжатлар реквизитлари кодлар кўринишида қайд этилиши мумкин. Бунда машина ўқийдиган маълумот ташувчидаги бошланғич ҳужжат тўғри тузилиши бўйича масъул шахснинг кодига эга бўлиш мумкин.

Ҳисоб регистрларида ёзувлар бухгалтерия ҳужжатлари асосида қилинади. Хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоби учун операцияларни амалга оширилганлигини ва уларни амалга оширишга берилган фармойишларни қайд қилган бошланғич ҳисоб ҳужжатлари асос бўлади. Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари хўжалик операциялари амалга оширилаётган вақтда ёки улар амалга оширилгандан сўнг тузилади.

Бухгалтерия ҳисобининг тезкорлигини, ишончлигини таъминлаш учун ҳужжат маълум хўжалик операциясини характерлайдиган ишончли маълумотларга эга бўлиши керак. Ҳар бир ҳужжат ўзининг тайинланишига тўла жавоб бериши ва юридик кучга эга бўлиши учун у маълум минимум кўрсаткич(реквизит)ларга эга бўлиши керак. *Бошланғич ҳужжатнинг кўрсаткич(реквизит)лари* - бу ҳужжатда қайд қилинган хўжалик операциясини характерлайдиган ва унга юридик куч бёрадиган кўрсаткичлардир. Бошланғич ҳужжатлар юридик кучга эга бўлиши учун улар қуйидаги реквизитларга эга бўлиши керак: *ташкилотнинг номи; ҳужжатнинг номи ва рақами; у тузилган сана ва жой; хўжалик операциясининг номи, мазмуни ва миқдори (натура ва пул ифодасида); хўжалик операцияси амалга оширилганига ва унинг тўғри расмийлаштирилишига жавобгар шахсларнинг шахсий имзолари; шахсий имзолар ва уларнинг таъбири (имзо чекувчиларнинг лавозимлари ва фамилиялари).* Бошланғич ҳисоб ҳужжатларини тузган ҳамда имзолаган шахслар уларнинг ўз вақтида тузилишига ва тўғрилигига, ишончлилигига, шунингдек, бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун уларнинг белгиланган муддатларда топширилишига жавобгардирлар.

Моддий қийматликларни сотиб олинишига доир ҳужжатларда бу қийматликларни олганлигига моддий жавобгар шахснинг имзоси, бажарилган ишларга доир ҳужжатларда эса бажарилган ишни қабул қилинганлигини тасдиқловчи тегишли шахсларнинг имзолари бўлиши керак.

Бошланғич ҳужжатларда ёзувлар сиёҳ билан, шарикли ручка пастаси билан ёки турли техник воситалари ёрдамида амалга оширилади. Бошланғич ҳужжатлардаги бўш қаторлар чизиб чиқилади. Бошланғич ҳужжатларда қириш ва изоҳланмаган тузатишлар қилиш-

га йўл қўйилмайди. Бошланғич ҳужжатлардаги хатоларни, нотўғри ёзилган текстни ёки суммани устидан чизиб ва чизилганнинг устига тўғри текстни ёки суммани ёзиш йўли билан тўғриланади. Устидан ингичка чизиқ билан шундай чизиладики, кейинчалик аввал ёзилганни ўқиш мумкин бўлсин. Бошланғич ҳужжатдаги хатони тузатиш «тузатилган» деган ёзув билан изоҳланиши ва тузатилган санани кўрсатилган ҳолда ҳужжатни имзолаган шахсларнинг имзолари билан тузатилганлиги тасдиқланган бўлиши керак. Касса ва банк ҳужжатларида тузатишлар қилишга йўл қўйилмайди. Бухгалтерияга тушган бошланғич ҳужжатлар, албатта, **шакл бўйича** (*бошланғич ҳужжатларнинг расмийлаштирилишини, кўрсаткич(реквизит)лар тўлдирилганлигининг тўлалиги ва тўғрилиги*) ҳамда **мазмуни бўйича** *(ҳужжатлаштирилаётган операцияларнинг қонунийлиги, айрим олинган кўрсаткичларнинг мантиқан ўзаро боғлиқлиги*) текширилади. Ҳужжатлардаги маълумотларнинг ишончлигига, бошланғич ҳужжатларнинг ўз вақтида ва сифатли тузилганлигига ушбу ҳужжатларни тузган ва имзолаган шахслар жавоб берадилар. Кирим ва чиқим касса ордерларига илова қилинган барча ҳужжатлар, шунингдек, меҳнат ҳақи ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилувчи ҳужжатлар албатта «Олинди» ёки «Тўланди» деган штамп ёки уни қўлда ёзиб сана (кун, ой, йил)ни кўрсатилиб ёпилади.

Хўжалик юритувчи субъектларда бош бухгалтер билан келишилган ҳолда бошланғич ҳужжатларга имзо чекиш ҳуқуқи берилган шахсларнинг рўйхати тузилади ва бу рўйхат хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан тасдиқланади. Жуда ноёб ва қиймат-баҳо моддий қийматликларни омбордан чиқариш учун тузиладиган ҳужжатларга имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар сони жуда ҳам қисқартирилган бўлиши керак. Машина ўқий оладиган бошланғич ҳужжатларни тузиш учун жавобгар бўлган шахсларнинг имзоларини пароллар ёки ушбу шахснинг имзосини бир хилда идентификация қилишни таъминлайдиган бошқа авторлаштириш усулларига алмаштириш мумкин.

Қоидага кўра, тегишли ҳолларда айрим бошланғич ҳужжатларнинг шакллари иш қоғозлари қатъий ҳисоботдаги қоғозлар қаторига киритилиши мумкин. Бундай иш қоғозлар рақамлаш асбоби ёки матбаа усули билан рақамлаштирилиши керак.

Пул маблағлари, товар-моддий ва бошқа қийматликларни қабул қилиш, сақлаш ва харажат қилиш тартибига хилоф бўлган операциялар бўйича бошланғич ҳужжатларни бажариш ва расмийлаш-

тириш ман қилинган. Бундай ҳужжатлар хўжалик юритувчи субъектнинг бош бухгалтерига тегишли қарор қабул қилиши учун берилиши керак.

Ишланган бошланғич ҳужжатларнинг қайта ишлатилиш имкониятини йўқотиш мақсадида уларга қуйидагича белги қўйилади:

Бошланғич ҳужжат қўлда ишланган бўлса, у ҳолда ҳужжатга унинг маълумотлари ҳисоб регистрига ёзилган сана ёзиб қўйилади;

Бошланғич ҳужжат ҳисоблаш машиналарида ишланган бўлса, у ҳолда ҳужжатга уни ишлаган жавобгар масъул операторнинг штампи босилади. Кирим ва чиқим касса ордерларига илова қилинган ҳамма ҳужжатлар ҳамда иш ҳақи ҳисоблашга асос бўлган ҳужжатларда «Олинган» ёки «Тўланган» деган штамп босилиши ёки қўл билан ёзилиши ва унда шу сана (кун, ой, йил) кўрсатилиши керак.

Бухгалтерия ҳисобида айрим бошланғич ҳужжатлар қатъий ҳисоботдаги иш қоғозларга кирувчи иш қоғозларда яратилади. Бу иш қоғозлар доналаб ҳисобга олинади. Бундай иш қоғозларда бошланғич ҳужжатларни яратишдан мақсад маблағларнинг харажат қилиниши ва мулкнинг бутлиги устидан назоратни кучайтиришдир. Қатъий ҳисоботдаги иш қоғозлар моддий қийматликларни қабул қилиш ёки хўжалик юритувчи субъект ҳудудидан уларни чиқариш (ваколатнома, товар-транспорт талабномаси) ёки моддий қийматликларни шахсий кишиларга сотиш (кирим касса ордери) ва айрим бошқа операцияларни расмийлаштириш учун ишлатилади. У ёки бу иш қоғозларни қатъий ҳисоботдаги иш қоғозларга ўтказиш ҳақида тегишли юқори идоралар қарор қабул қилиши мумкин. Бу иш қоғозларни ҳисобга олиш, сақлаш ва бериш учун масъул шахс тайинланади. Улардан фойдаланувчи мансабдор шахслар рўйхати хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан тасдиқланади. Хўжалик юритувчи субъектга келаётган иш қоғозлар бу иш қоғозларнинг ҳисоби, сақланиши ва берилиши учун масъул шахс томондан текшириб олинади. Агар иш қоғозларнинг камлиги аниқланилса, у ҳолда бу ҳақда далолатнома тузилади. Хўжалик юритувчи субъектда қатъий ҳисоботдаги иш қоғозларнинг ҳисоби кирим-чиқим дафтарларида олиб борилади. Хўжалик юритувчи субъект бўлинмаларининг моддий жавобгар шахсларига иш қоғозлар талабнома билан берилади. Ишлатилган иш қоғозлар моддий жавобгар шахслар ҳисобидан далолатнома билан чиқарилади. Қатъий ҳисоботдаги иш қоғозлар билан ишлайдиган ҳар бир моддий жавобгар шахсга хўжалик юритувчи субъект бухгалтериясида берилган ва ишлатилган

иш қоғозлар ҳақидаги карточка-маълумотнома олиб борилади. Қатъий ҳисоботдаги бланклар (иш қоғозлари) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рақамланган (нумератор билан босмахона усулида) бўлиши керак.

Бухгалтерия ҳисобини автоматлаштирилган ҳолда юритиш асослари (хўжалик операцияларини ҳужжатлаштириш; ҳисоб ахборотларини тизимлаштириш ва умумлаштириш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш; ҳужжатлар айланишини ташкил қилиш тартиби) мутасадди идоралар ишлаб чиққан тегишли кўрсатмаларда аниқланади.

3. Бошланғич ҳужжатлардаги хатоларни тўғрилаш тартиби

Бошланғич ҳужжатларнинг матни ёки рақамли маълумотларини тозалаш ва тузатиш мумкин эмас. Қўлда тузилган бошланғич ҳужжатларда (касса ва банк ҳужжатларидан ташқари) қўйилган хатолар қуйидаги тартибда тўғриланади.

Нотўғри матн ёки сумма устидан чизилади, унинг тепасига тўғри матн ёки сумма ёзилади, ёнига «Тўғриланган» деган ёзув қилинади, ҳужжатга аввал имзо чеккан шахслар яна имзо чекишиб тўғрилашни тасдиқлашади ва тўғрилаш амалга оширилган сана (кун, ой, йил) ёзиб қўйилади.

Кирим ва чиқим касса ордерларида ҳамда пул маблағлари билан боғлиқ ҳужжатларда ҳеч қандай ўзгариш қилиш мумкин эмас.

4. Ҳужжатлар айланишини ташкил қилиш тартиби

Бухгалтерия ҳисобида бошланғич ҳужжатларнинг ҳаракати (ҳужжатни тузиш ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектдан олиш, ҳисобга қабул қилиш, ишлаш, архивга бериш - ҳужжатлар айланиши) жадвал билан тартибга солинади. Бу жадвални тузиш ишларини хўжалик юритувчи субъектнинг бош бухгалтери ташкил қилади. Ҳужжатларнинг айланиш жадвали хўжалик юритувчи субъект раҳбари буйруғи билан тасдиқланади.

Жадвал ёрдамида хўжалик юритувчи субъектда ҳужжатлар айланиши, бошланғич ҳужжат ўтиши лозим бўлган бўлинмалар ва бажарувчиларнинг аниқ сони, ҳужжатнинг ҳар бир бўлинмада бўлишининг энг кам муддати ўрнатилади. Ҳужжатлар айланиши жадвали хўжалик юритувчи субъектнинг ҳар бир бўлинмаси ва ҳамма бажарувчилари томонидан ҳужжатларни тузиш, текшириш ва иш-

лаш бўйича ишлар тархи ёки рўйхати сифатида расмийлаштирилиши мумкин. Бу тарх ёки рўйхатда ҳужжатни тузиш, текшириш ва ишлашнинг ҳамма ижрочиларининг ўзаро алоқаси ва бу ишларни бажариш муддатлари кўрсатилади. Ҳужжатлар айланиши жадвалининг кўчирмаси шу жадвалда кўрсатилган ижрочиларнинг ҳар бирига берилади. Бу кўчирмада тегишли ижрочи фаолиятига тааллуқли бўлган ҳужжатлар, уларни тақдим этиш муддатлари ва қайси бўлинмаларга ушбу ҳужжат берилиши кераклиги кўрсатилади.

Ҳужжатлар айланиши жадвалини таъминлаш, ҳужжатларни ўз вақтида ва сифатли тузиш, уларни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида қайд қилиш учун ўз вақтида топшириш ва ҳужжатлардаги маълумотларнинг ҳақиқатга тўғри келишига шу ҳужжатларни тузган ва унга имзо чеккан шахслар жавобгар бўлиб ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг бош бухгалтери ижрочилар томонидан ҳужжатлар айланиши жадвалининг бажарилиши устидан назорат олиб боради. Хўжалик юритувчи субъект бош бухгалтерининг операцияларни расмийлаштириш тартиби ва тегишли ҳужжатларни ва маълумотларни бухгалтерияга ёки ҳисоблаш марказларига тақдим этиш тартиби бўйича қўядиган талаблари ушбу хўжалик юритувчи субъектнинг ҳамма бўлинмалари учун, албатта, бажарилиши зарур талаблар бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, *хўжалик операцияларини ўзида акс эттирган ҳужжатларнинг расмийлаштирилишидан архивга келиб тушишига қадар босиб ўтиши зарур бўлган босқичлар йиғиндисига* ***ҳужжатларнинг айланиши*** *деб аталади.*

Ҳужжатларнинг айланишини ташкил қилишда ҳужжатларни расмийлаштириш, уларнинг тўғри тузилганлигини текшириш, ҳужжатларни ишлаш, ҳужжатларнинг маълумотлари, уларни маълум иқтисодий мазмунларига қараб гуруҳлаштириш, тегишли регистрларда акс эттиришда *ҳужжатларнинг ҳаракат қилиш режаси катта роль ўйнайди.* Бу режада ҳужжатларни расмийлаштиришдан уларнинг маълумотларини бухгалтерия ҳисобининг регистрларида акс эттиришга қадар инстанцияларни айрим-айрим кўрсатиб, ҳар бир босқичга ҳужжат қайси вақтларда келиб тушиши ва қанча вақт ичида ҳужжат бу босқичдан кейинги босқичга ўтиши зарурлиги белгиланади. Ҳужжатларнинг ана шу ҳаракат қилиш режасига асосан иш олиб борилганда хўжалик операцияларининг ўз вақтида ҳужжат билан расмийлаштирилиши, ҳужжатларнинг ишлаш учун бир текисда келиб тушиши ва бухгалтерия ишларининг оқилона ташкил

қилиниши таъминланади. Шунинг учун ҳам бир турдаги бухгалтерия ҳужжатларига ўзига хос ҳаракат жадваллари тузилади. Бу жадвалларга асосан бухгалтерлар моддий жавобгар шахслардан, ҳисобдор шахслардан, цех ва бошқарув ходимларидан бухгалтерия ҳужжатларини талаб қилади.

Бухгалтерия ҳужжатларининг айланиши ҳужжатларни архивга топшириш билан тугайди.

5. Бошланғич ҳужжатлар ва ҳисоб регистрларини сақлаш тартиби

Бошланғич ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари, бухгалтерия ҳисоботлари ва балансларини албатта архивга топширилиши керак. Улар хўжалик юритувчи субъект архивига топширилгунга қадар бухгалтерияда махсус хоналарда ёки беркиладиган шкафларда бош бухгалтер томонидан қўйилган шахснинг жавобгарлиги остида сақланади. Қатъий ҳисоботдаги иш қоғозлар эса сейфларда, металлдан ясалган шкафларда ёки уларнинг бутлигини таъминлайдиган махсус хоналарда сақланиши керак.

Машина ўқий оладиган маълумот ташувчилардаги бошланғич ва ишлаш натижасида олинган ҳужжатлар бухгалтерия ҳисоби уни механизациялаштирилган (автоматлаштирилган) шароитда юритиш қоидалари тегишли меъёрий ҳужжатларда ўрнатилган тартибга кўра сақланади.

Ҳар бир ойнинг қўлда ишланган ва маълум ҳисоб регистрида тегишли бошланғич ҳужжатлари хронологик тартибда комплектланади ва улар хўжалик юритувчи субъект архивига маълумотнома билан топширилади. Касса ордерлари, бўнак ҳисоботлари ва банк кўчирмалари уларга тегишли ҳужжатлар билан хронологик тартибда йиғилади ва муқоваланади. Ҳужжатларнинг айрим турлари (ишга берилган нарядларга смена рапорглари) муқоваланмаган ҳолда, аммо папкага тикилган ҳолда сақланиши мумкин. Хўжалик юритувчи субъект архивида бошланғич ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари, бухгалтерия ҳисоботи ва балансларини сақлаш муддати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги бош архив бошқармаси тасдиқлаган вазирликлар ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида ташкил бўладиган намунавий ҳужжатлар рўйхати билан аниқланади.

Архивга топшириладиган ҳужжатлар аввал экспертиза қилинади ва маълум тартибга келтирилади. Касса ордерлари, бўнак ҳисо-

ботлари, банк кўчирмалари ва уларга тегишли ҳужжатлар ҳамда сақланиш муддати ўн йилдан кўп бўлган ҳужжатлар архивга муқоваланган ҳолда топширилади. Сақланиш муддати ўн йилдан кам бўлган ҳужжатларни скоросшивателда варақлари рақамлаштирилмаган ва ҳужжатлар рўйхати тузилмаган ҳолда архивга топшириш мумкин. Бухгалтерияда ҳужжатларнинг бутлигига хўжалик юритувчи субъектнинг бош бухгалтери жавобгар бўлади. Шунинг учун ҳам бошланғич ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган масалаларни хўжалик юритувчи субъектнинг бош бухгалтери ҳал қилади.

Машина ўқий оладиган ҳужжатларни архивда сақлаш учун саралаб олиш уларнинг кераклигини экспертиза қилиш натижасида амалга оширилади. Давлат архивига сақлашга бериладиган машина ўқий оладиган ҳужжатлар хўжалик юритувчи субъектда беш йилдан кўп сақланмайди ва уларнинг техник ҳолати мунтазам равишда текшириб турилади. Керак бўлиб қолса улар янги физик ахборот ташувчига қайта ёзилади. Машина ўқий оладиган ҳужжатлар давлат архивига, одатда, янги дискеталарга қайта ёзиб икки нусха қилиб топширилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг йиллик ҳисоботи, йиғма ҳисобот, уларга берилган тушунтириш хатлари, йиллик бухгалтерия ҳисоботини ишлаб чиқиш ва унинг таҳлили бўйича таҳлилий жадваллар, йиллик бухгалтерия ҳисоботини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича материаллар (буйруқ, баённома ва бошқалар) доим сақланади. Ишчи ва хизматчиларнинг шахсий счётлари *75 йил* сақланади. Иморат ва иншоотлар ҳисоби бўйича дафтар ва картотекалар ҳамда уларни инвентаризация қилиш материаллари *ўн йил* сақланади. Бош дафтар ва журналлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолиятини ҳужжатли тафтиш далолатномалари ва уларга тегишли материаллар *беш йил* сақланади.

Касса дафтари, айланма ва йиғма ведомостлар, бошланғич ҳужжатлар, ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи тўлаш ведомостлари, агар тафтиш қилинган бўлса, *уч йил* сақланади. Дебитор ва кредитор қарзлар, жанжалли ва ишончсиз қарзлар, иш ҳақига доир қарзлар, кредитга олинган моллар учун ишчи ва хизматчилар билан ҳисобкитоблар, бўнак ҳисоботлари, кассани текшириш далолатномалари ва бошқалар билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар ҳам уч йил сақланади. Шу муддатлар тугагандан сўнг махсус аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар ажратиб олиниб давлат архивига топширилади. Ҳужжат-

ларнинг қолган қисми эса хўжалик юритувчи субъект архивидан олиниб, далолатнома асосида йўқотиб юборилади.

Бошланғич ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари, бухгалтерия ҳисоботлари ва балансларнинг бутлигини, уларнинг архивга берилишини расмийлаштириш ва архивга топширишни хўжалик юритувчи субъектнинг бош бухгалтери таъминлайди. Улар бухгалтерия ва хўжалик юритувчи субъект архивидан хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа бўлинмалари хизматчиларига берилмайди. Айрим ҳолларда-гина фақат бош бухгалтернинг рухсати билан хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа бўлинмалари ходимларига берилиши мумкин.

6. Бухгалтерия ҳужжатларини туркумларга ажратиш

Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ҳар хил хусусиятларига қараб туркумларга ажратилади. Ҳамма ҳужжатлар бухгалтерия ҳисобида бажарадиган вазифаларига, тузилиш жойига, хўжалик операцияларини акс эттириш миқдорларига қараб бир нечта туркумларга бўлинади.

Ҳужжатлар бухгалтерия ҳисобида бажарадиган вазифаларига кўра бешта гуруҳга бўлинади:

1) фармойиш ҳужжатлари.
2) тасдиқловчи ҳужжатлар.
3) комбинациялаштирилган ҳужжатлар.
4) бухгалтерия расмийлаштириш ҳужжатлари.
5) ахборот ҳужжатлари.

Фармойиш ҳужжатлари *хўжалик раҳбарларининг бирон хўжалик операциясини амалга ошириш учун хизмат қиладиган фармон бериши учун мўлжалланганлиги.* Фармойиш ҳужжатларига кассага нақд пул олишга ёзилган чеклар, ваколатномалар, қарорлар, у ёки бу хўжалик операциясини бажариш учун хўжалик юритувчи субъект ишчисига раҳбар томонидан берилган буйруқлар, нарядлар ва бошқа ҳужжатлар киради. Фармойиш ҳужжатларида берилаётган топшириқнинг мазмуни, бажарилиш муддати ва тартиби, шунингдек, бажарувчи шахс кўрсатилган бўлиб, бундай ҳужжатлар асосида бухгалтерия счётларида ёзув қилинмасдан, балки хўжалик раҳбарининг хўжалик юритувчи субъект ходимларининг фаолияти юзасидан назорат ўрнатиши таъминланади.

Тасдиқловчи ҳужжатлар *хўжалик юритувчи субъектларда маълум бир хўжалик операциясининг амалга оширилганлигини исботлайди.*

Шунинг учун ҳам бундай ҳужжатлар тасдиқловчи ҳужжатлар дейиладики, у маълум бир хўжалик операциясини бажарган ходимга ҳақиқатда шу масала топшириққа асосан бажарилганини исботловчи ёзма ҳуқуқ беради. Тасдиқловчи ҳужжатларга далолатномалар, қабул қилиш квитанциялари, асосий воситаларни қабул қилиш далолатномалари, омбор мудирининг ҳисоботлари, ҳисоб-фактуралар, тўлов ведомостлари ва бошқа ҳужжатлар кириши мумкин.

Омбор мудирининг ҳисоботи ҳисобот ойи даврида омборга кирим ва чиқим қилинган хўжалик операциялари кўриниб турганлиги сабабли тасдиқловчи ҳужжатга киради. Шунинг билан бирга уларнинг қаердан келгани ва қаерга берилгани тўғрисидаги маълумотлар ва бу маълумотларни исботловчи имзо бўлади.

Комбинациялаштирилган ҳужжатлар *деб фармойиш ва тасдиқловчи ҳужжатларнинг хусусиятларини ўзида ифодалайдиган ҳужжатларга айтилади.* Бундай ҳужжатлар айрим ҳолларда *фармойиш-тасдиқловчи ҳужжатлар деб* ҳам аталади, чунки улар бир вақтда ҳам фармойиш, ҳам тасдиқловчи ҳужжатларнинг вазифаларини ўтай олади.

Комбинациялаштирилган ҳужжатларда хўжалик операциясини амалга ошириш учун берилган фармон ва шу операция бажарилганлигини акс эттирувчи ҳисоботнинг бўлиши жуда қулайдир. Бундай қулайлик хўжалик юритувчи субъект хўжалик фаолиятини назорат қилишни ва ҳужжатларнинг маълумотларини текширишни осонлаштиради. Бундай ҳужжатларга мисол тариқасида касса чиқим ордерини келтириш мумкин. Бу ҳужжатда пулнинг кассир томонидан берилганлигини исботловчи маълумот билан бирга пулнинг тўланиши зарур эканлигини кўрсатувчи фармойиш ҳам мавжуддир.

Бухгалтерия расмийлаштириш ҳужжатлари *деб хўжалик юритувчи субъектларда содир бўлаётган хўжалик операцияси амалга оширишга асос бўла олмайдиган, лекин бухгалтерия ходимлари томонидан бухгалтерия ҳисоби регистрларига ёзиш учун тузилган айрим ҳисоб-китоб ва маълумотномаларга айтилади.* Бундай ҳужжатларга бухгалтерия маълумотномалари, асосий воситаларга амортизация ажратмаларини ҳисоблаш ведомостлари, махсус фондга ажратмалар ва фойдани тақсимлаш бўйича ҳисоб-китоблар, маҳсулот таннархини калькуляция қилиш ведомостлари ва бошқа бухгалтерия ходимлари томонидан тузиладиган расмийлаштириш ҳужжатлари киради.

Хўжалик юритувчи субъектларда ахборот хизматини ўтайдиган айрим ҳужжатлар борки, улар хўжалик раҳбарларига ва тааллуқли

давлат ва назорат органларига зарур ахборот маълумотларини беради. Бундай ҳужжатларга моддий қийматликлар сотиб олиш учун мол етказиб берувчилар билан тузилган шартномалар, номенклатура-баҳо, моддий қийматликларнинг меъёрлари ва бошқа шуларга ўхшаш ҳужжатлар киради.

Бухгалтерия ҳисобининг ҳужжатлари тузилиш тартибига мувофиқ *дастлабки ва йиғма ҳужжатларга бўлинади.*

Дастлабки ҳужжатлар *деб хўжалик операцияси содир бўлган вақтда тузилган ҳужжатга айтилади.* Чунки ҳар бир хўжалик операцияси амалга оширилганда ҳужжатлаштирилади. Бундай ҳужжатларга кассанинг кирим ва чиқим ордерлари, талабнома, юк хати, нарядлар, йўналиш варақалари, ҳар хил далолатномалар ва бошқа ҳужжатлар киради.

Йиғма ҳужжатлар *деб бир нечта дастлабки ҳужжатлар маълумоти асосида йиғилиб тузилган ҳужжатларга айтилади.* Бундай ҳужжатларга кассирнинг кунлик ҳисоботини, моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботларини, ҳисобдор шахсларнинг бўнак ҳисоботларини ва бошқаларни киритиш мумкин. Бинобарин, кассир бир кундаги кирим ва чиқим ордерлари ва бошқа хўжалик операциялари маълумотларига асосланиб, иш куни охирида ҳисобот тузади ва бухгалтерияга топширади. Бу йиғма ҳужжатга яққол мисолдир.

Бухгалтерия ҳужжатлари бир ёки бир неча хўжалик операцияларини ўзида акс эттиришига қараб *бир марталик ва жамлама ҳужжатларга* бўлинади.

Бир марталик ҳужжатларда маълум бир вақтда амалга оширилган операциялар акс эттирилади. Бундай ҳужжатларга касса кирим ордери, касса чиқим ордери, материалларни қабул қилиш ордери, бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси ва бошқа шунга ўхшаш ҳужжатлар киради.

Жамлама ҳужжатларда ҳар хил вақтларда амалга оширилган бир хил хўжалик операциялари акс эттирилади. Жамлама ҳужжатларни қўллаш хўжалик юритувчи субъектда тузиладиган ҳужжатлар миқдорини камайтиришга олиб келади. Жамлама ҳужжатга мисол тариқасида лимит-забор картасини олиш мумкин. Лимит-забор картада омбордан муайян ишлаб чиқаришга бир ой давомида чиқарилган бир неча материалларнинг миқдори кўрсатилади ва у ой давомида амалга оширилган хўжалик операцияларини исботлаш ҳужжати бўлиб хизмат қилади.

Бухгалтерия ҳужжатлари қаерда тузилишига қараб хўжалик юритувчи субъектининг ўзида тузилган ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларда тузилган ҳужжатларга бўлинади. *Хўжалик юритувчи субъектнинг ўзида тузилган ҳужжатлар* унда амалга оширилган хўжалик операцияларини акс эттиради. Бундай ҳужжатларга касса кирим ордери, бўнак ҳисоботлари ва бошқалар мисол бўла олади. Шунинг билан бирга хўжалик юритувчи субъектга мол етказиб берувчиларнинг юборган ҳисоб-тўлов талабномалари, спецификациялари, квитанциялари ва бошқа ҳужжатлари ҳам келиб тушади. Бу ҳужжатлар *бошқа хўжалик юритувчи субъектларда тузилган ҳужжатлар* бўлиб, муайян хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия счётларидаги ёзувлари учун асос бўлиб хизмат қилади.

7. Хўжалик операцияларини ҳужжатлаштиришни такомиллаштириш

Хўжалик юритувчи субъект ва унинг айрим қисмлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг энг муҳим ташувчиси дастлабки ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади. Дастлабки ҳужжатларнинг ҳажми ва уларнинг кўп турли бўлиши ишлаб чиқариш жараёнининг технологияси ва характери, хўжалик юритувчи субъектнинг тузилмаси ва бошқа бир қанча омилларга боғлиқдир. Баъзи бир хўжалик юритувчи субъектларда хўжалик операцияларини акс эттирувчи дастлабки ҳужжатларнинг миқдори миллионлаб ҳисобланади. Бу ҳужжатларда айрим реквизитларнинг миқдори миллиардлар билан саналади. Шу қадар кўп сонли дастлабки ҳужжатларни тузиш ва расмийлаштириш учун жуда катта меҳнат талаб қилинади. Шунинг учун ҳам дастлабки ҳужжатларнинг қўл билан тўлдириладиган реквизитларини ва ҳужжатлардаги маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқловчи имзоларнинг сонини камайтириш катта аҳамиятга эгадир.

Бунинг учун ҳужжатларни унификациялаштириш ва стандартлаштириш, ҳужжатлардаги қайта-қайта акс эттириладиган кўрсаткичларни йўқотиш ва дастлабки ҳисобни замонавий электрон машиналарда кенг олиб бориш зарур. Ҳужжатлар реквизитларининг жойланиши ҳисоблаш марказларида бухгалтерия ҳужжатларини ишлашга қулайлик туғдирадиган бўлиши керак. Хўжалик юритувчи субъектларда қўлланилаётган ҳужжатларнинг шакллари ва улардаги реквизитлар жойланишининг бир хиллигини таъминлаш дастлабки ҳисобни замонавий электрон машиналарда олиб бориш-

нинг шартларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам хўжалик операцияларини ҳужжатлаштиришнинг яхшиланиши учун ҳужжатларни унификациялаштиришдан бошламоқ мақсадга мувофиқдир. Чунки ҳужжатларни унификациялаштириш йўли билан ҳар хил хўжалик юритувчи субъектларда ҳужжатлар иш қоғоз-(бланк)ларининг бир хиллиги таъминланади. Ҳужжатларни унификациялаштириш натижасида хўжалик юритувчи субъектлар учун умумий бўлган ҳужжатларнинг намунали шакллари ишлаб чиқилади. Бинобарин, *ҳужжатларни унификациялаштириш деб халқ хўжалигининг тармоқларида бир хил хўжалик операцияларини расмийлаштириш учун ҳужжатларнинг иш қоғоз(бланк)ларини мослаштиришга айтилади*

Бухгалтерия ҳисобининг ҳамма бўлимлари бўйича намунали ҳужжатлар иш қоғози (бланки) ишлаб чиқилади ва қонун ва меъёрий ҳужжатлар асосида тасдиқланади.

Дастлабки ҳужжатларни расмийлаштиришни яхшилаш ҳужжатларни стандартлаштириш йўли билан ҳам амалга оширилади. *Ҳужжатларни стандартлаштириш деб бир турдаги ҳужжатлар учун бир хил ўлчовлар ўрнатишга айтилади.*

Хўжалик операцияларини ҳужжатлаштиришни ва дастлабки ҳужжат маълумотларини ҳисоблаш машиналарига киритишнинг яхшиланишини ҳар хил замонавий маълумот ташувчи воситалардан фойдаланиш йўли билан амалга ошириш истиқболли йўллардан бири ҳисобланади.

8. Инвентаризация қилиш ва унинг аҳамияти

Бухгалтерия ҳисобида хўжалик операциялари ёппасига узлуксиз равишда ҳужжатлаштирилади. Хужжат маълумотларига асосан бухгалтерия проводкалари тузилади ва бу маълумотлар синтетик счётларда акс эттирилади. Ҳужжатлардаги маълумотлар аналитик счётларга тарқатилиб, ҳисобот даври тугагандан сўнг аналитик ҳисоб счётлари бўйича айланма ведомостларнинг маълумотлари синтетик счётлар бўйича айланма суммалари билан солиштирилади. Бу икки маълумот тенг бўлмаслиги бухгалтерия ҳисобида бирор хатоликка йўл қўйилганлигидан далолат беради. Бу хатоликлар бухгалтерия ходимлари томонидан топилади ва шу йўл билан синтетик ҳисоб маълумотларининг аналитик ҳисоб маълумотларига тенглиги таъминланади.

Юқорида келтирилган назорат усули билан аниқлаш қийин бўлган бухгалтерия ҳисобидаги хатолик ва келишмовчиликлар ҳам учраб туради. Бухгалтерияда омборлардаги материаллар тўғрисида маълумотлар бўлсада, ҳақиқатда эса омборларда ҳисобда кўрсатилган миқдордаги материаллар бўлмаслиги мумкин. Бундай келишмовчиликлар материалларни мол етказиб берувчилардан қабул қилишда ёки материалларни ишлаб чиқаришга, моддий жавобгар шахсларга, бошқа хўжалик юритувчи субъект ва ташкилотларга чиқаришда йўл қўйилган хатоликлар натижасида содир бўлиши мумкин. Кўпгина хом ашё ва материаллар сақлаш давомида ўзининг оғирлигини қисман йўқотади. Булар табиий сабабларга кириб маълум вақтларда аниқланиб бухгалтерия ҳисобининг маълумотлари ҳам ўзгартирилади. Материаллар ва бошқа хўжалик маблағларининг кишилар томонидан ўғирланиши ҳам бухгалтерия ҳисобининг маълумотлари билан ҳақиқатда бор бўлган моддий қийматликларнинг миқдори ва суммаси ўртасидаги тафовутга олиб келади.

Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан хўжалик маблағларининг ҳақиқий мавжуд миқдори ва суммаси ўртасидаги фарқ инвентаризация қилиш йўли билан аниқланади.

Инвентаризация қилиш - хўжалик юритувчи субъектнинг мол-мулкини рўйхатга олиш ва бу маълумотларни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солиштиришдир.

Инвентаризация қилиш бухгалтерия ҳисоби усулининг бир элементи бўлиб, унинг ёрдамида хўжалик маблағларининг, хўжалик юритувчи субъектининг бошқа ташкилотлар билан ҳисоб-китоб муносабатларининг ҳақиқий мавжуд миқдори ва суммаси ҳисоб маълумотларига солиштирилади ва улар ўртасидаги фарқ топилади. Инвентаризация қилиш ёрдами билан бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг реаллиги таъминланади.

Шундай қилиб, инвентаризация қилишнинг асосий вазифаси ҳақиқатда бор бўлган асосий воситалар, мол-моддий қийматликлар ва пул маблағлари ҳамда тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажмини натурада аниқлаш; ҳақиқатда бор бўлган моддий қийматликлар ва пул маблағлари ҳақидаги маълумотларни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солиштириш ва шу йўл билан уларнинг бутлиги устидан назорат олиб бориш; ўзининг бошланғич сифатини қисман йўқотган, эскирган фасон ва моделли мол-моддий қийматликларни аниқлаш; сотиш мақсадида меъёрдан ортиқча ва ишлатилмаётган мол-моддий қийматликларни аниқлаш; мол-мод-

дий қийматликлар ва пул маблағларини сақлаш қоида ва шартлари ҳамда машина, асбоб-ускуна ва бошқа асосий воситаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларининг бажарилишини текшириш; балансда кўрсатилган мол-моддий қийматлик, касса, банк муассасаларидаги талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобвараги ва бошқа ҳисобварақлардаги пул маблағларининг суммаси, йўлдаги пул маблағлари, дебитор ва кредитор қарзлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр харажатлари, келгусида қилинадиган харажат ва тўловлар захираси ҳамда бухгалтерия балансининг бошқа моддалари суммаларининг реаллигини текширишдир.

Йиллик ҳисобот тузишдан аввал хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисобот бўйича меъёрий ҳужжатларга кўра асосий восита, тугалланмаган капитал қурилиш ва тузатиш, тугалланмаган ишлаб чиқариш, мол-моддий қийматликлар, пул маблағлари, ҳисоб-китоб ва баланснинг бошқа моддаларини инвентаризация қилади. Бундан ташқари, хўжалик юритувчи субъектга тегишли бўлмаган (сақлашга қабул қилинган, арендага олинган, қайта ишлаб беришга қабул қилинган) моддий қийматликлар ва баъзи бир сабабларга кўра ҳисобга олинмай қолган қийматликлар ҳам инвентаризация қилинади.

9. Инвентаризация қилишнинг турлари

Инвентаризация қилиш хўжалик маблағларининг қандай қисмини қамраб олиши ва ўтказилиш тартибига қараб бир неча турга бўлинади:

1) хўжалик юритувчи субъектга тегишли мол-мулкнинг ҳаммасини инвентаризация қилиш;

2) хўжалик юритувчи субъектга тегишли мол-мулкнинг маълум бир қисмини инвентаризация қилиш.

Хўжалик юритувчи субъектга тегишли мол-мулкнинг ҳаммаси ҳар йили камида бир марта тўла инвентаризация қилинади. Бундай инвентаризация қилиш йиллик ҳисобот тузишдан аввал ўтказилади. Бу бўлса балансда кўрсатилган хўжалик маблағлари тўғрисидаги маълумотларнинг реаллигини таъминлайди. Тўла инвентаризация қилишни январда ўтказиш йиллик ҳисобот тузишни бир қанча муддатга кечиктириб юборишга олиб келади.

Шунинг учун хўжалик юритувчи субъектига тегишли мол-мулкнинг айрим қисмларини инвентаризация қилиш 1 январгача туга-

тилади. Шуни айтиб ўтмоқ керакки, тўла инвентаризация қилиш ўтказилган вақтда хўжалик юритувчи субъектнинг ҳамма моддий қийматликлари, пул маблағлари, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан ҳисоб-китобларнинг ҳолати ва балансининг ҳамма моддалари инвентаризация қилинади.

Бухгалтерия баланси ва ҳисоботлари тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларга асосан бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг ҳақиқатга тўғри келишини таъминлаш учун баъзи бир хўжалик маблағлари бир йилда бир неча марта инвентаризация қилинади. Хўжалик маблағларининг айрим турларини инвентаризация қилиш *хўжалик юритувчи субъектга тегишли мол-мулкнинг маълум қисмини рўйхатга олиш* деб аталади. Масалан, хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағлари ҳар ойда камида бир марта инвентаризация қилинади. Бирор омбор мудири ишдан бўшаб, бошқа кишига топширадиган бўлганда ҳам унинг жавобгарлигида бўлган моддий қийматликлар инвентаризация қилинади.

Мол-мулк ижарага берилганда, сотиб олинганда, сотилганда ҳамда йиллик молиявий ҳисобот тузиш олдидан, шу йилнинг 1 октябрида инвентаризация қилинган мол-мулкдан ташқари, инвентаризация ўтказилиши шартдир. Моддий захиралар йилига энг камида бир марта инвентаризация қилинади. Асосий воситалар икки йилда энг камида бир марта, кутубхона фондлари эса беш йилда энг камида бир марта инвентаризация қилинади. Пул маблағлари, пул ҳужжатлари, қийматликлар ва қатъий ҳисоботдаги бланклар ойига бир марта, ёқилғи-мойлаш материаллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳар чоракда, қимматбаҳо металлар тегишли тармоқ меъёрий ҳужжатларига кўра инвентаризация қилинади. Шунингдек, асосий воситалар ва моддий қийматликлар қайта баҳоланганда, моддий-жавобгар шахслар алмашганда, ўғирлаш ёки суистеъмол ҳамда қийматликларнинг бузилиши аниқланганда, табиий офатлар, ёнғин, авария ёки экстремал шароитлар келтириб чиқарган бошқа фавқулодда ҳодисалар содир бўлганда, хўжалик юритувчи субъект тугатилганда (қайта ташкил қилинганда) тугатиш (бўлиш) балансини тузиш олдидан ва қонунда кўзда тутилган бошқа ҳолатларда инвентаризация ўтказилади. Жамоавий моддий жавобгарликда хўжалик юритувчи субъект раҳбари алмашганда ҳам инвентаризация ўтказилади.

Инвентаризация қилишнинг ўтказилиш тартибига қараб *режали ва тўсатдан амалга оширилган инвентаризация* қилишларга бўлинади.

Юқорида кўрсатилган инвентаризация қилиш муддатларига қараб хўжалик юритувчи субъектда бир йилда ўтказиладиган инвентаризация қилишлар режаси тузилади. Шу режага асосан хўжалик юритувчи субъектга тегишли барча қийматликлар инвентаризация қилинади ва бу маълумотлар бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солиштирилади. Ана шу йўл билан бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг реаллиги таъминланиб борилади. Моддий жавобгар шахслар алмашган вақтда алмашиш куни инвентаризация ўтказилиши шарт. Режали инвентаризация қилишни ўтказиш учун бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилади.

Режали инвентаризация қилишдан ташқари, хўжалик юритувчи субъектларда *тўсатдан* ҳам инвентаризация қилиш ўтказилади. Бундай инвентаризация қилишлар хўжалик юритувчи субъекти раҳбарига ёки юқори ташкилот ва идораларга тегишли объектдаги жавобгар шахснинг ножўя ҳаракатлари ҳақида бирор хабар келганда, хўжалик юритувчи субъект фаолияти тафтиш қилиниши даврида, ўт олиш, сув тошиши ва бошқа баъзи сабабларга кўра амалга оширилади.

Асосий воситаларни инвентаризация қилиш

Инвентаризация бошлангунга қадар инвентар карточкаларнинг, инвентар китобларнинг ёки хатлаш рўйхатларининг борлигини ва ҳолатини, техник паспортларнинг ёки бошқа техник ҳужжатларнинг борлигини ва ҳолатини, хўжалик юритувчи субъект томонидан ижарага, сақлашга ва вақтинчалик фойдаланишга берилган ёки олинган асосий воситаларга доир ҳужжатларнинг борлигини текшириб чиқиш зарур. Ҳужжатлар бўлмаса, уларни олишни ёки расмийлаштиришни таъминлаш зарур. Бухгалтерия ҳисоби регистрларида ёки техник ҳужжатларда тўғри келмасликлар ва ноаниқликлар топилганда уларга тегишли тузатишлар ва аниқликлар киритилиши керак.

Асосий воситалар инвентаризациясида комиссия мажбурий тартибда объектларни натурада кўриб чиқишни амалга оширади ва инвентаризация хатлаш рўйхатига уларнинг номлари, тайинланиши, инвентар рақамлари ва асосий техник ёки фойдаланиш кўрсаткичларини ёзади. Бухгалтерия ҳисобига қабул қилинмаган объектлар ҳамда объектлар бўйича ҳисоб регистрларида уларни тавсифловчи маълумотлар йўқлиги ёки нотўғри маълумотлар кўрсатилганлиги аниқланганда комиссия инвентаризация хатлаш рўйхатига бу

объектлар бўйича етишмаётган ёки нотўғри маълумотлар ва техник кўрсаткичларни қўшиб ва тўғрилаб қўйиши керак. Инвентаризацияда аниқланган ҳисобдаги йўқ объектларни баҳолаш жорий қиймат бўйича амалга оширилиши керак, эскириши эса объектларнинг ҳақиқий техник ҳолати бўйича белгиланиши керак. Баҳоланиши ва эскириши ҳақидаги бу маълумотлар тегишли далолатномалар билан расмийлаштирилади. Инвентаризация комиссияси инвентаризацияда аниқланган ҳисобда бўлмаган объектлар қачон ва кимнинг фармойиши билан тикланган(сотиб олинган)лигини, уларни тиклаш (сотиб олиш) харажатлари қандай қилиб ҳисобдан чиқарилганлигини аниқлаши ва буни протоколда қайд қилиши зарур.

Асосий воситалар хатлаш рўйхатига объектни асосий тайинланишига кўра номи бўйича киритилади. Агар объект қайта тиклашга, реконструкциялашга, кенгайтиришга ёки қайта ускуналашга учраган ва бунинг натижасида унинг асосий тайинланиши ўзгарса, у ҳолда у хатлашга янги тайинланишига тўғри келадиган номида киритилади. Машиналар, ускуналар ва кучлангич қурилмалари инвентаризация хатлашига якка-якка инвентар рақамини, ишлаб чиқарган заводни, ишлаб чиқарилган йилини, тайинланишини, қувватини ва бошқаларни кўрсатиб ёзилади.

Фойдаланишга яроқсиз ва қайта тиклаш мумкин бўлмаган асосий воситалар инвентаризация хатлашига ёзилмайди. Бу объектлар учун инвентаризация комиссияси бу объектларнинг фойдаланишга берилган вақтини ва уларнинг яроқсиз ҳолатга олиб келиш сабабларини кўрсатиб алоҳида хатлаш тузади. Ўз мол-мулкининг инвентаризацияси билан бир вақтда ижарага олинган ва масъул сақлашда турган асосий воситалар ҳам текширилади. Кўрсатилган объектлар бўйича, бу объектлар масъул сақлашга ёки ижарага олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга ҳавола қилинган ҳолда, алоҳида хатлаш рўйхати тузилади.

Моддий қийматликларни инвентаризация қилиш

Моддий қийматликлар инвентаризацияси, одатда, муайян хонадаги қийматликларнинг жойлашуви тартибида амалга оширилади. Қийматликлар текширилгандан сўнг хонага кириш жойи пломбаланади ва комиссия ишлаш учун кейинги хонага ўтади. Моддий қийматликлар инвентаризация хатлашларига ҳар бирининг алоҳида номи бўйича номенклатура рақамини, турини, гуруҳини, артикулини, навини ва миқдорини кўрсатиб ёзилади. Инвентаризация

комиссияси раиси ёки унинг топшириғи бўйича комиссия аъзолари омбор мудирининг ва бошқа моддий жавобгар шахсларнинг иштирокида моддий қийматликларнинг ҳақиқатда борлигини уларни албатта қайта санаш, тортиш ёки қайта ўлчаш йўли билан текширадилар. Инвентаризация ўтказилаётган вақтда келиб тушган моддий қийматликлар моддий жавобгар шахслар томонидан инвентаризация комиссияси аъзолари иштирокида қабул қилиб олинади ва инвентаризациядан сўнг кирим қилинади. Бу моддий қийматликлар алоҳида «Инвентаризация вақтида келган моддий қийматликлар» номли хатлаш рўйхатига ёзилади. Хатлаш рўйхатида улар қачон ва кимдан келганлиги, ҳужжатнинг санаси ва рақами, номи, миқдори, баҳоси ва суммаси кўрсатилади. Бир вақтнинг ўзида кирим ҳужжатига инвентаризация комиссияси раисининг имзоси билан бу қийматликлар ёзилган хатлаш рўйхати санасига ҳавола қилиниб «Инвентаризациядан кейин» деган белги қилинади. Инвентаризация узоқ давр мобайнида ўтказилганда камдан-кам ҳолларда ва фақат хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари ва бош бухгалтерининг ёзма рухсати билан инвентаризация жараёнида моддий жавобгар шахслар томонидан инвентаризация комиссиясининг аъзолари иштирокида моддий қийматликлар чиқарилиши мумкин. Бу қийматликлар «Инвентаризация вақтида чиқарилган моддий қийматликлар» номли алоҳида инвентаризация хатлаш рўйхатига ёзилади. Бу хатлаш рўйхати инвентаризация вақтида келган моддий қийматликлар ҳужжатларига ўхшаш ҳолда расмийлаштирилган бўлиши керак. Чиқим ҳужжатларида инвентаризация комиссияси раиси имзоси билан белги қилинади. Бошқа ташкилотларга тегишли бўлган ва масъул сақлашда турган моддий қийматликлар ўзининг моддий қийматликлари билан бир вақтда инвентаризация қилинади. Бу қийматликларга, ана шу қийматликлар масъул сақлашга қабул қилинганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларга ҳавола қилинган ҳолда, алоҳида инвентаризация хатлаши тузилади. Келиб тушган моддий қийматликлар кирим қилинмаганлиги аниқланганда уларни қабул қилиб олган шахслардан тушунтириш хати талаб қилиниши керак, суистеъмол орқасидаги ҳиёнат аниқланганда эса материаллар тергов органларига берилиши керак.

Инвентар ва хўжалик жиҳозлари уларнинг турган жойлари ва уларни масъул сақлашга олган шахслар бўйича инвентаризация қилинади. Инвентаризация ҳар бир буюмни кўриб чиқиш йўли билан амалга оширилади. Инвентаризация хатлашларига инвентар ва хўжа-

лик жиҳозлари бухгалтерия ҳисобида қабул қилинган номенклатурага кўра номлари бўйича ёзилади. Ходимларга индивидуал фойдаланишга берилган инвентар ва хўжалик жиҳозлари инвентаризация қилинганда, бу инвентар ва хўжалик жиҳозларига жавобгар бўлган шахсий карточкалар очилган шахслар кўрсатилиб, гуруҳли инвентаризация хатлаш рўйхатлари тузишга ижозат берилади ва улар хатлаш рўйхатига имзо чекиб беришади.

Пул маблағлари ва қатъий ҳисоботдаги бланкларни инвентаризация қилиш

Касса инвентаризация қилинганда кассадаги ҳақиқатда бор нақд пул маблағлари ва бошқа қийматликлар текширилади. Шунингдек, қатъий ҳисоботдаги бланклар ҳам текширилади. Кассадаги нақд қолдиққа ҳеч қандай ҳужжатлар ёки тилхатлар қўшилмайди. Кассирнинг кассада муайян хўжалик юритувчи субъектга тегишли бўлмаган пул маблағлари ва бошқа қийматликлар борлиги ҳақидаги арзномаси эътиборга олинмайди. Нақд пул маблағлари инвентаризацияси далолатномасида инвентаризация кунидаги ҳолатга кўра натурадаги ва ҳисоб маълумотлари бўйича қийматликлар қолдиқлари кўрсатилади ва инвентаризация натижаси аниқланади. Қатъий ҳисоботдаги бланкларнинг ҳақиқатда борлигини текшириш бланкларнинг турлари бўйича у ёки бу бланкнинг бошланғич ва охирги рақамларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Мазкур текшириш натижалари махсус хатлаш билан расмийлаштирилади. Банк муассасасидаги пул маблағларининг инвентаризацияси хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия маълумотлари бўйича тегишли депозит ҳисобварақларида ҳисобда турган суммалар қолдиғининг банкнинг кўчирмаси бўйича маълумотлари билан солиштириш йўли билан амалга оширилади.

Ҳисоб-китобларни инвентаризация қилиш

Бюджет, харидорлар, мол етказиб берувчилар, ҳисобдор шахслар, ишчи ва хизматчилар, депонентлар ва бошқа дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларнинг инвентаризацияси тегишли ҳужжатлар бўйича қолдиқларни аниқлаш ва бухгалтерия ҳисоби счётларидаги суммаларнинг асослилигини синчиклаб текширишдан иборатдир. Комиссия дебиторлар ва кредиторлар счётлари бўйича қарзларнинг пайдо бўлиш муддатларини, уларнинг реаллигини ва, даъво муддати ўтказиб юборилган бўлса, даъво муддатлари ўтка-

зиб юборилишига айбдор шахсларни аниқлайди. Ишчи ва хизматчиларнинг қарзлари бўйича ўз вақтида талаб қилиб олинмаган ва депонентлар счётига ўтказиладиган суммаларни ҳамда ишчи ва хизматчиларга ортиқча тўланган суммалар ва бу ортиқча тўлашларнинг сабаблари аниқланиши керак бўлади. Ҳисоб бериш шарти билан берилган суммалар инвентаризациясида берилган бўнаклар бўйича ҳисобдор шахсларнинг ҳисоботларини уларни мақсадга мувофиқ фойдаланилганлигини ҳисобга олган ҳолда ҳамда ҳар бир ҳисобдор шахс бўйича берилган бўнак суммалари, улар берилган сана ва мақсадли тайинланиши текширилади.

10. Инвентаризация қилишни ўтказиш ва унинг натижаларини расмийлаштириш тартиби

Ҳар қандай инвентаризация қилиш хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг буйруғи билан амалга оширилади. Бу буйруқда инвентаризация қилиш характери, нималарни инвентаризация қилиш, инвентаризация қилишни ўтказиш муддати ва инвентаризация қилишни ўтказадиган комиссия аъзоларининг рўйхати кўрсатилади.

Инвентаризация қилиш Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисобининг «Инвентаризацияни ташкил қилиш ва ўтказиш» деган миллий стандартида кўрсатилган муддатларда; моддий жавобгар шахслар алмашганда; талон-тарожлик, ўғирлик ёки суистеъмоллик аниқланганда; ўт олганда ёки табиий офатдан кейин; асосий восита ва товар-моддий қийматликлар қайта баҳоланганда ва бошқа ҳолатларда ўтказилади. Жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги шароитида агар унинг бригадири (раҳбари) алмашса, жамоа(бригада)дан унинг аъзоларининг 50 фоиздан кўпи кетиб қолса ҳамда жамоа аъзоларининг бири ёки бир нечтаси талаб қилса ҳам инвентаризация ўтказилади.

Қийматликларнинг бутлигини таъминлайдиган тадбирий чораларни амалга ошириш керак бўлиб қолса, инвентаризация ўтказишни ташкил қилиш, ишчи инвентаризация қилиш комиссияларининг аъзоларига йўл-йўриқ бериш, инвентаризация қилишнинг тўғри ўтказилишини текшириш, инвентаризация қилиш натижаларининг тўғри чиқарилишини текшириш, навлар алмашуви натижасида содир бўлган камомад ва ортиқчаликларни ўзаро беркитиш ҳақида қилинган таклифларнинг асослилигини текшириш керак бўлиб қолган ҳолларда хўжалик юритувчи субъект раҳбари-

нинг топшириғи билан қайта тўла инвентаризация ўтказиш, камомад ёки қийматликлар бузилишига йўл қўйган шахслардан олинган тушунтириш хатларини кўриб чиқиш ва аниқланган камомад ва қийматликларнинг бузилишидан кўрилган йўқотишни тартибга солиш ҳақида таклифлар бериш учун хўжалик юритувчи субъектда *доимий ҳаракат қилувчи инвентаризация қилиш комиссияси тузилади.* Бу комиссиянинг раиси шу хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари ёки унинг ўринбосари бўлади. Комиссия таркибига хўжалик юритувчи субъект бош бухгалтери, бўлинмаларнинг раҳбарлари ва мутахассислар ҳамда касаба уюшмасининг вакиллари киритилади.

Жойларда қийматлик ва пул маблағларини инвентаризация қилиш, хўжалик юритувчи субъект бухгалтерияси билан биргаликда инвентаризация қилиш натижаларини аниқлашда қатнашиш, навлар алмашуви натижасида содир бўлган камомад билан ортиқчаликларни ўзаро беркитиш ҳамда табиий камайиш меъёрлари чегарасида камомадларни ҳисобдан чиқариш масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, мол-моддий қийматликларни қабул қилиш, сақлаш ва чиқариш, уларнинг ҳисоби ва бутлиги устидан назоратни яхшилаш масалалари ҳамда меъёрдан ортиқ ва фойдаланилмаётган моддий қийматликларни сотиш ҳақида таклифлар қилиш, инвентаризация қилишни хўжалик юритувчи субъект буйруғида кўрсатилган муддатда ўтказиш ва уни ўтказиш тартибини сақлаш, хатлашга ёзилган маълумотларнинг ҳақиқатга тўғри келишини таъминлаш ва инвентаризация қилиш материалларини тўғри ва ўз вақтида расмийлаштириш учун хўжалик юритувчи субъектда қийматликларни инвентаризация қилувчи ишчи инвентаризация қилиш комиссияси тузилади. Бу комиссиянинг раиси шу хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг вакили бўлади. Комиссия таркибига мутахассис, муҳандис, технолог, механик, ишни амалга оширувчи, иқтисодчи, бухгалтерия ходими ва бошқалар киритилади. Комиссияга қийматликларни инвентаризация қилиш, баҳоларни ва бошланғич ҳужжатларни яхши биладиган хўжалик юритувчи субъектнинг хизматчилари қўшилиши керак.

Бир моддий жавобгар шахсни инвентаризация қилиш учун бир шахсни бирин-кетин икки марта ишчи инвентаризация қилиш комиссиясига раис қилиб тайинлаш мумкин эмас.

Йил давомида инвентаризация қилишлар ўртасида хўжалик юритувчи субъектларда мунтазам равишда товар-моддий қийматликларни уларни сақланиш жойларида текшириб туриш ва сара-

лаб инвентаризация қилиш керак. Бунинг учун хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ва саралаб инвентаризация қилиш комиссияси тузилади. Бу комиссия инвентаризация қилиш даврлари ўртасида қийматликларнинг бутлиги, уларни сақлаш қоидаларининг бажарилиши ва моддий жавобгар шахслар томонидан ўрнатилган бошланғич ҳисоб юритиш тартибининг бажарилиши устидан назорат олиб боради.

Доимий ҳаракат қилувчи инвентаризация қилиш комиссияси, ишчи инвентаризация қилиш комиссиялари, текшириш ва саралаб инвентаризация қилиш комиссияларининг таркиби хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланади.

Инвентаризация қилиш бошланиши олдидан ишчи инвентаризация қилиш комиссиясининг аъзоларига инвентаризация қилишни ўтказиш ҳақида чиқарилган хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг буйруғи, комиссияларнинг раисларига эса назорат пломбаси ҳам берилади. Хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг буйруғида инвентаризация қилишни ўтказиш бўйича ишларни бошлаш ва тамомлаш муддатлари кўрсатилади. Агар инвентаризация қилиш комиссияси аъзоларининг ҳаммаси бўлмаса қийматликларни инвентаризация қилиш мумкин эмас. Ишчи инвентаризация қилиш комиссиясининг иши баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада инвентаризация қилиш натижалари, омбор хўжалигининг ҳолати ва товар-моддий қийматликлар бутлигининг таъминланишини текшириш натижалари қайд қилинади.

Режали инвентаризация қилиш ўтказилганда моддий қийматликлар сақланадиган омборлар инвентаризация қилишга тайёрланади. Омбордаги ҳар бир моддий қийматлик алоҳида қилиб қўйилади ва уларнинг олдига ёрлиқлар осилади. Ёрлиқларда моддий қийматликларнинг номи, номенклатура рақами, бошқа реквизит ва кўрсаткичлар кўрсатилган бўлади.

Инвентаризация қилиш асосан ойнинг биринчи кунига тўғриланади. Агарда бирор сабабларга кўра инвентаризация қилиш ойнинг ўрталарида бошлаб юборилса, у ҳолда бухгалтерия ҳисобининг шу ойнинг бошидаги маълумотлари олинади ва инвентаризация қилиш бошлангунга қадар амалга оширилган хўжалик операциялари ҳисобда акс эттирилиб олинади.

Инвентаризация қилиш бошлангунга қадар ҳамма ҳужжатлар расмийлаштирилган ва бухгалтерия ҳисобининг дафтарларига ўтказилган бўлиши керак. Шунинг учун ҳам моддий жавобгар шахслар

ўзларининг қўлларидаги барча бошланғич ҳужжатларни бухгалтерияга топширишлари зарур. Инвентаризация қилиш комиссияси моддий жавобгар шахсдан *«Ҳамма ҳужжатларни бухгалтерияга топширдим ва менда ҳеч қандай исботловчи ҳужжат қолмади»* деган тилхат олади.

Инвентаризация қилиш даврида моддий қийматликларнинг ҳар бири ўлчаш, санаш, тортиш ва бошқа усуллар билан ҳисоблаб чиқилади. Ҳисоблаш натижаси инвентаризация қилиш хатлашига ёзилади. Масалан, бирор моддий жавобгар шахснинг ҳисобидаги моддий қийматликлар инвентаризация қилинаётган бўлса, инвентаризация қилиш тугаши билан инвентаризация қилиш хатлаши охирига комиссия аъзоларининг имзосидан сўнг моддий жавобгар шахс *«Ушбу инвентаризация қилиш хатлашида кўрсатилган моддий қийматликлар менинг кўз олдимда ҳисоблаб чиқилган ва шу моддий қийматликларни ўз шахсий жавобгарлигимга қабул қилдим ҳамда инвентаризация қилиш комиссиясига менинг ҳеч қандай даъвом йўқ» деб имзо чекади.*

Инвентаризация қилиш хатлаши расмийлаштирилгандан сўнг у хўжалик юритувчи субъекти бухгалтериясига топширилади.

Инвентаризация бўйича солиштириш ведомостларини тузиш

Таққослаш (солиштириш) ведомостини тузиш ва инвентаризация қилиш натижаларини аниқлаш ишлари бошлангунга қадар хўжалик юритувчи субъект бухгалтерияси инвентаризация қилиш маълумотларида келтирилган ҳамма ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини текшириб чиқади. Баҳоларда, суммаларни чиқаришда йўл қўйилган хатоликлар топилса, у ҳолда бу хатоликлар тўғриланади ва бу ҳақда комиссиянинг ҳамма аъзолари ва моддий жавобгар шахс имзо чекади. Инвентаризация хатлашининг охирги бетида баҳолар ва суммаларнинг тўғрилиги текшириб чиқилганлиги ҳақида ёзиб қўйилади ва шу текширишни ўтказган шахс имзо чекади. Солиштириш ведомостлари инвентаризацияда ҳисоб маълумотларига нисбатан фарқлар аниқланган қийматликлар бўйича тузилади. Солиштириш ведомостларида инвентаризация натижалари, яъни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича кўрсаткичлар билан инвентаризация хатлашларининг маълумотлари ўртасидаги фарқлар қайд қилинади. Солиштириш ведомостларида моддий қийматликлар ортиқчаликларининг ва камомадларининг қиймати уларнинг бухгалтерия ҳисобидаги баҳоларига кўра келтирилади.

Инвентаризация фарқларини тартибга солиш ва инвентаризация натижаларини расмийлаштириш тартиби

Инвентаризацияда ва бошқа текширишларда аниқланган қийматликларнинг ҳақиқатда борини бухгалтерия ҳисоби маълумотларига нисбатан фарқлари қуйидаги тартибда тартибга солинади.

Ортиқча чиққан асосий воситалар, моддий қийматликлар, пул маблағлари ва бошқа мол-мулк кирим қилинади ва хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларига (бюджет ташкилотларида эса молиялаштиришни кўпайтиришга) ўтказилади, кейин ортиқча чиқиш сабаблари ва айбдор шахслар аниқланади.

Белгиланган меъёрлар доирасида қийматликларнинг камайиши хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг фармойиши бўйича хўжалик юритувчи субъектнинг тегишли харажатларига қўшилади (бюджет ташкилотларида эса молиялаштиришни камайтиришга ўтказилади). Камайиш меъёрлари ҳақиқатда камомад аниқланган ҳолатлардагина қўлланиши мумкин холос.

Белгиланган меъёр доирасида қийматликларнинг камайиши навларнинг аралашуви бўйича камомадлар ортиқчалик билан қоплангандан кейингина аниқланади. Агар белгиланган тартибда навлар алмашуви бўйича қоплаш ўтказилгандан сўнг ҳам қийматликларнинг камомади қолса, у ҳолда табиий камайиш меъёрлари қийматликларнинг фақат камомад аниқланган номи бўйичагина қўлланилади.

Тасдиқланган меъёрлар бўлмаган тақдирда, камайиши меъёрдан ортиқ камомад деб қаралади, қийматликларнинг табиий камайиш меъёридан ортиқ камомад ҳамда қийматликларнинг бузилишидан кўрилган нобудгарчиликлар айбдор шахслар ҳисобига ўтказилади.

Камомадлар ва нобудгарчиликлар суистеъмол қилиниши натижасида содир бўлгани аниқланганда, тегишли материаллар камомадлар ва нобудгарчиликлар аниқлангандан сўнг 5 кун ичида тергов органларига берилади, аниқланган камомадлар ва нобудгарчиликлар суммасига фуқаролик даъвоси қилинади. Камомадлар ва нобудгарчиликларнинг аниқ айбдорлари аниқланилмаган ҳолларда қийматликлар табиий камайишининг меъёрдан ортиқча камомади ва қийматликларнинг бузилишидан кўрилган нобудгарчиликлар маҳсулот(иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича

харажатлар таркиби тўғрисидаги қоидага асосан хўжалик юритувчи субъектнинг тегишли харажатларига қўшилади. Бунда қийматликлар табиий камайишининг меъёрдан ортиқча камомади ва қийматликларнинг бузилишидан кўрилган нобудгарчиликларни ҳисобдан чиқаришни расмийлаштириш учун тақдим этиладиган ҳужжатларда шундай камомадлар ва нобудгарчиликларнинг олдини олиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар кўрсатилган бўлиши керак.

Навлар алмашуви натижасидаги ортиқчаликлар ва камомадларни ўзаро ҳисобга ўтказиш фақат истисно тариқасида айни шу текширилаётган даврда, айни шу текширилаётган шахсда, айни шу номдаги ва шу миқдордаги моддий қийматликларга нисбатан хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг рухсати бўйича амалга оширилади. Моддий жавобгар шахслар йўл қўйилган навлар алмашуви ҳақида хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарига батафсил тушунтириш хатини беради.

Моддий жавобгар шахсларнинг айбисиз пайдо бўлган камомадлар томонига навлар алмашувидаги қийматлар фарқига инвентаризация баённомасида бу фарқ айбдор шахслар ҳисобига ўтказилмаганлиги сабаблари ҳақида батафсил тушунтириш берилиши керак. Инвентаризация натижалари инвентаризация тугалланган ойда ҳисобда ва ҳисоботда, йиллик инвентаризация бўйича натижалар эса йиллик молиявий ҳисоботда қайд қилиниши керак.

Инвентаризация комиссияси йиғилишининг баённомаси хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан инвентаризация тамом бўлгандан сўнг 10 кун ўтмасдан тасдиқланиши керак.

Йиллик ҳисоботнинг тушунтириш хатига илова қилиб асосий воситалар, товар-моддий қийматликлар ва пул маблағларини инвентаризация қилиш натижалари ведомости берилади. Бу ведомостда йил давомида ўтказилган ҳамма амалга оширилган инвентаризацияларнинг натижалари акс эттирилади.

Фараз қилайлик, амалга оширилган инвентаризациялар бўйича хўжалик юритувчи субъектнинг омборидаги хом ашё ва материалларнинг миқдор ва суммалари бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солиштириш натижасида қуйидагилар аниқланди: 4500 сўмлик эҳтиёт қисмлар ортиқ ва 6000 сўмлик хом ашё ва материаллар кам чиққан.

Ортиқ чиққан эҳтиёт қисмлар суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Эҳтиёт қисмлар» счёти
Кредит «Молиявий фаолиятдан келган бошқа даромадлар» счёти. } 4500 сўм

Кам чиққан хом ашё ва материаллар суммаси «Камомад ва қийматликларнинг бузилишидан кўрилган йўқотишлар» счётида бу камомаднинг сабаблари аниқлангунга қадар ҳисобга олиб турилади. Камомаднинг сабаблари аниқлангандан сўнг тегишли счётлар дебетланиб, «Камомад ва қийматликларнинг бузилишидан кўрилган йўқотишлар» счёти кредитланади. Инвентаризация қилиш натижасида аниқланган камомад суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Камомад ва қийматликларнинг бузилишидан кўрилган йўқотишлар» счёти
Кредит «Хом ашё ва материаллар» счёти. } 6000 сўм

Инвентаризация қилиш комиссияси томонидан 6000 сўмлик кам чиққан хом ашё ва материалларнинг қуйидаги сабаблари аниқланди: 2000 сўмлик камомад хом ашё ва материалларнинг табиий камайиши натижасида, 1500 сўмлик камомад ҳисобдор шахснинг айби билан содир бўлган ва 2500 сўмлик камомаднинг сабаблари номаълум.

Табиий камайиш натижасида содир бўлган камомад суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкалари тузилади:

1) Дебет «Даъволар бўйича олинадиган счётлар» счёти
Кредит «Камомад ва қийматликларнинг бузилишидан кўрилган йўқотишлар» счёти; } 2000 сўм

2) Дебет «Бошқа операцион харажатлар» счёти
Кредит «Даъволар бўйича олинадиган счётлар» счёти. } 2000 сўм

Моддий жавобгар шахслар томонидан кам чиққан хом ашё ва материалларнинг чакана баҳосидаги қиймати тўланади. Инвентаризация қилиш комиссиясини баённомасида кам чиққан хом ашё ва материаллар суммаси бухгалтерия ҳисобидаги баҳода ҳисобланган. Шунинг учун бу етишмаган ва моддий жавобгар шахсларни қарздор қилинган хом ашё ва материалларнинг ҳисобдаги баҳоси

билан чакана баҳоси ўртасидаги фарқ бухгалтерия ҳисобининг счётлар рўйхатидаги «Молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар» счётида ҳисобга олинади.

Инвентаризация қилиш комиссияси ҳисобдор шахс айби билан камомад чиққан 1500 сўмлик хом ашё ва материалларнинг чакана баҳодаги қийматини 4500 сўм деб топди. Бу ҳисобдор шахс айби билан хом ашё ва материаллар камомадига доир операцияга қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари» счёти 4500 сўм;

Кредит «Камомад ва қийматликларнинг бузилишидан кўрилган йўқотишлар»счёти 1500 сўм;

Кредит «Молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар» счёти 3000 сўм.

Инвентаризация қилиш комиссияси сабаблари номаълум бўлган 2500 сўмлик хом ашё ва материалларнинг камомадини хўжалик юритувчи субъектнинг харажатларига қўшишга қарор қилди.

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Бошқа операцион харажатлари» счёти
Кредит «Камомад ва қийматликларнинг бузилишидан кўрилган йўқотишлар» счёти. } 2500 сўм

Юқорида айтиб ўтилганидек, хўжалик юритувчи субъектнинг кассасидаги маблағлар ҳар ойда камида бир марта инвентаризация қилинади.

Инвентаризация қилиш натижасида кассадаги ҳақиқий мавжуд пулнинг суммаси бухгалтерия ҳисоби маълумотидаги суммадан кам эканлиги аниқланса, у ҳолда бу камомад суммасига қуйидаги иккита бухгалтерия проводкаси тузилади:

1) Дебет «Камомад ва қийматликларнинг бузилишидан кўрилган йўқотишлар» счёти;

Кредит «Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти.

2) Дебет «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари» счёти;

Кредит «Камомад ва қийматликларнинг бузилишидан кўрилган йўқотишлар» счёти.

Инвентаризация қилиш натижасида кассадаги ҳақиқий мавжуд пулнинг суммаси бухгалтерия ҳисоби маълумотидаги суммадан кўп

эканлиги аниқланса, у ҳолда бу ортиқча суммага қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет «Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти;

Кредит «Молиявий фаолиятдан келган бошқа даромадлар» счёти.

Инвентаризация қилиш натижасида бошқа хўжалик маблағлари ва хўжалик юритувчи субъектлар билан олиб бориладиган ҳисобкитоблардаги аниқланган хатолар ҳам тегишли йўллар билан расмийлаштирилади.

Савол ва топшириқлар

1. Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатнинг аҳамиятини айтинг.
2. Бухгалтерия ҳисобида ҳужжат деб нимага айтилади?
3. Бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари ўзларининг ҳисобда бажарадиган вазифаларига қараб қандай гуруҳларга бўлинади?
4. Фармойиш берувчи ҳужжатларнинг тавсифномасини айтинг.
5. Тасдиқловчи ҳужжатларнинг тавсифномасини айтинг.
6. Бухгалтерия расмийлаштириш ҳужжатлари ҳақида қисқача тушунча беринг.
7. Комбинациялаштирилган ва ахборот маълумотларини берувчи ҳужжатларнинг тавсифномасини айтинг.
8. Бухгалтерия ҳисобининг ҳужжатлари ўзларининг тузилиш тартибига қараб қандай ҳужжатлар гуруҳига бўлинади?
9. Бир марталик ва жамлама ҳужжатлар ҳақида қисқача тавсифнома беринг.
10. Бухгалтерия ҳужжатлари қаерда тузилганига қараб қандай гуруҳларга бўлинади?
11. Бухгалтерия ҳужжатларининг реквизитлари нима?
12. Бухгалтерия ҳужжатларининг айланишини айтиб беринг.
13. Ҳужжатларнинг ҳаракат қилиш режаси нима?
14. Ҳужжатларни унификациялаштириш ва стандартлаштиришни тушунтириб беринг.
15. Инвентаризациянинг асосий мақсади нимадан иборат бўлади?
16. Инвентаризация қилиш хўжалик маблағларининг қандай қисмини қамраб олишига қараб қандай турларга бўлинади?
17. Тўла инвентаризация қилишни тавсифлаб беринг.
18. Қисман инвентаризация қилишни тавсифлаб беринг.
19. Режали ва тўсатдан амалга ошириладиган инвентаризация қилишлар тўғрисида тушунча беринг.
20. Моддий захиралар йилига энг камида неча марта инвентаризация қилинади?

21. Асосий воситалар неча йилда инвентаризация қилинади?

22. Кутубхона фондлари неча йилда инвентаризация қилинади?

23. Пул маблағлари, пул ҳужжатлари, қийматликлар ва қатъий ҳисоботдаги бланклар қачон инвентаризация қилинади?

24. Ёқилғи-мойлаш материаллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари қачон инвентаризация қилинади?

25. Асосий воситалар ва моддий қийматликлар яна қайси ҳолатларда инвентаризация қилинади?

26. Доимий фаолият юритувчи инвентаризация комиссияси таркибида кимлар бўлади?

27. Доимий фаолият юритувчи инвентаризация комиссия қандай профилактика ишларини амалга оширади?

28. Ишчи инвентаризация комиссиялари қайси вақтларда тузилади?

29. Асосий воситалар инвентаризацияси қандай ўтказилади?

30. Моддий қийматликлар инвентаризацияси қандай ўтказилади?

31. Пул маблағлари ва қатъий ҳисоботдаги бланклар инвентаризацияси қандай ўтказилади?

32. Ҳисоб-китоблар инвентаризацияси қандай ўтказилади?

33.Инвентаризация бўйича солиштириш ведомостларини тузиш тартиби қандай бўлади?

34.Инвентаризация фарқларини тартибга солиш ва инвентаризация натижаларини расмийлаштириш тартиби қандай бўлади?

35.Инвентаризацияда аниқланган қийматликларнинг ҳақиқатда бори ва бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг тафовутларини тартибга солиш ҳақидаги таклифларни ким кўриб чиқади?

36.Ортиқча чиққан асосий воситалар кирим қилинганида қандай бухгалтерия проводкаси тузилади?

37.Ортиқча чиққан моддий қийматликлар кирим қилинганида қандай бухгалтерия проводкаси тузилади?

38.Белгиланган меъёрлар доирасида моддий қийматликларнинг камомадлари ҳамда ташкилот ҳисобига олинган камомадлар ва нобудгарчиликлар ҳисобдан чиқарилганида қандай бухгалтерия проводкаси тузилади?

39.Материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича аниқланган камомадлар ва нобудгарчиликлар айбдор шахслар ҳисобига қўйилганида қандай бухгалтерия проводкалари тузилади?

САККИЗИНЧИ БОБ

БУХГАЛТЕРИЯ (МОЛИЯВИЙ) ҲИСОБОТИ

1. Ҳисоботнинг моҳияти ва аҳамияти

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатда фуқароларнинг шахсий ва хусусий мулки, жамият (ширкат) мулки, коммунал мулк, давлат мулки, аралаш мулк, хорижий юридик шахслар мулкига асосланган хўжалик юритувчи субъектлар фаолият кўрсатиши мумкин. Бу ҳолат ҳисоботнинг моҳияти ва аҳамиятига ўз таъсирини қилади. Мамлакатнинг бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи маълумотлари бошқа давлатларнинг ахборотлари билан солиштириб бўлишлигини таъминлаш учун мамлакатдаги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини халқаро бухгалтерия стандартларига мослаштирилган мамлакатнинг бухгалтерия ҳисобини миллий стандартлари асосида ташкил қилиш керак бўлади.

Хўжалик юритувчи субъект режа кўрсаткичларининг қандай бажарилаётганлиги жорий бухгалтерия, тезкор ва статистика ҳисоби маълумотлари асосида назорат қилиб борилади. Ҳисобот даврининг охирида шу давр ичида режа кўрсаткичларининг қандай бажарилганлиги, хўжалик юритувчи субъект қандай хўжалик маблағларига эга ва улар қайси манбалардан ташкил топганлиги, хўжалик фаолияти қандай натижа билан якунланганлиги ва бошқа кўрсаткичларнинг қандай бажарилганлигини аниқлаш учун керакли маълумотлар олиниши лозим. Бу маълумотлар ҳисобот шаклларидан олинади. Ҳисобот шаклларида кўрсаткичлар фақатгина бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосидагина чиқарилмасдан балки тезкор ва статистика ҳисобларининг маълумотлари асосида ҳам чиқарилади.

Ҳисобот шаклларидаги маълумотлар асосида хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш фаолияти иқтисодий таҳлил қилинади. Иқтисодий таҳлил натижасида хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисобот даврида қўлга киритган ютуқлари ва йўл қўйган камчиликлари аниқланади.

Ҳисобот шаклларидаги маълумотлар асосида юқори ташкилотлар томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти ва режа топшириқларининг бажарилиши устидан назорат олиб борилади. Молия ва солиқ органлари ҳисобот маълумотларига таяниб хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволини таҳлил қилади.

Ҳисобот шаклларида хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари ҳамда пул-кредит муносабатлари ҳақидаги тизимлаштирилган бухгалтерия, тезкор ва статистика ҳисоблари кўрсаткичлари бўлади.

2. Ҳисоботнинг хусусиятлари

Ҳисобот мажбурийлик, оммавийлик ва унинг мазмунининг давлат томонидан бир хилда ўрнатилганлиги каби ўзига хос хусусиятларга эга.

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни билан давлат томонидан даврий ва йиллик бухгалтерия баланси ва ҳисоботини тузишнинг мажбурийлиги ўрнатилган. Шунга асосан ҳар бир хўжалик юритувчи субъект белгиланган муддатларда даврий ва йиллик ҳисобот ва бухгалтерия балансини тузиб таъсис ҳужжатларига мувофиқ мулкдорларга, солиқ органларига, давлат статистика органларига ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа органларга топширадилар. Кичик корхоналар ва микрофирмалар ҳисоботни фақат жойлардаги давлат статистика органига ва солиқ органига тақдим этади.

Бухгалтерия балансида моддий қийматликлар ҳақиқий таннархда кўрсатилади. Қонун ҳужжатларида бухгалтерия баланси бошқа моддаларнинг қандай баҳоланиши қоидалари ҳам кўрсатилган. Даврий ва йиллик ҳисобот шаклларини ва уларни қандай тўлдириш, қайси моддаларида қандай мазмундаги маълумотларни кўрсатиш тўғрисидаги қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади. Шу қоидага асосан ҳамма хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобот шаклларини тўлдирадилар. Ҳамма хўжалик юритувчи субъектлар учун умумий бўлган ҳисобот шаклларини ишлаб чиқиш ва уларнинг моддаларидаги маълумотлар мазмунининг бир хиллигига эришиш хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоботининг маълумотларини туман, вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёти тармоқлари ва бутун иқтисодиёт

5) хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик операциялари ишончли бошланғич бухгалтерия ҳужжатлари билан тасдиқланган бўлиши керак;

6) хўжалик юритувчи субъектнинг активлари ва даромадларининг баҳоси оширилган ва мажбуриятлар ёки харажатларнинг суммалари пасайтирилган ҳолда кўрсатилишига йўл қўйилмаган бўлиши керак;

7) хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик операцияларининг мазмуни ишончли акс эттирилган бўлиши керак;

8) хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий маълумотларни ҳар хил ҳисобот даврлари бўйича кўрсаткичлар қиёсланиши таъминланган бўлиши керак;

9) хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботида келтирилган маълумотлар хатолардан холислиги ва мустақиллиги таъминланган бўлиши керак;

10) хўжалик юритувчи субъектнинг активлари ва мажбуриятлари молиявий ҳисоботда ҳақиқий таннархида ёки сотиб олинган нархида баҳоланиши таъминланган бўлиши керак;

11) хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботида муайян ҳисобот даврида даромад олиш билан боғлиқ бўлган харажатларгина акс эттирилиши таъминланган бўлиши керак;

12) хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботида берилаётган маълумотлар бу маълумотлардан фойдаланувчилар учун оддий ва тушунарли бўлиши таъминланган бўлиши керак;

13) хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботида берилаётган маълумотлар бу маълумотлардан фойдаланувчиларнинг қарор қабул қилиш ва хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ва хўжалик фаолиятини баҳолаш эҳтиёжини қондирган бўлиши керак;

14) хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботида берилаётган маълумотлар асосида фойдаланувчилар томонидан иқтисодий қарорлар қабул қилишга таъсир қилиш имкониятини бериши керак;

15) хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботида берилаётган маълумотлар бу маълумотлардан фойдаланувчиларда муайян хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволи, хўжалик фаолияти натижалари ва пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳаққоний ва холис тасаввур ҳосил қилиши керак;

16) хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботида берилаётган маълумотлар тўлиқ ва тугалланган бўлиши керак;

17) хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи бу ҳисоботдан фойдаланувчилар муайян хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволидаги ўзгариш йўналишларини аниқлаш учун турли даврдаги ҳисоботларни қиёслаш имкониятига эга бўлишлари керак;

18) хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи ўз вақтида тақдим этилиши ва уларнинг маълумотлари Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ амалга оширилиши керак;

19) хўжалик юритувчи субъектнинг активлари билан пассивлари ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар қилиш ҳамда унинг даромадлар ва харажатлар моддалари ўзаро ҳисоб қилиш мумкин эмас;

20) хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳволи, фаолиятининг молиявий натижалари ва пул маблағлари ҳаракати тўғрисида объектив маълумотлар бериши керак.

3. Ҳисоботнинг турлари ва унинг мазмуни

Ҳисоб турларига мос ҳолда ҳисоботнинг ҳам уч тури, яъни тезкор, статистика ва бухгалтерия (молиявий) ҳисоботлари мавжуд. Ушбу дарслик бухгалтерия ҳисоби бўйича ихтисосланувчи талабалар учун ёзилганлиги сабабли бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи тўғрисида батафсил тўхтаб ўтишни лозим топдик.

Бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш-хўжалик ва молиявий фаолиятига тўла тавсифнома бера оладиган бухгалтерия баланси ва бир неча жадвалдан иборат бўлади.

Мамлакатдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи бухгалтерия баланси, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи, хўжалик юритувчи субъектнинг асосий воситаларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботи, хўжалик юритувчи субъектнинг пул оқими тўғрисидаги ҳисобот, хўжалик юритувчи субъектнинг ўз капитали тўғрисидаги ҳисоботи ва хўжалик юритувчи субъектнинг дебитор ва кредитор қарзлари тўғрисидаги ҳисоботидан иборатдир.

Бухгалтерия (молиявий) ҳисоботлари маълумотларни йиғиш даражасига қараб бошланғич ва йиғма ҳисоботларга бўлинади.

Бошланғич бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи деб муайян хўжалик юритувчи субъект ёки унинг қисмларининг хўжалик ва молиявий фаолиятини акс эттирувчи маълумотларга эга бўлган бух-

бўйича умумлаштиришни таъминлайди. Бу эса ҳисобот мазмунининг давлат томонидан қатъий бир хилда ўрнатилиши натижасида эришилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг даврий ва йиллик ҳисобот шакллари тезкор, статистика ва бухгалтерия ҳисоблари маълумотлари асосида тўлдирилиши мамлакатда ҳисоб ва статистиканинг ягона тизими ўрнатилганлигидан далолат беради. Ҳисобот шаклларини тўлдиришда халқ хўжалиги ҳисобининг маълумотларидан тўла фойдаланиш ҳисоботнинг хусусиятларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоботи олдига юқорида айтилган хусусиятларга мос ҳолда *бир неча муҳим талаблар* қўйилган.

Биринчи талаб. Бухгалтерия (молиявий) ҳисоботининг ҳамма кўрсаткичлари тўғри маълумотларга асосланган бўлиши шарт. Демак, ҳисобот тузилган вақтда хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволини тўғри акс эттириши, хўжалик фаолияти натижаларини аниқ кўрсатиши зарур. Жорий бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан ҳисобот маълумотлари солиштириб кўрилганда кўрсаткичлар мос келиши шарт.

Хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик фаолиятига тезкор раҳбарлик ўрнатиш учун бухгалтерия (молиявий) ҳисоботининг олдига қўйилган **иккинчи муҳим талаб** унинг белгиланган вақтда тузилиб, талаб қилинган идораларга топширилишидир.

Бухгалтерия (молиявий) ҳисоботлари одатда бу ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг талабларига қараб уюштирилиши керак. Бу ҳисоботларнинг фойдаланувчилари бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида, инвесторлар, кредиторлар, мол етказиб берувчилар, хўжалик юритувчи субъектнинг ходимлари, хўжалик юритувчи субъект жойлашган мамлакатнинг ҳукумати, аҳоли ва бошқалар ҳисобланади.

Мамлакатда ҳамма хўжалик юритувчи субъектлар (қайси мулкчиликка асосланганлигидан қатъий назар) бухгалтерия (молиявий) ҳисоботини давлат солиқ органларига топширади, давлат хўжалик юритувчи субъектлари эса яна ўзининг юқори давлат идорасига топширади. Акцияли, ширкат ва бошқа жамоат мулкчилигига асосланган хўжалик юритувчи субъектлар шу хўжалик юритувчи субъектининг мулкини эгаларига ҳамда кредит шартномасига кўра хўжалик юритувчи субъектга кредитлар берган банк муассасаларига ҳам бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи топширади.

Учинчи талаб бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи кўрсаткичларининг режа кўрсаткичлари билан боғлиқлигини таъминлашдир.

Агар кўрсаткичлар бир-бирига боғланган бўлмаса, унда жорий режанинг бажарилиши тўғрисидаги ва шунга мос ҳолда келгуси даврга тузиладиган режа кўрсаткичлари тўғрисида ҳам ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар келиб чиқади.

Тўртинчи талаб бир нечта бир хил соҳадаги хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоботлари кўрсаткичларининг иқтисодий мазмуни ва шаклларининг бир хилда бўлишидир. Бу талаб бир хил тармоқларнинг хўжалик юритувчи субъектлари хўжалик фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиб, унинг натижаларини аниқлаш ва юқори ташкилотнинг йиғма молиявий ҳисоботини тузишни енгиллаштиришга эришишини таъминлайди.

Бешинчи талаб хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоботи қисқа ва фақат зарур кўрсаткичларнигина ўзида гавдалаштиришдан иборат. Бу нарса ўз навбатида устама харажатларни камайтириш, ҳисобот тузишни тезлаштириш ва кераксиз маълумотлар билан ҳисоб ишларини қийинлаштирмасликни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг «Ҳисоб юритиш сиёсати ва молиявий ҳисобот» миллий стандартида хўжалик юритувчи субъектларнинг ўтган даврлари молиявий ҳисоботлари, шунингдек, турли хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларини қиёслашни таъминлаш мақсадида молиявий ҳисоботни шакллантириш ва тузиш асослари белгиланган. Бу миллий стандартда молиявий ҳисобот тузганда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан таъминланиши зарур бўлган қуйидаги асосий принциплар қайд қилинган:

1) ҳисоблаш принципи бухгалтерия ёзувлари хўжалик операциялари содир бўлган вақтда амалга оширилишини билдиради. Молиявий ҳисобот ҳам шу қоидага асосан тузилади;

2) хўжалик юритувчи субъектнинг активлари, пассивлари, ўз капитали, даромадлари, харажатлари, хўжалик операциялари содир этилган пайтда бухгалтерия ҳисобида икки ёқлама ёзиш усулини қўллаган ҳолда қайд қилинган бўлиши керак;

3) хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолияти номаълум узоқ муддатгача давом этади деб қабул қилинган бўлиши керак;

4) хўжалик юритувчи субъектнинг барча активлари, пассивлари ва хўжалик операциялари сўм ва тийин пул ўлчовида ҳисобланган бўлиши керак;

галтерия (молиявий) ҳисоботининг тузилиши ва мазмуни қандай бўлишлигини хўжалик юритувчи субъектни бошқариш тадбирларини ҳисобга олган ҳолда назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш кун тартибида турибди.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ички бухгалтерия (молиявий) ҳисоботида ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар, тайёр маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ харажатлар, моддий захираларнинг ҳажми, тайёр маҳсулотларни сотишнинг бориши, пул маблағларининг ҳолати ва ҳаракати, дебитор ва кредитор қарзларга доир маълумотлар бўлиши керак. Ички бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарлари ва унинг ҳамма бўлинмаларини бошқариш учун керакли бўлган ахборот билан таъминлайди. Ички бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи тизимини яратишда бухгалтерия ҳисобининг замонавий электрон ҳисоблаш машиналаридан кенг фойдаланишга асосланган шаклини қўллаш жуда қўл келади.

4. Бухгалтерия (молиявий) ҳисоботини тузиш, топшириш ва тасдиқлаш тартиблари

Бухгалтерия (молиявий) ҳисоботини тузиш, топшириш ва тасдиқлаш тартиблари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегишли меъёрий ҳужжатлари билан белгиланади. Хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи ўз вақтида тузилиши ва унинг маълумотларини реаллиги таъминланиши керак.

Бухгалтерия (молиявий) ҳисоботлари тузилганда қуйидагилар таъминланиши керак:

1) ҳисобот даври ичида амалга оширилган ҳамма хўжалик операциялари ва пул маблағлари, асосий воситалар, моддий қийматликлар ва ҳисоб-китобларнинг тўла акс эттирилиши;

2) аналитик ҳисоб маълумотларининг ҳар ойнинг биринчи санасига бўлган тегишли синтетик счётнинг айланма ва қолдиқ суммалари билан бир хиллиги;

3) бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи кўрсаткичларининг синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотлари билан бир хиллиги.

Юқорида келтирилган асосий шартларни бажармасдан тузилган бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи нотўғри тузилган деб ҳисобланади. Бухгалтерия (молиявий) ҳисоботини тузишдан олдин ҳисо-

ботнинг тўғри ва реал тузилишини тўла таъминлай оладиган зарур ишлар қилиниши шарт.

Жорий бухгалтерия ҳисобот маълумотларини умумлаштириш, синтетик ва аналитик счётларда ҳамма хўжалик операцияларини акс эттириш, синтетик ҳамда аналитик счётлар бўйича айланма ведомостларини тузиш ва улар бўйича қолдиқ суммаларини аниқлаш ва бошқа ишлар бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи тузишдан аввал бажарилган бўлиши керак.

Йиллик бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи тузишдан аввал хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик маблағлари ва ҳисоб-китобларни инвентаризация қилиш зарур. Бухгалтерия (молиявий) ҳисоботини тузиш учун бухгалтерия ходимлари томонидан бир қанча қўшимча ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи мустақил аудитор ташкилоти томонидан текшириб чиқилган бўлиши керак.

Хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия (молиявий) ҳисоботининг ишончлилиги ва холислиги ҳамда амалга оширилган хўжалик операцияларининг қонунийлигига ишониш учун бухгалтерия (молиявий) ҳисоботини расмий текшириш аудит деб аталади. Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолиятини назорат қилувчи киши эса аудитор деб аталади. Хўжалик юритувчи субъектининг бухгалтерия (молиявий) ҳисоботини ва хўжалик фаолиятини текшириш ишларини иқтисодий экспертиза қилиш ва уларга ҳисоб ва молиявий масалалар бўйича тегишли маслаҳатлар берувчи ҳамда юқоридаги ишларни маълум ҳақ учун бажарувчи ташкилот аудитор ташкилоти ёки аудитор хизмати деб аталади.

Аудитлар ташқи аудит ва ички аудитларга бўлинади. Ҳозир хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия (молиявий) ҳисоботини ишончли ва холислигини тасдиқлаш, даромад ва харажатларни экспертиза қилиш, фаолиятини иқтисодий самарадорлигини оширишга доир бир-биридан фарқ қиладиган ечимларни ишлаб чиқиш, қилган харажатларнинг натижаларига баҳо бериш ҳамда уларда мамлакатда қабул қилинган иқтисодий тартиб ва тегишли қонунларнинг бажарилишини текширадиган мустақил хўжалик ҳисобида турувчи аудитор ташкилотлар тизимини яратиш керак. Бу ташкилотлар хўжалик юритувчи субъектнинг ишларини шартнома асосида бажаради. Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект қайси аудитор ташкилотни чақиришини ўзи аниқлайди. Аудитор ташкилотлар ҳеч

галтерия баланси ва бир неча ҳисобот жадваллари йиғиндисига айтилади.

Кўпгина хўжалик юритувчи субъектларнинг баъзи бир қисмлари алоҳида балансга ўтказилган бўлиб, улар томонидан ҳам бухгалтерия баланси ва тегишли ҳисобот жадваллари тузилади.

Йиғма бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи бошланғич бухгалтерия (молиявий) ҳисоботлар маълумотларини йиғиш асосида тузилган бўлади. Бу ҳисоботда бир хил соҳадаги бир неча хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш-хўжалик ва молиявий фаолиятлари маълум ҳисобот шаклларига йиғилган ҳолда акс эттирилади. Шу асосда тузилган ҳисобот шакллари йиғиндисига йиғма ҳисобот дейилади. Катта хўжалик юритувчи субъектларни ўзларининг баъзи бир бўлинмаларини алоҳида баланс тузишга ўтказиб қўйишлари мумкин. Бу хўжалик юритувчи субъектларда даврий ва йиллик ҳисобот тузиш пайтида ана шу алоҳида баланс тузадиган бўлинмаларнинг маълумотлари ҳам қўшилган ҳолда йиғма бухгалтерия баланси тузилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Умумлаштирилган (консолидацияланган) молиявий ҳисоботлар ва шуъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялар ҳисоби» бухгалтерия ҳисоби миллий стандартида бош хўжалик юритувчи жамият (бош жамият) назоратида бўлган хўжалик юритувчи жамиятлар гуруҳининг умумлаштирилган (консолидацияланган) молиявий ҳисоботларини тузиш ва тақдим этиш тартиби белгиланган. Бош хўжалик юритувчи жамият (бош жамият) назоратида бўлган хўжалик юритувчи жамиятлар уларнинг шуъба хўжалик жамиятлари ҳисобланади. Бош хўжалик юритувчи жамият (ёки бош жамият) деганда бир ёки бир неча шуъба хўжалик жамиятига эга бўлган хўжалик юритувчи субъект тушунилади.

Умумлаштирилган (консолидацияланган) молиявий ҳисоботлар *- бу ҳисобот санасидаги ҳолатга кўра бош хўжалик юритувчи жамият (бош жамият) ва шу бош жамият томонидан назорат қилинаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатини ва ҳисобот давридаги молиявий натижаларни акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимидир.* Умумлаштирилган (консолидацияланган) молиявий ҳисоботларни тайёрлашда бош хўжалик юритувчи жамиятнинг ҳамда унинг назоратида бўлган шуъба хўжалик жамиятларининг молиявий ҳисоботлари уларнинг активлари, мажбуриятлари, ўз капитали, даромадлари ва харажатларини бир хил моддалари бўйича қатор-ма-қатор қўшиш йўли билан умумлаштирилади.

Бухгалтерия (молиявий) ҳисоботлари қайси даврга тузилишига қараб икки турга, яъни *даврий ва йиллик бухгалтерия (молиявий) ҳисоботлари*га бўлинади.

Даврий бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи хўжалик йилининг маълум санасига жорий бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида тузилади. Даврий бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи қайси муддатга тузилишига қараб *чораклик ва ярим йиллик* бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларига бўлинади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг биринчи *чорак якуни, ярим йиллик ва тўққиз ойлик якуни бўйича* бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи «Бухгалтерия баланси» (1-сонли шакл), «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»(2-сонли шакл) ҳамда «Дебитор ва кредитор қарзлари тўғрисидаги ҳисобот»(2а-сонли шакл)лардан иборат бўлади.

Йиллик бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи жорий йилнинг охирида тузилади. Бу ҳисобот хўжалик юритувчи субъектнинг бир йиллик ишлаб чиқариш-хўжалик ва молиявий фаолиятини акс эттирувчи маълумотлар келтирилган бир қанча шакллардан иборат.

Хўжалик юритувчи субъектлар йиллик бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи қуйидагилардан иборат бўлади:

1) «Бухгалтерия баланси» (1-сонли шакл);

2) «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» (2-сонли шакл);

3) «Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот» (3-сонли шакл);

4) «Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот» (4-сонли шакл);

5) «Ўз капитали тўғрисидаги ҳисобот» (5-сонли шакл);

6) «Дебитор ва кредитор қарзлар тўғрисидаги ҳисобот» (2а-сонли шакл).

Йиллик бухгалтерия ҳисоботига тушунтириш ва изоҳлар ҳам берилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектлар ташқи бухгалтерия (молиявий) ҳисоботидан ташқари ички бухгалтерия (молиявий) ҳисоботини ҳам тузиши мақсадга мувофиқдир. Ички бухгалтерия (молиявий) ҳисоботидан хўжалик юритувчи субъект ичида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулотлар таннархи устидан назорат ўрнатиш, уларни бошқариш, хўжалик юритувчи субъектга баҳо бериш ва унинг бўлинмалари хўжалик фаолиятига баҳо бериш, хўжалик фаолияти устидан назорат қилиш ва тафтиш ўтказиш учун фойдаланилади. Ҳозирги вақтда ички бух-

қандай вазирлик ёки идоралар қошида тузилмаслиги керак. Бу эса аудитор ташкилотларни ҳақиқатда мустақил бўлишини таъминлайди, хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия (молиявий) ҳисоботини ҳақиқийлигини назорат қилиш ва олинган солиқнинг тўғри бўлишига эришиш имкони туғдиради.

Аудитор ташкилотлар шартнома асосида хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия (молиявий) ҳисоботини текширганда аудиторлар бухгалтерия балансининг ҳар бир моддасида ва бухгалтерия (молиявий) натижалар ҳисоботида кўрсатилган маълумотларни ишончлилигини тасдиқлаш учун хўжалик юритувчи субъект маблағлари, моддий захиралари ва қарздорларнинг мажбуриятлари, қайд қилинган маълумотлар ҳақиқатга тўғри келиши, бухгалтерия ҳисобининг юритилиши, бухгалтерия (молиявий) ҳисоботини тузиш қоидаларининг қандай бажарилганлигини ва бошқаларни текшириб чиқади. Бухгалтерия (молиявий) ҳисоботидаги маълумотларнинг бирортасини холисона эканлигига аудитор ишонч ҳосил қилмаса, у ҳолда аудитор хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларига кафолат бермайди. Агар хўжалик юритувчи субъект молиявий натижаларини тўғри эканлигини исботловчи қўшимча ҳужжатларни аудиторга кўрсатса, у ҳолда бухгалтерия (молиявий) ҳисоботининг ишончсиз деб топилган маълумотлари қайта кўриб чиқилади ва уларнинг ҳақиқий эканлигига ишонч ҳосил қилинса, аудитор хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия (молиявий) ҳисоботини ишончли эканлигига кафиллик беради.

Аудитнинг мукаммаллиги, аудит ўтказиш учун сарфланган харажатлари ва аудит натижасининг самарадорлиги аудитнинг асосий кўрсаткичлари ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитор хизматларини ташкил қилиш мумкин. Ички аудитор хизмати ходимлари хўжалик юритувчи субъект ичида хўжалик юритувчи субъектнинг бир қисми унинг иккинчи қисмига қилаётган хизматларининг сифатли бўлишини, бирор хизматни ўзи бажаргани самаралими ёки хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа қисми бажаргани самаралими ёки шу хизматни бажармасдан ўтиши мумкинми деган саволларга жавоб бериш, қилинаётган тадбир хўжалик юритувчи субъектга юқори самара бериш ёки бермаслигини аниқлаш каби ишларни бажаради. Шулар асосида қилинган тўғри таклифларни амалга ошириш натижасида хўжалик юритувчи субъект кўриши мумкин бўлган зарарни олди оли-

нади ва ишлаб чиқариш фаолиятига тегишли ўзгартишлар қилинади. Ички аудитор хизматида ишловчи аудиторларнинг касби ташқи аудитор хизматида ишловчиларнинг касбидан фарқ қилади. Назорат ва тафтиш ишлари натижасида хўжалик юритувчи субъектдаги муаммоларни ечиш ва унда келажакда содир бўлиши мумкин бўлган муаммоларни ечиш бўйича тегишли таклифлар ишлаб чиқилади. Ички аудитда нималарни текшириш, назорат қилиш, қайси тадбирларни қандай самара беришлигини аниқлаш, қандай тадбир-чоралар кўриш кераклигини хўжалик юритувчи субъект ва унинг бўлинмаларининг бошлиқлари, бош бухгалтери ва молиячилари белгилайди.

Хўжалик юритувчи субъектлар даврий бухгалтерия (молиявий) ҳисоботини ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-санасидан кечикмасдан, йиллик бухгалтерия (молиявий) ҳисобот эса келгуси йилнинг 15-февралидан кечикмасдан қуйидаги органларга тақдим этади:

а) мулк эгаларига (давлат мулкини бошқариш топширилган органларга; тегишли таъсис хужжатларига кўра таъсис этувчиларга, қатнашувчиларга);

б) давлат солиқ органларига;

в) давлат статистика органларига;

г) қонунчиликда белгиланган бошқа органларга.

Кичик корхоналар ва микрофирмалар бухгалтерия (молиявий) ҳисоботини фақат жойлардаги давлат статистика органига ва солиқ органига тақдим этади.

Қўшма корхоналар йиллик бухгалтерия (молиявий) ҳисоботини келгуси йилнинг 25-мартидан кечикмасдан юқорида келтирилган органларга тақдим этади.

Вазирликлар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва давлат мулкини бошқарувчи бошқа органлар даврий бухгалтерия (молиявий) ҳисоботини ҳисобот даври тугагандан кейинги 40 кун ичида, йиллик бухгалтерия (молиявий) ҳисоботини эса келгуси йилнинг 15-мартидан кечикмасдан юқорида келтирилган органларга тақдим этади.

Юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотлари йилда бир маротаба Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни молия органларига янги йилнинг 15-мартигача тақдим этади.

Бухгалтерия (молиявий) ҳисоботини қабул қилувчи орган жойлашган жойдан бошқа жойда жойлашган хўжалик юритувчи

субъект учун даврий ёки йиллик бухгалтерия (молиявий) ҳисоботини почта орқали ҳам бериб юбориш мумкин. Бунда бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи солинган хатни конвертига қўйилган почтанинг штампелида кўрсатилган сана хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи топширилган сана деб қабул қилинади. Даврий ва йиллик бухгалтерия (молиявий) ҳисоботини юқорида кўрсатилган муддатда топширмаган хўжалик юритувчи субъект раҳбари ва бош бухгалтери тегишли тартибда жавоб беришади.

Тегишли органларга топшириладиган бухгалтерия (молиявий) ҳисоботида хўжалик юритувчи субъект раҳбари ва бош бухгалтери ҳамда ҳисобот шаклларида имзоси талаб қилинган бошқа мансабдор шахсларнинг имзолари чекилган бўлиши керак. Марказлаштирилган бухгалтерия хизмат қиладиган хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи хўжалик юритувчи субъект раҳбари ва марказлаштирилган бухгалтериянинг бош бухгалтери томонидан имзоланади. Улар ушбу шаклларидаги маълумотларнинг тўғрилигига жавобгардирлар. Онгли равишда нотўғри маълумот берган хўжалик юритувчи субъект раҳбари ва бош бухгалтери ҳамда ҳисобот шаклларига имзо чеккан мансабдор шахслар қонун бўйича жавоб берадилар.

Давлат корхоналарининг йиллик бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи тасдиқланганда юқори ташкилот муайян хўжалик юритувчи субъектнинг 1 январга тузилган бухгалтерия балансининг реформасини ҳам беради. Бунда хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисобот йилида олган фойда суммасини тақсимлаш ведомости ҳам тасдиқланади.

Шу йиллик бухгалтерия (молиявий) ҳисоботига ёзилган хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг тушунтириш хати асосида юқори ташкилотда шу хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш-хўжалик ва молиявий фаолияти таҳлил қилинади ҳамда ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятига баҳо берилади, сўнгра бу ҳисобот тасдиқланади. Шу билан бирга ҳисоботнинг сифатига ва хўжалик юритувчи субъектда ҳисоб ишларининг қандай йўлга қўйилганлигига ҳам баҳо берилади. Юқори ташкилотнинг қарорига асосан йиллик бухгалтерия балансининг реформацияси бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади ва махсус фондларга ажратмалар ва ҳоказоларга қўшимча ҳисоблашлар ҳамда ҳисобланган суммадан камайтиришлар бухгалтерия счётларига ёзилади.

5. Йиғма бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи

Уюшма, концерн, бирлашмалар, бош бошқармалар ва бошқа хўжаликни бошқариш органлари ҳамда вазирликлар йиғма бухгалтерия (молиявий) ҳисоботини тузадилар. Уюшма, концерн, бирлашмалар, бош бошқармалар ва бошқа хўжаликни бошқариш органлари ўзларига бўйсунадиган корхоналарнинг бухгалтерия (молиявий) ҳисоботлари асосида йиғма бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларини тузадилар.

Йиғма бухгалтерия (молиявий) ҳисоботлари халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари, туман, вилоят бўйича, шунингдек, ишлаб чиқариш турлари бўйича хўжаликнинг маълум даврдаги фаолиятини тўла тавсифлайди ва режанинг қандай бажарилганлиги ҳақида зарур маълумотлар беради.

Йиғма бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларининг мазмуни, ҳажми ва шакллари айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг даврий ва йиллик бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларининг мазмуни, ҳажми ва шакллари билан мос келади.

Ҳақиқий кўрсаткичларни, шунингдек, ўтган йил кўрсаткичларини солиштиришни таъминлаш учун йиғма бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи, хўжалик юритувчи субъектлар бўйича ҳамма кўрсаткичларни ўзида акс эттиришдан қатъий назар, унинг ҳамма маълумотлари муайян юқори ташкилот йиғма бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи таркибига киритилади.

Уюшма, концерн, бирлашмалар, бош бошқармалар ва бошқа хўжаликни бошқариш идоралари йиғма бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларини ўзларининг юқори ташкилотига, молия ва давлат солиқ органларига тақдим этадилар.

Вазирликлар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва давлат мулкини бошқарувчи бошқа органлар даврий бухгалтерия (молиявий) ҳисоботини чорак тугагандан кейинги 40 кун ичида, йиллик бухгалтерия (молиявий) ҳисоботини эса келгуси йилнинг 15-мартидан кечикмасдан юқорида келтирилган органларга тақдим этади.

Йиғма бухгалтерия (молиявий) ҳисоботлари маълумотларига асосланиб тегишли туман, вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси айрим муҳим кўрсаткичлар юзасидан тармоқлар ва халқ хўжалиги бўйича ведомостлар тузадилар. Шунингдек халқ хўжалиги режасининг бажарилишини текшириб кўрадилар ва келгуси давр учун зарур кўрсаткичларни ишлаб чиқадилар.

Савол ва топшириқлар

1. Жамиятда ҳисоботнинг моҳиятини айтинг.

2. Ҳисоботнинг қандай турлари бўлади?

3. Бошланғич ва йиғма бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларини тавсифлаб беринг.

4. Даврий ва йиллик бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларини тушунтиринг.

5. Даврий бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларининг таркибини айтиб беринг.

6. Йиллик бухгалтерия (молиявий) ҳисобот ва унинг таркибини айтиб беринг.

7. Хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия (молиявий) ҳисоботини тузиш, тошшириш ва тасдиқлаш тартиблари ҳақида қисқача тушунча беринг.

8 Вазирликларнинг йиғма бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи ҳақида қисқача тушунча беринг.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ РЕГИСТРЛАРИ ВА ТЕХНИКАСИ

1. Бухгалтерия ҳисобининг регистрлари ва уларнинг аҳамияти

Бухгалтерия ҳисобининг бошланғич ҳужжатларда хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш-хўжалик ва молиявий фаолиятида содир бўлган ва амалга оширилган хўжалик операциялари акс эттирилади, улар кейинчалик текширилади ва сўмда ифода қилиб чиқилади. Айрим бошланғич ҳужжатлар бўйича йиғма ведомост-ҳужжатлар тузилади. Уларнинг маълумотлари тегишли регистрларга ёзиб чиқилиш тартибига ва иқтисодий мазмунига мувофиқ гуруҳланиши керак.

Бухгалтерия ҳисобининг регистрлари *деб бошланғич ва йиғма ҳужжатларда акс эттирилган хўжалик маблағлари ва хўжалик жараёнининг таркиби ва ҳаракатини, уларнинг ташкил топиш манбаларини иқтисодий мазмунига мувофиқ гуруҳларга бўлиб, рўйхатга олиш учун мўлжалланган махсус шаклдаги жадвалларга айтилади.* Бухгалтерия ҳисобининг регистрлари бўлиб икки ёқлама ёзиш усулларига мувофиқ юритиладиган журналлар, ведомостлар, китоблар ва тасдиқланган бланк(шакл)лар хизмат қилади. Бу жадваллар бухгалтерия ҳисобида счётларнинг ўзаро алоқаси ва счётлардаги ёзувларнинг иқтисодий мазмунини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Бухгалтерия китоби - муқоваланган жузланган махсус устунлар чизилган қоғоз варақларидир. Ҳар бир бухгалтерия китобида унга ёзишдан олдин унинг барча варақлари рақамланади. Охирги варақнинг орқа томонига бош бухгалтернинг имзоси билан қуйидаги ёзув «Ушбу китобда ҳаммаси бўлиб ..... варақ рақамланган» ёзиб қўйилади.

Бухгалтерия карточкалари - бир-бирлари билан бирлаштирилмаган махсус устунлар чизилган қоғоздан ёки юпқа картондан тайёрланган алоҳида-алоҳида жадваллардир.

Бухгалтерия ведомостлари - карточкаларда юритиладиган ҳисоб регистрларининг бир туридир.

Бухгалтерия ҳисоби регистрларидаги ёзувлардан хўжалик юритувчи субъект ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини бошқариш, таҳлил қилиш ва назоратни мустаҳкамлаш учун фойдаланилади. Уларда йиғилган маълумотлар асосида режа топшириқларининг бажарилиши ҳақидаги кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқилади.

Бухгалтерия баланси ва ҳисоботининг ўз вақтида, сифатли тузилиши ва муддатида керакли жойларга топширилиши регистрлардаги ёзувларнинг тўғри ва вақтида ўтказилганлигига боғлиқдир. Регистрларда ҳисобнинг белгиланган кўрсаткичлари бўйича ҳужжатларнинг мазмуни бир хил турдаги белгиларига мувофиқ гуруҳланади.

Бухгалтерия ҳисоби регистрларида хўжалик операцияларини гуруҳларга бўлиб ёзиш бухгалтерия ҳисобида рўйхатга олиш ҳам дейилади. Бундай рўйхатга олиш ҳужжатларнинг сақланишини таъминлайди, уларнинг тўғри фойдаланилиши устидан назоратни кучайтиради.

2. Бухгалтерия ҳисоби регистрларининг турлари ва уларнинг шакллари

Бухгалтерия ёзувларининг турли-туман бўлиши турли хилдаги ёзувларни ўзида акс эттирадиган бухгалтерия ҳисоби регистларини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Бухгалтерия ҳисоби регистларини уларда қайд қилинган ёзувларнинг турлари, мазмуни, ҳажми, регистрларнинг ташқи кўриниши ва бошқа аломатларига қараб туркумларга ажратиш мумкин. *Бухгалтерия ҳисоби регистрларида қайд қилинган ёзувларнинг турига қараб регистрлар учга бўлинади, яъни мунтазам, хронологик ва комбинациялашган ёзувлар қилинадиган регистрларга бўлинади.*

Хронологик ёзув олиб бориладиган регистрларда хўжалик юритувчи субъектда амалга оширилган ёки содир бўлган хўжалик операциялари ҳеч қандай тизимга солинмаган ҳолда ҳужжатларнинг бухгалтерияга келиб тушиш вақтига қараб рўйхатга олинади. Хўжалик юритувчи субъектларда хронологик ёзув олиб бориш учун мўлжалланган регистрлар амалга оширилган ёки содир бўлган хўжалик операцияларини исботловчи ёки уларни амалга ошириш учун буйруқ кучига эга бўлган дастлабки ҳужжатларни рўйхат қилиш,

уларнинг хўжалик даври давомидаги умумий суммасини аниқлаш, бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларининг бутлиги устидан назорат олиб бориш ва бошқа мақсадлар учун қўлланилади. Масалан, ҳисобот даврининг охирида синтетик счётлар бўйича тузилган айланма ведомостнинг умумий суммаси хўжалик операцияларининг амалга оширилганлигини ёки содир бўлганлигини кўрсатувчи дастлабки ҳужжатларни хронологик равишда қайд қилган регистрнинг умумий суммаси билан солиштириб кўрилади. Уларнинг иккаласи бир-бирига тенг келиши керак. Бундай регистрлар хўжалик юритувчи субъектда амалга оширилган ва содир бўлган **хўжалик операцияларини рўйхатга олиш журнали** деб ҳам аталади.

Хронологик регистр вазифасини бухгалтерия ҳисобининг мемориал-ордер шаклида қўлланиладиган «Хўжалик операцияларини рўйхатга олиш журнали» бажаради. Бу журналда хўжалик операциялари бухгалтерия проводкалари билан расмийлаштирилгандан кейингина рўйхатга олинади.

«Хўжалик операцияларини рўйхатга олиш журнали»да ёзувларнинг тартиб рақами, унинг журналга ёзилган сана, счётлар корреспонденциясида қатнашувчи счётларнинг номи ва хўжалик операциясининг суммаси кўрсатилади. Операциялар счётларга шу журналдаги ёзувда қўйилган тартиб рақамига мувофиқ ёзилади.

Айрим пайтларда битта рўйхатга олиш журнали ўрнига бир неча ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган счётларга тааллуқли ҳужжатлар бўйича хўжалик операцияларини хронологик тартибда рўйхатга олишга мўлжалланган журналлар очилади. Бу журналларда хронологик рўйхатга олиш мунтазам рўйхатга олиш билан қўшилиб кетади. Моҳиятига кўра бу журналлар йиғма ведомостлар вазифасини бажаради ва ҳар бир келиб тушган ҳужжат бўйича мемориал-ордер тузишнинг зарурати қолмайди. Натижада синтетик ҳисоб регистрларидаги ёзувлар ва ордерлар сони бир неча марта қисқаради.

Бухгалтерия ҳисобининг мунтазам регистрлари хўжалик юритувчи субъектда содир бўлган, бухгалтерия проводкалари билан расмийлаштирилган хўжалик операцияларини иқтисодий мазмунига қараб аниқ тизимга солади ва уларни бухгалтерия счётларида гуруҳлаб ёзиш учун хизмат қилади.

Мунтазам регистрларда бир хилдаги операциялар ёзилади, яъни хўжалик маблағлари ва унинг манбалари таркибидан айрим бир турининг ўзгариши, шунингдек, айрим турдаги хўжалик жараёнини тавсифлайдиган операциялар акс эттирилади. Бундай операция-

ларни гуруҳлаштириш синтетик ва аналитик ҳисоб счётларида амалга оширилади.

Агар хўжалик юритувчи субъектда бухгалтерия ҳисобининг мемориал-ордер шакли қўлланилаётган бўлса, унда синтетик ҳисоб бўйича мунтазам регистр учун *«Бош-журнал» китоби* юритилади. Аналитик ҳисоб мунтазам регистрларига эса ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларнинг калькуляция объектлари бўйича регистрлари мисол бўла олади.

Мунтазам ва хронологик регистрлардаги ёзувлар у ёки бу хўжалик операцияларини акс эттирувчи бир хилдаги ҳужжатлардан ёзилганлиги учун уларнинг айланма суммалари бир-бирига тенгдир. Хўжалик юритувчи субъектда амалга оширилган ёки содир бўлган хўжалик операциялари ёзилган ҳам хронологик, ҳам мунтазам равишда гуруҳлаштиришни таъминлайдиган регистрлар **комбинациялаштирилган регистрлар** деб аталади. Бу бухгалтерия ҳисобининг такомиллашуви натижасида вужудга келган бўлиб, унда хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг счётларига ўзларининг иқтисодий мазмунига мувофиқ ажратилган ҳолда бир вақтда акс эттирилади.

Комбинациялаштирилган регистрлар ҳам синтетик, ҳам аналитик ҳисобларда қўлланилади.

Синтетик ҳисоб счётларида қўлланиладиган регистрларга мисол тариқасида *«Бош-журнал» китоби*ни олиш мумкин. Бунда ёзилган сумма бир вақтда ҳам хронологик, ҳам мунтазам тартибда гуруҳлаштирилган бўлади.

«Бош-журнал»нинг дастлабки уч устуни, яъни «Моддаларнинг тартиб рақами», «Сана», «Моддалар бўйича айланма суммалар» хронологик ёзувлар учун, қолган устунлари эса хўжалик операцияларини мунтазам рўйхатга олиш учун мўлжаллангандир.

«Бош-журнал»дан ташқари «Журнал-ордер»лар ҳам комбинациялаштирилган регистрларга мисол бўла олади. Буларнинг бирга қўшиб олиб борилиши, энг аввало, такрор ёзувларни камайтирса, иккинчидан, айланма суммаларининг автоматик равишда тенглигини таъминлайди.

Умуман комбинациялаштирилган регистрларнинг қўлланилиши бухгалтерия ҳисобида такрор рўйхатга олиш ишларини қисқартиради, бир иш даврида хронологик ва мунтазам ёзувларни амалга оширади, оқибат натижада ходимнинг иш унуми ошади.

Бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос шундай ҳисоб регистрлари борки, булар хўжалик юритувчи субъектда содир бўлган бир хил

маълумотларни англатувчи хўжалик операцияларини тизимга солиб, маълум бир даврга синтетик счётлар бўйича йиғма проводкалар тузиш учун хизмат қилади. Буларга йиғма ва гуруҳловчи ведомостлар мисол бўлади.

Йиғма ведомостларда маълум бир ҳисобот даври ичида айрим ҳужжатларнинг маълумотлари бўйича бир хилдаги хўжалик операциялари жамланиб борилади. Бунга мисол қилиб, материаллар бўйича забор ведомостларини, маҳсулотларни сотиш ва жўнатиш бўйича ведомостларни олиш мумкин. Охирги ведомостда маҳсулот сотиб олувчиларга жўнатилган моллар бўйича ҳисоб-фактуралар ва бу счётлар бўйича тўловлар ҳақидаги маълумотлар ой мобайнида йиғилади. Худди шу ведомостларнинг жами синтетик ҳисоб регистрларига тегишли ёзувларни ёзиш учун хизмат қилади.

Гуруҳловчи ведомостларда бир хилдаги ижро ҳужжатларининг ойлик маълумотлари йиғиб ёзилади. Бунга маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинган материал харажатларини тақсимлаш ведомости, иш ҳақини тақсимлаш ведомостлари ва ҳоказолар мисол бўла олади.

Ҳамма мунтазам регистрлар бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг ҳажми ва жамлаш даражаларига қараб синтетик, аналитик ва комбинациялаштирилган ҳисоб регистрларига бўлинади.

Синтетик ҳисоб регистрларида ёзувлар умумлашган ҳолда пул ифодасида тушунтириш матнисиз қайд қилинади. Унда сана, бухгалтерия проводкасининг рақами ва суммаси кўрсатилади. Синтетик ҳисоб регистрларида ёзувлар олинган айрим ҳужжатларга мувофиқ олиб борилмайди, бунда олдиндан иқтисодий мазмунга қараб гуруҳланган бир хилдаги ҳужжатлар йиғиндиси бўйича акс эттирилади.

Синтетик ҳисоб регистрларига бухгалтерия ҳисобидаги «Бош журнал» киради. У ҳамма синтетик счётлар учун очилган бўлиб, хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик маблағлари ва жараёнини ҳамда хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбаларини мунтазам равишда ҳисобга олиш учун мўлжаллангандир. Бош журналдаги барча синтетик счётларнинг дебет ва кредитларидаги ёзувлар мемориал-ордер асосида ёзилади Хўжалик операцияларини бу дафтарга мемориал-ордерлардан ёзганда унинг мазмунини ёзишга зарурат қолмайди, шунинг учун ҳам унда фақат мемориал-ордернинг рақами ва у тузилган сана ҳамда ҳар бир счётнинг дебети ва кредити бўйича айланма суммалари ёзилади.

Аналитик ҳисоб регистрлари айрим турдаги синтетик счётларнинг хўжалик маблағлари ва жараёнлари тўғрисидаги маълумотларни деталлаштириб, аналитик гуруҳларга бўлиб рўйхатга олиб бориш учун мўлжалланган. Бунда ҳар бир хўжалик операциясига тўла тавсифнома берилади, агар моддий қийматликлар бўлса, унда натура ва пул ўлчовларида ёзилади. Аналитик регистрларнинг тузилмаси уларда акс эттириладиган кўрсаткичларнинг иқтисодий мазмунига боғлиқ бўлади.

Аналитик регистрлар хўжаликдаги моддий қийматликлар ҳар бир турининг ҳаракатини, мавжудлигини, мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобнинг, дебитор ва кредитор қарзларнинг, шунингдек ҳисобдор шахслар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобнинг аҳволини тўла акс эттириб туради.

Аналитик ҳисоб регистрларида хўжалик юритувчи субъектда амалга оширилган хўжалик операциялари синтетик ҳисоб регистрларидагига нисбатан деталлаштирилган ҳолда акс эттирилиши тўла таъминланади. Шунинг учун ҳам синтетик ҳисоб регистрларидан фарқли ўлароқ, аналитик ҳисоб регистрларида ёзувларнинг қисқача мазмуни, тегишли ёзувлар ҳақидаги ҳужжатлардан изоҳлар берилади.

Ҳар бир аналитик ҳисоб регистри ўзида рўйхатга олинаётган хўжалик операцияларининг характерли томонларини тўла ифодалайди.

Ёзувларнинг турлари бўйича аналитик ҳисоб регистрлари хронологик ва мунтазам бўлиши мумкин. Аналитик ҳисобнинг хронологик регистрларига «Касса китоби» мисол бўла олади. Аналитик ҳисобнинг мунтазам регистрларига эса бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган турли карточкалар мисол бўлади. Карточкалар халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари учун намунали ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, уларда хўжалик операциялари жорий тартибда акс эттириб борилади.

«Дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар», «Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар» ва бошқа кўпгина суммали операцияларни аналитик ҳисобга олиш учун карточканинг контокоррент шакли ишлатилади. Контокоррентли шакл пул ўлчовида ҳисобга олинадиган хўжалик операцияларини ҳар бир счётнинг дебет ва кредит томонида акс эттиришга мўлжалланган бўлади ҳамда ҳар бир ойга тегишли оборот суммани кўрсатиб туради.

Омборларда моддий қийматликларни ҳисобга олиш учун карточканинг миқдорий шаклидан фойдаланилади. Бу карточканинг

фойдали томони шундаки, ҳар бир хўжалик операциясидан кейин моддий қийматликлар бўйича қолдиқнинг миқдорини кўрсатадиган махсус «Қолдиқ» устуни қўйилган. Карточканинг юқори қисмида муайян материалнинг сақланиш жойи, ўлчов бирлиги, маркаси, баҳоси ва бошқа маълумотлар берилади; ўртасида материалнинг номи, охирги қисмида эса материалнинг ҳаракатини кўрсатувчи ёзувлар акс эттирилади. Ҳар бир хўжалик операцияси ёзилгандан кейин қолдиқ чиқарилади.

Харажатларни моддалари ва элементлари бўйича айрим-айрим кўрсатиш ва уларнинг умумий айланмасини ҳисобга олиш учун мўлжалланган бухгалтерия ҳисобининг аналитик ҳисоб регистрлари «Кўп устунли шакл» дейилади. Карточканинг «Кўп устунли шакли» аналитик ҳисоб счётларининг кўрсаткичларини деталлаштириб, гуруҳлаштириб кўрсатиб туради. Мисол учун «Асосий ишлаб чиқариш» счётининг дебетини олсак, бунда ўз характерига кўра ҳар хил типдаги харажатлар йиғилади ва уларнинг йиғиндиси ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини ташкил қилади.

Бундан ташқари, ҳар бир харажатнинг умумий суммасини аниқлаш ва таннарх бўйича режа топшириқларининг бажарилишини назорат қилиш учун, шунингдек ишлаб чиқаришга қилинган харажатни йиғиш учун ҳам бу карточканинг аҳамияти катта. Карточканинг юқори қисмида йил, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг номи ва режаси, карточка рақами, бет ва счётнинг рақами кўрсатилади, ўртасида сана, проводка рақами, ёзувнинг мазмуни, счётнинг дебетига йиғиладиган харажатлар моддалари бўйича ва жами, шунингдек, счётнинг кредитида ишлаб чиқаришдан қабул қилинган тайёр маҳсулотнинг таннархи кўрсатилади. Пастки қисмида эса хўжалик операциялари ҳақидаги маълумот акс эттириб борилади.

Карточканинг «Жами» деган устунидаги суммалар йиғиндиси ҳам горизонталига, ҳам вертикалига айрим турдаги модда харажатларига тенг келиши шарт. Агар бу тенглик бўлмаса, хўжалик операциялари карточкаларда нотўғри акс эттирилган бўлади.

Ой охирида ҳамма карточкалар маълумотлари айрим олинган ҳолда жамланади. Ой охирига эса қолдиқ чиқарилади.

Айрим синтетик счётларда хўжалик маблағлари ва хўжалик жараёнлари натура ва пул кўрсаткичларида олиб борилади. Бундай синтетик счётлар аналитик ҳисоб махсус миқдорли-суммали шаклларда юритилади. Бу карточкаларда хом ашё, асосий ва ёрдамчи материал-

лар, ёқилғилар ва шунга ўхшаш моддий қийматликларни ҳисобга олиб борувчи синтетик счётлар учун аналитик счёт юритилади.

Бу шаклдаги карточканинг юқори қисмида аналитик счётнинг номи, нави, ўлчов бирлиги, захира меъёри, номенклатура рақами ва ҳоказо кўрсаткичлар ёзилади. Бу карточканинг ўзига хос хусусияти шундаки, ҳар бир хўжалик операцияси ёзилгандан кейин охирига ҳам миқдорли, ҳам суммали қолдиқ чиқариб борилади. Бу нарса меъёрлаштирилган моддий қийматликлар қолдиқларини ҳар куни (карточканинг юқорисида кўрсатилган захира меъёри билан солиштирилиб) назорат қилиб туриш имконини беради. Бундан ташқари, қолдиқ ҳақидаги маълумот моддий қийматликларнинг бутлигини мунтазам равишда назорат қилиб туришга ёрдам беради.

Ҳозирги вақтда бухгалтерия ҳисобида кенг қўлланилаётган регистрлардан бири шахмат шаклидир. Бу регистр шахмат тахтасини эслатганлиги учун **бухгалтерия ҳисоби регистрининг шахмат шакли** деб аталади. Худди шахмат тахтасидек бунда ҳам ҳар бир катагида ҳам горизонтал, ҳам вертикал ёзилган тегишли счётларнинг айланма суммалари кўрсатилади. Шахмат шаклига журнал-ордерлар мисол бўла олади.

Бинобарин, бухгалтерия ҳисобининг шахмат шаклли регистрининг моҳияти шундаки, ҳар бир хўжалик операцияси билан ёзилган битта сумма икки ёзувни бириктиради, яъни шу ёзувдаги суммага бир счёт дебетланади, иккинчиси кредитланади.

Бухгалтерия ҳисоби регистрининг комбинациялаштирилган (мураккаб) регистрлари ҳозирги пайтда ҳисоб ишларининг ҳажмини қисқартириш мақсадида кенг қўлланилаётган бўлиб, бунинг моҳияти синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотларини бирга қўшиб олиб боришдир. Бундай қўшиб олиб бориш синтетик ҳисоб билан аналитик ҳисоб маълумотларининг автоматик бир-бирига тўғри келишини ва шунга мувофиқ ҳисоб ходимларининг маълумотларни бир-бирига таққослаш заруриятидан озод бўлишини таъминлайди.

Комбинациялаштирилган мураккаб регистрларга синтетик ва аналитик ҳисобни бирга қўшиб олиб борадиган «Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар» счёти юритиладиган журнал-ордер мисол бўла олади.

Бухгалтерия ҳисобининг регистрлари ташқи кўринишларига кўра бухгалтерия дафтари, карточкалар ва алоҳида варақларга (ведомостларга) бўлинади.

Бухгалтерия дафтарларидан бухгалтерия ҳисобининг регистрлари сифатида қадимдан, яъни XII аср охирларида икки ёқлама ёзиш тизими вужудга келган даврлардан бошлаб фойдаланилади. Бухгалтерия дафтарларида хўжалик юритувчи субъектлар хўжалик жараёнлари, хўжалик маблағлари ва унинг манбаларида бўлган жорий ўзгаришларни ифода этувчи ҳисоб ёзувлари қилинади.

Дафтарларнинг махсус устунлари бор, рисола қилинган, шу дафтарда қайси маълумотлар ёзилиши зарур бўлган реквизитлар матбаа усулда ёзилган қоғоз варақлар тикиб бириктирилган ҳолда бўлади. Муқовасида муайян хўжалик юритувчи субъектнинг номи, ҳисобот йили ва бухгалтерия ҳисоби регистрининг номи, синтетик ёки аналитик счётнинг номи ва рақами кўрсатилади. Бухгалтерия дафтарининг ҳамма бетлари бухгалтерия ёзувлари қилинишига қадар рақамланган бўлиши керак. Охирги бетнинг орқасида бош бухгалтернинг имзоси билан тасдиқланган «Муайян дафтарда ҳамма бетлар (варақлар) рақамланган» деган ёзув бўлиши зарур.

Бухгалтерия дафтарлари шнурланган ва бу шнурнинг учлари махсус сургуч муҳри билан дафтарнинг бетига ёпиштирилган бўлади.

Бухгалтерия дафтарлари бир йилга мўлжалланган бўлади. Агар бир синтетик счётга қарашли бир неча аналитик счёт объектлари бўлса, унда дафтарнинг бетлари муайян давр учун маълум объектда содир бўладиган ёзувлар аввалдан ҳисоблаб олинган ҳолда шу аналитик счётлар учун тегишли варақлар қолдириб кетилади. Бундай дафтарларда, одатда мундарижа ҳам қўйилиб, шу ерда у ёки бу бетдаги аналитик счётда бухгалтерия ёзувини қайд қилиш учун маълум белги қўйилади. Агар жорий даврда ой тугамасдан бухгалтерия ёзувлари акс эттирилаётган бет охиригача тўлиб қолса, у ҳолда унинг охирги сатрида қилинган ёзувларнинг якуни жамланади ва бу якун кейинги бетнинг бошидан биринчи сатрга «кўчириш» йўли билан келтирилади.

Барча хўжалик юритувчи субъектлар учун бухгалтерия дафтарларига мисол тариқасида «Миллий валютадаги пул маблағлари» счётига тегишли операцияларни кундалик ҳисобга олиб борувчи касса дафтарининг аслини келтирамиз (Касса дафтари кейинги бетда келтирилган).

Дафтар шаклидаги бухгалтерия ҳисоби регистрининг бошқа шаклдаги регистрларга нисбатан қулайлик томони уларнинг кўргазмалилигида, бетларининг рисола қилинганлигида ва сақланишининг мустаҳкам таъминланганлигидадир.

«Қаюмбобо-Акбарбобо» компанияси

Касса китоби

(....йил . . . январ куни учун) *(сўм ва тийин)*

Касса ордери-нинг рақами	Кимдан олинган ёки кимга бериган	Корреспон-денцияла-нувчи счёт-нинг рақами	Кирим	Чиким
	Куннинг бошига қолдик		**200,00**	
7	Банкдан 0245536-сонли чек бўйича олиб келинди	5110	750000,00	
10	Менежер Эрболаев Пўлатжонга хизмат сафари (Конизарга) учун бўнак берилди	4220		15000,00
11	15-сонли тўлов ведомости бўйича ходимларга иш хаки берилди	6710		450000,00
8	Қаюмова Рузвонбиби хизмат сафари (Конизарга) учун олган бўнакнинг сарфланмаган кисми кассага қайтариб топширди	4220	5000,00	
12	Қаюмов Остонақулга хизмат сафари (Конизарга) учун бўнак берилди	4220		30000,00
13	Қаюмов Мирзакаримга хизмат сафари (Бағдодга) учун бўнак берилди	4220		25000,00
14	Муродов Ахаджонга хизмат сафари (Жондорга) учун бўнак берилди	4220		20000,00
15	Остонакулова Бибиробияга хизмат сафари (Конизарга) учун бўнак берилди	4220		20000,00
16	Саримсаков Жўракўзига хизмат сафари (Киркволдига) учун бўнак берилди	4220		20000,00
17	Остонакулова Кумринисога хизмат сафари (Риштонга) учун бўнак берилди	4220		20000,00
18	Қаюмов Рахимжонга депонент қилинган иш хаки суммаси берилди	6720		15000,00
19	Мамадалиев Турдиалига хизмат сафари (Полосонга) учун бўнак берилди	4220		30000,00

Касса ордерининг раками	Кимдан олинган ёки кимга бериган	Корреспонденцияланувчи счётнинг раками	Кирим	Чиқим
20	Махпиралиев Неъматжонга хизмат сафари (Ёзёвонга) учун бўнак берилди	4220		30000,00
21	Абдурахмонов Марифжонга хизмат сафари (Олтиарикка) учун бўнак берилди	4220		20000,00
22	Мирзаев Ҳамидга хизмат сафари (Бухорога) учун бўнак берилди	4220		40000,00
	Жами бир кунда **Куннинг охирига қолдиқ** Шу жумладан, иш хақига		755000,00 **20200,00** 10000,00	735000,00

Кассир *Остонақулова умринисо*

Иккита кирим ва ***ўнта*** чиқим ҳужжатларини иловалари билан текшириб, қабул қилиб олдим.

Бош бухгалтер *Акбарова Гулсунбиби*

Бухгалтерия дафтарининг юқоридаги афзалликлари билан бирга бир неча ўзига хос камчиликлари ҳам бор. Бундай камчиликларга, биринчидан, бухгалтерия ҳисоби дафтарларда юритилганда замонавий ҳисоблаш воситаларидан ҳисоб ишларида фойдаланиш имконияти қисқаради, шунинг учун ҳам бухгалтерия дафтарларининг келажаги йўқ, у фақат бухгалтерия ҳисобининг ҳамма участкалари тўла механизациялашгунгача қўлланиши мумкин. Иккинчидан, бухгалтерия дафтари ҳисоб ходимлари ўртасида меҳнатни тўғри, мутаносиб тақсимлаш имкониятини бермайди. Масалан, агар бир ходим дафтарга кўп сонли бухгалтерия ёзувларини ёзаётган бўлса, иккинчи бир ходим бекор ўтирсада, унга ёрдам беролмайди, чунки бир дафтарда икки киши бир вақтда ишлай олмайди. Учинчидан, бухгалтерия дафтарининг ҳажми катта, уни счёт ходими варақлаб, зарур жойни топгунгача анча вақт кетади. Бу ўз навбатида меҳнат унумдорлигини пасайтиради.

Бундан ташқари, бухгалтерия дафтарида кўп варақлар фойдаланилмай қолади, ундан кейинги давр учун фойдаланиш имконияти йўқ, бу нарса жорий йилда бухгалтерия ҳисоби регистрлари қийматининг сунъий равишда ошиб кетишига олиб келади.

Мана шундай камчиликлари бўлганлиги учун ҳам бухгалтерия дафтарлари халқ хўжалигининг айрим тармоқларидагина қўлланилади.

Карточкалар хўжалик операцияларини рўйхатга олиш учун мўлжалланган бир хил шаклдаги қоғоз ёки картондан тайёрланган, махсус реквизитлари матбаа усулда босилган бир неча устунли жадваллардир. Улар бир хил бўлганлиги учун махсус бекиладиган яшикларда сақланади. Карточкалар йиғиндиси **картотека** дейилади.

Картотекада карточкалар шундай тартибда жойлаштирилиши керакки, унга хўжалик операциялари тўғрисидаги ёзувларни ёзиш осон, гуруҳлаш ва солиштириш қулай бўлсин.

Карточкалар ҳам бир йилга мўлжалланади. Улар картотекага ҳеч бир қийинчиликсиз жойлаштирилаверади, шунинг учун ҳам улардан бир йилда ҳар бир счётга қанча талаб қилинишини олдиндан аниқлаш зарурияти йўқ.

Картотека қисмлари айрим-айрим бухгалтер ходимларга бириктирилади, улар карточкаларнинг тўла сақланишига ва улардаги бухгалтерия ёзувларининг тўғрилигига жавобгардирлар.

Карточка очилаётган вақтда рўйхатга олиб борувчи махсус реестрда тартиб билан рақамланади. Бу нарса карточканинг ҳақиқатда мавжудлигини керак бўлган вақтда текшириш имконини беради.

Карточканинг бухгалтерия ҳисобида қўлланилиши бухгалтерия дафтарига нисбатан ҳисоб сифатининг яхшиланишига ходимларнинг меҳнат унумдорлигини оширишга ва ўз навбатида бухгалтерия аппаратини сақлаш харажатларининг камайишига олиб келади. Карточкадан фойдаланиш бухгалтерия ҳисоби техникасини такомиллаштириш, ҳисоб ходимлари ўртасида меҳнатни тўғри ва самарали тақсимлаш, ҳисоб ишларини бажаришда ҳисоблаш машиналаридан кенг фойдаланиш учун имконият яратиб беради.

Карточканинг камчилик томони шундаки, уни ҳоҳлаган пайтда картотекадан олиш, алмаштириб қўйиш ёки йўқотиб юбориш мумкиндир. Шуни эслатиш зарурки, бухгалтерия ҳисобининг қатъий назорат ўрнатилиши зарур бўлган айрим участкаларида, жумладан, пул маблағларини ҳисобга олишда дафтар шаклидаги бухгалтерия регистрларидан фойдаланилади.

Айрим варақлар (ведомост-регистрлар) бухгалтерия ҳисоби регистрининг карточка шаклига ўхшаш бўлиб, булар карточкаларга нисбатан каттароқ ва реквизитлари кўп сонли бўлади. Айрим варақлар катта ва карточкаларга нисбатан юпқа варақлардан ибо-

рат бўлганлиги учун ҳам улар картотекада сақланмасдан, балки махсус папкаларда сақланади.

Айримлари (ведомост-регистрлар) асосан синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотларини умумлаштириб олиб борувчи ҳар хил журналларни юритиш учун ишлатилади. Бунга мисол тариқасида ҳозирги пайтда кенг қўлланилаётган йиғма ведомостлар—журнал-ордерларни айтиш мумкин.

Ҳар қандай катта ҳажмдаги хўжаликда ҳам айрим варақлар кўп талаб қилинмайди, шунинг учун буларни рўйхатга олувчи регистрнинг бўлиши шарт эмас. Папка устида унда сақланаётган айрим варақлар тўғрисида ёзма ахборот қайд қилиб қўйилади.

Талабаларга тушунарли бўлиши учун бухгалтерия ҳисоби регистрларининг тархини келтирамиз (кейинги бетга қаралсин).

3. Бухгалтерия ҳисоби регистрларини юритиш тартиблари ва уларга ёзиш техникаси

Регистрларда хўжалик операциялари ўз вақтида, тўғри ва тўла ёзилиши бухгалтерия ҳисобининг асосий принципларидан бири бўлиб ҳисобланади ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик фаолиятини ҳар томонлама, чуқур таҳлил қилиш ва режа топшириқларининг бажарилиши устидан оператив равишда назорат ўрнатиш учун шарт-шароит яратиб беради.

Хўжалик юритувчи субъект маблағларининг бут сақланиши, дебитор қарзларни ўз вақтида қайтариб олиш ва хўжасизликнинг олдини олиш, шунингдек бухгалтерия ҳисоботлари ва баланснинг ўз вақтида, сифатли тузилиши устидан назорат ўрнатилиши бухгалтерия ҳисоби регистрларида ёзувларнинг ўз вақтида, тўлиқ ҳолда ёзилишига боғлиқдир.

Бухгалтерия ҳисоби регистрларига хўжалик операцияларини ёзиш хўжалик юритувчи субъектлар хўжалик-молиявий фаолиятининг у ёки бу томонини акс эттирувчи бошланғич ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Бухгалтерияда бошланғич ҳужжатлар текширилгандан кейин уларнинг маълумотлари бухгалтерия ҳисоби регистрларига ёзилади, бу нарса ўз навбатида регистрларга хўжалик шартномалари тўғрисида бирор конфликт, камомадлар юзасидан суд жавобгарлиги ёки фуқаролик даъволари масалалари бўйича иш кўрилганда асосий қонуний кучга эга бўлган ҳужжатлар сифатида қабул қилинади.


Бухгалтерия ҳисоби регистрлари
Бухгалтерия ёзувларининг турларига қараб
Мазмунининг ҳажмига қараб
Ташқи кўринишига қараб
Комбинациялаштирилган
Хронологик
Мунтазам
Комбинациялаштирилган
Аналитик
Синтетик
Айрим варақ (ведомость)
Карточка
Дафтар
Бош - журнал, машинограмма
Рўйхатга олиш журнали, касса дафтари, машинограмма
Бош дафтар, аналитик ҳисоб карточкалари, машинограмма
Журнал-ордерлар, машинограмма
Аналитик ҳисоб карточкалари, машинограмма
Бош дафтар, машинограмма
Журнал-ордерлар, машинограмма
Аналитик ҳисоб карточкалари, машинограмма
Касса дафтари, бош дафтар

Бухгалтерия ҳисоби регистрларига ёзишдан олдин бошланғич ҳужжатлар қайта ишланади. Бошланғич ҳужжатларни ишлашнинг бу босқичида ҳамма хўжалик операцияларига проводка тузилади. Тузилган проводканинг нотўғри бўлиши хўжалик операцияларининг бухгалтерия счётларида нотўғри акс эттирилишига олиб келади. Шунинг учун ҳам ҳисобнинг бу қисми бухгалтерия ҳисобининг счётлар рўйхатини қўллашни яхши билган тажрибали бухгалтерия ходимларига топширилади.

Бундан ташқари ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг хўжалик йилини бошлашидан олдин бухгалтерия ҳисобини юритиш учун зарур бўлган ҳамма бухгалтерия ҳисоби регистрлари билан таъминланган бўлиши керак. Бухгалтерия ҳисобининг мемориал-ордер ва бош журнал шаклларида ёзувлар энг аввало, синтетик ҳисоб регистрларида, кейин эса аналитик ҳисоб регистрларида акс эттирилади.

Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер ва жадвал-перфокарта шаклларида эса ёзувлар бир вақтда иккала ҳисоб регистрларида ҳам акс эттирилади. Ҳар бир бухгалтерия ҳисобининг регистрида хўжалик операцияларининг ёзилишидан аввал зарур ишлар қилинган бўлиши керак. Жумладан, регистрнинг юз томонига: хўжалик юритувчи субъектнинг номи; бухгалтерия ҳисоби регистрининг номи; синтетик счётнинг номи ва рақами; шу регистрдан фойдаланиладиган хўжалик йили ёзилади. Дафтар регистрларининг ҳамма бетлари рақамланган бўлиши ва унинг охирги бетига зарур белги қўйилиши ва у махсус (бош бухгалтернинг) ходимнинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Ҳар бир дафтарда қанча счёт очилса, уларнинг ҳаммаси мундарижада кўрсатилиши зарур. Мундарижада ҳар бир синтетик счёт бўйича зарур бўлган аналитик счёт гуруҳлари ҳам кўрсатилади.

Айрим пайтларда агар аналитик ҳисоб дафтарларда олиб борилади ган бўлса, ортиқча жой ҳам қолдирилади, чунки хўжалик фаолияти жараёнида янги аналитик счёт очиш зарурияти туғилиб қолиши мумкин. Агар аналитик ҳисоб карточкаларда олиб борилаётган бўлса, у ҳолда бир синтетик счётга қарашли барча аналитик счётлар гуруҳланади.

Бухгалтерия балансида ҳар бир синтетик счёт бўйича бошланғич қолдиқ бўлиши мумкин. Хўжалик йилининг бошида ҳар бир синтетик счёт бўйича хўжалик операцияларининг мазмуни ёзиладиган жойга «Йилнинг 1 январига қолдиқ» деб кўрсатилиб, уму-

мий суммаси шу счётнинг дебет ёки кредитига, зарур бўлса натура кўрсаткичи махсус қаторда ёзиб қўйилади.

Қолдиқ суммани ойлик айланмага қўшиб юбормаслик ва унинг ажралиб туриши учун бошланғич қолдиқнинг таги чизиб қўйилади.

Ҳар бир синтетик счётнинг бошланғич қолдиғи шу синтетик счётга қарашли ҳамма аналитик счётлар қолдиқларининг йиғиндисига тенг бўлади. Шунинг учун ҳам аналитик счёт юритиладиган карточка ва дафтарларга синтетик счётнинг қолдиғи қандай тартибда ёзилган бўлса, шу тартибда йил бошига қолдиқ деталлаштириб ёзиб чиқилади. Шу ишлар бажарилгандан кейин хўжалик фаолиятини акс эттирувчи операциялар бухгалтерия ҳисоби регистрларида кундалик иш жараёнида акс эттирилаверади.

Бухгалтерия ҳисоби регистрига хўжалик операцияларини жуда эҳтиётлик билан бузмасдан тоза қилиб ёзиш керак. Ҳар хил таллуқли бўлмаган ёзувлар, қатор ораларида ўчириб ёзишлар ва қаторларни қолдириб ёзишлар мумкин эмас.

Бухгалтерия ҳисоби регистрларига ёзувлар асосан сиёҳ билан ёзилади. Айрим пайтларда карточка ва айрим варақларда (ведомострегистрлар) ёзувлар копировка орқали ўтказилаётган бўлса қаламда ёки ёзув машиналарида олиб борилиши мумкин.

Бухгалтерия ҳисоби регистрларига хўжалик операцияларини ёзишда бухгалтерия проводкасининг рақами ва санаси, операциянинг қисқача мазмуни (зарур пайтда натура кўрсаткичи) ва умумий суммаси кўрсатилади. Операциялар регистрларга ёзилгандан кейин ҳужжатга операция ёзилган бетнинг рақами қўйилади, бу нарса муайян ёзувнинг регистрга тўла ўтказилганлигини тасдиқлайди.

Регистрнинг ҳар бир бети тўлгандан кейин, унинг охирги қаторида дебет ва кредит бўйича айланмалар жамланади. Хўжалик операцияларининг мазмуни ёзиладиган устунга кейинги бетнинг рақами қўйилиб, «Кейинги бетга кўчирилди» деб ёзиб қўйилади. Янги бетнинг юқорисидаги биринчи қаторга «Аввалги бетдан кўчирилди» деб ёзилади ва умумий айланма суммаси ёзиб қўйилади.

Бухгалтерия ҳисоби регистрларига хўжалик операцияларини ёзиш *операцияларни тарқатиш* деб ҳам аталади.

Ой тугаши билан ҳамма синтетик ва аналитик счётлар бўйича дебет ва кредит бўйича айланма суммалари жамланади. Ойнинг охирига қолган қолдиқ миқдори ва суммаси аниқланади ва булар асосида айланма ведомостлар тузилади. Бундай ишлар жорий йил тугагандан кейин келгуси йилнинг биринчи январига ҳисобот баланси-

ни маълумотлари чиқади. Синтетик счёт маълумотлари билан шу синтетик счётга қарашли аналитик счёт маълумотларининг тўғрилигини текшириш учун ҳам юқоридаги усулдан фойдаланилади.

Моддий қийматликларни ҳисобга оладиган счётлар бўйича ёзувларни текшириш учун бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан моддий жавобгар шахснинг ҳисоб ёзувларини ёки инвентаризацияни хатлаш маълумотларини солиштириш зарур.

Бухгалтерия ҳисоби ходимлари регистрларга хўжалик операцияларини ёзганда ундаги маълумотларни маълум давр учун якунлаётганда ёки бошқа ҳолларда хатоликка йўл қўйиши мумкин. Кўпинча хатолик ҳисоб регистрларига ёзилаётган рақамларда, ҳужжат номларида, айниқса кўп сонли ёзувларда бўлиши мумкин. Айрим пайтларда хатоликлар хўжалик операцияларини счётларга ўтказаётганда (кўрсатилган счёт ўрнига бошқа счётни ёки суммани, дебетга ёзиш ўрнига кредитга ёзганда) ёки счётлар корреспонденциясида (керакли счёт ўрнига бошқа счётга ёзиб қўйилса) бўлиши мумкин.

Бухгалтерия ҳисоби тизимида ёзувларнинг тўғри амалга оширилишини назорат қилиш ва йўл қўйилган хатоликларни ўз вақтида аниқлаш учун кўп усуллардан фойдаланилади.

Хатоларни топиш усулларига айланма ведомостлар тузиш, унинг маълумотларини аналитик ҳисоб ва синтетик ҳисоб маълумотлари билан солиштириш, назорат журналлари ёки рўйхатга оладиган ведомостлар юритиш, кўрсаткичларни бир-бири билан таққослаб текшириш киради.

Хатони топиш усулининг энг тўғри ва ишончли йўли ҳамма ёзувларни бошланғич ҳужжатлар билан тўлиқ текширишдир. Бу нарса фақат саралаб текшириш усули фойда бермагандагина амалга оширилади. Бухгалтерия ҳисоби регистрларига ёзувлар қўлда ва махсус ҳисоблаш машиналари ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Бухгалтерия ходимлари томонидан бухгалтерия ҳисоби регистрларига қўлда хўжалик операциялари қайд қилинганда, улар сиёҳ билан ёзилади. Айрим пайтларда, агар бир неча нусхада ёзиш талаб қилиб қолинса, химик қалам ва копировка қоғози ёрдамида ҳам ёзиш мумкин.

Машинада ёзиш - бухгалтерия ҳисоби регистрларига ҳар хил ҳисоблаш машиналарида ёзиш демакдир. Ҳозирги вақтда бухгалтерия ҳисоби ишларини бажаришда замонавий ҳисоблаш машиналари кенг қўлланилмоқда.

Бухгалтерия ҳисоби регистрларига бир вақтда бир хил ёзувнинг қанча нусхада ёзилишига қараб, улар оддий ва копировкали ёзувларга бўлинади.

Оддий ёзувлар - нусха олиниши зарур бўлмаган ҳолларда қўлланилади. Бу қуйидаги бухгалтерия дафтарларида, яъни бош дафтар, рўйхатга олиш журнали ва аналитик ҳисоб карточкаларида қўлланилади. Бундан ташқари оддий ёзувлар бир қатор бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларини тузишда ҳам қўлланилади. Масалан: меморнал-ордерларни, касса ордерларини, бўнак ҳисоботларини ёзишда ва ҳоказо.

Копировкали ёзувлар - битта ёзувдан бир нечта нусха олиш талаб қилинган вақтда копировал қоғоз ёрдамида амалга оширилади. ҳозирги пайтда копировкали ёзувлар қуйидаги ҳужжатларни тузишда кенг қўлланилади. Масалан, ҳисоб-фактура, тўлов топшириғи, далолатнома, тўлов талабномалари ва бошқа ҳужжатлар тузишда қўлланилади.

Копировкали ёзувлардан ҳисоб регистрларига ёзишда фойдаланиш ёзишда хатонинг камайишига, ортиқча ёзишларнинг бўлмаслигига, вақтнинг кўпроқ тежалишига ва ҳисоб ишларининг арзонлашишига олиб келади.

4. Бухгалтерия ҳисоби регистрларидаги хатоликларни тузатиш тартиблари

Бухгалтерия ҳисоби регистрига ёзилган хўжалик операцияларини акс эттириб турувчи ҳамма ёзувлар ой ёки йилнинг охирида жамланади. Бундай жамлашдан мақсад умумий айланма суммани ва ҳамма счётлар бўйича ой ёки йил охирига қолдиқни аниқлашдир.

Бундан ташқари, у аниқланилган жами суммаларнинг ёзувларини солиштириб кўриш ва йўл қўйилган хатоларни топиш учун ҳам зарурдир.

Ёзувларни солиштириб кўриш учун синтетик счётлар бўйича бош-журнал дафтарнинг жами маълумотларига мувофиқ айланма баланси тузилади, келиб чиққан дебет ва кредит бўйича айланмаларининг умумий суммаси рўйхатга олиш журнали бўйича айланма суммаларининг жами ёки, агар ҳисоб замонавий ҳисоблаш воситалари билан юритилаётган бўлса, у пайтда назорат сонлар рўйхати суммасининг жами билан солиштирилади.

Бухгалтерия ҳисоби регистрида ёзувларнинг тўғри амалга оширилишини таъминлаш учун айланма балансининг дебет ва кредит

бўйича суммалари тенг келиши керак. Бу тенглик хронологик ёзув (рўйхатга олиш журнали) маълумотларининг мунтазам ёзув (бош-журнал) маълумотига тўғри келишидан келиб чиқади.

Бухгалтерия ҳисоби регистрларида аниқланган хатоликлар белгиланган тартибга мувофиқ кечиктирилмасдан тузатилиши зарур.

Хатони тузатишнинг учта асосий усули бор:

1. «Корректура» усули;
2. «Қизил сторно» усули;
3. «Қўшимча проводка» усули.

«Корректура» усулининг моҳияти шундан иборатки, бунда нотўғри ёзувнинг устидан (чизиқнинг тагидаги сонни ўқиш осон бўлсин учун) юпқа қилиб чизилади, унинг ёнига ёки тепасига тўғри ёзув ёзилади ва бу тўғрида муайян ҳужжатнинг тагида ҳисобнинг шу соҳасига жавобгар шахс ёки бош бухгалтер томонидан изоҳ берилади ва унинг имзоси билан тасдиқланади. Агар кўп сонли ёзув бўлиб, шундан бир қисмида хато бўлса ҳам, барибир ҳаммасининг устидан чизилиб, юқоридаги усулда тўғриланади.

«Корректура» усулидан хатолик счётларнинг корреспонденциясига боғлиқ бўлмаса ёки ҳисоб ёзувларининг жами суммаларида акс эттириб қўйилмаган бўлсагина фойдаланилади. Масалан, «Машиналар ва ускуналар» счётининг дебетига 400200 сўм ўрнига, 400000 сўм қилиб хато ёзиб қўйилган бўлса, у ҳолда 400000 сўмнинг устидан юпқа қилиб чизиқ тортилади ва унинг устига 400200 сўм ёзилиб, сана ҳамда бош бухгалтернинг имзоси қўйилади.

Агар хатолик счётларнинг корреспонденцияси билан боғлиқ бўлса (нотўғри бухгалтерия проводка берилган бўлса) ҳамда бир нечта жойга жами сумма ёзиб қўйилган бўлса, унда бу хатони корректура усули билан тўғрилаш мумкин эмас, чунки бунда кўп жойни ўчириб тўғрилаш зарур бўлади, шунинг учун ҳам *«қизил сторно» усули*дан фойдаланилади.

«Қизил сторно» усулининг моҳияти шундан иборатки, бунда хато ёзув қизил сиёҳ билан худди ўзидек қилиб яна бир марта ёзилади, ундан кейин тўғри ёзув аввалгидек тегишли регистрда акс эттирилади. Счёт бўйича жами айланма топилаётганда қизил сиёҳ билан ёзилган сумма умумий йиғиндидан айириб ташланади.

Талабаларга тушунарли бўлиши учун нотўғри ёзувнинг «қизил сторно» усулида счётларда тўғриланишига қуйидаги мисолни келтирамиз:

Биринчи операция. Хўжалик юритувчи субъектга мол етказиб берувчидан 4500-сонли счёт-фактурага мувофиқ 520000 сўмлик эҳтиёт қисмлар келтирилди.

Бу хўжалик операциясига қуйидаги бухгалтерия проводкаси берилган:

Дебет «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти
Кредит «Эҳтиёт қисмлар» счёти. } 520000 сўм

Иккинчи операция. Юқоридаги хўжалик операциясига «Эҳтиёт қисмлар» счёти дебетланиб, «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счёт» счёти кредитланиши керак эди. Демак, биринчи хўжалик операциясига бухгалтерия проводкаси нотўғри тузилган. Шунинг учун ёзувни тузатиш керак.

Бу хўжалик операциясига яна аввалгидек қайта бухгалтерия проводкаси тузилади ва унинг суммаси қизил сиёҳда ёзилади:

Дебет «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти
Кредит «Эҳтиёт қисмлар» счёти. } 52000 сўм
(сон қизил сиёҳ билан ёзилади)

Учинчи операция. Юқоридаги бухгалтерия проводкаси хато ёзувни йўқотди. Энди тўғри бухгалтерия проводкаси тузилади ва унинг суммаси одатдаги сиёҳда акс эттирилади:

Дебет «Эҳтиёт қисмлар» счёти
Кредит «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти. } 520000 сўм

Келтирилган мисолни синтетик счётлар тархида кўрсатамиз.

«Эҳтиёт қисмлар» счёти

Д-т	К-т
	1) 520000 (нотўғри ёзув)
3) 520000 (тўғри ёзув)	2) 520000 (тузатиш ёзув)

«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти

Д-т	К-т
1) 520000 (нотўғри ёзув)	
2) 520000 (тузатиш ёзув)	3) 520000 (тўғри ёзув)

Сонлар унинг қизил сиёҳ билан ёзилганлигини англатишини кўрсатиш учун рамкага олинган.

Демак, *биринчи ёзувнинг нотўғрилиги натижасида уни йўқотиш учун қизил сиёҳда аввалгидек иккинчи бухгалтерия проводкаси берилди, кейин унинг ўрнига учинчи бухгалтерия проводкаси тегишли жойда акс эттирилди.*

«Қўшимча проводка» усули счётларнинг корреспонденциясида хато бўлмаган, лекин хўжалик операциясининг суммаси кам ёзиб қўйилган пайтда қўлланилади. Бундай хатони тузатиш усули қўшимча бухгалтерия проводкасини (худди аввалги йўсинда одатдаги сиёҳ билан фарқ суммага қайси бир счёт бўлсада) бериш йўли билан тўғриланади. Масалан, асосий ишлаб чиқариш учун 250000 сўмлик ҳар хил хом ашё ва материаллар харажат қилинган, аммо бу хўжалик операциясига тузилган бухгалтерия проводкаси бўйича «Асосий ишлаб чиқариш» счётида 200000 сўм қилиб хато акс эттирилган. Бунда 50000 сўмга қўшимча бухгалтерия проводкаси тузиш йўли билан хатолик тўғриланади.

Бу ёзув бухгалтерия ҳисоби счётларининг тархида қуйидаги кўринишга эга бўлади:

«Хом ашё ва материаллар» счёти

Д-т	К-т
	1) 200000
	2) 50000

«Асосий ишлаб чиқариш» счёти

Д-т	К-т
1) 200000	
2) 50000	

Тархдан кўриниб турибдики, биринчи ёзувда операция суммаси хато ёзилиши натижасида кам бўлиб қолган (200000 сўм), шунинг учун ҳам иккинчи, охирги бухгалтерия проводкаси фарқ суммасига (50000 сўм) берилди ва харажатга чиқарилган жами 250000 сўмлик хом ашё ва материалларнинг қиймати харажатлар счётига тўла ўтказилди.

Бухгалтерия ҳисоби регистрларининг айримларида хатоларни тузатиш учун ҳам қизил сторно усулидан, ҳам қўшимча проводка усулидан фойдаланиш билан бирга ҳисоб кўрсаткичларини тартибга солиш учун ҳам фойдаланилади.

Маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш жадвалларига мувофиқ режа таннархи билан ҳақиқий таннарх ўртасидаги фарқнинг суммаси ҳам қизил сторно ёки қўшимча проводка тузиш йўли

билан расмийлаштирилади ва ҳисоб регистрларида акс эттирилади. Шунга мувофиқ, агар маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи режа таннархидан ошиқ бўлса, у пайтда қўшимча проводка усулидан фойдаланиб, фарқ сумма одатдаги сиёхда акс эттирилади, агар тескари бўлса, у ҳолда қизил сторно усулидан фойдаланилади. Шундай қилиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот тартибга солиш ёзуви натижасида тегишли счётларда ҳақиқий таннархи бўйича акс эттирилади.

Савол ва топшириқлар

1. Бухгалтерия ҳисобининг регистрларини тавсифлаб беринг.
2. Ҳисоб регистрларининг турлари ҳақида тушунча беринг.
3. Синтетик ва аналитик ҳисоб регистрларини қисқача тушунтиринг.
4. Комбинациялаштирилган регистрларни тавсифлаб беринг.
5. Бухгалтерия ҳисоби регистрларини юритиш тартибини тушунтиринг,
6. Бухгалтерия ҳисоби регистрларига ёзувларни қайд қилиш ҳақида гапириб беринг.
7. Бухгалтерия регистрларида йўл қўйилган хатоликларни тузатиш усулларини санаб беринг.
8. Бухгалтерия регистрларида йўл қўйилган хатоликларни тузатишни «Корректура» усулини тушунтириб беринг.
9. Бухгалтерия регистрларида йўл қўйилган хатоликларни тузатишни «Қизил сторно» усулини тушунтириб беринг.
10. Бухгалтерия регистрларида йўл қўйилган хатоликларни тузатишни «Қўшимча проводка» усулини тушунтириб беринг.

ЎНИНЧИ БОБ

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ШАКЛЛАРИ

1. Бухгалтерия ҳисобининг шакллари ҳақида тушунча ва уларнинг ривожланиш тарихи

Хўжалик юритувчи субъектларда ҳисоб ишларини юритиш ва хўжалик операцияларини ҳисобга олишни ташкил қилишнинг турли шаклларидан фойдаланилади.

Бухгалтерия ҳисобининг шакли деб ҳисоб ёзувларини маълум техника воситасидан фойдаланиб ташкил қилишга айтилади. Бунда хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисобида содир бўлган ҳар хил хўжалик операциялари ўз вақтида тўғри, изчиллик билан ҳисоб регистрларининг аниқ бир тизимида жамланиши таъминланади.

Бухгалтерия ҳисобининг шакллари қуйидаги асосий принципларига кўра бир-биридан фарқ қилади:

а) синтетик ҳисоб регистрларининг тузилмаси;

б) синтетик ва аналитик ҳисоб регистрлари, хронологик ва мунтазам регистрларнинг ўзаро алоқаси;

в) бухгалтерия ҳисоби регистрларининг ташқи кўриниши;

г) бухгалтерия ҳисоби регистрларига ёзувларни изчиллик билан ёзиш тартиби ва техникаси.

Тажрибада бухгалтерия ҳисобининг жуда кўп хил шаклларини санаб чиқиш мумкин. Буларнинг кўпчилиги бир-бирига мос келади, чунки кўплари аввал қўлланиб келинаётган шаклларнинг айрим элементларини такомиллаштириш ҳисобига вужудга келган.

Бухгалтерия ҳисоби тарихи шуни кўрсатиб турибдики кейинги йилларда бухгалтерия ҳисоби шаклларининг кўп турлилиги типиклаштириш ва унификациялаштириш каби илғор йўналишларга амал қилган ҳолда бирмунча қисқартирилган.

Бухгалтерия ҳисобининг илғор шаклини қўллаш масаласи жуда муҳим ва қийин масаладир. Бу масаланинг долзарблиги ҳозирги вақтда ҳисоб-китоб ишларида замонавий ҳисоблаш машиналарини интенсив қўллаш натижасида жуда ошиб бормоқда.

Ҳозирги кунда бухгалтерия ҳисобининг илғор шаклларидан ҳисобни ташкил қилишда кенг қўлланилаётган айрим турларини кўриб чиқишдан олдин бухгалтерия ҳисоби шакллари ривожланишига қисқача тавсифнома бериб ўтилади.

Италиянинг машҳур математиги Лука Пачоли 1494 йилда «Счётлар ва ёзувлар ҳақида» рисола нашр эттирган бўлиб, бунда бухгалтерия ҳисобининг икки ёқлама ёзиш қоидаси биринчи бўлиб ўз аксини топган эди. Бу шаклнинг таркибига мемориал, журнал ва бош дафтар регистрлари киритилган.

Мемориал - эсда сақловчи дафтар ҳисобланиб, бу хўжалик операциялари содир бўлган пайтда бухгалтерия ҳисоби счётлари кўрсатилмасдан тўлдирилади. Бу дафтарга ёзиш хўжалик операцияларини ҳужжатлаштириш босқичи ҳисобланиб, бухгалтерия проводкаларини тузиш учун хизмат қилади.

Журнал - хронологик регистр ҳисобланиб, бунга хўжалик операциялари корреспонденцияланувчи счётлар кўрсатилган ҳолда ёзиб борилади. Журналга ёзиш учун бошланғич ҳужжат ролини мемориал бажаради.

Бош дафтар - асосий синтетик дафтар ҳисобланади. Бош дафтарга хўжалик операцияларини ёзиш учун асосий ҳужжат сифатида корреспонденцияланувчи счётлар аниқ кўрсатилган ёзувни ўзида мужассамлантирган журнал бўлиб хизмат қилади. Бунинг учун бош дафтарда ҳар бир тур моддий қийматлик, ҳар бир мол етказиб берувчи учун махсус шахсий счёт очилади. Бош дафтардаги ёзувларга мувофиқ аниқ бир санага счётларнинг маълумотлари жамланади, бу нарса ўз навбатида даврий ёки йиллик баланс тузиш имкониятини шарт қилиб қўяди. Бу шакл («Венеция шакли» деб ҳам аталган) XV-XVI асрлардаги бухгалтерия ҳисоби шаклининг асосийси бўлиб хизмат қилган. Россияда у XIX асрнинг бошларигача қўлланилиб келинган.

Капиталнинг йириклашуви ва марказлашуви хўжалик операциялари сонининг кўпайишига ва хўжалик алоқаларининг қийинлашувига сабаб бўлиб, оқибат натижада такомиллашган бухгалтерия ҳисоби шаклларидан фойдаланиш заруриятини келтириб чиқарди. Бухгалтерия ҳисобининг *«Франция шакли»* қўлланила бошланади. *Бухгалтерия ҳисобининг «Франция шакли»ни Матье де ла Порт 1685 йилда таърифлаб берган.* Бу шаклда умумий журналдан касса журнали, сотиб олинган нарсалар журнали, сотилган нарсалар журнали, олинган векселлар журнали, берилган векселлар журнали ва ҳар хил хўжалик операциялари журнали каби журналлар ажратиб чиқарилган.

Бу даврга келиб (XVII-XVIII асрлар) бухгалтерия ҳисобининг рационал янги шакли яна Италияда вужудга келди. *Бухгалтерия ҳисобининг «Янги Италия шакли»ни Ф. Гаратти 1688 йилда таърифлаб берган.* Бу шаклнинг характерланадиган томони ундаги ҳамма счётларнинг коллектив (синтетик) ва оддий (аналитик) счётларга бўлинганлигидир. Бош дафтар энди фақат синтетик счёт учун хизмат қиладиган, аналитик счёт учун эса ёрдамчи дафтарлардан фойдаланиладиган бўлди. Дафтарларни юритишнинг бундай усули бухгалтерия ҳисобининг тезкорлигини таъминлади. Бухгалтерия ҳисобининг «Янги Италия шакли» қуйидаги регистрлардан журнал - хронологик ҳисобнинг асосий дафтари, бош дафтар - мунтазам ҳисобнинг асосий дафтари ва ёрдамчи дафтарларидан иборатдир. Ҳар бир хўжалик операцияси айрим моддаси бўйича журналга ёзилгандан кейин (бунда коллектив счёт ва оддий счёт кўрсатилади), бош дафтар счётларига ва тегишли ёрдамчи дафтарларга кўчирилади. Бу дафтарлардаги ёзувларга мувофиқ ҳар ойда синтетик ва аналитик счётлар бўйича айланма ведомостлар тузилади. Бу ведомостлар ойда бир марта бир-бирига солиштирилиб текширилади. Синтетик счётлар бўйича айланма ведомост айланма бухгалтерия балансини ўзида мужассамлантирган бўлиб, бу маълумотлар қолдиқ бухгалтерия балансини тузиш учун маълумот олинадиган манба бўлиб хизмат қилади. «Янги Италия шакли»нинг «Венеция шакли»га нисбатан ўзига хос хусусиятлари мана шулардан иборат. Бухгалтерия ҳисобининг бу шакли Россияда инқилобгача қўлланилди, айрим модернизация қилинган турлари Октябр инқилобидан кейин ҳам қўлланилди.

Бухгалтерия ҳисобининг «Франция шакли» «Эски Италия шакли»нинг янада ривожлангани бўлиб, унда ҳам хронологик ёзув журналидан касса журнали каби журналлар ажратиб чиқарилган. Бу шаклни Гелъвиг 1774 йилда таърифлаб берган.

Францияда «Янги Италия шакли»нинг анча соддалаштирилган шакли яратилди ва у *бухгалтерия ҳисобининг «Америка шакли» деб аталди.* Бухгалтерия ҳисобининг «Америка шакли»да хронологик ва мунтазам ёзувлар «Бош-журнал» регистрида бирга олиб борилади. *Бу шаклни Э. Дегранж 1797 йилда таърифлаб берган.*

Бухгалтерия ҳисобининг *«Логисмография шакли»*да синтетик ва аналитик счётлар янада ривожлантирилиб, счётлар дифференцация ва интеграция қилинган. *Бу шаклни Жузеппе Червони 1873 йилда таърифлаб берган.*

Бухгалтерия ҳисобининг *«Шахмат шакли»* бош журнални тузиш йўли билан айланма ведомостни олишни таъминлайди. *Бу шаклни Д. Росси 1889 йилда таърифлаб берган.*

XX асрнинг бошларига келиб, бухгалтерия ҳисобининг *«Интеграл шакли»* вужудга келди. *Бухгалтерия ҳисобининг «Интеграл шакли»ни Ж. Б. Дюмарше 1914 йилда таърифлаб берган.* Энди асосий хронологик регистр-журнал ҳар бир синтетик счёт учун айрим журналларга бўлинди, бу «Интеграл шакл» деб ном олди. Кўп устунли шакл бўйича тузилган бундай махсус журналлар бош дафтарни юритиш заруриятини йўқотди. Журналларга ёзувлар ҳар куни бошланғич ҳужжатларга мувофиқ ёзиладиган бўлди.

«Интеграл шакл»нинг вужудга келиши оқибатида XX аср бошларида дафтардан ташқари регистрларнинг янги шакллари - карточкалар ва айрим варақлар вужудга келди. Буларнинг пайдо бўлиши ҳисоб ишларини бирмунча енгиллаштирди ва ҳисоб ишларида машиналардан фойдаланиш учун шароит яратиб берди.

1925-1927 йилларда бухгалтерия ҳисоби шаклининг «Карточка-ордер шакли» кенг тарқалди. Бундан кейин хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобининг *«Карточка-копировал шакли» («Копир ҳисоб»)* қўлланила бошланди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобининг қўл меҳнатига асосланган (мемориал-ордер ва журнал-ордер) шакллари ва замонавий ҳисоблаш машиналарини қўллашга асосланган бухгалтерия ҳисоби шакллари кенг қўлланилмоқда.

2. Бухгалтерия ҳисобининг қўл меҳнатига асосланган шакллари

Бухгалтерия ҳисобининг мемориал-ордер ва журнал-ордер шакллари - қўл меҳнатига ва қисман ҳисоблаш машиналаридан фойдаланишга мос қилиб ишлаб чиқилган бухгалтерия ҳисобининг шакллари ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобининг мемориал-ордер шакли

Бухгалтерия ҳисобининг мемориал-ордер шакли 1928-1930 йилларда бухгалтерия ҳисобининг карточка-шахмат шакли асосида вужудга келган. Мемориал-ордер шаклида ҳужжатларни қайта ишлаш тартиби ҳамда синтетик ва аналитик регистрларга ёзишлар қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Мемориал-ордерларда ҳамма хўжалик операцияларига бошланғич ҳужжатлар асосида ёки гуруҳланган ва жамланган ведомостларга мувофиқ проводкалар берилади. Мемориал-ордер махсус иш қоғоз(бланк)лар типида бўлиб, унинг шакли қуйида келтирилади.

____ сонли Мемориал-ордер
(____ йилнинг май ойи учун)

Ҳужжатларнинг номи ва ёзувнинг мазмуни	Дебетланувчи счётлар	Кредитланувчи счётлар	Сумма	
			Қисман	Умумий
19-сонли иш ҳаки ҳисоблаш ва уларни тақсимлаш ведомостига мувофиқ	2010 2310 2510 9420	6710 6710 6710 6710	1800000 200000 500000 700000	3200000

(қолган бошқа ҳамма ёзувлар ҳам шундай тартибда амалга оширилади)

Илова: ..... варақ илова қилинди.

..... йил 30 май

Бош бухгалтер Акбарова Гулсунбиби

Тўлдирилган мемориал-ордерга бош бухгалтер ёки унинг ўринбосари «текширдим» деб имзо қўяди. Бухгалтерия проводкасини тузиш учун асос бўлган барча ҳужжатлар мемориал-ордерга илова қилиб қўйилади. Мемориал-ордернинг ўзида ёзувларнинг мазмуни, корреспонденцияланувчи счётларнинг рақами ва айланмалар суммаси берилади.

Мемориал-ордер тузилган ҳужжатларда шу ордернинг рақами ва тузилган вақти ёзма равишда кўрсатилиб, у бошқа жойга қўйилади, бу нарса бир ҳужжатга бир марта мемориал-ордер тузишни таъминлайди

Бухгалтерия ҳисоби бу шаклининг «Мемориал-ордер» деб аталишига сабаб унинг мемориал-ордер тузилиши билан боғлиқлигида бўлиб, мемориал-ордер тузиш бошланғич ҳужжат асосида бухгалтерия проводкасини махсус ордер иш қоғоз(бланки)да расмийлаштириш демакдир. «Мемориал» сўзи хотира ёки эсдалик деган маънони билдиради. Демак, мемориал-ордер деган сўз эсдалик ёки хотира ордери демакдир.

Мемориал-ордерлар тузилгандан кейин улар хронологик тартибда махсус регистр - «Рўйхатга олиш журнали»га ёзилади. Рўйхатга олиш журнали мемориал-ордерларнинг сақланиши устидан ва тартиб билан рақамланишини назорат қилиб туриш учун ҳамда ой давомида бажарилган барча хўжалик операцияларининг умумий суммасини аниқлаш учун, шунингдек синтетик счёт бўйича мунтазам регистрда акс эттирилган хўжалик операцияларининг тўлалигини текшириш учун ҳам хизмат қилади. Бу текшириш ҳар ой охирида рўйхатга олиш журнали бўйича жами сумма билан синтетик счётлар бўйича ой охирига тузилган айланма ведомостларнинг умумий суммасини бир-бирига солиштириб кўриш йўли билан амалга оширилади.

Талабаларга тушунарли бўлиши учун қуйида рўйхатга олиш журнали келтирилади.

Рўйхатга олиш журнали
(____ йил май ойи учун)

Меморнал-ордерларнинг тартиб номери	Тузилган санаси	Мемориал-ордерларнинг умумий суммаси
1 2 3 ва ҳоказо	3-май 4-май 5-май	2504000 800000 1200000
Май ойидаги барча хўжалик операцияларининг умумий суммаси		12500400

Рўйхатга олинган мемориал-ордердан синтетик счётлар бўйича мунтазам регистр - бош дафтарга хўжалик операцияларини ёзиш учун фойдаланилади. Бу ерда бухгалтерия проводкаси рақами, яъни мемориал-ордернинг тартиб рақами, унинг тўлдирилган санаси ва хўжалик операцияларининг суммаси кўрсатилади. Бош дафтарда ҳар бир синтетик счёт учун алоҳида варақ ажратилади.

Бош дафтарда операциялар шахмат усулида ёзилади, шунинг учун бухгалтерия ҳисобининг бу шакли «Контрол-шахмат шакли» деб ҳам юритилади. Бош дафтарда счётларнинг дебети бўйича ҳар бир ёзув бир вақтда корреспонденцияда бўлувчи счётнинг кредитини акс эттиради ва аксинча.

Мемориал-ордер шаклида қўлланилаётган бош дафтарда фақат жорий суммалар йиғиндиси рўйхатга олинади. Дафтарда корреспонденцияда бўлган ҳар бир синтетик счёт бўйича дебет ва кредит айланмалари ҳар ойнинг охирида аниқланади. Бош дафтарда счётлар бўйича қолдиқ чиқарилади.

Бош дафтардаги маълумотга мувофиқ синтетик счётлар бўйича тузилган айланма ведомост рўйхатга олиш журналидаги ёзувларнинг жами билан солиштириб кўрилади.

Мемориал-ордерларнинг ёзувларини синтетик счёт регистрларига ёзишдан ташқари аналитик счёт регистрларида ҳам тегишли ёзувларни акс эттириш зарур.

Мемориал-ордер шакли қўлланиладиган хўжалик юритувчи субъектларда аналитик счёт регистрлари сифатида кўпроқ карточкалар ишлатилади. Карточкалар рўйхатга олинадиган хўжалик операциясининг мазмунини ва хўжалик маблағларининг бутлигини тўла таъминлаш устидан жорий назоратни таъминлашни, шунингдек, тасдиқланган ҳисобот шаклига мувофиқ кўрсаткичларни тезроқ олишни таъминлаш зарурлигини ҳисобга олиб намунали шакллар ишлаб чиқилган.

Карточкаларда аналитик счёт юритиш бухгалтерия дафтарларида аналитик счёт юритиш зарурлиятини йўққа чиқармайди, албатта. Агарда у амалий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ёки хўжалик маблағларининг айрим турларини ҳисобга олиш талаблари бўйича дафтарни қўллаш керак бўлса дафтарлардан ҳам кенг фойдаланилади. Масалан, касса операциялари касса дафтарида юритилади.

Аналитик счёт регистрларига ёзувлар, қоидага мувофиқ, мемориал-ордерларга илова қилинган бошланғич ва йиғма ҳужжатларга асосан қилинади. Ой тугаши билан ҳамма аналитик счёт регистрлари бўйича жами сумма йиғилади ва шунга мувофиқ айланма ёки қолдиқ ведомости тузилади.

Аналитик счётлар бўйича ой охирига тузилган айланма ведомостлар тегишли синтетик счётлар якуни билан солиштириб кўрилади. Кўрсаткичларни бундай солиштириш йўл қўйилган хатоликларни аниқлаш ва унинг олдини олиш имконини беради.

Мемориал-ордер шакли бухгалтерия ҳисобининг аввалги қўлланилган шаклларига нисбатан катта ютуқларга эга: ҳисоб жараёнининг тартиб билан олиб борилиш қатъиятлиги, ҳужжатларни рўйхатга олиш ва бухгалтерияда қайта ишлашларнинг бир хиллиги, аналитик регистрларнинг стандарт шаклларидан кенг фойдаланиш

имкониятининг мавжудлиги, ҳисоб техникаларининг оддий ва изчиллиги, зарур пайтларда рўйхатга олишнинг копировка усулларидан фойдаланиш мумкинлиги, айрим пайтда ҳисоб маълумотларини ҳисоблаш машиналари ёрдамида ишлаш мумкинлиги ва бухгалтерия ходимлари ўртасида ҳисоб ишларини тўғри тақсимлаш мумкинлигидир.

Меморнал-ордер шаклининг юқоридаги ҳамма ютуқларига кўра бу шакл мамлакатда кенг тарқалган. Лекин бухгалтерия ҳисоби меморнал-ордер шаклининг анчагина камчиликлари ҳам бор. Масалан, ёзувларнинг бир неча марта такрорланиши оқибатида ортиқча меҳнат харажатларига йўл қўйилади. Хўжалик юритувчи субъектларда бир ойда минглаб хўжалик операциялари амалга оширилади. Ҳар бир хўжалик операцияси учун меморнал-ордер тузиш ва уни регистрларга ёзиш учун жуда кўп вақт талаб қилинади. Ҳар бир операция 7-8 марта ҳужжат ва регистрларда акс эттирилади. Жамини йиғиш ҳамда синтетик ва аналитик, хронологик ва мунтазам регистрларни бир-бири билан солиштириш учун (бу солиштириш ҳисоб босқичининг охирида қилинади) кўп вақт сарфланишини зарур қилиб қўяди. Бу нарса ёзувларнинг изчиллигини ва ҳисоб ходимлари ўртасида ой охирида ишнинг мутаносиб равишда тақсимланишини қийинлаштиради.

Аналитик ва синтетик счётларнинг бир-биридан бўлак тузилганлиги сабабли синтетик счётлардаги ёзувлар аналитик счётларга вақтида ёзилмай қолиши мумкин. Бу нарса кўп хўжалик юритувчи субъектларда баланс ва ҳисоботнинг бошқа шаклларини аналитик ҳисоб маълумотларига эътибор қилмасдан, фақат синтетик ҳисоб маълумотлари асосида тузилишини келтириб чиқармоқда. Айрим пайтларда синтетик ҳисоб ва аналитик ҳисоб маълумотларини солиштириш муддати узоқ даврга чўзилиб кетади. Меморнал-ордер шакли аналитик ҳисобнинг синтетик ҳисобдан орқада қолишини йўқотиш, ҳисоб регистрларига мувофиқ ҳисобот тузишни таъминлаш, оралиқ регистрлар сонини қисқартириш зарурлиги сингари бухгалтерия техникасининг муҳим муаммоларини ҳал қилиб бера олмаётир. Бу шаклнинг яна бир камчилиги унинг замонавий ҳисоблаш машиналарига мосланмасдан ишнинг қўл кучи билан бажарилганлигидадир. Бухгалтерия ҳисоби меморнал-ордер шаклининг юқорида баён қилинган ҳамма камчиликлари уни қўллаш имкониятларини пасайтирмоқда ва бошқа илғорроқ шаклардан фойдаланиш зарурлигини тақозо қилмоқда.

Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шакли

Бухгалтерия ҳисобининг кўриб ўтилган шаклларидаги айрим камчиликларни йўқотиш ва шу шаклларни такомиллаштириш йўлларини ахтариш натижасида *1940 йилларга келиб* собиқ Совет Иттифоқида бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шакли вужудга келган. *Бу шакл халқ хўжалигининг кўпчилик тармоқларида 1945 йилдан бошлаб ишлатила бошланди.*

1949 йилда бир қанча илғор хўжалик юритувчи субъектларнинг тажрибаларини умумлаштириб *бухгалтерия ҳисоби журнал-ордер шаклининг намунали регистрлари ишлаб чиқилди.* Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шакли деган махсус ном ҳам Молия вазирлигининг 1949 йил 10 октябрдаги 1423-сонли хатида берилган.

Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклида ёзувлар жамлаш ва гуруҳлаш ведомостларида (журнал-ордерлар), шунингдек, ёрдамчи ведомостларда гуруҳлаб борилади. Бухгалтерияга келтирилган бошланғич ҳужжатлар мемориал-ордерларда акс эттирилмасдан, бевосита шу журналларнинг ўзида акс эттирилади, чунки бухгалтерия ҳисобининг бу шаклида қўлланиладиган журналлар бир вақтда хўжалик операцияларини бухгалтерия проводкаси билан расмийлаштирувчи ордерлар ҳисобланиб, мемориал-ордер тузиш заруриятини йўқотади. Бу ерда мемориал-ордерларнинг ўрнини аввалдан счётларнинг корреспонденцияси тузиб қўйилган махсус ҳисоб регистрлари эгаллайди. Бу регистрлар жамлаш ва гуруҳлаш ведомостлари, яъни журнал-ордерлардир. Бухгалтерия ҳисобининг бу шаклини «Журнал-ордер шакли» деб айтилиши ҳам шу регистрларнинг номидан келиб чиққан. Бу шаклда бухгалтерия ҳисобининг хронологик ва мунтазам ёзувлари бирга олиб борилади, демак, бу комбинациялашган регистрдир.

Бухгалтерия ҳисобининг асосий регистрлари бўлиб журнал-ордерлар ва уларнинг ёрдамчи ведомостлари ҳисобланади. Ёрдамчи ведомостлардан фойдаланишнинг моҳияти шундаки, айрим хўжалик юритувчи субъектларда ой давомида бир турдаги хўжалик операциялари жуда кўп бўлиши мумкин. Бундай пайтларда ой ичида содир бўлган хўжалик операциялари акс эттирилган бошланғич ҳужжатларнинг маълумотлари ёрдамчи ведомостларга кўчириб борилади ва ойнинг охирида унинг умумий суммаси журнал-ордерга ўтказилади. Харажатларни ҳам моддалар бўйича бир тизимга солиш керак (масалан, умумишлаб чиқариш ва умумхўжалик хара-

жатлари), чунки улар ой давомида гуруҳловчи ведомостларда йиғиб борилади. Ойнинг охирида эса жами аниқланиб, журнал-ордерларга ўтказилади. Бу ведомостлар журнал-ордерларга ёзиш учун асос бўлиб хизмат қилиши билан бирга, аналитик ҳисоб регистрлари вазифасини ҳам бажаради.

Журнал-ордерлар хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик фаолиятида содир бўлган хўжалик операцияларини синтетик ҳисобда қайд қилиш учун мўлжалланган бўлиб, буларда ёзувлар шахмат усулида, яъни икки ёқлама ёзиш асосида корреспонденцияланувчи счётларнинг дебети ва кредити бўйича бир вақтда олиб борилади. Барча журнал-ордерлар ва ёрдамчи ведомостларда счётларнинг ўзаро корреспонденцияси матбаа усули билан ёзиб тайёрланган бўлади. Ҳамма журнал-ордерлар ва ёрдамчи ведомостлар бир счёт кредитланиб, бир йўла бир неча счёт дебетланадиган тайёр мемориал-ордерлар кўринишига асослангандир. Баъзи счётлар, жумладан «Миллий валютадаги пул маблағлари» ва «Депозит ҳисобвараги» счётларининг кредит бўйича айланмаларини ҳисобга олувчи журнал-ордерлар билан шу счётларнинг дебет бўйича айланмаларини ҳисобга олиб борувчи алоҳида ёрдамчи ведомостлар ҳам бўлади.

Ҳамма журнал-ордерлар, шунингдек, «Миллий валютадаги пул маблағлари» ва «Депозит ҳисобвараги» счётлари бўйича тузилган ёрдамчи ведомостлардаги ёзувлар ҳам корреспонденцияда бўлган счётлар бўйича гуруҳланади. Бундан кўриниб турибдики, бухгалтерия ҳисобининг «Журнал-ордер шакли»да ҳамма регистр(журнал-ордерлар, ёрдамчи ведомостлар)ларда хўжалик операциялари жорий акс эттирилганда бир марта, яъни шахмат усулида ёзилади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқ керакки, айрим журнал-ордерлар иқтисодий мазмуни бир-бирига мос бўлган бир неча синтетик счётлар учун мўлжалланган, шунинг учун ҳам журнал-ордерларнинг умумий сони бухгалтерия ҳисобининг счётлар рўйхатида келтирилган синтетик счётларнинг сонидан анча кам бўлади.

Журнал-ордерда операциялар ҳақидаги ёзувлар тўғридан-тўғри ҳар бир ҳужжатдаги маълумотга мувофиқ ёзилган. Айрим журнал-ордерларга ёзувлар бир ойда бир марта акс эттирилади, яъни ёрдамчи ведомостлардан олиб ёзилади.

Ёрдамчи ведомостлардан ташқари, маълумотлари журнал-ордерларга ёзилмайдиган ведомостлар («Миллий валютадаги пул маблағлари» счётининг дебети бўйича 1-сонли ведомост ва «Депозит ҳисобвараги» счётининг дебети бўйича 2-сонли ведомост) ҳам мавжуд-

дир. Бундай ведомостлар пул маблағларининг ҳаракати устидан назоратни таъминлаш, «Миллий валютадаги пул маблағлари» ва «Депозит ҳисобвараги» счётларининг ҳужжатлари қўшилиб ёки йўқолиб кетмаслигини назорат қилиб туриш учун зарурдир. Ҳужжатлардаги маълумотлар журнал-ордерларга ёки ёрдамчи ведомостларга ёзилгандан кейин, журнал-ордер ёки ёрдамчи ведомостнинг ва ёзувнинг рақами ҳужжатга ҳам ёзиб қўйилади. Бу нарса ҳужжатлардаги ёзувларнинг ҳисоб регистрларига қайта ёзилиб қолишидан сақлайди ва мазкур ҳужжат ҳисобга олинганлигини ҳам билдиради. Шундай қилиб, журнал-ордерларга ва ёрдамчи ведомостларга ой давомида ҳамма операциялар ёзиб борилади, ой охирида эса жамланади ва корреспонденцияланувчи счётлар бўйича ўзаро текширилади.

Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклидаги регистрлар аввалги шакларнинг регистрларидан тубдан фарқ қилади. У бошқалардан синтетик ҳисобларнинг аналитик ҳисоблар билан қўшилиб кетиши, ҳисоб регистрларининг ўзидан ҳисобот кўрсаткичларини олишнинг мумкинлиги, иш даврлари сонининг қисқариши ва хўжалик операциялари акс эттирилишининг қатъий регламентга солиниши билан фарқ қилади. Бундай биргаликда юритиш хўжалик операцияларининг суммасини бир вақтнинг ўзида ҳам синтетик, ҳам аналитик счётлар бўйича гуруҳлаштириб ҳисобга олиш натижасида амалга оширилади. Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклида ҳисоб регистрлари шундай тартибда тузилиши лозимки, бунда бухгалтерия ҳисоботини тузиш учун зарур бўлган маълумотларни тўғридан-тўғри шу регистрларнинг ўзидан олиш мумкин бўлсин. Бухгалтерия ҳисоботининг ҳамма турларини ва жадвалларини шу ҳисоб регистрларининг маълумотлари асосида қўшимча ишлар бажармасдан бевосита тузиш мумкин.

Аналитик ҳисоб моддаларидаги маълумотларни бевосита бухгалтерия ҳисоботи жадвалларига ўтказиш мумкин. Демак, бухгалтерия ҳисоби журнал-ордер шаклининг хусусиятларидан бири бухгалтерия ҳисобининг бу шаклидаги ҳисоб регистрларининг бухгалтерия ҳисоботи тузишга мосланганлигидир.

Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклида ҳужжатларнинг айланиши тезлашади, мемориал-ордер ва рўйхатга олиш журналлари тузилмайди, синтетик ва аналитик ҳисоблар қўшилиб кетади ва ҳисоботни қўшимча ишлар бажармасдан тўғридан-тўғри ҳисоб регистрларидан тузиш мумкин ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси ҳисоб регистрларида ёзувларнинг такрорланишини йўқотади ва иш усу-

лининг қуйидаги ҳолда бўлишини таъминлайди: Ҳужжатларда расмийлаштирилган хўжалик операцияларини акс эттириш, ҳужжатлардан ҳисоб регистрларига маълумотларни ёзиб олиш ва ҳисобот учун ҳисоб регистрларининг маълумотларини жамлаш каби жараёнларни ўз ичига олади.

Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шакли, агар бу шакл бухгалтерия ҳисобининг мемориал-ордер шакли билан солиштирилса, ёзувларнинг сони тахминан икки баравар камаяди. Бундан ҳисобни юритиш учун вақтнинг тежалиши, хато ёзувларнинг бирмунча камайиши ва объектлар ҳақидаги маълумотларнинг кўргазмали бўлиши таъминланади.

Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклининг ҳамма регистрларида хўжалик операцияларини акс эттириш регламентли равишда амалга оширилади. Ой тугагандан кейин барча регистрлар уларни тўлдирган шахслар ва бош бухгалтер томонидан имзоланади. Имзоланган журнал-ордерларнинг бир ойлик якунлари бош дафтарга ёзилади ва бу ҳақда белги қўйилади. Бухгалтерия ҳисобининг бошқа шаклларида фойдаланилган кўпчилик регистрлардан фарқли равишда бош дафтар бир ойга эмас, балки бир йилга мўлжаллаб очилади. Бош дафтарда счётлар тартиб рақамига мувофиқ жойлаштирилади, счётларнинг кредит бўйича айланма бош дафтарга тегишли журнал-ордердан олинади, дебет бўйича айланмалари эса ҳар хил корреспонденцияланувчи счётларга қараб турли журнал-ордерлардан териб олинади. Айланмалар ёзилиб текширилгандан кейин навбатдаги ой учун қолдиқ чиқарилади ва бухгалтерия баланси тузилади.

Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шакли анча афзалликларга эга. Жумладан, бунда рўйхатга олиш журнали ва мемориал-ордерлар тузиш зарурияти йўқолади ва ҳисоб ишларининг ҳажми анча қисқаради. Синтетик ва аналитик ҳисоблар бирга олиб борилиши натижасида синтетик ва аналитик регистрлар бўйича айланма ведомостлар тузишга ҳожат қолмайди.

Бевосита журнал-ордерлар ва ведомостларнинг маълумотларини якунлаш йўли билан бухгалтерия ҳисоботи тузилади. Шунинг учун ҳам бухгалтерия ҳисоботи тузиш иши осонлашади ва тезлашади.

Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклида қўлланиладиган ҳисоб регистрларидаги ёзувларнинг яққол ва тушунарли бўлиши туфайли хўжалик фаолиятини иқтисодий таҳлил қилишда ҳисоб маълумотларидан тезкор фойдаланиш имконияти вужудга келади.

Бухгалтерия ходимларининг меҳнатини уюштириш, уларнинг вазифаларини тўғри тақсимлаш, ҳисоб ишларини меъёрлаш имкониятлари вужудга келади.

Бухгалтерия ҳисоби журнал-ордер шаклининг афзаллик томонлари билан бирга айрим камчиликлари ҳам мавжуд. Чунончи, ҳисоб регистрларининг айримлари жуда ҳам мураккаб тузилган, ҳар бир журнал-ордер ўзи ҳисобга оладиган ҳисоб объектининг хусусиятига мослаб тузилган бўлади. Шунинг учун ҳам бухгалтер ҳисоб техникасини мукаммал эгаллаб олиши лозим. Бу шаклда ҳисоблаш воситаларидан фойдаланиш анча чегаралланган.

Бухгалтерия ҳисобининг биз юқорида таҳлил қилиб ўтган шакллари тобора такомиллаштирилмоқда, жорий ҳисоб маълумотларидан хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик фаолиятини тезкор назорат ва иқтисодий таҳлил қилишда ҳамда раҳбарликни тўғри амалга оширишда кенг фойдаланиш таъминланмоқда.

Амалда кўриб ўтилган бухгалтерия ҳисобининг шакллари, асосан, қўл меҳнатига мослаштирилиб ишлаб чиқилган.

Бухгалтерия ҳисоби ишларининг кенг механизациялашаётганлиги ҳисоб ишларида фойдаланилаётган шаклларни такомиллаштириб, замонавий ҳисоблаш машиналари асосида ишлайдиган янги типдаги ҳисоб шаклларини ишлаб чиқиш учун изланишлар олиб боришни тақозо қилмоқда.

3. Бухгалтерия ҳисобининг замонавий ҳисоблаш машиналарини қўллашга асосланган шакллари

Хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобининг мемориал-ордер ва журнал-ордер шакллари кенг қўлланилиб келмоқда. Бухгалтерия ҳисобининг бу шакллари асосан қўл меҳнатига асосланганлиги сабабли замонавий ҳисоблаш машиналарини ҳисоб ишларини бажаришда кенг қўллаш учун тўсиқ бўлиб келмоқда. Бухгалтерия ҳисобининг бошқа шаклларига қараганда ҳисобнинг журнал-ордер шакли клавишли ҳисоблаш машиналарини қўллаш талабларига бир оз жавоб беради.

Замонавий ҳисоблаш машиналарини ҳисоб ишларини бажаришда қўллаш даврида қўл меҳнатига асосланган ҳисоб шакллари ўрнига бухгалтерия ҳисобининг янги шаклини ишлаб чиқиш ва уни қўллаш зарурияти келиб чиқди. Натижада собиқ Совет Иттифоқида бухгалтерия ҳисобининг жадвал-перфокарта шакли билан бир қатор-

да бухгалтерия ҳисобининг автоматлаштирилган шакли ҳам яратила бошланди.

Бухгалтерия ҳисобининг жадвал-перфокарта шакли

XX асрнинг 50-йиллари охирларига келиб ҳисоб билан шуғулланувчи илмий ходимлар ва хўжалик юритувчи субъектларда ишлаётган кишилар томонидан бухгалтерия ҳисобининг янги такомиллаштирилган шакли ишлаб чиқилди. Унга бухгалтерия ҳисобининг ***«Жадвал-перфокарта шакли»*** деб ном берилган. Бухгалтерия ҳисобининг «Жадвал-перфокарта шакли» XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб кўпгина хўжалик юритувчи субъектларида кенг қўлланила бошланди. Бу шаклни тавсифловчи асосий хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

1) ҳисоб маълумотларини ишлашда ҳисоблаш машиналаридан кенг фойдаланиш;

2) ҳисобни перфокарта-проводка ёрдамида олиб боришни таъминлайдиган икки марта перфокарта қилиш тартибини қўллаш;

3) ҳисоб регистрларини табуляграммалар тизими билан алмаштириш;

4) ҳисоблаш машиналари ёрдамида бухгалтерия ҳисобининг ҳамма регистрларини олишни таъминлайдиган ҳисоб номенклатурасининг кодлар тизимини тузиш ва бошқалар.

Бухгалтерия ҳисоби усулининг асосий элементи бўлган икки ёқлама ёзиш ҳисобнинг бу шаклида ҳам сақланиб қолган. Бухгалтерия ҳисобининг «Жадвал-перфокарта шакли»да ҳар бир хўжалик операциясига иккита перфокарта-проводка тузилади. Унинг бири проводкада дебетланувчи счётнинг, иккинчиси эса кредитланувчи счётнинг айланмасини акс эттириш учун фойдаланилади. Натижада ҳар бир синтетик счётнинг дебет бўйича айланмаси ва кредит бўйича айланмаси алоҳида-алоҳида перфокарта-проводкалар тўпламини ташкил қилишни таъминлайди. Бу перфокарта-проводкалар тўплами асосида бухгалтерия ҳисобининг тегишли регистр(табуляграмма)лари тузилади. Улардаги маълумотларнинг тўлалик даражасига ва кўрсаткичларнинг гуруҳлаштирилишига қараб регистрлар аналитик ва синтетик регистрларга бўлинади.

Бухгалтерия ҳисобининг «Жадвал-перфокарта шакли» қўлланганда бухгалтерия ходимлари турли хил йиғма ва гуруҳловчи ведомостлар, расшифровкалар ва аналитик ҳисобнинг карточкаларини

тузиш, хўжалик операцияларини аналитик ва синтетик ҳисоб регистрларига қайд қилишдан озод бўлади.

Бухгалтерия ҳисоби «Жадвал-перфокарта шакли»нинг асосида перфорацион ҳисоблаш машиналарини қўллаш, ахборотларни перфокарталарга ўтказиш ва бир хил хўжалик операцияларига якуний перфокарталарни тузиш ётади. Бошланғич ва якуний перфокарталар тўпламига кўра бухгалтерия ҳисобининг синтетик ва аналитик ҳисоб регистрлари тузилади.

Демак, *бухгалтерия ҳисобининг «Жадвал-перфокарта шакли» маълумотларнинг техник ташувчиси бўлган перфокарталарни кенг қўллашга ва бу перфокарталар тўпламини перфорацион ҳисоблаш машиналарида ишланиб, жадвал типидаги табуляграммалар тузишга асосланганди р. Шунинг учун ҳам бухгалтерия ҳисобининг бу шакли «Жадвал-перфокарта шакли» деб аталади.*

Бухгалтерия ҳисобининг «Жадвал-перфокарта шакли» бўйича ҳисоб ишларини олиб бориш тартиби қисқача қуйидагича бўлади. Хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўлинмаларида тузилган бошланғич ҳужжатлар бухгалтерия ходимлари томонидан уларнинг тўғри тузилганлиги, хўжалик операциясининг амалга оширилганлигини тасдиқловчи шахслар имзоларининг мавжудлиги, ҳужжатларда акс эттирилган маълумотларнинг аниқ ва тушунарли ёзилганлиги ва бошқа томонлари текширилади. Бухгалтерия ходимлари текширилган бошланғич ҳужжатларни маълум аломатлари бўйича гуруҳлаштиради, 75-100 тадан қилиб йиғади. Ҳар бир йиғилган ҳужжатларга «Илова қоғози» ёзилади. Бу варақда йиғилган ҳужжатларнинг номи, миқдори ва бошқалар акс эттирилади, сўнгра машина ҳисоблаш станциясига топширилади.

Машина ҳисоблаш станциясининг қабул қилиш гуруҳида қабул қилинган бошланғич ҳужжатлар «Ҳужжатларни қабул қилиш ва жўнатишни рўйхатга олиш журнали»да қайд қилинади.

Машина ҳисоблаш станциясининг қабул қилиш гуруҳида бухгалтерия ҳисоб ҳужжатларининг «Илова қоғози»да кўрсатилган миқдори билан солиштириб кўрилади, реквизитларнинг тўғри ва аниқ тўлдирилганлиги, берилган шифр, код ва бошқалар текшириб чиқилади. Бу ҳужжатлар текшириб чиқилгач, ҳисоблаш учун машина ҳисоблаш станциясининг клавишли машиналар гуруҳига берилади, ҳисоблаш натижалари бошланғич бухгалтерия ҳужжатларида қайд қилинади ва шу пачкада ҳамма ҳужжатлар бўйича ҳисоблаш натижалари жамланиб «Илова қоғози»га ёзиб қўйилади. Ҳисоб-

лашдан сўнг ҳужжатлар пачкаси билан машина ҳисоблаш станциясининг назорат гуруҳига топширилади. Бу ерда махсус журналга шу боғлам бўйича умумий сумма қайд қилинади ва сўнг ҳужжатлардаги маълумотларни перфокарталарга ўтказиш учун машина ҳисоблаш станциясининг перфорация қилувчи машиналар гуруҳига ҳужжатлар боғлами билан топширилади.

Бухгалтерия ҳужжатларининг маълумотларини перфокарталарга қандай тартибда жойлаштирилишини кўрсатувчи перфорация макети тузилади. Бу макетда перфокартанинг қайси устунларига ҳужжатдаги қайси ахборотларнинг ўтказилиши кераклиги кўрсатилган бўлади. Оператор перфоратор машиналари ёрдамида перфорация макетига кўра бошланғич ҳужжатлардаги маълумотларни ўтказади. Шуни ҳам айтиб ўтмоқ керакки, перфорация қилиниши зарур бўлган маълумотлар қайд қилинадиган ҳужжатларнинг устунлари қалин чизиқ билан ажратиб қўйилган ва иложи борича бу маълумотрлар перфорация макетидаги кетма-кетликка асосланган ҳолда жойлаштирилган бўлиши керак.

Бухгалтерия ҳужжатлари маълумотларининг перфокарталарга тўғри ўтказилганлиги назорат қилувчи машиналар ёрдамида ёки табуляторда назорат табуляграммасини тузиш йўли билан текшириб кўрилади. Нотўғри перфорация қилинган маълумотлар янгидан перфорация қилинади. Сўнгра бухгалтерия ҳисобининг ҳамма ҳужжатлари машина ҳисоблаш станциясининг «Ҳужжатларни қабул қилиш ва жўнатишни рўйхатга олиш журнали»да қайд қилиниб, бухгалтерияга қайтариб берилади.

Машина ҳисоблаш станциясида перфорация қилинган ва назоратдан ўтган перфокарталар тўплами ой давомида ташкил қилинади. Тегишли муддатларда тайёр перфокарталар тўплами маълум аломатлар бўйича саралаш машиналарида сараланади. Сараланган перфокарталар тўплами табуляторларда керакли регистрлар (табуляграммалар) тузиш учун берилади. Табулятор машинасида бундай регистрларни тузиш учун аввал бу машинага дастур (коммутация) тузилади. Тузилган дастур ва сараланган перфокарталар тўплами асосида тегишли регистрлар тайёрланади.

Бухгалтерия ҳисобининг «Жадвал-перфокарта шакли»да йиғма ва гуруҳловчи ведомостлар, мемориал-ордерлар, журнал-ордерлар ва ҳар хил аналитик ҳисоб карточкаларини қўлда тузиш умуман кераксиз бўлиб қолади. Бу ерда синтетик ва аналитик ҳисоблар табуляграммалар кўринишида бўлади. Ҳар хил синтетик счётнинг дебет

бўйича ва кредит бўйича айланмалари тўғрисидаги табуляграммалар синтетик ҳисоб регистри бўлиб хизмат қилади. Табуляграммаларда ҳамма корреспонденцияланувчи счётларнинг айланма суммалари берилади. Демак, табуляграммалар механизация йўли билан тузилган бош дафтар кўринишини ўзида мужассамлантирган бўлади. Айрим табуляграммалар бир синтетик счётга қарашли аналитик счёт регистрлари типида қатнашиб, корреспонденцияланувчи счётларнинг ҳар бири бўйича маълумотларни тизимга солиб туради.

Синтетик ва аналитик ҳисобларнинг алоқаси перфокарталар ва табуляграммалар ёрдамида, кўрсаткичлари хўжалик фаолиятини тўла таҳлил қилиш ва назорат қилиш учун талаб қилинган асосда мосланган бўлади. Синтетик ҳисоб табуляграммаларига мувофиқ айланма баланс тузилади, айрим махсус табуляграммалар синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотларини бирга акс эттирувчи табуляграммалар ёрдамида бухгалтерия ҳисоботининг қолган барча шаклари тўлдирилади.

Бухгалтерия ҳисобининг «Жадвал-перфокарта шакли»да перфорация макетининг энг кам миқдоридан фойдаланилади, ҳисоб маълумотлари бир неча перфорацион ҳисоблаш машиналарида ишланади, бухгалтерия ҳисоботини тузиш ва топшириш ишлари анча тезлашади. Иқтисодчиларнинг маълумотларига кўра, бухгалтерия ҳисобининг бу шаклида бошқа шаклларгагига нисбатан ҳисоб ишларини олиб бориш учун кетадиган харажатлар 25 фоизга ҳамда бухгалтерия ҳисоботи тузиш ва тақдим қилиш муддати 50 фоизга қисқаради.

Шу билан бирга бухгалтерия ҳисобининг «Жадвал-перфокарта шакли»нинг баъзи бир камчиликлари ҳам бор. Масалан, бухгалтерия ҳисоби ишларининг учдан бир қисми, яъни бошланғич ҳисоб ишлари механизация қилинмайди. Буни ҳам механизация қилиш учун хўжалик операциясини расмийлаштириш ва ҳужжатлаштириш, ҳужжатлардаги маълумотларни замонавий ҳисоблаш машиналарига бевосита киритиш каби муаммоларни ечиш талаб қилинади.

Шунинг учун ҳам бухгалтерия ҳисоби бўйича ишлаётган олимлар ва амалиётчилар олдида катта бир вазифа, у ҳам бўлса замонавий ҳисоблаш техникаларидан фойдаланишга асосланган бухгалтерия ҳисобининг янги шаклини ишлаб чиқиш вазифаси туради. Бухгалтерия ҳисобининг бу шаклини яратишда ҳисобнинг кўпгина тушунчаларига янгича маъно бериш, ҳужжатларнинг шаклларини ва улардаги реквизитларни тубдан ўзгартириш, ҳужжатлар-

нинг ўзаро алоқаси ва ҳужжатлар айланишини янги асосда ишлаб чиқиш, бухгалтерия ҳисобини тезкор ҳисоб билан чамбарчас боғлаш каби кўпгина муаммоларни ҳал қилиш зарур бўлади.

Бухгалтерия ҳисобининг автоматлаштирилган шакли

Электрон ҳисоблаш машиналари ҳозирги вақтда ҳисоб-китоб ишларини амалга оширишда қўлланилиши билан бир қаторда ҳисоб маълумотларини йиғиш, уларни ишлаш, синтетик ва аналитик ҳисоб регистрларини тузиш, ҳисобот шаклларини тўлдириш ва бошқа бир қанча ҳисоб ишларини бажаришда кенг қўлланилмоқда. Бу эса бухгалтерия ҳисобини маълум даражада автоматлаштириш учун шарт-шароит яратади. Замонавий электрон ҳисоблаш машиналари ва уларнинг тегишли чиқариш қурилмалари ёрдамида махсус дастурлар асосида бухгалтерия ҳисобининг регистрлари ва ҳисобот шакллари жадвал(машинограмма)лар шаклида олинади. Шунинг учун ҳам бухгалтерия ҳисобининг бу шакли адабиётда бухгалтерия ҳисобининг ***жадвал-автоматлаштирилган шакли*** деб ҳам юритилади. Агар бухгалтерия ҳисобининг бир-биридан фарқини кўрсатувчи асосий аломатлар бўйича юқоридаги шаклни бухгалтерия ҳисобининг машинограмма шакли деб аталса тўғрироқ бўлар эди.

*Бухгалтерия ҳисобининг автоматлаштирилган шакли*нинг асосий принциплари қуйидагилар:

- замонавий электрон-ҳисоблаш машиналари ва уларнинг техник воситаларидан кенг фойдаланиш;
- маълумотларнинг кодлар тизимини қўллаш;
- бошланғич ҳужжатлар билан бир қаторда машина ўқий оладиган маълумот ташувчиларни қўллаш;
- мантиқий операцияларни автоматлаштириш;
- хатоларни автоматик равишда топиш ва уларни тўғрилаш тизимини ишлаб чиқиш;
- бошланғич ҳужжат, машинограмма ва машина ўқий оладиган маълумот ташувчиларнинг маълумотларини сақлаш;
- аналитик ва синтетик ҳисоб регистрларини ишлаб чиқиш жараёнини автоматлаштириш;
- маълумотларни ҳисоблаш машинасига киритиш, текшириш, ёзиш ва сақлаш усуллари тизимини яратиш ва уларни кенг қўллаш;
- ҳисоблаш машинасида маълумотларни ишлаш ва уларни олишнинг «сўроқ режими»дан фойдаланиш ва бошқалар.

Бухгалтерия ҳисобининг автоматлаштирилган шаклида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда синтетик ва аналитик ҳисобларни олиб бориш, тегишли аналитик ҳисоблар бўйича миқдорий ҳисобни олиб бориш, синтетик ва аналитик ҳисоблар бўйича тегишли ҳамма ҳисоботларни ва турли ҳужжатларни олиш, ишлаб чиқилган хужжатларни чоп қилиш ва бошқалар автоматлаштирилган бўлади.

Бунинг учун электрон ҳисоблаш машинаси хотирасига ушбу хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсатида келтирилган хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисобини юритишга доир бухгалтерия ҳисобининг ишчи счётлар рўйхати киритилади. Ишчи счётлар рўйхатига киритилганда счётнинг рақами, счётнинг номи, аналитик ҳисоб объектлари турининг номи ҳамда бу счёт бўйича аналитик ҳисобни миқдори ҳисоби олиб борилиши ёки йўқлиги ҳақида тегишли белги қўйиб қайд қилинади.

Бухгалтерия ҳисобининг автоматлаштирилган шакли бўйича тегишли дастур ва хўжалик юритувчи субъектнинг ишчи счётлар рўйхати электрон ҳисоблаш машинаси хотирасига киритилади. «Хўжалик операциялар журнали»га хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолиятига тегишли ҳамма хўжалик операциялари ёзилади. «Хўжалик операциялар журнали»га ҳар бир хўжалик операцияси бўйича бу хўжалик операцияси амалга оширилган сана, мазкур хўжалик операциясига тузилаётган бухгалтерия проводкасида қатнашувчи (дебетланувчи ва кредитланувчи) счётлар, миқдор (агар бухгалтерия проводкасида қатнашувчи счётлар бўйича аналитик ҳисобнинг миқдорий ҳисоби олиб бориш кўзда тутилган бўлса), хўжалик операциясининг суммаси (агар бухгалтерия проводкасида қатнашувчи счётлар бўйича аналитик ҳисобнинг миқдорий ҳисоби олиб бориш кўзда тутилган бўлса, у ҳолда бу сумма автоматик равишда ҳисоблаб чиқилади) ва хўжалик операциясининг қисқача мазмуни қайд этилади.

«Хўжалик операциялар журнали»га қайд қилинган хўжалик операциялари асосида синтетик ҳисоб бўйича қуйидаги ҳисоботларни ва турли қўшимча ҳужжатларни:

а) ишчи счётлар рўйхатига киритилган «Счётлар бўйича айланма-қолдиқ ведомости»ни тузишни;

б) ишчи счётлар рўйхатига киритилган счётлар бўйича «Шахматка»ни тузишни;

в) ҳар бир счётни бошқа счётлар корреспонденцияси бўйича йиғиндисини кўрсатувчи «Счёт таҳлили»ни;

г) счёт бўйича қолдиқ, дебетли айланма ва кредитли айланма ҳамда бошқа счётлар билан айланмаларни ойларни ёки чораклар-ни кўрсатувчи «Счёт айланмалари»ни аниқлаш;

д) «Счёт бўйича ведомост» тузишни;

е) ҳамма қўлланилган корреспонденциялар бўйича йиғиндини кўрсатувчи «Йиғма бухгалтерия проводкалари ведомости»нинг олинишини;

ж) ҳисобот даврининг ҳар бир санаси учун қолдиқ, айланмалар ва бошқа счётлар билан корреспонденцияларни кўрсатувчи «Саналар бўйича счёт таҳлили»ни;

з) хўжалик операциялар журналидан маълум счётлар, счётлар корреспонденциялари ва бошқа аъломатлар бўйича бухгалтерия проводкаларини йиғиб олишга асосланган «Хўжалик операциялари журнали бўйича ҳисобот»ни;

и) муайян счёт билан боғлиқ бўлган ҳамма бухгалтерия проводкаларини ўз ичига олган счёт карточкасини олинишини ва бошқаларни ташкил қилиши мумкин.

«Хўжалик операциялар журнали»га қайд қилинган хўжалик операциялари асосида аналитик ҳисоб бўйича аниқ айрим олинган объектлар бўйича маблағларни мавжудлиги ва ҳаракатини қайд қилувчи қуйидаги ҳужжатларни:

а) аналитик ҳисоб объектлари бўйича қолдиқ ва айланмалар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган «Счётлар бўйича айланма-қолдиқ ведомости»;

б) аналитик ҳисоб муайян объекти билан боғлиқ ҳамма бухгалтерия проводкаларни ўз ичига олган «Карточка субконто»ни;

в) аналитик ҳисобни ҳар бир объектининг турли счётлар корреспонденциясини ўз ичига олган «Субконто бўйича счёт таҳлили» ва бошқа ведомостларни ишлаб чиқиш мумкин.

Бухгалтерия ҳисобининг автоматлаштирилган шаклида ҳар бир хўжалик операцияси ҳақидаги маълумотлар электрон ҳисоблаш машинасига фақат бир марта киритилади ва тегишли маълумот ташувчига маълум тизим асосида ёзиб қўйилади. Дастлабки меъёрий, маълумотнома, режалаштириш маълумотлари, хўжалик операцияси, аналитик ва синтетик ҳисоб маълумотлари, бухгалтерия проводкалари, даврий ва йиллик бухгалтерия ҳисоботи ва балансларни, инвентар карточка ва бошқа маълумотлар дискеталарда сақланади.

Бухгалтерия ҳисобининг маълумотлари электрон ҳисоблаш машиналарида тегишли дастурлар асосида ишланиб аналитик ва син-

тетик ҳисоб регистрлари, даврий ва йиллик бухгалтерия ҳисоботи шаклари ва бошқалар шаклидаги машинограммалар олинади. Баъзи бир маълумотларни дисплей орқали видеограмма сифатида ҳам олиш мумкин. Дисплейнинг бошқариш клавиатураси ёрдамида видеограммага хоҳлаган ўзгартириш киритиш ва бу видеограмма маълумотларини электрон ҳисоблаш машинасининг хотирасига қайта ёзиш мумкин.

Савол ва топшириқлар

1. Бухгалтерия ҳисоби шакли нима?
2. Бухгалтерия ҳисоби шаклларининг ривожланиш тарихини қисқача айтиб беринг.
3. Бухгалтерия ҳисобининг мемориал-ордер шаклига қисқача тавсифнома беринг.
4. Бухгалтерия ҳисобининг мемориал-ордер шаклининг камчиликларини сўзлаб беринг.
5. Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шакли ва унинг афзалликлари ҳақида гапириб беринг.
6. Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклининг камчиликларини сўзлаб беринг.
7. Ҳисобнинг жадвал-перфокарта шаклининг регистрлари нималар?
8. Ҳисобнинг жадвал-перфокарта шаклининг камчиликларини сўзлаб беринг.
9. Бухгалтерия ҳисобининг автоматлаштирилган шаклига қисқача тавсифнома беринг.
10. Бухгалтерия ҳисобининг автоматлаштирилган шакли ва унинг афзалликлари ҳақида гапириб беринг.

ЎН БИРИНЧИ БОБ

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

1. Бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилишнинг вазифалари ва аҳамияти

Бевосита хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш катта халқ хўжалик аҳамиятига эга. Чунки бундай уюштирилган бухгалтерия ҳисоби содир бўлаётган хўжалик жараёни ва операцияларини кузатиб ва қайд қилибгина қолмасдан халқ хўжалик режасининг бажарилиши устидан назоратни амалга ошира бориб, режалаштириш, назорат ва халқ хўжалигини бошқариш ишида асосий вазифаларни бажаради. Шунинг учун ҳам ҳисоб ишларини уюштириш масалаларига катта эътибор берилади.

Хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини шундай ташкил этиш керакки, уни уюштиришга энг кам маблағ ва меҳнат сарф қилинсин ва унинг ўз вазифаларини бажариш натижасида юқори натижаларга эришишни таъминлай олсин. Бунинг учун ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг ўзига хос хусусиятларини ва ишлаб чиқариш технологиясининг хусусиятларини чуқур ўрганиш керак.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқаришнинг тез суръатлар билан ривожланиши натижасида хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳажми катталашиб ва уларнинг таркиби мураккаблашиб бормоқда. Бу ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилиш ва уни бошқариш учун кўп миқдорда ишлаб чиқаришнинг аҳволи тўғрисидаги маълумотлар талаб қилинади. Бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилишда юқорида айтилган аломатларни ҳисобга олиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Бухгалтерия ҳисобига раҳбарлик давлат миқёсида марказлаштирилгандир. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлар бўйича чиқарилган қоидалар ва бошқа давлат қонунларини ўрганиш асосида шу қоида ва қонунларнинг бажарилишини таъминлай оладиган ҳисобни ташкил қилиш зарур.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектда уюштирилган бухгалтерия ҳисоби хўжалик фаолияти жараёнида содир бўлаётган хўжалик операцияларини узлуксиз кузатиш, кузатиш натижаларини сон кўрсаткичларида ифодалаш, кейин уларни ёппасига махсус ҳужжатларда қайд қилишни таъминлаши зарур. Шу билан бухгалтерия ҳисоби жорий ва истиқболли режаларни тузиш учун керакли маълумотлар билан таъминлаши ва уларнинг бажарилиши устидан амалий равишда назорат олиб бориши зарур.

Хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишда бухгалтерия ходимларининг сони, ишларнинг улар орасида тақсимланиши, ҳисоб ишларини замонавий ҳисоблаш машиналарда ишлаш услублари ва шакллари белгилаб олиниши керак. Бу ишларнинг ҳажми муайян хўжалик юритувчи субъект хўжалик фаолиятининг ҳажмига, ишлаб чиқаришнинг характерига ва ҳисоб ишларини бажаришда замонавий ҳисоблаш машиналардан фойдаланиш даражасига боғлиқдир.

2. Бухгалтерия ҳисобига давлат раҳбарлиги

Бутун халқ хўжалик ҳисоби тизимига раҳбарлик марказлаштирилган бўлиб, уни уюштириш юқори давлат ҳокимияти органларига тегишли деб ҳисобланилади. Шунга асосан мамлакатимизда халқ хўжалик ҳисобига марказий раҳбарлик тегишли давлат идораларига юклатилган. Тегишли давлат идоралари ҳисоб ва ҳисобот масалалари бўйича кўргазмалар беради ва йўл-йўриқлар ишлаб чиқади, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобот шаклларини ва уларни тузиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоботларини топшириш тартиби ва муддатларини аниқлайди ва ниҳоят, бухгалтерия ҳисобининг хўжалик юритувчи субъектларда ташкил этилишини мукаммаллаштириш бўйича керакли тадбир ва чораларни амалга оширади.

Хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини юритиш, ташкил қилиш, бухгалтерия ҳисоботини тузиш ва бошқалар устидан услубий раҳбарлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бухгалтерия ҳисобининг методологияси, бухгалтерия ҳисобини юритиш тадбирлари ва унинг шаклларини ишлаб чиқади, бухгалтерия ҳисоби бўйича тегишли давлат органлари билан биргаликда ишлаб чиқилган

ҳисобни юритиш, режалаштиришни ташкил қилиш ва ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини аниқлаш бўйича асосий низомлар, йўриқномаларнинг амалиётда қандай жорий қилинаётганлиги устидан назорат ўрнатади; хўжалик юритувчи субъектларда ҳисобни юритиш илғор шаклларининг жорий қилинишини ва жойлардаги хўжалик юритувчи субъектларига юборилаётган бухгалтерия ҳисоби бўйича кўргазма, йўриқнома, низомларнинг бажарилиши тўғрилигини текшириб туради. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вазирликлар, уюшмалар, концернлар, бошқармалар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг даврий ва йиллик бухгалтерия ҳисоботларининг шаклларини тузиш ва текшириш тартибларини ва ҳисоботни тузиш тўғрисидаги йўриқномаларни ишлаб чиқади.

Вазирликлар, уюшмалар, концернлар ва бошқармалар ўзлари тасарруфидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисобининг ташкил қилиниши, бухгалтерия ҳисоботларини тузиш тартиблари ва топшириш муддатлари тартибининг сақланиши устидан назорат олиб боради. Бундан ташқари улар юқоридан чиқарилган йўриқнома ва низомларнинг ўзига қарашли хўжалик органларида қандай амалга оширилиши ҳақида тушунтиришлар беради. Бошланғич ҳужжатларнинг шаклларини ишлаб чиқади, бухгалтерия ҳисобини тўғри олиб борилаётганлигини текшириш мақсадида инвентаризация қилиш ва бошқа тадбирларни уюштиради. Шунингдек, ҳисоб юритишни енгиллаштириш ва арзонлаштириш учун зарур бўлган механизациялаштириш ва марказлаштириш тадбирларини амалга оширади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи устидан умумий раҳбарликни улардаги бош бухгалтерлар олиб боради. Бош бухгалтер муайян хўжалик юритувчи субъект бўйича ҳамма ҳисоб ва ҳисобот ишларининг юритилиши устидан назорат қилади.

3. Марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган ҳисоб

Хўжалик ҳисобидаги хўжалик юритувчи субъектлар тугалланган бухгалтерия тизимига эга бўладилар. Улар юқори ташкилот томонидан белгиланган муддатларга бухгалтерия баланси ва ҳисоботини тузадилар. Бундай хўжалик юритувчи субъектлар ўз хўжалик маблағларига эгадирлар. Хозирги замон хўжалик юритувчи субъектлари бир қанча бўлинмалардан иборатдир. Уларнинг ҳар бирида

алоҳида бухгалтерия баланси тузиш масаласи бу бўлинмаларнинг бир-биридан қандай узоқликда жойлашганлиги, ҳисоб ишларининг механизациялаштирилганлик даражаси, бўлинмалар билан хўжалик юритувчи субъект маркази ўртасидаги алоқанинг қандай ўрнатилганлиги ва бошқалар ҳисобга олинган ҳолда ечилади.

Ҳозирги вақтда халқ хўжалигининг турли тармоқларида *бухгалтерия ҳисоби марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган ҳолда уюштирилади.*

Марказлаштирилган бухгалтерия ҳисоби уюштирилганда бошланғич ҳужжатлар хўжалик юритувчи субъектнинг бўлинмаларида тузилиб марказий бухгалтерияга топширилади ва у ерда бу бошланғич ҳужжатларни ишлаш, хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобининг тегишли синтетик ва аналитик счётларида акс эттириш, даврий ва йиллик бухгалтерия баланси ва ҳисоботини тузиш амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби марказлаштирилган ҳолда уюштирилганда ҳисоб ишларини механизациялаштириш ва уларни бухгалтерия ходимлари ўртасида оқилона тақсимлаш, бухгалтерия ҳисобини юритиш учун қилинадиган харажатларнинг суммасини камайтириш, хўжалик операцияларининг тегишли синтетик ва аналитик счётларда тўғри акс эттирилиши ва хўжалик операцияларининг қонуний амалга оширилиши устидан бош бухгалтер томонидан назорат олиб бориш имконияти яратилади.

Марказлаштирилмаган бухгалтерия ҳисоби юритилганда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳар бир бўлинмада бухгалтерия ташкил қилинади. Бўлинма бухгалтерияларида хўжалик юритувчи субъектнинг муайян қисмида содир бўлган хўжалик операцияларини исботловчи бошланғич ҳужжатлар қабул қилинади ва улар тегишли синтетик ва аналитик счётларда акс эттирилади, даврий ва йиллик бухгалтерия баланси ва ҳисоботи тузилади. хўжалик юритувчи субъектнинг бош бухгалтерияси шу бўлинмаларнинг бухгалтерияси томонидан тузилган баланс ва ҳисоботларни йиғади, бўлинмаларнинг ўзаро ҳисоб-китобларини текширади, умумий бошқармада тузилган бошланғич ҳужжатларни қабул қилади ва тегишли синтетик ва аналитик счётларда акс эттиради. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархини аниқлайди, бўлинма бухгалтериялари ишларининг бориши устидан назорат олиб боради ва тегишли кўрсатмалар бериб туради.

Марказлаштирилмаган бухгалтерия ҳисоби уюштирилган хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини юритиш учун кўп бухгалтерлар талаб қилинади, бўлинма бухгалтерияларига ҳисоб ишларини тарқатиб юборилганлиги сабабли улар ҳисоб ишларида ҳозирги замон ҳисоблаш машиналаридан фойдаланишга халақит беради ва бухгалтерия ҳисобини бажариш учун хўжалик юритувчи субъектининг кўп моддий, меҳнат ва пул маблағлари харажат қилинади.

Марказлаштирилмаган бухгалтерия ҳисоби икки хил уюштирилиши, яъни *тўла ва қисман марказлаштирилмаган* бухгалтерия ҳисоби бўлиши мумкин. *Тўла марказлаштирилмаган бухгалтерия ҳисоби уюштирилганда,* юқорида айтганимиздек, хўжалик юритувчи субъектнинг ҳамма бўлинмаларида бухгалтерия аппаратлари ташкил қилинади ва улар томонидан марказий бухгалтерияга бухгалтерия баланси ва ҳисоботи топширилади. *Қисман марказлаштирилмаган бухгалтерия ҳисоби уюштирилганда* хўжалик юритувчи субъектларнинг баъзи бир катта бўлинмаларигина ўз бухгалтериясига эга бўладилар. Хўжалик юритувчи субъектнинг қолган бўлинмаларининг ишлаб чиқариш хўжалик ва молиявий фаолиятининг ҳисоби марказий бухгалтерияда олиб борилади.

Бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг бундай шаклида хўжалик юритувчи субъектнинг марказий бухгалтерияси бир неча аралаш ишларни бажаради. Бир томондан, мустақил балансдаги хўжалик юритувчи субъектлар марказий бухгалтерияси ўз бўлинмаларининг ишлари устидан назорат қилса, бухгалтерия баланси ва ҳисоботларини текширса, иккинчи томондан, мустақил балансга эга бўлмаган бўлинмаларнинг хўжалик операциялари жорий бухгалтерия ҳисобини юритади, бухгалтерия баланси ва ҳисоботларини тузади, учинчи томондан, хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш, хўжалик ва молиявий фаолиятини акс эттирадиган йиғма бухгалтерия баланси ва ҳисоботларини тузади.

4. Бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш режаси

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш режаси ишлаб чиқилади. Бу режада хўжалик юритувчи субъектдаги бухгалтерия ҳисоби ишларининг турлари, мазмуни, бажарилиш тартиби ва муддатлари, баъзи бир бухгалтерия ҳисоби маълумотларини қаерларда ва қандай усул билан олиш тартиблари акс эттирилади.

Бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш режаси қуйидаги асосий бўлинмалардан иборат:

1) хўжалик операцияларини ҳужжатлаштириш ва ҳужжатларнинг айланиш режаси;

2) бухгалтерия ҳисобининг ишчи счётлар рўйхати ва уларнинг корреспонденцияси режаси;

3) инвентаризация қилиш ва ҳужжатли тафтиш ўтказиш режаси;

4) бухгалтерия ҳисобини техника билан жиҳозлаш режаси;

5) бухгалтерия ҳисоботи режаси;

6) бухгалтерия ходимларининг меҳнатини ташкил қилиш режаси.

*Хўжалик операцияларини ҳужжатлаштириш ва ҳужжатларнинг айланиш режаси*да хўжалик юритувчи субъектида содир бўладиган хўжалик операцияларини расмийлаштириш учун тегишли бошланғич ҳужжат ва регистрларнинг шаклларини ишлаб чиқиш, унификациялаш ва стандартлаштиришлар кўрсатилади.

Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари учун ҳужжатларнинг шакллари марказлаштирилган ҳолда тегишли давлат органлари томонидан ишлаб чиқилади ва уларнинг нусхалари асосида альбом нашр қилинади. Бу альбомда ҳар бир ҳужжат қандай тузилиши ва унда қандай хўжалик операциялари расмийлаштирилиши кераклиги ҳақида қисқача тушунча берилади.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектда *ҳужжатларнинг айланиш режаси* тузилади. *Ҳужжатларнинг айланиш даври деб ҳужжатни тузишдан архивга топширгунга қадар ўтган вақтга айтилади.* Ҳужжатларнинг ҳаракати ҳужжатлар айлануви жадвали билан тартибга солинади. Ҳужжатлар айлануви жадвали хўжалик юритувчи субъект раҳбари буйруғи билан тасдиқланади. Ҳужжатлар айлануви жадвали хўжалик юритувчи субъектда ҳисоб ишларини яхшиланишига, бухгалтерия ҳисоби назорат қилиш функциясининг кучайишига ёрдам бериши керак. Ҳужжатларни айлануви жадвали хўжалик юритувчи субъектнинг ҳар бир бўлинмаси ҳамда барча ижро этувчилар томонидан уларнинг ўзаро боғлиқлигини ва ишларни бажариш муддатини кўрсатган ҳолда бажариладиган, ҳужжатларни тузиш, текшириш ва уларга ишлов бериш бўйича ишларнинг чизмаси ёки рўйхати кўринишида расмийлаштирилади. Хўжалик юритувчи субъект ходимлари ўз фаолият соҳасига тааллуқли ҳужжатларни ҳужжатлар айлануви жадвали бўйича тузишади ва тақдим этишади. Бунинг учун ҳар бир ижрочига жадвалдан кўчирма берилади. Кўчир-

мада ижрочининг фаолият соҳасига тегишли ҳужжатлар, уларни тақдим этиш муддатлари ва ушбу ҳужжатлар тақдим этиладиган хўжалик юритувчи субъект бўлинмалари кўрсатилади. Ҳужжатлар айланувн жадвалига риоя қилиш учун жавобгарлик ҳамда ҳужжатларни ўз вақтида ва сифатли тузиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттириш учун уларни ўз вақтида тақдим этиш, ҳужжатлардаги мавжуд маълумотларнинг ишончлилиги бўйича жавобгарлик ушбу ҳужжатларни тузган ва имзолаган шахслар зиммасига юкланади. Ижрочиларнинг хўжалик юритувчи субъект бўйича ҳужжатлар айлануви жадвалига риоя қилишларини назорат қилиш хўжалик юритувчи субъект раҳбари ёки у томондан тайинланган шахслар томонидан амалга оширилади.

Ҳужжатларнинг айланиш режасига қатъий риоя қилиш хўжалик юритувчи субъектнинг ҳамма бўлинмаларида содир бўлган хўжалик операцияларини ўз вақтида ҳужжатлаштириш, ҳисоб ишларини тўғри олиб бориш ва улар устидан тўла назорат ўрнатишни таъминлайди. Тўғри ташкил қилинган ҳужжатларнинг айланиш режаси бухгалтерия ҳисоби билан шуғулланувчи ҳар бир ходим томонидан бажарилаётган ишнинг тўғрилиги ва ўз вақтида олиб борилаётганлиги устидан тўла кундалик назоратни таъминлаш ва бу ходимлар йўл қўйган хатоларни ўз вақтида тугатиш учун шарт-шароит яратиб беради. Бунинг учун ҳужжатларни тузиш тартиби, бухгалтериянинг қайси бўлинмалари орқали ўтиши ва уларнинг айланиш вақтини аниқлаш керак. Бу қайд қилинганлардан ташқари хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзига хос хусусиятлари, ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятининг катта-кичиклиги, ташкилий тузилиши, жойлашган ҳудудининг катта-кичиклиги ва марказлаштирилган ёки марказлаштирилмаган бухгалтерия ҳисобини ташкил қилинганлиги ва бошқа бир қанча шартларни ҳисобга олиш керак бўлади.

Ҳужжатларнинг айланиш режаси асосида ҳужжатларнинг бир ходимдан иккинчи ходимга ўтишини қатъий график асосида олиб бориш ётади. Ҳужжатларнинг ҳаракатини белгиловчи бу графикда ишларнинг тури ва уларни бажарувчи бухгалтерия ходимларининг фамилияси кўрсатилади. Ҳамма ходимлар бу ишларни ўз вақтида бажариб, бухгалтериянинг тегишли бўлинмасига топшириш шарт.

Ҳужжатларнинг ҳаракатини белгиловчи графикка риоя қилиш бухгалтерия ҳисоби ишларини режали равишда уюштириш, хўжалик юритувчи субъектнинг режа топшириқларини бажариш устидан назорат олиб бориш ва мол-мулкни қўриқлашни таъминлайди.

Бухгалтерия ҳисоби бошланғич ҳужжатларининг турлари ва ҳисоб регистрларининг қанча вақт сақланиши махсус низомда белгиланган.

Бухгалтерия ҳисобининг ишчи счётлар рўйхати ва уларнинг корреспонденцияси режаси. Ҳозирги вақтда ҳамма хўжалик юритувчи субъектлар учун ягона «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари рўйхати» ишлаб чиқилган. Хўжалик юритувчи субъектлар «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари рўйхати» асосида *ўзининг «Хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисобини ишчи счётлар рўйхати»ни тузади.* Бу «Хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисобини ишчи счётлар рўйхати» хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсатида қайд этилади.

Шуни ҳам айтиб ўтмоқ керакки, «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари рўйхати»даги каби хўжалик юритувчи субъектларнинг «Хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисобини ишчи счётлар рўйхати»да ҳар бир синтетик счёт тўрт хонали рақам билан белгиланган бўлади.

Инвентаризация қилиш ва ҳужжатли тафтиш ўтказиш режаси. Хўжалик юритувчи субъектларда маълум вақтларда моддий қийматликлар, пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва бошқалар инвентаризация қилинади. Инвентаризация қилишнинг аҳамияти, турлари, ўтказиш тартиблари ҳақида ушбу дарсликнинг «Ҳужжатлаштириш ва инвентаризация қилиш» деган бобида батафсил айтиб ўтилган.

Йирик хўжалик юритувчи субъектларнинг марказий бухгалтериясида аудит бўлими бўлади. Ундаги ходимлар ёрдамида ҳар йили хўжалик юритувчи субъектининг ҳамма бўлинмаларининг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти аудит қилинади. Аудит *икки хил ўтказилади, яъни режали ва режасиз.* Режали аудит ўтказиш хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан тасдиқланган бўлинмаларнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини аудит қилиш режасига асосан амалга оширилади. Бу режа доимо махсус сейфда сақланиши керак. Аудит ўтказиш режасини тузишда уни амалга оширишда қатнашувчи ходимлар рўйхатига хўжалик юритувчи субъектнинг марказий бухгалтериясининг аудит бўлими ходимларидан ташқари шу хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа қисм ва бўлинмаларининг юқори малакали мутахассислари ҳам киритилади. Бу аудит ишларининг юқори даражада ўтишига ёрдам беради.

Бухгалтерия ҳисобини техника билан жиҳозлаш режаси. Бухгалтерия ҳисобини уюштиришнинг бир неча шакллари бор. Муайян хўжалик юритувчи субъектда ҳисоб ишларини бухгалтерия ҳисобининг қайси шаклида олиб бориш хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатида берилади. Шунга асосан хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисобини техника билан жиҳозлаш режасини ишлаб чиқадилар. Бу режада хўжалик юритувчи субъектда юритиладиган бухгалтерия ҳисобининг шаклига батафсил тавсифнома берилади ва ундан фойдаланиш йўллари айтилади.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектда қўлланиладиган бухгалтерия ҳисобининг шаклини танлашда муайян хўжалик юритувчи субъектнинг ўзига хос ишлаб чиқариш ва хўжалик хусусиятлари, ҳисоб ишларини замонавий ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиш, бухгалтерия ходимларининг малакаси ва бошқа бир қанча шартлар ҳисобга олинади.

Бухгалтерия ҳисоботи режаси. Ҳамма хўжалик юритувчи субъектлар даврий ва йиллик бухгалтерия ҳисоботини тузиб тегишли органларга топширади. Бу ишни режали равишда олиб бориш мақсадида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектда бухгалтерия ҳисоботи режаси тузилади. Бухгалтерия ҳисоботи режасида тузиладиган ҳисобот шакллари ва уларнинг мазмуни, ҳар қайси шаклни тузувчи ходимнинг фамилияси, қачон тузилиши ҳамда бу шакл юборилади органларнинг номи, манзили ва бошқа маълумотлар келтирилади.

Хўжалик юритувчи субъектларда *бухгалтерия ҳисоби билан шуғулланувчиларнинг меҳнатини ташкил қилиш режаси* тузилади. Бу режада бухгалтерия ҳар бир бўлими ва ходимларининг функция ва вазифалари, уларнинг малакасини ошириш бўйича тадбирлар кўрсатилади.

5. Бухгалтерия аппарати, унинг тузилмаси ва функциялари

Хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия аппаратини сақлаш учун сарфланадиган материал, меҳнат ва молиявий ресурслар бўлиши ва ҳисоб ишларини уюштириш илмий асосга қўйилиши керак.

Шу асосда йил сайин хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобининг илғор шаклларини, ишлаб чиқаришга қилинган харажатларни ҳисобга олишнинг илғор усули бўлмиш меъёрий усулни, бухгалтерия ҳисоби ишларини бажаришда замонавий ҳисоб-

лаш машиналарини қўллаш, бу ишларни бажарувчи ходимларнинг малакасини ва уларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини ошириш ҳамда бошқа бир қанча муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Бухгалтерия аппарати хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини оперáтив бошқаришда муҳим вазифани бажаради. Ҳисоб маълумотлари асосида хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбар ходимлари режа топшириқларининг ҳамма кўрсаткичлари бўйича қандай бажарилаётгани ҳақида хулосалар чиқарадилар ва тегишли тадбирий чоралар кўрадилар. Бухгалтерия хўжалик юритувчи субъектлардаги бошқариш аппаратининг ажралмас бир қисми бўлиб, бу хўжалик юритувчи субъектнинг ҳамма ишлаб чиқариш қисмлари ва бўлинмалари билан мустаҳкам алоқада бўлади, бўлинмаларда содир бўлаётган хўжалик операцияларини узлуксиз ҳужжатлаштиради, ўлардаги мулкнинг сақланиши устидан назорат ўрнатади, қисм ва бўлинма раҳбарларини тегишли иқтисодий маълумотлар билан таъминлайди.

Бухгалтерия хизматида ишни ташкил қилишнинг муҳим масаласи - ҳисоб жараёнининг айрим қисмларида хўжалик юритувчи субъектдаги барча ҳисоблаш машиналаридан самарали фойдаланиш, бухгалтерия ҳисоби ишларининг юқори сифатлилигини таъминлашдан иборатдир. Бу масалани ҳал қилиш учун бухгалтерия хизматининг тузилмасини шундай ташкил қилиш керакки, у ишнинг аниқ шартларига тўлиқ жавоб берсин ва ҳисобнинг олдига қўйилган вазифани тўғри ҳал қилсин.

Хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия хизматининг иш шароитлари ҳар хиллигига мувофиқ равишда уларнинг тузилмаси ҳам бир хил бўлади. Қуйида ўртача катталикдаги саноат хўжалик юритувчи субъектларининг бухгалтерия хизмати тузилмаси, уларнинг қандай қисмлардан ташкил топганлиги ва уларнинг функциялари келтирилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерияси мустақил бўлим ҳисобланиб, унинг бир нечта ҳисоб ишлари билан шуғулланувчи қисмлари бор. Айрим катта хўжалик юритувчи субъектларда аудит-услубий гуруҳ ҳам ташкил қилинади. Булар бухгалтерия хизмати ходимларига оғзаки кўрсатмалар бериш, ёзма йўриқномалар тайёрлаш, муайян хўжалик юритувчи субъектга қарашли ҳамма бўлинмаларни аудит қилиш ва бухгалтерларнинг малакасини ошириш билан шуғулланади. Кичик хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия айрим бўлимларга бўлинмасдан ҳисоб ишлари ҳар бир

ходим томонидан юритилади. Хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерияси бир нечта гуруҳларга бўлиниб, уларнинг ҳар бири муҳим бир функцияни бажаради.

Материаллар ҳисоби бўлими - мол етказиб берувчилар билан бўладиган ҳисоб-китоблар ҳисобини юритади, хом ашё, материаллар, идишлар, жиҳозлар ва бошқа моддий қийматликларни ҳисобга олади, омбордаги материаллар ҳисобининг аҳволини текширади, моддий қийматликларнинг ҳаракати ва ҳолатини кўрсатадиган ҳисоботлар тузади.

Ҳисоб-китоблар бўлими - ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи ва ижтимоий суғурта бўйича олиб бориладиган ҳисоб-китобларни юритади, молия ва солиқ органлари ҳамда омонат касса билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларни амалга оширади, меҳнат ва иш ҳақи бўйича ҳисоботлар тузади.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини аниқлаш бўлими - ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатларни ҳисобга олади, маҳсулот таннархини аниқлайди, маҳсулот ишлаб чиқариш ва маҳсулотнинг таннархи бўйича режа топшириқларининг бажарилиши ҳақида ҳисобот тузади.

Тайёр маҳсулотлар ҳисоби бўлими - хўжалик юритувчи субъектнинг омборидаги тайёр маҳсулотни, уни сотиш, унинг ҳаракат ва ҳолатини ҳисобга олади, истеъмолчилар билан бўладиган ҳисоб-китобларни ҳисобга олади.

Умумий булим - қолган ҳамма операцияларни ҳисобга олади, умумлаштирилган маълумотларни тайёрлайди ва асосий фаолият бўйича ҳисобот тузади, бухгалтерия архивини уюштиради.

Ҳисоблаш маркази ҳам хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисоби ишларини бажаради, керакли ҳисоботлар тузади ҳамда техник-меъёрлаштириш бўлими, конструкторлик бўлими, таъминот ва сотиш бўлими, ишлаб чиқариш бўлими ва бошқаларга хизмат қилади.

6. Бош бухгалтернинг бурчи ва ҳуқуқлари

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишга хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари жавобгардир. Хўжалик юритувчи субъектда бухгалтерия ҳисобини бош бухгалтер томонидан бошқариладиган бухгалтерия амалга оширади. Хўжалик юритувчи субъектнинг бош бухгалтери хўжалик юритувчи субъект

раҳбари томонидан, агар юқори ташкилот бўлса унинг раҳбари ва бош бухгалтери билан келишилиб тайинланади ёки лавозимдан озод қилинади. Хўжалик юритувчи субъектнинг бош бухгалтери тўғридан-тўғри мазкур хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарига, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил қилиш масалалари бўйича эса юқори ташкилотнинг бош бухгалтерига бўйсунади.

Бош бухгалтер лавозимига махсус олий маълумоти бўлган шахслар тайинланади. Айрим ҳолларда, бош бухгалтер лавозимига махсус олий маълумоти бўлмаган, унинг раҳбарлик лавозимларида, бухгалтерия-молиявий ишларда иш стажи беш йилдан кам бўлмаган шахс ҳам тайинланиши мумкин.

Бош бухгалтер лавозимидан озод қилинганда янги тайинланган бош бухгалтерга (охирги шахс бўлмаганда - хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарини буйруғи билан тайинланган ходимга) бухгалтерия ҳужжатларининг йиғмажилдлари топширилади. Бухгалтерия ҳужжатларини қабул қилиш-топшириш жараёнида бухгалтерия ҳисобининг ҳолати ва ҳисобот маълумотларининг ҳақиқийлиги текширилади ва хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари томонидан тасдиқланиладиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномаси тузилади.

Қабул қилиш-топшириш далолатномаси бухгалтерия ҳужжатларининг йиғмажилдларини қабул қилувчи ва топширувчининг жавобгарликларини ажратиш учун тузилади. Шу билан бирга, унинг мақсади бухгалтерия ҳужжатларининг йиғмажилдлари қабул қилиш-топшириш вақтида ҳисобнинг бошланғич ҳужжатларининг, ҳисоботларнинг ва биринчи навбатда моддий захиралар ва пул маблағлари ҳисобларининг ҳолатини кўрсатиш ҳамда ҳисобни ташкил қилиш ва молиявий назоратни яхшилаш учун зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун керакли бўладиган маълумотларни йиғишдир. Бухгалтерия ҳужжатларининг йиғмажилдларини бош бухгалтер(қабул қилувчи ва топширувчи)лар томонидан қабул қилиш-топшириш хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг буйруғига асосан амалга оширилади. Буйруқда бухгалтерия ҳужжатларининг йиғмажилдларини қабул қилиш-топшириш муддатлари кўрсатилади. Бухгалтерия ҳужжатларининг йиғмажилдларини топширишда юқори ташкилотнинг бош бухгалтерини вакили қатнашиши керак. Аммо, юқори ташкилотнинг бош бухгалтерининг вакили келмаса ҳам бухгалтерия ҳужжатларининг йиғмажилдларини қабул қилиш ва топшириш тўхтатилмайди. Агар аввалги бош бухгалтер вафот этганли-

ги ёки бошқа бухгалтерия ҳужжатларининг йиғмажилдларини топшириш да қатнашиши мумкин бўлмаган сабаблар бўйича лавозимидан озод қилинган бўлса, у ҳолда янги тайинланган бош бухгалтер ва юқори ташкилотнинг бош бухгалтерини вакили бухгалтерия ҳужжатларининг йиғмажилдларнини қабул қилиш-топшириш далолатномасини ҳар вақтдаги каби тартибда одатдаги қабул қилиш-топшириш далолатномаси тузилади. Бухгалтерия ҳужжатларининг йиғмажилдларини қабул қилиш-топшириш олдидан кассанинг ҳолати текширилади. Кассани текшириш далолатномаси бухгалтерия ҳужжатларининг йиғмажилдларини топшираётган томонидан ва қабул қилиб олувчи томонидан ҳамда юқори ташкилотнинг бош бухгалтерини вакили томонидан имзоланади ва бухгалтерия ҳужжатларининг йиғмажилдларини қабул қилиш-топшириш далолатномасига илова қилинади. Кассани текшириш далолатномаси имзолангандан сўнг бухгалтерия ҳужжатларининг йиғмажилдларини топшираётган бош бухгалтер бухгалтерияга раҳбарлик қилишдан четлатилади. Бир вақтнинг ўзида янги тайинланган бош бухгалтернинг тўлов топшириқларига, чекларга ва бошқа банк ҳужжатларига имзо чекиш ҳуқуқи расмийлаштирилади. Бу имзо чекиш ҳуқуқи расмийлаштирилгунга қадар банк ҳужжатларига аввалги бош бухгалтер янги тайинланган бош бухгалтер назорати остида имзо чекаверади. Бундан буён бухгалтерия ҳужжатларининг йиғмажилдларини қабул қилаётган бош бухгалтер бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ҳолатини текшириш билан бирга бухгалтериянинг жорий ишига раҳбарлик қилади. Бухгалтерия ҳужжатларининг йиғмажилдларини топшириш бухгалтерия томонидан охирги марта топширилган баланс асосида амалга оширилади. Қабул қилиш-топшириш далолатномасида қайси сана ҳолатига бухгалтерия ҳужжатларининг йиғмажилдларини топшириш амалга оширилганлиги кўрсатилган бўлиши керак. Бухгалтерия ҳужжатларининг йиғмажилдларини қабул қилиш-топширишда моддий захиралар ва пул маблағлари ҳисобини, баланснинг ҳисоб-китоб моддаларини ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоботини ҳолати тўла текширилади. Бухгалтерия ҳисобининг ва ҳисоботининг ҳолати тўла текширилгандан сўнг қабул қилувчи ва топширувчи ҳамда юқори ташкилотнинг бош бухгалтерининг вакили имзоланадиган бухгалтерия ҳужжатларининг йиғмажилдларини қабул қилиш-топшириш далолатномаси тузилади. Қабул қилиш-топшириш далолатномасида қуйидаги масалалар қайд қилинган бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади:

1) бухгалтерия хизмати ва унинг ишини ташкил қилиниши;
2) бухгалтерия ҳисобининг ҳолатига умумий характеристика;
3) касса ва пул маблағлари ҳисобининг ҳолати;
4) ҳисоб-китоб операциялари ҳисобининг ҳолати;
5) асосий воситалар ҳисобининг ҳолати;
6) материал захиралар ҳисобининг ҳолати;
7) бухгалтерия ҳисоботининг ҳолати;
8) хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолати, штатлари ва меҳнат ҳақи фондлари;
9) тафтиш (хўжалик юритувчи субъект охирги маротаба қачон ва қайси даврлари тафтиш қилинган ҳамда тафтиш натижалари бўйича кўрсатмалар қандай бажарилган);
10) бухгалтерия ҳужжатларини, регистрларини ва ҳисоботларини сақланиш ҳолати.

Қабул қилиш-топшириш далолатномаси ҳужжатлар билан асосланган бўлиши керак, аммо бухгалтерия ҳужжатларининг йиғмажилдларини қабул қилиш-топшириш тафтиш усуллари билан амалга оширилиши керак эмас. Агар бухгалтерия ҳужжатларининг йиғмажилдларини топшириш жараёнида суиистеъмол қилиш ҳоллари аниқланилса, у ҳолда бухгалтерия ҳужжатларининг йиғмажилдларини қабул қилиб олувчи шахс хўжалик юритувчи субъект раҳбаридан ҳужжатли тафтиш тайинлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Аммо, бу бухгалтерия ҳужжатларининг йиғмажилдларини қабул қилиш-топширишни тўхтатишга сабаб бўлиши мумкин эмас. Топшираётган шахс қабул қилиш-топшириш далолатномасининг бирор-бир жойларига рози бўлмаган ҳолларда, у қабул қилиш-топшириш далолатномасига имзо чекишда тегишли далил исботли изоҳлар қилишга ҳақлидир, юқори ташкилотнинг бош бухгалтерини вакили эса мазкур норозилик ҳолларига ўзининг ёзма хулосасини бериши керак. Қабул қилиш-топшириш далолатномаси уч нусхада тузилади, унинг биринчи нусхаси хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарига тасдиқлаш учун берилади, иккинчи нусхаси юқори ташкилотнинг бош бухгалтерига юборилади, учинчи нусхаси эса бухгалтерия ҳужжатларининг йиғмажилдларини топшираётганда қолади.

Бухгалтерияда ишловчи ҳар бир ходим ўзининг мажбуриятларини аниқ билиши ва уларнинг бажарилишига жавобгар эканлигини ҳис қилиши учун бош бухгалтер бухгалтерия хизматининг барча ходимлари учун хизмат вазифа(мажбурият)ларини белгилайди.

Бош бухгалтер хўжалик юритувчи субъект томонидан амалга оширилаётган ҳамма хўжалик операцияларининг назоратини ва бухгалтерия ҳисоби счётларида қайд қилинишини, тезкор ахборотлар тақдим қилишни ва белгиланган муддатларда бухгалтерия ҳисоботини тузишни таъминлайди. Бош бухгалтер хўжалик юритувчи субъект раҳбари билан биргаликда моддий қийматликларни ва пул маблағларини қабул қилиш ва бериш ҳамда ҳисоб-китоб ва молиявий мажбуриятлари ва хўжалик шартномалари учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатларга имзо чекади. Бу ҳужжатлар бош бухгалтернинг имзосисиз ҳақиқий эмас деб топилади ва ижро учун қабул қилинмайди. Имзо чекиш ҳуқуқи бунга вакил қилинган шахслар хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарини ёзма фармойиши билан берилиши мумкин.

Бош бухгалтернинг бухгалтерия учун талаб қилинадиган ҳужжатларни ва маълумотларни расмийлаштиришга ва бухгалтерияга топширишга доир талаблари хўжалик юритувчи субъектнинг барча ходимларига мажбурий ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг бош бухгалтерига шартнома ва молиявий тартибга тўғри келмайдиган операциялар бўйича ҳужжатларни ижрога ва расмийлаштиришга олиш ман этилади. Бундай ҳужжатлар ҳақида бош бухгалтер хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарига ёзма ахборот беради. Хўжалик юритувчи субъект раҳбаридан юқорида кўрсатилган ҳужжатларни ҳисобга қабул қилишга ёзма фармойиш ёки ҳужжатга иккинчи маротаба имзо олганда бош бухгалтер уни ижро этади. Бундан сўнг қонунга зид бўлган шу операцияларни амалга оширилганлиги учун хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари жавоб беради.

Моддий жавобгар шахс(кассир, омбор мудири ва бошқа)ларни тайинланилиши, алмаштирилиши ва бўшатилиши хўжалик юритувчи субъектнинг бош бухгалтери билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини юритиш, бухгалтерия ҳисоботини тузиш ва ҳисоб ишларини олиб боришга шу хўжалик юритувчи субъектнинг бош бухгалтери бевосита раҳбарлик қилади. Бош бухгалтер ҳисобнинг тўғри олиб борилиши, мол-мулкнинг сақланиши устидан назорат, моддий қийматлик ва пул маблағларининг тўғри сарфланиши ва бошқаларни таъминлаши керак. Бош бухгалтер муайян хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарига бевосита бўйсунади.

Бош бухгалтерга қуйидаги вазифалар юклатилади: бухгалтерия ҳисобини тўғри юритиш; бухгалтерия ҳисобини юритишга доир ўрнатилган қоидаларга қатъий риоя қилиш; бухгалтерия ҳисобининг илғор усули ва шаклларини қўллаш; ҳисоб ишларини бажаришда замонавий ҳисоблаш машиналарини қўллаш; хўжалик маблағларини ўз вақтида ва тўғри ҳисобга олиб бориш; содир бўлган хўжалик операцияларини ўз вақтида расмийлаштириш ҳамда тегишли синтетик ва аналитик счётларда акс эттириш; тегишли бухгалтерия ёзувлари ва қонуний равишда расмийлаштирилган дастлабки ҳужжатлар асосида бухгалтерия ҳисоботини тузиш; ишлаб чиқаришга қилинган харажатларни ўз вақтида ҳисобга олиш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш; бошқа бўлимларнинг ходимлари билан биргаликда хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш-хўжалик ва молиявий фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш; бухгалтерия архивини ва бухгалтерия ҳужжатларини сақланишини уюштириш ва бошқалар. Шунинг учун ҳам бухгалтерия баланси ва ҳисоботи ҳамда бошқа ҳисоботлар, пул маблағлари, моддий ва бошқа қийматликларни қабул қилиш ва чиқариш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларга хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари билан доимо бош бухгалтернинг имзоси бўлиши керак. Бу баланс, ҳисобот ва ҳужжатлар, агар бош бухгалтернинг имзоси бўлмаса, ҳақиқий эмас деб топилади ва хўжалик операцияларини содир бўлганлигини тасдиқловчи ёки уни амалга ошириш учун ҳуқуқ берувчи гувоҳнома бўла олмайди.

Пул маблағлари ва моддий қийматликлар учун бевосита моддий жавобгарлик билан боғлиқ бўлган мажбуриятлар бош бухгалтерга юклатилиши мумкин эмас. Шунингдек, бош бухгалтерга чек ва бошқа ҳужжатлар билан банклар кассасидан бевосита пул маблағларини ва хўжалик юритувчи субъект учун моддий қийматликларни олиш қатъий ман қилинади.

7. Бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш йўллари

Бухгалтерия ҳисоби ишлаб чиқариш билан биргаликда катта ривожланиш йўлини босиб ўтди. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ишлаб чиқариш жараёнларининг мураккаблашишига ва уларни бошқариш учун кўп миқдордаги иқтисодий ахборотларни тезликда олиш заруриятининг туғилишига олиб келади. Бу, ўз навбатида бухгалтерия ҳисобининг илғор усулларини ва замонавий ҳисоб-

лаш машиналарини қўллаш йўли билан такомиллаштиришни тақозо қилади.

Ҳозирги вақтда бухгалтерия ҳисобининг тезкорлик даражаси юқори эмас, чунки ишлаб чиқаришнинг кетиши ҳақида маълумотларни бухгалтерия ҳисоби тегишли раҳбар органларга тезликда етказиб бера олмайди. Бухгалтерия ҳисобининг кўп маълумотлари ҳисобот даври тамом бўлгандан кейингина олинади. Бу маълумотлардан фақат кейинги ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланиш мумкин. Шунинг учун ҳам бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг тезкорлигини таъминлаш ҳозирги замон ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришнинг асосий талабларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобида илғор усулларни ва замонавий ҳисоблаш машиналарини қўллаш асосида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш масаласи бўйича бир қанча зарур тадбирий чоралар ишлаб чиқилмоқда. Буларни ҳаётга татбиқ қилиш учун хўжалик юритувчи субъектларда кўп амалий ишлар олиб борилмоқда.

Хўжалик юритувчи субъектларда кўп сонли дастлабки ҳужжатлар тузилади. Уларнинг миқдори бир йилда баъзи бир хўжалик юритувчи субъектларда бир неча юз мингларни ташкил қилади. Бу дастлабки бухгалтерия ҳужжатларини расмийлаштириш учун юқори малакали ходимларнинг кўпгина вақти сарфланади. Шунинг учун хўжалик юритувчи субъектларда расмийлаштириладиган дастлабки бухгалтерия ҳужжатларининг миқдорини камайтириш назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эгадир. Бу масала бўйича хўжалик юритувчи субъектларда материалларни ишлаб чиқаришга сарфлашни расмийлаштириш учун лимит карталардан фойдаланиш ҳамда хом ашё ва материалларнинг омбордан чиқарилишини исботловчи дастлабки ҳужжат сифатида омборнинг карточкасини ишлатиш, ҳар бир хўжалик операциясини расмийлаштириш учун алоҳида дастлабки ҳужжат тузмасдан уларнинг бир қанчаси учун битта йиғма ҳужжатларни тузишни қўллаш каби кўпгина амалий ишлар амалга оширилган. Бунга қарамасдан хўжалик юритувчи субъектларда тузилаётган дастлабки ҳужжатларнинг миқдори ҳали кўп.

Бухгалтериянинг дастлабки ҳужжатларида жуда кўп кўрсаткичлар бир неча марта қайтарилади. Шунинг учун дастлабки ҳужжатларнинг шаклларини ишлаб чиқишда ва уларда акс эттирилган маълумотларни ишлашда бир хил кўрсаткичларнинг ҳар хил ҳужжатларда қайтарилишини мумкин қадар камайтириш керак.

Бундан ташқари дастлабки ҳужжатлар кўрсаткичларининг кўплари доимий маълумотлар бўлиб, улар шу каби ҳужжатларнинг ҳар бирида акс эттирилади. Шундай доимий маълумотларнинг дастлабки ҳужжатларда қандай даражада акс эттирилишини ҳам илмий ҳал қилиш керак.

Бухгалтерия ҳисобини ҳозирги замон тез ҳаракат қилувчи ҳисоблаш машиналарини қўллаш асосида такомиллаштириш мумкин. Замонавий ҳисоблаш машиналарини ҳисоб ишларини бажаришда қўллаш ҳисоб маълумотларининг тезкорлиги, ҳисоб ишларини олиб бориш учун кетадиган сарфларни камайтириш, ҳисоб ишлари сифатини яхшилаш, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг янги асосга қўйилиши ва бошқаларни таъминлайди.

Бизга маълумки, ҳозирги вақтда дастлабки ҳужжатлар тузилади, ундаги маълумотларнинг тўғрилиги махсус ходимлар томонидан текширилади, дастлабки ҳужжат маълумотлари ҳисоблаш машиналарида ишлаш учун тегишли ахборот ташувчиларга ўтказилади ва улар тегишли ҳисоблаш машиналарида ишланиб, тегишли кўрсаткичлар бўйича маълумотлар тайёрланади.

Демак, дастлабки ҳужжатлар улардаги маълумотларни ҳисоблаш машиналарига бевосита киритиш учун яроқсиздир. Шунинг учун дастлабки ҳужжатларнинг маълумотларини бевосита ҳисоблаш машиналарига киритиш масалаларини ҳал қилиш катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасида «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» Қонун қабул қилинган. Бозор иқтисодиёти муносабатларига мос бўлган, чет эл мутахассисларига ҳам тушунарли бўлган ҳамда замонавий электрон ҳисоблаш машиналарини кенг қўллашга асосланган замонавий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини яратиш йўлида республикада катта ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги даврга келиб мамлакатда 23та бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БҲМС) ишлаб чиқилган. Бу БҲМСлар бухгалтерия ҳисобига доир ҳалқаро стандартлардан кенг фойдаланилган ҳолда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг миллий хусусиятларини ҳисобга олиб туриб ишлаб чиқилган. Мамалакатда қабул қилинган бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари асосида хўжалик юритувчи субъектларида бухгалтерия ҳисоби юритилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БҲМС) қуйидагилардан иборатдир.

1) Молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш учун концептуал асос (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 14 августда 475-сон билан рўйхатга олинган).

2) Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот (1-сонли БҲМС) (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 14 августда 474-сон билан рўйхатга олинган).

3) Асосий хўжалик фаолиятининг даромадлари (2-сонли БҲМС) (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 28 августда 483-сон билан рўйхатга олинган).

4) Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (3-сонли БҲМС) (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 27 августда 484-сон билан рўйхатга олинган).

5) Товар-материаллар захиралари (4-сонли БҲМС) (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 17 июлда 1595-сон билан рўйхатга олинган).

6) Асосий воситалар (5-сонли БҲМС) (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 20 январда 1299-сон билан рўйхатга олинган).

7) Лизинг ҳисоби (6-сонли БҲМС) (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 16 октябрда 503-сон билан рўйхатга олинган).

8) Номоддий активлар (7-сонли БҲМС) (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 20 октябрда 506-сон (ўзгаришлар 2001 йил 29 июнда 506-1) билан рўйхатга олинган).

9) Умумлаштирилган (консолидацияланган) молиявий ҳисоботлар ва Шуъба хўжалик жамиятларида инвестиция ҳисоби (8-сонли БҲМС) (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 28 декабрда 580-сон билан рўйхатга олинган).

10) Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот (9-сонли БҲМС) (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 4 ноябрда 519-сон билан рўйхатга олинган).

11) Давлат субсидиялари ҳисоби ва давлат ёрдамини очиб бериш (10-сонли БҲМС) (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 3 декабрда 562-сон билан рўйхатга олинган).

12) Илмий тадқиқотларга ва тажриба-конструкторлик ишланмаларига қилинган харажатлар (11-сонли БҲМС) (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 28 декабрда 581-сон билан рўйхатга олинган).

13) Молиявий инвестициялар ҳисоби (12-сонли БҲМС) (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 16 январда 596-сон билан рўйхатга олинган).

14) Бухгалтерия баланси (15-сонли БҲМС) (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 20 мартда 1226-сон билан рўйхатга олинган).

15) Бухгалтерия баланси тузилган санадан кейин хўжалик фаолиятидаги кўзда тутилмаган ҳолатлар ва рўй берадиган ҳодисалар (16-сонли БҲМС) (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 23 декабрда 578-сон билан рўйхатга олинган).

16) Капитал қурилишга доир пудрат шартномалари (17-сонли БҲМС) (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 23 декабрда 579-сон билан рўйхатга олинган).

17) Инвентаризацияни ташкил қилиш ва ўтказиш (19-сонли БҲМС) (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 2 ноябрда 833-сон билан рўйхатга олинган).

18) Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан соддалаштирилган ҳисобни юритиш ва ҳисоботни тузиш тартиби тўғрисида (20-сонли БҲМС) ((Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 24 январда 879-сон (ўзгаришлар 2003 йил 13 октябрда 879-1-сон) билан рўйхатга олинган).

19) Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобининг счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома (21-сонли БҲМС) (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон (ўзгаришлар 2003 йил 12 ноябрда 1181-1-сон) билан рўйхатга олинган).

20) Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятлар ҳисоби (22-сонли БҲМС) (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 21 майда 1364-сон (ўзгаришлар 2003 йил 13 октябрда 879-1-сон билан) билан рўйхатга олинган).

Юқорида келтирилган БҲМСлари асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш чет эл инвестициялари иштирокида ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектларда ва аудиторлик ташкилотларида 2002 йил 1 январдан, биржаларда 2003 йил 1 январдан ва мулкчилик шаклидан қатъий назар бошқа хўжалик юритувчи субъектларда 2004 йил 1 январдан бошланди.

Савол ва топшириқлар

1. Бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш принципларини айтиб беринг.

2. Бухгалтерия ҳисобига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг раҳбарлигини тушунтириб беринг.

3. Марказлаштирилган ҳисоб нима?

4. Марказлаштирилмаган ҳисоб нима?

5. Хўжалик операцияларини ҳужжатлаштириш ва ҳужжатларнинг айланиш режасини тушунтириб беринг.

6. Бухгалтерия ҳисобининг ишчи счётлар рўйхати ва уларнинг корреспонденцияси режасини тушунтириб беринг.

7. Инвентаризация қилиш ва ҳужжатли тафтиш ўтказиш режасини тушунтириб беринг.

8. Бухгалтерия бўлинмаларини қисқача характерлаб беринг.

9. Бош бухгалтернинг вазифаларини айтиб беринг.

10. Бош бухгалтернинг ҳуқуқларини санаб беринг.

11. Бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш учун нималар қилмоқ керак?

12. Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари тўғрисида ахборот беринг.

ГЛОССАРИЙ

Актив счёт – бу счёт, активларни қайд қилиш учун мўлжалланган счёт бўлиб, иқтисодий ресурслар қолдиғи ва кўпайиши счётнинг дебетида, камайиши эса кредитида акс эттирилади.

Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоланишлиги принципи – бу активлар ва мажбуриятларнинг асосий баҳоланиши уларнинг таннархи ёки сотиб олинган қиймати бўлишидир.

Асосий воситалар – бу узоқ вақт мобайнида (бир йилдан ортиқ) хизмат қиладиган ҳамда ҳар бирининг (комплектининг) қиймати Ўзбекистон Республикасида белгиланган (муайян моддий активни сотиб олиш вақтида) энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдоридан кам бўлмаган моддий активлардир. Қиймати ва хизмат қилиш муддатидан қатъий назар, қишлоқ хўжалик машиналари ва қуроллари, ишчи ҳайвонлар ва маҳсулдор ҳайвонлар (майдалари ҳам), кутубхона фондлари, музей қийматликлари (музей экспонатларидан ташқари), хайвонот оламининг экспонатлари ва намунавий лойиҳалаш бўйича ҳужжатлар асосий воситалар таркибига киради.

Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати – бу асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматидан йиғилган эскириш суммасини чегириш натижасида ҳосил бўлган қийматдир.

Асосий воситанинг бошланғич қиймати – бу асосий воситани барпо этиш (қуриш ва охиригача қуриб етказиш) ёки асосий воситаларни сотиб олиш, уларни олиб келиш ва монтаж қилиш, ўрнатиш, фойдаланишга топшириш ва уларни тайинланишига кўра фойдаланиш учун иш ҳолатига келтириш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай бошқа ҳақиқатда қилинган харажатлар қийматидир.

Асосий воситанинг қайта тиклаш қиймати – бу асосий воситанинг қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолдаги қийматидир.

Асосий меҳнат ҳақи – бу ишчи ва хизматчиларнинг ишлаган вақти учун ёки бажарган ишларининг миқдори ва сифати учун ҳисобланадиган тўловлардир.

Асосий счётлар – бу хўжалик юритувчи субъект қандай маблағларга эга ва улар қандай манбалардан ташкил топганлиги ҳамда ҳисоб-китоб муносабатлари ҳақидаги маълумотлар билан хўжалик юритувчи субъектларни таъминловчи счётдир.

Балансдан ташқари счётлар — бу корхонага тегишли бўлмаган, лекин вақтинча унинг ихтиёрида бўлган активлар, шартли ҳуқуқ ва мажбуриятлар қолдиғи ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган счётлардир. Бу счётлар бошқа счётлар билан корреспонденцияланмайди ва хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботида кўрсатилмайди.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатининг кўрсаткичлари (реквизитлари) — бу ҳужжатда қайд этилган хўжалик операциясини характерловчи ва унга юридик куч берадиган кўрсаткичлардир.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари — бу операциялар амалга оширилганлигини қайд қилувчи бошланғич ҳужжатлар ва уларни амалга оширишга доир фармойишлардир. Бухгалтерияга тушган бошланғич ҳужжатлар, албатта, **шакл бўйича** (бошланғич ҳужжатларнинг расмийлаштирилишини, кўрсаткичлар (реквизитлар) тўлдирилганлигининг тўлалиги ва тўғрилиги) ҳамда **мазмуни бўйича** (ҳужжатлаштирилаётган операцияларнинг қонунийлиги, айрим олинган кўрсаткичларнинг мантиқан ўзаро боғлиқлиги) текширилади.

Бухгалтерия баланси — бу хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағларини уларнинг ҳолати, жойланиши, фойдаланиши ва манбалари бўйича қайд этиш усулидир. Бухгалтерия баланси маълум санага хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолати тўғрисида умумлаштирилган пул ифодасида аниқ тасаввур берадиган бухгалтерия ҳисобининг ҳужжати бўлиб ҳисобланади.

Бухгалтерия карточкалари — бу бир-бирлари билан бирлаштирилмаган махсус устунлар чизилган қоғоздан ёки юпқа картондан тайёрланган алоҳида-алоҳида жадваллардир.

Бухгалтерия китоблари — бу муқоваланган жузланган махсус устунлар чизилган қоғоз варақларидир.

Бухгалтерия ҳисоби — хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий ресурслари ҳаракати ва ҳолати ҳамда уларга қўйиладиган талабларни қайд қилиш ва сақлаш усулидир.

Бухгалтерия ҳисобининг икки ёқлама ёзиш усули билан юритиш принципи — бу хўжалик юритувчи субъект ва бюджет ташкилотлари бухгалтерия операцияларини икки ёқлама ёзиш асосида рўйхатга олиб борилишидир. Икки ёқлама ёзиш тизими айнан бир операциянинг суммасини бир вақтнинг ўзида бухгалтерия ҳисобининг икки счётида - бирининг дебетида ва бошқасининг кредитида акс эттирилишидан иборат бўлади.

Бухгалтерия ҳисобининг ишончлилик принципи — бу ахборот, қачонки унда жиддий ёки олдиндан ўйлаб киритилган хатолар бўлмаса ҳамда фойдаланувчилар унга ишонсалар, ишончли ҳисобланишидир.

Бухгалтерия ҳисобининг объектлари — бу асосий ва жорий активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, захиралар, даромадлар ва харажатлар, фойда ва зарарлар ҳамда уларнинг ҳаракати билан боғлиқ хўжалик операцияларидир.

Бухгалтерия ҳисобининг регистрлари — бу икки ёқлама ёзиш усулига мувофиқ юритиладиган журналлар, қайднома(ведомост)лар, китоблар ва тасдиқланган бланк(шакл)лардир.

Бухгалтерия ҳисобининг субъектлари — бу давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда ундан ташқарида жойлашган шуъба корхоналари, филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа таркибий бўлинмаларидир.

Бухгалтерия ҳисобининг счётлар режаси — бу корхоналарнинг операцияларини жорий ҳисоби учун тайинланган ва маълум тартибда рақамланган бухгалтерия ҳисобининг синтетик счётларнинг тизимга солинган рўйхатидир.

Бухгалтерия ҳисобининг узлуксизлик принципи — бу хўжалик юритувчи субъект ва бюджет ташкилоти доимий фаолият кўрсатадиган ва номаълум узоқ муддатгача ўз фаолиятини давом эттирадиган бўлишлиги ҳамда бухгалтерия ҳисобини юритиш муддати хўжалик юритувчи субъектнинг ва бюджет ташкилотининг фаолият кўрсатиш муддатига мос келиши кераклигидир.

Бюджет ташкилотининг баланси — бу бюджет ташкилотининг маблағлари, уларнинг сарфланиши ва маблағлар манбалари ҳолатини характерлайдиган бюджет ташкилотининг харажатлар сметаларини ижроси бўйича балансидир.

Бюджет ҳисоби — бу мамлакатнинг давлат бюджети ижросининг бухгалтерия ҳисобидир. Бюджет ҳисоби давлат бюджети ижроси билан боғлиқ бўлган барча операцияларни қамраб олади ва унинг ижроси жараёнида бюджет ҳолатини характерлашни таъминлайди.

Инвентаризация — бу ҳақиқатда бор бўлган мол-мулкни аниқлаш, ҳақиқатда бор бўлган мол-мулкни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солиштириб чиқиш, мажбуриятлар ҳисобда тўла қайд қилинганлигини текширишдир.

Калькуляция счётлари — бу счётлар ишлаб чиқарилган маҳсулот бажариб топширилган иш ва қилинган хизматларнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш мақсадида ишлаб чиқаришга қилинган харажатларни умулаштириш учун хизмат қилувчи счётлардир.

Касса харажатлари — бу бюджет ташкилотининг талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағидан банк муассасаси томонидан нақд пул ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар йўли билан тўланган харажатлардир.

Контр-актив счёт — бу молиявий ҳисоботда активнинг соф қийматини кўрсатиш учун фойдаланиладиган счётдир. Бу счётнинг сальдоси, унга боғлиқ актив счёт сальдосидан айириш натижасида соф қиймат аниқланади.

Контр-пассив счёт — бу молиявий ҳисоботда капитал ва мажбуриятлар соф қийматини кўрсатиш учун фойдаланиладиган счётдир. Бу счётнинг сальдоси, унга боғлиқ пассив счёт сальдосидан айириш натижасида соф қиймат аниқланади.

Кўрсаткичларнинг қиёсийлиги принципи — бу ахборотлар нафли ва мазмунли бўлиши учун у ҳар хил ҳисобот даврлари учун қиёсий бўлишидир.

Мазмуннинг шаклдан устунлиги принципи — бу агар ахборотлар ҳисоб ҳужжатларида ва ҳисоботларда операциялар ва ҳодисаларнинг мазмунини ишончли акс эттирса, бу ахборотлар ҳисобга олинган ва ҳисоботда тақдим этилган бўлишлигидир.

Маънавий эскирган асосий воситалар — бу тайинланишига кўра бир хил бўлган асосий воситаларнинг юқори иш унумдорлиги ва иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги юқори бўлган, қиймати ҳам бир хил ёки арзонроқ бўлган худди шундай асосий воситаларнинг ишлаб чиқарилиши натижасида қиймати тушиб кетган асосий воситалардир.

Молия йили — бу биринчи январдан ўттиз биринчи декабр куни охиригача бўлган вақтни ўз ичига олувчи давр календар йилидир.

Пассив счёт — бу капитал ва мажбуриятларни қайд қилиш учун мўлжалланган счётдир. Уларда капитал ва мажбуриятлар қолдиғи ва кўпайиши счётнинг кредитида, камайиши эса дебетида акс эттирилади.

Режали тўловлар тартибидаги ҳисоб-китоблар — бу мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар ҳар бир алоҳида келишув (мол жўнатиш, мол бериш ёки хизмат кўрсатиш) бўйича эмас, балки томонлар олдиндан келишиб олган муддатларда ва миқдорларда маблағларни даврий йўл билан ўтказиш бўйича амалга ошириладиган ҳисоб-китобдир.

Счётлар тизими — бу бухгалтерия ҳисобида фойдаланиладиган барча счётларнинг счётлар рўйхатида бир тизимга солинишидир.

Таққословчи счётлар — бу муайян жараённи характерловчи иккита ҳар хил кўрсаткичларни таққослаш учун хизмат қиладиган счётлардир.

Тақсимловчи счётлар — бу хўжалик юритувчи субъектнинг баъзи бир харажатларини ҳисобга олиш ва уларни калькуляция объектлари ёки ҳисобот даврлари ўртасида тақсимлайдиган счётлардир.

Тартибга солувчи счётлар — бу бошқа бухгалтерия счётларида акс эттирилган кўрсаткичларни тартибга солиш учун хизмат қилувчи счётлардир.

Транзит счётлар – бу ҳисобот даври давомида даромад ва харажатларни ҳисобга олиш учун вақтинчалик ишлатиладиган счётлардир. Бу счётлар бўйича хисобот давринининг охирига қолдиқ қолмайди.

Хўжалик маблағлари ташкил топиш манбаларини ҳисобга олувчи счётлар – бу хўжалик юритувчи субъект маблағларининг манбалари, хўжалик юритувчи субъект айланишга жалб қилинган маблағларнинг манбалари ва хўжалик юритувчи субъект хўжалик фаолиятининг молиявий натижалари акс эттириладиган счётлардир.

Хўжалик операцияларини, активларни ва пассивларни пулда баҳоланиш принципи – бу барча хўжалик операциялари, ҳодисалар, активлар ва пассивлар ягона, бир турдаги пул баҳосида ўлчаниши кераклигидир. Ўзбекистон Республикасида пул ўлчови бўлиб сўм ва унинг қисми тийин ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсати – бу хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот, уларнинг Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларининг қоидалари ва асосларига мос усулларнинг қўлланилишидир.

Эҳтиёткорлик принципи – бу ҳисоботда активлар ва даромадлар орттирилган ҳолда баҳоланишига ва мажбуриятлар ёки харажатлар пасайтирилган ҳолда баҳоланишига йўл қўйилмаслигидир.

Қўшимча меҳнат ҳақи – бу ишчи ва хизматчиларга қонунда кўзда тутилган ишламаган вақти (таътил вақти учун тўлов, давлат ва жамоат вазифаларини бажарган даври учун тўлов, ўсмирларга имтиёзли соатлари учун тўлов ва бошқалар) учун ҳисобланадиган тўловлардир.

Ҳисоблаш принципи – активлар, пассивлар, даромадлар, харажатлар, хўжалик операциялари ва ҳодисалар содир этилган пайтда бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини билдиради. Бухгалтерия ёзувлари ҳисобда ҳисоблаш принципидан фойдаланилган ҳолда хўжалик операциялари содир бўлган вақтда амалга оширилади.

Ҳисобдор шахслар – бу харажатларни нақд пул билан тўлаш учун бўнак берилган корхонанинг ходимларидир.

Ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги принципи – бу муайян даврда шу давр даромадларининг олинишини шарт қилган харажатларнигина акс эттирилишидир.

Ҳисоботнинг бетарафлиги принципи – бу ҳисоботда келтирилган ахборот, унинг ишончлилигини таъминлаш учун олдиндан бичиб-тўқиб қўйишдан ҳоли бўлишидир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари ва Президент И.А. Каримов асарлари, меъёрий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуни.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелдаги қонуни билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодекси» (2004 йил апрел ҳолатига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

3. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги «Иқтисодиётни кредитлаш механизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 349-сонли қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 январдаги «Тижорат банклари томонидан махсус имтиёзли кредит фондларини шакллантириш тўғрисида»ги 28-сонли қарори.

8. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. –Т.: «Ўзбекистон», 2003.

9. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: «Ўзбекистон», 2005.

10. 1 январ ҳолатига асосий воситаларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 4 декабрда 1192-сон билан рўйхатга олинган).

11. Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисида Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 29 августда 1023-сон билан рўйхатга олинган).

12. Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 17 декабрда 565-сон билан рўйхатга олинган).

13. Ўзбекистон Республикаси доирасида хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 29 августда 1268-сон билан рўйхатга олинган).

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2004 йил 22 апрелдаги «Ягона ижтимоий тўлов тўғрисида»ги ДК/03-04/181-сонли хати.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлигининг 2005 йил 31 январдаги «Ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига иш берувчилар томонидан тўловларни тўлаш тартиби ҳақида»ги БХ/30-01-21, 17-30/115 КХ, 2005/20 ва 18/452-сонли йўриқномаси.

16. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг «Молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш учун концептуал асос» миллий стандарти (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 14 августда 475-сон билан рўйхатга олинган).

17. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 1-сонли «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» миллий стандарти (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 14 августда 474-сон билан рўйхатга олинган).

18. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 2-сонли «Асосий хўжалик фаолиятининг даромадлари» миллий стандарти (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 26 августда 483-сон билан рўйхатга олинган).

19. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 3-сонли «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» миллий стандарти (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 27 августда 484-сон билан рўйхатга олинган).

20. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобиниг 4-сонли «Товар-материаллар захиралари» миллий стандарти (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 17 июлда 1595-сон билан рўйхатга олинган).

21. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 5-сонли «Асосий воситалар» миллий стандарти (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 20 январда 1299-сон билан рўйхатга олинган).

22. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 6-сонли «Лизинг ҳисоби» миллий стандарти (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 16 октябрда 503-сон билан рўйхатга олинган).

23. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 7-сонли «Номоддий активлар» миллий стандарти (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 20 октябрда 506-сон (ўзгаришлар 2001 йил 29 июнда 506-1-сон) билан рўйхатга олинган).

24. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобини 8-сонли «Умумлаштирилган (консолидацияланган) молиявий ҳисоботлар ва шуъба хўжалик жамиятларида инвестиция ҳисоби» миллий стандарти (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 28 декабрда 580-сон билан рўйхатга олинган).

25. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 9-сонли «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот» миллий стандарти (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 4 ноябрда 519-сон билан рўйхатга олинган).

26. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 10-сонли «Давлат субсидиялари ҳисоби ва давлат ёрдамини очиб бериш» миллий стандарти (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 3 декабрда 562-сон билан рўйхатга олинган).

27. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 11-сонли «Илмий тадқиқотларга ва тажриба-конструкторлик ишланмаларига қилинган харажатлар» миллий стандарти (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 28 декабрда 581-сон билан рўйхатга олинган).

28. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 12-сонли «Молиявий инвестициялар ҳисоби» миллий стандарти (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 16 январда 596-сон билан рўйхатга олинган).

29. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 15-сонли «Бухгалтерия баланси» миллий стандарти (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 20 мартда 1226-сон билан рўйхатга олинган).

30. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 16-сонли «Бухгалтерия баланси тузилган санадан кейин хўжалик фаолиятидаги кўзда тутилмаган ҳолатлар ва рўй берадиган ҳодисалар» миллий стандарти (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 23 декабрда 578-сон билан рўйхатга олинган).

31. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 17-сонли «Капитал қурилишга доир пудрат шартномалари» миллий стандарти (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 23 декабрда 579-сон билан рўйхатга олинган).

32. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 19-сонли «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» миллий стандарти (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 2 ноябрда 833-сон билан рўйхатга олинган).

33. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 20-сонли «Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан соддалаштирилган ҳисобни юритиш ва ҳисоботни тузиш тартиби тўғрисида» миллий стандарти (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 24 январда 879-сон (ўзгаришлар 2003 йил 13 октябрда 879-1-сон) билан рўйхатга олинган).

34. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 21-сонли «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобининг счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» миллий стандарти (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон (ўзгаришлар 2003 йил 12 ноябрда 1181-1-сон) билан рўйхатга олинган).

35. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 22-сонли «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятлар ҳисоби» миллий стандарти (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 21 майда 1364-сон билан рўйхатга олинган).

II. Дарсликлар

36. *Остонақулов М.* Бухгалтерия ҳисоби назарияси. –Т.: «Ўқитувчи», 1993.

37. *Ostonaqulov M. va boshqalar.* Buxgalteriya hisobi nazariyasi. – T.: Yozuvchilar uyushmasi nashriyoti, 2005.

38. *Каримов А.* Бухгалтерия ҳисоби. –Т.: «Шарқ», 2004.

39. *Кондратов Н.П.* Бухгалтерский учет. –М.: ИНФРА, 2004.

40. *Нидлз Б.* Принципы бухгалтерского учета. –М.: «Финансы и статистика», 2003.

III. Ўқув қўлланмалар

41. *Остонақулов М.* Бюджет ташкилотлари харажатлар сметалари ижросининг бухгалтерия ҳисоби. –Т.:Здравплюс/ЮСАИД, 2004.

42. *Остонақулов М.* Бухгалтерский учет исполнения сметы расходов бюджетных организаций. –Т .: Здравплюс/ЮСАИД, 2004.

43. *Ostonakulov M.* Accounting for Budgetary Organizations. –T: ЗдравПлюс/ЮСАИД, 2004.

44. *Остонақулов М.* Бюджет ҳисоби ва бюджет ижросининг назорати. –Т.: «Молия», 2005.

45. *Астахов В.П.* Теория бухгалтерского учета. –М.: ИКЦ МарТ Ростов н/Д, 2004.

46. *Палый В.Ф.* Современный бухгалтерский учет. –М.: «Бухгалтерский учет», 2003.

47. *Рожнова О.В.* Международные стандарты бухгалтерского учета и финансовой отчетности. –М.: Экзамен, 2003.

IY. Илмий монографиялар, мақолалар ва бошқалар

48. *Жўраев Н.* Баҳонинг ўзгариши натижасида бухгалтерия ҳисобида юзага келадиган муаммолар ва уларни бартараф этиш. «Бизнес-Осиё» журнали, 2003 й.

49. *Жўраев Н.* Номоддий активлар ҳисоби. «Бозор, пул ва кредит» журнали, 2003 й.

50. *Воҳидов С.* Бухгалтерия ҳисобини замон талабларига мослаштириш – давр талаби. «Иқтисодиёт ва таълим» журнали, 2003 й.

51. *Пўлатов М.* Бухгалтерия ҳисобини замон талабларига мослаштириш – давр талаби. «Иқтисодиёт ва таълим» журнали, 2003 й., 2-сон.

52. *Сотиволдиева Д.* Бухгалтерия ҳисобининг янги андоза мезонлари. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали, 2004 й.

Y. Докторлик, номзодлик ва магистрлик диссертациялари

53. *Ҳамробекова Р.Р.* Чет эл валюталарида амалга ошириладиган операциялар ҳисоби ва таҳлили. Т.: ТДИУ, Магистр.дисс., 2005.

54. *Иботова К.К.* Инвестициялар ҳисоби ва аудити ҳамда уни такомиллаштириш йўллари. Т.: ТДИУ, Магистр.дисс., 2005.

YI. Илмий-амалий анжуманлар материаллари тўплами

55. *Голиш Л.* Технология обучения в экономическом образовании. Технология обучения на лекциях и семинарах в экономическом вузе. ТГЭУ, 2005.

56. *Ходиев Б. ва бошқалар.* Ўқув жараёнида ахборот ва илғор педагогик технологияларни қўллаш йўллари. –Т.: ТДИУ, 2005.

57. *Назарова Ф.М.* Технологии обучения в экономическом образовании. Образовательная технология по предмету «Лизинговые операции». –Т.: ТГЭУ, 2005.

58. *Жўраев Н.* Иқтисодий ислоҳотлар даврида бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифалари. ТМИ, 2004.

59. *Мирходжаев М.К.* К вопросу о теории управленческого учета. ТДИУ ИАКонф. 2003.

60. *Жўраева Д.* Давлат субсидияларини ҳисобга олиш. ТМИ, ИАКонф. 2004.

61. *Сотиволдиева Д.* Янги счётлар режасини қўллашнинг айрим масалалари. Тезис. ТДИУ, 2004.

VII. Интернет сайтлари

62. http://www.nalog.ru (Россия Федерацияси бюджет тизими сайти).

63. http://www.soliq.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси сайти).

64. http://www.mf.uz (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги сайти).

65. http://www.budgetrf.ru (Россия Федерацияси бюджет тизими сайти).

66. http://www.apb.org.uk (Auditing Practices Board).

67. http://www.nao.gov.uk (UK National audit office).

68. http://www.iia.org.uk (The Institute of Internal Auditors-United Kingdom).

69. http://www.iasc.org.uk (International Accounting Standards Committee).

70. http://www.aicpa.org (American Institute of Certified Public Accountants).

МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА 3

БИРИНЧИ БОБ

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

1. Ҳисоб ҳақида умумий тушунча 5
2. Ҳисобда қўлланиладиган ўлчовлар 6
3. Ҳисоб турлари. Бухгалтерия ҳисоби 9
4. Бухгалтерия ҳисобининг вазифалари ва унинг олдига қўйиладиган талаблар 12

ИККИНЧИ БОБ

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА УСУЛИ

1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик маблағлари 16
2. Хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбалари 26
3. Хўжалик жараёнлари ва хўжалик юритувчи субъект маблағлари 32
4. Бухгалтерия ҳисоби предметининг умумий таърифи 34
5. Бухгалтерия ҳисоби усули 40

УЧИНЧИ БОБ

БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ

1. Бухгалтерия баланси, унинг тузилиши ва мазмуни 49
2. Хўжалик операциялари таъсири остида балансда рўй берадиган ўзгаришлар 58

ТЎРТИНЧИ БОБ

БУХГАЛТЕРИЯ СЧЁТЛАРИ ВА ИККИ ЁҚЛАМА ЁЗИШ

1. Бухгалтерия счётлари тўғрисида тушунча 82
2. Счётларда хўжалик операцияларини икки ёқлама ёзиш 101
3. Синтетик ва аналитик ҳисоб ҳақида тушунча 127
4. Айланма ведомостлар ва уларнинг аҳамияти 130

БЕШИНЧИ БОБ

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИНИ ТУРКУМЛАРГА АЖРАТИШ ВА СЧЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Бухгалтерия ҳисоби счётларини туркумларга ажратиш тўғрисида тушунча 139

2. Бухгалтерия ҳисоби счётларини тайинланиши ва тузилишига кўра туркумларга ажратиш 141
3. Бухгалтерия ҳисоби счётларини иқтисодий мазмунига кўра туркумлаш 161
4. Бухгалтерия ҳисобининг счётлар рўйхати 163

ОЛТИНЧИ БОБ

АСОСИЙ ХЎЖАЛИК ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ҲИСОБИ

1. Бухгалтерия ҳисобида баҳолаш 181
2. Бухгалтерия ҳисобида калькуляция қилиш 185
3. Таъминот жараёни ҳисоби 199
4. Ишлаб чиқариш жараёни ҳисоби 228
5. Сотиш жараёни ҳисоби 260
6. Молиявий натижалар ҳисоби 266

ЕТТИНЧИ БОБ

ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ ВА ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ ҚИЛИШ

1. Бухгалтерия ҳужжатлари ҳақида тушунча 276
2. Бухгалтерия бошланғич ҳужжатлари ва уларни расмийлаштириш ... 277
3. Бошланғич ҳужжатлардаги хатоларни тўғрилаш тартиби 281
4. Ҳужжатлар айланишини ташкил қилиш тартиби 281
5. Бошланғич ҳужжатлар ва ҳисоб регистрларини сақлаш тартиби 283
6. Бухгалтерия ҳужжатларини туркумларга ажратиш 285
7. Хўжалик операцияларини ҳужжатлаштиришни такомиллаштириш . 288
8. Инвентаризация қилиш ва унинг аҳамияти 289
9. Инвентаризация қилишнинг турлари 291
Моддий қийматликларни инвентаризация қилиш 294
10. Инвентаризация қилишни ўтказиш ва унинг натижаларини расмийлаштириш тартиби 297

САККИЗИНЧИ БОБ

БУХГАЛТЕРИЯ (МОЛИЯВИЙ) ҲИСОБОТИ

1. Ҳисоботнинг моҳияти ва аҳамияти 307
2. Ҳисоботнинг хусусиятлари 308
3. Ҳисоботнинг турлари ва унинг мазмуни 312
4. Бухгалтерия (молиявий) ҳисоботини тузиш, топшириш ва тасдиқлаш тартиблари 315
5. Йиғма бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи 320

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ РЕГИСТРЛАРИ ВА ТЕХНИКАСИ

1. Бухгалтерия ҳисобининг регистрлари ва уларнинг аҳамияти 322
2. Бухгалтерия ҳисоби регистрларининг турлари ва уларнинг шакллари 323
3. Бухгалтерия ҳисоби регистрларини юритиш тартиблари ва уларга ёзиш техникаси 334
4. Бухгалтерия ҳисоби регистрларидаги хатоликларни тузатиш тартиблари 339

ЎНИНЧИ БОБ

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ШАКЛЛАРИ

1. Бухгалтерия ҳисобининг шакллари ҳақида тушунча ва уларнинг ривожланиш тарихи 344
2. Бухгалтерия ҳисобининг қўл меҳнатига асосланган шакллари 347
3. Бухгалтерия ҳисобининг замонавий ҳисоблаш машиналарини қўллашга асосланган шакллари 356

ЎН БИРИНЧИ БОБ

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

1. Бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилишнинг вазифалари ва аҳамияти 365
2. Бухгалтерия ҳисобига давлат раҳбарлиги 366
3. Марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган ҳисоб 367
4. Бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш режаси 369
5. Бухгалтерия аппарати, унинг тузилмаси ва функциялари 373
6. Бош бухгалтернинг бурчи ва ҳуқуқлари 375
7. Бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш йўллари 380

ГЛОССАРИЙ 386

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ 391

МУҲАММАДЁҚУБ ОСТОНАҚУЛОВ

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ НАЗАРИЯСИ

Дарслик

Иккинчи нашр, ўзгартиришлар билан

Муҳаррир Э. Бозоров
Компьютерда саҳифаловчи А. Рўзиев

Босишга рухсат этилди 23.07.2007. Қоғоз бичими 60x84 $^{1}/_{16}$
Оператив нашр. Шартли босма табоғи 26,6. Нашр табоғи 25,0.
Адади 500. Буюртма 748 .

«IQTISOD-MOLIY» нашриёти. 700084, Тошкент ш.,
Х.Асомов кўчаси, 7-уй. Шартнома рақами .

«FAN VA TEXNOLOGIYALAR MARKAZINING
BOSMAXONASI»да чоп этилди.
700003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171.